

ГРАНТ  
МАТЕВОСЯН

# *НОН ВА СЎЗ*

(ҚИССАЛАР)

ТОШКЕНТ

*Гафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти*  
1985

С (Арм)  
М 31

Русчадан **Абдуражид Шомирзаев**  
таржимаси

М  $\frac{4702080200 - 152}{М 352 (04) - 85}$  Доп. 85

© Гафур Гулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1985 й.

## САМАН ОТЛАР УЮРИ



### АВГУСТ

Андро арава ясарди. Қарағайни бир зумда текислайди — қарабсизки, қўш отли араванинг тоқа шотиси тайёр-да, пармалаб тешиқлар очишми — бундан ҳам осон иш бор эканми. Мана, бўлди, арзимаган майда-чуйда ишлар қолди энди. Одамлар ҳам қизиқ, қачон бирор нарсага қўл уришса, худди ўша нарса осмондан лоп этиб тушган-у, уни эндигина кўраётгандек тутишади ўзларини. Умуман олганда, бундоқ ўйлаб кўрилса, бир чеккаси уларники ҳам тўғри, негаки меҳнат куни — меҳнат кунн, лекин жазирама иссиқда кун бўйи қани бир ишлаб кўр-чи... Езги яйловдаги ўтин тугагандиров, Санаасардан ҳўкизини сўраш учун кечқурун қишлоққа боришга тўғри келади энди. Боради, сигирларга назар ташлайди, Ашхеннинг яхши мацуни — қатиғи бўлиши шубҳасиз, мацундан ичади...

Шунақаликка шунақа-я, бунинг ҳаммаси албатта яхши-ю, аммо Андрога араванинг ўқи ёқмаётганди, дарахтни кесаётгандаёқ ёқмаганди унга. Араванинг олд томони чакки эмас — бир навн, — думалоқ, гумбазсимон чиқибди, ҳатто чиройли деса ҳам бўлади уни, лекин араванинг ўзи ўшшамади-да, Андро қанча тиришмасин, барибир ўшшамади, ён томонидан қаралса қинғирми-ей, қийшиқми-ей. Бир-икки кун занжир билан тортиб боғлаб қўйишга тўғри келади чоғи, бундан бошқа илож йўқ.

Ашхен баъзан ҳе йўқ, бе йўқ унга қандайдир бошқа-ча — нотаниш аёлдек кўриниб кетади. Худди ёш қиздек, худди бегона аёлдек туюлади. Ҳа, тўсатдан дилбар аёлга айланиб қолади у. Бунақанги пайтларда унинг узун тили қаёққа ғойиб бўларкин, худо билади, ўзи эса яллиғланиши пасайган чўғдек кўзлари билан сенга қараб тураверади. Ҳа-а-а... Мана қанақа қилиб унинг таъзини бериш керак...

Ашхен унинг олдига — Земляника яланглигига келди; ўт-ўлан ўриб қўйилган, энди уни йиғиштириб олиш керак эди, Ашхен тонг саҳарлаб сигирларни соғди, сутни сузди, кейин ялангликка тушди. Бу ерга келган Андро ўт-ўлан деярли йиғиштириб олинганию дарахт остида аёл киши ёнбошлаганча ётганини кўрди. Узоқдан у Андрога марҳума Амо, жойи жаннатдан бўлсин унинг, марҳума Амо Сируш бўлиб кўриниб кетди. Лекин шу заҳотиёқ бу ўзига наша қилиб, кулиб юборди — Сирушга нима бор бу ерда... Аммо-лекин агар... агар Сируш бўлса-ку, ёмон бўлмасди-я. Аммо бу Ашхен эдида. У тонг-саҳарлаб сигирларни соғиб, сутни сузиб бу ерга келганди. Яланглик ёндираётгандан терлаб кетганди у. Андро Ашхеннинг терчилаган юзига, юмуқ кўзларига тикилди, у ухларди ухларди-ю, гапнинг тўғриси, Андро кўриб юрган Ашхенга мутлақо ўхшамасди. Андро ўт билан унинг бўйинини қитиқлаб, кулимсиради. Ашхен эса уйғонмади, фақат кўз қовоқларигина пирпираб қўйди, лаблари «ялқов, тентак» деди, ўзи эса уйқуда ётганича Андронинг бўйнидан қучоқлади. У ухлаётганга ҳам, кулаётганга ҳам ўхшарди, алқисса, у то Андро ўрнидан турмагунча ётаверди. Овоз чиқармай ўрнидан турганда эса у яна ўша-ўша қоқ тараша Ашхен, ўша-ўша шаллақи, жанжалкаш — бош оғриғи хотин бўлди-қўйди.

-- Бошқалар уйига хашакни аллақачон ташиб бўлиб, бир-бирига ёрдамлашяпти, бу кишим бўлса парво-йифалак... Яна ишлагани келганмиш... Шунақанги боқибеғам, шунақанги тепса тебранмаски, на ёғин-сочин, на қуёш қизиги билан, на қишли-қировли кунлар билан иши бор унинг... Пишириб, куйдириб берганинг етмагандэй, яна чайнаб оғзига солиб қўйсанг...

Андро уни паншаха билан туширишни мўлжаллади-ю, лекин ўзини тутиб қолди: раҳми келиб кетди унга. Бояқишнинг ишлагани ишлаган, аммо чакаги ҳам тинмайди. Аслида тажанг эмас — одатига кўра қарғанади

холос. Бордию тажанг бўлсаям, бунинг сабабини тушунйш мумкин; ахир дунё ажабтовур тузилган-да. Мана, Андронинг ўзи. Аслига кўчганда, у юлдузни бонарвон урадиган йигитлардан эмас. Лекин... масалан, Гикор-чи? Раис ҳам, бригадир ҳам бўлди, омборчи, сотувчи ҳам бўлиб ишлади, фермага мудирлик ҳам қилиб кўрди. Бир жойдан ҳайдашса — бошқа ерга елимдек ёпишади. «Ҳа, энди бу бир тасодиф, англашилмовчиликка йўл қўйилган, эртагаёқ ҳаммаси ўзгаради — текшир-текшир қилиб, ишдан олишади», — деб ўйлайсан, ҳақиқатан ҳам эртаси куни уни ишдан бўшатишади, аммо... лоп этиб — магазинда пештахта орқасида пайдо бўлади, нима бўпти, деб ўйлайсан, бу ердан ҳам барибир кавуши тўғриланади дейсан, ҳақиқатан у ердан ҳам кавуши тўғриланади, тўғриланади-ю, бир пайт қарабсанки... Гикор олтмишга кириб турибди-да, Унга пенсия тайинлашади, хуллас, у ёғлиқ луқмаларга чанг солиб, бутун умри бўйи киши билмас яшаб ўтди, Сен эсанг, қарағай йўнишни бил-у, ҳа энди бу вақтинча-да, деб ўйлашингни қўйма.

Андро Ашхенга уйлангач, орадан бир ой ўтар-ўтмас қир-пичоқ бўлиб уришишди-ю, у билан турмуши турмуш бўлмаслигини англади. Шу-шу ундан кўнгли совиди. Ўтган қишда эса, Ашхен унинг шунақанги жиғи-бийронини чиқардики, Андро ўзини тутолмай тарсаки тортиб, «Йўқол, хешларингникига» деб юборди. Ашхен ҳам жаҳл устида шол рўмолини елкасига ташлади-ю, этагини силкитиб, уйдан чиқиб кетди. Кечқурун эса куёви билан қизини бошлаб, невараларигача етаклаб кириб келди. «Бобожо-он...» Турмушларининг дастлабки ойда бақувват Ашхендан олган лаззати-ю, шундан сўнгра ҳар галги қониқтирмайдиган, икки хил ҳиссиётли чалачулпа роҳат ҳамда узоқ яшашига мутлоқ аминлигу дунёда аёллар кўплигидан умидворлик Андронинг товоидан сочигача ҳали-ҳали жимирлатиб ўтади. «Бобо-о...» Оббо, сен-э!..

У армияда, тўрт юзинчи полкда хизмат қилганида уларнинг ротасини концертга олиб боришди. Ушанда ансамбль:

Оҳ-оҳ, товуссимон, воҳ-воҳ, товуссимон,

Юрсанг гар киромон айлаб, товуссимон...

—деб куйлаётганди.

<sup>1</sup> Шеърларини Сабриддин Садриддинов таржима қилган.

Уларнинг олд томонларида эса юзлари офтобдан қорайган — Арарат водийсининг яқин-атрофдаги қишлоқларидан келишган шекилли, — қизлар ўтирибганди. Улар қизил дуррачали бошларини силжитиб, ҳарбий йиғитларга тез-тез кўз қирларини ташлашарди. Мартин... Ижеванилик эди. Мартин, башараси шунақанги ялпоқ эдики унинг... бечорани Керчь ёнида ўлдиришди. Бечора Мартин, сержант эди, фамилияси Саакян эди... бечора Саакян Мартин... Уша концертда у: «Андро, — деганди, — мана буларни илаштира бўлади, сепкиллиги менга, наригиси сенга...» Андро сепкиллининг дугонасига қараб, уни айлантириши ҳам хоҳлаган, ҳам уялиб кетганди. Қизнинг кўкраклари жудаям келишган ва бўртиб турган эди-да. Кейин Мартинга назар ташлади: ҳарбий форма, худди унга буюртириб тикилгандек, баданига чиппа ёпишиб, камари белни хипча торттириб турарди. Андронинг камари эса брезентдан, бунинг устига этини катта эди — ичида оёғи ўйинга тушиб юрарди. «Йўқ, Мартин, — деди Андро, — боролмайман, ишим бор». Шундай деб йўлидан бурилди-да, старшина билан уришиб-таллашиб бўлсаям ундан ўзига лойиқ этик ундиришга, кейин албатта офицерлар камарини топишга аҳд қилди. Кечга яқин Мартин ҳорғин, аммо оғзи қулоғига етганча кириб келди. Унинг кўзлари шунақанги мастона боқардики... ўзи эса тинимсиз ҳолда мингирлаб, хиргойи қиларди:

Оҳ-оҳ, товуссимон, воҳ-воҳ, товуссимон,  
Юрсанг гар хирмомон айлаб, товуссимон...

Кейин У Андрога: «Овсар, нимага бормадинг?» — деди. Андро эса унга зарда аралаш жавоб қайтарди: «Ўзинг бориб, нима каромат кўрсатдинг?» Мартин эса кўкрагини ерга берган ҳолда хиргойи қилаверди, кейин ёшланган кўзлари билан унга тикилди-да: «Овсар...» — деди яна.

Бечора Саакян Мартин... Япалоқ юзли, қошлари қуюқ, кулганда кўзларидан ёш чиқиб кетадиган ажойиб йиғит эди. Ҳатто у санитарлар замбилида оёқларини чалиштириб, огир аҳволда ётганда ҳам сал-пал йиғлаётганга ўхшаса-да, тишини-тишига қўйиб миқ этмаганди.

Андронинг укаси ҳовлисидаги қари ит — Босар во-вуляди ва шу заҳотиёқ онасининг ташвишли овози ло-

вия жўякларини ҳамда эски, чирик гўнгтепалар узра эшитилди:

— Калха-а-т... эй, ким бо-ор...

Кампир учун осмоннинг ярим-ёртиси аллақачон тундлашган ва унинг назарида, бутун умри давомида — кўзларида нур сўниб, ёруғ жаҳон зимистонга айланмасдан бурун қанча калхат кўрган бўлса уларнинг ҳаммаси ёпирилиб келиб, мана шу осмонга танда қўйгандек эди.

— Эй, ким бо-ор!.. Кал-ха-ат...

Кампирнинг назарида ҳар дақиқада ёмғир шир этиб ёғиб, йиғиштириб олинмаган пичанини расво қиладигандек, ғозлар ловияни чўқилаб ташлайдигандек, ит қариб қолган — кўз-қулоқ бўлиб турмаса, далага бориб, ўша ёқда ҳаром ўладигандек, калхат товуқни илиб кетадигандек, келинлари билан ўғиллари жиққа-мушт бўладигандек туюлаверарди. Шу туйғайли ҳам у ора-сира ганириб қўярди:

— Ғозлар, ғозлар... Ҳа, ҳаром қотгурлар, лаънатилар!.. Ҳой, пичанини йиғиштириб олинглар. Ҳой, ахчи<sup>1</sup>, пичанини ўриб олишдими? Ҳаҳ, тилинг танглайингга ёпишгурлар-а, тилларинг тағи билан узилиб тушгурлар-а, ўғилларимни қонига ташна қилиб юбордиларинг-ку! Босар!..

Мевалар офтобда қоқига айланаётган, кампир нима дейишини қари кўппак кутаётган, арихоналарда иш қилиб, ҳаворанг қутичалар тепасида асалариларнинг қаттиқ гувуллаши ҳукмрон бўлган ҳамда катта ўғлининг уйи томонидан эшитилаётган болта овози тинган бир пайтда шундоққина ёнгинасида қиз кулгиси эшитилди.

— Уятни ҳам билмайсан-а, Манишак, — деди кампир. — Ахчи, Манишак, адирдан қачон қайтдинг?

Унинг саволи жавобсиз қолди, бироқ анча наридан кимдир яна қаттиқ кулиб юборди. Аммо бу қиз кулгиси эмас — аёл кулгиси эди.

— Андраник! — чақирди кампир. — Андраник!.. Андро!..

— Ҳа, нима гап? — ўғли товуш берди.

— Вой, болагинам-ей, нимага жим бўлиб қолдинг?

Дарахтлар ортидан тағини кулги овози эшитилди, бу кулги яна кампирнинг ғашини келтирди.

— Андраник... анави кулаётган ким?

---

<sup>1</sup> А х ч и — аёллар, қизларга нисбатан ишлатиладиган мурожаат.

— Қим кулаётганини қаёқдан билай...

— Эшитмаяпман, жоним қоқиндиқ...

— Билмайман, деяпман...

— Андраник!..

— Нима?

— Отнинг жойини ўзгартирдингми?

— Ўзгартирдим, ўзгартирдим...

Арихона тепасида қаттиқ гувиллаш тинмас, дарадаги сўқмоқ йўлдан эса дачада турувчилар Саакова сойи томон тушиб боришар ва улардан бири бўғиқ овозда астойдил куларди. Улар тўрт киши эдилар: қизалоққа ўхшаш икки қиз, бесўнақай бир ёш жувон — у жуда ям гавдали бўлиб, нақ туядек лапанглаб қадам ташларди, тўртинчиси эса, қизларнинг онаси эди.

Айтишларига қараганда Эрондами ёки бошқа бир мамлакатдами, хуллас қандайдир бир малика аскарларини сафга тизиб, уларни оралаб ўтаркан-да, кўнглига ёққанини тунни бирга ўтказиш учун ўзининг шоҳона хонаи хосига олиб кетар экан. Эрталаб эса у шўрликни калласидан жудо қилар экан. Вой баччағар-эй, вой тошбағир малика-эй. Қизиқ, кечаси у билан тунаб, яна вақтида жуфтак ростлаб қоладиган бундай фаҳм-фаросатлироқ кимса топилмаганмикин-а? Масалан, деразадан сакраш мумкин-ку. Ахир бирон-бир деразами, дарчами бўлгандир-ку у ерда?..

— Андраник?..

— Нимайди, онажон?

— Асаларилар гўжлашиб учаётганга ўхшайдими?

Андро гувиллаш кучайганига қулоқ солиб, осмонга қаради:

— Ҳа, иссиқдан бу, иссиқдан, офтоб жизғинагига оляпти.

Агар у отнинг жойини ўзгартириш учун дарё бўйига тушса, бунинг ҳеч қанақанги ноқулайлиги йўқ. Бечора Алхо кун бўйи бир ерда турибди-я, аллақачон арқониям ўралашиб қолгандир. Узунқулоқ гапларга қараганда, анави баҳайбат хотин эрини ташлаб кетганмиш. Мактаб директори эса, айтишларига қараганда, унга қармоқ ташлаган экан, аёл ҳам унинг уйида бир йил қолишга рози бўлганмиш. Хўш, Рубен, қани айт-чи, нега энди бегоналарга кўз тикияпсан, ахир бошқалар ҳам сенинг хотинингга кўз олайтириши мумкин-ку, шундоқ экан, яхшиси сен ўз хазинангга кўз-қулоқ бўл-у, уйдаги қовушингга ит тегмаслигини эҳтиётини қил, чўмичингни ўз қозонингга ўйнат...



Андро болтани сояга улоқтириб, тиззасига илашган қипиқларни қоқиб, шапкасини кўзигача бостириб кийди-да, дара орқали сой бўйига туша бошлади. Оти арқони етган жойгача ўтни қиртишлаб еб, энди қуёш тигида тап-тақир ерда туриб, қорнига думини «шап-шап» урарди.

— Нимага бунақа қиялсан?— кулимсираб деди Андро. «Бу ишинг хато, Андро. Агар сен уни юккаш отга айлантиришга аҳд қилган бўлсанг унда ахта қилдир, в, йўқ, айғирлай қолсин десанг, унда байталга олиб бор уни».— Эртага сени яйловга олиб кетаман,— деди Андро.

У отни сой юқорисига судраб, тошдан-тошга сакраб ўтар экан, сувга тушиб кетди, илжайиб қўйди, қайта ўтаётганида эса тагин сирғалиб кетди-ю, сувнинг суст шилдираши орасида кулги овозини эшитди. Андро отдан аччиқланиб, дачада турувчилар ёнидан бошини қўйи солганича ўтар экан, улар билан саломлашди. Қизларнинг қирғоқда оёғини сувга солиб ўтирган оналари унга очиқ чеҳра билан жавоб қайтарди. Қорачадан келган, нозик ниҳолгина, бир энлик келадиган трусик кийган қизчалар сой ўртасидаги сип-силлиқ, сирғанчиқ тош устида туриб олиб, кулишарди,— эҳтиросли, босиқ кулги улардан бирига тегишли эди. Баҳайбат аёл нима иш билан бандлигини эса Андро кўришга улгурмади. Баҳайбат аёлни кўрмаганидан ҳамда қизчалар бир энликкина латталарни керакли жойларига турлича тақиб олиб, «кийинганмиз» — деб ўйлаётганларидан унинг кўнгли ғаш тортди. Агар булар ўзининг қизи бўлганларидами, белидан камарини ечиб олиб, хўп таъзирларини берарди-я.

— Ҳа, лаънати ҳайвон...— Андро отга қамчи уриш учун ёнига ўгирилди, ўгирилди-ю, яланғоч баҳайбат аёлни кўрди:— у қўлини боши остига қўйиб, бир оёғини букканча ёнбошлаб ётарди, кўзида эса қора кўзойнак... Андро отнинг бошига кучи борича арқон билан шунақанги туширдик, Алхо тисарилиб, сағриси билан чўккалаб қолди, кейин шу заҳотиёқ ўрнидан турди-ю, яна чўккалади. Бошини осмонга кўтарди. Кейин беозор ўрнидан туриб, чуқур нафас олди. Ана шунда Андро бечора жонивор бир лаҳзада қора терга ботганини пайқадида, унга ҳам ачиниб, ҳам йўлига:

— Шарти кетиб парти қолган бечора...— деб қўйди.

Қизчалар яна хандон отиб кулишди, ановиниси — босиқ кулаётганидан бошқаси эса тошга бутунлай яллайиб, қимирламасдан ётиб олди. Андро ерга қозиқ қоқа-

ётганида кўзи яна баҳайбат хотинга тушди: у энсиз қизил иштонлу худди шунақанги сийнабандда ёнбошлаб ётар, бўлиқ оёқлари эса тирсиллаб турарди. Андро куйганча минғирлади:

— Буларни яна нимага илиб олганикин?

Кейин уларга зимдан назар солар экан, худди ана шу тошда ўтириб, чориқларга тери ошлаган отаси, сувда юнг ювган — оппоқ оёқлари озгингина онаси, харсангтошда ўтирганча, ўзининг сув билан бир мақомда хиргойи қилганлари тўсатдан эсига тушди. Андро отаси бирдан гўридан бошини кўтариб, тошдаги мана бу — нақ девдай, қизил иштонли аёлни, ҳе сени туққан... — аёлни кўришини кўз олдига келтирди-ю, кулгиси қистади. Бироқ у кулиш ўрнига маъюсланди. Андро чориқларга тери ажратаётган оппоқ соқолли отасининг жимжит мозорини хотирлагани ва мозордаги ўт-ўланлар ҳам сукут сақлаётгандан, унсизлигидан, мана бу аёл эса отасининг нақ бош томонида ётиб олиб, қуёшда тобланганча роҳатланаётганидан, яна онасининг сувдаги оёқлари қуёшда қораймаганию ориқлигидан, юнг ювганлигидан ва ўзи сув билан бир мақомда куйлаганидан, яна бечора Алхони уриб қора терга ботирганию мана бу бугдоймағиз қизчалар сой ўртасидаги тошдан ниш уряб ёриб чиққан бақувват икки майсага ўхшашлигидан маъюсланганди.

...Унга отаси болта учун соп ясаб берганди. Эсида, ўшанда у эски, қорайиб, босилиб кетган гўнг устида турганча, ошқовоқни ўйнар, отаси эса асалари қўтилари ўртасига ўтириб олиб, боларилар овозига қулоқ соларди. Андро бирдан:

— Дада, дадажон, — деганди, — болтамнинг сопи йўқ-ку, ахир...

— Эшитмаяпман, оппоғим... — Шундай деб отаси оғзини очганча кулимсираб, Андрога тикилганди, унинг соқоли шунақанги оппоқ эдики...

Андро ўшанда битта-битта юриб, отасига яқинроқ борган, асалари қўтисига тирсагини тираб, жилмайганди:

— Болтамнинг сопи йўқ, деяпман, нима қиламан энди?

— Ясаб бераман, оппоғим...

Отаси шошмай, мулойимлик билан гапира-гапира, рандалаб, йўниб, шиша билан қириб, мовут билан артиб, кафти билан силаб кўриб, болтага соп ясаб берди. Кейин оғзини очганча, ўғлига тикилди-да, мақтана бошлади:

— Шумтоя яхши эди-да, сендек пайтимда шох қир-қардим,— чол шундай деб, ўгли нима дейишини кутиб турди. Эҳтимол отаси ўзининг мақтовга унча арзимас бу ишига ўшанда катта маъно бергандир. Турган гапни, бу бор-йўғи шумтоядан қилинган соп эди, лекин шох қирққан пайтида...— Кейин бориб қарасам, ўша дарахт йўқ...— Шундай деб, у яна оғзини очганча, ўглига тикилди.

Кейин ўрнидан туриб, ҳожатхона томон юрди, тор сўқмоқ йўлда адашиб, омборхона қаршисидан чиқиб қолди, кейин букчайиб олиб, шимининг тугмаларини тмирскилай бошлади...

— Андраник!

— Ҳа...

— Нимага ишламай, қаққайиб турибсан?..

— Ойи, нима бало, бу, бригадирмисан, дейман...

— Эшитмаяпман, жоним қоқиндиқ...

— Ишляяпман, ишляяпман...

— Барака топ, жоним қоқиндиқ...

Қунгабоқарлар сукут сақлаганча қуёш томонга ўгирилиб, помидор пуштаси сув ичаётган, нашвати бандидан узилиб тўп этиб ерга тушиб, тукли арининг гўнғиллаган овози қутилар ўрнатилган жойдаги бир оҳангли «концерт»ни бузаётганди. Худди шу пайтда мактаб директорининг челақ кўтариб олган хотини ёлғизоёқ йўлда кўринди. У оҳиста-оҳиста, ноз-таманно билан юриб, булоққа кетаётганди, чиройли халатининг бари очилиб кетиб, гоҳ тиззаларини очар, гоҳ беркитар, гоҳ уни кўрсатар, гоҳ яширарди. У булоққа энгашган эди, гумбаздай бўлиб кетди. Кейин қақдини ростлаб, у ёқ-бу ёғини тузатиб қўйди-да, қўлини белига тираганча андак туриб қолди.

— Андраник!..

Бу пайтда Андро усти очиқ асалари уяси ёнида турганча, унинг тепа қисмини қопқоқдан ажратувчи латтани олаётганди. Дока осонгина кўча қолмади ва уни ҳар силкитиб тортганида уя қимирлаб, безовталанган асаларилар «ғув-ғув»лаб учиб чиқа бошлади. Битта асалари Андронинг кафти орқасидан ўрмалаб бориб, енгиде ўралашиб қолди. Андро енгининг ичига тутун бурқситган эди, асалари енгидан тепага қараб учди, аммо ўша заҳоти йиқилди.

— Андраник!..

— Жудаям эсини еб қўйибди-ку, бу кампир!— пичирлади Андро.

Юқори томондаги сийрак ўрмондан устига пичан ортилган эшак чиқиб, аста-секин яқинлашиб келаверди.

Ромлар тобора оғирлашиб, асал тўла мумлар қуёш-да ялтирарди. Икки кундан сўнг йиғиштириб олса бўлади. Пастки ромлардан бир-иккитасини бўшларига ҳозироқ алмаштириш мумкин. Мабодо ҳаво айниса, мана бу иккита ромни яна жойига қўйиб қўяверади-да, Андронинг бўйин томири бирдан «жиз» этди — сочига ўралашиб қолган асалари қулоғи остида гингиллаб турди-да, визиллаганича учиб кетди.

— Андраник!..

— Нима дейсан ахир?— аччиғи чиқди Андронинг.

Аксига олиб бўйни қаттиқ оғиррди. Эшак устига ортилган пичан ўрами бир томонга қийшайганча Андро томонга келарди. Эшакни ҳайдаб келаётган кимса эса ҳалиям кўринмасди. У қария ёки бирон-бир бола-пақир бўлса керак... Степан яшаш йўлини ҳўп устамонлик билан топган-да, ўн йилдан бери, «қасалман», деявериб жонга ҳам тегиб кетди, лекин қачон қарама сигирининг қорни мешдай, яна пичани ҳамманикидан кўп... Андро ромни жойига ўрнаштиради, ярми бўш ромни олиб қутига суяб қўйди, кейин унга қути ўртасидан жой бўшатди. Ромга дока тортаётганида эса асалари-лар унинг қўлини ҳам чақиб олишди. Андро кулимсираб қўйди. Бу қутидан камида ўн-ўн беш килограмм асал чиқади. Йил яхши келди. Андро қутини қопқоқ билан беркитгач, кафтидан ари нишини олиб ташламоқчи бўлди, бироқ у шишиб, дўмбираси чиқиб кетган бармоқларига илинмади. «...Оғришга оғрияпти-я, лекин ўлсанггина ҳисоб, ана ўшанда ишонишади... битта сигир учун эса, э-ҳе, қанча пичан керак. Агар кечаси тўйиб ухласа борми, бир кунда ўриб ташлаши мумкин уни».

Пичан четан девор бўйлаб келди-да, молхонани ёнлаб ўтиб, нокка етганда Андронинг уйига бурилди. Ана шундагина Андро пичан эшакка ортилмаганини кўрди.

— Андраник!..

— Ҳа?

— Пичан олиб келаётган ким?

— Мариям.

— Мунча ортмоқлаб олмаса, айт унга, озроқ кўтарса бўлмасаканми...

— Ўзинг айтиб қўя қолдинг-ку...

Мариям етиб келиб, орқасидаги пичан боғи билан дарахтга суянган эди, гандираклаб кетди. Ёғочга тиралмоқчи бўлди-ю, эплай олмади, ерга чўккалаб ўтириб қолди. Лабларида билинар-билинемас табассум жийва қилди.

— Шаҳардан қайтишга қачон улгура қолдинг, шаҳарлик хоним?

— Келяётганимни кўра солиб, асал олиб қўйдингми? Баракалла!

— Бўлмасам-чи, бўлмасам-чи, ахир министрнинг келяётганини кўриб қолдим-да, ҳозирлигимни кўрдим,— деди Андро.

Мариям арқонни у елкасидан бу елкасига ўтказар экан:

— Министрдан қаеримиз кам экан бизнинг?— деди.

— Аксинча, — Андро кулиб юборди, — министрнинг бунақанги пичан боғлами йўқ.

— Қуриб кетсин пичаниям, қўлларим увишиб қолди.

— Мунча таранг тортиб боғламасанг?

— Уроқчилар боғлашганди.

— Ахчи, ҳали сен буни тоғдан кўтариб келяпсанми?— ажабланди Андро.

— Ут-ўлани бошқа яна қаердан ҳам топасан ҳозир?

— Э, қойил! Шаҳардан қачон келдинг?

— Кеча.

— Пишлоқнинг кетиши қалай?

— Олишмади, уюлиб кетибди ўзи пишлоқ дегани.

— Кўп бўлдингми у ерда?

— Тўрт кун.

— Кўриниб турибди, — деди Андро.

— Нима, чиройли бўлиб кетибманми?

— Ҳа-да.

— Ҳеч бўлмаса хотинингчаликдирман.

— Нимасини айтасан. Кўзинг ўткирроқ, мана бу нишни олиб ташласанг-чи.

— О-ҳо, роса семириб кетибсан-ку, нақ...

— Бошқа пайтларда чаққанда ҳеч гап бўлмасди, бу гал эса... чиқариб бўлмаяпти... Куёвингдан хурсанд-мисан?

— Рисоладагидек йигит, ишига пишиқ.

— Кенжа қизингни қачон узатмоқчисан?

Ниш чиқа қолмасди, арқонлар ҳам халақит берарди — Мариям қўлларини эркин ҳаракат қилдиrolмасди. Андро бўлса, бутун оғирлигини ташлаб, йўғон бўйнини унинг тиззасига қўйиб олган, оёғига эса нимадир — пайраҳами, тошчами — қаттиқ ботаётганди.

— Хўп одамсан-да, — ўпкаланиб деди Мариям, — ҳеч бўлмаса арқонни ечиб юборсанг-чи.

Мариям пичан боғи остидан амаллаб чиқди-да, ўрнидан турди — ловия пояси боғланадиган таёқдск

тпаян-тик, эти суягига бориб ёпишган, чайир аёл эди у.

— Совчилар келишяпти, бу йил тўққизни битиради, узатиб юбораман.

— Елгизланиб қоласан-ку.

— Нима, ҳозир ёлгизмасманми?

— Ахчи,— Андро кулиб юборди,— ахчи, кел, ўзинг ҳам эрга тегиб қўя қол.

— Кулавер, устимдан кулавер...

Андро охирги кергини михлаб, аравани бутунлай қўлдан чиқаргачгина, аравакашлар уни бошлаб сўкишларини фаҳмлади. Араванинг орқа томони ҳаддан ташқари кенг эди.

— Ишдан совумасингдан олдинроқ бора қол,— деди Андро.

— Э-ҳе, аравачаям ясабсан-да, оббо уста-ей!

— Оғзингга келганини вайсайверма,— деди Андро,— пичанингни олу йўлингдан қолма.

Бироқ Андро қўлида занжир кўтариб омборхонадан чиққанида, Мариям ҳўл кўйлагини орқасига ёпишган — текис, қуймучи йўқ ҳолда, эркаклар ботинкасини кийганча турарди... Андро ҳамиша қўлидан келганича унга ёрдамлашарди, Василининг ўлганини ундаи яширарди, керак бўлса — отини бериб турар, вақт топса — емхашак ўриб берарди, бироқ Мариям ўша-ўша тахтакашдан чиққандек теп-текис, қотма, қоқ суяк Мариям эди.

Мариям сув олиб ичиб, тагида қолганини Андронинг юзига сепиб юборди.

— Кулавер, устимдан кулавер...— Шундай деб кўйлагини баданидан кўчира бошлади. Кейин кўйлак остидан елкасини артиб қўйди.— Кетишга эриняпман, ишдан совиб бўлдим, қимирлагим келмаяпти,— шундай деганича у аравага ўтирди.

— Э-э, пастга тушсанг-чи, ҳозир синдирасан... Ахчи!— Андро кафтини кафтига урди.— Биласанми, бугун нимани кўрдим, айтсам ишонмайсан, сойда оқ қўтосни кўрдим... Чиндана менга қарашмоқчи бўлсанг, лўмни олиб бер, хув анави ерда турибди, бир йўла чўкични ҳам олиб кел, нима бало, кўрмисан, ана, девор тагида турибди-ку...— Андро лўмни занжир билан ўради.— Арқонни узат. Мөлхонани қара. Пўгон арқонни ол, тентак. Ҳа, боракасан-ку! Қўтос... қўтос бўлгандаям асти қўявер! Агар яхшигина бичиқчи бўлса — ўнта Мариямга етиб, яна Ашкенга ҳам ортиб қоларди.

— Бундан чиқди, хўп синчиклаб кўздан кечирибсан-да.

— Ахчи-и-и...

— Хўш, нима бўлибди...— деди Мариям,— ўз аёлларингизни эсдан чиқариб, энди бошқа қўтосларни төмөша қилишга кунларингиз қолибди-да...

Андро уялиб, гапини йўқотиб қўйди, кейин маъюс тортди. Мана, Мариям қиз чиқариб, невара ҳам кўргандай, ўзи эса, эҳтимол, бор-йўғи қирққа киргаидир. Қирқ ёш — бу ёшда аёллар латофатли бўлади шекилли, у эса кўҳли жувонга ҳеч ўхшамайди — ҳали картошка тўла қоп ё ўтин боғламини орқалаган, ҳали қўлида болта тутган, ҳали бригадир билан даҳанаки жанг қилган...

— Мариям,— деди Андро.

— Нима дейсан?

— Мариям, ёшинг неччида, а, Мариям?

— Ун олтида,— деди Мариям,— қиз боладайман ҳали.

— Қирқлар борми?

— Ўттиз олти. Ўттиз олтига кирдим, Андро.

— Тц-тц-тц... ўн тўртга кирмагандайсан ҳали...

— Тентак,— деди Мариям ғамгинлик билан,— ўтакетган тентаксан, қовоқ калла.

— Бу азалдан маълум-ку,— деди кулганча Андро.

— Эрсиз қолганимда йигирма ёшда эдим...

— Мариям...

— Нима?

— Ушандан бери эрсизмисан?

Мариям нокка қаради, асалари қутиларига назар солди, кейин Андрога кўз ташлади.

— Мазах қияпсан-а.

Андро оёғи билан болтани ўйнади.

— Мариям... Мариям... эркаксиз жудаям қийин бўлса керак, а? Мени кечир, Мариям, ўтинун пичан, уй ишлари тўғрисида гапираётганим йўқ, буни биламан... шундоқ... эркаксиз жуда қийин бўлса керак, а?

Мариям лабларини қаттиқ қимтиганича, унга қаради.

— Мариям... Мариям... онда-сонда бўлсаям... шуичаки... ҳеч ким билан...

Мариям сукут сақлаганича қараб турарди. Қуруқ суяк, бечора Мариям.

— Мариям,— деди Андро,— Мариям, сингир-пигиринг сенга нима кераги бор, а, Мариям? Сотиб юбор уни, турмушга чиқ, қизинг билан бирга куёвингникида яша,

Ўзингни ўзинг қийнаб нима қиласан, Мариям? Дунёга икки марта келмаймиз-ку, ахир, тентак. Сигир боқиш—сенинг ишинг эмас: Мариям, Мариям, сен пичанни бошқа орқалаб, ташиб юрма, тентак...

Андро уйдан чиққанда нокнинг ёнгинасида айёр тулки Гикор ўтирарди, у ўзини Андрони кўрмаганга солди.

«Ит асраш керак»,— кўнглидан ўтказди Андро, кейин ити борлигини, ҳозир у адирда, яйловда эканлигини эслади.

— Ухлаб ётгандингми, Андро?

— Ҳа,— деди Андро,— ухлаб қолибман. Мариям келиб, уйготворди.— Шундай деб Андро эснаб қўйди-да, сўради:— Оламда қандай янгиликлар бор?

— Нокинг пишибди.

— Дарвоқе,— деди Андро,— мазасини татиб кўр.

— Ейишга тишим йўқ. Сенинг асалариларинг яхшида. Менинг асалариларим бўлса нимагадир дарғазаб, қачон қарасанг ғужланиб учгани-учган, битта яхши оиласи бориди, ўтган йили яхши эди, бу йил эса ғужлашгани ғужлашган. Ароқ тортасанми?

— Кўрамиз.

— Нимасини кўрасан, шунча мевани қаёққа қўясан, хайф-ку ахир... Андро,— Гикор унинг кўзига тик қаради,— олдинга илтимос билан келгандим. Қандай илтимос билан дегин?

«Асаларилар ғужлашиб учяпти, асалари қутиси йўқ. Эҳтиёт шартдан олиб қўйганинг бордир, агар йўқ бўлса, сенга бирпаслик иш, ясаб бер, лаънатилар, ғужлашгани ғужлашган, жонга тегиб кетди...»

— Нимага?— сўради Андро.— Неча ёшга бордингки, тишларинг тушиб кетган бўлса?

— Олтмиш еттига кирдим.

— Ол-а,— Андро ундан ранжиб, кулимсиради.— Мен сенга пенсия тайинлайдиган комиссия эмасман-ку, нима қиласан мени алдаб.

Шу пайт Мариям уйдан шарпасиз чиқиб, остонада тўхтади.

Гикор улар икковини бир пиллапоя устида кўриб, айни пайтда Андронинг тўсдай қора мўйловни соқолини эслади-да, булар кўпдан бери дон олишиб юришибди, деган фикрга келди — «сўққабош аёл, унинг ҳам нафси бор ахир»,— демак, бурноғи йил қишда Андро Мариямнинг уйи ёнидаги ёғочни бекорга уриб кетмаган экан-да, яхши ёғоч эди, қуруқ эди. Гикорнинг ўзи уни кўз остига



олиб қўйганди, бироқ, афсуски, ундан ҳам эпчилроқлар чиқиб қолди-да.

— Тўқсон саккизинчи йилман. У ёқдан икки йил, бу ёқдан олтмиш беш — жами олтмиш етти. Сени чақалоқ-лигингдан биламан.

— Ҳазиллашаяпман, ҳазиллашаяпман, хафа бўлма,— деди Андро кулганича.

— Ҳазиллашган тақдирингда ҳам нимага сендан хафа бўларканман.

Мариям Андронинг ёнидан чурқ этмай ўтди-да, пичан боғлами ёнида бирзум туриб қолди, кейин қўлини арқон остидан ўтказиб, бирдан чўнқайди, тиззалаб ўтириб, қўллари билан ерга тиралди.

— Ахчи, тўхтаб тур, ёрдамлашиб юбораман,— Гикор шундай деб у томонга юрди.

Мариям унга жавоб қайтармади-да, бир қўлу тиззасини ердан узиб, қаддини ростлай бошлади, ана шу пайтда Андро унинг униққан чеҳрасию бўртиб чиққан бўйин томирларини кўриб қолди.

— О-ҳо-о, ҳали ҳам бақувватсан-а,— деди Андро Мариям ўрнидан туриб олгач.

Мариям юки елкасига ўрнашиброқ жойлашиши учун бир силкитиб олди, ана шунда Андро унинг сўник, ғамгин жилмайганини кўрди. Кейин сўқмоқ йўл томондан, нок остидан унинг жавобини эшитди:

— Бақувват бўлсам, сенга нима!

Пичан шоҳга илиниб, уни чиқариш учун Мариям энгашган эди, муккасидан кетишига бир баҳя қолди, кейин орқасига тисланди-да, букчайганча шоҳлар остидан юриб кетди, эгилган шоҳлар тикланиб, пишган ноклар ерга дув тўкилди.

— Нокдан олсам майлими?— дея Мариям орқасидаги пичан билан чўнқайди.

— Нодон,— деб қичқирди Андро,— шоҳидан узиб олсанг-чи, ўзи оғзингга кириб кетай деяпти-ю!

У бўлса ҳам ердан териб, ҳам шоҳлардан узиб олди, яна устамасига кулиб юборди.

— Хўп яхши аёл-да,— деди тулки Гикор.— Ёш, яна бақувват.

Демак, Гикор от сўраяпти. Қасахдан бир неча пуд дон олиб келиши керак у, кўп эмас — бор-йўғи беш пудча, ўзининг оти эса бунақанги юкка ярамайди, жудаям қуркович, устига-устак йўл ёмон, яна кечаси борилади у ёққа, ўзининг оти бўлса асов — ўзиниям шикастлантиради, Гикорни ҳам майиб-мажруқ қилиб қўяди, тўғри,

у бақувват, лекин унда фаросат деган нарсадан тариқча ҳам йўқ. Юк эса унчалик кўп эмас, беш пудча, нари борса олти пуд келар. Отга иссиқда жабр бўлмасин деб йўлга тунда чиқади, кундузи эса унга дам бериб, сули билан боқади, кейин от иссиқда қийналмасин деб, яна кечаси қайтиб келади.

Ашхен барчадан олдин сигирларини соғиб бўлди, сутни ҳаммадан олдин ва кўп топширди, сигирларини қашлаб, силаб-сийпади, бузоқхонани тозалади,— энг тартибли бузоқхона уники эди. Бузоқлари эса дурикун ва серҳаракат. Уларни чўпонга топширди, сўнг чодирини саранжом-саришта қилди-да, олдинга кирсовун, кейин хушбўй совун билан ювинди, таранди, бошига рўмол ўради. Бошқа аёллар эса,— бошларига рўмол ўрашса, сочларини тарашмайди, соч тарашса рўмол ўрашмайди. Ашхен эса унақа эмас. У ҳамиша покиза. Хуллас, у ювиниб-таранди, рўмолини ўради, бармогига олтин никоҳ узугини тақди. Ашхен шунақа — бутун борлиги билан оилапарвар хотин, қўлига олтин соатини тақди, кейин — беҳад озода, ораста, саранжом-саришта, ҳамишагидек илғор, ҳалол, тўғри сўз ва ҳамишагидек хушрўй ҳолда ферма мудири Левон қаршисида пайдо бўлди.

Кейин ҳар доимгидек камтар, ювош, итоатли — барча қишлоқ аёллари каби мўмин бўлмиш арман аёли Ашхен то Левон амакининг ўзи гап сўрамагунича кутиб тураверди — кексаларга унинг ҳурмати баланд эди.

— Нима демоқчийдинг, Ашхен?

— Левон амаки,— деганча, уятчан, тортинчоқ, шаҳарлик такасалтанг ойимчалару қишлоқи бузуқ аёлларга ўхшамайдиган ва илғор сут соғувчи бўлган Ашхен нима тўғрисида илтимос қилмоқчи эканлигини то Левон амакининг ўзи фаҳмлаб етгунича кутиб тураверди.

— Бирор ёққа бормоқчимисан, Ашхен?

У бошини силкитиб қўйди.

— Агар кечки сут соғиш вақтигача улгурсанг — сўрашингни ҳеч ҳожати йўқ. Ҳозир бўш вақтинг, нима иш қилсанг — ўзинг биласан.

Лекин Ашхен эслик аёл: то жавоб сўрамагунича — бир қадам ҳам жилмайди. Ҳа, у андишалик хотин: ишчиларнинг, водийда ишлаётганларнинг кўнгли мацуни тилашини билади. Кейин Ашхеннинг қўли очиқ, зикналикни ҳечам билмайди, ўз сигирининг мацунигача уларга келтириб беради. Яна у жудаям жонкуяр — ўзини мутлақо

аямайди: эгилиб-букилиб бўлсаям зил-замбил мацунни ўзи кўтариб боради. Кейин Ашкен ғамхўр, то ишчилар овқатланиб бўлгунарича безовта қилмайди уларни, камсуқум, босиқ Ашкен кўзини ерга қадаганча ўтти ўйнай бошлайди. Булоқдан сув олиб келгани ҳам Мариям билан биргаллашиб боради — улар қиз ўртоқ, бир-бирларини гап-сўзсиз тушунишади, кейин булоқдан сувни аёл кишигина келтириш лозимлигини ҳам билишади улар.

Ашкен челақни сувда яхшилаб ювди-да, қашиш нов устига қўйди, тўнтарилиб кетмайдими деб, яхши ўрнашган-ўрнашмаганини текшириб кўрди. Сувга тупроқ тушмаслиги учун Мариямни бир четга олиб борди, йиртилмасни деб унинг рўмолини ечиб қўйди. Кейин кўпроқ тутамлашию юлиниб чиқмаслиги учун унинг ҳамма сочини бирваракайига чаггаллаб, елкасига, кўкрагига, қорнига, орқасига, қўймучига, кейин бошқатдан елкасига, кўкрагига, қорнига, орқасига, қўймучига ура кетди. Сўнгра фақат орқасига — ҳам оғриши, ҳам кўкарганлиги кўринмаслиги учун фақат орқасига, орқасига ураверди.

Пировардида унга сув ичириб, сочини тараб олиши учун тароғини берди, бошига рўмолини ўратиб қўйди-да, унинг челагини ҳам ўзи кўтариб йўлга тушди.

## АХЛО

— Ўзим тоққа чиқмоқчи бўлиб турувдим-ку, Гикор...

— Тоққа чиқмоқчимидинг? — хижолат тортгандек деди Гикор. — Энди нима қилдик, а? — У довдираб қолганга ўхшаб, бир оз турди, кейин худди йўлнинг топгандек, бирдан хурсанд бўлиб кетди. — Сен менинг отимда борақол. Бор-йўғи ўтин ташийсан-ку. От бақувват — қанча хоқласанг шунча ўтин юкла унга. Ростини, у бегоналарни ёқтирмайди, ҳуркиб кетади, — шубҳалана бошлади Гикор.

— Етти-саккиз ёшли от — тойчамас-ку, ҳуркиши нимаси, — Андро кулиб юборди.

— Эркаклигидан ҳам ҳали унча-мунча бор унда, гоҳ-гоҳида, ҳеч кутилмаганда бирданига кўзи қонга тўлади-ю, пишқириб кишнайди, — дея тушунтирди айёр Гикор. У шу қадар астойдил тушунтирдикки, Андро унинг гапларига қизиқа бошлади:

— Отигни бичилган, деясанми?

— Йўқ, ичига тортилиб кетган. Болариларингга хўп яхши қарайсан-да,— уни мақтади Гикор.— Айта<sup>1</sup>, отингни берасанми, йўқми?

— Бирон-бир фарқи борми отларимизнинг?

— Мишмишларга қараганда фарқи йўқ, лекин менинг отим фарқ қилади. Бичмоқчимисан — бич, ичига торттириб нима қиласан?— яна бу қанақа мода чиқиб қолди-а? Бу воқеа қачон бўлганди — кечамиди, Сона тоғдан тушиб келаётганида бирдан қутуриб, устидагиларнинг ҳаммасини улоқтириб юборибди...

— Эгар молхонада, хашак устида ётибди,— деди Андро,— от сойда. Кўп юк ортма унга, Гикор, сенинг пудинг қанчалиги менга маълум.

Гикор энгил, айни пайтда кексаларга хос оҳиста қадам ташлаб, молхона эшиги томон юрар экан, рўзгор ишларининг пиридек, Андрони ичида койиб қўйди: «Бўшсан, шўрпешона, бўшсан, пудим қанчалиги сенга маълум бўлса, ҳа, нимага энди отингни беряпсан... мана бу эгарини томоша қилинг, эй, сенга ким қўйибди от боқишни».

Андро Гикорнинг молхонадан алланечук авзойи бузилиб қайтганини кўрди-ю, қарияни ўзи хафа қилиб қўйгандек туюлиб, қаттиқ-қуруқ гапларини ювиб юбормоқчи бўлди.

— Ҳамма гапларим ҳазил, Гикор, шунчаки ҳазиллашяпман,— деди Андро — сойга тушганингда кўрқиб кетмагин, сувда оқ кўтос ўтирибди.

— Ол-а,— ишонмади Гикор.— Ўзинг кўрдингми?

— Отнинг жойини ўзгартиргани боргандим, ўшанда кўрдим.

— Ёшсан, ана ўшанақаларга кўзинг олма-кесак таради сенинг!— Андронинг асалари қутиларининг туриши Гикорга ёқмади — жаҳли чиқиб кетди, акамқарағайнинг ноклари ҳам тўкилиб расвои жаҳон бўлибди, ана шундан сўнг у бутунлай ғазаб отига минди:— Сен кўтосларни томоша қилиб юравер, бу ерда эса нокнинг ириб-чириб кетаверсин,— деди-да, раислик пайтларидагидек амал отига миниб дарҳол буйруқ қилди:— Бочкани сой сувига яхшилаб бўқтирасан. Эртага дарахтда биттаям нок қолмасин. Минг сўмлик нарса исроф бўляпти-ю, бу акам эса куппа-кундузи хурракни уряпти...

Гикор даранинг нақ тепасига чиқиб олганида Андро қичқирганча сўради:

<sup>1</sup> Айта — «Ҳой, йигит!»— эркакларга мурожаат.

— Гикор амаки... Тоғ орқали кетасанми?

— Ҳали аниғмас...

— Агар тоғ орқали кетсанг, Ашхенга айтиб қўй, икки кунлардан сўнг бораман... Ўтин олиб бораман...

— Андраник...— шу пайт онасининг овози эшитилди.

— Нима дейсан?

— Отни кимга бериб юбординг?

— Гикорга.

— Нимага керак экан унга?

«Нимага керак,— деб сўраб бўларканми?»

— Эшитмаяпман, жоним қоқиндиқ!..

— Касахга бормоқчи экан.

— Жониворга ачинмайсанми?..

— Нима, бели майишиб қолармиди унинг?..

— Дарвоқе, жоним қоқиндиқ...

Сой дара тошлари орасидан нималарнидир шивирлаб оқар, қизларнинг онаси тиззасига бошини қўйганича гоҳ мудрар, гоҳ сой, гоҳ қуёшда тобланиб қораймаган оппоқ оёқларига хаёли кетиб маъюсланар, қизлардан бири ранжиганича, чордона қуриб, терс ўтирар, онаси унинг қулоғи атрофини ўт билан қитиқлар, у эса лабини чўччайтириб, янада тескари ўгириларди, баҳайбат аёл бўлса ўзининг силлиқ орқасини офтобда тоблашни тобига етказаётганди. Алхо улардан сал нарироқда ғамгин ҳолда турарди. Буларнинг ҳаммаси ташландиқ — ишга ярамайдиган тегирмону чириган дарахт илдизига сув қуйгандек қандайдир беҳуда, ястланиб ётган далага нури тушмаган қуёшдек бефойда эди. Чунки сой ўз сувини эгатлар оралаб тараши, қизлар онасининг сохт-сумбати юнг ювувчилар каби адл бўлиши, қизлар малиналарни, ўрмон орқасидаги ёввойи нокларни териши, пичан ўриши, чалғичиларга сув олиб бориши керак эди. Мана бу баҳайбат аёл эса ғарам ёнида туриб, пичан боғларини юқорига узатиши ёки... Ёки адирлардаги чўпонлар хотинсизликдан ўлиб бўлишяпти... Гикор тўхтаб, буларнинг ҳаммасига узоқ қараб турди, кейин кулимсираганча, бошини чайқаб, Алхо томонга юрди.

— Бекорчиликдан ҳаром ўлай деяпсанми,— деди у Алхога.— Касах йўли эсингдами? Ҳали унутганингча йўқми?

Алхо мудроқ аралаш устига эгар қўйдирди, оғзига сувлуқ олди, бепарволик билан ўзини эгарлатиб, силкина-силкина, тошлар орасидан йўлга тушди. Кейин...

оёқ қўйган тоши бирдан юмалаб кетдию қорни билан ерга ётиб қолди.

«Чув...» — сувлиқ эски яраларига ботди, юмшоқ хивич қорнига қаттиқ тегди, ана шундагина Алхо қари тулки Гикорни таниди. «Чув...» Бу унинг ўпкаси тиклишино димиқишинни, олис йўлу мунофиқона айтилган ширин-шакар, далда берувчи носамимий сўзларни, яна оғир юкни ҳам билдирарди.

Алхо пишқириб, йўртиб кетмоқчи бўлганди, бироқ шу заҳотиёқ жилов лабларига ботиб, уни ирғишламай, секин юришга мажбур қилди. «Мени эсладингми, деясанми?..» — Жилов ҳақ бўлиб чиқди, негаки шу лаҳзадаёқ Алхонинг қаршисида дўнглик қад керди, агар йўртиб бораверганида, олдинги оёқлари чалишиб йиқиларди-ю, тумшуғи ерга урилиб, пачоғи чиқарди.

Гикор эгарда ўтирган жойида ўгирилиб, ҳар эҳтимолга қарши қизлар томонга қараб деди:

— Она қизларим, малина пишиб ўтиб кетибди, бориб териб олсанглар қишга мураббо пиширардинглар. Дадангиз ҳам хурсанд бўларди.

Баҳайбат аёл пишқириб нафас олди, чалқанчасига ўгирилиб, киндигини қуёш тифига солди, қизлар бўдса пиқиллаб кулиб юборишди.

— Синглим, сенга айтяпман, — деди Гикор қизларнинг онасига няғи билан имо қилиб.

Қизларнинг онаси ёзги ялқовлик ғамгинлиги билан тивзаси узра назар ташлади, баҳайбат аёл эса ўрнашиброқ ётиб олди, худди шу дақиқада Гикор тўсатдан тушуниб етдики, йўқ... йўқ — у пичан ғарамлаш учун ярамайди, чўпонлар чаласавод, соқоли ўсиб кетган, қўпол бўладилар. Йўқ, чўпонларга ҳам ярамайди у.

— Шилталардан чоғи, — Гикор минғиллаганича, уларга яна бир карра қаради-ю, ҳеч нарсага тушунмай, гарангсиб қолди, кейин ўзига ўзи, олам бузилиб кетди, деб қўйди. — Дунё разиллашиб кетди, — деди у ўзига ўзи, — бузилиб, мураккаблашиб кетди, ҳеч нарсага тушуниб бўлмайди.

Улар дўнгликдан ўтиб, йўлга чиқишгач, Андронинг уйига олиб борувчи сўқмоқ кўзга ташланди. Шунда Алхо анойилик билан айёр Гикорни алдашни шунақанги хоҳладикки, аста қўяверинг. Бугун ҳам одатий кундек, дарадан чиқиб, донмий йўлу сўқмоқ билан уйига кетаётгандек кўрсатмоқчи бўлди ўзини. Қадамини секинлатди, кейин бирдан сўқмоқ йўлга бурилди, бироқ шу заҳотиёқ сувлиқ тортилиб, узанги эски чандиқларига ботди.

— Мана бу тулкини қараинглар-а, мана бу тулкини,— деганича, тулки Гикор уни қишлоқ йўлидан ҳайдаб кетди.

Ловия поялари орасидан ингичка тумшуқли сариқ қанжиқ ит югуриб чиқди. Алхо ҳорғинлигу аччиғлиниш билан итни тепди, айни пайтда у йўл ўша-ўша — чидаб бўлмас даражадаги оғир юк билан бағоят пессикда ўп-каси оғзига тиқилиб борадиган машаққатли йўл эканлигини тушунди, мана шунинг учун ҳам Алхо ҳорғинлик ва жирканиш билан қанжиқни тепди ва айни пайтда туёғи қандайдир юмшоқ нарсага кириб-чиққанини сизди.

— Уйингга ўз йўлингдан борсанг бўлмайдими! — деди жиззаклик билан мактаб директори Рубен даингиллама уйининг остонасида турганича.

— Менинг йўлим — шу, ўзинг қанжигингни боғлаб қўй, — жеркиб ташлади Гикор.

— Бировларнинг отини мингани минган, яна бировларнинг итини ҳам ўлдиради.

— Шикоят қилгани қишлоқ Советига югур, — деди Гикор, аммо-лекин эгилувчан хивич ҳар ҳолда Алхонинг курсоғини жизйлллатиб ўтди.

Ингичка тумшуқ қанжиқнинг баджаҳллиги маълум, устингга албатта ташланади, шунинг учун унинг нафасини бир зумгина йчига тушириб, ув торттирадиган, одамлар эса шу туфайли бир-бирлари билан жанжаллаша бошлайдиган қилиб тепиш керак, — бу-ку тушунарли-я, лекин Алхо бу гал хивич тушишини асло кутмаганди. Ана шунинг учун ҳам одамлар дунёси Алхога чалкаш, ақл етмайдигандай туюлди. Мана, йнгирма йилдирки, у одамларни, уларнинг юкни ташийди, йнгирма йилдирки, ана шу юк остида одамлар тўғрисида ўйлайди, бироқ ҳеч нимани, мутлақо ҳеч нимани тушунмайди. Йўқ, Алхо отлиги учун эмас, одамлар ўз хатти-ҳаракатларида ўзгарувчан бўлганликлари учун тушунмайди, одамлар кечаги ўз қилмишларини тушунадилар, ҳатто ўша қилмишлари билан мақтанадилар ҳам, бугунги қилмишларини-чи — фаҳхламайдилар, бугунги қилмишлари уларнинг ўзларига ҳам тушунарсиз, лекин қизиги шундаки, бундан улар зигирча азият чекмайдилар.

Гикор Алхони тақачининг олдига олиб борди. Қизган темир ҳиди Алхога таниш эди, ҳозир уларга пен-воз чиқмаган ва отнинг кўзларини силаб-сийпаламаган бақувват, меҳрибон тақачи билан бир пайтлар унинг

алоқаси бор эди. Кир-чир, қоракуя пешбандли йигит оғзида папиросини тутатиб Алхонниг ёнига келди-да, унинг оёғини букди — чхк-чхк. Кейин яна тақачилик дўконига кириб кетди. Одамлар фойдаланадиган йўллардан яна шу одамларнинг ўзлари ўйлаб топган тақалар шарофати билангина чидаб юриш мумкин, бунинг учун Алхо улардан миннатдор — ахир йўллар қаттиқ, заранг. Ҳа, шундай, лекин миҳ қийшиқ қоқилди-ку, асабга тегяпти, тақанинг бошқаси эса ейилиб кетган. Алхо жудаям хафа бўлиб кетди.

— Айта, миҳни қийшиқ қоқмадингми? — деди Гикор тақачилик дўконидан эшитилаётган овозларга қулоқ солганча.

— Иссиқ, эшитяпсанми, иссиқ, — тақачи ичкаридан шундай деди-да, кулиб юборди. — Меҳнат куни бу, эшитяпсанми, меҳнат куни. Кун у ёққа ўтди, пул бу ёққа.

Алхо икки оёқлаб оқсоқланиб, худди касалдек эҳтиётлик билан юриб кетди. Асаби қақшарди.

— Бўпти энди, ҳадеб ноз-финоқ қилаверма, — деди чавандоз, — ўтиб кетади.

Алхо оғриқ азобидан чавандозу хивични ҳам, турқи совуқ сариқ итни ҳам, ҳатто ўзига эгар урилгани-ю, олдинда аллақандай йўл турганини ҳам унутганди. Алхо тўхтади, бироқ сувлиқ унинг бошини силкиттирди, хивич эса қурсоғи устидан яна бир карра визиллаб ўтди. «Чув-в» — ана шундан сўнг Алхо бунақанги шафқатсиз, бунақанги тинка-мадорни қуритадиган, баттол одам фақат тулки Гикоргина бўлишини яна бир карра англади. «Қизиқ, қаёққа бораркинмиз...»

Қаршиларидаги четан девор ланг очилиб, уларни ўтказиб юборди-да, кейин яна бирлашиб олди, она товуқ жўжаларини бошлаб, йўлни кесиб ўтди.

«Қизиқ, қаёққа бораркинмиз». Алхо занжирнинг шилдирашини эшитди, кейин танаси тақир бўлиб қолган қора итни кўрди. У битлиқи ва ифлосликдан қутриш ҳолига келган ит бўлиб, ҳовлининг у бошидан бу бошига тортилган сим бўйлаб бемалол суриладиган занжирда ҳамиша боғлиқлик турар ва кун бўйи, бир дақиқа тинмасдан ана шу сим бўйлаб оғилхонадан уйга, уйдан оғилхонага юргани-югурган эди. Ҳозир у бир сониягина тўхтади, кейин тупук сачратиб, вовиллашга тушди. Ана шунда Алхо тулки Гикорнинг чангалига тушганини тамомила англади, кейин ҳансирагучи йўлларни эслади, тукли ариларни, қўланса қўлмак сувни, калта ва чайир — антиқа маккор илонни эслади,



ўшанда илон то уни эсдан чиқаргунларича, гоҳ у томонда, гоҳ бу томонда пайдо бўлиб, гоҳ кўриниб, гоҳ кўринмай Алхонинг атрофида роса бир соат ўралашиб юрган, кейин бирдан ўқдай отилиб келиб, чақиб олганди. Шунда унинг оёғи қаттиқ санчий бошлаган, кейин ҳеч нарса бўлмагандек кўринган, ундан сўнг оёғи қизиб, увишиб қолганди, ўзи эса шунақаям чанқай бошлагандики... Боши ҳам қизиб, нақ ўзининг бошига ўхшамай қолганди. Қулоғи битаёзган, беҳуш Алхога тинимсиз юк ортаверишганди ўшандаям. Унинг ўзи эса ҳеч нарсани истамасди — эслашлару орзулар бир-бирига қоришиб, унутилаётганди — ёқимли эди бу: тукли арилар ҳам, юк ҳам йўқ эди, Гикор ғойиб бўлганди, агар буларнинг ҳаммаси умуман бўлмаганда янаям яхшийди. Илон уни бирон-бир пастқам жойда чаққанида-ку, оёғини хотиржам узатиб қўя қоларди-я. Бироқ одамлар унинг фикрини тушуниб қолишди:

— Гикор, отни илон чақибди.

— Йўғ-э? Уладими энди? Андронинг олдида обрўйимиз бир пул бўлади-ку.

— Йўқ,— дейишди одамлар,— уни яхшилаб чоптир, терлатиш лозим. Тер билан заҳар чиқиб кетади.

Қуруқ ва эгиловчан хивич ўшанда Алхони яна воқеликка қайтариб, йўл ҳақида, юк ҳақида эслатганди. Тоғлардаги ширадор ўту суви муздек булоқларни, йўлга тушишнинг қийинлигию унинг охирига яқинлашганда равон қадам ташлаб кетишини, станцияда судралиб юришдек кўнгилсиз мажбуриятга уйга қайтиш қувончини, тақа қоқиш пайтида этининг жимирлашию тақаланиб бўлгач лақмаларча фахрланишни, байтални қўм-сашу айғир қаршисидаги қўрқув ҳамда байталнинг эҳтиросли истаги билан айғирнинг даҳшатли қутуришини, юкка, эркинликка, ишга, Гикоргаю кичкина, ноқулай тақага эътибор бермаслигини эслатганди ўшанда хивич. Одамлар яна уни суяклари туртиб чиқиб, илвиллаб қолган танасига хўжайин қилиб қўйишганди, уни яна охири йўқ — юрган билан тугамайдиган йўлларга қайтаришганди. Бу йўллар аввалига кенг-мўлгина бўлиб бошланади-ю, кейин торайиб бораверади, бурилаверади, йўқ бўлади, бир пайт қарабсизки, яна ниҳояси йўқ йўллар қайтадан кенгая бошлайди. Ўзидан мағруланган парвардигори олам бир куни Алхонинг бобокалонининг отасини ҳузурига чақириб дебди: «Алхонинг бобокалонининг отаси, қулоқ сол, мана мен сеяи хушқад, келишган, ақли қилиб яратдим, сен учун».

қўм-қўк ўтлоқзорлар барпо этдим, ҳамиша келишган, хушқомад бўлгани деб, қочиб чопиб юришинг учун бўрини ўйлаб топдим, инсонни эса устинга миндириб қўйдим — қани от, энди менга айт-чи, неча йил умр кўришини хоҳлайсан?»— Алхонинг бобосининг бобоси ўйланиб қолибди, чунки худо уни ақл-идрокли қилиб яратган экан-да, хўп ўйланибди, кейин мулоҳаза билан жавоб берибди: «Тангрим, йигирма йил кифоя». Жавобни худога ҳам маъқул тушибди-ю, унга йигирма йил умр ато қилибди. Кейин инсон билан худо бир-бирларига кўз қиснишиб қўйишибди. Сенга, бобо, сенга мана шу йигирма йилнинг нима кераги бориди, а, сенга, менга нима кераги бориди шунча...

— Гикор, бу от нимага гамгин?— сўради Гикорнинг онаси.

— Уз ишингни билсанг-чи. Қоплар қани?

— Қасал от билан Қасакка бормоқчимисан, Гикор?

— Улмайдди, хотиржам бўл.

— Оёғидаги миҳи азоб бераётганга ўхшайди, Гикор.

— Уф-ф!.. Агар шунақа билимдон бўлиб кетган бўлсанг, бор, омбурни топиб кел.

Оғриқ миҳи суғуриб олинган тешиктан, худди асал оққандек, секин-кин чиқиб кетгач, санчитиб оғритиб бошилган оғриқ ҳам, узангининг ниқташи, сувлуқнинг қўноллиги ҳам, яна қўтир қора итнинг сўлагини оқизиб ақиллашини қайтадан сеза бошлагани ҳам Алхога хуш ёқаётганди.

Йўл тоққа олиб борарди... Қулоқлари остида шабада хуштак чалиб эсади, ширадор ўт-ўланларнинг чек-чегараси йўқ... Алхо ўйноқилаб йўлга тушди. Мана, бир соатлик йўл қолди, бу ёғига бир нафасда етиб олиши... кейин чек-чегараси йўқ ширадор ўт-ўланлар бошланиши мумкин.

— Хаёл суряпсанми?..— Гикор шундай деди-да, Алхонинг четга буриб, сўқмоқ йўл билан колхоз боғига бошлади.— Хў, хўжайин!— деб чақирди тулки Гикор у ерга етиб боришгач.

Дарахтлар остидаги ўтни ўтаётган ички кўйлактаги қоровул уларга пeshвоз келар экан, йўл-йўлакай итини боғлади, Гикор эса Алхонинг жиловини тортганича, унинг ёнига борди, кейин улар нима тўғрисидадир гаплашибди. Қоровул суҳбатдан норози бўлгандек кўринганди, лекин шунга қарамай, Алхонинг юки олмайю нок қисобига ортди.

— Бодринг йўқми?.. Бўпти, бўпти. Агар оғринсанг, майли, керакмас... Қасахдан сенга нима олиб келай?

Қоровул Қасахдан ҳеч нарса олиб келинишни хоҳламади, бироқ бодринг олмаю нокдан ҳам оғирроқ бўлиб чиқди.

— Чув-в... ҳаром қотгур... чинакам юкни кўрганингча йўқ ҳали... бор-йўғи Андронинг қирчанги оти-ю... ўзини генералнинг тулпоридай ҳисоблайди-я, сабил қолгур.

Гикор, уни орқасига буриб, сўқмоқдан етаклаб, то қоровул итининг овози эшитилмай қолгунча борди-да, кейин сувлиқни ўннга қаттиқ тортди. Алхо ўгирилди — турган гапки, ўнг томонда экинлари етилган дала бор эди, буни у унутмаганди. Узангилар юришга ниқтарди, овоз юришни буюрарди, бироқ олдинда дала бор эди — Алхо орқасига тисланди. Аммо узангилар, овоз, хивичу қамчи бараварига уни ана шу далага ҳайдагач, Алхонинг бўйсунишига тўғри келди. Бу одамлар хўп галати-да, деб ўйлади Алхо, битта нарсага баъзилари рухсат беради, бошқалари эса худди шу нарсанинг ўзини таъқиқлайди. Алхонинг ўзига қолганда, далага асло-асло қадам қўймаган бўларди-я, чунки даланнинг бир қўлли қоровули келиб уни сўка-сўка ифлос, шилтаси чиқиб кетган молхонага қамаб қўйишини билди-да, ифлос молхонада туришни эса Алхо хоҳламайди. Йўқ, одам зотининг феъл-атворига тушуниб бўлмайди, бу аниқ гап. Аммо Алхо Гикор мум тишлаганича сойдан ўтиб, ўрмонга кириб, ўти ўриб олинган ялангликни четлаб ўтгачина, Гикор уни ўғрилиқка олиб кетаётганини фаҳмлади. Бу ёғига картошка даласи бошланарди. Картошка ўгирлайди, деган фикрга келди-да, Алхо тўхтади.

— Баракалла! — ажабланиб деди Гикор. — Утла, — ксин тилёғламалик билан қўшиб қўйди, — сенин ишинг ўтлаш.

Ўтлайдиган жойнинг ўзи йўқ эди, устидаги юки ҳам озмунча эмасди. Алхо турган жойида кута бошлади.

Дарахтлар тебранмас, поялар чайқалмас, очилган гуллар қимирламасди — уларнинг ҳар бири ҳам қуёш билан бетма-бет турганча, худди Алходек, дудмал, беозор маъюслик билан ўз қисматини кутарди. Алхо қулоқларини чимриб; яна нималар юз беришини кута бошлади. Гикор худди итдек чўққайиб, биқиниб олди-

да, қўли билан картошка кавлашга тушди. Белкурак сопига иягини тираганича сал нарироқда турган қоровул белкуракни қиялатиб кўтариб, сас чиқармай юриб, бирдан ўрмонга югуриб кетди. Гикор ерга қапишганча картошка кавларди. Алхо ўрмон томонга кўз ташлади, Гикорга қаради, кейин яна нима бўлишини кутиб турди.

— Нима, бировни кўриб қолдингми?— деди Гикор унга ўгирилиб.— Жойингда тинч туролмайсанми?

Кейин Алхо бирдан яқингинасидаги дарахтдан қоровул белкурагини қия ушлаганича ажралиб чиққанини кўз қири билан кўриб қолди. Алхо бу қоровулни танирди— унинг меҳнат кунига олган картошкасини ташиб берганди. У беозор қария бўлиб, ҳеч қачон урмас, гаплашмас, қисталангга олиб ҳайдамасди ҳам. Алхо у билан учрашганидан хурсандлигини билдирмоқчи бўлган ҳам эдики, қоровул, жим дегандек, бармоғини лабига босди. Гикор эса парвойифалак ҳолда картошка кавларди. Қоровул ҳам, Алхо ҳам нима гаплигини билолмай, Гикорнинг хатти-ҳаракатини кузатишди, унинг қилмишини ўзларига сингдирилмай, бу жимжит, сукунат қўйнидаги дунёда танҳо ўзи қимирлаётган Гикорнинг елкасига қараб туришди. У эса қоплиқ-лиқ тўлгачгина бошини ердан кўтарди. Ўрнидан турди, қаддини ростлади ва ана шундан сўнггина қоровулни кўриб қолди.

— Хи-хи-хи-хи-хи,— Гикорнинг кулиши от кишнашига жудаям ўхшаб кетди.

— Нимага бунақа қиялпсан?— сўради қоровул.

— Хи-хи-хи-хи, сезишадими ё йўқми, дедиму...

— Мени бу ерга нимага қўйишибди бўлмаса?

— Август бошланди, Адам албатта ўт ўраётган бўлса керак, деб ўйладим. Ҳамлаб қўйган пичанинг бу йил қишда ҳамманикидан олдин туговди шекилли.

— Ўт ўришга Санасар рухсат бермаяпти.

— Санасар рухсат бермаслиги ҳам керак, лекин сен ўравер.

— Ади-бади айтишишга рағбатим йўқ.

— Бу гапингам тўғри. Лекин ҳушёр бўл, яна бу йил ҳам қишда пичандан қийналиб қолма,— деди Гикор.— Қопни тузукроқ ўрнатишга ёрдамлашвор.

— Шунақаям юк ортасанми жониворга, жабрмасми?

— Жин урармиди унга, юк ортишга яратилгани учунам жонивор-да, бу.

— Кетяпсанми,— деди қария унинг орқасидан гамгинлик билан қараб қолар экан,— бирпас ўтирсанг бўларди, у ёқ-бу ёқдан гаплашардик.

— Шошиб турибман, кечаси Касахга бораман. Сенга нима олиб келай у ёқдан?

— Ўзинг соғ-саломат қайтиб келсанг бўлди.

Кейин тоғлар бир текисда, бепарволик билан нафас ола бошлади. Тоғ шамоли Алхонинг қулоқларини, қорни остини қитиқлади, юку эгар остига кириб олиб, терни қотирди, бурун парраklarини ўйнади, кейин қизғиш — олтинрангли ёлини ҳилпиратишга тушди. Оқшомги уфқда йилқи уюри олтинранг учқунлардек бирдан ёлқинланиб кўринди. Шамол кишнаш овозини аллақаяқларга учириб кетган эди, уюр олис-олислардек туюлди, кейин кишнаш овози ёнгинасида эшитилди... Алхо бошини баланд кўтариб, шу ердалигидан, уларни, уларнинг эркин елиб-югуришларини, бир пайтлар ўзи ҳам улар билан бирга бўлганлигини унутмаганлигидан, эслашидан дарак бериб кишнаб юборди. Қадамини тезлатди, Гикор эса илжайиб қўйди. «Баракалла!— Гикор уни тўхтатиб, юклар орасидаги эгарга ўрнашиб ўтириб олди.— Ана энди чопавер...»

Қарши томонда — Цмакутнинг кичикроқ тепаликдаги ёзги яйловидан тутун кўтариларди. Айланма йўл бошланди, яйлов бир неча бор кўздан йўқолиб, яна пайдо бўлди, йўл эса гоҳ пастга, гоҳ юқорига қараб борарди, пастга баландга, пастга баландга тушиб чиқавериб, бир пайт яйловнинг, нақ чодирларнинг қаршисидан чиқиб қолишди. Чўпон гулханларининг олов тиллари сассис ва беғамлик билан чайқалиб турар, кўтонлардаги қўй подалари тинчиб, итлар ётган, сигирлар қорни тўқлигидан сўлагини оқизиб кавшанарди. Қаердадир ёнгиналарида бир қулунча беғамлик ва бефаросатлик билан сабабсиз кишнагач, овози хирилдоқ, суюклари туртиб чиққан Алхо ҳам ўзининг кўчиб юрувчи туманлару сернам тоғлар ўлкасига қадам қўйганидан тантанали равишда хабар бермоқчи бўлди. Бироқ шу лаҳзада Гикор шпорларини жаранглата бошладиди, Алхонинг кишнагани сезилмай қолди.

— Андро?— Кимдир қоронғида чекаётганди.

— Месроп?

— Гикор, сенмисан? Кишнаган Андронинг оти шекилли.

— Ҳа, шунақа, Алхо мен билан келган.

— Ҳа, юк ортибсан-ку, унга.

Сўқмоқда пешбанди остига қўлини тикиб, бошини қуйи солганича, Андронинг хотини Ашхен турарди. Ювош, мулойим, итоатли Ашхен...

— Гикор амакмисиз?— деди у.

— Яхшимисан, Ашхен.

— Бизнинг отимизмасми бу?

— Ҳа, шунақа, Алхо бу.

— Гикор амаки, Андро келиши керак эди, нимага келмади у?

— Эрта-индин бориб қоламан, деди, кутиб тур.

— Ерим айниб қолади-ку. Нимага бугун келмади, Гикор амаки?

— Буни энди унинг ўзи сенга айтиб беради. Эринг нимага келмаганлигини мен қаердан билай, Ашхен...

— Рост-а...— унинг гапига қўшилди Ашхен.— Роса юк ортибсан-ку унга нақ...

— Жа нима орта қолибман унга: бор-йўғи бир қоп картошка, бир неча дона олма ортганман.

— Йўқ, энди шунчаки...

Ашхен фақат у-буни аниқлади, холос. У ўзининг чодирига қараб кетди. Ашхен аёл киши. Уйда оила бошлиғи Андро. Ашхен эркакларнинг ишига аралашмайди. Ким нима иш қилиши кераклигини ўзи билади. Ашхен аёл киши — сигир соғади, қўй соғади, Андронинг ўтин олиб келишини кутади. От — энди Андрога қарашли... Андро ўтин олиб келмаяпти. Ашхен бошини эгганча уни кутиб тураверади. Ег бўрсиса бўрсийверсин, отни эса Қасахга жўнатишади — Ашхен индамай кутиб тураверади.

— Бир қоп картошка дейсанми?

Гикор секингина бурилиб қаради — Ашхен қўлларини биқинига тираганича турарди. Гикор уни назарга илмай индамади.

— Қолхозни-ку хароб қилувдинг, энди одамларни хонавайрон қилмоқчимисан? Кўнгилчан одамни хўп топибсан-да? Ўзингни отинг бор-ку, нега бировларникини оласан? Ўзингнинг отингни аяб, бошқаларнинг отини ҳайдайверасанми? Қаёққа беркиняпсан, қани жавоб бер?

— Аҳмоқхона гапларни гапирмай,— деди Гикор Алхонинг устидан юкларни туширар экан,— ўз ишинг билан шуғуллансанг-чи.

— Мен ўз ишим билан шуғуллансам-да, сен бу ёқда одамларни талайверсанг, а? Қари тулки!

— Уҳ!..

Гикор Алхонинг юкини тушириб, кампирига нимадир деди-да, қопларни чодирга олиб кирди, Ашхенни эса ҳали ҳам оғзи тинмасди, шундан кейин Гикор ўзини тутиб туролмади, жаҳли чиқиб кетди:

— Аҳмоқлик қилиб, оғзингга келганини вайсайверма, бас қил!

— Ўзимни ўйлаб гапирсам ҳали аҳмоқ бўлиб қолдимми?

Кейин Гикор гапирди — на Ашхенга, на яйловга, на ўзининг хотинига эмас, ўзига ўзи гапирди, бироқ чодирлар бир-бирига яқин ўрнатилганидан, тунги сукунат ҳукмронлик қилаётганлигидан ҳамда чодирларнинг наमत деворлари юпқалигидан у ҳаммага гапиргандек бўлди:

— Унинг танбал эри колхоздан бўшаб, бошқа хотинлар билан нима иш қилиб юрганни ким билсин. У бўлса, бу ерда ўтириб олиб, ёғи бўрсикиб қолаётганлиги учун Гикор айбдор, деб ўйлайди.

Кампири бир дақиқача аграйиб турди, кейин қўлини оғзига қия қилиб, сохта овозда — ҳам қўрқиб кетаётгандек, ҳам ҳайратлангандек — бир замонлардагидек қизиқсиниб сўради:

— Яна қанақанги хотинлар билан, Гикор?

— Қасахга кетяпман — керакли нарсаларни тайёрлаб қўйдингми? Қанақа хотинлар билан, — ўшқира бошлади Гикор, — Мариям билан ёки анави, оти нимаиди! Товуқларни қаттиқроқ боғла!

Кейин яна жимжит бўлиб қолди, отбоқар қоронғиликда чекар, қорни тўқ сигирлар маърашар, чўпонларнинг папирос чўғлари кўз қисншар, чўпонларнинг ўзи эса Мариямнинг жудаям ориқлигини — эти суягига бориб етганини эслашарди, яна ким билсин бу дунё ишларини, эҳтимол унда ҳам бордир бирор... Алхо бир оёғини букиб, дам олар, Ашхен эса чодирда ўз ёғига ўзи қовирилиб, газаб билан у ёқдан-бу ёққа юрарди.

Юлдузли осмон остидаги молқўрада бағри иссиқ байталлар мудрашар, бир-бирига суйкалган сағрилар устидан айғирнинг тик бўйни яққол кўриниб турар, безовталанган товуқлар қоронғида «қу-қу»лашар экан, Алхо эгарга уйқудаги семиз товуқларни боғлаб, улар ёнига мацунли хўл қопчиқларни осншганини пайқадди.

— Қасахга боришимни билганингга бир ҳафта бўлди, шу пайтгача мацуннинг сувини оқизиб қўя олмадингми?

— Нимага жиғи-бийронинг чиқяпти, боргунингча йўлда ҳамма суви силқиб бўлади.

Қопчиқдан сув аҳён-аҳёнда силқиб Алхонинг ёнбошидан оқаётган, товуқлар эса ўша заҳотиёқ Алхони нажаслаб, қанотларини қоқа бошлаганди, кейин ана шуларнинг ҳаммаси устига брезент ёпилгач, унинг тепасига Гикорнинг ўзи тирмашиб чиқиб олди.

Шундан сўнг Гикорнинг назарида тун ҳузур бағишлайдигандек кўриниб, уни аллалай бошлади, ҳаёт ҳам кўзига яхши қурилгандек кўриниб кетди, чунки уни Қасахда аъло нав бугдой кутаётганди, ўз-ўзидан суви силқиб, мацун сузмага айланаётганди, ўзи эса брезент устида ўтирар, таги қуруқ ва қулай эди.

«Сизларга тоғдан мацун олиб келдим...», «Сизларга энг асл пишлоқ олиб келдим, уни тоғда ўз қўлимиз билан тайёрлаганмиз....», «Сизларга нақ тоғнинг ўзидан товуқлар олиб келдим...» Э-э-э, водийда «ғир» этган шабада йўқ, тоғда бўлса танни яйратадиган муздакки-на эпкин эсгани эсган, шундай бўлгач, шаҳар аҳолисига мана шу нарсаларда тоғ салқинлиги ҳали сақланиб тургандек туюлади-да. Йўқ, йўқ, Гикор бунинг ҳаммасини жуда яхши билгани учун ҳам — «сизлар учун», «тоғдан» деб айтади. Қишлоқдагилар бўлса уни, худо биледи, қанчадан-қанча пул исроф қилиб, пенсия тайинлайдиган комиссияни сотиб олганикин, деб ўйлашади. Ҳатто ўзининг кампиршоси ҳам шундай деб ўйлайди. Тентаклар, ҳеч нарсанинг фаҳмига етишмайди. Бор-йўғи, комиссиянинг раиси асли Цахкутдан экан. Гикор қопчиқда мацун кўтариб, унинг олдига борди-да: «Бу мацун,— деди, Цахкутда тайёрланган, уни атайлаб сен учун олиб келдим. Бизнинг тоғларимиз Цахкутнинг шундоққина биқинида, қўшнимиз...» Шаҳарда эса, ўшанда жазирама иссиқ эди, кўчаларга, дарахтларга, кўча эшикларига — ҳамма тирқишларга димлик яшириниб олганди, вентиляторларга ҳам иссиқ ҳаво танда қўйганди. «Цахкут тоғларимизнинг шундоққина биқинида... осмоннинг нақ остгинасида... сенга атайлаб мацун келтирдим...»

Сувлоқ ёнидан ўтишди. Яқин ўртадаги бутазордан қуш овози эшитилди. Кейин ҳаммаёқ жимжит бўлиб қолди. Бир пайт йўлларини бўрими, қуёнми, шайтонми — нимадир кесиб ўтди. Минг... тўққиз юз... ўн саккизинчи йили...ё ўн тўққизинчи йилмиди?— кузакда несоевлик Аршакнинг жасадини худди мана шу ердан топишганди. Унинг жийрон отини эса, орадан беш йил



Ўтгач, кимдир Кироваканда кўрганди. Жийроннинг янги эгаси, буни Қасахда сотиб олганман, деган. Қачон, қанақанги шарт-шароитларда, деб суриштира бошлаганларида эса,— унларингни ўчирларингда, йўлларингдан қолмаларинг, тушунарлими?— деган...

Айрилишга етиб боришди. Анови, чап томонга бурилиб кетган сўқмоқ тоққа олиб боради. У чашмалар билан чашмаларни, яйловлар билан яйловларни, уюрлар билан уюрларни бир-бирига боғлаб, ясси тоғликни бутунлай чирмаб олган. Булутлар ёнидан ўтувчи бу йўл жудаям ажойиб эди — Алхо бир лаҳзагина секинлашди-да, бирдан унга интилди — чап томонга қараб юрди.

— Так...

Сувлиқ лабини қирқиб, бўйинни зирқиратиб юборса ҳам Алхо ўша сўқмоқ йўлга — тоғларга қараб интилаверди. Жилов янада тарангроқ тортилди, лаблари янада қаттиқроқ оғрий бошлади, бироқ Алхонинг оёқлари уни чапга олиб кетаётганди.

— Др-р-р-р... Қутуриясанми, лаънати...

Нафас олиш қийинлашди, юлдузлар Алхога жудаям яқин — қўл узатса етгудек бўлиб кўринди, бироқ унинг оёқлари тошдек қаттиқ қуруқ ерга тиралиб туриб олганди. Оёқлари нимага ҳалиям яшаётгани, ҳа-ҳа, яшаётгани номаълум бўлган мана бу овсарни — илвиллаб қолган қуруқ суяк танани ирғитиб юбориш учун мана шу жойдан жарлик, дара, тубсиз чуқурликни излаётганди. Алхо ўлишни истарди. Бироқ чавандоз тизгинни яна тортди. Алхони турган жойида айлантирди, айлантирди-да, бор кучи билан қамчи уриб, жилловини бўшатди. Алхо қияликдан юриб кетар экан, бутун кўксини тўлдириб нафас олди — ҳеч нарсага тенглаштириб бўлмайдиган тунги мусаффо ҳаво унинг дағаллашиб қолган ўпкасини силаб-сиппалади.

— Бутунлай ақлдан озди-я... жодугар ахта от...

Кейин улар жарлик тепасида тўхташди. Брезент остидаги товуклар тинчиб питирламай қолганди, бошқа тимталашмасди улар, пишлоғу мацундан оқаётган суюқликкина Алхонинг эскию янги жароҳатларини ловулластар, пастда эса, ғира-шира кўринаётган шаҳарча ястланиб ётарди. Бу таниш шаҳарча, таниш жарлик эди, баданидаги оғриқлар ҳам таниш эди унга.

— Етиб келдик...

Алхо шаҳарда ўзи каби устига юк ортилган, тўрт оёғини ўжарлик билан ерга тираб, юришга тихирлик

қилаётган, бутун бадани титраётган тойчани кўриб қолди: «Юравер,— деди унга Алхо,— бекорга ўжарлик қилма, тентаклик бўлади бу».

Оёқ остида асфальт қаттиқ тақиллар, машиналар физиллаганича ўтар, гоҳида анҳорнинг пишқириб оқаётгани эшитилиб қоларди,— буларнинг ҳаммаси тойчага қандайдир таниш, қадрдон эди, бироқ бечорани анҳорнинг саёз жойидан кечиб ўтишга олиб бормай кўприкка судрашар, уришар, ялинишар, итаришарди. Замини юмшоқ пасту баланд адирларга ўрганган тойча эса қўрқиб, довдираб қолганидан юрмай, титрарди ҳолос.

Алхо тойчага яқинроқ бориб, уни ўзига қараб-қараб кўникишига имкон берди, кейин: «Қўрқма,— деди,— тикка жарлик эмас бу — кўприк... юравер... улар шунақа қуришган уни — кўрнишидан омонатга ўхшайди, аслида мустаҳкам, юравер, ҳаром ўлмайсан... бордию ҳаром ўлсанг ҳам осмон узлиб ерга тушмайди, ҳеч нарса йўқотмайсан... Юравер...»

Тойча унга ишониб, юриб кетди. Алхонинг ўзи эса на кўприкка, на машиналарнинг гувиллаб ўтишига парво қилмасди, чунки қулоғи аллақачонлардан бери унча яхши эшитмасди, кўзлари хира тортиб қолганди, териси эса керагидан ортиқ пишиб кетганди. Тойча Алхога суйкалиб борди, бироқ бозор ёнида уларни бир-бирларидан ажратиб, тойчани дарвозага боғлашди-да, қуёш остидаги чанг-тўзону ифлослик ўртасида унинг бир ўзини бутун теварак-атрофдан жирканиши билан яккама-якка қолдиришди. То ёғнинг ҳаммаси — сўнги граммигача сотилиб, то магазинлардан барча зарур нарсалар — чит, нон, пойабзал харид қилингунча у шу ҳолда туриши керак эди.

Алхонинг ёнидан машиналар физиллаб, хушчақчақ велосипедчилар Гикор билан унинг отини масхара қилиб кулиб, автобустаги экскурсиячилар эса Алхонинг оёқлари остига гулдасталар ташлаб, қўлларини силки-тиб ўтиб кетишди. Алхонинг ёлғиз ўзи қолди.

Гикор нонушта қилди, ёнгинасида чашма бор эди унинг, қўй пишлогини нонга қўшиб ейиш лаззатли, чашмадаги сув эса, худога шукур, муздаккина эди. Кейин яна велосипедчилар ўтишди, боягиларнинг ўзи орқаларига қайтиб келишаётганди, уларнинг ҳаммалари бақувват, қувноқ эдилар, яхшилаб мойланган гилди-ракли велосипедлари асфальтда физиллаганча борарди, йигитларнинг ўзлари ҳам худди велосипедлари каби

яхши, эпчил ва беками-кўстга ўхшаб кўринишарди. Эртага улар ўт ўришлари керак бўлиб, бугун мана шу ўйинчоқлари билан вақти хушлик қилишаётгани, — Гикор уларнинг орқасидан ўйланиб қараб қолди: «Устларингга юк ортсам эди, ана ўшанда кўрардим велосипедда қанақа учишларингни...» Кейин аъло нав бугдойи билан уйда бўлиши-ю, бу бугдой тўрт йилга етиши тўғрисида мамнунлик билан ўйлади... Айтишларига қараганда, Америка Францияга қандайдир нота юборибди... Гикор Алхога деди:

— Ҳордигинг чиқдимми? Кетдик бўлмаса...

Асфальт йўл яна сўқмоқ билан алмашилди, ўрмон бутазорларга айланди, кейин бу бутазорлар ҳам орқанда қолиб кетди, сой кенгайиб, улар билан ёнма-ён чопқиллаб борди, лойқаланди, охирги учраган булоқ суви эса қандайдир қўланса, илиқ, маза-матрасиз бўлиб чиқди, улар сарғимтир, камқатнов, диққинафас — бир кил кўринишли йўлдан ўтиб боришарди.

Дунёда булоқли кўм-кўм водий бўлса-ю, Алхо ундан сира хабардор бўлмаса. Бу кўм-кўк водийда, булоқнинг ёнгинасида оппоқ от ўтлаб юрса. Бу от Алхонинг ҳеч ким билмаса. Лекин у Алхо бўлса. У ўз водийсини айланиб, булоқдан сув ичиб, устига ўтирган икки-учта пашшани думи билан қўриб, ўзича хаёл сурса, кўнгли тўлғунча сайр қилиб, кейин офтобда чўзилиб ётса, тулки, оловранг юнгли тулки от ўлибди, деб ўйласа-да, нарироқда чўққайиб ўтириб, унга шубҳаланиб қараса, тамшанса, ана шунда Алхо тўсатдан шунақанги пишқириб юборса, шунақанги пишқириб юборса-ки, тулкидан ҳатто асар ҳам қолмаса. Оҳ, шунда Алхо ётган жойидан хурсанд ҳолда ирғиб туриб, водийнинг нариги бошида юрган байтални — кўм-кўк ўтлоқдаги сағри катта тўқ қизил байтални бирдан кўриб қолса. Дунёда кўм-кўк, кўм-кўк водий-ю, оппоқ тусли Алхо ёнида тўқ-қизил рангли байтал бўлса фақат. Алхо кўм-кўк ўтлоқни айланса, кўм-кўк ўтга ётса, тепасида оқиш булутлар сузиб юрса — буларнинг ҳаммаси гўзал ҳамда қайғули бўларди. Кейин бўрилар келсаям майлийди: семиз ва кўнгилчан Алхо уларни ҳам, ўзини ҳам қийнамасди — ўзини уларнинг ихтиёрига топшириб қўя қоларди, ейишаверишсин эди.

Кечга бориб, йўл жонланди. Ути ўриб олинган далада бедана майни сайради, узоқдан қизил тошга ўхшаб кўринган нарса вовиллаганча уларга ташланганда қизил итга айланди. Бу ерларнинг итлари худди илонла-

рига ўхшаб ёвуз. Гикор отдан тушиб, итни тийиб қўйишга уринганди — уддалай олмади, ит унинг афтига сапчишига сал қолди. Кейин Гикор уни чивиқ билан бир туширди-ю, агар эгаси яқин-атрофда бўлса тумшаймасин деб, ёлғондан ишшайиб қўйди. Ит орқада қолгандек эди, бироқ Алхо озгина юрмасданоқ, сезди-масдан келиб, думидан маҳкам тишлаб олди. Гикор қанчалик бақириб-чақириб уни сўкмасин барибир думиви қўйиб юбормади. Алхонинг сабр косаси тўлиб, ўнгу сўлига қарамай елиб кетди, лекин итдан қутула олмади — кўзи олдида қизил доғдек милтиллаб тураверди у.

Бу ерларнинг ҳатто бўриларигача сурбет — бир илашса қочиб қутулолмайсан. Ўтган йили қишда район киномеханиги бўрилар дастидан кечаси билан телеграф устунда ўтириб чиққанди. Ўтириб чиқди, деб айтишгина осон... Шундай қилиб, Алхо олиб қочди...

...Гикор дастлаб мацунли қопчиқни, кейин оёғи остидаги брезентни пайпаслаб топиб олди. Ҳув нарироқда қизил ит кўрниб турар, бироқ ҳеч қаерда Алхо йўқ эди. Рўпарама-рўпара чиқиб қолган кампир отни, яна кулранг, устига товуқлар ташланган отни кўрдим деб айтди, бироқ кейин маълум бўлишича — у кеча кўрган отини гапираётган экан. Гикор теварак-атрофга кўз югуртирди — Алхо йўқ эди. Орқасига қайтиб кетишга Гикорнинг юраги бетламади — қизил итга дуч келиб, таланишдан қўрқди. У кўп йиллар муқаддам, ёшлигида тенгқурлари билан худди мана шў ўлкаларга буғдой сотиб олгани келганини тўсатдан эслаб қолди. Ушанда тонготар эди. Бир оз дам олиш учун отдан эндигина тушган ҳам эдиларки, бирдан Ақоп:— Илон!— деб бақириб юборди. Гикор ирғиб отга миниб олди-ю, қорасиниям кўрсатмай кетди. Бир пайт нафасини ростлаш учун тўхтаб, ён-верига қаради — ўртоқлари қоринларини ушлаб, ичаклари узилгудек бўлиб хахолаб туришибди. Ана ўшанда унга чавандоз деб лақаб қўйишганди. Кейинчалик, уруш йилларида, айёрлик билан ўғлини армиядан олиб қолганда аёллар унга тулки деб лақаб беришди. Тулки Гикор.

Самолёт бўғиқ гувиллаганича учиб ўтди. Айтишларига қараганда, у икки соатда Москвага етиб борармиш. Ўттиз тўққизинчи йилда эса, у билан Левон поездда олти кеча-кундуз деганда Москвага етиб боришганди. Ҳали-ҳали эсида, Левон Кремлдаги катта қўнғироққа — шоҳ қўнғироқ деб аталарди у,— яқинлашиб

қўлини текизиб кўрган, ялтироқ қуббани кўздан кечирган, кейин: «Гикор, бор-йўри бир ҳафта илгари Цмакутда эдик-а»,— деганди.

...Алхо ҳали ҳам йўқ эди. Қош қорайиб бораётганди. Гикор сигирларидан биттасини, қўйларининг ҳаммасини, яна отини ҳам сотиб, уларнинг пулини омонат кассадаги жамғармасига қўшиб, Кироваканда яшовчи ўғли Генрикка беришга аҳд қилди. Ўғли ота-онаси учун бир йил ичида уй солиб беради, кейин Гикор Ки-ро-ва-канга кўчиб ўтади... «Тупурдим қишлоғига-е, етади шунча... Гикор эгилиб, пишлоқли қопчиқни қўлига олди,— эссиз, пишлоқ анчагина эзилибди, уваланиб кетибди. Гикор орқага қайтишга кўнгли бормай, Алхо кўриниб қолмасмикин деб, яна қоронғида у ёқ-бу ёққа тикилиб қарай бошлаган ҳам эдики, қаршисида Симон — Гикор кимдан буғдой олиши керак бўлса, худди ўша одамнинг ўзи намоён бўлди. Симон Гикорнинг олдигинасидаги пайкалда кулганча турарди.

— Айта... Айта, мен эсам бу отнинг эгаси қаёққа йўқолди, деб ўйлаб ўтирибман, кейин, яна устидан улоқтириб юборган бўлса-я, деб ўйлаб... Нима бало, от устида ухлаб қолдингми... а-ҳа-а...

— От келдими?

— Аллақачон келганди.

— Тўппа-тўғри сенинг олдинга бордими?

— Бўлмасам-чи, келди-да, ҳовлида туриб олди. Кимнинг оти экан, деб ўйладик, кетармикин, деб бир оз қараб турдик, йўқ кетмади, кейин унинг бир пайтлар бизникига келганини, сен бир марта шу отда келганини эсладик, а-ҳа-а...

— Олиб қочди бадбахт, кучукдан қўрқиб чопиб кетди... Пишлоқни расвоси чиқди... Унинг устида товўқлар бормиди?

— Бориди, бориди.

— Тоғдан сизлар учун олиб келгандим. Сезиб турибман, галлангиз бу йил яхши битибди.

— Ҳа, галлага кўмиладиган бўлдик.

— Тоғдан сизларга мацун олиб келдим. Демак, ўзи келиб, ҳовлида туриб олди, деяпсанми?

— Келиб туриб олди, худди биров уни михлаб қўйгандек қимирламайди.

— Унинг вазифаси шунақа,— кулди Гикор.— Хоҳлаганингча юк ортгинда, жўнатиб юбор, ўзи Цмакутга, тўппа-тўғри олдимга боради...

Урушнинг биринчи йили қишида Гикор омборхона-

сида яшаган Симоннинг хотинию беш боласини картошка билан боққанди. Яна бошқа бировлар ҳам ертўласида яшашганди, энди, айтишларига қараганда, ўшалар Ереванда туришармиш, катта-катта лавозимларда ишлашармиш, қизлари эса институтда доцентмиш. Уларни қидириб топиш лозим, бир кун керак бўлади.

Дарвоқе, бу ердаги қишлоқ ҳам катта, ҳам кичик — уйлари бир-бирига мишгашиб кетгудай жойлашган. Агар бу ерда ҳам томорқа 1300 метр бўлса, унда у Гикорнинг жойи билан баб-баравар, зиғирча катта эмас. Бу ердаги қишлоқ Совети, қишлоқ Советинг борми, деса дегулик. Жанжалларни, даъволашишларни ҳал қилади, бу ерда қизлар — баъзан шунақасиям бўлиб туради-ку — тўйгача бўлида бўлиб қолади, қарабсанки, яна қишлоқ Совети ҳозир у пазир-да. Ҳарқалай бу ерлик йигитлар чалғи билан ўришни удалай олишса керак, лекин чалғига қўл тегизишмайди улар, магазиндан янги костюм-шим олиб кийиб, клублар ёнида туришади, бир-бирларига қараб қўйиб, чекишади. Ранс эса уларга бақириб-чақирмайди, чунки бақирикда қандайдир, уйга — тор жойга хослик борми-эй, ҳар қалай бу ердаги қишлоқ бақирик-чақириклар учун жудаям катталик қилади. Уруш йилларида очлик биринчи навбатда мана шунақанги қишлоқда, кейин шаҳарда бошланади, сабаби, бу ерда шаҳардагидек тартиб-интизом йўқ, кичик қишлоқдагидек мўл-кўлчилик ҳам йўқ. Ҳа, худди шундай, бу ерда, кўчаларда бақалоқ эркакларни кўриш мумкин — улар ўтириб олиб шашқол ўйнашгани-ўйнашган, агар ёмғир ёғиб қолса, уйга кириб, яна ўйинларини келган жойидан давом эттираверишади. Цмакутда бўлса ёмғир билан бир пайтда пичан учун ташвиш бошланади. Йўқ, шаҳарга кўчиб ўтмайман, — аҳд қилди Гикор, — қўлига пичоқ ушлаб олган маст этикдўз кечалари деразанг тагида ашула айтади, эрталаб эса, қўшни кўчада тунги қоровулни сўйиб кетишганини эшитасан. Яшаса яна ўн-ўн беш йил яшайди. Гикор қолган умрини Цмакутда ўтказади, ўлса — Адамнинг, Мовсеснинг, бобоси Саакнинг ёнига кўмишади, Ладо билан ёнма-ён қўйишади.

Қишлоқда радиокарнай гапираётганди.

— Одамларингиз жудаям хотиржам-а, — деди тулки Гикор.

— Нимага энди хотиржам бўлмасликлари керак?

— Мен у ҳақда эмас, — Гикор ҳатто гапидан тутти-либ қолди, — ҳув, ана, шашқол ўйнашяпти.

Клуб, магазин, идора ёнида шунақанги одам кўп эдики, у ерда ким бошлиғу ким шунчаки турганлигини билиб бўлмасди. Устига устак ҳаммалари ясаниб-тусаниб олишганди.

Радиокарнай идора тепасига осилганди. Аммо, бу одамлар концерт эшитишяпти, деб бўлмасди. Эҳтимол улар шу алфозда турганларича, бирон нарса тўғрисида фикр юртишаётгандир? Йўғ-э, бу ерлик одамлар ўйлаб бош қотиришни унчалик ёқтиришмайди. Гикор уруш пайтида уларни билиб олган, хўп яхши билиб олган, очикдан-очик ўрганган уларни. Синчиклаб ўрганишга ҳам ҳожат йўқ эди, уларнинг қанақалиги ўзи шундоқ ҳам кўриниб турганди. Қартошка ейишарди-да, гувала тушиб ётишарди, ухлашарди — бу одамлар бутун урушни шундай ўтказишганди. Қартошка бўлса — ейишарди, йўқ бўлса — то олиб келингунча кутиб ўтиришарди. Бу картошка қаердан келяпти, ким олиб келяпти уни — бу билан ишлари бўлмасди. Дунё кенг, худонинг ўзи етказди, деб ўйлашарди.

— Симон...— деди Гикор,— ростданам сизларда ғалла яхши битганми ё ҳазиллашяпсанми?

— Менинг ўзимда, йўқ деганда, уч тонна топилади.

— Менга қара, бу, далангиздаги ғаллани ким ўради ўзи, ҳеч ўйлаб ўйимга етолмайман.

— Қомбайн.

Гикор илжайиб қўйди.

— Оббо комбайни тушмагур-эй! Баракалла, комбайн!

Эгарида тунд башара уч йигит ўтирган мотоцикл уларнинг ёнидан тарилаб, қулоқни қоматга келтириб ўтиб кетди.

— Ҳаёт ўзгариб кетди,— деди Гикор,— илгарилари ўн пуд ғалла ўн пуд ғаллайди, уни на бировга совға қилиб беролардинг, на совға сифатида ололардинг. Мана энди...— Гикор бидирлай бошлади,— бизнинг ерларимизда ёмон ғалла битганидан кейин нимаям қилардинг, сизларнинг ғаллангиз шунақанги яхши, тотли-ки, бир марта татиб кўрганингдан кейин бошқасини оғзингга олгинг келмай қолади.

Кўринишидан шаҳарликка ўхшаш, жиддий қиёфали бир қиз уларга пешвоз келар экан, Гикор қўлтиғида ифлос брезенту кўлида шилтаси чиққан, бадбўй қопчиқ борлигини ўйлади. Бироқ унинг хаёлини бузиб, бояги мотоцикл яна елиб кела бошлади. Қизга яқинлашганда, энг орқада ўтирган йигит ёнига эгилди-да,

қизнинг думбасига тарсиллатиб тушириб қолди. Унинг бу ишидан йигитларнинг ўзлари ҳам кулишмай кетаверишди. Қиз бўлса ғазабланмадиям, жаҳлиям чиқмади. Вой тавба-ей, ажабланмадиям-а! Симон ҳам худди ҳеч нарса бўлмагандек борарди.

— Вой-во...— Гикор бирдан фаҳмлаб қолди; унинг ўғли Генрик ҳам шаҳарда шунақа...— вой-вой-вой...— шаҳарда хотин аҳли сон мингта, уларнинг ҳаммасини танимайсан, қайси бири кимнинг қизи-ю, кимнинг хотини — танимайсан, танимаганингдан кейин, турган гапки, уят қоладими.— Айта,— деди Гикор,— Симон, бекорчи одамлар кўпайиб кетганга ўхшайди, шундай бўлгач, бу ғаллага таъсир қилиши керагиди шекилли, ҳаёт эса борган сари яхшиланаяпти, ажабланмайсанми бунга?

— Симоннинг уйи тепасига иккинчи қават ҳам қурилган.

— Буни қара-я,— мингиллади Гикор.

Алхо қоронғида, оғилхона ёнида турарди. Ҳеч нарса емасди, ҳолбуки, олдига пичанга ўхшаш нимадир ташлаб қўйилганига қарамай, у маъюс кўринарди, Симоннинг кенжа ўғли — ўн уч ёшлардаги бола Алхонинг ёнида туриб олиб, чўнтак фонарини ўчириб ёқарди. Радио шанғиллаб ашула айтар, лекин уни ҳеч ким ўчириб қўймасди. Тариллаганича яна мотоцикл ўтди.

«Алхони нт қопганга ўхшайди, шунинг учун у ғамгин»,— деб ўйлади Гикор.

— Ким бўлиб ишлайсан?— сўради у Симондан.

— Нима иш тўғри келса ҳаммасини қилавераман. Механизаторман.

— Механизаторман деганинг нимаси? Тракторчимсан?

— Нима десамикин, шунга ўхшашроқ, тракторчи-ям бўлавераман, комбайнчиам...

— Алдамаяпсанми?

Симон, нимага энди сени алдашим керак, дегандек елкасини қисиб қўйди. Ўғли эса бу пайтда қўлидаги фонарини ёқди-ўчирди, ёқди-ўчирди.

— Сигиринг ҳам борми?

— Нима кераги бор менга унинг?

— Дарвоқе... фақат ортиқча даҳмаза...— «Бир ками сигир етишмай турувди сенга...»— Ёғ, пишлоқ қалай — қийналмаяпсизларми булардан?

— Топилиб турибди...

— Агар топилиб турган бўлса...— «Вой исқирт-эй,



вой палид-эй... Уруш йилларида сенга қанчадан-қанча картошкани нимага харжлаб юбордим-а, ўзим тушунмайман... «Тракторчим, комбайнчим бўлавераман, эмиш... Тилига кучи етмаган вайсақи!.. Сигир унга керакмасмиш...» — Ҳой, йигитча, буюмни ншдан чиқармай жойига қўй!

Симоннинг ўғилчаси бепарволик билан унга қаради, кейин орқасига ўгирилиб, яна фонарини ўйнай бошлади.

— Нима, у аразлаганми, урганмидинг уни, нима бало?— суриштирди Гикор Симондан.

— Йўқ, урганим йўқ.

— Қиёфасидан худди аразлаганга ўхшайди-ку, а?

— Болаларим шунақа — ҳаммаси ўзига хос.

— Яхши эмас,— деди Гикор.

— Мендан нон сўрамаганидан кейин, менга нима.

— Нон сўрамаганидан кейин?— ажабланди Гикор.

— Уларга едираман-ичираман, албатта, лекин қиладиган ишларини ўзлик ўзи билади, ҳаммаси ўзига мустақил.

Қизил ит эпчиллик қилибди барибир, Алхоннинг бўйнидан тишлабди қанжиқ. Гикор сув иситиб беришларини илтимос қилди.

Унинг ўғли Генрик ҳам шаҳарда, албатта, санқиб юради, анови... шаҳарда нима кўп, хотин кўп... Нимага энди санқимас экан бўш вақти ошиб-тошиб ётганидан кейин — ишхонасида ўтирса беш-олти соат ўтирар, хўжайини билан иноқ, биргалашиб ичишади, ундан кейин нима қилади... бу ёғи маълум... Ҳамиша у чиннидай тоза юради, шаҳарликларга хос кийимлариям ўзига жуда ярашиб туради... галстуги ҳам — йўқ-йўқ, аёл кишининг қўли борлиги яққол сезилиб турибди, унинг ўзи бунақанги қилиб юролмасди. Ҳа, бунга аёл киши аралашгани шубҳасиз... Қишлоққа келса уч кунга ҳам чидолмайди. Келади. «Салом, салом...» Кейин эснай бошлайди, бир пайт қарабсанки, нарсаларини йиғиштиряпти. «Йўл бўлсин?»—«Яхши қолинглар».—«Эс-хушингни еб қўйдингми?!»—«Ишга боришим керак». Картошка эса унга зарур. Картошка. Карам. Пишлоқ. Ёғ. Ҳўл мева. Сабзавот. Йўқ, Генрик буларга қарши эмас, бу нарсаларнинг ҳаммаси зарур унга, фақат, худо ҳақи, уни оворагарчиликдан қутқазинг — уларни ўзи билан олиб кетолмайди — фурсатини топиб ўзингиз жўнатарсиз. Ана ундан кейин тилингни осилтириб у ёққа югур, бу ёққа югур, шофёрларга ялиниб-ёлвор,

биройтасини бир амаллаб кўндирганингдан кейин, тигирчилаб қопларни машинага орт, бордию шошганингдан бошингни эшик пешбурунига уриб олсанг, ўлганингни кундан шофёрга қараб «хи-хи-хи»лаб кулиб кўясан... «Ҳозир, ҳозир, озгинагина сабр қилинг... карамгина қолди...» Ниҳоят, карамни ҳам ортасан-да, пешонагдаги терни сидириб, нафасингни ростлайсан, ҳаммаси осонлик билан битганига шукур қилиб, ором топасан. Кейин ҳар хат ёзганигда қопларни — ахир улар унинг ўзига керак бўлади-ку яна, — қайтариб юборишини сўрайвер. Сен сўрайверасан, улар бўлса ўзини карликка солиб, жудаям банддек кўрсатишади. Нима ишлар билан банд, дейсанми? Қаёқдаги қаланғи-қасанғилар билан кўнгилхушлик қилади-да.

Гикорнинг назарида сув аллақачон қайнаганди, бироқ маълум бўлишича унинг илтимосини ҳеч ким эшитмаган экан. У қайтадан илтимос қилганди, Симон:

— Қўй-эй,— деди,— ахир от-ку бу, унга балоям урмайди.

Ана шунда Гикор бу ерда ўзига энг яқин Алхо эканлигини англади. Аламли жилмайди.

— Тўғри, от трактор эмас... комбайн ҳам эмас.— Гикор шундай деди-ю, Симон яна менинг устимдан куляпти, деб ўйламасини деб, қўрқиб кетди.— Меники эмас, бировнинг оти бу.

— Балки, йод бакор келар?

«Ҳали менга гап билан тишлатмоқчимисан?!»

— Айт, олиб келишсин...—«Ҳозир олиб келиб беришади, деб айтишга қандай тилинг боради, ниманг эркак сенинг, она сутн оғзидан кетмаган муштумдай боланг фонарини ўйнаб турсин-да, ўзинг лўкиллаб йодга бориб кел...»— олиб кел...

Пахтани ярасига босишлари билан от титраб кетди, пешонасини тер босди. Гикорга суйкалди. Шунда Гикор Андродан бу отни сотиб олишни ўйлаб қўйди, Андро қанча сўраса, шунча беради, отни ўзи парвариш қилади, умрларининг охиригача бирга яшашади. Кейин у эгарни ечиб, тозалади. «Анови тепаликка чиқишни икковимиз удалай олармиканмиз, а, от? Сенам, менам қарман, а?» У, ким сўраса, ўшанга отини беравергани учун Андрони ичида яна яниб қўйди. Ҳозироқ бориб, Алхони сотиб олишни... ёки ҳеч бўлмаса отни сўғоришни хоҳлаб қолди.

— Бола сўғориб келади,— деди Симон уни тўхтатганча.— Макбет!

— Рост-а, у бизнинг болалардан ҳам яхшироқ суғоради,— кулганча деди Гикор, бироқ боланинг сөвүк боқувчи кўк кўзлари унга ёқмади. Энг муҳими, у қўлидаги фонарни ўчириб-ёқарди, тинимсиз ўчириб-ёқарди.

— Ҳой, Макбет, кел, ким ўзарга ўйнаймиз.— Кўчада мотоцикл тариллади.

Улар стол ёнига ўтиришди, чой ичишди, нонлари ширин эди уларнинг, яна столда анжир мураббо ҳам бор эди. Улар Гикорга, у қанча олиб кета олса, шунча галла беришга ваъда қилишди. Гикор: «Ёнимда яшириб қўйган пулим ҳам бор, тўлайман...»— деган эди, уй эгалари қўлларини силкишди — пулинг нимаси, галлани сиғдиrolмай кандук бузилиб кетай деяпти-ку. Ҳа-ҳа, Цмакутда галладан бошқа ҳамма нарса яхши, ҳамма нарса етилади, лекин шу галла дуруст эмас-да... ҳатто етишмайди ҳам. «Давлатникини ишлатасизларми?»—«Давлатникини. Дон ҳолида ҳам, ун ҳолида ҳам оламиз, барибир таъми йўқ...» Кампири бўлса жудаям мункиллаб қолган, ундан кўра онаси бақувватроқ... Кампири уларга зайтун ёғидан бериб юбормоқчи эди-ю, иссиқ йўл, асфальт — йўлда жийиб қолади, деб қўрқди... Гикор стол ёнига ўтиргандан бери қулоғи кўчадан эшитилаётган овозларда эди — бола Алхони қайтариб олиб келмаётган, нимагадир ҳаяллаётганди.

— Ўғлинг негадир шу пайтгача келмаяпти,— деди Гикор.

— Э, ташвиш тортма, ҳеч нарса бўлмайди,— уни тинчлантирди Симон.

— Мактабда қанақа ўқийди — яхшими?

— Яхши, яхши ўқийди, фақат, топиб олгани трактор, унга жудаям қизиқади.

— Менга... менга у жудаям бунақангига ўхшаб кўринмади-ёв, а?

— Тўғри, жуда тўғри пайқабсан,— деб кулди боланинг отаси.— Имтиҳон пайтида ўзаро телефон ўрнатилишиб, бир-бирларига секин айтиб туришибди.

— Шоввоз-эй,— нохушлик билан деди Гикор.

Улар Алхони уришмади. Булоққа олиб бориб, унинг қандай сув ичиши-ю, қорни қандай шишаётганини томоша қилишди. Кейин назарларида Алхо жуда кўп сув ичаётгандек туюлгач, уни нарига судраб олиб боришди, бироқ болалардан бири от оғзини очмай сув ичганини айтиб қолди, текшириб кўришди — ҳақиқа-

тан ҳам Алхо лабларини қаттиқ қимтиганича сув ичарди: оғзига қуму ифлос нарсалар кириб кетмаслиги учун шундай қиларди-да. Шундан сўнг болалар уни қишлоқ ортига олиб ўтиб, йўлда елдириб кетишди.

Алхо ўн уч-ўн беш ёшли болалардан чўчирди. У булардан кўра устига ўзи кўтара олмайдиган юк ортилишини, станцияга олиб борадиган йўлни, ингичка тумшуқ қанжиқни, қизил тусли қанжиғу битлиқи кўппакни — кўппакларнинг бирваракайига ҳаммасини-ю, сийловига яна илон билан тукли ариларни афзал кўрарди — ҳарқалай, у пайтда нима бўлишини биларди-да. Болалар Алхони йўлдан ҳайдаб боришар, у эса таги йўқ чуқурлик чиқиб қолишини кутарди. Алхо оёғи остидан чуқурлик чиқиб қолишини кутар, бироқ чуқурлик учрамасди, фақат орқадан мотоцикл тариллаганича келарди. Барибир Алхо уларга ишонмасди, ҳатто суғоришаётганида ҳам ишонмаганди уларга.

Болалар уни ҳайдаб боришди, боришди-да, бирдан, ким биринчи минади, деб баҳслашиб қолишди, кейин учовлари Алхонинг устига ўтириб, уни чопдириб кетишди. Алхога ноқулай эди, лекин, ҳечқиси йўқ, чидаса бўларди. Бироқ унинг орқасидан мотоцикл қувалашга тушганда — азоб бошланди: мотоцикл орқасида, олдида, ёнида пайдо бўлар, оёғи остида ўралашарди. Ана шунда Алхо, бундан кўра ўлардай уриб, юмалоқ-ёстиқ қилиб қўя қолганлари яхшийди, деб ўйлади.

— Майли, жудаям чарчаб кетди, дам олсин энди...

— Ҳой, Макбет, эшитяпсанми, ёқилғиси тугабди унинг...

Улар от яхшими, мотоциклми, — деб тортиша бошлашди. Кейин мотоцикл ғойиб бўлди, бироқ улар Алхонинг думидан ушлаб, майнавозчилик қилишга тушишди: унга юришни буюришарди-да, ўзлари эса думидан тортишарди — думи узилиб тушай деди. Албатта, узилиб тушгани йўқ, лекин жони оғриди. Бундан кўра думини бир йўла бутунлай узиб олганлари маъқул эди унга. Чўнтак фонарини Алхонинг пешонасига осиганда, у сал бўлмаса жирканиб ижирғаланиб юборай деди, бунинг устига болалар тўсатдан унинг қорнини тўйғазишини хоҳлаб қолишди.

— Энди ўтла, — деди улардан бири.

— Утла, — деди бошқаси унинг бошини ерга эгганча.

Учинчиси эса, нақ бурни тагига қандайдир гулни тиқиштирди.

— Сенга гул бергандан кейин, егин-да.

— Гапга тушунмайди.

— Қоронги-ку, эҳтимол кўрмаётгандир.

Оймомо ерни сутдек нурга чўмилтирар, унинг индамас катта чамбараги бу ёғдуни хотиржамлик билан ер узра сочарди. Юлдузлар чақнарди. Юлдузларнинг фақат ярмигина юлдуз. Қолгани эса — бизнинг сайёрамизга ўхшаш сайёра. Уларда, балки, одамлар яшашар. Улардаги одамлар, эҳтимол, ҳозир катта бинокллардан ерга қараб, ўти ўрилган далани, болаларни, оту унинг пешонасига илиб қўйилган фонарнинг галати, аянчли ва кулгили ёруғини кўришаётгандир.

Гикор Симон билан уларга яқинлашганда ой ҳали ҳам ўзининг сутдек оппоқ ёғдусини далага сочар, отдан тушаётган соялар тебранар, учаётган кулранг юлдузлар аста-секин сўнар, қоракўз болалар эса кўзларини ишқалаб, пешонасига фонар осилган отга диққат билан миқ этмай тикилиб туришарди.

— Гипноз қиляпмиз.

Гикор уларни сўкмади — ҳарқалай бегона болалар эди-да. Симон ҳам ўғлидан аччиқланмагач, болалар қочиб кетишмади. Демак, ҳеч қанақанги ноўрин қилиқ қилишмаган, деб ўйлади Гикор. У индамасдан фонарни ечиб олди-да, чўнтагига тикди — агар сўрашга журъат этишмаса, ўзига қолади. Қисқаси, фонар Цмакутда бўлади — бу энди аниқ эди.

Балки, Алхога шунча ғалла ортмаслик керакдир, а? Ахир очарчилик, қурғоқчилик пайти эмас-ку ҳозир. Мана бу уй эгалари лоақал отга ачинишса-чи, сени қара-я, тушингда кўрасан бунини, хасислик қилаётгандек кўринишдан кўрқишади! Алхо ҳамма юкни ортмоқлаб олди-ю, сурати от бўлиб қолди. Худди ўлганга ўхшарди у.

— Айта, жудаям кўлайиб кетди-ёв...

Англиядами ё бошқа жойдами, ишқилиб, айтишларича, ўғиллар бошқа шаҳарда яшаш учун жўнаб кетишса, ҳар ойда уйга соғ-саломатман, сизга ҳам сиҳат-саломатлик тилаб қоламан, деб хат ёзиб туришармиш. Яна ҳар ойда, мунтазам равишда пул ҳам юбориб туришармиш, шайтонваччалар. Ўзларининг ўғиллик бурчларини ўташаркан-да. Ҳа, энди Англия шунақа мамлакат, тартиб-қонидани билишади у ерда... Алхо афтидан, етиб боролмайдиганга ўхшайди... Тўсатдан Гикорнинг ўзи ҳам чарчаганини сизди, яшаб қўйган

олтмиш беш ёшинию кўнглига тушган ноаниқ гулгулани сезди.

— Алхо...

Гикор унинг сувлигини, эгарини, узаңгиларини тўғрилади.

— Алхо...

Бироқ Алхо юриб борарди— паст, сал-пал эшитилаётган инқиллаш билан юриб борарди. Алхо юкига хилоф равишда, ўз ҳаётига хилоф равишда юриб борарди. Қизиқ, несоевлик Аршакни нимага ўлдиришган экан? Пул, қандайдир арзимайдиган пул, шаҳарда ёр сотиб, ўшанинг чақаларини олиб келаётган бўлса керак-да.

— Алхо, сен билан иккаламиз қандай етиб оламиз, а?..

Гикор қариб қолганини, мана шу йўл уни ҳолдан тойдирганини англади. У шўх йигит-қизларга тўла эрталабки автобусни эслаб, сўкинди:

— Бефаросат аҳмоқлар, ҳаммаларингни...

Аммо шу заҳотиёқ автобус унинг хотирасидан кўтарилиб, кўз ўнгида арава ёнида турган танбалбашара Андро пайдо бўлди.

— Латтачайнар, хотин деса ўзини томдан ташлайди...

Кейин Ашхенни эслади, лекин уни койимади. Ўғлининг қирмизи дудоқларини нафрату жирканиш билан эслади. Қирғоғида Алхо турган сойни, қизларни ҳам эслади-ю, офтобда ялпайганча лохас бўлиб ётган бесўнақай гавдали аёлни сўкди, ўғлини унинг ёнига қўйиб кўриб, яна сўкинди, ўғли Генрик аёлнинг олдида кичкинагина, қилтиллаган эди, бу эса Гикорга ҳечам ёқмади, чунки баҳайбат аёл Генриkning оппоқ бурнидан ушлаб олса, унинг нафаси ичига тушиб кетиши мумкин эди... «Саккизинчи синфдан бери чекади, итвачча»,— Гикор шундай деб кўнглидан ўтказди-да, ўзини бюро партиядан ўчириб, раисликдан олган райкомдаги папирос тутунига тўла хонани эслади. Ўшанда ҳам Гикор юк ортилган отда эди — пичан тўғрисида ўйларди, уни партиядан ўчиришди, у бўлса, Цмакутдаги картошка нима бўлдийкин, ёмон бўлиб қолмадимикин, деб ташвишланарди. Эҳтимол кутилган, юз беришням, бермаслигиям мумкин бўлган барча очарчилик, барча қурғоқчилик йиллари учун ташвишланарди. Гикор оморбордаги ғаллани, буғдойзор далани эслади-ю, устидаги юкига занжирбанд қилиб қўйилган Алходек, ўзи

ҳам — хоҳ ўзиники, хоҳ бегонаники — Цмакут далаларига, омборларига маҳкамлаб занжирбанд қилиб қўйилганини тушунди. У маза-матрасиз нон ёпгани учун нонвой Вагони сўкди, кейин ўзини ўзи мажбур этиб, бутун мол-мулкани қандай сотиши-ю, шаҳарда яшаш учун кўчиб ўтишини ўйлай бошлади. Бироқ у тасаввураридаги шаҳарда бир дақиқа ҳам яшай олмади, юраги тарс ёрилиб кетай деди.

— Алхо, меннинг Алхоим...

У ўғли Генрикин эслади, олдига тўқли билан қандай келганини, ўғли ўзи билан бирга ишлайдиганлару узуноёқ секретарь қизни қандай бошлаб келганини, Гикорнинг ўзи келини билан қандай кабоб пиширганию тутундан кўзлари ачишганини, пировардида, ҳамма югур-югурлар тугагач, Гикор хонага кириб, еб-ичиб олган булбулигўё меҳмонларни кўргани-ю, ўғлининг: «Ота, кабобни иссиғида ейиш керак, шунинг учун сени кутиб турмадик, биз учун ичиб юбор...» — деганини эслади. Ушанда ҳеч нарсадан ҳеч нарса йўқ аҳмоқона ғурурланганини, Левон билан Москвага қилган сафари тўғрисида уларга гапириб беришни жудаям хоҳлагани-ю, бироқ ҳеч ким унга қулоқ солмаганини хотирлади... Кейин ўғли Гикордан, ўзининг қишлоқи онасидан уялганини эслади... Вой, худойим-эй... Шундан сўнг Гикор, бу ер юзида қанчадан-қанча текинхўр бор-а, деб ўйлади, шунчадан-шунча текинхўр фақат сандироқлаб бекор юргач давлатга ҳам ачинса бўлар экан, деб кўнглидан ўтказди.

Алхо, қадрдоним... Йўқ, шундоғ ўзим. Модомики, ўрнингдан турдингми, кел, у ёқ-бу ёғингни тузатиб қўй... Мана... энди тузукми?

— Қопларнинг устига брезент ташла,— деди Гикор хотинига.— Отни яхшилаб арт, кейин устига намаз ёлиб қўй, шамоллаб қолмасин тагин. Чўққаларни йўқот бу ердан, ухламоқчиман. Кастрюлларингни ҳадеб тақира-туқир қилавермасанг-чи!— ўшқирди Гикор. Сўнг — Қасахдан келяпман ахир, маҳунинг билан биргаликда ўзинг ҳам...— деб гўлдиради уйқуга кетар экан.

Кейин, кейин эса фақат тоғлардагина бўладиган шабада турди, булутларни сал-пал тўзғитиб, чўққидан чўққига қараб эсди, ферма мудири Левон отбоқар Месроп билан жанжаллашди, аёллар қўйларни соғишди, қорни очган кўппаклар акиллай бошлади, олис-

дан олтинранг йилқи уюрининг овози эшитилди. Гикорнинг хотини товуқ сўйди. Алхо эса астагина мудрашга тушди.

Қўйлар ўтлагани кетди, қорнини аллақачон тўйдириб олган итлар улар билан бирга боришни хоҳламасди, бироқ, барибир изларидан истар-истамас эргашишди. Алхо тикка турганча дам оларди.

Гикор чодирдан чиқиб, эшик ёнига ўтирди-да, ҳомуза тортди, ғамгин, жудаям ғамгин эди у. Ашхен келиб: «Роса ортибсан-да...»— деди. Гикор унга жавобан: «Бор, бунақанги ишларга ақлинг етмайди»,— деди. Чўпонлар подадан бегона ғунажинни ҳайдаб чиқаришди, кучуклар қуршовидаги тулки нақ уларнинг тумшуқлари остида йигирма марта кўриниб, йигирма марта гойиб бўлди. Гикор сойга тушди. Левон ферма учун ўтин ёрарди. Месроп йилқи томон йўл олди, Алхо эса ўт қимтий бошлади.

— Еявер,— деди Гикор унга.

Эрталаб эса:

— Ҳали ҳам ўтлаяпсанми?— деб сўради Алходан.— Тўғри қиласан, баракалла. Ўтлайвер.

Фақат тоғлардагина бўладиган шабада эсарди, булутларни сал-пал тўзғитиб, чўққидан-чўққига эсар, аёллар қўй соғишар, олтинранг йилқи уюри овоз берарди. Алхо бошини силкитди — у ёқдан орқаси катта байталлар ҳид таратиб, юк туфайли сезиладиган ҳоргинликни эмас, балки оромбахш ҳоргинликни ваъда қилишарди. Алхо секингина кишнаб, улар томонга йўналди. Айғир йилқидан ажралиб чиқиб, Алхога бир дақиқача қараб турди-да, унга ташланди. Алхони улоқтириб юборди, устидан босиб эзгилади, кейин хириллаганича югуриб кетди. Йилқига бориб қўшилди. Кейин ўша ёқдан ёвузлашиб, нафратга тўлган кўзлари билан қаради: анови аянчли махлуқ яна йилқига қаердандир яқинлашишга журъат этияптимики?

Алхо чўккалади, кейин оёққа туриб, йилқига қаради — байталлар илиқ ва гулларга хос ҳид таратарди. Айғир енгил қадам ташлаб, ўз уюрини айланиб чиқди-да, яна Алхога ташланди — уни яна тагига олиб эзгилади, кейин голиб ва ёвузлашган ҳолда байталлар ёнига кетди.

Осмонда булут парчалари сузиб юрар, узоқдан ўтлар орасидаги олтинранг йилқи уюри кўриниб турар, очқаган итлар ангилаб, ўзларини ялаб-ямлашарди.



Алхо ўрнидан турди, титраётган оёқларида туриб қолди, бошини кўтарди — байталлар гуллар ҳиди-ю, илиқлик таратарди. Алхо кишнаганича яна йилқига яқинлаша бошлади.

— Гикор! Отингни ўлдириб қўйишяпти... Гикор...

— Гикор! Четга қоч, босиб кетади, Исо ҳақи, четга қоч!..

Қўлига паншаха ушлаб олган Гикор айғирга қарши борарди.

— Ишёқмас ит, ичак-чавоғингни ағдариб ташлайман сени, ҳаром қотгур...

Гикорни итлар қутқариб қолишди: улар айғирни ўраб, уни Гикор билан Алходан нарига сиқиб олиб бориб қўйишди. Алхо ҳамон олтинранг йилқи уюрига интилар, ўша ёққа юрар, Гикорни кўрмасди. Алхо тўхтамай, оёқлари билан Гикорни эзгилаб борарди.

Олтинранг айғир кўппаклар орасидан қутулиб чиқиб, Алхога ташланди, уни тишлаб, ерга чалпай қилиб ётқизиб, оловдай ёйини ёйганча, ўз йилқисига қараб кетди. Йилқига етиб олгандан сўнг орқасига ўгирилиб, урина-урина базўр ўрнидан туриб, бир лаҳза қимирламай қолган Алхо Гикорнинг орқасидан эргашганини кўрди. Алхо навбатдаги юкка олиб борувчи йўлдан борарди, қишлоқ орқали станцияга қараб кетаётганди у.

— Раҳмат-эй,— дейишди Андрога,— раҳмат-эй сенга! Гикор Қасахга борса Алхо ҳозир-нозир, болакай эса икки кундан бери станцияда саргайиб ўтирибди, чунки Алхо чарчаган, раҳмат-эй...

— Андраник...—чақирди кампир — Андронинг онаси.

— Сенга бирор нарса бўлдими, ойи, нимага ҳадеб Андраниклайсан?

— Акангнинг ўғли уйга келолмай, станцияда ўтирибди, Андраник...

— Мен айбдорманми станцияда ўтирса, нима, мен айбдорманми?..

## СТАНЦИЯДА

Кузда мана бундай воқеа рўй берди. Биз тўққизинчи синфда ўқирдик — ёқимли ва шафқатсиз, жазирама бир ёз ичида анчагина вояга етиб қолгандик. Мактабимиз директори ҳамда география ўқитувчимиз ўртоқ Давтян бизнинг на яхши, на шунчаки муваффақиятларимизга, на бошқа ўқитувчиларнинг унинг устидан

пинҳона кулишларига ҳеч бир алоқаси йўқ ҳолда, ўта хотиржамлигию ёши ўтинқираб қолганидан ялқовла-  
ниб дерди:

— Учир овозларингни, маймунлар.

Урим пайтида чўлоқ ва сурбет Спандар тунда бо-  
тинкасини ечиб, пичан гарамидан секингина сирғалиб  
чиқди-да, қоронғиликка сингиб кетди. Худди шу пайт  
баланд бўйли Лена ҳам ой ёғдусида ўрнидан туриб, те-  
варак-атрофига бир лаҳзагина қулоқ солди, кейин  
шаҳдам-шаҳдам, катта-катта қадам ташлаб, худди ўша  
қоронғилик қаърига қараб кета бошлади, бироқ унинг  
бу қадам ташлашини бева Гино уйқусираб билдириб  
қўйди: «Ҳой, ким юрибди?»

Шунақа ишлар бўлганди. Ёзда шундай воқеа юз  
берганди. Мен «Декамерон»ни ўқиб чиқдим, қизлар-  
нинг ўтган йилги кўйлаклари калта келиб қолганди,  
Игнатова Жемма ярим йўлга борганда уйдагиларга  
бсриб қўярсан, деб сумкасини менга ташлади-ю, ки-  
роваканлик шофёрга хотин бўлиш учун у билан бирга  
кетди, шамутлик чиллак Гаруш мактабга янги келган  
муаллиманинг ҳовлисидаги арқонда сийнабандни кў-  
рибди, кўккўз Анаит бўлса қўлига бошини қўйганча,  
менга тикилганидан тикиларди. Мана, ўртоқ Давтян  
яна ярим мудроқ аралаш деди:

— Овозларингни ўчиринглар, ялқов маймунлар.

У ростдан ухляяптими ёки шунчаки мудраяптими—  
синаб кўриш учун:

— Биз — маймунмасмиз,— дедим.

Маълум бўлдики, у мутлақо ухламаётган экан.

— Ким маймун бўлмаса?

Қизларнинг ўтган йилги кўйлаклари тор келиб, ба-  
данларига сирилиб турар, янги муаллиманинг ҳовлиси-  
даги арқонга ёйиб қўйилган кирлар шундоққина кўзга  
ташланарди, мана бу икковига — сарвқомат Лена би-  
лан чўлоқ Спандарга ёзда Гино халақит берганди,  
Анаитнинг эса шерст кўйлагини кўкраги тирсилларди.  
Секингина, зўрма-зўракилик билан ўрнимдан туриб,  
нафратланганча, бошимни эгиб кута бошладим.

— Хўш, сизлар маймун бўлмасангиз, ким маймун?—  
деди у.

Олдинги партадан чиллакдай ориқ синглим Гаруша  
менга қўрқа-писа қаради, орқамдан эса Анаитнинг  
қўрқувга тўла чиройли кўзлари тикилиб турарди, қў-  
лим билан секингина партага суялдим-да, елкамни қис-  
ганча:

— Баъзи бировлар,— дедим-да, кўзимни пирпиратмай, унга тикка қарадим.

— Давом эт,— деди у.

— Жудаям зарурми?

У мени синфдан чиқариб юборди.

Езда ишлаб топган пулимга ўзимга кўйлак, камзул, соат, ботинка, шим, чўмилганда кийиш учун махсус трусик, ўзиёзар ручка, онамга шол рўмол, болаларга конфет сотиб олинганди, бу йил сентябрдан бошлаб француз тили муаллимамиздан, вожатий опамиздан, саккизинчи, тўққизинчи, ўнинчи синфнинг ҳамма қизларидан биз қандайдир ёқимли ва сирли туйғу сеза бошлагандик, мен:

— Бўлмаган гап,— дедим.

Ўқитувчи ва ўқувчилар, ўқувчиларнинг ота-оналари директорни фақат учрашишганда ёки у билан гаплашишгандагина эмас, балки ҳамма пайт — тушлик қилаётганларидаям, ҳожатхонадаям, газета ўқиётгандаям, сайр-томоша этиб юришгандаям ҳурматни жойига қўйишлари учун мени мактабдан ҳайдади. Пировардида: «Маймун» — деди. Аммо, мен унга жавобан: «Буни маймундан эшитяпман», — демадим, шунинг учун, мабодо яхшилаб илтимос қилинса, у мени мактабга яна қайтариб олишидан ҳали умидим бор эди. Бироқ отам бошқача фикрга келди — мени ҳунар мактабига жўнатди. Етти бола — ака-укаларим уйда шовқин-сурон кўтариб, колбаса билан нонни кўз очиб-юмгунча қуритишарди: «Фишт терувчи бўлиб олсанг — уйга қарашиб турасан...»

— Бокс!.. Тўхта! Чап! Фақат чап билан! Унг қўлинг йўқ, тушунарлими! Бокс! Чап, чап, чап, чап! Баракалла!

Ҳунар мактабига Абарандан келган, ҳўкиздай гавдали, худди сузмоқчидай ташланадиган Карапет Карапетянининг бурнини биринчи раундаёқ абжағини чиқардим. Бу йилги ўн беш учрашувдан ўн тўрттинчисида унинг аҳмоқхона башарасини «чиройли» қилиб қўйдим. Энди у ўзининг калтакболиги билан жонимга тегиб, мени чарчата бошлади, унинг борлиги энди мени ташвишлантирмас, жон-жаҳдим билан боксга тушишга ундасди, бироқ худди ўша ўн бешинчи — ҳал қилувчи учрашувимизда у нягимга яхшилаб тушириб қолди-ю, бурним билан ерга муккалаб тупроққа қоришган қоним таъмини лабларимда сезишга мажбур қилди.

— Чап, чап, чап,— дерди тренеримиз атрофимда сакраганича,— чап қўлинг қаерда қолди, меров?..

Шу йили кузакда бизни Москвага олиб кетишди. Рақиб деб аталувчи кимса йўқ эди. Кўринмасди. Рингда арқонлардан ясалган тўртбурчак жойда битта ғалабаю битта мағлубият бор эди, ғалабани Маканинга, мағлубиятни менга лойиқ кўришди — бунинг маъноси шу эдики, Маканин икковимиз бир-биримизга рақиб эдик. Бироқ азбаройи худо, на уни кўз олдимда кўраддим, на муштумим топа оларди. Шунга қарамай, ҳар ҳолда, у қаердадир яқингинамда, ёнгинамда эди, чунки мен уни кўрмадим, ҳаво билан, арқонлар билан олишдим, судьяни Маканин деб ўйладим, «чап, чап, чап» — қаердадир тренер шивирларди, Маканиннинг мушук кўзлари қўлқоп орқасидан икки марта ялтиллаб кўринди-ю, яна ғойиб бўлди: «чап, чап, чап», — деб шивирларди тренер, ўша Маканинни ҳам ўнг, ҳам чап қўлим билан, ҳам тиззаму ҳам бошим билан уриш учун, унинг эпчиллигию чаққонлигига чек қўйиш ва ниҳоят, уни рисоладагидек — ҳақиқий, кўзга кўриниб турадиган рақибга айлантириш учун шартта ёнимга ўгирилдим, бироқ у яна ғойиб бўлганди; қулочимни ёйганча арқон устига учиб тушдим.

— Топиб олган гапинг билан жонимгаям тегиб кетдинг,— деб бақира бошладим тренеримга.

Бир бурда нон томоғимдан ўтмасди, ўрин-тўшакнинг оппоқлигига эҳтиёж йўқ эди, қизлар ҳам эркаклик ҳиссиётимни қўзғатишмасди.

Ўша йили каттагина очерким эълон қилинди. Бокс тўғрисидаги ҳикоямни босишмай, шундай дейишди: қара,— мана бу ринг, мана бу арқонлар. Рингда рақиблар турибди, мана бу эса судья — ҳаммаси жойидами? Яна бирор киши керакми? Йўқ. Хўш, унда, энди рақиблар ғалаба учун курашадилар, ким кучли бўлса, ўша ғолиб чиқади. Шундай экан: «Арқонлардан ясалган тўрт бурчак жойда битта ғалабаю битта мағлубият бор эди», — деган жумланинг бунга нима алоқаси бор? Қурувчилар тўғрисидаги очерким конкурсада биринчи мукофотни олди. Умримнинг ўн саккизинчи баҳорида аёл нималигини билдим: ўшанда қишлоқдаги мактабимни, унинг директори ўртоқ Давтянни эслаб, кулиб юбордим. Ишлар бошқача бўлиб кетганидан кулдим. Давтян пешонамга чўчкабоқарлик қисмати битилганини башорат қилаётганида, остонадан орқамга ўгирилиб, унга «ҳечам-да» демоқчи бўлгандим-у, жон-жаҳди би-

лан қўлини чўзиб, дарсни гапириб беришга рухсат сўраётган шамутлик Меружанни кўриб қолгандим. Назаримда, у ҳали ҳам қўлини чўзиб, доскага интилаётгандай эди, мен эсам аллақачон Москвадаям бўлдим, ғалабаям қозондим, мағлубиятгаям учрадим, ҳозир, мана, меҳмонхонадаман, ваннада ювиняпман, эшик орқасида — номерда аёл мудраяпти, ҳатто унинг исмини, — Идамиди-эй, Аидамиди-эй — чин сўзим, очиқ-ойдин билмайман.

Ўрта маълумотни кечки мактабда олдим. Шамутлигу цмакутликлар тугмаларини қадаб, қўрқуву шаҳар диққинафаслигидан тинкалари қуриб, имтиҳон олувчиларнинг кўз кўриб, қулоқ эшитмаган қаттиқ қўллигидан ҳадиксираб университет эшиклари ёнида пайдо бўлганларида тилларидан битта иншо — диплом иши даражасидаги, гўё классик асардек доврўқли иншо тушмасди. Бу — менинг ёзма ишим эди. «Маймун қалай?» — дедим шамутликлару цмакутликларга. Кейин мурувват кўрсатиб, орқасидан яна қўшиб ҳам қўйдим: «Кекса одам, омон бўлсин, ўз билганича яшайверсин...» Шамутликларга эса шундай дедим: «Хўш, гишт терувчилик касбим тўғрисида отам нима деяпти?»

«Биродар, дарсни ёд олдингми? — чўзиб, қироат билан ўз лаҳжамизда сўрадим Меружандан. — Шаҳарга келибсан, институтга кириш ниятинг борми?..»

Бу йили ҳам катта боксда қатнашиш учун яна бир қарра уриниб кўрдим — бефойда кетди. Бироқ муваффақиятларим шунақаям кўп эдики, бу мағлубият мени зигирчаям қайғуртирмади: бирин-кетин уч очерким, битта ҳикоям эълон қилинди, машҳур шоир билан учрашув кечасини очдим, курсдошларим ҳали ҳам деканнинг соясидан қўрқишарди-ю, унинг секретарь қизи эса менга ҳеч қандай мажбурият юкламай ўзимники бўлиб қолганди, ўртоқларим, истисносиз, ҳаммалари ҳам Тбилисидаги илмий сессияга ихлосу ҳаяжон билан, нафаслари ичларига тушиб жўнаб кетган бўлишарди, мен эсам — унга боришдан бош тортдим. Бутун дунёга машҳур Сарьяндан интервью ола туриб, у бир нафаслик эътиборсизлик туфайли хатога йўл қўйиб, бошқа гапни айтиб юборганда, ундай эмас, эҳтимол, бундайдир, деб тузатиш киритдим. У шу заҳотиёқ менга қўшилиб, хатосини тўғрилади. Сиёсий иқтисоддан лекция пайтида газетага катта бир очерк ёздим. Вақти-вақти билан бошимни кўтариб, лекторга эътироз билдириб қўярдим, у аччиқлайдигандан аччиқланар,

мен эсам, ҳеч нарса бўлмагандек, яна очеркимни ёзмишга киришардим. Вержинэга кўзимни қисиб қўяр, Аэлитанинг нозик бўйнига пуфлар, елкам оша Суренга гап отардим: «Халақит бермасанг-чи, шайтонвачча, тугатиб олай, ахир пулига бирга ичамиз-ку».

Алхо тулки Гикорнинг юкини ортмоқлаб, импрсилаб, қадам-бақадам ўзининг Цмакутига яқинлашаётган бир пайтда, мен «Ереван — Москва» тезюрар посэдининг юмшоқ вагонига жойлашиб олиб, ўзимнинг тақдир эркаси эканлигимни, толен баланд одамлигимни, ҳаммага манзурлигимни, кейин, дарҳақиқат, аёлларга худо томонидан юборилган балолигимни ўйлаб борардим. «Эҳ, бу Грант Карян...» Хотинлар қуршовидаги ота Дюма шон-шуҳратларга бурканганди — бу мен эдим, ҳал қилувчи жанг чоғида Кутузов ухлаб ётганди — бу мен эдим, подшоҳимиз Артавазд бошини тик тутганча, енгилөөқ Клеопатранинг ёнидан ўтиб, кундага қараб кетганди — бу яна мен эдим. Нобель мукофоти, «Монпарнасе»даги знёфат — «учинчи столга икки шиша коньяк». Кейин мушукчадай Бриджит Бардо. Пикассонинг «Шар устидаги қизча» расми. Яна турли-туман гап сўзлар: «Сизни кўрарга кўзим йўқ... «Император ҳазратлари сизни сўраяптилар». — Императорга бориб айтнинг, бир соатча кечикиброқ бораман...»

— Вержинэ!.. Вержинэ!..

— Кеч, энди кеч бўлди.

— Вержинэ...

— Тўрт йил... биринчи кундан бошлаб... уйда, лекциялар пайтида, университетда, машғулотлар чоғида, лагерда, ер кавлаётганимизда... тўрт йил... шунча пайтгача... қаёқда эдинг?..

— Вержинэ...

— Кеч.

— Нимаям дердим, Вержинэ, бахтли уй бекаси бўл!

Бу, ўрни келганда айтиб қўяй, худди шундай бўлганди: Вержинэ инженерга турмушга чиқди, давлат имтиҳонларига ҳаллослаб, тепа лабининг устини маржондек тер босиб, югуриб-елиб келар, имтиҳон пайтида дик этиб ўрнидан туриб, боласига кўкрак тутгани эшикка қараб югуриб қоларди, қачонлардир эса Ереванга ёш, жозибадор француз аёли — француз киносининг юлдузи келиши керак эди, ёинки, осони, цмакутлик Грант Парижга бориши лозим эди. Онамнинг чийилдоқ овоз-

да гапириб мендан қувонши, ўн нафар кичкинтойла-  
римизнинг ҳайратомуз боқишлари, отамнинг киши  
билмас фахрланишию доцент Ахвердянининг университет  
йўлагиди: «Аспирантурада қол» деб қилган таклифи мен-  
га мартаба бўлиб хизмат қилди. «Ереван—Москва» по-  
ездда келаётганим ҳам менга мартаба эди, яна бу  
поезд скорий эди, меники эди — шимим яхшилаб даз-  
молланганига ишончим комил ҳолда йўлакдан у ёқ-бу  
ёққа аста қадам ташлаб бориб келишим, ойнани очи-  
шим, чекишим мумкин эди, вагонда қаерларга қўйил-  
ганини биладиган кулдонларим бор эди, яна оёғимни  
чалиштириб ётишим мумкиниди — бу менинг жойим-д-ч.  
Тўғри 1939 йили тулки Гикор, яна бир неча сут соғувчи  
Москвага боришган, эҳтимол, скорий поездда борган  
бўлиб ҳам чиқишар, лекин улар, турган гапки, поезд-  
нинг жуда соз жиҳозланганини ҳис этишмаган — улар-  
ни қандайдир гуруҳ-гуруҳ қилиб, қандайдир тўдалаб  
олиб боришган, тўда-тўда қилиб Москвани айланти-  
ришган: мана бу — Кремль, мана бу — Москва дарё-  
си, мана бу — Мавзолей. Кейин уларни яна поездга  
тиқиб, орқаларига қайтариб юборишган. Бу ерда — бу  
поездда бўлса, шим кийиб олган грузин жувон товуқ  
тухумисимон кўзларини менга тикканича ўтирибди бе-  
чора. Бечора грузин жувони — тасодифан эсимга ту-  
шиб қолса унинг тикилиб ўтирганини сезаман, бўлма-  
са — йўқ. Купедаги иккинчи пассажирнинг кўзи хира,  
соч деганидан бутунлай қолмаган унда, мен — омади  
келган, хушқомад, яхшилаб дазмолланган йўл-йўлли  
кулранг шим кийган, қора ботинкаси ялтиратиб тоза-  
ланган, оқ кўйлагини устидаги қора галстуги бўшатиб  
қўйилган — мен эсам оёғимни оёғимга чалиштириб,  
бепарволик билан ўз жойимда ётибман, бахти қаро  
грузин жувон, эҳтимол, кўзларини менинг купеим эши-  
гидан узмаётгандир, ҳатто учинчи пассажир ҳам — аф-  
тидан, кўзойнакнинг хотини шекилли, — олтинсимон  
сочлари орасига бармоқларини суққанича, мен томонга  
қарамасликка ҳаракат қиларди-ю, бироқ урдасидан чи-  
қолмаётганди. Лорд Байрон йўл-йўлакай унинг ғамгин  
боқишини, келишган дўнг пешонасини, олтинсимон соч-  
ларидаги узун-узун бармоқларини, стол остидаги узун  
оёқларини кўриб қолди-да, кафти билан оғзига аста  
урганча, эснади. «Аспирантурада қоласанми? Аспиран-  
турада қолавер». Эй, бу чаласавод педагоглар-у, бу ча-  
ласавод доцентлар хўп жонимга тегди-да: феълнинг  
келиб чиқиши... Мейе айтадики, Ачарян айтадики,

Введенский айтадики, Ачарян айтадики, кейин менинг қақшатқич зарба бўлиб тушадиган луқмам эшитилади: «Сизнинг ўзингиз нимани айтасиз?»— Бу гапни эшитиб қизлар жавдираб қолишади. Июль ойи, куппа-кундуз кунн боғчада Вержинэ — эри уни одамлардан пана қилиб турарди,— боласини эмизяпти, юқорида эса аллақачон унинг навбати келган, бироқ тайёргарлигининг мазаси йўқ, «пулнинг келиб чиқиши... пул худди... эм-санг-чи, лаънати, жонгаям тегиб кетдинг-ку». Грант Карян июль кўёши остида кўкимтир соялар ортидан ўтди. Оҳ, бу Грант Карян — мунча баланд бўйли, мунча қаддиқомати келишган йигит бўлмаса-а, юришини айтмайсизми — ҳеч ким бунақанги чиройли юрмаса керак. Лекцияга уйқусираб келади — чиройли кўринади, ноябрь намойишида кўчада кетаётганда-чи,— чиройли, политехника институтида ўқийдиган Каринэ билан твистга тушганда-чи — бундан чиройлиси йўқ эди, экскурсияга боришганда сал-пал жилмайиб, курдча рақсга ўйнаганда-чи — шундаям чиройли эди у... Политехника институти толибаси Каринэга шапалоқ тортиб юбориб, ўзи университетга кўзи ости моматалоғ бўлиб, лаби ёрилиб, шишиб келганда ҳам — улар уч киши эди-да, деворга қисиб қўйиб... — барибир итвачча ўшандаям чиройли эди, худо ҳақи, чиройли эди.

— Кировакан! Кировакан станцияси!..

Мана бу Кировакан... Халат кийиб олган бақалоқ уй бекаси юзлари қизариб-бўртиб, терга ботиб, мураббо пиширяпти, пиширгандаям йигирма учинчи хилини пиширяпти. «Кўрдингизми?»— «Нимани?»— «Шаҳар советидаги Грачикнинг машинасини, қора машинасини». — «Алмаштиришга қачон улгура қолди у!..»— «Ўн еттинчида, аллақачон беш кун бўлди бунга»— «Мана буни эркак деса бўлади?»— «Бўлмасам-чи». Кейин химия комбинати бадий ҳаваскорлари ижросида «Кировакан» сютаси янграйди: «Кироваканим маним, жозибангла меҳмонларни этурсан мафтун, қўшиқлар шаҳри, хўрсинишлар шаҳри, Кироваканим маним». «Кироваканга ўқитувчи бўлиб кел, уй қуриб берамиз, кироваканлик қилиб қўямиз сени». Бу отамнинг гапи. Мана, мана, маҳаллий князь ҳам бўлиб олдиқ, қишлоқларга чиқсак — оёғимиз тагига қўй сўйишади, Ереванга боргудек бўлсак — ўзимизга командировка тўғрилаймиз... Дачада турадиганлардан бизга бопроғи йўқмикин, деган ўй билан «Тбилиси — Ереван» поездига яқинлаша-



миз: ёшроғ бўлсин, эрсиз бўлсин, борди-ю, эри бўлган тақдирда ҳам, биз учун ким бўлибди у, бир чақалик қиймати йўқ унинг...—«Хўш, қалай, ўзингникини кўндирдингми?»—«Кўрамиз, ноз қилипти ҳозирча».—«Бошланишида шунақа — аввалига таранг қилишадн...»—«Ўзимиз ҳам биламиз буни».

Ойнадан ташқарига қараганимни биламан, шу заҳотиёқ кичкинагина Фамбак станцияси орқада қолиб кетди. Атиги битта қизил фуражка, битта яшил светофору битта қўнғироқдан иборат бефайз, кичкинагина Фамбек станцияси. Ўзига бино қўйган қанчадан-қанча скорий поездлар ёнингдан ўтди-ю, сен эсанг ҳали ҳам ўша-ўша чуқурликда турибсан — ўша-ўша битта яшил светофор, битта қизил фуражкаю битта қўнғироғинг бор... Купедаги мана бу иккинчи пассажир ҳам дунёда ахир бир марта яшайпти-ку, тагин кўзи узоқни кўролмайдиган ва боши ялтироқ ҳолда ўшайпти. Мана бу пассажир аёл эса — ҳар қалай латиф ва ғамгин, — бирок худди шу лаҳзада купе эшиги очилди-ю, остонада Бриджит Бардо кўринди — бояқиш, бармоқларини сочлари орасига тикиб чет элликлардай ўтирганидан, оёқлари яланғочлигидан ҳамда то шу пайтга қадар ўзини соҳибжамол деб тасаввур қилганидан уялиб кетди.

— Йигитча имтиҳон топширгани Москвага кетяптими?

— Йигитча университетни тугатган, — дедим ҳолатимни ўзгартирмай, галстугимни бўшатар эканман, ичимда эса, суҳбат Париж даражасида бўляпти, деб қўйдим.

— Шундайми ҳали?

— Тонг отяпти, сиз ҳали мишжа қоққанингиз йўқ.

— Йигитча қаёққа кетяптилар?

— Цмакутга. Чехословакияда бу, — дедим-да, ўрнимдан турдим. Ухлайверганидан юз-кўзлари салқиган кондуктор келиб, поезд ҳозир Колагеранда тўхташию унда атиги бир дақиқагина туришини айтди.

Саватлару чамадонларимни йўлакка чиқариб қўярканман:

— Цмакут, — деб қўйдим. Айни пайтда, Цмакут қишлоғи эътиборсиз қолмаётганини туйдим.

Ановилар, турган гапки, ноҳақлик юз беряпти, деб ўйлашди — йигитча Париж учун яратилган бўлса-ю, аллақандай Колагеранда тушиб қолиб, яна аллақандай

Цмакутга йўл олса-я. Поезд имиллаб судралганча йўлда давом этди. Грант Қарян эса қўлини шимининг чўнтагига тиқиб, унинг юришини бепарволик билан кузатиб турди. Йўлдадаги саватлару чамадонлар эса эгасиз эди. Чунки, Грант Қарянининг уларга ҳеч бир алоқаси йўқ эди. Қолагеран маъно касб эта бошлади. Грант Қарян оқ кўйлаги устидаги галстугини бўшатиб, Қолагерандаги яккаю ягона йўлдада туриб қолди. У то охири вагон ўтиб кетгунча, то сукунат ҳукмрон бўлгунча ва сукунат ҳукмронлигида хўроз ўзининг қоронги товўқхонасидан овоз бермагунча кутиб турди. Нақ тикилинч, серҳаракат ва ғала-ғовурли кўчада йўловчилар бегона нотаниш болакайга меҳрибонлик билан қараб, йўл-йўлакай унинг бошидан силаб ўтганларидек, Грант Қарян ҳам кулимсраганча, хўрозга мурувату муҳаббат билан тикилди.

Барваста, қадди-қомати келишган Грант Қарян ниҳоятда шахдам қадам ташлаб, станциядаги телефон узелига қараб юрди, кейин эснади ва...худди шундай барваста, қадди-қомати келишган ҳолда иссиғу ивирсиқ ётоқхонанинг эрталабки ҳиди анқиётган бинода пайдо бўлди. Қийим-боши гижим, ҳали ҳам чала уйқудаги телефонистка ғамгинлик билан туйнукдан: «Нима керак сенга?»— деди. Шунда Грант Қарян унинг уйида болалари борлигини фаҳмлади-да: «Бояқиш заҳматкаш одамлар»,— деб кўнглидан ўтказди.

— Соат неча бўлди?

— Беш. Мени Цмакут билан боғлагин.

— Яна қанақа Цмакут билан?

— Цмакут қишлоғи билан, у менинг ватаним.

Бир нафасда уйқуси ўчган телефонистка кулимсради.

— Сен ғилай Егишининг ўгли бўлмагин тағин?

— Ҳа, шунақа,— маъқулладим унинг гапини.

У осилиб кетаётган бошини қўлларига қўйиб, кўзларини олайтириб, уйқудаги одам узўқ-юлуқ қилиб вайсагандек бир оҳангда деди:

— Менга қара, менга қара, соатли йигитча, яна сен... озроқ винтинг камроқмасми? Менга қара... ахир қишлоғингдагиларнинг ҳаммаси ҳам шунақа...

Навбатчи милиционер ним қоронғиликда стулларни гижирлатиб, ўрнидан туриб ўтирди.

— Нимага бунақа деяпсан?— сўрадим телефонисткадан, нчимда эса, одамларимизнинг ҳазил-мутоибасини яхши кўраман-да, деб қўйдим.

— Менга қара, тонг-сахарлаб, соат бешда кимнинг кўзи учиб турибди у ерда сенга?

Навбатчи милиционер қизаринқираган кўзларини менга қадаб, ангровлик билан қаради, кейин бирдан томдан тараша тушгандай, деди:

— Бу ўзимизнинг ғилай Егишнинг ўғлимасми?

— Қоровул идорададир балки,— телефонисткага шундай дедиму, гапимдан ўзим уялиб кетдим — ахир бунақанги пайтда қоровулга идорада пишириб қўйибдими?

Телефонистка ўша-ўша кўйи — бошини столдан кўтармай деди:

— Дарвоқе-я, ахир раиснинг миллионларини ўмариб кетишлари мумкин-ку,— шунинг учун у ерга қоровул қўйиб, қўлига яна пулемёт ҳам тутқазиб қўйишган-а.

— Цмакутга кетяпсанми?— сўради милиционер.

— Цмакутга.

— Уша томонларга кечқурун машина бўлувди-я, кечқурун келганингда-ку, ҳозир уйингда бўлардинг.— У қўлини тагига тикиб ўтирганча, менга яна бир оё тикилиб турди-да:

— Соат неча бўлди?— деб сўради.

— Беш.

— Ҳа,— деди у эснаганича,— кечқурун келганингда, ҳозир уйингда ўтирган бўлардинг, машина бориди, шу, соат ўн иккиларда кетди-ёв. Бу ердан неча километр?

— Йигирма беш.

— Балли,— шундай деб у яна стуллар устига чўзилди,— кечаси кетди. Цмакутга эмас, Шамутга борар экан, э-э, дарвоқе, улар шундоққина ёнма-ён-ку. Ораси неча километр?

— Етти.

— Балли,— деди у.— Ферма мудирингиз ҳам ўшанда кетди. Ферма мудирингиз Левонми?

— Шунақа шекилли,— дедим.

— Унинг исми Левонмасми, ҳали?

— Билмадим,— дедим.

Станция торгина эди. Қисталанг зарурият инженерларни станцияни ақлга сиғмайдиган жойга қуришга мажбур этганди: қоятошлар оралиғи фақат икки жуфт изнигина ўтказа оладиган даражада эди. Камбар йўлкача перрон вазифасини ўтар, станция биносининг ўзи эса сойликка жойлашганди. Мана шу станцияда ҳам одамлар яшашади. Фарзанд кўришади. Болалар ет-

тинчи синфгача мактабга қатнашишади, кейин бошқа ҳеч қачон орқага қайтиб келмаслик учун поездга ўтириб, дарадан чиқиб кетишади. Шундан сўнг уларга ота уйи «Алаверди — Ленинанкан» электричкасию «Тбилиси — Ереван» поездининг умум вагони ёинки «Москва — Ереван» скорий пассажир поезди деразаларидан кўринади, холос. Улар излар орасида лапанглаб юрган ўрдакларни ҳамда пастда оқаётган горчица рангли дарёчаю йўллар ўртасида тўкилган машина мойини бир сониягина силаб-сийпаб, тоғнинг нариги томони-га — кенгликлару водийлар, ўрмонлару сукунат томон-га аста ўтиб кетаётган қуёшнинг дара бўйлаб сирғалиб борувчи сарғиш нурларини кўришгандагина эҳтимол, бир дақиқагина маъюсланиб қолишар. Грант Қарян як-каю ягона йўлкадан бориб, булоқ-ёдгорликдан сув ичди, орқасига қайтаётганда эса: «Менинг бахтсиз, толеи паст станциягинам!»— деб хаёлидан ўтказди. Кейин яқингинада супуриб-сидириб тозаланган, нам ғубору тонгги соф ҳаво анқиётган залга кирди. Грант Қарян бўм-бўш залда эснади-да:

— Менинг бечора Колагераним,— деб қўйди.

Грант Қарян ўтирди, кейин курсилар устига чўзилди, бўйнининг узунлиги унга ёқиб тушди, ҳатто оппоқ кўйлагининг сал-пал ифлосланиши ҳам кўнглини безовта қилмай, хаёлидан: «Мана энди биз Колагеран станциясидамиз»,— дея ўтказди.

...Боши тепасида курсини тақиллатишди, кейин кимдир оёғидан тортди. Грант Қарян уйғониб, олдида турган милиционерни кўрди: у кулимсирармиди ёки маъюсмиди, билиб бўлмасди.

— Уқиган, билимдон одамлар курсида ётмасди шекилли.

Соқоли олинган, яғриндор, хушсурату қадди-қомати келишган Грант Қарян пастдан юқорига қараганча, милиционерга: «А?»— деди-да, қўлларини чўнтакларига тиқиб, яна узала тушиб ётиб олди.

— Сенга гапиряпман!— Грант Қарян қайтадан ўрнидан туриб ўтирди.— Ереванга боришади-да, бошларини ўша ёқда қолдириб, қуруқ гавдаларини олиб келишади. Мумкин эмас, дегандан кейин — тамом, мумкин эмас-да.

— Бўпти, бўпти, захрингни сочаверма,— Грант Қарян шундай деганича, залдан чиқиб кетди. Кейин хижолат тортиб, политехника институти толибаси Қаринэ билан ҳеч қанақанги твистга тушмаганини эслади.

Йўлкада аралаш-қуралаш бўлиб ётган саватлару чамадонларни кўрганда ўйланиб қолди: «Энди бу ердан қандай қилиб чиқиб кетдимкин-а?»

Милиционер тартиб ўрнатгач, ўзидан мамнун ҳолда, йўлкада у ёқдан бу ёққа юра бошлади. У булоққача бориб, қайтиб келди, менга қаради, пастдаги изларга назар ташлади, кейин:

— Бу ерда турма,— деди,— нарсаларингни йиғиштириб, тош йўлга чиқ, ўшатда тўхтатасан машиналарни.

— Машина бўладими ўзи?— деб сўрадим.

— Ўзингдан қолар гап йўқ, гоҳо-гоҳо бўлиб туради.

— Раҳмат,— дедим.

Соат еттида машина учради. Мотор овозини эшитишим биланоқ, ўзимга-ўзим: «Грант Қарян бахти кулган йигит-да»,— деб қўйдим. Кейин машинанинг ўзи кўринди — юк машинаси эмас, шамутликларнинг «виллис»и экан,— саккиз йил муқаддам енгил машинани тўхтатишга журъат этолмаган пайтимдагидек, ҳафсалам пир бўлиб, умидим узилди. Роҳат-фароғатли ҳаёт дунёси Грант Қаряни ўз оғушига олмасди, Грант Қарян роҳат-фароғатли ҳаёт оғушига отилмасди. У ўзини сўнгги стипендиялари-ю, онасини озгинагина бўлса-да хурсанд қилишдек орзу-умиди билан боғлиқ саватлари устида мунгайиб ўтирарди.

— Ҳой, шаҳарлик йигит,— у ҳуштак чалди.— Уртоқ журналист!— Машинада шамутлик врач, собиқ синфдошим Меружан илжайганча ўтирарди, у менга ҳуштак чалди ва бу ҳуштак кўнглимни вайрон қилиб юборди. Ўртоқ ўртоғига бунақа ҳуштак чалмайди, хўжайин хизматкорига бунақа ҳуштак чалмайди, бирданга мартабага эришиб олганларгина пастда қолиб кетганларга шунақа ҳуштак чалишади. Еревандан келиб, дачада турувчи ҳар бир кимса, тўққизинчи синфдан бошлаб, Меружнинг онаси учун худо ҳисобланганди. Кейин дачада турувчилардан кимларнинг медицина институтига алоқаси бор бўлса, ўшаларгина худо ҳисобланди. Меружнинг онаси сочи супурги, қўли косов бўлиб хизмат қиларди уларга. Чўпон отаси эса уларга тоғдан қопчиқда мацун юборарди — «айта, кузги мацун, бундан ширинроқ нарсани тополмайсан, чўпонда бундан бошқа яна нимаям бор?»— шундай деб, узоқни ўйлаб иш қиладиган деҳқондек кулимсираб қўярди, хуллас, Меруж аста-секин — ҳали мацун, ҳали айёрлик, ҳали асал дегандек — судрала-судрала дил-

лөмни чўнтакка солиб, олди, мана энди менинг олдим-да турганча, қоринга ёпишган чангларни қоқяпти.

Шунда мени қандай дўппослашгани-ю, ўшандан кейин бутунлай кулмай қўйганимни эсладим. Аслини олганда, ўшанда мени уч киши эмас, бир киши урганди, устига устак у яна боксёр ҳам эмасди. У прораб, Вержинэнинг эри эди. Қурилишга цемент олиб бораётганида юк машинасидан сакраб тушди-да,— мен кутубхонага кетаётгандим,— қўлимдан маҳкам ушлади. «Таниясанми?» Нафсламрини айтганда, мен уни ҳали таниганимча ҳам йўқ эдики, икки марта яхшилаб туширди-ю, цементи билан яна қурилишга қараб кетаверди.

— Қандай янгиликлар бор, ўртоқ мухбир, йўллари бўлсин?

Бу мулоҳим киноя ҳатто итга ҳам таъсир этарди,— босилиб чиққан бир печа мақолалариму алоҳида эълон қилинган очеркнамо асарларим учун уялиб кетдим. Дунёда минг хил касб бор, лекин пешонамга мана шу — лаънати қоғозга чаплаштириб хат ёзиш битилган бўлса нима қилай?

— Уйга кетяпман, Меруж, Цмакутга.

— А-а-а... офарин, яхшиям эсингга тушиб қолибмиз.

— Келсам, машина йўқ, кутиб ўтирибман мана энди,— Грант Қарян ўрнидан турди, камарини тортиб қўйди-да, жозибадор табассум қилди.

— Кутяпман, дегин?.. Ереванда нима янгиликлар?

— Ереван ўша-ўша Ереван, Меруж, иссиқ, чанг-тўзонли.

— Ҳали шунақами,— Меруж шундай деб эснади-да, кафти билан оғзига шапатилади.— Кечаси билан ухлаганимиз йўқ. Тохянининг қизи туғилган кунини нишонлади.

«Совганинг ўрнига сен мацуи олиб борган бўлсанг керак».

— Хоҳласанг, чамадонларингни олиб кетаман, саватларинг билан ўзинг етиб оларсан.

— Қарзинг нима бўлди?— тўсатдан ундан сўраб қолди Грант Қарян.

— Қанақа қарз?— Меружнинг ранги ўзгарди.

— Химиядан думинг йўқмиди?

— Йўқ.

— А-а-а,— чўзиб деди Грант Қарян,— унда дуруст. Мен эсам, ҳалиям думларинг бор, деб ўйлаб юрибман. Айтганингдай бўлса, э-э, офарин, офарин.

Меруж яна бир оз ўйлаиб турди-да:

— Демак, бирга кетмайсан-а?— деди.

— Ташаккур, Меруж.

— Тўғри қиласан, ўртоқ мухбир. Машинада ойна бор, йўлда синиб-нетиб қолиши мумкин, йўл-йўлакай озроқ ишим ҳам бор, чамадонларинг деб сени яна йўлдан қолдирмайлик,— у кулимсираб қўйди,— ахир сени биз томонларда мўътабар зотсан-ку.

— Бўпти, кетавер.

«Мацунсиз кунинг ўтиши қийин сени».

Меруж яна кулимсиради.

— Хўп, хайр бўлмасам, ўртоқ мухбир, биз томонларга ҳам боринг,— шундай деб, у қўлини силкиди.

Мен эсам университет йўлагини, доцент Ахвердянини эсладим. У: «Аспирантура тўғрисида ўйламаяпсанми?»— деб сўраган бир пайтда ёнимиздан жудаям ақлли, латофатли, биққигина, жозибадор, мансабпараст — аспирантураю ҳар қандай раҳбарлик ишига номзод Аэлита қоматига сирилиб ёпишиб турган кўйлақда ўтиб қолди, унинг ўйноқилаб бораётган белига хусумат билан қараб, у то йўлақ охирига етиб, деканатга кириб кетгунича кузатиб турдим. «Сен ўйлаб кўргин». — «Ўйлаб кўраман»,— шундай дедим-да, зинапоя панжарасидан пастга сирғалиб учиб тушдим. Кейинги қаватга ҳам, ундан кейин яна, яна учиб тушдим. Эшикдан чиқиб кета туриб, қирқ йилдан бери — қишин-ёзин эғнидан ҳарбий китель, оёғидан этик, бошидан ҳарбий шапка тушмайдиган қоровул Николага: «Қачонгача капитан бўлиб юрасан, диссертация тўғрисида ўйламаяпсанми, а, Никол?»— дедим. Жиддий Никол диссертация, албатта, ўзига жудаям қўл келишию университет Грант Қарянга ўхшаш тентакларнинг жойин эмаслигини ўйлаб қолди. Мен эсам бу пайтда кўчада, офтобда кетар эканман, ичимда кулардим.

— Машина бўш эди, нимага кетмадинг?— қизиқсиниб сўради милиционер. Юз берган ҳолатдан худди ташвишланаётгандек унинг кўзлари жиддий боқар, бирок ўзи ичида кулаётганди, чунки менинг ҳақиқий баҳомни — хўш, ўн беш сўмни — тушунганди-да, анави машина бўлса алмисоқдан қолган, фақат ўриндиғинигина алмаштиришган.

— Бўш эмас экан, мацун олиб кетяпти,— дедим.

Грант Қарянининг бу гапига қандайдир маъно яширишгандир, эҳтимол яширинмагандир, эҳтимол унинг устидан кулаётгандир. Милиционер ҳам эҳтиёткорлик билан қуюшқондан чиқмай кулди.

— Орқамдан пистолетинг билан пойлаб юравер,— Грант Қарян унга шундай деб, станция биносига кириб кетди.— Уйлайманки, ҳозир телефон қилса бўлади, мени Цмакут билан боғла.

— Салом, Санасар, Грант гапиряпти... станциядан,— у хахолаганича, ғилай Егишнинг бош ўғли эканлигини тасдиқлар экан, телефонисткага кўзини қисиб қўйди — иш хамирдан қил суғургандек осонгина битаётганди-да.— Санасар, келиб станцияда ўтирибман. Уйимиздагиларга айт, от юборишсин... Йўқ, ўзим кўтариб боролмайман. Иккита чамадон, сават ҳам иккита. Хайр, кутаман.

Грант Қарян йўл-йўл шимининг чўнтагидан ҳаменини чиқариб, бир даста пул — бир юз қирқ етти минг бир юз ўн беш сўмдан беш сўмликни ажратиб олди-да, телефонисткага узатди.

— Майда бер.

— Майдам йўқ.

— Қараб кўр — топилиб қолар.

— Чақа-чуқаларни ёнимда олиб юрмайман.

— Энди нима қилдик, а?

— Сенда тураверсин, майда тушганда берарсан.

— Нима бало, эсингни еганмисан?

— Нега энди?— Грант Қарян кулиб юборди.

— Менга қара, беш сўмингни майдалаб, қайтимини сенга беришим учун ким бу ерга келиб, шунча пуллик гаплашади.

Грант Қарян яна кулиб юборди, кейин кула-кула:

— Бўпти, ҳозир кассадан майдалаб келаман,— деди.

— Касса кечқурун очилади.

— Бўлмаса қолаверсин,— деди Грант Қарян жиддий,— яна бу ерларга бир келганимда кириб, олиб кетарман.

Телефонистка унга ҳайратланиб тикилди, Грант Қарян бўлса яна кулиб юборди. Телефонистка кўзларини анча вақтгача пирпиратиб турди-да:

— Менга қара... вой тентак-эй...— деди.— Менга қара, отангда-ку ақл сал камроғиди, сен ҳам ундан қолишмас экансан, бу, оилангизга нима бўлган ўзи, а?

— Нима бўлибди?— кулиб юборди Грант Қарян.

— Яна сўрайди-я!

— Йўғ-э, ростданми?

— Менга қара, агар бу пулингни ҳозир мен олсам, кейин машина келиб қолиб, худонинг марҳамати билан



уйингга бугун жўнаб кетсанг, шимилдиригингга папироз олиб чекасанми, а?

Грант Карян кўзидан тирқираб ёш чиқиб кетгунча кулди, кейин яна қайтадан кулиб юборди-да, ушбу станция қутисиди бир тийини йўқ мана шу телефон узелини, уйида тўртта боласи қолган мана бу телефонисткаю милиционерни, кейин — худо шоҳид — анаву Меружану унинг қопчиқда мацун кўтарган отасини ҳам, ўз юрти одамларининг беғубору битмас-туганмас ҳазил-мутоибасини ҳам яхши кўришини ўйлаб қолди. Айни пайтда ўзининг ғилай отасию сусткаш, маъюс қиёфали онасини ҳам, ўзининг тўққиз нафар ғилай укаси-ю, қандайдир мўъжиза туфайли кўзи ғилай бўлмайдиган, соғ туғилиши эвини қилолган ўзини ҳам яхши кўришини дилидан ўтказди.

Кейин залда ўтирганча кута бошладим, бир пайт милиционер шахдам-шахдам қадам ташлаб келди-да, тепамда тўхтади.

— Ўтирган ҳолда рухсат этилади.

— А?..

— Ухла, ухлайвер, туни билан ухламаган чиқарсан ҳали.

Соат саккиздан кейин станция деҳқонларга тўлди, соат тўққизда эса ишчилар поезди келди-да, юрак ютиб, товуклару тухумлару шовқин-суронларни, кўкату ёғу олмаларни, кўтарилган гавғою шикоятларни, гўшту пишлоқларни, бадқовоқлигу ҳазинликни — ҳамма-ҳаммасини ўзи билан олиб кетди. Мену милиционеру ўзининг қадимий қўнғироғи билан кўҳна станция биносигина қолди.

— Юр, тамадди қилиб оламинз, — таклиф қилди милиционер.

— Раҳмат. — Таклифни ўзига ўзи қияпти деб туншундим, ахир нимага энди у дуч келган ҳар бир кишини меҳмон қилиши керак, яна ўзи ойлик маош билан тирикчилигини ўтказса, станцияга эса кунда минг-минглаб одамлар келиб кетса.

— Нима, уяляпсанми? — деди милиционер.

— Раҳмат, егим келмаяпти.

— Агар егинг келмаётган бўлса...

Соат ўнда Цмакутка яна қўнғироқ қилдим — телефон трубкасини ҳеч ким кўтармади. Соат ўн яримда яна телефон қилдим — клубу магазин ёпиқ, қишлоқ Советига қулф урилган, мактаб биноси оҳаку замаска ҳидини анқитаётган, ҳовли орқасидаги қудуққа сув

Йиғилаётган, қишлоқнинг юқори томонида қандайдир кампир калхатдан хавфсираб бошини кўтараётган, четан девор устидаги хўрознинг қичқириги ярмида узилиб қолган — жазирама иссиқдаги қишлоқда тағни қўнғироқ жиринглади, мен қишлоқни барча ҳидларни қиёфаси билан кўз олдимга келтирдим, кимсасиз, бўм-бўш идорани бошига кўтараётган телефон қўнғироғини эшитдим ва бир лаҳзадаёқ маъюсланиб қолдим, дилим ташланди. Қишлоқда Босар исмли ит офтобу хафтарчиликдан аста-секин қарияпти, она товук ўзидан бир қадам ҳам ажралмайдиган жўжалари билан уёқдан-бу ёққа юрибди, Толстой, Ширванзода, Мопассаннинг тоқчага қаторлаштириб териб қўйилган томлари ранги ўчиб, чангга беланиб ётибди, телефон симлари паст овозда, бир хил оҳангда гингиллайди, дарада, худди расмдагидек, қимирламасдан, мана йигирма йилдириқ, ўша қари оқ от турибди, ишламай қўйган легиромоннинг деворлари қийшайиб ётибди-ю, томи босиб тушмаяпти — мен қаерга кетяпман ўзи? Болалар билан биргаликда пичан ўра бошлайман, кейин дам олаётганда Лаврентий Варданын музқаймоқ муздай бўлишини билмай бирданга ютиб юборганини айтиб, уни мулзам қила бошлаймиз. Биз уни масхаралаб куламиз, у бўлса сояга чўзилиб ётиб олади-да, шалқасини кўзигача бостириб, мудрашга тушади. Кейин яна пичан ўрамиз, ўраверамиз, ўраверамиз, бари бир тугага олмаймиз, бир пайт қарабсанки, бутун далада ўрим бошланиб кетибди-да, фақат иссиқнию дағал ва тиконакдек бошоқни, худди бегонаникига ўхшаб қолган — терлаб кетган бўйину қақраган тахир оғзингигина сезасан киши. «Сувга кетганинга икки соат бўлди-я, шайтонвачча!» — «Э-э, тилингни тийсанг-чи!..» Университет йўлагини, омадли мансабпараст Аэлитанинг бақувват, пишиқ ҳамда юмшоқ орқасини эсладим. У билан ҳеч ким ҳеч қачон кулмасдан гаплаша олмасди. У ақлли эди, бемаъни эмасди: озгинагина илмию хўп ўзига ярашган ёқимли жозибаси бор эди унинг. «Аспирантурага мутлақо мос номзод».

Тор вокзалнинг камбар йўлакчасида туриб олиб, ўзимни-ўзим таъналарга кўмиб юбордим. Яккаю ягона йўлакчада туриб олиб, Аэлита Мирзаханянинг обрўсини қўлимдан келганича тўқдим:

— Жоҳил! Группангдаги қизларнинг ҳаммаси ҳам сендан кўра ақллироғиди! Мансабпараст, ташкилотчилик ишларинг билан ўзингни кўрсатдинг-да... Ўзига

бино қўйган... Хўш, ниманиям ташкил қила қолдинг?.. Чиройлилигинг билан ишингни битиришингними?.. Қа ни ўша сенинг мақталган гўзаллигинг?..

Эзда билқиллаган тупроқ, қишда тиззагача лой бўлгувчи қишлоқ йўлини ва бу йўлни тузатиш учун министрлик аллақачон етти ёки йигирма етти марта пул ажратгани-ю, ҳар гал ҳам район марказидаги биронта ароқхўр ўша пулга ичиб қўйиб, йил охирида судга тортилишини эсладим. Йўл-йўлакай яна жуда кўп нарсаларни: отам билан онам шунчадан-шунча бола кима еб, нима ичишини ўйлаб-нетиб ўтирмай, фақат уларни дунёга келтиришни билишлари-ю, бир хил меҳр-муҳаббат билан яхши кўришларини, болалар эса сарпойчанг, йиртиқ-ямоқ кийимда елиб-югуриб юришларини, ўзим ҳам икки йилгача деярли ялангоёқ ҳолда балчиғу шилта лойни шалолатиб кечиб, Цмакутдан Шамутдаги мактабга қатнаганимни; манови ҳайвон Меруж мактабда учига чиққан қовоқбош, анқовларнинг анқовию жудаям эҳтиёткор бўлганлигини, анови инженер-прорабнинг мушти зўрлигини, ёфингарчилик пайтида отамнинг оёғи қақшаб оғриши-ю, шунга қарамай у бари бир пичан ташишини, ўтин ташишини, оғилхонадаги гўнгни курак билан тозалашини, кейин уйда ўтириб оёғини уқалаш ўрнига, иккала оёғида оқсоқланганича қишлоққа боришини, мана бу станция шу қадар тор ва кичкиналигини хотирладим... Мана шуларнинг ҳаммаси туфайли оғзимга келганини қайтармай Аэлига Мирзаханяни сўккандан сўкиб, энг қабиҳ сўзлар билан ҳақоратлаб, обрўсини бир пул қилдим. У бўлса илгаригидек кулар, илгаригидек чиройли эди, деканатда нозу карашма қиларди, омади юришгандан юришарди: ҳамма унга кулиб боқарди, доцент Ахвердян ҳам унга кулиб боқарди, ҳамма унинг закийлигию билимдонлиги ҳамда бошқа мисли кўрилмаган сифатлари билан ҳисоблашарди.

Аэлига хоҳласа — машҳур одам бўлиб кетади, хоҳласа — Африканинг ярмини узиб олади, агар узиб ололмаса — демак, ўзи хоҳламаган бўлиб чиқади. Бошқа барча «машҳур кишилар» ундан ҳечам ақлли эмасдилар. Айтайлик, ўзининг Оқ уйда ўтирган Америка президенти Вильсон учун дунё ёқимли ва жозибадор эди, у қандайдир биронта хайрли иш қилишни хоҳлаб, ўйланиб қолди, кейин харитага «Буюк» Арманистонни чизди, қалам эса қоғоз устида равон ва силлиқ сирғалиб бораверди, — бир пайти келиб та

рихчилар унинг архивига кўз ташлашади-ю: «О-ҳо, мана у қанақанги христиан бўлган экан»,— дейишади, Анови Гитлерчи, у нима қилди — гўё ўз юртида тартиб жойида бўлганидек, бутун дунёда «тартиб» ўрнатиш лайиға тушиб қолди! Турк армиясининг анови арман офицери-чи, нима каромат кўрсатди у, турк министри Анвар асирликка тушиши муқаррар бўлиб турганда уни қутилтириб юборди, аҳмоқ бўлмаган Анвар эса ўша заҳотиёқ арманларни оммавий равишда қирғин-барот қилишни уюштирди, кейин — омборхоналарнинг калити қўлида эмасмиди,— генералсимус нишонини тақиб олди. Эси паст салб юрувчилари-чи! «Ҳазрат қабрини озод қилгани борамиз»,— дейишди. Боришди. Боришга-ку боришди, кейин нима бўлди:— зираворларга дуч келишди итваччалар... Уша занжибалу мурчга йўлиққанларидан хурсанд бўлишди-ю, кейин уй-уйларига тарқаб кетишди. Улардан: «Ҳазрат қабри нима бўлди?»— деб сўрашганда: «Лаббай?» дейишди. «Ахир, қабр нима бўлди?»— дейишди яна уларга. Улар эса мурч сепилган овқатдан бош кўтаришмасди,— у шунақаям ширин эдики, жавоб беришга ҳам вақтлари йўқ эди бечорларнинг. Худди на файласуфлари, на нотиқлари, на шоирлари, на қонуншунослари йўқдек, худди нақ турган-битгани жоҳиллигу нодонликдан иборатдек, денгиз қирғоғидан ўттиз чақирим нарига сурилишини талаб қилиб, Карфагенга нома юборган файласуфлар, қонуншунослар, шоирлару нотиқлар мамлакати бўлмиш анови Римчи... Мана бу, цмакутлик отбоқар Месропчи, оддий отбоқар бўлишни хоҳламади-да, ўзини отбоқар-миллатчи деб эълон қилди, оқибатида қамоққа олинди, сиз хаёлингизга ҳам келтирмайсиз — бу ҳатто Месропнинг ўзига ёқиб тушди. Терговчиларига эса, эҳтимол, унинг бемаъни, ҳавойи жиддийлиги маъқул тушгандир.

Аэлита Мирзаханянга дедим:

— Кечир мени, Аэлита, соғ бўлгину равишдошларингни ўрганавер.

«Тбилиси — Ереван» поезди келиб, қаттиқ силтанганича тўхтаганида, Грант Карян кулимсираб қўйди. Унинг кўзлари доноларга хос боқаетган, мийиғидаги табассуми чиройли кўринаётган бўлса ажаб эмасди. У астагина яқинлашиб келган поезд деразасидан ўзига меровсираганича қараб турган — сочлари ўсиқ эркакка-ю, унинг хўппа семиз хотинига гап отди:

— Иссиқми, а? Еяверинглар, еяверинглар, иссиқлик-ка қарши энг яхши даво — овқат.

Кейинги деразага — эҳтимол қандайдир бирон-бир товламачи олибсотарга шундай деди:

— Йўл бўлсин, мурчга кетмаяпсизми? Мурчни салб юриши қатнашчилари аллақачон олиб кетишган.

Бошқа деразадаги рус қизларига деди:

— Ереван иссиқ, шу ерда тушиб қўя қолинглар.

Қизлар станцияни кўрсатиб, афтларини буриштиришди.

— Нима, Москвангизда ҳамма нарса яхши, деб ўйлайсизми?

— Биз Курскданмиз,— дейишди улар.

— Азаматлар-эй,— Грант Карян гапини шундай деб хулосалади-да, кейинги деразадаги кекса кишига унинг ёшгина хотинини шама қилиб деди:— Бу қизалоқни қаерга олиб кетяпсиз?

Бошқа деразадаги деҳқонларга:

— Бозор тухумга тўлиб кетган, январгача кутсанглар донасини эллик тийиндан пуллардинглар!— деб гап ташлади.

Ҳарбийлар бўлган вагонга эса честь берди:

— Соғ бўлинг, ўртоқ генерал!

Жилмайган мўйловдорга деди:

— Кироваканга кетяпсанми? Мураббонинг жонини киркизаркансан-да, а?

Охиргисидан олдинги вагондаги шоирни ҳам қуруқ қолдирмади:

— Натурализм, капитализм, пентеизм...

Бошқа вагондаги маст-аласт кишига деди:

— Ш-ш-ш!.. Жим!

Кейин охирги вагондаги севишганларни жойларига қолибона михлаб қўйди: «М-яв, мў-ў-ў...»— қиз жозибали мушукчага, йигит эса бузоққа ўхшаб кўринганди-да.

Шундан сўнг станцияда роппа-роса беш соат шўппайганча ўзим қолдим. Назаримда, ақлдан озаётганга ўхшардим. Кулимсираганча, хаёлимда миёвлардим, ичимда эчкига ўхшаб маърардим, бироқ буларнинг ҳеч биридан кўнглим ёзилмасди. Станция бошлиғи билан жанжаллашмоқчи ҳам бўлдим, бироқ бундан ҳеч нарса чиқмади.

— Нега юкларни сақлайдиган хонангиз йўқ?

— Ким айтди, йўқ деб?

— Бор бўлса қани, кўринмайди-ку.

— Бу бошқа масала, ёпиқ.  
— Нимага энди ёпиқ?  
— Ходимимиз Ереванга кетган.  
— Ереванга кетган, мен нима қилишим керак?  
— Бу ҳам бошқа масала, қўлларнинг устига бо-  
шингни қўйгин-да, баядиши олавер.— Дунёда бу озар-  
байжонча қўшиқ — баядидан узунроқ ҳеч нарса йўқ  
эди.

Цмакутга яна қўнғироқ қилдим — бу яна жазирама-  
даги кимсасиз қишлоқ маркази-ю, маъюсликда қари-  
ётган кўппак эди. Уйқуга кетдим. Милиционер тагин  
оёғимдан тортди, бошимга чертди.

— Нима, машина келдимн?

— Йўқ, самолёт келди. Махсус самолёт. Етиш мум-  
кин эмас.

Уйқудан кўзимни ҳеч очгим келмасди, чунки қил-  
диган ишим йўқ эди-да. Соатимга қараб қўйиб, яна  
скамейкага чўзилдим.

— Тур ўрнигидан!

Урнимдан ирғиб турдим. Милиционер лом-мим де-  
май, тирсаги билан туртганча, мени скамейкалар ўрзеи-  
дан бошлаб бориб, қандайдир эшикни очди ва мен  
кўрсаткичда хато борлиги, буларнинг ҳаммаси театр  
эканлиги-ю, ер юзидаги энг қайғули иш — кичик стан-  
цияда яшашдир, деб ўйлагунимча у ёзув столнинг  
нариги томонига ўтиб, менга тикилганча, кулимспради.

— Хўш?— дедим.

Ёзув столи устидаги телефон дим ўйнарди, телефон  
остида эса қалин ойна, ойна тагида — ёзув столи, ёзув  
стали остида — милиционернинг совуқ ўтказмайдыган  
этиги, этик остида — сийқаланиб кетган эски пол, пол  
остида эса — ертўла, ертўла тагида дарё бор эди.  
Дарё минг, миллион, миллиард йиллардан бери ўша-  
ўша қирғоқлари бўйлаб, ўша-ўша тошларга урилиб  
оқар ва шу даражада зерикарли эдики, юрак тарс этиб  
ёрилиб кетай дерди. Аммо-лекин милиционер кулим-  
сирарди — у ўрим ташвиши йўқлигидан, станцияда ўз  
уйи борлигидан ва «Москва — Ереван» скорий поезди-  
дек катта ва муҳим нарсага ўзининг алоқадорлигидан,  
иккита чўчқаси борлигю уларни боқиш қийинмасли-  
дан — чунки станцияда фақат унинг чўчқаларингана бор  
эди-да, станция бошлигининг иккита чўчқасини эса сув  
оқизиб кетганди,— буфетдаги қолган-қутган овқатлар  
энди фақатгина унинг чўчқаларига тегншидан хурсанд  
эди. Вақтчи — э-э, вақтни бир амаллаб ўтказса бўла-

ди: поездлар келад-кетадн, машиналар ўтади, буфет-да ора-сира шунчаки можоролар чиқиб туради, тош-кўмиру турли-туман қурлиш материалларини ортга юк машиналарини тўхтатиб, шофёрдан йўл путёвкасини суриштириш мумкин. Радио гапиряпти — Америка-дами ёйякки бошқа жойдами, хуллас, бурнини эплаб артолмайдиган бир тирмизак бамкдан олтин-ёмбнини қандай ўмариб кетганини эшитса ҳам бўлади. Хўш, у бу олтинни нима қилади? Кийим-кечак сотиб олиш учун ундан пул ясамайди, албатта. Тўғри, устбош ёйипки бирон-бир нарса сотиб олиш учун уни пулга алмаштиради. Ахири қўлга тушади, ҳар қалай ушлашса керак уни... Ва ниҳоят сув олиш учун вагондан тушган семиз пассажирдан: Ереван иссиқми? — деб сўраш ҳам-да келпшувчанлигу хайрихоҳона бош чайқаш мумкин.

— Кечагина шаҳарга кетиб, — у илжайиб қўйди, — бутун қайтиб келдинг-у, сенингча энди биз одам бўймай қолибмиз-да? Шунинг учун сенинг қўлингга диплом тутқазишдими?

— Гапиравер-чи, — дедим.

— Йўқ, аввал менга айт, сен дипломини шунинг учун олдингми ёки уни сенга шунинг учун беришдими?

— Менинг ҳеч қанақа дипломим йўқ.

— Дипломинг бўлиши етмай турувди ўзи, — деб кулди у.

— Борди-ю, бор бўлса-чи?

— Бор-йўқлигини афт-ангорингдан билиб бўямас эканми...

Шимм аллақачон гижим, кўйлагим кир бўлиб кетган, афт-башарам, турган гапки, керикканди, кўзларим ҳам огрирди.

— Кечаси ухламадим, — дедим.

— Менинг нима дахлим бор бунга?

— Ҳеч қанақа.

У стул суянчигига суянди-да, хунук илжайди.

— Нима, мен одаммасманми, ҳозир эшикни ичидан қулфлаб тумшугингга боплаб тушура олмайманми? Ўрганганимни ким исбот қила оларди?

— Бўлиши мумкин, — дедим. — Гувоҳлар йўқ.

— Э-ҳа, гувоҳлар тўғрисида тилинг чиқиб қолдику. — У ўрнидан турди. — Бу ерга келиб гувоҳлар ҳақида баҳслашниш учун ҳали беш йил давлат номини теккига еган экансан-да.

Йўқ, у муштнини ишга соладиганлар хилдан эмас-

ди, у шунчаки кўнгилхушлик қилиб вақтини ўтқа-  
заётганди.

— Қўй, ҳадеб бошимни қотираверма,— дедим.

— Хўш-хўш!

— Уф, бошни қотирмасанг-чи, ахир!

У телефон трубкасини кўтариб, телефонисткадан ўзини Кировакан билан боғлашини сўради,— Кировакан милициясига қўнғироқ қилди. «Унинг бошини қотирманг...» У навбатчини сўради, Колагерандан безовта қилаётганини — бир йигитча бошини қотирмасликларини ўтинаётганини айтди. У навбатчи милиция капитанини кутар экан, мен безбетлик билан ишшайар, лекин, чин сўзим, ичимда йиғлардим.

— Биз, биласанми, энди дипломли...

— Овозингни ўчирсанг-чи, аҳмоқ!— деб бақирингга тушдим.

У ҳеч нарсани бўрттирмай, камайтирмай капитанга ҳаммасини батафсил доклад қилди. Бунақанги аниқ-  
лик учун мен ундан миннатдор бўлдим. Симнинг нариги учидаги капитан сукут сақларди, шунда ўша капитанга бир дақиқагина ачиниб кетдим. Ниҳоят, милиционерим охирги луқмамни илова қилиб, гапини тугатди:

— Ўртоқ капитан, уни тартибга чақирсам, у: «Овозингни ўчирсанг-чи, аҳмоқ!»— деди.

Капитан сукут сақлар, мен эсам олисдан туриб, ўзини кўрмай туриб, унга меҳр қўйдим: капитан билан мен — биз нодонликка қарши курашаётгандик.

— Уни шаҳарга олиб бориш керакми, ўртоқ капитан?

— Ҳожати йўқ,— деди капитан.

Милиционер хафа бўлди:

— Бўлмаса, нима қилай уни, ўртоқ капитан?

Капитан индамай турди-да, кейин:

— Жарима сол,— деди.

Агар унинг ўрнида бўлсам, мен ҳам худди шундай қилардим: «Жарима сол»,— дердиму трубкани жойига қўйиб қўярдим, вассалом. Бироқ мен Грант Карян эдим, станцияда ўтириб, машинами, уловми келишини кутаётгандим, лекин машина йўқ эди, улов ҳам келмаётганди. Цмакут даласида пичан ўришим керак эди, кейин қай тарзда бўлса ҳам — буни ўзим ҳам билмайман, аммо-лекин ўртоқ Рубеннинг олдига боришим ва дарс соатимни сал ортиқчароқ юлқиб олишим зарур эди, чунки уйда мени тўққиз бола — укалариму сингилларимнинг шовқин-сурони, ювилган, ювилмаган,



ифлос иштонлари ҳиди, отамнинг қалин юнг пайпоғи ҳиди кутиб турганди.

— Бир тийиним ҳам йўқ, аҳмоқ!

Милиционер бошини чайқаганча деди:

— Борди-ю, ҳозир қайтадан телефон қилсам-чи?

— Менга қара,— дедим унга,— агар Кироваканга боргинг келаётган бўлса ўзинг кетавер, мана бу столинг-у, станция бошлигининг ҳеч қаёққа қочиб кетмайди.

— Вой-вой-вой,— у ўзини ажабланаётганга солди,— қўлида дипломи бўла туриб, яна аччиқланади-я. Отанг жуда мулойим одам-ку, сен нега бунақанги асабий чиқиб қолгансан, а?

Бундан чиқди, милиционер ҳазиллашган экан-да. Бир нарса дейиш қийин, мана шунақанги ҳазилу пичинглар билан мени Кироваканга судраб боришим, жарима солишим ҳеч гапмас унинг. Кейин эса: «Дипломининг тахи бузилмаган бир йигитча туппа-тузук ўтирувди, сал-пал унинг жиғига тегиб, устидан андак кулишдик, хурсандчилик қилдик»,— деб мақтаниб юришим ҳеч гапмас.

— Қани, ҳамёнингни чиқар.

— Ҳеч қанақанги ҳамён йўқ, лекин мени редакцияда ишлашимни биласанми сен ўзи? А-ҳа, билмайсанми?

Редакцияда ишлаганимда-ку, машинада юрган бўлардим, мана бу аҳмоқни эса мутлақо кўрмаган, Колагеран станциясини пайқамаган, ҳатто дунёда шунақа станция борлигини асло билмаган ҳам бўлардим.

— Хўш, редакцияда ишласанг нима бўлипти, нима қила олардинг мени?— У нурсизланган кўзларини четга олиб қочди, рангсиз, бўзарган лабларини оҳиста ялади. Кейин яна ялади — унга ҳаво етишмаётгани аннқ эди.

Шу пайтгача мен чаласавод одамнинг нафратли ҳа-садини кўрмагандим.

— Ёзасанми? Бир қоп гапни тўқиб-бичийсанми? Ёзанг ёзавер, балоям урмайди менга, бу станциядан ишдан олишади — юқориқоққа кўтаришади. Редакцияда ишлармиш, ўргилдим сендақа бошлиқдан. Ёза борми — мени ишдан бўшатиб юборишади-я. Редакцияда ишлайди-ю, чўнтагида бир мири чақаси йўқ, редакцияда ишлайди-да, у. Бунга қаранг-а, у Цмакутдан эмас, газетадан...

Юз минг сўмимни олиш учун, юз минг сўмимни чиқариб, улар билан унинг хом қовоқ калласига тушириш учун қўлимни чўнтагимга чўздим: охирги биттаю битга беш сўмлимни — унинг ўзи эрталаб майдалаганда

берган охирги бир сўмликларимни чиқариб, жаримани тўладим

Шундан сўнг камбар перронда турганча, Москвадан Ереванга кетаётган пассажир поездига тикилдим, орқамдан эса, милиционер станция бошлиғига мени боши билан имлаб кўрсатиб, деди:

— Йигитчанинг дипломи бор. Газетада ишлайди. Поездни ушлаб қолма, бўлмаса газетасига боплаб ёзиб юборадн. Шапкангни тўғри кийиб ол, йўқса газетага уриб чиқади. Унинг отаси ҳам газетачи. Ота-ўғни — икковиям газетачи.

Мен дамимни чиқармай ичимда йиғлаганча, тезюрар поездига дедим:

— Савлат тўкиб келаверинг, ўтаверинг. Қолагеран станциясида бир дақиқа тўхтаб ўтинг. Қуллуқ қиламиз. Беҳад миннатдор бўламиз. Командировка олинг, кейин командировка варақангизга бирон-бир ерда муҳр бостиринг, шу билан тамом-вассалом. Устингиздаги кўрпани очиб ташлаб, туни билан мириқиб ухланг. Вагон-ресторонга боринг. Товуқни ғажийсиз, коньякдан ичасиз. Уйғонганингиздан сўнг эса, эснаб олинг.

Цмакутга — бефайз, толеи паст кичкинагина қишлоқимга яна телефон қилдим. Қишлоқ яқингинасидаги электростанцияда уни электр тармоғига улашни унутиб қўйишибди, тўлин ой эса эндигина осмонда юз кўрсатганди, бироқ у ўз ёғдуси билан қишлоқ уйлариини, боғлариини, сўқмоқ йўллариини ёритмасди, чунки қалин ўрмон бирор-бир нурни ҳам ўтказмасди. Одамлар дала-лардан қайтиб, ухлагани ётишганди — уларга на радио, на газета, на гап-гаштак керак эди.

— Эллик тийининг қолди, — деди телефонистка, — бу эртага қолсин, эртага яна телефон қиласан, телефон қилсанг — машина гизиллаб келади-ю, ереванлик йигитимизни олиб кетади. Менга қара, сенга нима бўлди? Бирор гап бўлдим? — У одатимизга кўра, ҳам жиддий, ҳам кулгига олиб деди. — Сени койишибди-ку. Ҳа, кўри-ниб турибди, болакайни койишибди.

«Қуриб кетсин ҳаммасиям, — деб ўйладим, — ўзларининг ўрмонларига беркишиб олиб, дунёда нималар юз бераётганини мутлақо билишмайди, билишни ҳам хоҳлашмайди... Пичан ўришади, ғарамлашади, мол боқишади, қўйларини ўтлатишади, пишлоғу ёғ тайёрлашади, гўшт... Ҳа, бундоқ, темир йўлга яқинроқ жойда бўлишса ҳам майли эди-я, қаёқдаги бир тупканинг тагига бориб олинган...»

Колагеран аллақачон ўзининг лампаю фонарларини ёқиб, ўзига жазб этаётган деразалари билан станция осойишталигига қараб турарди. Юк поезда тўхтамасдан ўтиб кетди. Навбатчи паровоз уни деярли кейинги станциягача кузатиб, қайтиб келди. Қарши томондаги кичкинагина дўкончада икки киши, мана беш соатки, пиво ичгани ичган. Ҳозлар стрелочникнинг ловияларини пайҳон қилиб, дўстона суҳбатлашиб ўтиб кетишди — аввалдига из бўйлаб боришди, бурилишди, кўприкдан юришди, кейин тош йўлни кесиб ўтишди-да, ўзларига кенг-мўлгина жой топишди. Эртагача, хайрли кеч.

«Оббо, нимаси ёмон экан станцияни,— деб ўйладим,— ҳам шаҳар, ҳам қишлоқ бўлса. Тўғри, бу ерга ҳеч ким гастролга келмайди, лекин хоҳлаган вақтингда поездга ўтириб, Кировакангами, Тбилисигами, Еревангами жўнаб қолишинг мумкин. Чўчқа боқмоқчимисиз — марҳамат. Шунақа, ҳам шаҳар, ҳам қишлоқ — чўчқа боқишади, бўрилардан эса хавотирланишнинг ҳожати йўқ, бу ерларга келмайди улар. Столлар устида эса қизариб пишган картошка, тўғралган колбаса, чой ҳамиша бор, оппоқ дастурхон, радио секингина гапириб турибди, ҳар куни янги оппоқ нон ейсан — нонвойхона бурнининг таггинасида, электростанцияда жойлашган. Чироқ ҳам ҳамиша бор, электр тармоғига улашни эсан чиқариб қўйишмайди. Қанийди энди, менинг отам ҳам шу ерда яшаса — ўзи учун ловия экса, чўчқаларини урчитса, ўзи эса стрелочникми ёки милиционерми, ёхуд нонвойхонада нонвойми бўлиб ишласа-да, яна эрталаб юшоқ, писикқина батонлардан олиб келса. Қанийди энди!»

Цмакутда тун қоронғилиги балчиқдай қоп-қора бўлади. Оёқ остини кўз кўрмайди, сой адашиб қирғоқларини ювиб юборади, бир гала бўри эшик остида ётган итни ўзига эргаштириб олиб кетади. Газетадан келган — ҳали она сути оғзидан кетмаган ҳар бир мухбирга тўқли сўйиш лозим, кейин сукут сақлаб, ағрайиб, об-ҳаво тўғрисида, олов тўғрисида, кабобу Месроп тўғрисида бу доғули нима деркан, деб унинг оғзини пойлаш керак.

Мен Аэлита Мирзаханяни яна сўқдим-у, унинг кишини ҳайратга солувчи табассуми олдида, иш кўзини билиб, ҳисоб-китоб билан иш қилиши олдида мутлақо ожизлигимни сездим. Кейин дивану кресло, телефон ҳамда табассум ила ёқимли ишва қилиш — Аэлитага, мана бу саватлар, мана бу кир-чир кўйлагу қизариб кетган кўзлар эса менга муносиблигини, Цмакут қишлоғини нақ ипидан-игнасигача хотирлаганимдек, аниқ сез-

дим. Ҳар иккимиз ҳам ўз ўрнимизда эдик. Қари министрлар, ўқитувчилар вафот этишади, пенсияга чиқишади. Кимдир уларнинг ўрнини эгаллаши керакми, ахир? Университетни битирдик, ўқитувчилигу министрлик ёшигаям аста-секин, сездирмай етиб оламиз. Биздан қайси биримиз лектор ёки министр бўламиз, Аэлита?

Ушанда коридорда тургандик, ёнимиздан инглиз тили ўқитувчиси Гамлет Таронян ўтиб қолди. Ўзимни тийиб, унинг жудаям антиқа равишда эгилиб-букилиб юришига тақлид қилиб орқасидан бормасам ҳам бўларди, бироқ янги латифа айтиб, ҳаммани кулдираётгандим-да. Гамлет Таронян ўгирилиб қаради — мен бурнимни қашиб, бошимни қуйи солиб, худди юришимнинг ўзи шунақадек, унинг юришига тақлид қилганча кетавердим. У эса, то зинапояга бурилиб, уяту кулгидан адойий тамом бўлиб, ўнгу сўлимга қарамай ундан ўмба-лоқ ошиб тушгунимча менга қараб тураверди.

— Секинроқ, нима ақлдан...

— Э-э... Аэлита, шунақаям аҳмоқона иш бўлдики! Тфу!..

— Ҳа, нима бўлди ўзи сенга?— Йўл-йўлакай у шундай деб, мункиллаган чол — Асратян билан зинапоядан юқорига чиқиб кетаверди. Мен руҳий жиҳатдан деярли икки йил Гамлет Таронянинг қули бўлиб юрдим. Аэлита эса ана шу Гамлетнинг бор-йўқлигини сезмас, унга зиғирча ҳам эътибор бермасди, чунки ўша кезларда Таронян деканатда ҳеч қандай ҳал қилувчи овозга эга эмасди-да, обрў-эътибориям йўқ эди. Аэлита эса инглиз тилини талаб қилинган даражада биларди, унинг юришига тақлид ҳам қилмасди. Аэлита министр бўлади. Аэлитада айб йўқ. Нима учун у менга ўхшамаган? Нима учун Аэлита жиддий, ўзини тутиб олган, ҳазил-мазажлардан йироқ? Аэлита министр бўлади, мен эсам тоғдаги чалғичиларга, у бизнинг группамизда ўқиган, деб айтаман. «Ўртоқ эдик»,— дейман. Чалғичилар Аэлитанинг газетадаги расмига кўз югуртиришади, қабул пайтида ҳозир бўлган ҳурматли меҳмонлар рўyxатини ўқиб чиқишади, кейин менга қараб: «Отанг мақтанчоқ эди, сен ҳам ундан қолишмайсан»,— дейишади.

Ярим кечада тор Қолагеран станциясида турганча, унга ялниниб-ёлвордим:

— Бунақанги мансабпараст бўлиш керак эмас, Аэлита... Бунақа бўлмайди одам деган, виждонлироқ бўлиш керак, Аэлита. Албатта, бу ишларнинг ҳаммаси

мумкин, тушунаман буни, буларнинг ҳаммаси шунақа қилинади, лекин бирданига ҳам соҳибжамол, ҳам мансабпараст бўлиш мумкин эмас-да, Азлита...

«Ереван — Москва» тезюрар поезди келди. Эрталабки соат беш. Поезд ушбу станцияда намоёншкорона юра бошлаганимдан сўнг роппа-роса йигирма тўрт соат ўтгач келди. У ёнимдан ўтиб, жўнаб кетди. Поезд келиб тўхтаганида соатимга қараб, қойил-э, кечикмасдан нақ ўз вақтида келди-я, кечаям минутини минутига тўғри-лаб, кечикмасдан келганди, деб қўйдим. Аниқликлари учун машинистларни олқишламоқчи бўлдим у бироқ бирдан мана шу станцияда йигирма тўрт соатдан бери ўтирганимни эслаб қолдим. Назаримда, Еревандаги вокзалга таксида елиб келганим ҳам, саватларимни, чамадонларимни, атайин сотиб олган бир шиша лимонадимни машинага жойлаштиргач, ҳеч нарса эсимдан чиқиб қолмадим, дегандек бармоғимни чаккамга қўйиб хаёлга ботганим ҳам, такси ҳайдовчига Вержинэ яшайдиган кўча бўйлаб юришини — «Грант Австралияга йигирма беш йилга кетяпти» — буюрганим ҳам, папирос чиқариб, ҳайдовчига, тезроқ ҳайдасангиз, деганим-у, у машинасини учириб, лабимдаги сигаретимни тутатишга улгурмасимдан манзилимга етказиб қўйгани ҳам ўта бемаъниликдек кўриниб кетди.

Уялганимдан ўзимни қўярга жой тополмай залга кирдим. Кўзларимни юмиб олдим — назаримда, кеча ўзим келган тезюрар поезди Москвадан қайтиб келгандек туюлганди. Албатта, бундай бўлиши мумкин эмасди, у тўрт кундан кейин қайтиб келиши лозим эди, ҳозир эса у қаердадир Ростов атрофидадиров. Хўш, у Москвага етиб боради, одамларни туширади, уни мойлашади, то-залашади, шундан сўнг у яна орқасига қараб йўл олади, мен эсам, худди мана бу кўприкдек, худди мана бу розлардек, худди мана бу дўкончадек ҳамиша шу ерда туравераман, кейин мана бу залдаги скамейкаларга ўхшаб, менинг устимдан ҳам ёғоч қуртлари ўрмалайди.

— Санасар! — деб қичқирдим трубкага. — Қишлоқда нима гап, тинчликми, ахир бу ерда ўттиз соатдан бери лақиллаб юрибман-ку!

Санасар аллақачон мени эсидан чиқариб юборган экан, у ипдамай турди-турди-да, кейин:

— Қим гапиряпти ўзи, — деди.

— Бу нимаси, Санасар, — дедим, — нима ишлар бўляпти ўзи, а?

— Ҳар ҳолда, ким гапиряпти ўзи?

— Бу менман, Санасар, ўттиз соатдан бери бу ерда бекорчиликдан пашша қўриб ўтирибман.

У яна бирпас индамай турди-да, кулиб юборди, чамаси, ўттиз соатдан бери станцияда сандирақлаб юрган бу бекорчинининг афт-ангорини кўз олдига келтирган-ди.— бошқаларнинг бирон тadbир кўришини кутиб, ўттиз соатдан бери бекордан-бекорга санқиб юрибди-я, тентак, ўзи бўлса жон койитгисиям келмайди, топган иши — жиринглатиб телефон қилишу ошиғич телеграмма жўнатиш.

— Ҳа, кимсан ўзи?— кулганча сўради у.

— Грант, Санасар, Қарян Грантман.

— Ростданми,— хурсанд бўлиб кетди у,— гилай Егншининг ўгли Грантмисан? Салом, Грант!

— Салом, Санасар.

— Мен сенга айтдим-ку, ҳўкизлар йўқ деб, ҳўкизларнинг ҳаммаси банд, беролмайман сенга!— бирдан у менга эмас, у ёқдаги — Цмакутдаги кимгадир бақира бошлади.— Нима бўпти, шаҳар бўлса нима бўпти, манатларингни йиғиштиру менга деса ҳозироқ шаҳарингга жўна, лекин ҳозирча шу ерда экансан, марҳамат қилиб гапимга қулоқ сол! Қаранг-а, ҳаммалари бошлиқ бўлиб кетишибди...— У идорани айланиб чиқди, кейин телефон ёнига келиб трубкани тарақлатиб қўйиб қўйди.

Нима дейсан энди бўнга? Мен яна нимаям қила олардим? Хўп, яхши, политехника институти талабаси Қаринэ билан твистга тушмаган бўлсам тушмабман-да, лекин ичимда, рақсга тушганман, деб ғурурланаман; жуда соз, мен дунёдаги энг даҳшатли одамман, ёвуз одам, ер юзидаги биринчи одамхўрман — турклар арманларни қирғинбарот қилишини мен уюштирганман дунёда мана бу станциясиз ҳам ўтса бўлади, темир йўл, телефон, радио, асфальт, болға, цементу кўмир ҳам, тугмалар ҳам, соат, ўрин-кўрпа, табассум, рояль, зал, жвачка, ҳарф ҳам керакмас,— ҳаммаси ортиқча — буларнинг ҳаммасига инсон лойиқ эмас, деб ҳисоблайман, мен ҳаётни қалин ўрмонлардан, илдизу цинглардан бошлашни хоҳлайман. Жуда яхши, лекин одамлар нима учун ўзларининг хушфёълликлари билан менинг барча даҳшатли фаолиятим олдини олмаяптилар.

Ёвуз одам бўлган Грант Қарян саватлари устида ўтирганича, ўзига ўзи дерди: «Афтинг қурсин сенинг, агар эркак бўлганингда, Меруж билан бирга кетардинг,

мужмал». Грант Карян станцияни айланиб чиқди, тай-салланиб турди, кейин яна телефонистканинг дарчаси олдида пайдо бўлди:

— Бошқатдан боғлачи.

— Сенга айтяпман-ку, шу ерда ўқитувчи бўлиб қолавер деб,— у бошқа навбатчи билан боғланиб, давом этди:— Қишлоғингизнинг одамлари бу ерга келгудек бўлишса: «Қаерга келиб қолдик — Москвагами ёки Еревангами?» деб сўрашади.

— Санасар!— деб бақирнишга тушдим.— Сен ўзи одаммисан ё йўқми? Раҳминг келиши учун нима қилишим керак, сени қандай эритишим мумкин, айт — бажараман! Қолхозингнинг даласида ахир тўрт йил пичан ўрганман-а!

— Нима, энди шунинг учун медаль олишни хоҳлайсанми?

— Йўқ,— деб бақирдим,— инсоний муносабатни хоҳлайман!

— Сенга муносабатимизнинг нимаси инсоний эмас экан?

— Уттиз соатдан бери станцияда улоқиб юрибман.

— Ол-а? Қаердан гапиряпсан ўзи?

— Стан-ци-я-дан.

— Кечаям станцияда эдинг шекилли? Бундан чиқди, ҳалиям ўша ерда экансан-да? Воҳ, яшавор-эй, шаҳарда беш йил ўқисангам, бари бир Егишнинг зурриётилигича қолибсан-да, хо-хо-хо...

— Санасар,— дедим,— юким бор.

— Уйингдагиларга хабарлашга ҳозир одам юбораман.

— Санасар, менинг юким бор, биронта от юборсанг...

— От йўқ, бўлмайдиям, ҳозир уйингдагиларга хабар бердираман.

— Уйимиздагиларнинг оти йўқ, менинг эса юким бор...

— Билмадим,— деди у,— уйингдагиларга нима дейишин? Грант станцияда, юки оғирлик қилиб келолмаяпти, дейишинми?

— Ўртоқ ранс,— дедим,— уйингдагилар ҳарис эмас, колхоз тузилаётган пайтидаёқ отларнинг ҳаммасини йиғиштириб олиб, одамларга — қачон керак бўлса, олаверасизлар, фойдаланаверасизлар, дейишган.

— Бунди дипломингдан ўқиб билдингми?— бамайлихотир қизиқсинди у.

— Менимча, бу энг аввало сенинг дипломингда кўрсатилган бўлиши керак.

— Кўрсатилган! Биз камтар одамлармиз, бизга диплом керакмас.

— Унда, оддий инсоний мантиқ тўғрисида қандай фикрдасан?

— Бизнинг ишимиз, мантиқни таҳлил қилиш эмас, ишлаш.

— От бер, Саңасар!

— Нотавон кўнгилга кўтир жомашов!— шундай деб у трубкани ташлади, мен ҳам трубкани ташлаган эдимки, у яна нимадир деди.

— Нима-а?

— Ҳеч нарса,— деди у,— бир уй одамсизлару отсиз ҳам кун кўряпсизлар, деяпман.

— Барака топ,— дедим.— Уйимиздагиларга ҳатто айтмаслигинг ҳам мумкин. Кейин, умуман олганда, отингниям, онангниям... Хайр.

... Грант Қарян трубкани иргитиб юборди-да, барваста, қадди-қомати келишган, уддабуролардек илтифотсиз, соқоли сал-пал ўсган ҳолда, жиддийлик билан аста қадам ташлаб, политехника институтига йўл олди, Қаринэни топиб, у билан твистга тушди, шундан сўнг университетга равона бўлди, аспирантурада таҳсил кўрди, диссертация ёқлади, ўқитувчилар орасида эса бунақанги ёшу муваффақият қозонган, бунақанги ақли ўткиру ярқ этиб кўринган ҳеч ким йўқ эди. Ереванда энг машҳур одам у эди, ҳамманинг оғзидан «Грант Қарян, Грант Қарян...» тушмасди, аллақачон у ҳақда Тбилисида, Киевда гапира бошлашганди, ундан Москвадагилар хабардор эдилар: «Ажабо, Ереванда шунақанги билимдон, шунақанги талантли йигит бор-а». Шундан кейин Грант Қарян, оппоқ кўйлаги устидаги галстуги бўшатилган, йигирма саккиз-ўттиз ёшлардаги барваста, қадди-қомати келишган Грант Қарян ёзув столи ёнидан турмай, тортмасини очди-да, пистолетини олиб, ўзини оғзидан отди. «Музаффарнинг юки оғир, ўртоқлар»,— у Қолагеран станциясини эслаб қўмсаганда ёшгина юраги дақиқа сайин эзилиб турганини ҳеч ким, шундай қилиб, ҳеч ким билолмай қолаверди.

Қаёқданам хорижий фильмлар бор экан, қаёқданам болалигимда ҳеч нарсага арзимайдиган биронта матоҳнинг биринчи сатридан то сўнгги сатригача миямга ўрнашиб қолмагунча: «Қитоб олдинги — ўқиш керак»,— деб бошқа матоҳни қўлимга тутқизмайдиган бизнинг цмакутлик кутубхоначи аёл бор экан.

— Барака топ,— дедим.— Уйимиздагиларга ҳатто



хабар бермаслигинг ҳам мумкин. Кейин, умуман, отинг-  
ниям... онангниям... Хайр.

— Ҳеч қиси йўқ,— деди Санасар,— онам кўникиб  
қолган, биринчи марта эмас-ку бу. Хайр.

— Хайр,— дедим,— меням кўниктиришнинг ҳожати  
йўқ, бу лаънати станцияга ўн марталаб келиб, то ундан  
чиқиб кетгунча роса чанг-тупроққа беланиб бўлганман.  
Катта раҳмат, жудаям миннатдорман сендан.

— Ўзлари раис қилиб сайлашади-ю, яна балчиққа  
қоришади, не-не гапларни эшитмайсан — сенинг Анд-  
роинг ҳам, инспектор ҳам, қоровул ҳам, қўшни раис  
ҳам... хуллас, ким дангасалик қилмаса ҳаммаси онадан  
ишлайди, мана энди навбат сенга ҳам етиб келибди...  
марҳамат.

— Кечир,— дедим.

— Ҳа, майли, лекин от хусусида сен мени кечир.

— Бўпти,— дедим,— сен ўзинг ким бўпсанки, сендан  
хафа бўлай, отингниям, онангниям. Тушундингми?

— Егиш хўп ўғил ўстирган экан-да, ай-яй-яй! Сен  
ўша ерда бир оз кутиб тура тур.

— Яна нимани кутаман, сен билан бошқа гаплашиш-  
ни хоҳламайман.

— О-ҳо, хайр бўлмасам.

— Саломат бўл, уйда бир донаям сўк йўқ.

— Олдимга кел, уйимга босиб қўйибман, бир тонна-  
сини қарзга олиб кет.

— Сенинг омборчингмасман-ку, нега нолияпсан мен-  
га. Хайр.

— Мен эсам сенинг хизматкорингман-ку, нимага  
мендан от сўраяпсан?

— Сендан ҳеч нарса сўраганим йўқ.

— Унда жудаям хурсандман. Хайр.

— Уйимизга келиб, отамни, сен виждонли ишчисан,  
энг намуналисан, деб авраб, тўшакларни сўкиб, ҳамма  
юнгни олиб чиқиб кетганларингни, юнг тайёрлаш бўйи-  
ча берилган планларингизни шунақа қилиб бажарган-  
ларингни эслаб қўй. Сизларнинг ўзингиз намунали,  
виждонлисизларда. Хайр.

— Бўлмаса-чи, ўшандан кейин биз орден олдик, се-  
нинг отангни эса ҳанузгача бели оғрийди, ўзи тахта сў-  
рида ухлайди. Хайр.

— Отамнинг қаерда ухлаши билан ишинг бўлма-  
син.

— Нима билан ишим бўлмасин?

— Отамнинг бели оғриш-оғримаслиги билан.

— Нимага бўлмаса сенинг ўзинг эслаб қолдинг бунни?

— Эслаб қўйиш ёмон эмас. Хайр.

— Унда бу суҳбатимизни ҳам ҳар замонда эслаб тур. Хайр.

— Эслайманам. Хайр.

— Ҳа, ҳа, шундай бўлсин, эсингдан чиқарма.

— Эсингдами, худди уйингизга марказдан одам келган-у, гўё унинг олдига қўйишга ҳеч вақоингиз йўқдек, бизникига келиб, чўчқамизни — уни эндигина сўйгандик, — чўчқамизни қандай қилиб олиб кетганингиз эсингдами?

— Эсимда, ўшандан икки кун ўтгач, сизларга дудланган сон гўшти берганимизни ҳам эслайман.

— Эслайвер, эслайвер, яна тери ўзимизгаям зарур бўлганини, уйда етти яланг оёқ бола ўтирганини ҳам эсла, мабодо дудлашимиз керак бўлганда, ўзимиз ҳам дудлайверардик, тушунарлими? Ўзимиз ҳам дудлашни уддасидан чиқамиз.

— Мен дудлайман, сен дудлайсан, у дудлайди, биз дудлаймиз, улар дудлайдилар, қўлингизда дипломинг бор, хўш, ундан кейин-чи?

— Онамга расмий ёрдам пули ёзиб беришган, сизлар эса уни орқаворотдан қуёнмижоз деб гап-сўз қиласизлар.

— Йилда битта, баъзан иккиталаб туғиб турганидан кейин уни яна нима деб аташни буюрадилар? Мана, айтишларига қараганда, яна кўзи ёриганмиш — дарвоқе, бу, нечта бўлдинглар энди?

— Ун битта... Қизми, ўғилми?.. Санасар, ўғилми, қизми? Санасар...

— Мишмишларга қараганда, туғилибди-ю, ака-опаларига қўшилиб кетибди, энди гилай Егиш қайси бири янги туғилганини ажратиб ололмай хунубмиш.

— Онам қалай?..

Имиллаган, кўнгли бўш онам сирли кулимсираш билан — ёлғондан хўрсинишу сирли кулимсираш билан дерди: «Ҳали кўрасиз мендан, виждонсизлар, уф, тинка-мадоримни қуритиб юборишди-я, миямни қоқиб қўлимга беришди-я, тухумнинг ярмини сен, ярмини сен ол, энди боринглар, кўчага чиқиб ўйнанглар. Грант китоб ўқияпти... Ш-ш-ш... ана отангиз келяпти... маршал отангиз келяпти, нимадир олиб келяпти. Араик, югур, пешвоз

чиқ дарров... Грант, кимёнингги тайёрламадинг... Маршал отангиз Германиядан вагонлаб мол-дунё олиб келди, вагонда эса бор-йўғи икки килогина пишлоқ бор экан, эртага нима еймиз энди, эргинам?—«Про зовтро — зовтро подомоем...»— Ҳа-а, у эр эмас, эр эмас — маршал, эр эмас...»

— Санасар,— бақира бошладим трубкага,— от ёки бирор нарса... бир ойгача даладан чиқмайман, пичаи ўраман!..

— Сўкканинг-чи?

— Кечир.

— Олдин сўкасан, кейин яна кечирим сўрайсан.

— Ахир кечадан бери бу ерда сўррайиб ўтирибман.

— Нима, у ёққа сени мен олиб бориб қўйибманми, ўтирсанг ўзинг сўррайиб ўтирибсан, яна мендан хафа бўлганинг ортиқча.

— От бермаётганингга аччиқланаяпман.

— Ҳа-а-а, унда аччиқланавер, аччиқланавер, ҳадинг сиққанча аччиқланавер.

— Яхши, Санасар, аччиқланмайман.

— Жуда тўғри қиласан.

— Санасар...

— Нима, ақлдан озганмисан ўзи, сенга от бераман деб кимнинг кўзи учиб турибди ҳозир, ахир август ойи бўлса...

— Унда, августингниям, отингниям, онангниям, мана бу саватлариму мана бу станцияниям... хўш, шу гаплардан кейин сен ҳам одаммисан?!

— Нима-нима? Бақирганингдан эшитиб бўлма-япти...

— Ким бақиряпти?

— Эшитмаяпман...

— Сенинг овозингги нимага мен яхши яшитаяпман?

— Эшитмаяпман, қишлоққа келганингдан кейин гаплашамиз.

— От юбор, бўлмасам қанақа қилиб бораман қишлоққа?

— Отми... от йўқ. Хайр.

— Хайр, Санасар, бир кун эслатиб қўяман сенга буни.

— До свёдонье, Соносор, попомню я тебе это...

— Нима?.. Менга қара... Туппа-тузук ҳазилкаш экансан-ку! Сенга қишлоқни ишониб.

— Чого... слешой, до то шот, тебе село доверили...

— Фуф, лаъмати-ей!..

— Нима, раис бўлганидан кейин ҳазиллашиш керакмасми?

— Бу ерда икки кундан бери сўрайиб ўтирибман, Санасар.

— Ҳамдардлик билдираман.

— Тагингда машинанг бор, хоҳлаган пайтингда хоҳлаган отинг ҳозиру нозир, нимага ҳамдардлик билдирасан.

— Бечора болапақир, станцияда ўтирибди, қўлида чалғи, қуёш қиздирыпти, соя деган нарса йўқ, сув йўқ, ёмғир ёғадиганга ўхшайди, унинг бўлса оёқ оғриғи бор, ана, бўриям келяпти, ҳўл пайпоғини гулхан тафтида олдин қуритиши керакми ё бўрини ҳайдашими, — боши қотиб қолди болапақирнинг...

— Ня знаят, наски макрыи пасушить или валка атагнать..

— Нё зноет, носки мокрые сошить олё волко отогноть...

— Мацун атнес — прядсателеям стал, хатяли снить—масла атнес, да сях пар прядсатяль ракаважу...

— Мосло пронес, сом съел, мосло съел — но глоза нолёг, но глоза нолёг — профёссором стол, профёссором стол, — но стонцию приёхал, роковожу — нё подчинёются...

— Йўқ, — бақришга тушдим, — бас қил энди, мен сендан фақат от сўраяпман, кимга раҳбарлик қилишни хоҳласанг қилавер, менга от юбортир!

— Шуни эътиборингизга олиб қўйингки, ўртоқ Қарян, мен ёғ орқали раис бўлганим йўқ.

— Хўп, майли, Санасар.

— Бош устига, бош устига, ҳеч қиси йўқ.

— Вақтингни олганим учун узр.

— Ҳеч қиси йўқ, ташвишланма, бир оз чақчақлашдик-да.

— Лекин қилаётган ишинг одамгарчиликдан эмас.

— Биз томонларда бунақанги матоҳ йўқ, станцияда ўзингга озроқ қўшиб олиб кел.

— От юбор — олиб бораман...

Гапнинг очиги, руҳим бир кўтарилиб, бир тушиб кетарди, Санасар мен учун гоҳ худога айланарди, гоҳ ҳайвонга, худога — ҳайвонга... бунақанги дақиқаларда мен у на худо, на ҳайвон — оддий одамлигини тушуна олмай қолардим. Цмакутда сел қуяпти, мудроқ босган одамлар ўтириб олиб, карта сузишади ёки домино ўйнашади, ёки бир-бирларига тегажоқлик қилиб, ҳазил-ҳузил

гаплар айтишади, газетага кўз югуртиришади ёки телефон атрофига йиғилиб, дамларини чиқаришмайди. Қўшни тоғларда чақмоқ чақади, улар бўлса, мудраганларича, бир йили Лачиннинг ҳўкизини Оқ булоқ ёнида яшин уриб ўлдирганию ўтган ёки ундан аввалги йили Ашотнинг хотини Розани сув оқизиб кетганини, Ашотнинг янги хотини болаларга олдингисидан яхшироқ қарашню хотин сифатида ҳам дурустлигини эслашади. Яшин қайтаргич масаласида министрликка арз қилиш керак, лекин, балки, бундан фойда йўқдир? Узун қулёқ гапларга қараганда, шу хусусида газетада мақола босилган экан — қишлоқда кимдир ўқибди, — ким ўқиганди? Худо урди кетди, фақат министрликка эмас, Москвагача ёзиш мумкин албатта, лекин қаёққа жойлаштирасан бу яшин қайтаргичларни, мишмишларга қараганда, тоғларда яшин уриш ҳоллари бўлиб турармиш, ол-а, анови сафар, жарликда, мажнунтол тагида турган Есайнинг ўғлини уриб ўлдирмадимми?

— Қани, бир кўз ташлаб қўй-чи, сой тошибди-ми? — деди Санасар.

Қорамтир тусли сой суви тиқилиб, қирғоқларига урилиб оқарди. Ғозлар энди унда сузишмас, кўприк остидаги эски автомобиль покришкалари, мазутдан бўшган бочкалар кўзга ташланмасди. Сой тўлқинланаётганди, — агар яна озгина кўпайса борми, станция бошлигининг, телефонисткаю милиционернинг, стрелкачию фаррош аёлнинг, мактаб директорию ўқитувчиларнинг қатор тизилиб турган — тахтадан қурилган ҳожатхоналарини ювиб кетиши ҳеч гапмасди.

— Тошибди, Санасар, нима демоқчисан бу билан? — Шундай деб, телефонисткага кўзимни қисиб қўйдим.

— Нимадан тошибди?

— Нимадан тошибди? — унинг саволини такрорладим-да, телефонисткага яна кўзимни қисдим.

— Ёмғир ёғяпти, ёмғирдан тошган, тушундингми?

— Бу ерда ҳеч қанақанги ёмғир ёғаётгани йўқ. Санасар, офтоб ҳам йўқ — дим фақат.

— Бу ерда, қишлоқда, деяпман, ёмғир ёғаяпти. Тоғларда бўлса жала қуйди.

— Нима бўпти? — Телефонисткага кўзимни қисдим.

— Бу нима деганинг, ахир мен ўртоқ Қарян билан суҳбатлашяпман-ку.

— Сой тўғрисида нимага сўрадинг?

— Ҳа-а, — Санасар кулиб юборди. — Шунчаки. Ахир бу сой бизнинг сойимиз-ку, ўртоқ шаҳарлик, бу ерда

жала қуйяптими, демак, у ерда сой тошади, тушунарлими? Сой бу ердан оқиб боришини унутдингми?

У яна кулиб юборди, унинг кулаётганидан кўнглим ёришди.

— Э, ёмғир дегин, мен бўлсам, нимага у дарёни суриштириб қолди, деб бошимни қотиряпман. Демак, биз томонларда ёмғир ёғаяпти, шу туфайли, демак, сой... Санасар! Сендан илтимос қиламан... Йўқ демагин, а? Отми ёки бирор-бир нарсами юбортир, — илжайганча қараб турган милиционерга кўзимни қисиб қўйдим, — икки кундан бери шу ердан, Санасар?..

— Йўғ-е, ҳазиллашаётганинг йўқми? Бўлиши мумкин эмас! Наҳотки, ҳалиям Колагерандасан? Ҳатто сув ҳам икки соат деганда сизларга етиб бориб, — дипломсиз, ҳеч нарса сиз ўз ҳолича Колагерангача етиб бориб, яна қаёқларгадир йўл олибди-ю, сен дипломли, эс-ҳушли, олий маълумотли бўла туриб, икки кундан бери Цмакутга етиб келолмасанг, қўй-эй...

— Кўйсанг-чи, Санасар, минг лаънат дипломгаям, энг муҳими, далада ишлай билиш. Менга от керак. Санасар...

— Йўғ-э, нимага энди — диплом ҳам керакли нарса.

— Керак, Санасар, лекин от ундан ҳам зарурроқ.

— Тўғри, от ҳам керакли нарса, аммо-лекин, диплом янада зарурроқ нарса, мана, Рубеннинг дипломи йўғиди — директорликдан олишяпти.

— Директорликдан олиб жуда чакки қилишяпти, дарвоқе, сенинг қишлоғинг ишларига аралашिशга нима ҳақлари бор экан уларнинг!

— Йўғ-э, нимага энди, бу ҳатто вақтида бўляпти, келасану — бирданига директор бўласан-қўясан.

— Қим ҳам мени директорликка тайинларди, Санасар. Устимдан куляпсанми?

— Сен учун илтимос қиламан-да.

— Раҳмат, Санасар.

— Хайр, кутаман.

— Ахир, Санасар, менга от юборсанг-чи.

— Икки дақиқа ўтар-ўтмас директорсан-ку, нима кераги бор сенга қаёқдаги отнинг?

— Ахир, юкларим бор, Санасар.

— Ҳеч қиси йўқ, эсингдан чиқиб кетади, директор бўлиб олганингдан кейин ҳаммаси эсингдан чиқиб кетади, ҳатто саломлашини ҳам унутиб қўясан.

— Нима?! Ҳали мени қанақалигимни билмайсан, Санасар!

— Ҳаммаям олдинга шунақа дейди.  
— Қим гапираётганига қараб-да, Санасар.  
— Шунақаям дейишади олдинга.  
— Сен олдин мени синаб кўр, кейин гапир...  
— Хо-хо-хо-хо... бунням айтишади...  
— Эҳтимол, қийналишса керак-да, шунинг учун гапиршади.

— Сен нима қийинчиликни кўра қолдинг, урушинми?

— Урушни кўрмадим, икки кундан бери станцияда сўррайиб ўтирибман.

— Йўлга чиққин-да, келавергин.

— Юким бор ахир, Санасар, оғир юким бор.

— Юк? Жа нима юк экан у?

— Иккита сават, иккита чамадон.

— Иккита сават, иккита чамадон, ичда-чи, ичда нима бор?

— Ҳа, энди, Санасар, ҳар хил нарсалар.

— Демак, махфий юк экан-да.

— Ҳеч қанақанги махфий эмас, Санасар, тилга олгулик ҳеч нарса йўқ.

— Иккита сават, иккита чамадон юк-у, яна тилга олгулик ҳеч нарса йўқ дейсан-а.

— Қанд, Санасар.

— Юз килограмм қандми?

— Беш кило. Увра, Санасар.

— Тўқсон беш килограмм уврами?

— Ўн кило, Санасар.

— Роппа-роса ўн киломи?

— Йўқ, саккиз кило, Санасар.

— Наҳотки саккиз билан ўн — бир нарса бўлса?

Кейин-чи?

— Бу чиқиндиларнинг ҳаммасини сенга нима кераги бор, Санасар?

— Мана кўряпсанми, чиқинди деб ўзинг айтяпсан, демак, сенга от юбормай тўғри қилаётган эканман.

— Болаларга печенье.

— Болаларга! Гўё Егиш уни ея олмайдигандек. Кейин-чи?

— Нима, кейин-чи?

— Қанд, увра, печенье — бор-йўғи шуми?

— Йўқ, яна бор, Санасар.

— Гапи, қани.

— Узум. Нишона узум.

— Қара-я, қанақанги азамат йингитсан-а!

- Китобларим.
- Баракалла!
- Болаларга оёқ кийими.
- Офарин, офарин!
- Отамга тиринка камзул.
- Қандингни ур, Егиш, баракалла! Киярмикин уни?
- Ҳа, кияди, деб ўйлайман. Онамга шол рўмол,

эски ботинкаларим. Лекциялар ёзилган дафтарларим. Костюмим, трусик-майкаларим. Отамга узун иштон. Янги туғилган чақалоққа йўргак. Болалар совуни. Аёлларнинг қалин трусиги. Пичоқ билан вилка. Битта торт. Битта дазмол. Термометр билан йод. Эгар, қулф, плуг, пакки, шапка, ямоқ-ястик, темир-терсак, бир куни кўрсатиб қўяман ҳали сенга, итвачча!

Трубкани жойига ташладим, кейин худди карахт бўлиб қолгандек шунақанги жимжитликни туйдимки, олис-олислардаги йўқлик қаъридан сустлик билан эҳушим ўзимга кела бошлади.

— Нима бўпти?— милиционерга ҳам, телефонисткага ҳам қарата шундай дедим-да, яна трубкага ёпишдим.— Садист!

Қоронғиликда менга телефонистканинг кўзлари ачиниш билан, милиционернинг кўзлари эса нафрату ачиниш билан қараб турарди, деворлар, паравоз устидаги Оржоникидзе, эшик, дераза, тош йўл, кимнингдир эркак чўчқаси бирин-сирин кўрина бошлагач, тагин телефонга интилдим. Кейин... кейин милиционер қўлларимдан ушлаб олди, қулоғим остида унинг нафасини сездим.

— Тинчлан... тинчлан... тинчлан...— дерди у.

— Чувалчанг!.. Жоҳил!.. Аҳмоқ!.. Ҳайвон!..— дердим нафасим тиқилганича.

Бирданига дунё менга гўзал ва ғамгин кўрниниб кетди, зеҳним тобора очилиб бораётганини сездим, мана ақлим бутунлай пешланиб, юмшай бошладим. Миядаги ҳамма алоқалару ҳолатлар юмшаб, эриб кетди, ҳеч кимга даъвоим қолмади, ҳеч кимдан нафратланмасдим, ҳеч кимга хусуматим ҳам йўқ эди, фақат пол ҳеч енгиб бўлмас куч билан мени ўзига тортарди, милиционернинг қучоғидан ерга интилардим, бироқ у мени қаттиқроқ қучоқлаб, қўйиб юбормасди.

— Илтимос қиламан... илтимос қиламан...— деб ёлборардим унга.— Қўйиб юбор, илтимос... илтимос қиламан...

У мени қўйиб юборди, бироқ тагимда стул пайдо бўлиб қолди, унда бир дақиқача ўтирдим-да, кейин



Ўзимни ерга отдим, бу ишимда ниманидир намойиш қилиш, хўжакўрсинга кўрсатиш бор эди. Ерга ташландим-у, инграй бошладим, бироқ бу жудаям атайлаб қилингандек чиқди. Шунинг учун овозимни ўчира қолдим. Полдаги ўша тупроқ ҳиди ҳали-ҳалигача бурнимдан кетганича йўқ. Ерга узала тушиб ётганча, ўзимга-ўзим дердим: топталган ҳуқуқимга йиғлаяпман, худди мана шунинг учун ҳам кийимим гижимланиб, ифлос бўлди, шунинг учун ҳам телефонга тўлашга бошқа пулим йўқ, милиционер эса бари бир яхши одам. Вержинэни ҳам мендан мана шунинг учун тортиб олишди, энди ҳатто овозим борича ҳўнграб йиғлай олмай, ичимда йиғлаяпман, буям ўзича яхши, лекин аслида мен энди қандай қилиб ўрнимдан туришимни ўйлаётгандим — қандайдир баҳона керак-ку, ахир бунинг учун, шунча ишдан кейин, эҳтимол, виждони қийналиб, Санасар от юборар, деб ҳам ўйладим.

Дунё ўз овозларию товушлари билан жимжитлик қаъридан аста-секин ўз ҳолига қайта бошлади: шувиллаш сойга, кўпдан-кўп филдиракларнинг бир меъёрдаги овози поездга тегишли эди, мана, у яқинлашиб келди, бирдан чинқириб овоз берди, тўхтади, бирпас тўхтаб турди, кетди, энди эса кимдир ташқари томондан эшикка яқинлашди — кимнингдир қадам товуши эшитилди, кейин ёнгинамга келганда тўхтаб қолди.

— Ў-ҳў, роса ичибди-ку!

— Йўқ, шунчаки, ўзи ётибди.

— Нима қилибди?

— Упкаланияпти.

— И-я, и-я, болақайни бу ерда ким хафа қилди, а?

Қанийди энди, у мени қучоқласа-ю, отам бўлиб қолса, ўзим ёш болага айлансам, қанийди энди эгилиб, мени қўлига кўтариб олса-ю, овута бошласа. Кечагина пичоқчамни йўқотиб қўйган-у, шунга йиғлаётган бўлсам. Мен йиғлайверсам, йиғлайверсам, йиғлайверсам... Мени овутишса, мен эсам бундан баттарроқ йиғласам, йиғласам, йиғлайверсам, пичоқчам қандай очилиб-ёпилишини, сопи узунлигини, ўйиб ишланган ундаги нақшларни эслаб йиғлайверсам, кейин жаҳллари чиқиб кетиб, йиғлашни бас қилишимни буюришса, мен бундан баттарроқ йиғласам, йиғлагани қўйишмаётганидан хўрлигим келиб, хўрсиниб-хўрсиниб, узоқ йиғласам, йиғлаб-йиғлаб отамнинг қўлида ухлаб қолсам-да, сутдек оппоқ — бегуноҳ бўлиб уйғонсам, уйғонсаму очилиб-сочилиб кулсам...

— Ҳой йигит, ўрнингдан тур... Қара. Чамадонларнинг ҳов анови ерда турганча, гап сотишяпти: хўжайинимиз бор, дейишяпти улар, бизнинг хўжайинимиз қаёқдаги бир болакай эмас — катта киши, университетни битирган, дейишяпти... Хўжайинлари эса ҳали ёш бола экан, мана бу ерда тупроққа ағанаб, киёми билан чангни артаяпти.

— Телефонимиям ишдан чиқарди.

— Оббо, ишдан чиқардимми?

— Ишдан чиқарди — мана, қўнғироқ қилишяпти, мен эсам ҳеч нарсани эшитолмаяпман.

Грант Карян истамасдан, зўр-базўр қаддини кўтарди, ўрнидан турди, гандираклаб кетди, кейин қизарган кўзлари билан атрофга қараб, нохушлик билан ғўлдиради:

— Хўш, нима бўлибди?

Овози хириллаб чиқди, бу унинг ўзига ёқиб тушди, у тағин бирор нарсани сўраб-суриштиришларини, унга жавоб қайтариб, ўзининг эркакларга хос дўриллаган овозини яна бир карра эшитишни хоҳлаб қолди...

— Телефонни ҳам ишдан чиқардинг, чўнтагингда эса бир мири ҳам йўқ, энди сени нима қилдик, а?

— Бир мири йўқ, нима бўлибди?

— Билмадим.

— Лекин мен биламан, — деди Грант Карян.

— Нимани биласан?

— Олиб бориб, осинглар мени.

— Вой-вой-вой, цмакутлик тентак-эй... менга қара, агар сени, шундоқ ёш, чиройли, янгигина диплом олган йигитни оссак, ўзингга ўзинг ачинмайсанми?

— Йўқ.

— Йўқ бўлса... ушланглар уни... олиб боринглар...

Станция бошлиғи билан милиционер мени қўлтиқлаганча, судраб кетишди. Мени бинодан олиб чиқиб, кўприкдан ўтказишди-да, милиционернинг уйига олиб боришди. Аввалига мени қовурилган картошка билан чойга тўйдиришди, кейин одамларга ўхшаб бир кеча ухлашим учун ётқизиб қўйишни буюришди. Ўзларидан қарздор қилиб қўйиш учун шундай қилишди. Эрталаб эса Алко келганини айтиш ва унинг устига чамадону саватларимни ортишиб, темир йўлни қаеридан кесиб ўтиш маъқуллигини кўрсатиб қўйиш учун шундай қилишди.

— Аранк, — дедим укамга, — қишлоқда бундан бошқа от топилмадимми, қаёқдаги ўлаксани олиб келибсан-а?

- Вуй,— деди у астойдил ҳайрон бўлиб,— шуниям Андро бердимни, йўқми, деб сўрасанг-чи олдин.
- Нима деди у,— нима, бермадимми?
- Қасакдан келганига икки соатгина бўлди, деди.
- Қанақа қилиб берди бўлмаса?
- Отам борганди — бермади. Онам отам билан айтишиб қолди. Кейин онамнинг ўзи бориб олиб келди.
- Онам қандай?
- Қандай бўларди — яхши!
- Йўлда отни роса чоптириб келдингми?
- Ўзи зўр-базўр юриб келди-ю, нимасини чоптирмаман уни.

Пастда «Москва — Ереван» тезювар поезди аста бурилиб бораётганди. Купе ҳиди, столча остидаги аёл оёқлари ва ўз жойида бепарволарча ётган Грант Карян бир лаҳзагина эсимга тушиб кетди.

- Араик,— дедим,— ёнингда пулинг борми?
- У нимадир деб тўнгиллади.
- Нима, йўқми?
- Қаёқдан бўлади менда?
- Онам бермайдими сенга?
- Ердам пулини олганда бир сўм берганди. Ўзи-ёзар ручка олгани бориб, қарасам, бир сўмим йўқ. Йўлда йўқотдимми, уйда қолдирдимми — ўйлаб тополмаяпман.

- Ҳеч қиси йўқ, Ара, ўзим сенга пул бераман.
- Пулни менга нима кераги бор?
- Ширинлик сотиб оласан.
- У ўлгудек, катталардек ўлгудек ҳолда менга хавотирланиб бирпас қараб турди-да, тескари ўгирилди.

- Нима, ширинликни яхши кўрмайсанми?
- У бақириб юбораёзди:
- Яхши кўраман.
- Унда нимага...
- Уйда бир чақмоқ қанд йўғу сен ширинлик дейсан!

- Араик... Аранк, отда Қасакга ким борган экан?
- Гикор,— зарда билан деди укам.
- Аранк, ўзиёзар ручкани ўзим бераман сенга.
- Ўзинг нимада ёзасан? Қаламдами?— у шунчаки сўради.

- Бирор нарса топилиб қолар, Аранк.
- Ўзиёзар ручкани менга бериб, ўзинг қаламда ёза бошлайсанми?
- Ҳеч бўлмаса, қалам-да.

— Баракалла,— деб қўйди у.

«Чап, чап, чап, чап... баракалла! Чап, чап, чап... Унг қўлинг йўқ! Чап! Унг қўлинг йўқ — иккинчи жаҳон урушида узулиб тушган. Трамвай босиб кетган. Унг қўлсиз туғилгансан. Чап, чап, чап! Баракалла, баракалла!» Бир неча ўртоқлик учрашувидан сўнг у менга Буюк Чапақай деб лақаб қўйди. Мени синов мусобақаларига олишганда эса, у ўзининг машқларию маҳоратини менга берилган лақаб билан Москва, Берлин, Рим, Мельбурнга олиб кетаётганимдан ва буларнинг ҳаммасини ғолиб шоҳсупасида кўкларга кўтариб мақташимдан гердайиб кетди. «Чап, чап, чап...» Комиссия аъзолари мурувватли эдилар. Ўзим ҳам, чап қўлим билан яхшигина ураман, деб ўйлардим. Бироқ анови ҳўкиз, анови Карапетян биринчи дақиқадаёқ иягимга тушириб қолди. Ўзимга ўзим, ҳеч қиси йўқ, деб қўйдим. Комиссия чап қўлим билан кутилмаганда уриб қолишимни кутарди. Тренерим арқонга ёпишганча, шивирларди: «Чап, чап, чап!..» Мен у билан якдил эдим — ўзим билардим, мана ҳозир, салдан кейин кутилмаган чап қўлим ўқдай бориб тегади.

...Аллақачон кийиниб олгандим. Комиссия кетди, Карапет Карапетян ғолиб, деб эълон қилинганди, охири тренерим тупурганча, мендан узоқлашди. Биз кўчада турардик, баҳор пайти эди, қош қорайганди, мен ҳали ҳам, мана-мана, ҳозир кутилмаган чап қўлим ўқдай бориб тегади, деб ўйлардим. «Хўш, бу қанақанги жанг бўлди ўзи?— дедим Карапет Карапетянга. У елкасини қисиб қўйди.— Чап қўлим билан тушуришимдан хўп қутулиб қолдинг-да, Карапет»,— дедим. Кейин Вержинэдан эрига бориб, Грант боксчи, чап қўли билан ёмон уриб қолар экан, деб айтишини илтимос қилдим. У бориб айтдим, йўқми, билмайман, лекин эри юриб кетаётган машинадан сакраб тушиб, тумшуғимга яхшилаб икки марта туширди-да, яна цементни олиб кетаверди.

— Санасар яхши одамми, ўртоқ Араик?

— Одамга ўхшаган одам-да.

— Қишлоқда ёмғир ёғдими?

— Айтдим-ку, ёғди деб.

— Араик, амаким отини нимага бергиси келмади?

— Айтдим-ку сенга, от Қасахдан эндигина қайтиб келганди, деб.

— Нимага у Гикорга Қасахга боришига отини бериб туради-да, биз сўрасак — ҳозиргина Қасахдан келди, дейди.

— Ахир отнинг ўзи ҳозиргина келиб турган бўлса, у яна нима десин, келганига анча бўлганди, десинми.

— Бу ерда бир ҳафтадан бери ағанаб ётганимни билармиди у?

— Отам билан икковининг орасидан озгина гап қочган.

— Нимага?

— Отамга: «Шунча болани сенга нима кераги бор?»— девди.

— Унинг нима иши бор экан?

— Кейин яна: «Ейман, ичаман деб турган шунча оғизни қанақа қилиб тўйдирасан?»— деганди.

— Бу билан унинг неча пуллик иши бор экан?

— Отам унга: «Уларни мен боқаман, сен эмас»,— деганди, у: «Унақа бўлса, бор, отни бошқа жойдан топиб олавер, Алхо ҳозиргина Қасахдан қайтиб келди»,— деди.

— Энди нима қилдик, а, Араик?

— Нима тўғрисида гапиряпсан?

— Умуман-да.

— Билмадим. Отам, амакиси билан совуқроқ сўрашсин, деди.

## ИУЛ БОШИДА

Буғулар оиласи — ота, она ва ўғил-буғу ухлаётган жойда челақ йўқ эди. Челақ йўқ у ерда. Бу ерни молқўра деб бўлмасди, чунки молқўра — қанчадан-қанча қўйлару ножўя ҳазиллар дегани. Бола келгунча буғулар оиласи мудраётган — атрофи ўралган ва катталиги гиламчадек мўъжаз жойни молқўра деб бўлмасди, бу ер буғулар ёқтириб қолган жой, деб айтиш ҳам мумкин эмасди, чунки ўша заҳотиёқ милтиқ кўтариб келишарди. Яхшиси, ютиниб қўйиб, она-ота, ўғил-буғулар оиласи яқингинада мудраган бу жой номини тилга олмай, шунчаки — гиламча катталигидаги кичикроқ жой, учта қизил буғу, шабнам қўнган кўк-жигарранг малина бутаси ва тилсиз чакалакзор, дейиш керак, тамом-вассалом. Малиназордаги кўк-жигарранг бутадан нарироқда, пашша учса эшитилгудек сукунат қўйнида бир бола малина теряпти. Малиналар осонгина узиляпти, чунки бола улар айна пишган пайтида келган-да. Биронта ҳам малина думалаб кетмайди, ерга тушмайди, чунки бола шошмаяпти — бу малиназордаги ҳамма буталар унга тегишли. Буғулар ҳам фақат бо-

лагагина тегишли, уларнинг маконини фақат болагина билади — ҳозир у ерда малина тўла челақ турибди. Ҳув анови ерда, — битта, иккита, учта, — ўтлари эзилган учта жой бор. Сал нарироқда эса боланинг челаги турибди. Челақ малинага аллақачон лиқ тўлган, лекин бу жой тўғрисида ҳеч кимга айтиб бўлмайди, айтса, ўша заҳотиёқ ҳаддидан ошган бир гала бола ёпирилиб келади. Келишади-да, ҳаммасини юлиб-юлқиб, синдириб, малинадан тўйгунча еб — балки тўйгунча ҳам емас, — кейин бир-бирлари билан ҳазиллаша бошлашади, ерга ағанаб, ўмбалоқ ошишади, ўқитувчи опанинг трусиғи ҳақида ҳар хил аҳмоқона — бўлар-бўлмас гапларни вайсашга тушишади, кейин ичи бўш челақни дўмбира қилиб чалиб, қишлоққа қайтиб боришади, улар қишлоққа бир донаям малина олиб боришмайди, лекин буғулар ҳақида хушxabар етказишади, ёши каттароқлар уларни калака қилиб кулишади: «Ол-а, бунақа бўлиши мумкинмас, ўз кўзларинг билан кўрдиларингми? Катталар уларни эрмак қилишади-да, гапларига ишонишмайди. Лекин бирдан жимгина, овоз чиқармай, худди заҳар танглик қилгани учун сўқмоқдан четга бурилгандек, овоз чиқармай, лип этганча ўрмонга кириб кетишади, ўқ овозини ҳеч ким эшитмайди, гулхан тутуни осмонга ўрламайди, ҳеч ким ҳеч нарса гапирмайди, ҳеч ким ҳеч нарса қилмайди — улар фақат бир-бирларига қараб қўйишади, ўша ерда фақат бир оз туришади, қишлоқиларча бамайлихотирлик билан атрофга кўз ташлашади, бироқ шундан сўнг буғулар бу ерда бошқа кўринмайди.

Бола қорни остидаги қариқиз баргидан ушлаганича, атрофига аланглаб қаради — буғулар ётган жойда челақини кўрмади. Кейин ўзига-ўзи, ўзимнинг буғуларим ёнида, ўз малиназоримда малина теряпман, деб қўйди. Бола яна аланглаб қаради ва бу гал жигарранг-кўк пастак бутани кўрмади. Эҳтимол, у янглишгандир? Бигта бута бор эди-ю, лекин жигарранг-кўк эмасди, унинг ёнгинасида тиккайиб тургани эса жигарранг-кўк — яккаю ягона қичитқи ўт бутаси эди. Қуёш нури малина бутасидан қичитқи ўтга сирғалиб ўтиб, уни жигарранг-кўк қилиб кўрсатаётганиди, вассалом. Бола янглишмаганиди: бута ўз жойида эди.

Бола руҳи тушиб, ҳафсаласи пир бўлаётганини, қаердадир яқин-атрофда, ёнгинасида яшириниб ётган кимсага тобора нафрати ортиб бораётганини сизди. Бола дилида унинг сирли қиқирлаб кулишини эшитди,

мамнун башарасини — фитначининг башарасини кўрди, унинг тимсолида ҳазил-ҳузилни чинга айлантириб юборадиган — уйқудан уйғонган ўгрини туйди, кейин бола бу ҳазилдан, кимсанинг мулоиймлигидан, унинг келиб, қаердадир яқин-атрофда, малиназорда турганидан ичида гижинди. Бола орқа ўгириб тургани кўйи унинг назарини ҳис қилиб, эти жимирлашиб кетди, унинг нафасини сизди — у нафасини ичига ютиб турарди, бола бу нафасдан нафратланди. Бола ўзини жилмаяётганга солиб, уни кўриш учун орқасига ўгирилди, уни кўрди ҳам, бироқ у яна йўқ бўлиб қолди, боланинг қорни эса бутунлай ҳўл бўлиб кетди: боланинг қўлидаги малиналар эзилиб, бармоқлари орасидан шарбат оқаётганди, кўйлагининг олд томони снёҳрангга бўялганди.

Челак жигарранг-кўк қичитқи ўт бутаси ёнида турарди. Ўзидан келаётган — одамларга хос ҳид ҳам, онасно уй ичидагиларнинг ҳаммасининг ҳиди ҳам бугулар қароргоҳида ўрнашиб қолиб, ота, она, ўғил-бугуларни ҳуркитиб юбормаслиги учун, улар ҳамниша шу ерда бўлишлари ва бола ҳамниша шу ердан малина териши учун челакни четроққа, қичитқи ўт бутаси ёнига қўйганди. Бироқ бола, деярли ёнгинасида бўлган ва ким туфайли малинани гижимлаб, унинг шарбатига қорнини бўяб олган бўлса, ҳозир ўшандан бари бир нафратланаётганди. Челак лиқ тўла эмасди, худди биров унинг ёнига ўтириб олиб, малинадан шошмасдан, битта-битта олиб егандек, у бир эллик пастроққа тушиб қолганди. Бола қўлларини тиззасига қўйиб, эгиллиб, тикилиб қараб тураверса, тураверса, тураверса бўларди, ана шунда вақти-вақти билан малинадан хушбўй ҳид сассиз таралаётгани-ю, малина ўз-ўзидан челакда камайиб, чўкаётганини, натижада худди биров челакни оёқлари орасига олиб ўтириб, малинанинг устки қатламини пок-покиза тушираётганга ўхшаётганини кўриш мумкин эди. Бола челакни оёқлари орасига қўйиб олиб, худди ҳазиллашаётгандек, болага тегажоғлик қилаётгандек, аслида эса буқа оёғинини босганда қанақанги бепарво бўлсанг, худди шунақанги бепарволик билан малинанинг ҳаммасини еб қўядиган кимсадан нафратланарди.

Бола эзилган малиналар қариқиз баргини сара малиналар устига қўйди, йўлда битта-яримта учраб қолса, унга икки-уч дона эзилган малинадан бериш учун баргини ёзиб текислади-да, унга ҳамма эзилган мали-

наларни териб чиқди. Учраганлар эзилган малинадан татиб кўриб, ғилай Егишнинг бирдан-бир юпанчиғини мақташлари ва гўё унинг бошидан силамоқчи бўлиб, бармоқлари билан сочлари чангини тозалаб қўйишлари учун шундай қилди. Эзилган малиналар остидан қариқиз баргининг чети кўриниб турарди — бирдан-бир юпанчиғ бўлган ўғил ўзининг ғилай отасига, барча ғилай дўмбоқчаларга — ўн икки ғилайнинг ҳаммасига сара малиналардан тергани кўриниб турарди. Бироқ бола қариқизнинг кўриниб қолган четини беркитиб ўтирмади. Кўявер, нима ўйлашса ўйлашаверсин.

Кейин бола челак ёнига ўтириб, димоғида нималарнидир минғирлади-да, тебрана бошлади. Унинг уйга кетгиси келмаётганди, ўрмонда қолгиси ҳам йўқ эди. У шу ўтирган кўйи, қишлоқдан келаётган овозларга қулоқ солди, кейин қишлоқ мутлақо ғойиб бўлди, — энди фақат биргина ўрмону ўрмон сукунати мавжуд эди. Агар одамлар бўлмаганда — дунёда яшаш қайғули кечарди. Ўт-ўланлар мўл бўлар, улар орасидан анҳор оқар, ўтлар устида эса оқ капалак учиб юрарди... Дунё ҳазин ва гўзал тус оларди. Ҳозир эса у на гўзал, на ҳазин. Нима қилишинг кераклигини ҳам билмайсан киши. Нима учун осмонда қирғий гир айланяпти? Нимага дарахтлар турибди? Тураверади, тураверади улар. Қирғий бўлса гир айланади, гир айланади-да, бирдан пастга тошдек отилади, хўш, айтайлик, какликни ўлдиради, нима бўлибди? Кейин яна гир айланаверади. Гир айланаётганида — гўзал ва ҳазин кўринади, бунда қандай маъно борлигини тушуниб етмайсан, лекин бунда қандайдир гўзал ва ҳазин маъно бор. Дарёлар қаерга оқиб боради, от ўтламай қимирламасдан турганида нима ҳақда ўйлайди! У соатлаб қимирламасдан тураверади. Ўйлайверади. Булутлар қайси денгиздан туғилади, кейин улар қанақа ўрмонлар устидан ўтади, нима учун оқшомлар шунақанги мунгли, ўйга чўмдирадиган, зерикарли-ю, тонг эса — шунақанги соф ва ўйлатмайдиган бўлади, нима учун бизнинг арман халқимиз чўллар кимсасиз, ҳеч кимга қарамаган пайтида океанга қадар етиб бормай, ер тугаб, тоғу тош бошланадиган мана бу дараларда қолиб кетган, кейин нима учун юрагимиз бунақанги қилиб уради, нимани хоҳлайди у? Агар анави қирғийга яқинлашиб, унга қарасанг, қўлларинг ўз-ўзидан қўлтиғинг тагига кириб кетади, — унинг тумшуғи, тирноқлари, кўзлари шунақанги тимдалайди,



шунақанги тимдалайдики, сени парча-парча қилиб юборади.

Олис-олислардаги денгизларнинг осмонларида булутлар қанот қоқиб, бизнинг дараларимизу ўрмонларимизга ёмғир бўлиб қуйилиш учун йўлга тушишади. Ёмғир барглар орасида оҳиста шивирлайди. Кейин битта қорақайин ўрмончаси, бир-икки буғу, бир нечта ёш эманлар, бир неча булоқлару битта сой яшайверади, кун кечираверади. Қуёшда куйиб жизғинаги чиқиб кетган чўл-саҳролар нима учун бизнинг булутларимизни ўзига жалб этиб — алдаб чақириб, осмондан пастга туширмайди-ю, сўнги томчисигача сиқиб олиб, хароб — талон-тарож қилолмайди? Булутларимиз ёнаётган чўл-саҳролар узра, чамаси, озмунча йўл босмаса керак, лекин унга саҳролар нафаси етиб боролмайди. Йўқ, қора булутлар саҳролар устидан бунчалик баландликдан ўта олмайди, қора булутлар ер бағирлаб, уни ялаб-ясқаб силжиб боради. Бизнинг дарамизда булутларнинг ўзига хос — махсус йўли бор: улар денгиздан кўтарилгач, ер узра ёйилиб, бошқа даралар устидан сузиб ўтишади, ана шу даралардаги сойу анҳорлардан оз-оздан сув йиғишади, ўша жойларда бирданига ёйилиб кетмаслик — йиғлаб юбормаслик учун кўп сув олишмайди, кам ҳам олишмайди — оғирроқ бўлиш учун, шамол уларни дарадан қувиб чиқармаслиги учун қанча зарур бўлса, шунча — меъёрида олишади; тоғларни улар кечаси ошиб ўтишади, ана ўшанда енгил шитирлаш эшитилади, эрталаб эса ўша ерларда ўтлар ҳўл, қўйларнинг юнги нам бўлиб қолади; бизнинг булутимиз тоғдан ошиб, кичикроқ жарликлар бўйлаб сирғалиб боради-да, дарамиз ичига киради, чўпон эса тоғ чўққисидан назар ташлайди-ю, сариқранг саҳроси илгаригидек — ташналикдан жон бераётган сариқранг саҳролигича қолаётганини, булут эса қўйлар юнгини сал-пал намлаб, бизнинг дара томонга йўл олаётганини кўради. Чапақай жаҳли чиққан чўпон тупуриб, булут орқасидан сўкинганича қолади. Нима деб сўкинади? Бунини билмайман, туркча сўкинади у. Туркчани эса мен тушунмайман. Мана, булут саҳродан ўтди — булутимиз ўрмонимизга яқинлашиб келяпти, тоғдаги чўпон эса сувсиз қолди. Турклар арманларни қириб ташлашган, бироқ чўпон нечанчи маротаба сувсиз қолиши. Унинг қўйлари бир-бирларининг нам юнгларини ялашяпти. Қўйлар бир-бирларининг юнгларини ёйишяпти, чўпон эса тобора ваҳшийлашиб, ақлдан озяпти, туркчалаб қўйларига нимадир

деб бақиради, пода ёйилиб кетади, кейин тўхтайдн, зорланиб маърайди, шу маъраганича қўйлар яна бир ерга тўдаланиб олади. Буркаси — енгсиз кигиз чакмони нам чўпон бақиради, бақиравериб зўриқиб қолади, бирок қўйлар тумтарақай бўлиб қочишмайди, аксинча — чўпонни ўраб олиб папағини, қўлларини, кўзларини ялашади. Бунақанги сабр-тоқат қилиб ўтиргандан кўра, бор-э, дегин-да, шаҳарга кўчиб кет, деб кўнглидан ўтказди бола.

Бола қўлини енглари ичига тикди, ўша чўпон ўзи эмаслиги унга ёқаётганди, лекин қаердадир, худди шу дақиқаларда, шунга ўхшаш воқеа ҳақиқатан ҳам юз бераётгани унга ёқмаётганди. Бола ингради, ўзининг инграшини эшитди. Ўз отасининг, ўз халқининг инграшини эшитди. Катталарнинг унинг отасига кулмасдан, бир оғиз сўз айтмасдан қарашларини, аччиқ истеҳзо билан қарашларини кўрди. Бу қарашда аччиқ истеҳзодан бошқа ҳеч нарса йўқ эди. Масалан, бугу гўштини поқпокиза туширишга қаршиликлари йўқ эди. Бу қарашда гилай Егишнинг ўн икки гилай бўласи ўсиб-улғаяётганлиги-ю, мана шу ўн икки гилай валад ўн икки дарахт тагида ўтириб олиб, саҳродаги турк чўпони ҳақида ўйлаётгани, ўйлаб, оғир инграб қўяётганлиги сабабли фақат аччиқ истеҳзонигина кўриш мумкин эди.

Бу қараш бегона одамга чинданам шундай туюларди. Бола худди ўзи ғужанак бўлиб олиб, қўлини енгига суқмагандек бир қиёфада ўрнидан турди, қаддини ростлар экан, дарахтлар орасидан қишлоқни кўрди. Челақни кўтарди, челақ оғир эди — бола қўлидаги оғир юки билан бутун бошлиқ қишлоқ рўпарасида турарди.

— Кишт-кишт-кишт-эй! Калхат! — Бувилари иш билан банд эди — товуқларга калхат борлигини лаҳза ўтмай эслатиб турарди. Бувиси эрталабдан-кечгача уларга калхатни эслатиб турарди-да, ўзича иш билан бандман, деб ўйларди.

Пойтешами, болтами — нимадир ёғочга дукиллаб урилди, урилди, урилди, кейин яна бир марта урилди-да, қаттиқ жаранглаб кетди — катта болга экан, демак. Амакиси арава ясапти, ҳозир у отлар ўртасидаги тақа шотиси учун тешик очаётган бўлса, темир пона жойидан чиқиб кетди-ёв. Лекин амакиси сўкинмади. Амакиси умуман сўкинмайди. У учиб кетган пона ортасидан жимгина қараб турди, кейин, одатича лапанглаб юриб бориб, пона тепасида бир лаҳзагина туриб қолди-да, нақ ҳозир иккига ажралиб кетадиганга ўхшаб, ерга эгилди,

пона олиб, яна орқасига қайтди. Амакиси юрганида у ёнидан-бу ёнига лапангламайди, худди от кетаётганида бошини силкитиб-силкитиб юрганидек, у ҳам орқасидан олдига қараб лапанглайди. Пона яна ёғочга тиқилди, ўрмондаги бола эса тишларини маҳкам қисганча қулоқ солиб, кута бошлади. Уйилаётган ёғочнинг ёрилишини кутаётганди у. Лекин тиқ этган товуш эшитилмасди — ёғочдаги темир пона сиқилиб кетаётганди, у билан бирга боланинг юраги ҳам қизиётганди. Темир понага амакиси ёрдам бермасди, у қўлида катта болгани ушлаганча, ёғочнинг ўз-ўзидан ёрилишини кутар, айни пайтда, кўзлари билан бошқа понани қидирарди, лекин кўпроқ ёғочнинг ўзи ёрилишини кутаётганди.

— Араик, Араик... Ара...

Бола юзини буриштирганча, чақиришганини бу қулоғи билан эшитиб, уннисдан чиқариб юборди. Кейин амакисининг девор тагида ётган бошқа понани олиб, лапанлаганича орқасига қайтиб келаётганини кўрди. Мана, у ёғоч ёнига келиб тўхтади, унинг эшитилар-эшитилмас қарсиллаши — инграшига қулоқ солди, кейин шунақанги эгилдики, четдан қараган одам, ҳозир у иккига ажралиб кетади, деб ўйлаши мумкин эди. Амакиси эгилиб, ёғочдаги ёриқни кўзи билан чамалаб кўрди, кейин қаддини ростлаб, понага уриш учун болгани кўтарди. Бироқ унинг ургани эшитилмади. Атроф сув қуйгандек жимжит эди. Пона ёғочда сиқилиб кетаётганди. Эҳтимол, ёғоч аллақачон ёрилиб, ўзининг оппоқ ўзагини очиб юборган ва бу ўзак қуёшда товланаётгандир, амакиси эса кўзларини пирпиратганча, буларнинг ҳаммасидан қандайдир маъно топиш учун тикилаётган, лекин тополмаётгандир. Бола ҳозироқ амакисининг эшиги ёнида пайдо бўлиб, кафтидаги малинани ёриб бўлак-бўлак қилиб ташланган шумтол устидан амакисига узатишини, қўли бир сониягина ҳавода муаллақ туриб қолишини ва буларнинг ҳаммаси ёғочнинг хушбўйи остида қилинишини фаҳмлади. Кейин улар, яъни ўзи билан амакиси, оппоқ ёғочлик, яна кунгабоқар ҳам бор, — бир-бирларига индамай қараб туришади.

Амакисига хаёлга келган ҳар қандай саволни бериб бўлмайди. Айтайлик, мана бунақаларни: отлар ўйлайдими-йўқми? Туман жарлик бўйлаб тарқаб, ёзги яйловга кўтарилаётганда, ўтирганча унга қараб турсанг, нимага қўрқинчли туюлади, нимага орқанг жимирлашиб кетади? Нега мўғулларнинг кўзлари қисик,

ха, майли, қисиқ бўлса бўла қолсин,— энг муҳими, кўришади-ку, лекин бу қисиқ кўзларида нималар яширинганини, сенга нисбатан мўғул қандай фикрдалигини сен ҳеч қачон билолмайсан. Туркларчи — улар ҳам мўғулми? Турклар йиғлайдими? Турклар куладими? Уларнинг кулгиси бизнинг кулишимизга ўхшайдими ёки улар бошқача кулишадими? Қўйлар жудаям чанқаб кетса ростданам ақлдан озадими? Кейин қадимги туркларнинг байроғига ҳам шунақанги телба қўйнинг сурати чизилган-у, бизнинг арманларимиз эса ундан кўрқиб қочиб кетишганми? Амакисининг уйи остонасида ўтириш мумкин, ўтириб, теварак-атрофни кузатиб, алмисоқдан қолган саволларни эсламаса ҳам бўлаверадиди, чунки олдгинасида амакиси, ҳозиргина иккига ажратилган оппоқ ёғочлик, асалари инлари, нок дарахти, помидор эгати бор. Яна кунгабоқар ҳам бор.

Бола ўз ҳовлисига кунгабоқар экканди, бу бир пайтлар бўлганди, бола унда жудаям кичкина эди, ўшанда у сурункасига бир неча кун амакисининг уйи остонасида ўтирганди, бироқ амакиси унга ханжар совға қилиши лозимлигини фаҳмлаб етмаганди. Боланинг ҳовлисидаги кунгабоқари гуллаб деган бир пайтда ғилайваччалар уни кўз очиб юмгунча гумдон қилишди. Бола помидор эгати, асалари инларию нок дарахти ёнидаги уй остонасида, дарахтнинг ёқимли иси остида ўтириб, ичида амакисининг ханжарини зўр иштиёқ билан орзу қилаётганини яхшиям ўшанда амакиси фаҳмлаб қолмагани, ахир шунча ғилайлар орасида ўз-ўзининг нарсасига эга бўлиш осонмас-да. Боланинг ўз-ўзига қоладиган, ғилайлар тортиб олиб, еб қўя олмайдиган нарса, бу — амакисининг уйи зинапоясига ўтириши, кун бўйи, бутун ёз бўйи бола минглаб жойларда бўлади, бироқ кейинчалик фақат биттасинингна — дарахтнинг ёқимли иси остидаги амакисининг зинапоясига қандай ўтирганини эслайди.

Қишлоққа тушиши керак эди — уйга кетадиган вақт бўлганди, бироқ боланинг уйга кетгиси йўқ эди, у уйга кетгиси келмаётганини сезиб, малинали челақ ғилайваччаларнинг чангалига тушмасидан аввал яна бирпас ёнимда — қорақайин дарахти остидаги жимжитликда туришини хоҳлаганим учун кетишни истамаяпман, деб ўйлади. Кейин бола анчадан бери амакисининг исми билан ёнма-ён турганини ногаҳон кўриб қолди. Ўзи билан амакисининг исми анчадан бери ёнма-

ён турибди-я... Қорақайиннинг бўзранг танасига пичоқ билан ўйиб, шундай деб ёзилганди:

АНДРАНИК ҚАР.

1916 й.

Ҳаво булутли кунда  
чўчқаларни боққан

Бола узоқ ўтмишдаги бу санадан қўрқиб кетди, ажабланди. У ўзи яшаётган йилдан амакисининг юқорида ёзилган йилини чиқариб ташлаган эди, жуда кам — бор-йўғи қирқ бир йил чиқди, бироқ бола яқинроқ бориб, амакисининг йилига қарашга чўчиди. Кейин у бир нарсани тушунмаётганди — қорақайин дарахти худди мана шундай турган, ҳарфлар эса унинг пўстлоғига аллақачон ўйиб ёзилган, дарахт ичидаги, ич-ичидаги ўзак эса ўз умрини кечираверган пайтдан бери ўтган бу вақт... шуларнинг ҳаммаси — узоқ вақтми ё камми, уни қандай ҳисоблаш керак — ўтган вақт дебми, ёки бу мутлақо вақт эмас, қандайдир бирор нарсами? Эҳтимол, қорақайин дарахти вақти мавжуддир... от вақти — от турганча ўйлаётган пайт, мактабдаги дарслар тугагач, сени магазинга ғизиллатишди, сен у ерга ғириллаб бориб-келишга аллақачон улгурдинг, ҳозир эса оқшом, сен сойни кечиб ўтдинг, сой ялтираб оқиб, ўзича нималарнидир шивирлайди, сен эчкини ҳайдаб келиш учун кетяпсан, сенинг вақтинг ҳам, шу вақт ичидаги ҳамма овозлар ҳам от орқали ўтади, от бўлса, қандайдир, ўзича турибди, унинг вақти ҳам унинг ўзига ўхшаш.

Бола дарахт ёнига ўтириб, унинг танасини ушлаб кўрди, қўлини олмай, дарахтнинг танаси бўйлаб энг учига қаради. Дарахт танаси тепага қараб чўзилгандан-чўзиларди, боланинг нафаси қайтиб кетди, тана эса чўзилаверди, кейин иккига ажралиб, иккита поя бўлиб қолди — бошини орқасига энгаштириб олган бола ниҳоят нафасини ростлади, яна бир оз сабр қилди, кейин лип этиб дарахтга чиқди-да, бир зумда унинг энг учига пайдо бўлди, ундан у ёғи эса оппоқ осмон эди, ушлаб турадиган ҳеч нарса йўқ эди. Дарахт учлари тебранарди. Дарахт учлари тебраниб, оҳиста ва сабот билан қаёққадир интилар, шу кетишда чексиз кетиши ҳам мумкин эди, бироқ улар бир соняга тўхтаб қолди, шунда дарахт инграб юборди, у билан бирга бола ҳам ингради, кейин дарахтнинг учи орқасига

қайтиб туша бошладн. Дарахт учи нақ поя тепасига тушганда дарахт бир силкинннб, сал тўғрилангандек, юқорига қараб тортилгандек туюлди. Эҳтимол, у мана шунақа тортилиб, тўғриланиб — тебраниб, тортилиб, тўғриланиб ўсгандир. Бола қўлидаги пичоқ сопини маҳкам чангаллаганча, бошини бўйни оғрир даражада орқасига энгаштириб, пастга туша бошлади ва бир нафасда дарахт танаси иккига ажралиб, тармоқлай бошлаган айрида кўрди ўзини. Бундан бу ёғига—то ергача дарахт танаси мутлақо шох-шаббасиз ва сиппа-силлиқ эди. Бола шунда иккала шох учи ҳам, иккала шох ҳам биргалликда тебранмаганини, балки, аксинча, улар бир-бирларига гоҳ яқинлашиб, гоҳ узоқлашганини, икки шох бир-бирдан узоқлашганда дарахт инграганини, улар яқинлашиб, бир-бирларига суйкалганда яна бир бор инграганини тушуниди. Иккала шох қандайдир жонсиз куч билан бир-бирга тортилар, суйкаларди, улар остидаги асосий ота-тана эса силлиқ, йўғон ва мустаҳкам бўлиб, унга худди мушукдек суйкалиш ва шу кўйи қолиш ҳам мумкин эди-ю, аммо-лекин худди шу талга бўйлаб пастга тушиш—ақлга сиғмасди. Мана, бола ўтирган кавадан на хаёлан тасаввур қилиш мумкин даражадаги тезлик билан, на ҳақиқатда юз берадиган секинлик билан чиқиб олди-да, пастдаги тор кавакка қарашга юраги бетламай, қайтадан яна дарахт учига кўтарилди. Тепада эса бошини айлантириб юборадиган осмон бўлиб, ушлаб турадиган ҳеч нарса йўқ эди,—ундан у ёғидаги новдалар жуда ингичка, но-зиккина эди. Менинг нима ишим бор, қанақа қилиб чиққан бўлсанг, шунақа қилиб туш,—бола шундай дер экан, қўли дарахт танасида турганини, тана билан унинг қўли деярли бирлашиб кетаёзганини кўрди, бироқ қўли ҳар дақиқада танадан ажралиши мумкин эди, аммо дарахт ўз ичиде яшайверади, ўз ичиде инграйверади, дарахт билан бирга амакисининг исми ҳам яшайверади. Дарахт ҳарфларни ўзига қабул қилди ва ўзи ўсгани сайин у билан бирга ҳарфлар ҳам ўсди, ўсди, чўзилди, ёйилди, пўстлоқда ажир-бужир бўлиб қолди. **КАР.**—Карян дегани. **АНДРАНИК ҚАРЯН**—Аранк Қарян. Ҳолбуки, шуниси қизиқки, амакиси бир пайтининг ўзида у ёқда чўчқа боқар, бу ерда—ҳовлисида эса арава ясарди. Бундан қандайдир одатланмаган вақт келиб чиқарди. Балки бу, нақ ўша от вақтидир. Анови ерда, қачонлардир амакиси ўтирган ерда ҳозир бола ўтирибди, худди унинг ўзидек чордона қуриб ўтирибди,

оёқлари увушиб қолиб оғрияпти, ўшанда амакисининг оёғи қандай оғриган бўлса, худди шунақа оғрияпти, лекин у ҳолатини ўзгартирмади, чунки дарахтга бирор нарсани ажи-бужи қилиб ёзиши учун шу ҳолати жудаям қулай эди-да. Унинг амакиси Қарян эди, ўзи ҳам Қарян, амакисининг оёғи увушганди, уники ҳам увушди, кейин у ҳозир амакиси билан бирга худди ўша кўҳна замонда — мана бу дарахт замонида эди. Бола ўрнидан турди, оёқларини кериб, назар ташлади:

АНДРАНИК ҚАР.

1916 й. f

Ҳаво булутли кунда  
чўчқаларни боққам

Араик Қар.

— Араик, Араик... қанча терган бўлсанг ҳам, бас қил... уйга бор, уйга бор...

Бола ўрмонда узоқ қолиб кетганини, онасининг чақирғи ҳамиша эшитилиб турганини, унинг амакисини ҳам худди мана шунақа қилиб чақиритганини фаҳмлади ва айни пайтда, ўша ўтган замондаги қадимий товушларни эшитгандек бўлди:— Андраик, Андраик... чўчқаларингни қўй.. уйга бор, уйга бор... «Ҳозир бораман»,— бола хаёлан жавоб қайтарди-да, дарахтдан узоқлашиб, тўхтади.

Тўхтаб, қўлларини чўнтагига тиқиб, ён-верига алаңлаб қаради-да, ҳеч нарсадан хабарни йўқ соддадил ўткинчига — фикри-хаёли... асло бу ерларда тентирашу дарахтлар танасидаги Қарян Андраик билан Қарян Араикнинг номларига синчиклаб қараш эмас, балки, хўш, айтайлик, ўрмондан эчкини қидириб топниш учун қишлоқдан келган ўткинчига айланди. Шундай қилиб, бола эчки тўғрисида ўйлаганича кетаверди-кетаверди, эчкини ўйлаб, ўзидан яширинча, кўз қири билан дарахтга қаради, уни кўрмасликни хоҳлади ва назарида, бунга муваффақ бўлгандек ҳам туюлди. Бироқ нима қилсинки, у кўрди, кўрган нарсаси эса унга нохушлик келтирди. Чунки қанча-қанча йиллар аввал Андраик шу дарахт ва унинг қизғиш япроқлари билан биргаликда чўчқаларини боққан эди. Ўшанда уларнинг орасида Араик йўқ эди — Араик бу ерга ҳаво очик кунда келиб, дарахт остига ўтирди-ю, қиладиган иши йўқлигидан «Арик Қар.», деб унинг танасига ўйиб ёзди. Бола ўзининг номи ёзилганига кўп бўлгандек кўриниши, ёинки кўп бўлгандек кўринмаса ҳам, янгилиги лоақал бунақанги билиниб

турмаслиги учун нам, деярли лой тупроқни қидириб топиб, ўз номи устига суркади, кейин узоқлашиб, олисдан дарахтга қаради, ўз номига яна лой чаплади, яна узоқлашиб, энди жудаям олисдан назар ташлади. Худди шу лаҳзада онасининг овозини эшитиб қолд-да, кетяпман, дея унга хаёлан жавоб қайтарди, ахир у онасига уйга кетяпман деб айти-ку, энди яна нимага бақиряпти у бекордан-бекорга овозидан ажраб.

Энди Араик билан Андраник Қарян қорақайин дарахти билан биргаликда вақт сукунатида чўчқаларни боқишарди. Бола хиёл ўйлади-ю, бироқ бари бир буларнинг ҳаммасида қандай маъно яширинганини тушунолмади, шундай бўлса-да, Андраник исми амакисидан ажралиб, Араик билан Андраник исмлари ҳеч кимга қарам бўлмай, ўз умрларини қорақарағай билан биргаликда ўтказишлари унга ёқиб кетди. Бошқалар бунга нима дейишаркин? Фараз этайлик, мана, бир бегона одам ўзича ўрмонда кетяпти, у эчкини қидириб топиши лозим, йўқ, бунақа эмас — уни эчкини қидириб топишга юборишган, у жимгина, индамай ўз ҳолича кетяпти, мана, у йўлдан четга бурилди, заҳар танг қилгани учун тўсатдан бурилди, кейин... буғуларни овлагани йўл олди. Худди шунда бола от изларига разм солиб қараб, гўнг таппиларини кўриб қолди — бу нимаси, наҳотки ростдан кимдир овга чиққан? Буғуларни овлагани-я?

Бола атрофга аланглаб, ўз кўзларига ишонмай қолди: дарахт бутунлай бошқа дарахтдек туюлди, э йўқ, бу ўша қорақайин, фақат силлиқ кулранг танасига «S» белгиси ўйиб ёзилганди. Бу.— дарахтнинг кесилишини билдирувчи белги. Бола, хато қилишман, ўз дарахтимга қарамаяпман шекилли, деб ўйлади яна. Бироқ худди ўша «S» белгиси унинг ёнидаги дарахтга ҳам қўйилганди. Бу ўрмондаги ҳамма дарахтлар тикка ва баланд бўлиб, бир текисда ўсганди. Дарахтлар остини қоплаган барглар тагидаги ер эса текис, қаттиқ эди. Бутун қайинзорда биронта эски тўнка-ю, турли-туман чакана-чакана буталар кўринмасди,—қайинзорда фақат силлиқ, баланд қорақайинлар бор эди. Силлиқ кулранг дарахт таналарида хира, қандайдир кулрангга ўхшаш ёруғлик жилоланарди. Бу кулранг ёруғликка чўмган дарахтлар тик турганча, сукут сақлаб, ниманидир кутишарди, эҳтимол вақтга диққат билан қулоқ солишаётгандир. Яна уларнинг силлиқ таналарининг ҳаммаси «S» белгиси билан тамғаланганди.



— Араик,— чақирди онаси.— Араик, Араик!— деб бақирди у бегона бир овозда.

Унга амакисининг овози қўшилди:

— Араик, Араик!— Бола кетиш учун ёнига бурилди. Шу пайт амакиси: «Нимага сен овозинг борича бақиряпсан,— деб қолди,— бола ўрмонда ўзича сайр-томоша қилиб юрибди, келиб қолади ҳозир.— Бир оз жимликдан кейин (бу пайтда онаси лабларини унсиз қимирлатиб, ўзини тутиб олишга уринаётганди) яна онасининг овози эшитилди:

— Ахир станцияга отни ким олиб боради?

— Мен,— амакиси шундай деди-да, қулочкашлаб туриб, болтани ёғочга санчди.

— Араик!— чақирди онаси.

— Араик, Араик, Араик!— онаси билан бувиси бир-бирларига жўр овоз билан чақиришди.

— Араик, Араик!— деб чақирарди бувиси.

Қорақайинзор тугади-ю, шу заҳотиёқ жарлик бошланди. Қишлоқ қўл узатгудек жойда эди,— қуёшда жимирлаётган қизил томлардан ҳовур кўтарилар, қаердадир боғлар ўртасида очсариқ мато ялтираб кўринар, бувиси эси «Араик» деб чақирарди,— қишлоқ жуда чиройли эди-ю, бироқ мовий тусли пешайвон бўм-бўш эди-да. Унинг дўсти мовий пешайвонда йўқ эди, у ушбу барча гўзаллик рўпарасида — жарлик устидаги бола билан ёнма-ён турмаётганди, ҳолбуки бу ердан қабристон кўринмасди.

Қишда ёғочлар мана шу жарликка думалатиларди. Бола мактабга кетаётганда ўртоғи билан мана шу ерда тўхтаб, ёғочлар пастга қандай сирғалиб тушаётганини узоқ-узоқ томоша қиларди. Демак, қорақайин дарахтларининг ҳаммаси ҳам мана шу жарликка юмалаб тушаркан-да... Онаси билан бувиси уни яна чақиришди, кейин онасининг ёлғиз ўзи «Араик» деб бақирди, шундан сўнггина бола жарлик бўйлаб пастга томон елиб кетди. Бола ўнг-сўлига қарамай пастга югурди: малинанинг ҳаммаси эзилиб-эзилиб кетмайдими унга деса, тупурди малинасигаям.

Жарлик тугади, малинага ҳеч балоям урмади, бироқ қишлоқ бу ердан бутунлай бошқача кўринди, худди ўзга қишлоққа ўхшарди у. Боладан сал нарироқдаги тўққизил рангли от қулоқларини чимириб, болага қаради. Бола орқасига ўгирилиб, ўзидан бошқа ҳеч ким йўқлигини кўрди,— от унга қараётганди. Кейин от бошини осилтириб, яна мудрашга тушди. Дарахтлар

орқасида, қарама-қарши томондан кимдир юриб келаётганди. У ҳам жарликка тушди. Мана, у тўхтаб, орқасидаги юкини тўғрилади, кейин «Араик» деб чақирди, худди шу лаҳзада бола ёнгинасидаги граб<sup>1</sup> остида ётган икки ўсмирни ва улар ўзига бармоқларини имо-ишоралар билан «жим» дейишаётганини кўриб қолди. Бола ҳам имо-ишоралар билан, нима, нима гап, деб сўради, улар бўлса фақат ичаклари узилгудек қотиб кулиб, қўллари билан: «Бу ёққа кел, ёнимизга кел»,— дейишди. У ерда ҳеч қанақанги сирли нарса йўқ эди, улар бир ҳовуч малинани мазза қилиб ейиш учунгина шунчаки устамонлик қилишаётганди. Бола шубҳаланиб, жирканиб, улар томон қадам қўйганда ҳам овозларини чиқармай ичаклари узилгудек қотиб-қотиб кулишар, бармоқларини эса лабларига босганлари-босган эди — жим, овозинини чиқарма, тсс...

Жарликда кимдир астагина, ёқимли кулди. От қулоқларини чимирди: рўпарадаги тепачада қандайдир аёл тиззаларини хунук бир тарзда йприб ўтирганча, олд томонига лоқайд қарарди.

«Нима?»— шивирлади бола. «Қара»,— деб шивирлашди граб остидагилар; бола улар кўрсатган томонга энгашиб қаради-ю, бу шивирлаш ҳам, жарликдаги паст ва ёқимли кулги ҳам, сойнинг уйқусираб чулдираши ҳам уни қандайдир шарм-ҳаёсиз сирга аралаштиргандек, боланинг нафас олиши ўзига ҳаддан ташқари ваҳимали — гувуллаб овоз чиқараётгандек туюлди. Рўпарадаги тепачада бир аёл тиззаларини керганча ўтирарди — унинг оппоқ тиззалари катта, хунук эди. У лоқайдлик биланми ё, аксинча, диққат биланми, болага тикиларди. Бола аёлга, аёл болага қарарди. Кейин аёл бошини кўтариб, ўрмон томонга қараб қичқирмоқчи бўлди, ҳа, шундай, қичқирмоқчи бўлди. Бола эса бор кучи билан кучаниб,— бунақанги кучанишда ўлиб-не-тиб қолнш ҳеч гапмасди,— кучаниб аёлнинг бу қичқирғини қайтарди. Қичқирқ эшитилмади. Бола гарангликдан аста-секин қутулиб, бошини оҳиста бурди. «Хўш,— шивирлашди улар,— кўрдингми?» Бола тупугини ютди. «Бу — менинг онам,— деди у, бироқ лаблари лоқал қимирламади.— Нимаиди?»— шивирлади бола. Худди шу пайт Мартироснинг ўғли афтини маънодор буриштириб, ажойиб бир чаққонлик билан боланинг бошини оғритганча ерга эгди-да, унинг

<sup>1</sup> Г р а б — қайин дарахтининг бир тури.

назарини жарликка, сойга, харсаангошга қаратди... Қандайдир йигит кўксини ерга бериб, унинг ёнидаги қиз эса бир оёғини букиб, бошини йигитнинг орқасига қўйганча ётарди. Қизнинг оғзидаги мойчечак у ёқдан-бу ёққа ликиллар, чамаси, қиз лаблари билан мойчечакни ўйнаётганди. Жарлик қимирламасди, тошлар қимирламасди, анови иккови — бошини қўли остига қўйиб, кўксини ерга берганча ётган йигит ҳам, қоракўзойнаги орқали осмонга қараётган, осмонга қараб, мойчечак бандини жимгина чайшаётган қиз ҳам қимирламасди. «Қулнинг ўргулсин нарсалар экан-да», — деди Саакнинг машхур лофчи невараси. Бола кўзини олиб қочар экан, ановилар йигит билан қиз эмас, — икковиям энсиз плавки кийиб олган қиз эканлигини, оғзида мойчечак тишлаб ётгани ҳам, кўксини ерга бериб ётгани ҳам — икковиям қиз эканлигини, мойчечак банди тахир бўлиб, одамни чапқатиб, томоқни қичиштиришини тушунди.

Тепачадаги аёл ўринадан туриб, қандайдир беўхшов нарсани орқалаганича пастга туша бошлади. От қулоқларини чимирди. Бола отга кўз ташлади, онасига қаради ва... — онаси амакисининг ҳовлисидан олган эгарни орқалаб кетаётганини фаҳмлади. «Буни қаердан тердинг?» — сўради Мартироснинг ўғли. «Тердим-да» деди бола ютиниб. — «Нима тердинг?» — сўради яна Мартироснинг ўғли, шунда бола унинг қулоғига гап кирмаётганини, боладан жавоб ҳам кутмаётганини, — бутун диққат-эътибори қоракўзойнакли, энсиз сийнабандли, энсиз трусикли қиз паст ва ёқимли овозда кулиб, оёқларини чалиштириб ётган жарликда эканлигини англади, англади-ю, бутун аъзойи бадани жимирлашиб кетди: бу худди қайт қилгандан кейинги беҳузурликдан ҳам жирканчли, ҳам ёқимли эди.

— Аранк! — эгарни орқалаб олгани нимаси, а, ҳеч бўлмаса одамга ўхшаб кўтариб олса-чи уни, — елкалари очилиб, бўйни қизариб кетган онаси сой бўйида турганча, сувга тикилиб, чақирарди: — Аранк... — Бола кўзини юмди-да, кар-гарангга айланди. Сув сепилгандек жимжитликда қорақайин дарахтларининг кулранг таналари қад кериб турар, бир-бирларидан мустақил ҳолда — ҳар бири ўз ҳолича қад тиклаб турар, ҳар бири ўз ҳаётини кечирар, ҳар бирини ўз қурти кемирар ва ҳар бири тугаётган ҳаётини ҳам ўз ичиде кечирарди. Қорақайинзор жимжит эди, кулранг хира ёруғлик дарахт таналари орасига бир текисда тушаётганди.

Эгарни ортмоқлаб олган онаси бўш қўли билан этагини юқорига кўтарди, у этагини юқорига кўтарди-ю, эгар янада пастга сирғалиб тушди, онасининг тиззалари очилиб кўринди,— у тошдан тошга оёқ қўйиб, сойдан ўтишни хоҳлаётганди, бироқ энг яқиндаги тош ҳам олисда бўлиб, унга оёғи етиши амри-маҳол эди, онаси буни фаҳмлади чоғи, эгарни орқалаган ва этагини кўтарган кўйи сой бўйида туриб қолди. Бола секингина қайрилиб қаради, грабнинг ола-чалпак соясидаги болалар жарликдаги қизлардан кўз узишмасди, бироқ улар боланинг онаси тўсатдан жудаям бесўнақай сакраб, шалоплаганча сувга тушгани-ю, кейин оёғи остига қарамай нариги қирғоқ сари юрганини кўришгандек туюлди.

От қулоғини чимирганича, эгар орқалаган аёлга қаради ва аллақандай бир овозда — ичида секингина кишнади, қари ўпканинг зўриқиши билан чиққан бу кишнаш худди онасининг ҳўл этаги-ю, эгарни орқалаб олгани каби хунук ва беўхшов эшитилди. Кейин бола челакнинг оғирлигини сезмай, енгил қадам ташлаб, онаси билан от томонга кетаётган ҳолда кўрди ўзини, аслида у ҳали ҳам граб остида, унинг ола-чалпак соясида ўтирар ва гарчи қарамаса-да, жарликдаги қизларни кўраётганди, унинг ўзи ғилай, бунинг устига галатироқ эди, мана, ҳозир унга нимани кўрсатишяпти-ю, у эса ўз онасининг тиззаларинигина кўряпти, буларнинг ҳаммасидан, рости, дод деб юбориш мумкин эди.

Онаси эгарни от устига тескари қўйди. Кейин ҳаммаёқдан ўтқир от ҳиди анқиётганидан гангиб, атрофга аланглади,— онаси от шалтоғининг оғир, қўланса ҳиди ўртасида туриб олиб, гангиганича ва нима қилишини билмай, атрофга алангларди.

— Ҳа, нима дейсан?

Онаси бир зумда ўзгарди-қолди.

— Вой-ву-у...— деди у хурсанд ҳолда.— Менинг яккаю ягона, бир уй танбал ичидаги яккаю ягона ишчан ўғлим, меҳнаткашим, малина териб келибсан-да... Аканг-чи, сени станцияда кутиб ўтирибди...

Бу гапларнинг ҳаммаси хуш ёқарди-ю, аммо атрофни от ҳиди босиб кетганди-да, отнинг ўзиям ўз ҳидига кўмилиб кетяпти, деб айтиш мумкин эди, онаси аллақандай қайишни отнинг думи остидан қуюшқондек ўтказмоқчи бўлди, бироқ қайиш бунга мутлақо ярамасди...

— Қайси бири осон — эгарни от олдига кўтариб ке-

лишми ё отни эгар турган жойга етаклаб боришми?— деди бола.

Жиққа ҳўл оёқ кийимидаги сув шалоп-шулуп қилаётган онаси мана шу чидаб бўлмас шалтоғ ҳидию гашшалар ўртасида туриб олиб, нима қилиши кераклигини билмай ёжинаяётганга ўшарди. Онаси жирканиб, юзини буриштирганча оғирлигини у оёғидан бу оёғига ташлаган эди поёфзалидаги сув яна шалоплади.

— Қаёқдаги қирчанғи от учун амакиннинг ҳовлисига гизза-гизза икки марта бораман деб ҳеч ўйламагандим, уни кўрай деб кўзим ҳам учиб тургани йўқ эди.

Бола диққат билан қулоқ солди — онаси амакисини ёқтирмасди. Бундан ташқари, қўланса ҳидли шалтоғ ўртасида туриб, ўзи бирон-бир кишини ёқтириш мумкинми, ахир? Бола аччиғланиб: «Эй-эй-эй!»— дедида, онасининг қўлидан эгарни юлқиб олди. Кейин тирсаги билан онасининг кўкрагидан итарди, онасининг кўкраги юмшоқ, ёқимсиз эди, худди шалтоғ ҳидини ҳидлашдек ёқимсиз эди,— жардаги қизиган тош устида аёллар ётганини, унинг онаси ҳам аёллигини, онасининг яна сийнабанди йўқлигини ўйлаш ёқимсиз эди... Бола эгарни тўғрилашга тушди: эгар қоптоли остидаги кигиз жазлиқни тўзатди, узангини тортди... Сийнабандини тақмай, шалпайиб ётган кўкрагини қорнига осилтириб, яна худди жулдирвоқилардек, уларни чит кўйлагини билан зўр-базўр беркитиб, ўзининг шу «Араик, Араик»и билан бутун қишлоқдан ўтиб келибди-я... Бола пуштанни эгар билан кигиз жазлиқ ўртасидан ўтказар экан, қорни устига қўлини қовуштириб, ўзига итоаткорона қараб турган онасига кўз қиряни ташлади: мана, у — аёл киши эркаклар ишини эркакка топширди. Энди эса ўзини пастга уриб, бола бу ишнинг уддасидан қандай чиқишига қараб турган эмиш, буларнинг ҳаммаси бўлмағур гап, муғамбирлик,— у бола хатога йўл қўйишини шунчаки кутиб турибди, бола отни эгарлай олмаслигини ичида жон-жон деб хоҳлаяпти. Бола эгарни боши узра кўтарди, от унинг бўйидан баланд эдида,— онаси ботинкасидаги сувни шалоп-шулуп қилиб, ёрдамлашиш учун кела бошлаганди, «Яқинлашма!»— деди у пишиллаганча. Кейин эгарни боши узра кўтарди-да, отнинг устига ирғитди: эгар от белига маҳкам ўрнашиб қолди.

— Бу ердан мана бу малинани олиб кет,— деди бола.

Онаси челақни кўтариб, бир неча қадам нарироққа борди.

— Сеннинг эрингга қараганда тузукроқ у...— бола шундай деганича, қуюшқонсимон абзални таранг қилиб тортди-да, эгарга бириктирди. Дағал от ёли танига тегиб, ҳузур бағишлади.

Онаси эридан ким яхши-ёмонлигини тушунмади, бироқ ижаклашиб сўрамади ҳам. Фақат оғирлигини у оёғидан бу оёғига ташлаган эди, пойафзалдаги сув яна шалоп-шулуп қилиб, жиққилаб кетди.

Қоринбоғ юмшоқ ва ишиқ, отнинг кўкраги эса кенг ва тошдек қаттиқ эди. От кўкрагининг тошдек қаттиқлиги болага ёқди, у қайишни таранг қилиб тортди-да: «Шундай»,— деб қўйди.

— Кимни олма, ҳаммасиям отангдан дуруст,— деди онаси.

Бола эгилиб, яна битта қайишни олди-да, уни ҳалқадан ўтказиб, икки қўллаб торта бошлади, торта туриб, бу ишни худди амакисига ўхшаб қилаётганини сезиб қолди. Бола нафасини ичига ютганича, қайишни тортиб — амакиси бу ишни қай йўсинда қилса, у ҳам худди шундай бажариб, қадаб қўйди. От минишга тайёр эди.

— Утир,— деди у онасига қараб.

Онаси кулимсиради, кейин:

— Эгар тўнтарилиб кетиши учун ўтиришим керакми?— деди.— Утирмайман.

Бола узангини ушлаб, кутиб турди: унинг урган эгари тўнтарилиб кетармиш. Онаси челақни ерга қўйиб, яқинлашди, қурқшаб ёрилган лабларидаги табассумини яшириб, бир оёғини узангига қўйди-да, иккинчи оёғини ердан узмай, бесўнақайлик билан отга осилди. От қимирламай турар, бола кутар, аёл эса узангига осилганча, қандай бўлмасин, ишқилиб эгарни от устидан сидириб туширишни истарди. Бола унинг оёғидан ушлаб, елкасини тутиб, кўтарилишига ёрдамлашди. Онаси латтадай бўш ва оғир эди, от шалтоғи шу дақиқаларда шунақанги сасиб кетдики, аста қўяверинг, бола бош бармоғи онасининг тўнигига ботиб, из қолдирганию у дарров бита қолмаётганини, оёғидаги тўққўк томчилари ўйнаб ётганини кўрди. У бошқатдан қаради — болдирдаги чуқурча аста-секин тўлишиб бо-раётганди.

— Ҳўш, қалай?— бола онасига тикилиб сўради.

— Дуруст,— онаси шундай деди-да, соч тутамини,

худди қизлардек, қулоғининг орқасига тиқиб қўйди.—  
Анови малнани бу ёққа бер.

— Ахир,— арз қилди бола,— худди жулдирвоқилар-  
дек... худди жулдирвоқилардек, пайпоқсиз...

— Ҳеч нарса қилмайди,— деди онаси.— Бошқалар  
бутунлай яланғочам юришибди-да.

Бола челагини кўтариб, отига яқинлашди, жиловидан тортиб, ичида: «Алхо»,— деб қўйди. От пишқириб, юриб кетди. Онаси малнани беришини яна бир карра сўради. Улар сойни кечиб ўтишди. Бола қуруқ, сарғини йўсинлар қоплаган худди бояги тошлар устидан юриб ўтди: Сирғаниб кетмади. Сув ўзича чулдираб оқар, қичитқи ўт боланинг қўлини талар, оёқ кийими эса тупроққа тўлганди, қўллари ювинишини илтимос қиларди, бадани чўмилишини сўрарди. Кўйлагининг энги калталигидан қичитқи ўт унинг билакларини таларди.

— Оғирмаслигини биламан, татиб кўрмоқчиман ундан,— деди онаси.— Бер бу ёққа малинани.

— Оғир,— деди бола.— Бермайман.

Енглари калта эди унинг. Устидаги кўйлаги ўзиники эди, бироқ энги калталигидан қичитқи ўт талаган қўллари жудаям қичишаётганди. Эгнидаги қизил шими эса ўзиники эмасди, Сурикники эди, у лоақал тўпигига тушмасди, шунинг ўзидаёқ, бу унинг шими эмас бировники эканлигини кўрсатиб турарди... Укаларидан қайси биридир кўйлагига комсомол значоғини тақиб қўйибди. От боши билан болани туртган эди, у эс-ҳушини йиғиб олиб, йўлга тушди. Олдинда бола, унинг кетидан от, от устида эса, оёқларини кериб ўтирганча, онаси борарди.

— Журналист аканг келди,— деди бирдан онаси қувонганча, баланд овозда.— Журналист аканг Еревандан келиб, қачон менга от олиб келаркин, деб станцияда кутиб ўтирибди сени.

Демак, от устидаги онаси анови икковини — тош устида ётганларни кўрган, шунинг учун шунақанги қаттиқ гапиряпти.

— Яна қаттиқроқ,— шивирлади бола,— бундан ҳам қаттиқроқ бақирсанг бўларди...

— Нима дединг, онанг қоқиндиқ?

Улар кўринишди ва... нимаки юз бериши керак бўлса, ўша юз берди: оппоқ, қуёшда қораймаган оёқларини сувга тикқанча ўтирган аёл тиззасидан бошини кўтармай, иссиқдан лоҳасланган кўйи қаради — бола унинг қаршисинда мана шу қизил шими билан турар, кўйла-

гининг еңги эса калта эди, шундан сўнг у, то қизлар кўрингунча карга айланди-қўйди, қизлардан бири кўксини ерга бериб ётар, иккинчиси эса, унинг белига бошини қўйганча, қора кўзойнаги орқали осмонга тикиларди, аёл лабларини сал қимирлатгандай туюлди, бола ўгирилиб қараб, онаси ҳам лабларини қимирлатганини кўрди, онаси жилмайди, қора кўзойнакли қиз ўрнидан туриб ўтирди, наригиси елкаси оша қаради — у ҳам қора кўзойнак тақиб олганди, ановиниси — тиззаларини қучоқлаб ўтиргани эса, болага тикилди, ётган қиз болага қараяптими ё мудраяптими — билиб бўлмасди: бола фақат унинг катта қора кўзойнагини кўраётганди, ўтирган қиз қўлини бир силкитиб, яна тиззаларини қучоқлаб олди, онасининг лаблари қимирлади — у нимадир дегандек бўлди, аёл ҳам маъқуллагандек мулойимлик билан бошини қимирлатиб қўйди — демак, онаси нимадир дебди... анови ўтирган қиз қора кўзойнагидан қараб, яна қўлини силкиб қўйди, боланинг назарида буларнинг ҳаммаси қачонлардир бўлгандек туюлаётганди, бояги қиз қўлини кўтариб туриб, сонига шарақлатиб туширди.

Сўна пашшаларни бу ерга улар — у, онаси, уларнинг оти олиб келди. Атроф жимжит. Соёу ўтлар устида капалак учар, онасининг болдиридаги чуқурча аста-секин тўлишиб борар, оёғидаги кўк томирлари эса кўм-кўк эди унинг. Мана бу қизлар, мана бу аёл эса шунақанги чиройли, шунақанги гўзал эдики, эс-ҳушдан айрилиш ҳеч гапмасди, лекин сўна чақаяпти уларни, дарахтлар орасидан болалар ҳам қарашяпти, отдан эса қўланса ҳид анқияпти, сўналарни эса бу ерга улар ўзлари билан бирга олиб келишди.

Бола тупугини ютар экан, челакни аёлга тақаб қўйганини, ўзининг билаги қизариб кетгани-ю, қўллари кирлигини кўриб қолди. Аёлнинг оёқлари эса оппоқ эди, қуёшда қораймаганди, у челакни секингина ўзидан нарироққа итарди. Бироқ бола челакни олмади. Шунда аёл қўли билан қизлар томонни кўрсатди.

Аёл қизларни кўрсатди, бола бусиз ҳам малинани уларга олиб бориши кераклигини аллақачон тушунганди, фақат уларга яқинлашиши қийин бўлаётганди унинг, чунки қизлар жудаям чиройли эди-да. Улар жудаям чиройли, бола эса жудаям кўримсиз эди. Ўтирган қиз болага пешвоз чиқиш учун «дик» этиб ўрнидан турган ҳам эдики, унинг ҳали жудаям ёш — бўйи етмаган қиз бола эканлиги кўринди-қолди. У ҳали ёш



қиз бўлиб, силлиқ тош устида турар, опаси эса унинг шундоққина ёнгинасида ётар — буларнинг ҳаммаси шунақанги чиройли эдики, ҳайратдан юрак ёрилиб кетиши ҳеч гапмасди. Қизча унга пешвоз кела бошлади — бола имирсилаганидан шундай қилди—«ҳаммасига ўзим сабабчиман», қиз яқинлашиб, бола ёнида тақиртуқир қилди-да, яна узоқлашди, энди у челақни кўтариб борарди, «челақ оғир, ҳаммасига ўзим сабабчиман»,— қиз эса нозик-ниҳолгина эди — унинг нимжонлиги ҳам жуда чиройли эди.

Қизча опасининг ёнига бориб чўккалади, бола унинг ўқдай умуртқасию қуймуч чуқурчасини кўрди, бола қизнинг қадам ташлашидан чиққан шитирлашни, бюстгалтерининг қора йўлини, силлиқ қорнини, қуёш қизигини ҳали ҳам ҳис қилаётганди, буларнинг ҳаммаси яқинлашиб, унга яқинлашиб келаётгандек эди — боланинг боши айланиб кетди. Яланғочликларию ҳарорат таратаётганлари учун улар айбдор эмасдилар, улар шундай бўлишлари ҳам керак эди, фақат бола уларнинг биронтасини кўрмаслиги, бу ерда бўлмаслиги, йўқ, бу ерда бўлмаслиги керак эди унинг. Челаги шу ердалиги учун бола ҳам шу ерда эди, кўк челақ ифлос, боланинг қўллари ҳам ифлос эди, шими тўпигини яширмасди, челақ тепасидаги малинанинг ҳаммаси эса эзилганди. Бола челақни нарироққа суриб, қариқиз баргини олиб улоқтириб юбориш учун ўша томонга боришни хаёл қилди, бироқ унинг қадам ташлаши шу даражада қўпол чиқдики, у жойида қотиб қолди, қотиб қолиши ҳам беўхшов эди унинг Белидаги чизимчага боғлаб қўйилган пичоқ пастга сирғалиб тушди. Худди қорақайин дарахтисимон, мана, бола ҳам ич-ичида қотганча, пичоқ тушиб кетадими ё йўқми, деб роса бир соат кутди. Белидаги чизимчага боғланган пичоқ пастга сирғалиб, боланинг бути орасида қимирлай бошлагач, бола тошдай қотиб қолди. Қизларга ҳаммаси — боланинг чўнтаги йўқлиги, эғнидаги шими ўзиники эмас, болаларники бўлганлигидан чўнтаги йўқлиги маълум бўлди-қўйди.

Ҳолбуки бошқача, қачонлардир албатта бошқача бўлиши — бола шовқин-сурон билан тепачадан югуриб тушиши, қизлар эса сой чулдираши оғушида худди мана шундай ётиши, яна сочлари таралган, эғнига дазмолланган кўк шим кийган бола ёнида онаси турмаслиги керак эди. Бола ғилай бўлмаслиги, челақ эса тоза, яна буларнинг ҳаммаси кутилмаганда юз бериши-ю,

боланинг қўллари қизариб кетмаган бўлиши керак эди.

Қиз ёлгондан қовоғини уюб, бармоғи билан унга ёлгондан таҳдид қилди, ановиниси эса, худди ухлаётган мушукчадек, қўлларига бошини қўйиб, мийиғида кулимсиради, бола уларнинг ҳар икковига ошиқ бўлиб қолди; ётган — оёғи билан оёғини қашиб, нақ уйқудаги мушукчадек мийиғида кулимсираган қизга ҳам, наригисига — ёлгондан қовоғини уюб, бармоғи билан таҳдид қилганига ҳам, айниқса, шунисига кўпроқ ошиқ бўлиб қолганди: опасига қараб эгилиб, оғзидаги мойчечакни сувга ташлаб, тош устига пуфлагани учун,— тошда эса чуқурча бор эди,— кейин яна чуқурчага пуфлаб, уни қўллари билан тозалаб, яна пуфлагани учун бола бунисини яхши кўриб кетганди, униси эса, ҳали ҳам бошини қўли устига қўйиб ётганича, нақ мушукчадек мийиғида кулаётганди. Челак устига эгилган биринчи қиз бармоқларининг учи билан қариқиз баргини астагина кўтариб, қўл тегизилмаган малинани очдида, оҳиста бурилиб, болага қиё қаради... унинг ярим очиқ оғзи ҳам, ихчамгина бўйинио яна бюсгальтери яшириб турган... Йиғлатгудек даражада уят эди, у аллақачон бюсгальтер тақиб олгани-ю, қўлтиғи остида қоп-қора юнг борлиғи уят эди... Шунгача чиройли эди бу қиз, боланинг йиғлагиси келиб кетди, бироқ бари бир у бошқасига — кулимсираётганига, қўлини секингина узатиб, челакни топиб, малинадан битта олиб, қўлини яна оҳиста оғзига олиб борган ва ҳаммиша уйқудаги мушукчадек кўринаётганига мафтун эди. Ана шунда бола бу малиналар — ҳа-ҳа, қариқиз барги остидаги — челакдаги ҳамма малина уларга тегишли эканлигини, эзилган малиналару қариқиз барги учун улардан кечирим сўрашини айтолмади: қариқиз баргини эзилган малиналар билан бирга узоқроққа улоқтириб юборишга боланинг юраги дов бермади, бироқ у, чамаси, ҳамма гапни аллақачон айтиб қўйганди, чунки, анови, биринчи қиз малинадан бир ҳовуч олиб, уни тошдаги чуқурчага солди, битта мевани эса оғзига ташлади, мева ширин эди, у болага қараб қўйди-да, яна битта малинани оғзига ташлади...

Қиз нимадир деди.

— Йўқолиб қолади,— такрорлади қиз, бола бўлса тулугини ютди.

— Менинг шимим эмас,— деди бола.

— Ахир шичоғинг йўқолиб қолади,— деди қиз.

Пичоқ чизимчада ликиллаб турарди.

— Пичоқ — меники, — деди бола.

— Хўш, нима сеники эмас?— Оғзи ярим очиқ қиз худди жавоб кутаётгандек қаради, кейин бирдан ёнига ўгирилди-да, қаёққадир малинадан отиб, чақирди:— Хой, дев, ёнимизга кел, малинадан е!

Малина тош ёнидаги кимнингдир семиз, жудаям семиз сонига бориб тушди, қиз бўлса ёқимли овозда секингина кулди. Сон қимирлади, иккинчиси билан бирлашди ва улар иккови биргаликда шунақаям баҳайбат кўриндики, асти қўяверинг — тош ёнидан қандайдир аёл аста, ўзини уринтирмай, оғир қўзғалди-да, ўрнидан туриб ўтирди. «Бегемот» — қизлар пиқирлаб кулиб юборишди. Аёл — у ҳам қора кўзойнак тақиб олганди — қизларга қаради, кейин карнайдек оғзини очиб, мазза қилиб эснай бошлаган ҳам эдики, биринчи қиз хахолаганча:

— Қадрибаланд дев хола, биз билан малина егани буёққа келинг, — деди.

— Хой, — аччиғланди қизларнинг онаси, — ўзингдан катталар билан шунақа гаплашасанми?

— У бари бир ҳеч нарсани эшитгани йўқ, эснаётганди, — қиз кулганча шундай деди-да, назари болага тушиб қолди, ундан сўради:— «Тўғрими?» — шу дақиқада бу қиз жудаям яхши кўриниб кетди, бироқ бола бари бир унисига — ётган жойида қўлини чўзиб малинадан олаётганига, еганда ҳам шунақанги сездирмай, миёнида ҳадеб кулаверганидан худди емаётгандек кўринаётганига мафтун эди, унинг сингисини эса, у опасини — бола мафтун бўлиб қолган қизни ёмон лақаб билан ҳечам атамаётгандан ёқтираётганди. У опасини ҳечам ёмон лақаб билан атамаётганди, қўлига урмаётганди.

Тош ёнидаги аёл керншиди-да, ерга тиралиб, ғужанак бўлганди, худди тертга ўхшаб қолди, кейин қаддини ростлаб, ўрнидан турди. Бу сонидан у сонигача ораси шунақаям катта эдики, вой-вой, чўмилганда кийиладиган кийимни нақ ёрилиб кетай-ёрилиб кетай деяётганди. Гарчи у мулойимлик билан, оғир қадам ташлаб, аллақачон улар томонга келаётганига қарамай, ҳали бу унинг тўла-тўкис сумбати эмасдек, у қиёфасини яна ўзгартириши керакдек туюларди. Аёл улар томонга харсангтош устидан юриб келаётганди, силлиқ харсангтош эса унинг ҳаддан ташқари хомсемиз гавдаси оғирлигига парво қилмасди. Қизгнш-қора капалак харсангтош-

га қўниб, қанотларини билинар-билинемас силкитди-да, унинг оёғи таггинасидан учиб кетди. Худди болага қасд-ма-қасдликка қилингандек, аёлнинг сони жудаям йўғон эди, сонидан сонигача таърифи йўқ даражада кенг эди, айниқса унинг сонлари бирлашиб, боланинг нақ башараси олдида пайдо бўлганию қорни силкина бошлагани ҳаддан ташқари ҳақоратли туюлди. У боланинг бошидан силлади, боланинг башараси эса унинг сони рўпарасида эди, мана, мана шу ҳаммасидан ҳам ўлгудек ҳақоратли эди. Аёл ўтириб, бир оёғини узатар экан: «Нима гап?»— деб сўради,— шундан кейингина бола нафасини ростлаб олди.

— Малинадан ол, меҳмон бўл,— деди қизча.

— Сен териб келдингми буни?— боладан сўради аёл.

Унинг нақ қизлар эғнидагига ўхшаш қип-қизил сийнабанд тақиб олгани ҳам жуда ёмон эди.

— Қаердан тердинг?— аёл шундай деганча, қорни билан ерга ётган эди, янада ялпайиб кетди, унинг ёғинасида эса, худди ухлаётиб, мийиғида кулаётган — болани мафтун қилган қиз кўксини ерга бериб ётарди.

— Гижжанг борми?— деди аёл тошга қулайроқ ўрнашиб олар экан, бироқ бола «гижжанг борми?» деб унинг ўзидан сўраётганини дабдурустдан англаб етмади. Ахир унинг кўзларини қора кўзойнак яшириб турар, лаблари эса кулмасди-да, бола шоша-пиша назарини олиб қочди.— Нимага унда афтингни буриштирялсан,— деди яна аёл,— ё бирор нарсадан норозимсан? Нимага бунақанги нохушсан?

— Хўш?— деди аёл.— Жуда яхши малина экан-ку, нимага сен хафасан?

«Хафа эмасман»,— деди бола.

— Ия, тилдан қолганмисан?— деди яна аёл.— А? Нечанчи синфга ўтдинг?

«Олтинчи»,— деди бола.

— Тўртинчигами, бешинчигами?— сўради аёл.— Ё мактабда ўқимайсанми?

— Олтинчи,— деди бола.

— Олтинчи. Олтинчига ўтдим, демоқчисан-да,— аёл шундай деб, думбасини селкиллатганча, тошга янада қулайроқ жойлашиб олди.— Сара малинадан терибсан, баракалла, лекин, ҳар ҳолда айт-чи, нимадан норозимсан?

— «Йўғ-э»,— деди бола, аёл эса қорнини ерга босиб ётар, улар — граб орқасига яшириниб олган Саакнинг

Ўгли ҳам, ановиниси ҳам... улар аёлнинг яланғоч орқасини кўришаётганди, уни бутунлай яланғоч ҳолда кўришаётганди. Бола уларнинг назарини туйди, бироқ аёлнинг орқасида уларнинг кўзлари билан тўқнашадиган кўзлари йўқ эди, кўзи бўлганда уларга шунақанги бир қарардики... йўқ, бу аёлнинг орқаси бутунлай яланғоч ва ҳимоясиз эди, бола эса унга — орқангни беркит, яхшиси, ўтириб ол, деб айтолмади,— аёл малинадан ер ва жарликдаги болалар унинг яланғоч орқасидан кўз узишмаётгани-ю, бундан бола ўзини аёл кишидек, яна яланғоч аёлдек ҳис қила бошлаганини пайқамасди. Бола терга ботиб кетди.

— Демак, олтинчида ўқийсан,— деди аёл.— Нимага бунақа ориқсан?

«Ориқмасман»,— деди бола.

— Нима дединг?— деди аёл, унинг плавкаси қизил ва ингичка, худди қизлар кийиб олган плавкадек қизил ва ингичка эди.— Нима деб ўйлайсан, мактабингизга ўқитувчи бўлиб борсам арзийманми?

— Ийя-а!— ажабланди бола.

— Буни қара-я, сенга ёқмади-ку бу,— деди аёл билинар-билинмас кулимсираганча.— Нима қилдик энди, а, ўртоқ Григорян мени таклиф қиляпти, сен эса, кўришиб турибди, рози эмассан?

Қизлар жилмайишди, бу жилмайиш остида, шубҳасиз, қандайдир истеҳзо яширинганди.

— А?— билинар-билинмас кулимсиради аёл.— Рубеннинг фамилияси ахир Григорян эмасми?

— Ўртоқ Григорян — бизнинг директоримиз,— деди бола.

— Ҳа, директор,— жилмайди аёл.— Ўртоқ Григорян таклиф қиляпти, сен эсанг «ий-я-а» деяпсан, нима қилдик энди?

Қизлар кулиб юборишди, боланинг шими эса тўпиғигача ҳам тушмасди, пичоғи осилиб турмаган, оёқлари орасида қимирламаётган бўлса-да, боланинг намиқиб кетган қўлида маҳкам қисилганди, чунки чўнтаги йўқ эди-да унинг.

— А?— жилмайди аёл.— Нима учун ўртоқ Григорян рози-ю, сен рози эмассан?

— Ўртоқ Григоряннинг ўгли ўлган,— деди бола.

— Ҳа, ўлган.— деди аёл.— Бир йил муқаддам ўлган. Энди эса, ўртоқ Григорян мени мактабингизга ўқитувчиликка таклиф қиляпти, лекин ҳали сен рози эмаслигингни билмайди. Нимага сен рози эмассан?

— А?— қайта сўради аёл, бола нафасини ичига ютганча, нима деб жавоб беришини билмас, қизлар ҳам унга ёрдамга кела қолишмасди — улар болани якка ўзини болакайлигича қолдириб, ўзлари қизлигининг янги нозик либосига бурканиб олиб, унга шу либосдан қараб туришарди — улар мана бу хотин билан биргаликда унга хиёнат қилншаётганди.

— Демак, нега рози эмаслигининг айтишни хохламайсан,— деди аёл.— Майли, айтмай қўя қол, лекин дарс вақтидаям худди шунақа жавоб берадиган бўлсанг, биллиб қўй, икки қўяман.

Онасининг овози эшитилди. Онасини овози унга жаранглаб, қаттиқ эшитилди. Онаси отда ўтирганча, завқланиб кулиб, уни чақираётганди:

— Кетдик, оппоғим, орзу-умидим... кетдик, аканг сени станцияда кутиб турибди, юра қол энди, бўлмаса кечга қоламиз, сен то журналисткани битирмагунингча, барибир улар қизини сенга беришмайди, онанг қоқиндиқ, челагининг ол, кетдик.

Бола отнинг кетидан борарди. Челак, дарвоқе, челак унинг қўлида эди. Бола уларнинг қараб туришганини сезиб, бир парча — ориқ кетини ичига тортганча борар, орқаси хўл, жиққа хўл бўлиб кетганди.

Онасининг овози фақат узоқдангина шунақанги тетик эди. Онасининг бўйни шишиди, шишиб кетди, кейин аста-секин ўз ҳолига қайтди. Гап-сўзлари жарликда қолганларга эшитилмайдиган жойга боришгач, бўғиқ овозда: «Ум-м-м»,— деган эди, бўйни яна шишиб кетди. Бироқ бу гал у Егишни қаргаб, алаmidан чиқмади, бунинг учун бола ундан миинатдор бўлди. Онаси юпангандек эди. Бироқ...— Кўзларим оқиб тушгани яхшимасмиди,— деди у бирдан кўзига ёш олиб.— Оёқ-яланг бўлсанг, шиминг калта бўлса, ҳа нимага энди сени калака қилишлари учун уларга рўпара қилдим, ҳа бундан кўра кўзларим оқиб тушгани яхшимасмиди.

— Ҳеч қиси йўқ,— шивирлади бола. Онасининг бўйни яна шишиб чиқди.— Ҳеч қиси йўқ,— шивирлади бола.— Ҳеч қиси йўқ, бошқа гал...

Тепаликда, йўл айрилиб кетадиган жойда от тўхтади. Жарликда ёқимли ва бўғиқ овозда кулишди, шунда бола бирдан мана шу жарликни, тошда ётганча оғир ва ўзини койитмай ағдарилаётган баҳайбат хотинни, қўлини орқасига қилиб дев холага малина отган қизни, унинг опаси — мийиғида кулиб, қўлини

оғзига худди ўнгида эмас, тушида олиб бораётгандек кўринган қизни қўмсай бошлаганини сезиб қолди. . Сойинчдан ва уларни кўриш учун орқасига ўгирилиб қаролмаслигидан юраги эзилди. Бола амакисининг ўйига олиб борувчи сўқмоққа қадам қўйди.

— Йўқ, у ёққа бормайсан,— деди онаси,— кечга қоласан, ўзи шундоғам кечга қолдинг.

Бола бўйсунмоқчи эмасди-ю, аммо ўйлаб кўриб, бўйсунди.

Григорянининг уйдан сал бериоқда жарликдаги граб кўриниб турарди. Жарлик сукут сақларди, у ерда ҳеч нарса юз бермаётгандек туюларди, лекин бола анови икки ўспирин ҳозир ҳам баҳайбат аёлга қараб турганини биларди, уларнинг кўз қарашларини ҳатто шу ерда туриб ҳам ҳис қилаётганди, эҳтимол аёлнинг ўзини буни фаҳмлагандир, унда нимага ўшанда дамнини чиқармасдан қулди, нимага жарлик миқ этмади?

Отининг дупур-дупурига Григорянининг ити югуриб чиқди-да, вовулламасдан отга ташланди, Григорянининг ўзи эса айвондаги курсида ўтирганча газета ўқиётганди. У дамнини чиқармай, газета тепасидан болага қаради, онасининг ўзсиз бош силкиб саломлашигига сукут билан алик олди, кейин она-бола чурқ этмасдан унинг уйи ёнидан ўтиб кетишди. Григорян офтобда ётган анови сондан хабардор эди, болалар ҳозир ўшанга тикилиб қарашаётгани-ю, аёл ҳам уларнинг назарларини сезиб, қизиган харсангтошда ётганча овозини чиқармай кулаётганини биларди, боланинг ҳаммадан яшириниб малиназорда бўлганини-ю, ҳозир станцияга жўнаши кераклигини ҳам, онасининг оёғига бармоқ ботирилса чуқурча ҳосил бўлиши-ю, у узоқ вақтгача битиб кетмаслигини, шу билан бирга, ғилай Егишнинг хотини ақлга сиғмайдиган даражада, тағин ўлмайдиган болаларни қаторлаштириб туғаверьзини ҳам биларди, унинг ўғли, кўзининг нури бўлса... Шундан сўнг бола билан Григорянининг бир-бирларини кўришга кўзлари, отишга ўқлари қолмади, агар ҳозир Григорян билан бола ёқалашиб кетса, бояқини онаси муштлашини нимадан бошланганини билолмай қолаверарди... Буларнинг ҳаммаси гирдобга ўшар, боланинг бошида ғувуллаб, унга тинчлик бермасди...

Чий девор тугади.

Сойининг чулдираши кучайиб, қўшиққа айланди, тўсатдан эшитилмай қолди, яна кучайиб — тинди, кейин зуқ-юлуқ эшитилиб турди-да, жимжитликка қоришиб,

бутунлай йўқ бўлиб кетди. Кичкинагина яланглик индамасди, ундаги яккаю ягона нок дарахти ҳам сукутда эди. Агар бола вояга етгунича бу ерга уй қуришни ҳеч ким фаҳмлаб етмаса... Ҳозирча бу ерга почтальон отини боғлар, от эса кеча-кундуз қаққайиб, азоб чекарди. Тепаликда ўтирган болакай ўзича нималарнидир минғирлаб, у ёқдан-буёққа тебранарди. Атроф жимжит эди, болакайнинг бошини фақат қуёшгина қиздираётганга ўхшарди. Кейин мана шу жимжитликда бирдан — бу шу даражада кутилмаганда юз бердики, эсанкираб қолиш ҳеч гапмасди,— сув сепилгандек жимжитликда бирдан: «Нок дарахти, менинг нок дарахтим!..» — деган қулоқни тешиб юборгудек чинқириқ эшитилди-ю, яна тўсатдан узилиб қолди, бунинг учун ҳам ақлдан озиш, эсанкираш ҳеч гапмасди. Кейин яна сукунат чўкди, болакай эса тепаликда ўтирганча, пишиллаб, уёқдан-буёққа тебрана бошлади.

— Араик, Араиккинам,— минғирлади она.

Яланглик, демак болакайга ҳам ёқмаётган экан-да. Агар қўшиқнинг давомини — «суғорарман ҳозир сени, нок дарахти»ни унинг эсига туширилса, балки у ўзи нима деяётганини фаҳмлар, шу ерда уйлари бўлишини хоҳлаётганини, шу ерда яшашни хоҳлаётганини тушунар... Бироқ болакай ҳозир сукунат қўйнидаги тепаликда ўтирганди, кейин у яна кутилмаганда бақиршга тушди: «Нок дарахти, менинг нок дарахтим...»

Бунга жавобан она ҳам нимадир деди, чамаси, «Араиким, инженерим, учувчим, агрономим, журналистим» деб минғирлади.

— Ойи,— шивирлади бола.— Ойижоним, меҳрибоним...

Болакай уларни кўриб қолди.

— Вой,— хурсанд бўлиб кетди у.— Ойим келяптилар! Ойим билан акам келяпти. Ойим, акам билан от келяпти. Малинадан бер,— деди болакай.— Берасанми?— У акасига қўлини чўзган жойида отга мингиси келиб қолди, лекин отга ҳам минмади: отниям, малинаниям шу заҳотиёқ эсдан чиқариб, тагин ерга ўтириб олди-да, пишиллаб, ўз ғуссасига берилганича у ёқдан-буёққа тебрана бошлади.— Е,— шивирлади бола.— Малинадан е.— Бироқ болакай унинг гапини эшитмади, у кўзини ғилай қилганча, булутларнинг жойини ўзгартиришу ташналикдан қийналаётган қўй подаси, турк чўпони тўғрисида, қабристондаги суякларнинг нурланиб кўринишию оқшомлари тўсатдан босадиган ваҳима тўғ-



рисиди, яна яланглик четидаги ёлғиз нок дарахти нималар ҳақида ўйлаётгани тўғрисида хаёл сураётганди.

— Шу етмаганди,— бўғилиб кетди бола.

— Уйга бор!— деб бақирди кейин у болакайга.— Зах ерда ўтирма, тур ўрнингдан... Қалтаклайман бўлма-са!— Унинг ўзи билан болакай орасида ётган тупроқ йўл узра ҳам, тепаликда ҳам иссиқ, дим ҳаво ҳукмрон эди, болакай эса қуёшнинг титраётган нурлари ўртасида ўтирганча, ўзича минғирлаб, тебранарди... Буларнинг ҳаммаси — боланинг ўзи, болакай, йўлу ҳавою дарахт— ҳамма-ҳаммасининг мавжудлиги алоҳида, мустақил эди, шунинг учун бола болакайни урмаслиги лозим эди.— Ўзинг биласан,— деди бола,— фақат кейин қорним оғрияпти деб, «вой-вой»лаб юрма.

Болакай жавоб қайтармади. У кўзини бақрайтирганча, ҳозир саҳродаги чўпонни, бир қултум сувга ташна қўйлар бир-бирларидаги намликни, ҳатто намликни эмас, бир-бирларининг юнглари ялаб-юлқийётганини, юнгни тўғридан-тўғри еяётганини тасаввур қиляпти, деб фаҳмлаш мумкин эди.— Тентак,— деди бола.— Эси паст.— Кейин нок дарахти тўғрисидаги қичқириқ яна қайта эшитилишидан аввал, ҳамма нарсани ўзининг тапир-тупири остида қолдириб, тепаликдан чопганча гушиб кетди.

Жарликдаги булоқ бошида совуқ сувдан қўллари кўкариб кетган синглиси турарди. Катта, ҳалпиллаган, яна хунук кўк рангдаги иштон кийиб олганди у. Синглисининг қўллари кўкариб кетганди, бироқ онаси ҳеч нарса демади, қараб қўйди, холос, қарадими, қарамадими — ишқилиб ҳеч нарса демай олдинга ўтиб кетаверди.

— Кир юваяпман,— хабарлади синглиси.

— Кир юваяпсан. Бурунни артиш керакми ё йўқми?

— Бурунни?— Синглиси кулиб юборди-да, қўлини бурнига ишқаб, мишигини бутун юзига чаплади, кейин гўё чиройли бўлиб кетгандек, лабини чўччайтириб, қошларини кериб, киприкларини жуфтлади.

— Оббо ҳурилиқо-эй!— деди бола.

Синглиси кўзини очмай, киприкларини жуфтлаганча, белини қимирлатганди — кўчада у ёқдан-бу ёққа ўтаётган шаҳарлик гўзал қизларнинг баайни ўзгинаси бўлди-қўйди. Унинг ғайритабиий қилиқ ва ҳаракатлари бола бор пайтдагина учига чиқарди, у оиласидаги ҳам-

ма акаларидан уни алоҳида ажратиб, яхши кўрарди, кўйлагидаги комсомол значогини ҳам, турган гапки, унинг ўзи тақиб қўйганди. Бола синглиси қочиб кетмаслиги учун уни бир қўли билан ушлаб, иккинчи қўли билан бошини жомашов устига энгаштирди-да, юзини ювди, бурнини артди. Меҳр қўйгану бироқ таҳқирланган хурилиқо лабларини қимтиганича, писмиқлик билан акасига қаради. Тўғри, бола нимакин қилса, қўполлик билан қилди, бироқ бўлар иш бўлганди.

— Йиғла, йиғлай оласанми? — деди бола.

Синглиси унга ишдамай қараб тураверди.

— Мартишка, — деди бола.

Синглиси барибир унинг хафа қилишига ишонмасди.

— Ана энди ҳақиқий хурилиқога айландинг, — деди бола.

Синглиси ишонқирамай жилмайди-да, ерга қаради.

— Хоҳлайсанми бориб, ҳамма маллани сенга саралаб териб бераман, — деб қичқирди у акасининг орқасидан.

— Керакмас...

Мишмишларга қараганда, Одессада кўзни даволашармиш. Операция йўли билан кўзни тузатишармиш. Лекин синглисини Одессага ким олиб боради? Егишми? Онасими? Бир умр шу аҳволда қолади у энди. У бировни яхши кўриб қолади-ю, ўзи билан ўзи олишиб юраверади. Кейин у яхши кўрган йигити унинг дугонасига уйланади. Уларнинг тўй куни эса у уйга қамалиб олиб, тўйдан эшитилаётган овозларга қулоқ солади, бўйин томирлари бўртиб чиқади. Унинг айнан ўйнаб-куладиган чоғида бошқаларнинг тўйи бўлиб ўтади, унинг-чи — унга ким ҳам уйланарди, шу ҳолда у кимгаям керак? Хушрўй йигитларга сулув қизлар ёқади, ана шу офатижонларга уйланишадди, уни эса ким ҳам хотинликка оларди? Бояқишга, ғилай Егининг наслига ким ҳам уйланарди? Борди-ю, ҳар ҳолда турмушга чиқса, унинг тўйи қишлоқда хурсандчилик эмас, балки кулгига баҳона бўлади. Қишлоқ аҳли уларнинг бутун ғилай авлоди устидан кулиб, вақтичоғлик қила бошлайди, синглиси эса бу пайтда титраб-қақшаб тупугини ютинади, бўйин томирлари бўртиб чиқади...

— Сенга нима бўлди, эшитмаясанми, чақалоқ йиғлаяпти-ку, бутунлай бўғилиб ўлсин, деясанми? — пишллаб деди бола.

— Малнна тердингми? — отда ўтирганча сўради укаси.

— Бўлмасам-чи, сенга — маршалга териб келдим, отдан туш!

— Сенинг отингмас,— деди маршал.

— Чақалоқ у ёқда йиглаб ётибди-ю, бу бўлса от устига чиқиб олиб, тентакка ўхшаб ишшайди-я.

— Хонқизини топиб бер, деяпти, қаердан топиб бераман уни, нима ўзимни хонқизи қилиб берайми,— деди маршал от устидан.

Қўлида тош ушлаганча, олма дарахти тагида турган сепкилдор укалари уларнинг тортишувига қулоқ солаётгандек эди. Тортишувга қулоқ солиб, устида биттаям олмаси йўқ,— дарвоқе, барглар остида яширниб қолган биронта олма бўлиши мумкин,— дарахтни мўлжалга олаётганди.

— Мен роса тикилиб қараганман, биттаям олма йўқ,— деди маршал от устида ўтирганча.

Сепкилдор олма тагидан:

— Биттаям олма йўқ...— деб такрорлади-ю, қўлидаги тошни дарахтга қараб улоқтирди.

— Гилайлар... гилайлар қарашибди, қарашибди-да... Отдан туш деяпман сенга...

— Жанжаллашманглар,— онасининг овози эшитилди, бироқ унинг ўзи қаердалиги кўринмасди.

— Уйда чақалоқ йиглаб ётибди-ю, бу кишим отда керилиб ўтирибди.

— Ҳеч нима қилмайди, йиглаб-йиглаб овуниб қолади ўзи,— онасининг овози ертўладан эшитилди.

Бошига онасининг рўмоли тағиб қўйилган чақалоқ — энг кичкина укаси ўрни устида ўтирарди. Пешонаси нам, кўзининг оқи ялтираётган гўдак ҳарсиллаганча тез-тез нафас оларди. Унинг калта ва занф нафаси иссиқ, кўйлагининг орқаси эса тердан жиққа ҳўл бўлиб кетганди.

— Хонқизи-и,— деди гўдак.

— Сенга-чи, мен малина олиб келдим,— деди бола.— Ҳозир орқангни яхшилаб ўраймиз-да, малина еймиз, бўптими?

— Хонқизи-и,— талаб қилди гўдак яна.

— Малина еймиз-да, кейин сенга ўзим қўнғизча топиб бераман, бўптими?

— Хонқизи-и,— такрорлади гўдак. Ҳарсиллаб нафаслиши уни бўғиб қўяётганди. Унинг кичкинагина қалби, нам пешонасню сая-пал оғриқ — ҳаммаси ҳам бо-лани...

Бола бармоқлари учи билан гўдакнинг рўмоли четидан чиқиб турган сочларини тузатди-да, пешонасидан ўнди. Пешонача муздек ва нам эди.

— Хонқизи ҳозир йўқ.

Бошқа болакай, гўдакдан каттаси кат остидан туриб боланинг сўзларини такрорлади:

— Хонқизи йўқ...

У кат остида узала тушиб ётганча, расм солаётганди. У тилини чиқариб, ўлиб-тирилиб қоғозга қандайдир чиқиқлар чизарди. Ўрин устида ўтирган гўдакка нисбатан униси — кат остидагиси бесўнақайга ўхшарди, лекин у ҳам кичкина, ўринда ўтирган мана бу гўдакдек, ўзига хос бир гўдак эди.

— Нима қиялсан у ерда?— сўради бола.— Қани, буёққа чиқ-чи!

У лоақал бошини кўтармади, жавоб ҳам бермади — расм солишга бутунлай берилиб кетганди-да.

— Хонқизи йўқ,— яна такрорлади у ётган жойида.

Бола гўдакни одеялга ўраб, кўтариб олди-да, ҳовлига чиқди. Одеял ичидан қўлини суғуриб олган гўдак боланинг қучоғидан қутулиш учун интиларди, калта-калта ва ҳарсиллаб нафас олиб, одеялу боланинг қучоғидан қутулиш учун интиларди. Гўдак қуёш, нок дарахти, қалдирғоч ҳамда шабадани «па!..» деди. Отда ўтирган маршал эса лаб-лунжини осилтириб, қўлини олдинга узатди-да, қотиб қолди, турган гапки, у ҳозир ўзини лашкарбоши деб тасаввур қилаётганди, сепкилдор яна олмани нишонга олди — қўлидаги тошни кўзига яқинлаштирди, кейин уни отиш учун қўлини секин, жудаям секинлик билан орқасига олиб бора бошлади... Отни кўриб қолган гўдак, аввалига, худди кучук боладек ингиллади, кейин шубҳаланди шекилли, бир болага, бир отга қаради.

— Бу дзи,— деди бола,— от.

Худди шу пайт қалдирғоч вижирлаб сайраб юборди, от думини силкитди, тош олма дарахти баргларини шитирлатди, гўдак эса:

— Дзи,— деб такрорлади.

— Шундай, дзи,— деди бола.

От думини яна силкитди, бироқ қалдирғоч бошқа вижирлаб сайрамади, гўдак болага саволомуз қаради.

— Йўқ,— деди бола,— сайраган қалдирғоч. Бу эса дзи.

— Дзи,— деди гўдак.

— Аҳа, энди «дзи» дейишни ўрганамиз,— деди бола,— хонқизи бўлса йўқ.

— Хонқизи-и,— эсига тушиб қолиб деди гўдак.

— Хонқизи йўқ,— деди яна бола. — Ҳозир сени дзига ўтказаман, бўптими, кейин станцияга олиб бораман, у ерда поезд гудок чалади — гу-у-у... Кейин акамизни уйга олиб келамиз, ҳаммамиз дзига ўтирамиз-да, келамиз бўптими?

Санаб ўтилган ҳамма нарсанинг ичида гўдак кутган хонқизи йўқ эди:

— Хонқизи-и.

Олма тагидаги сепкилдор тошни кўзига яқинлаштириб, қўлини секингина ёнига чўзди, бироқ уни отмасдан, яна кўзига яқинлаштирди...

У нимани шунчалик диққат билан мўлжалга олаётганини бола ҳечам тушуна олмади, негаки олма дарахтада фақат япроқларгина бор эди-да. Бола синчиклаб қараганди, шох учидаги учта баргдан бири олмага ўхшайди, лекин улар бор-йўғи учтагина барг эди. Бола уларнинг учаласиям барг, деб кўнглидан ўтказаетганди, яна улардан бири олмадек туюлди, бироқ у ҳам барг эди.

— Барибир олма йўқ,— деди бола.— Дарахтни ўз ҳолига қўй.

— Сенинг ўзинг йўқсан,— сепкилдор шундай деди-да, қўлидаги тошни мўлжалига қараб отди.— Бор, шимимни ечиб қўй.

...Боғ ҳам шип-шийдон эди — сабзи экилган жойда энди тақир ернинг ўзигина кўриниб турарди,— ғилайваччалар ҳеч вақони қолдиришмаганди, бодиринг пайкалларида эса биттаям бодиринг кўринмас — фақат кўм-кўк навдаларгина кўзга ташланарди, бола кечами, бугунми очилган яккаю ягона гулга қараган эдики, сепкилдор олма тагидан: бодиринг йўқ, бор-йўғи битта сарғиш гул бор, барибир уям бодиринг бўлишга улгуролмайди, деб қолди.

Бола гўдакни нок тагига ўтқазиб, ўзи тиззаллади-да, оёғи остига тикилиб қарай бошлади. Пастаккина ўт пояларининг қарсиллаб синиб тушиши унга ёқаётганди.

— Калтаклайман сени,— деди бола ерга ағанаб, калта-калта ва ҳарсиллаб нафас олганича, қўлчалари билан ўтларни ғижимлай бошлаган гўдакка.— Тилворса, қўлинг қонаб кетади.— Ўт тагигача қиртишлаб ўриб олинганди. Отаси шунақанги озғин, шунақанги қилтириқки, «пуф» деса, нақ учиб кетадиганга ўхшайди, лекин аслида ўзи жудаям бақувват, эгилиб олиб, бир ўришга

тушса борми, нақ ерни ҳам қийратворади. Унинг тикан-дек соқолиям худди мана шу ўрилган қуруқ ўтдек қаттиқ.. Болаларни жуда яхши кўради, тиззасида олиб ўтиради уларни, ана ўшанда отасидан фақат теру ўт ҳиди келади, отаси чўнтагига қўлини тикқанида, болалар, ҳозир бизга конфет беради, деб қараб туришади, у эса қўлини дарров чиқара қолмайди — чунки чўнтагидан чиқариб берадиган ҳеч вақоси йўқ-да, бўлсаям бор-йўғи хас-чўплару чалғи учун қайроқ бор. Бунақанги пайтларда отаси уялиб кетади, лекин магазин ёпиқ экан, деб айтмайди,— у чўнтагидаги хасчўпларни қоқади-да, қайроқни чалғи ёнига олиб бориб қўйишлари учун чўнтагини кавлаган бўлиб чиқади. Кейин отаси кафтининг орқаси билан тиззасидан бояги хас-чўпларни қоқиб тушириб, тиззасига гурсиллатиб бир уради-да, «нима еймиз?» деёлмай, худди гапини чала қолдиргандек ютиниб қўяди, лекин энди бу дақиқа оғир кечмасди, чунки «нима еймиз?» демасдан, овқат ташвишини ичига ютиб кетса бўлаверарди. Энг оғир дақиқа, бу — отаси қўлини чўнтагига тикқан ва болалар унинг конфет беришини кутган лаҳза. Лекин бу билан осмон узилиб ерга тушмасди,—хонадаги чироқ бояги-бояги осойишта ёнар, болалар кўзларини пирпиратишар, оталари эса миқ этмасди... Ҳеч қандай воқеа юз бермасди...

Қаердандир паст ва ёқимли кулги овози эшитилди, боланинг бурнига сой иси урилди. У дарахтлар орасидан қизил доғга синчиклаб разм солди, яна қаердандир ёқимли кулги жаранглади.

— Хонқизи йўқ,— деди бола.— Уйга кетдик.

Гўдак муштини маҳкам қисганча, болага интилди.

— Сенга-чи, хонқизини станциядан олиб келаман,— деди бола. Бу гап — мана шу қисқа-қисқа нафас олиш, мана шу жажжи қўлчалар, мана шу жикқа ҳўл пешонача-ю, гўдакнинг қушдай енгиллиги олдида шунақанги қўпол, шунақанги чидаб бўлмас даражада ёлғон эдики.

— Аслини олганда, хонқизи йўқ,— деб қўйди бола.— Бунақанги пайтда улар бўлмайди.

Онаси ертўладан чиқиб, паришон ва ҳамма нарсага лоқайд ҳолда офтобда туриб қолди. Бир қўлида қутича кўтариб, иккинчи қўли билан пешбанди этагини ушлаб олган онаси болага қарарди-ю, аммо уни кўрмаётганга ўкшарди.— Нима?— деди онаси. Маршал от устидан сўради:

— Этагингдаги нима?

— Нима?— деди яна онаси.

— Этагингдаги нима, менга бер,— деди маршал от-  
да ўтирганча.

Онаси уйга кириб кетди, унга эргашиб бола ҳам кир-  
ди. Жимитни ўрин устига ётқизиб, одеял билан ўраб  
қўйди, кейин ўзи катга кетини қўйди. Букчайиб ўтириб  
олди. Онаси унинг оёқлари остида чўққайди. Мана шу—  
уларнинг уйи эди. Хув анови девордаги — Грантнинг  
бокс тушаётган пайтидаги расми, мана бу гиламдаги —  
уларнинг товуслари, бу эса оналари, оналари қутичадан  
ботинкани олиб, қўлида айлантирганча, ёрлиғига қара-  
япти,— мана бу уларнинг энг жажжи укаси, у пишиллаб  
нафас оляпти, нафас олиши андак яхши эмас. Гўдак  
қўлидан қора холлари бор хонқизи ўрмалагудек бўлса  
борми, уни ҳамиша кўриб туриш учун қўлчасини ҳадсб  
айлантираверади, кўчада эса, от устида маршал ўтириб-  
ди. Булоқ бошида сингилчаси уймалаяпти, нокнинг таги-  
даги яна бир укаси булутларнинг ўрнини алмаштириш  
тўғрисида бош қотиряпти.

— Қишга эди-ку бу,— деди бола.

— Кийиб ол,— деди онаси.

Оёғига ботинка лоппа-лойиқ келган бола сой чекка-  
сидаги силлиқ хасрангтошни эслади.

— Қўйинг шуни,— деди бола.— Олиб қўя қолайлик,  
қишда киярмиз.

Онаси ипини тақиб, ботинкани силаб қўйди. Кейин  
яна силаб, ботинкага тикилди. Бундан бошқа ботинка  
йўқ эди.

— Ҳамма одамларам кийиниб юрибди,— деди она-  
си.— Қани, буёққа бер-чи,— шундай деб, онаси эгилган-  
ча, кат остига қаради. Шундагина бола тагидаги укаси-  
ни эслади — онасининг қўллари уни кат тагидан тортиб  
чиқарди.

— Ци,— пичирлади укаси.— Ци-е-бо, цебо.

— Цебо,— деди бола.

— Цебо.— кўзларини пирпиратди укаси.— Цебо —  
нима дегани?

— Билмайман,— деди бола.

— Мана бу тиллами?— сўради укаси.— Ҳарфлари  
тилла билан ёзилганми?

— Йўқ,— деди бола.— Бу бронза, бронза бўёқ.

— Бронза,— деди укаси.— Бронза — бу тилламас-  
ми?

— Йўқ,— деди бола.— Бронза — бу бронза.

— Бронза — бу бронза, яна озгина олтин ҳам, а?—  
сўради укаси.

— Йўқ,— деди бола.— Олтин — бу олтин, бронза эса — бронза.

— Э-э-э,— укаси янглишиб кетди.— Унда олтин нима?

Онасининг қўллари шишиб кетган бўлиб, ён бармоғидаги узуги кўзга деярли ташланмасди.

— Олтин — бу ойимланинг узуклари,— бола шундай дейиши билан укаси онасининг қўлини кўтариб, айлантириб, тепадан пастгача қараб чиқди, бармоқлари орасини кериб, терига ботиб кетган узугини қимирлатиб кўрди — у аллақачон ўзиники қилиб олган онасининг қўлини ҳар томонлама синчиклаб кўриб бўлгач, онасининг тиззасига қайта қўяр экан:

— Тилла яхшими, бронзами?— деди.

— Тилла,— деди бола.

— Тўппа-тўғри, тилла яхши. Нимага унда тилла ҳарфлар билан ёзилмаган бу?

— Билмайман,— деди бола.

— Цебо дегани нима?

— Цебо — исм, пойабзал фабрикасининг номи,— деди бола.

— Жуда тўғри,— деди укаси.— Ия, фабриканиам номи бўладими?

— Бўлади,— деди бола.

— Қанақасига?

— Шунақасига.

Укаси полга ётиб олиб, онаси ипини боғлаётган ботинканинг таг чармига қарай бошлади: «Ци... ци... е...», онаси эса ипни боғлаб бўлгач дағал бармоқлари билан ботинканинг юзини силади, кейин яна силади.

— Фабрика дегани нима дегани?— сўради укаси.

— Кўп одамлар ишлайдиган жойни айтилади.

— Бунини ўзим ҳам биламан,— деди укаси.

— Билсанг, нимага сўраяпсан?

Укаси оғзини очди-ю, бироқ тушунтириброқ айтиш учун ўзини қийнаётган керакли сўзни тополмади, ўрин устида ўтирган жимит кўзини ғилай қилиб, бронза ҳалли этикеткага қаради-да, «цебо» деб пичирлади... Полда ўтирган онаси мудраётганга ўхшаб кўринарди.

— Ерда ётмай турсанг-чи ўрнингдан,— деди бола укасига.— Ўзи сенга нима керак, тушунмаяпман.

— Айтмайман,— укаси шундай дея, онасининг оёғига таяниб ўрнидан турган эдики, қўлининг изи онасининг оёғида чуқурчага ўхшаб қолди.

— Таянмасдан ўрнингдан туролмайдиган бўлиб қолганмисан,— деди бола.



У янги ботинкани кийиб тикка турган акасининг белдидан келди. Кейин акасини ёмон кўриб кетиб, қовоқтумшуғини осилтирганча ерга қараб олди, бола унинг даҳанидан кўтариб, ўзига қаратди. Укасининг бўйни нимжон, юз териси юпқа, боланинг бармоқлари эса бу чеҳра учун жуда, жудаям дағал эди. Ерга қараганча турган укаси ҳозир болани ёмон кўриб кетаётганди. Бироқ у бор-йўғи белидан келарди-да унинг. Кейин бунақанги кичкина бўлишнинг ўзи одамни таҳқирлайди, бола буни тушунарди, ахир бўйи бор-йўғи акасининг оёғидек келса, оёғидек келса-ю, яна шу оёқ билан бақамти турса таҳқирланади-да, ахир.

— Бўпти,— деди бола.— Олдимда сўррайиб тураверганингдан фойда йўқ.

Она ҳушига келгандек, «уф» тортганди, бу кичкинагина қушчанинг «пир» этиб учиб кетишига ўхшаб кетди, айтмоқчи мишмишларга қараганда, одамнинг жони ҳам худди шунақа қилиб учиб чиқиб кетармиш, худди шунақа қилиб учади-кетади, дейишади. Жон учиб кетади-да, тана эса худди ташлаб кетилган индек, ташлаб кетилиши билан чирий бошлайдиган бўм-бўш қуш индек қолаверади...

Укаси ранж-алам юкини узоқ кўтариб юролмасди, унинг ушоққина гавдаси ҳали бунақанги юкка чидаш берадиган даражада эмасди — у тойчадек ирғиб-ирғишлаб хафагарчилигини унутиб юборди. Кейин бирдан онасига қараб:

— Уф!— деди.— Сендан ниманидир ҳиди келяпти... Ниманинг ҳиди келаётганини мен биламан... Уфнинг!

— Учир овозингни,— деди бола.

Она кулгисини яшириб, сўради:

— Вой, каллаварам-эй, уфнинг нимаси яна?

— У билмайди,— деди укаси.— Мен биламан...

— Кечга қоляпсан,— деди болага онаси.— Юр, куватиб қўяман.

— Гатадан бер,— деди укаси онасига қараб.

Онаси негадир шошилганча уйдан чиқиб кетди. Укаси унинг орқасидан бормоқчи бўлди-ю, жимитнинг битта ўзи уйда қолаётганини кўриб, орқасига қайтди.

— Қачон қараса шунақа қилишади,— деди у.— Ўзларидан гатанинг ҳиди келяпти-ю, яна: «Кечга қоляпсан, юр, кузатиб қўяман».— дейишганига...

— Аҳмоқ,— деди бола.

Укаси жавоб қайтармади, бироқ унинг нима деб жавоб қайтаришни ўйлаётгани кўриниб турарди. У ўзи-

нинг болаларча содда ақли билан ўйлаётганди: «Узинг аҳмоқсан, аҳмоқсан билдингми, яна бир балосан».

— Тентаквой,— деди бола.— Хўтикча.

— Сен бўлсанг цебосан,— деди укаси,— Цебо.

— Станциядан нима олиб келай сенга?— сўради бола.

— ... — овозсиз жавоб берди укаси. Унинг нима демоқчи эканлиги шундоғам тушунарли эди.

— Малинадан е...

— Узинг е,— деди укаси, унинг малинани эмас, бошқа нарсани айтаётгани тушунарли эди. лекин нима қилсин у, акаси бўлгандан кейин уни тутиб олиб уролмаса, шунинг учун катта бўлишу ялангоёқ кичкиналар оядида янгигина ботинка кийиб туриш яхши эмас.

Маршал отда ўтирган жойидаёқ акасининг янги ботинкасини пайқаб пихиллади. «Пах-пах-пах-пах!»— кейин болага кулгили тақлид қилиб, тўрсайиб олди.

— Жимитга битта хонқизиниям топиб беролмабсан,— деди бола унга.— Туш отдан.

— Роса бир соат қидирдим, ҳеч қаерда йўқ.

— Сен хонқизини эмас, дарахтдан олма қидиргансан.

— Ол-а,— деди хафа бўлиб маршал.— Боғ бундоғ боғга ўхшайсайди, гапирсанг.

— Энди сенга боғ ёқмай қолибди-да,— деди бола.— Эҳтимол, сен «Авангард»дан келган мухбирдирсан, ҳали.

Маршал жавоб беришга улгурмади, бироқ бола отни етаклаб, онаси билан анчагина жойга бориб қолганда орқаларидан бақирди:

— Ким янги ботинка кийган бўлса, ўша «Авангард»дан келган мухбир!

Буни эшитиб, онаси кулимсиради. Худди шу пайт синглиси қоринчасини олдинга чиқарганча, хунук кўн трусикда булоқ томондан югургилаб уларнинг ёнига келди, натижада онаси нақ унга қараб кулимсираётгандек бўлиб чиқди. Қизча боланинг қаршисида тўхтаб, нидамасдан қўлини чўзди— унинг кафтида нок бор эди. Бола бу нокни булоқ ёнидан ўтадиган сойда аллақачон кўриб, кўз остига олиб қўйганди. Уни сой юқори-роқдаги боғлардан оқизиб келганди чамаси, бироқ сой суви ифлос эди,— Саакнинг хожатхонаси ёнидан оқиб ўтарди у.

— Сенга беряпти,— деди болага онаси.

Бола нокни олди, синглиси бўлса унга индамай тикилиб тураверди.

— Кейин ейман,— деди бола.

— Кўнгли учун бир тишлам тишлаб қўй, ўз кўзи билан кўрсин,— деди онаси.— Ахир ўзингнинг синглинг-ку.

— Рост-а,— шундай деб бола нокдан тишлади.

— Энди бор,— деди онаси қизчага.— Бориб, қизалоқлик ишингни қилавер.

Бола оғзидагини ютганча, деди:

— Мен ҳаммасини ейман, ҳеч қиси йўқ, биз билан бораверсин, ҳеч бўлмаса сўқмоқнинг охиригача борсин.

— Бор, киригини юв,— деди онаси қизчага.

Синглиси йўлда турганча қолди — унинг қўллари қизариб, юзи кўкариб, гудда-гудда бўлиб кетганди, «Қасал бўлса — ўлиб қолади», — ўйлади бола.

— Шамоллайди,— деди бола.

— Балоям урмайди, қўявер.

Ўти ўриб олинган жойдаги оқланган дарахт таналари орасидан Саакнинг ҳовлисига ейиб қўйилган қизилрангли чўмилиш кийимлари кўзга ташланди-ю, бола сой бўйида ҳўл иштонни ечганда қандай совуқ қотинини аниқ-таниқ кўз олдига келтириб, бир сесканиб олди.

Шу пайт онаси атрофига аланглаб, боланинг қўлига ниманидир тутқизди-да:

— Ол... Ушла, кўриб қолмасларидан ола қолсангчи,— деди.

Онаси бошқа болалар кўриб қолмаслиги учун қўлини пешбандига яшириб, бола билан ёнма-ён юрганча, унга семиз сонини теккизиб, гатани тутқизар ва атрофига аланглаб дерди:

— Тезроқ ола қолсанг-чи...— Гатани у болага укаларидан, ҳатто ўзидан ҳам яшириб бераётганди.

Худди шу пайт қаердандир, Саакнинг уйдан — сойнинг нариги қирғоғидан, тўғрироғи, мушмулла дарахти остидан анови икки ўспирин ёқимли оҳангда сўзларини чўзиб, туркча усулда хиргойи қилиб қолишди:

Сен юрган сўқмоқлардан кўп дайидим мано,

Сен юрган сўқмоқлардан кўп дайидим мано...

Саакнинг эшиги ёнида қизилрангли чўмилиш кийимлари осиб қўйилган ва анови иккови ўзларининг туркча ашулаларини баралла айтаётганидан, дунёда мана шу қўшиғу қизилрангли чўмилиш кийимлари бордек, бутун

теварак-атроф эса сукутдаю кўм-кўкдек, кейин анови аёллар бу икки ўспирин ўзларига хўп тикилганини билладигандек, баҳайбат аёл ҳам улар назарларини ўз орқасидан узмаётганларини сезган ҳолда кулиб, бола билан гаплашгандек туюларди. Онаси тўхтаб, ашулага қулоқ солди, кейин:

— Ким ашула айтяпти, билмайсанми?— деди.

— Ашуламиш,— деди бола.— Туркка ўхшаб, хириллаб, оўзларни чўзяпти-ю, сен бўлсанг «ашула» айтяпти, дейсан.

— Турклар ашулани яхши айтишади,— эътироз билдирди онаси.

Улар катта йўлга чиқишганда, қарши томондан Мариям кўринди. У она-болага пешвоз келар, орқасидан эса қизи — Армуни кўринаётганди. Улар хамирли тоғорани икковлашиб кўтаришиб олишганди. Демак, юқори тарафда кимдир тандирга олов ёққан, Мариям билан Армуни ўша ёққа кетишяпти ҳозир. Амакиси билан Мариям тўғрисидаги анови воқеа албатта ёлғон, рост бўлса нега у ҳеч қанақанги балогоа гирифтор бўлмади. Ана, соғ-саломат Мариям ўзининг Армуниси билан нон ёпгани кетяпти, амакисининг ҳовлисидаги кунгабоқарлар янада ярқираб кўриняпти, амакисининг ўзи эса арава ёнида турганча кўзларини пирпиратяпти, бувиси ҳам ғира-шира хонасидан: «Қирғий...»— деб бақиряпти. Шу пайт мушмула тагидагилар яна қўшиқ бошлашди: «Болдан ширин лабларинг сенинг». Бола қотиб қолди, деярли қотиб қолди, чунки улар, турган гапки, Мариям тўғрисида куйлашаётганди, Армуни бўлса онасининг ёнгинасида кетяпти, ҳаммасини шундоққина эшитиб турибди. «Қадди-қомати сарвигинам...»— дарахт остидагилар яна жим бўлиб қолишди, бола эса оғзида нок билан қўшиқнинг давомини кутди. «Лол қолдирур,— шивирлаб куйлашди дарахт тагидан,— қўш анорларинг...»

Мариям билан Армуни тоғорани бамайлихотир ерга қўйиб, она-болага бамайлихотир қарашди. Улар ҳеч нарса эшитишмаганди, шунинг учун бола анови иккови сўнгги сўзларни шивирлаб айтишганидан ичида миннатдор бўлаётган эди, бироқ, барибир улар ўзларини тутиб туrolмадилар. Қулоқни қоматга келтириб, «Мажну...» деб бақириб юборишди, шунақанги бақирешдики, сўзнинг давомини аниқ эшитилмади, натижада аёллар яна ҳеч нарсага тушунмай қолаверишди, бола эса анови тентакларнинг шу қичқариқлари учун ҳам улардан яна миннатдор бўлди...

Аёллар кўшиқ сўзларига тушунишмади, аммо айвонида газета ўқиб ўтирган Григорян қулоғига кўшиқ сал-пал чалиниши биланоқ қошларини хиёл чимирди-ю, сўзларнинг маъзи-маъзигача тушунди ва бу булбулигўё бўлиб сайраётган албатта Егишнинг маршал ўғли бўлиши керак, деган фикрга келди, борди-ю, деб ўйлади яна Григорян газета саҳифасини очар экан, маршал бўлмасаям, барибир у маршал, чунки улар қуён болалагандек жудаям кўпайиб кетишган, яна ҳеч балоям урмайди уларга, Азроил ҳам, товба, бутун бошли қишлоқда келиб-келиб битта унинг — Григорянининг уйини кўрибди-я.

— Андронинг оти,— деди онаси Мариямга мурожаат қилиб.— Грантим станцияда ўтирибди. Араик олиб келгани кетяпти уни. Андронинг оти бу, ўзимизники йўқ,— деди онаси.

— Энди бора қол,— деди ниҳоят у болага қараб.— Аканг станцияда кўзи тўрт бўлиб ўтирибди сенга. Қани, отга бир минчи, кўрайлик, қанақанги чавандоз экансан. Андронинг оти-я бу.

Андронинг, Андронинг, Андронинг, от кимникилиги билан кимнинг иши бор. Ипидан-игнасигача айтиш шартми... Худди ўзининг ҳамма иши роса қойил мақомдек, топиб олган гапини-чи, Андронинг, Андронинг.

— Бора қол,— деди онаси.— Қани, отни шпор билан бир ниқтачи.

Бола истар-истамас, бироқ бир ирғишда отга миниб олди, афсуски, унинг тагидаги эгар жонсиз эди, от ҳам қандайдир руҳсизга ўхшарди.

— Қани энди менинг ҳам ўғлим бўлса,— деди Мариям.— Ўғил бола бошқача-да.

— Хоҳлайсанми, уни сенга бераман,— деди онаси.

— Бер,— деди Мариям жиддийлик билан.

Онаси бўлса ғалати қилиб кулди-да:

— Ўғил керак бўлса — ўзинг туғвол,— деди.

— Қаёқда энди,— мулойимлик билан жилмайди Мариям.

— Мендан ёш бўлсанг, бақувват бўлсанг,— деди онаси.— Белинг тўла бола бўлса, нега туғмас экансан энди?

— Бошимга тушгани сенинг бошингга тушмасин,— деди Мариям.

— Эри бор, егани олдида, емагани кетида, деб ўйлайсан-да, қаёқда, давлатнинг иши деса жонини беради, бошқаларнинг иши деса жонини беради,— деди онаси,— ўзимизнинг бўлса отимиз йўқ, отини олиш учун Андрога

роса бир соат ялиниб-ёлворибман-а. Бошқаларга икки қўллаб топширади, Егиш ҳам, Андро ҳам бегоналарга нимаикки керак бўлса, ҳаммасини бажо келтиришга тайёр. Сен кетавер,— деди у болага.— Бу ерда сенга пишириб қўйгани йўқ, қани, жўна.

Кетишга-ку кетаверади-я, лекин мана бу қиз — Армуни олдида, лақмалигидан очиқкўнгиллик билан йўлида тўхтаб, мана бу ялангоёқ жувон билан гапга тушиб кетган Мариям олдида отни ҳақикий эркаклардек чоптириб кетишининг иложи йўқ эди, мумкин эмасди...

— Уйга бор,— деди бола онасига.— Итваччанг уйда касал бўлиб ётибди.

Онаси хаёлчанлик билан унга қаради, кейин, кетавер, дегандек қўлини силтаб, яна Мариямга ўгирилди-да:

— Мана шунақа,— деди худди суҳбатни давом эттираётгандек.

— Уйга бор,— такрорлади бола қалтираганича.

Онаси воқеликка қайтиб, бир лаҳзагина ўғлига тикилди, лаблари унсиз пирпиради.. Кейин бирдан:

— Жонингни ҳиқилдоғингга келтириши учун кўнглинг ўғил тусаркан-да!— деди.

— Уйга бор деяпман, сенга!

— Номуссизлар. Номус деган нарса зиғирчаям...— Онасининг лаблари пирпираб кетди.— Ўзларингдан ўзларинг осонликча туғилиб қўя қолгансанлар...

Бола унинг гапини бўлиб:

— Осонликчами, қийинчиликчами — ўзинг туққансан,— деган эди, онаси нима дейшини билмай каловлаиб қолди. Шунда бола онасига ачиниб кетди, Мариямга ҳам ачинди. Уларнинг ёнида миқ этмай турган Армунига ҳам ачинди. Югуриб чиқиб, бутун нотаниш қишлоқни бошига кўтариб, мушмулла тагидагиларга: «Сурбат безорилар!»— деб бақира олмаётган — Саакнинг уйи яқинидаги ёйиб қўйилган қизил трусиклар ёнидаги анови шаҳарликларга ҳам ачинди...Буларнинг ҳаммасига бола айбдор эди, чунки у бўлмаганида, бир этак бола ичида биттаси — яъни унинг ўзи бўлмаганида ҳеч гап йўқ эди, ҳаммаси яхши бўларди... Саакнинг ўғли билан Мартироснинг ўғли гўё ҳеч нарсани билмагандек, «Баҳордаги дала гули»ни ҳуштакда чалиб, дарахт остидан чиқишди, тепаликда тўхташди, кейин қайси биридир иккита бармогини оғзига тикиб, қулоқни тешиб юборгудек қилиб ҳуштак чалди-да, қичқирди: «Ара, қани, отингни бир қамчила-чи!», иккинчиси бўлса бу пайтда бирам чиройли ҳуштак чалиб, нағма қилдики: «Гул, дала гули-ей, қош-

ларинг унақа сенинг, қоматинг бунақа сенинг» — ва ҳоказо, ва ҳоказо, уларнинг ҳуштаклари онасига, Марямга, Армунуига, эҳтимол, ҳатто булоқ бошидаги синглисига ҳам ёгдек ёқиб тушаётгандир...

— Э-э-э! — бола қайғурганча, афтини бурштириб, отга қамчи урди.

Месроп бува Казарян кўпириб кетган отида болага етиб олгач, қариндошлик хусумати билан жирканиб деди:

— Шайтонвачча, Калкарадаёқ сенга кўзим тушганди. Қарасам — Қизилтепада депсиниб турибсан... Мана, қувиб етиб ҳам келдим, сен эсанг ҳалиям шу ердасан... Қани, яхшилаб бир қамчи урчи унга.

— Юрмаётган бўлса нима қилай, — деди бола.

— Юрмаяпти, дейсанми? — Месроп бува байталини қайтариб, боланинг орқа томонига ўтди, байтал боланинг отини турта бошлади, Месроп буванинг ўзи эса унга хивчин туширди: — Қаттиқроқ ушла! — Шундан кейин унинг овози эшитилмай қолди, ўзи ҳам қаердадир орқада қолиб кетди, бироқ лаҳза ўтмай болани қувиб етди, у билан бараварлашиб ўзиб кетаётганда эса, эгилиб, чап қўлидаги қаттиқ ва қўпол хивчин билан Алхони яна туширди. — Тагида от ухлаб қолибди-ю, яна юрмаяпти дейди-я.

Месроп буванинг нимасидир ёқимсиз — байталининг оёғи ингичка ё байталнинг ўзи хомуш, асабийлашган, ёхуд буванинг ўзи отда қийшиқ ўтирганмиди, — хуллас, унинг қиёфасидаги нимадир жойида эмасди. Лекин, буни қараинки, келиб-келиб буванинг кўнглига боланинг ўзи ўтиришмади:

— Тўғри ўтир, хуржунга ўхшаб бир томонга осилмасдан... — Месроп буванинг товушиям занглаган тунука овозига ўхшарди. Хивчинига эса даста ўрнида буғунинг оёқ суякчаси боғлаб қўйилганди.

Байтал Месроп бувадан қутулиб озодликка чиқин учун жон-жаҳди билан интилар, аммо у моҳирлик билан жиловни тутиб борарди, ҳар қалай бувадаги нимадир отга тикандек ботиб, гашини келтираётганди. Юки ҳам болага шубҳали кўринди, бироқ унинг тақимига босиб олган қопи қонга беланмаганди.

— Йўл бўлсин? — сўради Месроп боладаи.

— Кетяпман.

— Шамутгами?

— Станцияга.

— Э-э, бўлмаса Сотгача ҳамроҳ эканмиз-да. Қани, ҳайда отингни.

Бола Алхога пошнасини ниқтади, лекин Алхо бундан ҳафа бўлмаслиги керак, чунки ундан ҳам, боладан ҳам ёши катта одам шундай деб буюрди-да...

— Қани, қани, раҳмдиллик қилма, от ўзига қачон қамчи тушишини билмаслиги керак.— У эгилиб, бола-нинг боши устидан Алхонинг сағрига туширди.— Ичи бўш хуржунмассан-ку, маҳкамроқ ушла. Салахлулик бўйи бир қарич бола ўн минутда Папахкардан Гарна-карга етиб борганди... Унинг қизил кўйлаги Папах-карда кўринди-ю, бир пайт қарасам, Гарнакарга яқин-лашиб қолибди, Будённийнинг ўзи ҳам уни қувиб етол-маган бўларди... Неччага кирдинг?

Бола отга қамчи урди.

— Уша бола сени кўз очиб-юмгунча қувиб етиб, бурда-бурда қилиб ташлаган бўларди, шунақанги ўк-там озарбайжон бола эди...

Бола истар-истамас эътироз билдирди:

— Бурда-бурда қила олмасди.

— Хўш, раҳми келармиди сенга?

— Нимага энди раҳми келаркан?

— Шунинг учунки, сен «нимага?»нгдан тортиб, то «нимадан?» дегунингча... Чув, ҳаром қотгур... Неччага кирдинг ўзи, ҳарбий комиссариатга чақиришмадимми ҳали?

Бола гап армия тўғрисида кетаётганлигини фаҳмла-ди. Жилмайди. Бунгача, ў-хў, Будённий билан Папахкар бир-биридан қанча узоқ бўлса, унинг ҳарбий хизматга чақирилишига ҳам тахминан, шунча узоқ муддат керак эди, бундан чиқдики, бува ҳазиллашаётган экан-да, Са-лахлулик бола уни бурда-бурда қилиб ташлаши тўғри-сидаги гап ҳам ҳазил экан.

— Бизнинг Аветикдан неча ёш кичиксан? Еки ўзинг шунчаки озғин, нимжонмисан? Аветик билан тенгқур ҳам чиқиб қоларсан ҳали?

— Аветик ўнинчини битирди-ю,— деди бола.

— Ҳа, ўнинчини битирди, ҳарбий комиссарликка ҳам чақиришди. Вир синфда ўқиганмидиларинг?

— Вой, нима деяпсиз!— ажабланди бола.— Аветик ўнинчини битирди, мен эсам эндигина олтинчига ўт-дим-ку.

Қош қорайди, деярли қоронғи тушди, отлар юришини секинлатди. Йўлни икки томондан арғувон дарахтлари ўраб олганди. Шамол замбуруғними ё моғар ҳидини-



ми,— эҳтимол ҳар иккови ҳидинидир,— олиб келиб ди-моққа урди. Олис-олислардаги қуёш жудаям оппоққа ўхшаб кўринарди. Лекин бунинг ҳечам қўрқинчли жойи йўқ эди. Бу ерда, дарахтлар орасида қўрқинчли бирор нарса бўлиши мумкин эмасди, анови томондаги — оппоқ қуёш остидаги, ҳозир улар ким томон кетишаётган бўл-са, ана ўшани қўрқув босиши дозим, бу ерда, икки то-монга арғувон дарахтлари ўтқазилган хиёбонда эса Казарян Месроп бува билан Егишнинг ўғли Араик бор экан, қўрқишнинг ҳожати йўқ. Фақат қизиғи шунда эдики, теварак пашша учса эшитилар даражада жим-житлигидан, ҳатто ўзинг дарахт ичига, нақ унинг тана-сига кириб олганингдек, Аветикнинг кўҳна тегирмони ҳам қаердадир шу яқин атрофдалигини биладиганинг-дек туюларди, лекин нимагадир сой шилдираши эшитил-мас, тегирмон худди сув билан ишламайдиганга ўхшар-ди, э, дарвоқе, бу ерда қанақа тегирмон бўлиши мумкин, ахир тегирмон, бу шунчаки, қадимдан қолган бир хоти-ра-ку, бу жойнинг ўзи эса қадимий бир воқеа билан боғ-лиқ... Ёнида кетаётган мана бу одамнинг отасини қаер-дадир шу атрофда ўлдиришган, у бўлса ҳозир миқ этмай кетяпти. Бола Месроп бувадан отасининг фожиаси ҳақи-да сўрамоқчи бўлдию бироқ шу тобда унга бунақанги савол бериш ўринлими, йўқми, билолмай қолди. Кейин у, бу одамга «сиз» лабми ё «сен»лабми — қандай қилиб мурожаат қилиш кераклигига шубҳаланиб қолди. Ўлди-рилган кишининг исми эса хотирасидан кўтарилганди. Икки томони арғувон дарахтли хиёбон кутилмаганда тугади.

— Мен Шамутга, тоғга кетяпман,— бақиргудек деди ёнидаги одам.— Ҳарбий комиссар Дошоян Шамут тоғла-рида айш-ишрат қилиб юрибди, ўша билан учрашгани кетяпман, йигитчани қандайдир Екутистонга жўнатиб юборишларидан хавфсираяпман, уни шу яқин атрофда олиб қолишса, деган ниятдаман.

Сойнинг шилдираши бояги-бояги эшитилмасди. Жар-ликдан ўрмалаб чиққандек унинг ёнбағри бўйлаб ўтган эски йўл нарироқда бурилиб, яккам-дуккам, сийрак толзорга қараб кетганди, бироқ бу эски йўл эмас — қадимий тегирмон йўли эди.

Олма дарахтлари ҳам қариб-чуриганди, шунда бола буларнинг барчаси моҳиятини тушуниб етишни хоҳлаб қолди, аммо барча ҳодисалар моҳиятига тушуниб етиш иложи йўқлигидан воқиф бўлгач, баданлари тиришиб, тўғрироғи, юраги сиқилиб кетди... Атрофда қари олма-

лар, шаршара ёнида кўҳна ва пурмаъно, айни пайтда маъносиз тепалик ҳамда ўша ердан ўсиб чиққан яккаю ягона тол, ярим вайрона деворлару деразанинг ўрни, умри тугаётган мана бу боғу яна ўша ярим вайрона деворлар бор эди: «Аветик тегирмони». Бола бундан ўлдирилган кишининг исми Аветик эканлигини англади.

— Шу ерда одам ўлдиришганмиди?— сўради бола.

— Аллақачон ўтиб кетдик у ердан.

Бир оз жимликдан сўнг ҳамроҳи қўшиб қўйди:

— Тандзутда ўлдиришганди. Уни қувиб етиб олишган жойдан аллақачон ўтиб кетдик.

Хамроҳи бошқа ҳеч нарсани айтиб бермади.

Бола уни яна саволга тутди:

— Мана бу боғнинг ҳаммаси сизларникимиди? Ҳ

— Қани боғлар, ҳеч қанақанги боғ қолгани йўқ.

Боғ пурга чўмганди.

— Асалариям бормиди?— сўради бола.

— Бўлмасам-чи, уларсиз яшаб бўлардимиз, ахир,— овозини баландлатиб деди ҳамроҳи.— Ахир мана бу аргувонларни ўз ҳолига шундоқ ташлаб қўйиш уволмасми. Бутун теварак-атрофни асалариларнинг гувиллаши босиб кетарди, сон-саноксиз эди улар.

— Ўшанда қишлоқда яшармидинглар ё шу ердами?

— Шу ерда,— деди ҳамроҳи.— Сойдаги сув музлагандан кейингина қишлоққа кўчиб ўтардик, ёзда бўлса шу ерда яшардик.

Бола «бой бўлганмидинглар» деган саволи капиталист маъносига, сургун қилиниш ёки қамалиш маъносига англашилмаслиги учун қанча уринмасин, барибир уддасидан чиқолмади-да, сўрамай қўя қолишни афзал кўрди, дарахтлари сийрак боғ эса ҳали-вери тугамаётганди, ана шунда бола саволини аллақачон бергани-ю, ҳозироқ қизариб кетишини тўсатдан пайқаб қолди.

— Бой, дейсанми? Ҳа, ишқилиб, бировдан кам, бировдан ортиқ эмасдик. Ўзимизга яраша яшардик. У пайтда бола эдим, яхши яшайпмизми, ёмонми, фарқига бормасдим, лекин тирикчилигимиз ўтарди. Сойда балиқ бўларди, тегирмон ёнида тутардик уларни, молимиз бўларди — қўй, от дегандек, тегирмондан ҳам салпал даромад чиқиб турарди — хизмат ҳақиға дон олардик, ҳосил мўл битган йилларда асал олиб келишарди бизга... Боғда буғулар адашиб-улоқиб юрарди, сойда балиқлар бўларди, тўғон ёнида тўдалашиб қоларди улар... Бугун ҳам битта буғунинг орқасидан отда ярим кунча қувладим.

— Нимага энди, — деди бола, — нимага энди ўзингизга шу ерга уй қуриб олмайсиз?

— Мумкинмас. Цмакут чегарасининг бир ёғи Андронинг уйи ёнидан, яна бир томони Егишнинг уйи ёнидан ўтади, пастликда бўлса сой бор, ана шуларнинг ҳаммасида министрликнинг муҳри бор.

Аслида-ку, албатта, бундай эмас. Бола катта бўлгунча, майли, мана бу ёнидаги одам шунақа ўйласа ўйлайверсин. Аранк Қарян ўзига қаерда уй қуриши билан кимнинг неча пуллик иши бор. Бу одам Будённийни Папахкарга олиб келади. Цмакутни эса министрлик харитасига жойлаштиради, озарбайжон чўпонлари билан муштлашишга аралашади, ўз чўпонлари орасида бўлса ҳеч кимга гап бермай: «Москва, Кремль, СССР Олий Совети Президиумининг Раисига...» — деб такрорлайверади.

Ҳамроҳи:

— Жудаям ориқлаб қолган ер, — деган эди, бола унинг гапига тушунмади. — Ер ёмон деяпман, — деди пешонасини тириштириб ҳамроҳи. — Ушандаям шунақайди. Хуллас, қатнов йўл-да бу ер. Шамутлик биттаеи жарликдаги булоқ кўзини беркитиб, ўша ерга отасига ёдгорлик ўрнатибди. Булоқ — ёдгорлик.

Қаердадир ёнгиналарида ҳуштак овози эшитилди.

Бир аёл олмага суянганча турар ва ҳозиргина ўзи ҳуштак чалганини яширмай, табассум қиларди. Кейин бирдан у табассумини яшириб, яна ҳуштак чалиб юборган эди, болага ҳали ҳаётда ҳеч ким бунчалик чиройли кўринмагандек туюлди. Медицина ҳамширасининг оппоқ халатида ҳали ҳеч ким қари дарахт танасидан бунчалик тез, осонгина ажралиб узоқлашмаган, ҳали ҳеч ким боланинг кўзига бунчалик тикилиб қараб, уни ўзининг болалик қобиғидан чиқишга ундамаганди. Баданига титроқ югурган бола қочгани жой тополмай қолди, қиз эса уни саволга тутди:

— Йўл бўлсин, ғилай Егишнинг ўғли?

Эҳтимол, халатидаги тугмалари бир-бирдан узоқ-узоқ қилиб қадалган биров қачонлардир мана шундай — қари олмага тирсагини тираб, қўлларини халатининг чўнтагига тиқиб турган, кейин худди ана шу биров, балки, дарахтдан секингина узоқлашиб, отининг жиловидан ушлаган, пастдан тепага — болага караган, ана шунда унинг халатию баданидан шунақанги муссаффо нур ёғилгандир — буларнинг бари қачонлардир

бўлган бўлиши мумкин, лекин боланинг ҳаётида ҳали ҳечам бунақаси учрамаганди.

— Ҳа, бу Егишимизнинг ўғли,— қандайдир ачингансимон деди Месроп бува.

— Отдан туш,— деди аёл болага пастдан қараганича, бироқ у гап оҳангидан ҳазиллашаётганга ўхшарди.

— Ҳой, сен Егишнинг нечанчи боласисан?— Месроп бува шундай деб қичқирди-да, кулиб юборди.— Ёки нечанчиси эканлигингни ўзинг ҳам билмайсанми?

— Пастга туш,— деди аёл.— Туш пастга, бўлмаса қозир укол қиламан...— Бироқ у ҳазиллашаётганга ўхшарди.

— Укол қиламан дейсанми?— қайтариб сўради Месроп бува.

— Пастдаги қишлоқдан оқсил касали топишибди, шунинг учун укол қилиш керак,— деди аёл, бироқ бари бир у ҳазиллашаётгандек эди.

— Тушавер энди, йигитча,— инқиллаганича деди Месроп бува.— Туш, дегандан кейин, кел, туша қолайлик, ахир оқсил касалига энг тез чалинадиган ўзимизку.

Бола отдан пастга ирғиб тушиб, аёлга рўпара бўлди, бироқ улар унинг устидан кулишмади.

— Ёшинг неччида?— сўради аёл боланинг чеҳрасидан кўз узмай.

Боланинг бор-йўғи олтинчи синфда ўқиши ҳаддан ташқари, ер ёрилса ерга кириб кетгудек даражада таҳқирли-ю, бир йилдан сўнг, атиги бир қишдан кейин еттинчи синфда ўқишини ўйлаш гоятда мароқли эди.

— Олтинчида,— шивирлади бола.— Олтинчида, ўн уч ёшдаман.

— Олтинчида, ўн уч ёш,— такрорлади аёл.

— Ҳа, олтинчида,— деди Месроп бува.— Шунақанги яхши ўқийдики...

Қиз Месропга зиғирчаям эътибор бермай, жуда бошлади-да. Қиз фақат болага тикилганича, деди:

— Агар икки йил кутиб турсам, менга уйланасанми?

Бола сир бой бермасликни жуда-жуда хоҳлади-ю, бироқ уддасидан чиқолмади-да.

— Йигит, қўрқмасдан «хўп» деявер,— хириллади Месроп бува.

— Агар кутишингни билсам, оғритмасдан укол қиламан,— деди аёл, борди-ю, бу ҳазил бўлган тақдирдаям, ҳали ҳеч ким шу пайтгача у билан бунақанги ҳавиллашмаган, ҳали ҳеч ким ўзининг тиниқ овози, оп-

поқ халатию забардастлиги билан болани бунақанги мафтун этмаганди.

— Нина тикмайсанми?— унга қараганча шивирлади бола.

Аёл болани қучоқлаб, бошини бағрига босди,— бола ҳали шу пайтгача ўз-ўзига бунчалик кичкина бўлиб кўринмаганди,— кейин аёл уни қўлтиғи остидан чиқариб юборди-да, эгарни ушлаганча отга миниб олди .

Месроп буванинг овози эшитилди:

— Энди унинг орқасидан чопиб, игнани қандай тиқишини кўр

— Буёққа бер хипчинни,— аёл шундай дейиши биланоқ бола хипчинни узатди.

— Демак, нина тиқишимга ишонмайсан,— деди аёл, бироқ бола унга на овоз чиқариб, на хаёлан жавоб қайтарди.

— Укол қилишимга ишонмаяпти,— деди аёл.

Боғ оралаб катта қора кўзойнакли киши кела бошлади,— у ким бўлишидан қатъий назар, яхши одам эмасди. Қора кўзойнакли киши уларга яқинлашиб, ўзун оёғини қадимий тош тўсиққа қўйди-да, ботинкасининг ипини боғлай туриб:

— Укол қилмайсан,— деди, кейин бола билан Месропга назар ташлади.

— Кунинг хайрли бўлсин,— деди Месроп.

— Бу-ку отни акаси учун станцияга олиб боряпти,— деди бояги киши ёнларига келиб,— сен-чи, сен нима олиб кетяпсан, Қазаров?

— Сен дўхтирмисан?— сўради Месроп бува.

У доктор ёки доктор эмаслигини айтмасдан, баркашдек кафтини қоп устига қўйди: бундай кафт билан у боланинг пешонасидан иягигача — бутун башарасини тўсиб олиши мумкин эди.

— Кабоб еярканмиз-да,— деди кейин у.

Ҳақиқатан ҳам бу пайтда боғдан кабоб ҳиди анқиётганди.

— Бажонидил,— деди Месроп,— қачон хоҳласанг, хизматингга тайёрман.

— Қачон-пачони йўқ,— деди келган киши,— ҳозироқ еймиз.

У Месроп буванинг тиззасига қўлини қўйган ҳолда, от билан ёнма-ён қадам ташлай бошлади.

— Боламни армияга олишяпти,— деди Месроп бува.

— Бундан чиқди, биз битта Дошоянга арзимас эканмиз-да.

— Нимага энди, айта, — Месроп бува эътироз билдирди. — Узимизнинг фаҳм-фаросатимиз йўқми, тушунмаймизми.

— Гапиришга гапирасан-ку, амалда кўрсатмайсанда, — деди бояги киши. — Аравани қуруқ олиб қочасан фақат.

— Нимага энди, амалда исботлашим учун сенинг ўзинг бирон марта шама қилганмидинг?

— Дошоян шама қилганмиди, Қазаров Месроп.

— Шама қилгани йўқ, лекин болапақирни армияга оляпти.

— Биз нима қилишимиз керак — то қоринни чангаллаб, кўр ичакни операция қилдиргани келишингизни кутишимиз керакми?

— Шахсан менинг кўр ичагим олиб ташланган, — деди Месроп бува.

— «Шахсан менинг»... Еқутистонда кесишганмиди?

— Ростданам Еқутистонда, — деди кулиб Месроп бува.

— Сен цмакутликсан, цмакутликларнинг эса кўр ичаги албатта иккита бўлади, иккинчиси — эҳтиёт шарт учун.

— Дўхтир, бунақанги ичак одамларда ўзи нечта бўлади? — сўради Месроп бува.

— Одамларда? Ҳали сизлар одамсизлар?

— Дўхтир, нимага энди сен бунақа деясан, — деди Месроп бува отини тўхтатиб. — Хоҳлайсанми, ҳозироқ сенга кабоб пишириб бераман?

— Кўр ичагингизни биз олиб ташлаймиз, сизлар эса, бизни менсимай, Дошоянни кабоб билан меҳмон қилаверасизлар, шундайми?

Бола ҳеч қачон бунақанги ўринли ва тез жавоб топа олмаган бўларди. Лекин нимагадир бу одамнинг турқий болага гоҳ ёқар, гоҳ ёқмасди. Катта-катта оппоқ тиззалару самимийлик билан боқувчи кўзлар мана шу кишига, унинг эгилувчан, баланд қомати эса мана бу аёлга аталган бўлиб, бунинг турган битгани бахт эди. Кўқна боғ ҳам, мана бу аёл чўмилгандан кейин фақат халатинингина сириб кийиб олгани ҳам бахт эди. Аммо мана шу кишининг Месроп бувадан истаётгандек кўринган нарсаси унга мутлақо керак эмасди, унинг ҳадеб «ичак, ичак» деявериши эса фақат ўринсиз эди, ҳожати йўқ эди бунинг. У ҳазиллашиб туриб, Месропдан қопни олиб қўйса, Шамут тоғларидаги Дошоян нимаям дея оларди, албатта, ҳеч нарса дея олмасди,

фақат «қулт» этиб тупугини ютарди-да, пишпалаганича, лабини қийшайтириб кулиб қўя қоларди, холос, боланинг бошини яна бир нарса озгина қотираётганди: агар мана булар эр-хотин бўлишса, унда қандай қилиб бунақайги хушқомату соҳибжамоллар топаша олишдийкин, борди-ю, эр-хотин бўлишмаса, унда қандай қилиб бир-бирлари билан бу қадар дўстлашиб қолишган?

— Сен Дошоянмассан, хўш, марҳамат, илтимос қиламан сендан,— киши Месропнинг отини тортиб, тош тўсиқдан ўтди-да, жиловни силтади.— Николай пошимо даврида бу ер сизларнинг богингиз бўлганди шекилли, марҳамат қилсинлар.

Қари ўрикда нимталанмаган қўй осилиб турар, тева-рак-атрофга кабоб исн анқир, дарахт остида эса қизил крест белгили машина турарди. Тиззалаб олганича, қўлбола дастурхонни тузаётган аёл бошини кўтариб, уларга қаради. «Марҳамат, марҳамат»,— деган эркак овози эшитилди, бироқ гапирган кишининг ўзи кўринмади. Месропнинг байтали тўсиқ ёнида типирчнлаб, бетоқатланар, ўрик дарахтида нимталанмаган қўй осилиб турар, оқ майка кийиб олган аллақандай бир киши қўлини кўтариб, уларни чақирар, байтал тўсиқдан сакраб ўтишни истамас, Месроп бува бўлса уни сакрашга мажбур қилиб, жиловини тортганича пастак тош тўсиққа яқин олиб келар, бироқ жонивор жойида бояги-бояги депсиनावерарди. Кейин у барибир тўсиқдан сакради, худди шу пайт врач: «Ёқутистон!»— деб қолди. Отнинг орқа оёқлари ингичка бўлиб, асабий ҳаракат қиларди — улар тош тўсиққа тегиб ўтди. Тўсиқдан бир нечта тош думалаб тушди.

Месроп бува отда ўтирар ва қўлидаги стаканни кўтарганча алланималар дер, унинг галини эса оқ майкали кишигина эшитарди. Халатли аёл машинага яқинлашиб, эшигини очди. Машинага чиқди, шунда унинг узун оёғи бир лаҳзагина қотиб қолди — яланғоч эди у, телеграф симлари гувиллаб кетди, кейин аёл эшикни ёпиб олди. Радиодан қўшиқ берилаётганди. Месроп бува ичди, майкали киши унга закуска тутиб, қўлидан стаканни олди. «Отдан туш, пастга тушсангчи, бундоқ ёзлишиброқ овқатланамиз»,— оқ майкали кишининг овози эшитилди, Месроп бува эса бўйинини қисди.

— У Дошояннинг олдига кетяпти,— деди доктор

гулхан олдига чўккалар экан.— Тоққа, Дошояннинг олдига кетяпти, бизларнинг биронтамиз эса Дошояннинг ўрнига ўтмаймиз.

«Болапақирни армияга олишяпти»,— афтидан Месроп бува шундай деб минғирлади.

Машинадан қизил кўйлакли қиз чиқиб, бир аёл билан биргаликда ўрик дарахти остига узун оппоқ дастурхон ёзди. Майкадаги киши болага қўлини силкиди. У ёқдан, демак, боланинг калласи кўриниб турган экан-да. Бола кўзларини олиб қочди.

— Егишимизнинг ўғли,— Месроп буванинг овози эшитилди.— Унинг болалари нечталигини билмайман, ё ўнта, ё ўн иккита бўлса керак.

Егишнинг нечта боласи борлиги билан унинг нима иши бор, лекин ҳозир у ўзининг бир вақтлардаги боғида турибди-да, шундан фойдаланиб гапиряпти, лекин бу қандайдир аянчли эди.

— Қойилмақом иш билан банд экансизлар,— яна Месропнинг овози эшитилди.

— Сен, Қазаров Месропнинг фақат ўзигина овчи, деб ўйлаганмидинг?— докторнинг товуши қулоққа чалинди.

Кейин у ёқдагилар жим бўлиб қолишди — буларнинг ҳаммасида қандайдир махфий гап бордек эди... Ўрик дарахтида нймталанмаган кўй осилиб турар, қизил кўйлакли қиз ерга тиззалаганича, дастурхонга нознеъматларни қўяр, машинадан куй янграр, Месроп буванинг қўлида эса яна стакан пайдо бўлганди.

— Сен фикримни чалғитма,— деди Месроп бува.

— Сени чалғитиб бўларканми!— деди доктор.— Сен нақ Дошоянни мўлжалга оляпсан-ку, сени ҳеч ким йўлдан оздира олмайди.

— Дўхтир,— деди Месроп бува,— сен фикримдан чалғитяпсан. Мен бу маънода гапирмоқчимасман, гарчи ҳозир худди шу маънода гапиришга тайёр бўлсам ҳам, бу маънода гапирмоқчимасман, чунки бугун оддий кун эмао, алоҳида кун бугун, ҳар бир ўғил ўз отаси хотирасини мана шундай абадийлаштираверсин.

Оқ кўйлакли киши унинг гапини бўлмай қулоқ солди, кейин қўли билан болани имлади — буёққа кел. Бола отга яқинлашди, бу ердаги девор баландроқ бўлиб, унинг орқасига яшириниши мумкин эди, бироқ оқ майкали киши унга яна қўлини силкиди, бола тўсиқ устига чиқди, оқ майкали киши эса бу пайтда яна Месроп буванинг гапига диққат билан қулоқ солаётганди,



тўсиқ устида, ҳамманинг кўз ўнгида бунақанги қаққайиб туриш эса жуда ноқулай эди — бола боққа тушиб, телеграф устунни ёнига бориб туриб олди. Устун гувилларди, симлар худди яқин атрофда асалари қутилари жойлашгандек гувилларди. Оқ майкали киши Месроп бувага қулоқ солганича, болага яна қўлини силкиди: «Буёққа келсанг-чи». Бола уларга икки қадамча яқинлашди, катта-катта шишаларни кўтариб олган аёл пайдо бўлиб, қўлидагиларни дастурхон четига, қизил кўйлакли қизнинг ёнига қўйди, кейин таомлар дастурхонга қандай қўйилаётганини назардан кечириб, орқасига қайтди. Қизил кўйлакли қиз дастурхоннинг нариги четига қараб чўзилган эди, кўйлаги тортилиб, оёғи кўриниб кетди, узун яланғоч оёғи эса бир лаҳзагина кўпроқ кўриниб кетди. Телеграф устини гувиллаб кетди-ю, бола бу қиз — ўша оқ халатли аёл эканлигини, фақат кўйлагини алмаштирганини сезиб қолди. Радиодан қўшиқ эшитиларди. Туркча эмас, кўпроқ инглизчага ўхшарди у. Месроп бува қўлида стаканни кўтарганча сукут сақлар, афтидан, оқ майкали кишининг «ич» дейишини кутар, бироқ у миқ этмасди — уларнинг иккови ҳам қўшиққа қулоқ солишаётганди, шекилли. Анови — бошқа аёл яна пайдо бўлди, дастлаб болага у кўринган томондаги тўсиқ харсангтошлардан иборатдек, кейин у ерда қабр устига қўйилган ёдгорлик тоши бордек кўринди. «Бориб, шишалардан яна олиб кел». Аёл ёдгорлик тош томонга қараб имо қилиши биланоқ бола ўша томонга юрмоқчи бўлди, бироқ аёл унга мурожаат қилмаган экан.

— Мана бу ўрикни,— деди Месроп бува отда ўтирганича,— отам Аветик баҳорда Шнохдан олиб келиб ўтқазганди... Ҳосилга киравермади, шундай бўлса ҳам отам раҳматли Аветик уни кесиб ташламади. «Қўлвер,— дерди у,— дарахт ўзича яшайверсин». Демак, отам вақти-соати келиб бу дарахт савоб ишга ярашини ўша пайтдаёқ билган...

Оқ майкали киши қўли билан болани имлади-да, Месроп бувага қараб ўгирилди.

— Гапиравер, гапиравер,— деди у Месроп бувага; унинг кўзлари намли, оппоқ қўллари ориқ-тириқ, қоқ суяк эди — у болани қўлтиғидан олиб, бағрига маҳкам босди-да, ўзи билан бирга бошлаб кетди.— Бегона эмасан-ку, Егишнинг ўғли, келавермайсанми... Отинг нима?.. Менинг отим Езек... Нимага сен бунақа одамовисан, чақиршсаям келмайсан-а,— деди у. Шу пайтгача

катталардан ҳали ҳеч ким бола билан бунақанги дўстона гаплашмаган, худди ўз тенгқури билан тургандек, бунақанги ёнма-ён турмаганди.— Хўш, Месроп, қулогимиз сенда, гапиравер.— Шу пайтгача ҳали ҳеч ким боланинг қўлини бунақанги ишонч билан сиқиб, бошқа катта ёшдагиларни мазах қилганча, кўзни қисиб қўймаганди.— Цмакутлик эзма бу,— боланинг қулогига шивирлади у.— Хўш, демак, отанг Аветик ниманидир билган, фақат нимани, хўш, нимани билган?— сўради у.

— Мен мана шундай ўсмир эдим,— деди Месроп бува болани кўрсатганича.— Ҳа, ҳа, шунақанги бола эдим, кўчатни ушлаб тургандим, отам Аветик унинг илдизига тупроқ тортганди.

— Демак, ҳосил бермабди-да?

— Йўқ, бермади.

— Ол-а?..

— Хўш?..

— Ҳосил бермабди, лекин...

— Лекин битта савобли иш учун жуда катта хизмат қилди,— деди Месроп бува.

— Ҳа, гапирсанг-чи, қизиталок!— Оқ майкали киши шундай деб, кулиб юборди.— Мен-ку қилар ишимни қилиб бўлдим, сен эсанг мени мақташ учун икки оғиз сўзингни ортиқчароқ айтиб юборишдан кўрқясан.

— Раҳмат дегин!— қичқирди доктор гулхан олди-дан.— Сўкмаётгаңга ҳали ҳам раҳмат дегин.

Месроп бува бўйинини қисди, оқ майкали киши эса боланинг қўлини сиқиб қўйди:

— Қазаров, нима деяпти у?

— Ҳозир у, мени беҳуда гап қиляпти, деб айтади!— деб яна қичқирди доктор гулхан олди-дан. Месроп бува эса овозини чиқармай, лабларини қимирлатди.

— Ёдгорлик учун уч минг сўм сарфладим, Қазаров, пулни нақд тўладим,— деди оқ майкали киши.

— Ҳов, кимга гапираётганингни унутиб қўйибсан-ку!— деб қичқирди доктор.— Ахир у цмакутлик ҳақиқатгўй-ку, ҳозир сенга, бу пулларингнинг бари ўғирлик пуллар, дейди.

— Дўхтир,— хириллаб деди Месроп бува, оқ майкали киши эса боланинг қўлини қисиб қўйиб, унинг гапини бўлди:

— Ҳа, менинг мақтовимни жойнга қўя олмаяпсан, Емон мақтаяпсан, бўпти, ичавер энди.

— Ичаманам,— Месроп бува шундай деди-да, оқ майкали кишини, унга қўшиб болани ҳам силтаб юборди. Месроп бува арақни паққос шимирди, ярмини стаканга қайтарди, сўнг уни ҳам ичиб юборди... Ароқ буванинг тиканакдек соқолли нягидан оқиб, ёқасига томчилади, бола эса қўли билан ўзининг иягини артиб қўйди.

— Йўқ, менинг иззатимни жойига қўйиб мақтамадинг,— деди оқ майкали киши худди хафа бўлгандек.— Мана бу ҳали бола, лекин гапирса сендан тузукроқ гапирарди.— Кейин, довдираганча аянчли кулимсираётган Месроп бувани ўз ҳолига қўйиб, болани бағрига қаттиқроқ босди-да, уни дастурхон ёнига бошлади.

Қадимий қўшиқ эшитилар, ўрикда нимталанмаган қўй осилиб турар, анови, бошқа аёл стаканларни ғайрат билан артар, қизил кўйлакли, дўмбоққина, бақувват аёл эса дастурхоннинг у бошидан-бу бошига осонгина чўзилиб, идиш-товоқларни қўярди.

— Езек,— Месроп буванинг хириллаган овози эшитилди,— Лерник ўртоғим эди, сен бунақа демагин, Езек.

— Лекин сен мақтовимни жойига қўймадинг-ку,— оқ майкали киши шундай деди-да, болага яна кўзини қисиб қўйди, Месроп бува эса тагин овозини чиқармай, лабларинигина қимирлатди.

Ялтироқ никелли радиоприёмник ерда турар, унинг ёнида эса оқ, оппоқ кўйлагу кулранг-кўк рангдаги тоза шим кийиб олган қандайдир йигит узала тушганча ўт устида ётарди, сочи майини, қўнғир эди унинг, оёғидаги ботинкаси эса сал-пал кийилган бўлиб, ялтирар, тагчармидаги чок излари кўриниб турарди. Қўзига оловдек кўриниб кетган — товланиб кўринаётган оппоқ кўйлак ҳам, мана бу кулранг шиму йигитнинг думбасида сирилиб турган орқа чўнтак ҳам — бола ҳамиша орзу қилган кийим-бошнинг худди ўзгинаси эди, сочлар ҳам, унинг ерда узала тушиб ётиши ҳам, ботинканинг тагчармию олтин соат ҳам, ориқ биллагу приёмник устидаги чиройли узун бармоқлар ҳам...

— Лерно, ухлама,— деди оқ майкали киши. Узала тушиб ётган йигит эса бунга жавобан приёмникнинг қўловини бураган эди, қўшиғу гап бир лаҳзагина бир-бирга қоршииб кетди, кейин яна фақат қўшиқ эшитила бошлади.— Лерногинам,— кўзлари ёшланганча деди оқ

майкали киши,— менинг яккаю ягона болам, ундан бошқа фарзандим йўқ. Сизлар нечтасизлар?

— Еттита,— деди бола,— йўқ, саккизта, Грант станцияда, отни унга олиб кетяпман, биз саккизтамыз.

Оқ майкали киши боланинг елкасидан қучоқлаб, унинг қўлидан ушлаганича шивирлади:

— Мана бу приёмник учун тўрт юз сўм бердим, Лерногинамга Одессадан олиб келдим... У кўзимнинг қораси, ундан бошқа болам йўқ, билдингми,— деди оқ майкали киши кўзларида ёш филтиллаганича.— Сизлар бўлсангиз саккизтасиз.

— Еттита,— деди бола,— йўқ, саккизта, йўқ, ростан саккизта. Грант станцияда, отни унга олиб кетяпман.

— Лернони деб, тўрт юз сўм тўладим.

— Сизлар у ерда нима тўғрисида аҳд-паймон қиляпсизлар?— деди қизил кўйлакли жувон дастурхондан бошини кўтарганича.

Оқ майкали киши болага қаради, ағрайгандек оғзини очди, кўзларида табассум жилваланди, кейин у сонига шақ этиб урди-ю, шивирлаши бирдан чийиллашга айланди:

— Ахир бу мен, менинг ўзим-ку, отам станцияда, мен эсам унга от олиб кетяпман... Янги ботинка кийиб, унга от олиб кетяпман. Қани, буёққа кел-чи,— деди у,— ке, иккаламиз бир стакандан ичиб олайлик.

— Қизил кўйлакли аёл стаканни обдан артди-да, болага узатди.

— Дастурхонни деярли тузаб бўлдик, озгина сабр қилсанг дурустмиди,— деди бошқа аёл.

— Буни қарасанг-чи, зулмкор холаси, ахир менинг ўзим отамга от олиб кетяпман-а. Марц боғларида айш-ишрат қилишяпти, бир пайт мени ёнларига чақиришиб, қўлимга бир бурда нон билан гўшт тутқазиди, менинг эса ўшанда вино ичгим келаётганди.

— Ахир сен,— деди бошқа аёл,— оёғингга пойабзални биринчи мартаба фақат тўйимиздан кейингина кийган эдинг-ку.

— Э, дарвоқе, бўлмасам-чи... Бўлмасам-чи, сен билан учрашгунимча одам ҳам эмасдим-а.

— Кечирим сўрайман,— деди аёл.

— Бош устига. Йў-қ, ароқдан қуй унга, ароқдан, ахир қишлоқ боласи-ку бу,— деди оқ майкали киши бола билан ёнма-ён — елкама-елка турганича.— Коньякни эса, хоним, сизга уйланганимиздан кейин ичишга тушамиз, ҳа, шунақа...

Қизил кўйлакли аёл эгилиб, қўлини шишага узатди-да, пастдан болага қаради.

— Сен ғилаймасдинг-ку,— деб қолди шу пайт бошқа аёл.

— Йўқ, биз ғилайлармиз,— деди оқ майкали киши боланинг қўлини ушлаганча,— кейин станцияга от олиб кетяпмиз, сенинг Лерникнинг отни бир ўзи станцияга олиб бора оладими? Лерник!

— Қишлоқ боласи,— деди бошқа аёл,— нима дуч келса шуни еб, очиқ ҳавода боши бориб, оёғи келгунча юраверади. Нимага Лерникни у билан тенглаштиряпсан?

— Тенглаштираётганим йўқ,— деди оқ майкали киши.— Лерник менинг яккаю ягона болам, сен бундан сўраб кўргин-чи, нечта экан улар.

— Еттита,— деди бола.— Йўқ, саккизта. Грант станцияда ҳозир. Саккизтамыз,— деди яна бола.

Қизил кўйлакли аёл нон устига бир тўғрам колбаса қўйиб, болага қаради-да, яна бир паррак колбаса қўшди. Лекин болага шу тобда қизил кўйлакли аёлдан нону колбаса керак эмасди — мана бу турган одамлар ичида болага тегишлиси фақатгина мана шу аёл эди, бола ундан ўзини ҳимоя қилишини кутганди, у эса унга нон билан колбаса узатиб, кўз қири билан стаканни тутишни буюрди. Шишанинг оғзи стакан четига теккан лаҳзада, худди шу лаҳзада у нақ болани синаётгандек ва унга ароқ қўйиши керак эмасдек кўриниб кетди, кейин бола телеграф симларининг гувиллаши орасида ўзининг узун ва яланғоч оёғини кўрганини пайқаб қолди-да, стаканни тўлдириб қуйди. Шунақанги лик-лик тўлдириб қуйдики, боланинг қизил бармоқларига ароқ тўкилди, аёл эса иккала қўлини белига тираб олиб, унга қараб тураверди.

— Ҳўш, ким учун ичамиз?— деди оқ майкали киши.— Сен эса аралашмай тур,— у бошқа аёлга шундай деди-да, болага қараб, кута бошлади.

Қизил кўйлакли аёл овозини чиқармай лабларини қимирлатди, худди бармоқлари билан зимдан ўзини кўрсатгандек, худди зимдан: мен учун, мен учун, мен учун ичинглар...— дегандек бўлди.

— Олдик бўлмаса,— деди оқ майкали киши.

Бола ўгирилиб қизил кўйлакли аёлга қараган эди, у яна ўзини кўрсатди, лабларини унсиз қимирлатиб, талаб қилди — мен учун ичинглар, мен учун, мен учун...

— Савоб иш учун ичамиз,— деди оқ майкали киши.

Оппоқ кўйлагу дазмолланган шим кийган, сочлари тоза ва майин, олтин соат таққан, тепа лабининг усти аллақачон қорайиб қолган, топ-тоза, рангсиз ва майин терибли йигитча қўлини радиога қўйганича, ерда мийғида кулиб ётарди. Агар у цмакутлик бўлганида иш бошқача бўларди... лекин у цмакутлик бўла олмасди-да... Агар улар ёзда Цмакутга келишганларида ҳам эди...

— Лерногинам,— дея эркалатди отаси.

Йигит кўнғир қошларини кериб, кўзойнаги тепасидаги тор тирқишдан атрофга қаради, у кулранг-кўкиш кўзлари билан теваракка бир лаҳзагина синчков тикилди-ю, унга на уларнинг Цмакутлари, на сой, на сойдаги қизлар, на отасининг мана бу бола билан дўстлиги ёқди.

— Станцияга от олиб кетяпти,— деди отаси.— Сен ҳам бунинг уддасидан чиқа оласанми?

Йигит ўрнидан ирғиб туриб ўтирди-да, теварак-атрофга кўз югуртирди — бутун бошли мактабда бунақанги хушрўй йигитча йўқ эди, сой бўйидаги харсангтошга бошини қўйиб ётган қиз ҳам унга жилмаярди, турган гапки, қиз мана шу йигитчанинг борлигини фаҳмлар ва шу сабабли ҳам табассуми фақат унгагина аталганди. Йигит кўнғир қошларини камон қилиб, отасига, болага, докторга, Месроп бувага, онасига, қизил кўйлакли аёлга қаради-да, тишлари орасидан «чирт» этказиб тупирди, бола ҳеч қачон бунақанги қилиб тупура олмасди. Чунки сўлаги албатта даҳанига ё кўксига тушган бўларди, кейин айниқса, у қизил кўйлакли аёлга қараб туриб, бунақанги тупура олмасди. Йигитча бирдан ўрнидан туриб, тош тўсиқ томонга юрди. Кейин тўсиққа қўлини тегизди-ю, ундан «лип» этиб сакраб ўтиб, шу заҳотнёқ Алхонинг устида пайдо бўлди, Алхо олдинги оёқларини кўтариб типпа-тик турди, йигитча унга қамчи уришга улгурганди — у ё қамчи урганди, ё қамчи ураётгандек ҳуштак чалганди.

— Ҳой, ғилай Ёғишнинг ўғли, кўриб қўй, ундан ўрган,— деди Месроп бува.

Югуриб кетаётган от дарахтлар орасидан кўринди, кейин унинг дупур-дупури узоқлашгандан узоқлаша борди.

— Унга қаранглар-а, худди қуйиб қўйгандек қароқчи бобосининг ўзгинаси-я,— деди ота.

— От ўғриси бўлган бобосининг ўзгинаси.

— Казаров, отаси ҳам қароқчиликда қолншмайди, деяпти,— деди унга жавобан доктор.

— Яхшими шу энди, доктор?— деганча, Месроп бува отдан тушишга уриндими ё аксинчами, ҳарқалай мункиб кета туриб, ўзини тутиб олди.— Ахир биз ҳам одаммиз, бу нима деганинг ахир.

— Э-э, онангни...— деди оқ майкали киши.— Кетдик,— у болага қараб илжайди.— Кетдик, бу гапни сенга айтганим йўқ, сен билан биргалашиб ичишимиз керак, кетдик.

Оқ майкали киши бошини кўксига осилтирганча, чашма-ёдгорлик олдида туриб қолди.

— Мана,— деди у.— Шунга янги пулда икки минг етти юз сўм сарфладим.— Унинг қўллари раиғпар ва ориқ кўринса ҳам, зарби қаттиқ бўлиши керак эди.

— Қара,— деди у,— яхшилаб кўриб ол, амалга оширилган савоб иш учун ҳозир сен билан ичамиз. Кўряпсанми?

— Кўряпман,— деди бола.

— Яхшилаб кўр,— деди у,— ахир буни сен учун, шамутликлару цмакутликлар учун қурдим, сувидан ичиб, мени ҳақорат қилишлари учун, ташналикларини қондиришлари учун, онангни...

Бола сувнинг шилдирашини эшитарди-ю, лекин ни-магадир чашманинг ўзини кўрмасди. У кўнглидан: «Кетсам майлими, амак?»— деб ўтказди-да: «Жуда яхши чашма экан, кетсам майлими?»— деди, бироқ унинг овози эшитилмади.

— Хўш, қалай, цмакутлик ғилай, чашмам сенга ёқдими?— кулганча сўради оқ майкали киши.

— Жудаям ажойиб чашма экан,— деди жилмайиб бола.

— Ниятимни Лерно амалга оширди. Лерно, бобо-миз хотирасини абадийлаштирамиз, деди. Кейин аба-дийлаштирдик. Яхши абадийлаштирибмизми?

— Яхши абадийлаштирибсизлар,— бола шундай деди-да, кетидан «мен кетаман» деб қўшиб қўймоқчи бўлди...

— Хаҳ, бундан кўра қорнинг ёрилиб ўлсанг бўлмас-миди, жодугар,— деди оқ майкали киши.— Нечтамыз деяётганинг?

Бу қаттиқ, беҳазил, жиддий сўкиш қанчадан-қанча ҳимоясиз ялангоёқ болакайлари бўлган Египтининг хона-донига қаратиб тўсатдан айтилганди. Бола ҳеч қана-қанги жавоб бермади.

— А?..— оқ майкали киши жавоб талаб қилди.

— Нима дейсиз?— деди бола.

— Нечтасизлар, деяпман.

— Менми?— деди бола.

— Сен станцияга от олиб кетяпсан. Сизлар отангиздан саккиз жонсиз, мени эса биттагина Лерноим бор, хаҳ қорнинг ёрилиб ўлгур, аблаҳ.

— Лерно отни олкетиб қолди,— деди бола.

— Ҳеч қиси йўқ, отинг ўлмайди. Ўлган тақдирда ҳам — баҳоси бор-йўғи олтмиш сўм. Ўлгани минг карра яхши, негаки сенлар хасис деҳқонсанлар. Мен уч минг сўм сарфладим.

— Дўхтир...— Месроп буванинг овози эшитилди.

— Жиддий гап билан ҳазилниям фарқига бормайсан...— деган докторнинг овози янгради...

Кейин улар бараварига гапира бошлашганди, оқ майкали киши ҳам уларга қулоқ солди, сўкиниб, тупурди, лекин болага тупургани йўқ, кейин ўрнидан туриб, булоқдан узоқлашди. Лаҳза ўтмай у:

— Ким билан ҳазиллашаётганингни билиб қўй...— деди-ю, ҳаммаёқ жимжит бўлиб қолди, шапалоқ товуши эшитилмади.

— Бугун муҳим кун...— Месроп буванинг овози янгради.

— Бошқа гал, бошқа гал...— боланинг қулоғига оқ майкали кишининг товуши чалинди.— Сен билан биринчи марта ҳам, охирги марта ҳам кўришаётганимиз йўқ...

Яна сукунат чўкди; Месроп бува, эҳтимол, бўйинини қийшайтиргандир, кейин унинг:

— Нотўғри гапиряпсан, Езек,— дегани эшитилди.

— Хоҳлайсанми, Лерноим ҳақиға қасам ичаман?

— Мен тайёрман,— деди Месроп бува.— Кўнглинг суст кетган заҳоти Цмакутга телефон қил, нимталанган буғу сени мана шу ерда кутиб туради.

— Ёўпти!— деган докторнинг, кейин оқ майкали кишининг овози янгради:

— Сен эса ким билан ҳазиллашаётганингни билиб қўй, меъеридан ошириб юборма.

Доктор жавоб қайтармади. Доктор лом-мим демади, демак, Месроп бувага ҳазиллашганда ноҳақ эканда. Доктор ноҳақ бўлиб чиқди, анови, қизил кўйлакли аёл эса эҳтимол ҳозир докторга қайғураётгандир, балким, йиғлагудек бўлиб ачинаётгандир. Наригиси, бошқа аёл ҳам, эҳтимол, ғамгин бўлиб қолгандир, ахир



униг қорнини лаънатлашди-ку. Отни олиб кетиб, энди қайтариб келишмаяпти. Ҳозир оқ майкали киши бола билан бирга мана бу булоқ шарафига ичиш учун қайтиб келади, ўшанда бола унга нима дейди, нима дейиши керак у? Ҳеч нарса демаса ноқулай бўлар? Балки, бирор гап айтишнинг ўзи ноқулайдир? Гапиргандаям, нимани гапиради? От қари, анови боланинг ақли отнинг қарилигига етмайди, у шунақанги қарикки, жон-жон деб ўлишга ҳам тайёр, шумтака, эҳтимол, уни қичаб ҳайдаётгандир, от бечоранинг бўлса чопишга мажоли йўқ...

## ЛЕРНИК АРЗУМАНЯН

1897—1943

Йўловчи, мен сенинг яхши сўзингга сазоворман,  
яхши сўзинг учун сенга ташаккур билдираман.

Ўғиллари

Езек ва Лерникдан

Умрида ҳали бирон иш қилмаган, бироқ ўз исмию беўхшов фамилиясини қорақайин танасидаги амакисининг исми шарифи остига худди сурбет кучукчадек тирнаб ёзган бола («қайтиб бораман-у, ўчириб ташлайман», «қайтиб бораман-у, ўчириб ташлайман», «қайтиб бораман-у, ўчириб ташлайман») мана бу чашма-ёдгорликдаги кишининг портрети, исмию умри тарихлари олдида қўлида стакан ушлаб, бармоқлари билан қаттиқ нон ҳамда сирғанчиқ колбасани маҳкам қисиб, чашманинг шилдираши остида турганича кутарди... Отни ҳали ҳам олиб келишмаяпти, анови, бошқа аёлнинг номини ота билан ўғил тошдаги — дарахт танаси бўлагига ўхшаш асосий тошдаги ўз номлари ёнига ёзишмапти, қизил кўйлакли аёл бўлса докторни яхши кўради, бахтиёр эди, энди у жудаям ғамгин бўлиб қолди, бола туфайли ғамгин бўлиб қолди... Агар бола Месроп бува билан бу ерга келмаганида доктор бунақанги кўп ҳазиллашмаган, оқ майкали киши уни кўйиб бермаган, қизил кўйлакли аёл ғамга ботмаган бўларди... Агар бола бўлмаганда, Месроп бува боққа кирмай, отини елдириб кетиб, ҳозир Дошоян билан бирга тоғларда юрарди, Дошоян ҳам аччиғланиб, Аветикни Ёқутистонга жўнатмасди... Синглисини

эса албатта Одессага олиб бориш керак, бечора отаси болалар конфетга илҳақ туришгани учун чўнтагидан қўлини чиқара олмайди, анови Григорян ич-ичидан куйиб, ўз этини ўзи ейди, ич-ичидан куйинади-ю, бари бир қўлидан ҳеч нарса келмайди, чунки бўлар иш аллақачон бўлиб бўлган — ўғли ўлиб, жони узилган, у энди йўқ, бизнинг ёнимизга бундан кейин бошқа қайтиб келмайди, бошқа қайтиб келмайди... Қайтиб келмаганим яхши. Ҳажикизиди, на уёқлик, на буёқлик.

Бола чашма олдида, мана бу кишининг исми шарифию ҳаёти тарихи олдида турар экан, от дупур-дупурини эшитяпман, лекин бу Алхонинг оғир қадам ташлаши эмас, деб қўйди ичида.

Кимдир келди.

— Бораману қайтаман, бораману қайтаман, бир лаҳзада қайтаман...

— Келсанг-чи, ҳой йигит, ёнимизга келсанг-чи, почтанг ҳеч қаёққа қочиб кетмайди,— дейишди унга.

— Бораману қайтаман, бораману кўз очиб юмгунча қайтаман,— деган почтальоннинг овози эшитилди, кейин у минган от туёқларининг дупур-дупури тинди, Алхонинг оғир қадам ташлаши эса қулоққа чалинмасди, акаси бўлса уни станцияда кутяпти, ҳали анови оқ майкали киши бола билан мана бу кишининг портретю ҳаёти тарихи олдида туриб, унинг хотирасини ҳурматлаб ичишлари учун қайтиб келиши керак. Бола кутиб турарди.

Бола бўйинини чўзиб, девордан мўралади — от ёнидаги Месроп бува бошини эгар устига қўйиб олганди, оқ майкали кишининг эса нима қилаётганини кўришга у журъат этолмади, чунки, мен, бир кучук бола, мана-ви ерда туриб сени кутяпман, деб ўзи тўғрисида эслатиш ҳуқуқи борлигини туймасди.

Қолбаса тушиб кетди. Бола ўзини билмаганга солиб, эгилди, колбасани қидира бошлади, яхшики оқ майкали киши худди шу пайтда келиб қолмади, бола колбасани топди, бироқ ароқни тўкиб юборди, тўкиб юборди-ю, ер тагига кириб кетгудек бўлди, бунинг устига оқ майкали кишининг келадиган вақти яқинлашганди.— бола стаканини панжалари, қизариб кетган катта-катта панжалари билан чангаллаганича қотиб қолди.

— Сурен,— Месроп буванинг овози эшитилди.— Сурен!— Бироқ почтальоннинг бу ерга келгани қачонлар эди, аллақачон у Шамутга етиб боргандир.

Агар оқ майкали киши стакан бўшлигини сезиб қолса, мана шу кучук бола учун ароққа бориб келармикини?

— Сиз мени ер билан битта қилдингиз,— Месроп буваннинг уйқусираган овози эшитилди.

— Бу ҳақда бошқа оғиз очиш йўқ, келишиб олдику,— деди оқ майкали киши.— Қани, худо ёрлақисину саломат бўлайлик.

Бола бўйинни чўзиб, девордан мўралади — улар ўрик дарахти остига ёзилган дастурхон атрофида ўтиришар, ўтиришганда ҳам шундай ўтириб еб-ичишардики, боланинг хатти-ҳаракатини пайқаб, уни чақириншлари мумкин эди — бола турган жойида қотиб қолди. Уёқ томондан боланинг пешонаси, кўзлари, буринининг ярмини пайқаса бўлади, лекин жойида қилт этмай турса, балки, пайқашмас ҳам.

— Лерник! — оқ майкали киши елкаси оша чақирди.— Лерно!

Қўлига стакан ушлаб олган Месроп бува нимадир демоқчи бўлиб, чашма томонга қаради, лекин у болави кўриши даргумон эди, чунки бола таёқдек қотиб турарди-да. Бола таёқдек қотиб турарди-ю, бироқ кўзини юммаганди, Месроп бува бўлса тўппа-тўғри — нақ унинг кўзига қаради. Бола кўзларини юмди, бироқ энди вақт ўтганди.

— Анови кўриниб турган гилай Егншимизнинг ўглими? — деди Месроп бува.— Битта бугу деб, соат бешдан бери отдан тушмайман-а.

— Йигитча, нима қилипсан у ерда? — оқ майкали кишининг овози эшитилиши билан бола энгашиб олди.

Қизил кўйлакли аёл астойдил, тўйгунча кулди, кейин бола ҳам кулганча, чашманинг нариги томонига чопиб ўтди-да, қочиб кетди. У тўсиқдан ҳатлаб ўтиб, кўзга ташланмаслик учун эгилиб-букилиб олди-да, қочиб кетди. Бола чашма девори ёнидан чопиб кетган, бироқ ҳали тош тўсиққа етмаган — куйдирилмаган ўт бўйлаб югуриб кетаётган бир пайтида оқ майкали киши унга бақирди:

— Лернони буёққа айтиб юбор, ёнимга келсин!

Йўлга чиқиб олган бола то дарахтлар ёнига етгунича бирон марта орқасига ўгирилиб қарамади. Энди орқасига қайрилиб қараса ановиларни кўришим, кўрмаслиги ҳам мумкин, қарамаса ҳам бўлаверарди — ана шунда улар ҳам кўзига кўринмасди, лекин энг даҳшатли нарса уёқда, орқа томонда эмас, боланинг

қалбида эди, шунга қарамай бақирниш мумкинмасди, чунки ҳеч нарса юз бермаганди-да, қандайдир бир кучукча тўсиқ орқасига яшириниб, куйдирилган ўтлар устидан югура-югура, барчадан узоқлашди, холос.

Лерно билан Алхо қайтиб келаётганди, Алхо сакраб-сакраб, лўкиллаб чопарди, аммо бу ҳақиқий чопиш эмасди. У худди тушдагидек зўрга қадам ташлаб келарди. Ҳаётда ҳеч нарса махфий қолмайди. Борди-ю, ҳозир амакиси бирон-бир ердан — дарахт устиданми, тепаликданми қараб, бу қари отни қандай қийнаётганларини кўриб турган бўлса-чи? Борди-ю, буларнинг ҳаммасини жонивор отнинг ўзи тушунаётган, ҳайвонларга хос қалб билан сезиб, барча бачкана қилиқлардан нафратланаётган бўлса-чи?..

— Нима?— деди бола, кейин «нима?» дея ўзига-ўзи гапирганини пайқаб қолди.

— Чопишининг мазаси йўқ,— деди Лерник.

— Ҳа, чопишининг мазаси йўқ,— унинг гапини маъқуллади бола.— Қари от-да.

— Бўпти,— деди Лерник.— Чашмагача бориб олай.

— Бориб ол,— рози бўлди бола.

— Қўйвор бўлмасам,— Лерник тизгинни тортар экан, яна такрорлади:— Қўйворсанг-чи.

— Йўқ,— деди бола.

— Чашмага етиб олганимиздан кейин, ўзинг отингни миниб кетаверасан.

— Йўқ,— деди бола.

— Чашмагача бораман, қўйвор, ҳаром ўлиб қолмайди.

— Туш,— деди бола. Қўлида уларнинг нону колбасасини (стакан қаёққа ғойиб бўлибди) ушлаб тургани ҳолда, у Лерникка асло бундай демоқчи эмасди. Бола Лерникнинг гапига қарши эмасди, унинг орқасидан чашмагача борган ҳам бўларди, мана бу Лерник отда, бола эса унинг орқасидан чопиб бора қолсин ҳам эди, лекин ановилар, ўрик тагида ўтирганлар яна кўз ташлаб, унинг тош тўсиқдан чиқиб турган бурнининг ярмини, қўлларини, пешонасини яна кўришарди-да.

— Бўпти, энди, фақат чашмагача бораман,— деди бола,— сен ҳам, отинг ҳам ўлиб қолмайсанлар.

— Ўлиб қоламиз,— деди бола, шундан кейин Лерник отдан сакраб тушди.

У боланинг рўпарасида ғўдайиб туриб олди-да, унга назар солди, кўзлари ингичка тирқишга айланди, кейин афтини буриштириб, «ф-фу!»,— деди, у куляпти-

ми ё жирканиб афтини буриштиряптими — билиш қийин эди, лекин у жудаям чиройли кўринарди, бутун бошли Цмакут мактабида йўқ эди бунақанги... Лерник бирдан бошини эгди-да, болага калла қўйди — боши билан унинг юзига урди. Майин ва тоза сочнинг хушбўй исию оғриқни бола бир пайтнинг ўзида туйди, кейин ўз қонининг ҳидини пайқади. Эҳтимол, бола қачонлардир бирон-бир жудаям ёмон иш қилган бўлса керакки, ўшанинг жавосини мана энди тортяпти.

— Майли,— деди бола.— Майли.

— Нима майли? Ҳали менга кучингни ҳам кўрсатмоқчимисан?

— Ҳеч қиси йўқ,— деди бола.

— Ёки кейин ҳисоб-китоб қиламан, деб ўйлаяпсанми?

Бола қўли билан бурнини қисиб ушлаганича, унга қаради.

— Қарама менга,— деди Лерник: унинг кўзлари тирқишдек ингичка эди, у куляптими ё боланинг қонига қарашдан жирканиптими — тушуниш қийин эди.

— Лерник!...— чақиришди боғдан.— Лерник!..

— Бор, сени чақиришяпти,— деди бола.

Лерник жавоб қайтармади-да, «ф-фу» деган пайтида на кулганини, на жирканиб афтини буриштирганини тушуниб бўлмагандек, ҳозир ҳам афтини буриштирганидан кулгию жирканишни аралаш-қуралаш қилиб болага қаради, худди урмоқчидек хипчинни кўтарди, лекин урмади, урмади-ю, бошқа қўли билан тўсатдан ўзининг қорнига шарақлатиб тушириб қолди. Бу қилиги ўзига ёққани аниқ-таниқ кўриниб турарди — буришган афти энди фақат кўлаётганга ўхшарди, унинг башараси яна аста тиришга бошлади — у фокусини такрорлашни хоҳлаб қолганди, шунда бола қўлини олдинга чўзмоқчи бўлди, бироқ қонга бўялган, колбасадан ёғ юқи бўлган мана шў қўллари билан унинг оппоқ кўйлагига тегиш мумкин эмасди, мумкин эмасди... Бола қўлини тортиб олди.

— Керак эмас,— деди бола,— кўйлагингни ифлос қиламан.

— Ф-фу,— Лерник афтини буриштирди.

Худди кинолардагидек эгардан осилиб олганича байталини ҳайдаб келаётган Месроп бува уларнинг ёнгинасида пайдо бўлди. Ўзининг хира кўзларини уларга қадади.

— Кечга қоляпсан, Егишининг ўели,— деди у, кейин елкаси оша боғ томонга қараб хириллади.— Кетяпти, кетяпти у, мана, кетяпти, шу ерда у,— шундай деб, Месроп бува йўлида давом этди, эгарда ўзини зўр-ба-зўр тутиб ўтирган бува отни ҳайдамаётганга, балки байталнинг ўзи йўл бошлаб кетаётганга ўйшарди.

— Лерник!..— боғ ичидаи чақира бошлашди.— Лер-но! Лерник!..

У бўлса қошини чимириб, Месропнинг орқасидан тикилди, кейин шошмай, чиройли бошини боғ томонга оқиста ўгирди-да, олифталик билан тупуриб, болага деди:

— Хоҳлайсанми, шунақанги дўппослайманки, уйинг-ни топиб боролмайдиган қилиб қўяман, хоҳлайсанми шунни?

— Қўлингдан келармикми?— деди бола унга тикил-ганича.

— Келади.

Лерникнинг башараси тириша бошлади.

— Агар қўлингдан келса,— деди бола қуйилиб қолган қонни ютинганича,— демак келаркан-да.

— Нима?— деди Лерник.— Эҳтимол, отамни чақир-арсан?

— Чақирмайман,— деди бола.— Қўрқмай қўя қол.

— Ҳали мен қўрқарканманми?

Бола қонини ютинганича, унга қаради.

— А? Нимага индамайсан?

— Йўқ, сен қўрқмайсан, сен ҳеч нарсадан қўрқмай-сан,— деди бола.

— Ё кўрқаманми?

Бола қўли билан бурнини қисганича, қуйилган қонни ютинди.

— Қарама,— деди у Лерникка, бироқ у тикилиб тураверди.— Менга қарама,— деди бола.

— Қарайвераман,— деди униси.

— Лерник... Лерник!..— чақиршди уни.

— Сени чақиршяпти, борсанг-чи,— деди бола.

— Уқитувчи бўлмоқчимисан?— сўради Лерник.

— Эҳтимол, бўларманам,— деди бола.

Лерник илжайиб қўйди.

— Бўпти,— деди бола.— Бор. Борсанг-чи энди, бор.

— Бормасам-чи?

— Кет,— деди бола.— Кетсангчи.

— Бугунги олғаи насибанг етарли,— Лерник шун-дай дея туриб, урмоқчи бўлаётгандек ҳаракат қилди.

лекин урмади, илжайиб қўйди; кейин орқасига ўгирилиб, боғ томонга аста-секин кета бошлади.

— Хипчинни ташлаб кет,— деди бола. Лерник хипчинни елкаси оша унга улоқтирди.

— Лерник!— боғдан туриб чақиринди.— Лерник!— Кейин ҳаммалари жўр бўлиб чақириниша бошлашди:— Лер-ник, Лер-ник, Лерно!

— Лерник!— аёл кишининг якка, кескин овози эшитилди, бироқ у бунга ҳам жавоб қайтармади.

— Кетяпти!— қўли билан бурнини қисганича қичқирди бола.— Кетяпти у, кетяпти!

— Айт, тезроқ келсин!— қулоқни қоматга келтирувчи аёл овози эшитилди.

— Кетяпти,— деди бола қуйилган қонни ютинганича.

Махфийлигинча ҳеч нарса қолмайди, вақти келиб ҳаммаси ошкора бўлади, ҳаммаси юзага чиқади. Дарахт орқасиданми, тепаликданми ённки қари от Алхо устиданми, Григорян ё унинг ўлиб кетган ўғли, ё амакиси ҳозир қараб тургандир. Нима бўлсаям, барибир, бола фақат бир нарсагагина — уришиш учун вақти бўлмаганига йиғлагиси келаётганди, у станцияга бориши керак эди, у билан муштлашмоқчи бўлишди, бола эса станцияга бориши керак эди. Гарчи анови Лерникнинг қадам ташлаши, гавдасию дазмолланган шими, узун бўйнию оппоқ кўйлаги йиғлатгудек чиройли бўлсаям бола йиғламади. У қўли билан бурнини қисиб ушлаб, бошини орқасига энгаштирганича, ювингани сойга қараб кетди.

Бола дарахтзордан чиқар экан, ярқираётган — ним-таланмаган қўй тўштини, қуёш шуъласида товланаётган ўрик дарахтини, оқ кўйлакни, қизил кўйлакни, кўзни қамаштирадиган машинани кўрди... Раднодан қўшиқ эшитиларди, Лерник эса тош тўсиқдан ҳатлаб ўтаётганди, мана шу барча гўзалликлар орасидан ҳозир ановилар болага синчиклаб қарашлари мумкин эди, у эса уларнинг қувончларини бузган бўларди — бола дарахтлар орасига ўтиб, ичкарироққа кирди-да, сойга бошқа томондан туша бошлади.

— Ҳеч қиси йўқ,— деди бола, кейин бурнини артди, юзини ювди.— Ҳеч қиси йўқ.— Бироқ, ҳатто шу сўзни ҳам айтмаслик учун, умуман мутлақо гапирмаслик учун бола бутун афт-башарасини қулоғигача сувга ботирди-да, узоқ вақтгача шу ҳолда турди. Кейин афт-башарасини яна сувга тикди.

От уни кутаётганди.

— Алхо,— бола шундай деди-ю, бир зум у билан ёлма-ён туриб қолди,— Алхо.— Шу ҳолича, от билан ёлма-ён турганича, бола амакисининг зинапоясини, нашвати дарахтини, сингилларини, отасининг соқоли олинмаган няги-ю, унинг ўрим-йигимдан келиб, қўллари икки ёнига ёзганча сўрида чўзилиб ётишини соғинганини пайқади...

...Месроп буванинг қалпоғи бутага илиниб қолган бўлиб, байтал ўти ўриб олинган кичикроқ ўрмон ёқасида турарди — ялтироқ бошнинг ерга қандай урилганини тассаввур қилиш даҳшат эди.

То Сотгача бутун йўлу сой бўйлаб чўзилиб кетган — пичани ўриб олинган водий биёбондан иборат эди, уёққа ҳам, буёққа ҳам ҳеч ким ўтмасди, фақат байталгина қулоқларини чимириб, бола билан Алхога қараб турар, Месроп бува эса ерда, байталнинг ёнгинасида чалпай бўлиб ётарди...

Бола маст одам оддан қулаётганида ўлар даражада йиқилмаслигини билмасди.

— Месроп бува,— чақирди бола.— Ҳой, Месроп бува.

— Бува,— деди бола.— Бува!

— Бува,— илтимос қилди бола,— буважон...

— Дошоян сени кутавериб зерикиб кетади, кетиб қолади... бува!

— Месроп бува!

— Бува,— деди бола,— бува!

— Бува!

— Тобинг қочдими, бува?

— Бува,— илтимос қилди бола,— буважон!

— Бува!

— Бува... Месроп бува... буважон!..

## САМАН ОТЛАР УЮРИ

1945 йили қишлоғимиз уруш туфайли камайиб кетган йилқини тўлдириш учун етита зотдор байтал билан кўзи қонга тўлган битта айғир олди. Уларнинг ҳаммаси кейинчалик қаёққа ғойиб бўлганини аллақачон унутиб юборганман, лекин орадан йил ўтгач, фақат аллақандай — ҳайратомуз олтинрангли битта байталу худди шунақанги тусдаги айғир қолгани эсимда. Айғир — мана шу байталнинг боласи, деган тахмин бор



эди ва бу тахмин байталнинг қулунламаётгани билан тасдиқланаётганди.

1946 йилда Месроп сургундан қайтиб келди.

— Сургун — нима дегани?— деб сўрадим катта амакимдан.

— Сургун деб, қамашганини айтади.

— Қамоққами?

— Ҳа.

— Уни нимага қамашганди?

— Катта бўлганинда билиб оласан.

Ушанда ўн ёшда эдим. Ҳозир ўттиздаман. Месропнинг отасини ўн тўққизинчи йилда озарбайжонлар дўн-послашганди. Ундан ўн йил муқаддам эса Месропнинг отаси бир озарбайжонни ўласи қилиб савалаганди. Орадан яна ўн беш йил ўтгач эса Месроп кимнидир отиб қўйди. Қишлоқ Советининг раиси Левон милиционерларни Месропнинг уйига бошлаб келди. Месропни қамоққа олишди. Қирқ олтинчи йилда эса у сургундан қайтиб келди-ю, идорага бориб, Левоннинг ёқасидан олди.

— Беайб кишига милицияни ўчакиштириб қўйдинг-а? Ярим кечада бостириб бориб уялмадинг ҳам, а?

Левон ҳам қўрқиб ўтирмай, шартта Месропнинг ёқасига ёпишди:

— Совет даврида миллатчилик қилмоқчи бўлдингми, а, қахрамонлик кўрсатиб, гердаймоқчи бўлдингми, а?

Ана шунда, касалманд ва мулойим киши бўлган Абгарнинг жаҳли чиқиб кетди.

— Вайсашни бас қилинглар!— деди у. Кейин,— Левон,— деди,— гап бундай, сен фермага мудир бўлиб борасан. Фермани қулинг ўргилсин дейдиган ҳолатга келтирмасанг — кўзимга кўринма. Сенга эса, Месроп,— деди раис Абгар,— жуда зориқиб тургандик. Қелганинг яхши бўлди. Хўш, ўтган йили бизга еттита байтал юборишганди, шундан биттаси қолган, отлар билан, Месроп, бўпти, ўзинг шуғулланавер.

Месроп йилқичи бўлиб олганидан кейин роса бир соат ўтгач, айғир мана шу байталнинг боласи, то бошқа айғир топилмагунча, бу байтал қулунламайди, деб гаров бойлашди. Қишлоқ аҳли икки гуруҳга ажралди. Қишлоқнинг бир қисми отбоқар билан бир фикрда эди, бошқалар эса уларга қўшилишмаётганди, Левон эса — турган гапки, у ҳам Месропнинг фикрига қўшилмаётганлар тарафида эди,— шундай деди:

— Ўзингни доно кўрсатиб, сафсатавгни сўқий-  
вер...

Бироқ ҳозирча йилқи боши жийрон от экан, бошқа бирон-бир айғир йилқига яқинроқ келишга ҳатто журъат ҳам этолмасди. Малла айғир жуда баджаҳл эди, узоқдан бегона, нотаниш айғирнинг қорасини кўрди дегунча, уни жазолаш учун, ҳар қанақанги олис жойга бўлса ҳам, елдек учиб етиб борарди. У аравага қўшиладиган бечора, лапанг от томон елиб борар экан, худди шамол оловни бир ердан бошқа ёққа учириб кетаётганга ўхшарди. Миссимон думи нақ узилиб тушгудек бўлиб, унинг орқасидан аранг улгуриб борарди. Олдинги оқ оёғи гоҳ ғойиб бўлар, гоҳ бирдан лий этиб кўриниб қолар, оловранг ёли бутун устига ёйилиб ҳилпилларди. Нафас олиши, бу тепалик тепалик эканку, ҳатто нариги тепаликкача эшитиларди. Олисдан унинг чопиши жудаям чиройли кўринарди. Мабодо сен анови, бошқа отнинг эгаси бўлсанг, уни отиб ташлагинг келиб кетарди. Унинг қоқилишини, бутун гавдаси билан ер парчин бўлиб йиқилиб, суяклари мажмаж-мажмажланиб кетишини хоҳлардинг.

Бир йилдан сўнг, қияликдан қуюндай тушиб, кўм-кўк ва кенг текисликка тўқсарик парчалардек ёйилиб кетувчи тўриқ отлардан иборат уюримиз қизғиш-сарик тусли қулунчалар туфайли ола-була бўлиб кўрива бошлади. Уларнинг эринчоқ оналари водийнинг нариги чеккасида турганча паст овозда кишнашар, шамолдан эслари оған — отасидан баттар қип-қизил тентак қулунчалар эса оналари ўз ёнига чорлаётганини назаринисанд қилмай, яна тоғ томонга елиб кетарди.

1949 йил баҳорнда колхозга учта юк машинаси билан иккита трактор берилди. Битта тракторни молотилкага тиркашди, иккинчиси эса, бир ҳафта ичда баҳорги ер ҳайдовни бутунлай тугаллаб, ағдарилиб ётган дов-даряхтлару синиб тушган шох-шаббаларни ўрмондан таший бошлади. Жир битиб кетган ҳўкизлару отларнинг баданлари ялтирарди. Кушхонага ҳўкизларни жўнатишди, уларнинг кетидан қариб қолган байталлар, кейин оқсоқроқ, паст бўйли ҳамда бўйи ҳаддан ташқари баланд отлар, ана шундан сўнг эса ўта беғаму ўта асабий отлар кушхонага йўл олди. Лекин ҳали, худо билсин, қишда қанчадан-қанча сулиннинг бошига сув қуюдиган жуда кўп йилқи қолаётганди. От нархи сули баҳосидек арзонлашиб кетди. Отларни нардан-бери сотиб юбора бошладилар. -

Тўқсариқ рангли — олтинсимон байтали тиш тех-  
ниги сотиб олди. У ўзининг қорин тўйдирмас, камта-  
рона тирикчилиги воситаси билан ҳечам довдираб  
қолмаганди.— Бизга орқа қилиб тоғларимизга чиқиб  
борганди. Техник подачилару сут соғувчи аёлларнинг  
тишларига тилла қоплар, улар эса лабларини қийшайти-  
риб, тилла тишларини кўрсатиб илжайишарди. Байтал  
учун у ўша пайтдаги пул билан бир минг икки юз тў-  
лади.

— Устамасига,— деди у Месропга,— касал тишинг  
бўлса, қопламани текнига кўйиб кўяман.

— Раҳмат,— деди Месрон,— безовталанишингнинг  
ҳожати йўқ.— Кейин Левоннинг олдига бориб, у билан  
жиққамушт бўлди:

— Миллатчиларни ҳали қидриб топадиган бўл-  
дингми? Ўзингни нарком деб ўйловдингми?

Байтал тутқич бермади. У қачонлардир эгар-жаб-  
дуқ жабрнини тотиб кўрган бўлиб, озодлик қадрига хўп  
етарди. Уни тутиш учун йигирма киши бордик, у ҳам  
ўзи туфайли борганимизни англади, чунки аллақандай  
бир оддий қирчанғи от деб шунча одам овора бўлмас-  
ди-да. Кейин уни уюр орасига ҳайдаб киришга ури-  
ганимиз ҳам яхшиликдан далолат бермасди,— бундан  
унинг баданига титроқ югурганди. Уни сағриси катта  
отлар томонга қисиб боришга интилар, у эса бизга  
бўй бермай қитиқ патимизга тегарди. Қочишга туш-  
ганда кимни оёқ ости қилиб кетишини ўзи билмагани  
қолда, уюр атрофида гир айлангани айланган эди у.  
Биқинини ичига тортиб, бошини тик тутиб, от сағри-  
ларининг зич деворига урилиб, қаттиқ кишнаганича  
гир айланарди. Миссимон думи осилиб ётар, бўйнидаги  
ёли ҳам толлим-толлим бўлиб кетганди. Сизгир, динс  
қулоқлари эса ҳар бир ниятимизни илғаб оларди. Ол-  
динги оёқлари икки ёнига тарвақайлаб тушар, ернинг  
ҳамишанги кўм-кўк устки қатлами унинг туёқларидан  
ўйрилиб чиқарди. Байтал уюрини бирмунча наридан  
айланиб чопар ва фақат шу айлана бўйлаб ҳаракат  
қилар, кўз олди эса тобора қоронғилашиб бораётганди.  
Ун минут, кейин йигирма минут, ярим соат шундай  
ўтди, ниҳоят байталга яқинлашган ҳам эдикки, у қи-  
синиб-қимтиниб, асаблари зўриқиб, подадан ажралиб  
чиқди-да, елиб кетди. Байталнинг қочиб кетиши уни  
тутишга бўлган иштиёқимизни янада алаңгалатиб юбор-  
ди: хаёлан ўзимизни сайёд, уни эса — доғули, айёр  
қочоқ от деб тасаввур қила бошладик.

Уюр унинг кетидан бориш учун ўгирилган ҳам эдики, нимадир юз бериб, байтал қаттиқ от сағрилари орасида қисилиб қолди. Уюр энди унинг душманига айланганди: от сағриларининг ўлик ҳалқаси байтални тобора қисиб борар, ҳатто уни нобуд қилиши ҳам ҳеч гап бўлмади қолганди. Байтал ён-атрофдагиларни тишлаб, бир амаллаб ҳалқадан қутулиб чиқди-да, шата-лоқ отиб югуриб кетди, уюр унинг орқасидан эргашди, уюрдан қочиб кетаётган байталнинг оёқлари эса сон-саноқсиздек кўринарди. Оёқлари кўпайгандан тобора кўпайиб борарди ва ниҳоят, улар бутунлай кўзга ташланмай қолди — фақатгина байталнинг қимирлаётганигина кўринар, бу қимирлаш ҳам қандайдир бошқача, оёқсиз қимирлаш эди,— ер узра сарғиш олов сирғалиб бораётганга ўхшарди. Фақат, афсуски, у ердан узилиб кетолмаётганди — жарликлар билан биргаликда пастликларга тушар, тепаликлар билан баландликларга чиқар, йўл билан биргаликда йўналишини ўзгартирарди. Шундай қилиб, олис-олисларда кўринмай кетган йўл билан биргаликда байтал ҳам ғойиб бўлди, олтин тусли байталимиз кўздан ғойиб бўлди.

Месроп, агар тутқич берса, «калламни узиб ташлайман», деб гаров ўйнашга тушди.

— Шошма, шошма, калангни ўз ҳолига қўй,— деганича тиш техниги ички чўнтагидан ҳамёнини чиқарди, кейин қанчанидир санаб ажратди-да, Месропга узатди.— Ушла,— у бир қўллаб ҳамёнини ёполмаётгандек, иккинчи қўлидаги пул унга халақит бераётгандек бир қиёфага кирди.— Ушлаб турсанг-чи, гапимни эшит олдин... Эркакчасига гаплашамиз, мана шу пул сеники, байтални менга тутиб берасан.

— Бўпти,— деди Месроп.— Пулинг керакмас,— у пулларни қўлида эзгилаганича, ҳам уялиб, ҳам афсусланиб, эгасига узатди.

Икки кундан сўнг мени қишлоққа жўнатиб юборишди: мактабга боришим керак эди. Тиш техниги қарзларини йиғиб олиши учун яна бирмунча вақт ўша ерда қолди — шаҳарга сентябрнинг ўрталаридагина жўнаб кетди у. Шундан кейин бошқалар ҳам тоғдан тушиб келишди. Месроп эса уюр билан яна йигирма кунча тоғларда тутилиб қолди. Байтал қаердадир яқин атрофда ўралашиб юрар, бундан Месропнинг юраги шопириб кетаётганди. Тоғлар кузнинг илиқ-милиқ — «эшак ўлдирадиган» офтобида сўнгги ўт-ўланлар би-

лан қопланганди. У ерлардаги чодирларнинг биронтасидан ҳам энди тутун кўкка ўрламас, кўк гумбази бўйлаб офтоб тамомила жимжитлик қўйнида думалаб борар, Месроп эса ёз суронларини қўмсарди.

— Ёнимга келсанг-чи...— деб чақирарди у йироқда турган байтални.— Қўрқмасдан келавер, ҳамма кетди, сену мендан бошқа ҳеч ким қолмади...

Олисдаги қора нуқта отлиққа айланиб, ўзи томон келишини Месроп жуда-жуда хоҳларди.

— Сен суворисан,— дерди Месроп нуқтага,— отингга юк ортыпсан, кўриб турибман, бир ўзинг эпломаяпсан, ёрдам бернш керак сенга — ёрдамлашайми?

Аммо дақиқалар ўтарди-ю, нуқта олисдан кўринаётган нуқталигича қолаверарди. Қош қораяр, Месроп эса ғира-шира қоронғиликда уёқдан-буёққа чайқалганча ўтираверарди.

— Сен бор-йўғи битта тошсан,— дерди Месроп шунда нуқтага.— Менам бор-э, дейман-да, қишлоққа тушиб кетаман, кейин бу ерда битта ўзинг қоласан. Ёдбахт тош. Ахчи, гапимга қулоқ сол,— Месроп бошини юқори кўтариб, баландлик қиррасида қилт этмай турган ва шу ҳолатида нақ дарслик китобидаги отни эслатувчи байталга мурожаат қилиб қоларди.— Тиш техниги жўнаб кетди, эшитяпсанми, жўнаб кетди. У йўқ, йўқ,— Месроп, кўряпсанми, тепадан пастгача бўм-бўш, ҳеч ким йўқ, дегансимон кафтини кафтига уриб қўйди.— Ёз ўтди,— шундай деди-ю, Месроп бошини ҳам қилиб олди,— отсан, тушунмайсан бунини...— Бутун тоғ ўлкасида отлар билан Месропнинг ёлғиз ўзи эди, шунинг учун у дарҳол хатосини тузатди:— Кўнгилдагидек тушунмайсан. Жониворларнинг ичида сен ҳаммасидан кўпроқ тушунасан, бу шак-шубҳасиз, лекин ҳар қалай одам одамда...

Байтал уюрдан бутунлай воз кечмай, теварак-атрофда айланиб юраверди. Октябрнинг бошида уюр билан биргаликда қишлоққа тушди, шунда ҳам, йилқига қўшилмай, олисда юрганича, улар билан бирга ўтларди. Декабрда қор ёғди, уюрни отхонага ҳайдаб киритиб, олдига пичан ташлашди, сули беришди. Байтал бўлса қишлоқ теварагида айланиб, ўзига ҳеч кимни яқинлаштирмай, буталарни кемириб юраверди. Ун еттинчи декабрда бўрилар сой ёқасида Левоннинг сигирини ғажиб кетишди, ўн тўққизинчига ўтар кечаси Артёмнинг оғилхонасига кириб олишди. Бўриларга ўқотишди, шундан кейингина, ойнанинг йигирманчи куни,

улар қишлоқда қораларини кўрсатишмади. Бироқ қишлоқнинг ёнгинасида туни билан изғиб, бетўхтов увиллаб чиқишди. Месроп ярим кечада ўрнидан туриб, деразадан қаради, шунда байтални кўриб қолди — у деворга қисилиб олганча, дир-дир титрарди. Месроп ташқарига чиқиб, аста-секин унга яқинлашган эди — яна қочиб кетди.

Орадан тўрт кун ўтгач, кечаси тахминан соат бирларда идорадан чиққан Месропнинг назарида олтинтўс байтал электр фонари ёруғида лип этиб ўтиб кетгандек туюлди. Худди шу кун кечаси унинг ити йўқолди: ниманингдир овози эшитилгандек, эшикка туртингандек бўлди. Месроп ташқарига чиқди, бироқ ити домдараксиз йўқолганди — на бўрилар, на ити кўринар, фақат олисдан сал-пал ғарчиллаш эшитиларди, холос. Ингирма тўққизинчи декабрь кечаси Месроп отхонада эди. Ташқаридан кишнаш овози эшитилди. Чиқиб қараса — байтал турибди-да. У таклифни кутиб ўтирмай, кўкраги билан Месропни итариб юбориб, тўшамани бир текисда тақиллатиб босиб бориб, ўз жойига туриб олди. Отхона иссиқ, сули мўл эди, бунинг устига бошқа отларнинг самимий хириллаши отхонани тутганди.

Беш йил муқаддам, кунларнинг бирида болаларим билан циркка бордим. Ана шунда ногаҳон олтинтўс байталимизни кўриб қолдим. Унга бутун бошли цирк номери ажратилганди. Унинг ёли ҳам, думи ҳам қирқилган, яхшилаб боқилганидан сиппа-силлиқ бадани ялтирарди. Тўғри, энди у жиндак семирганди, аммо биронта ҳам қишлоқ оти унинг чиройли ҳаракатларини қилолмасди. У вальсга тушаётганда сўлқилдоқ танасининг бутун аъзоси — оёқларини қулоқлари ҳам, бошини тумшуғини орақаси ҳам — ҳаммаси-ҳаммаси унга бўйсунарди. У ўйнардн-ю, мен жонимни ҳовучлаб, ишқилиб бирор гап бўлмасайди, уялиб қолмасайди, деб ўйлардим. Йўқ. Уйинини тугатди, қарсақбозлик бўлиб кетди, яна ўйинини қайтарди у, кейин цирк саҳнаси ўртасида турганича, томошабинларга таъзим қилди — яна ҳамма томонга бир-бир ўгирилиб таъзим қилди. Чапаквозлик авжига чиқди, бироқ байтал бошқа ўйинга тушмади, — томошабинларнинг кўнглига қарамади, энди у бизга парвоям қилмай оркестрга таъзим қилар, оркестр ҳам унга эгилиб салом берарди. Бошқарувчи байталга цирк саҳнасида чиқиб кетишини имо қилди-да, кейин уни табассум билан кузатиб қолди, мана шу

конференсье ҳам ялаб қўйилгандек бошдан-оёқ сип-силлиғу пардоз-андоз қилиб олганди, шунда мен унинг арчилган тухумдек башарасини байтал туёқлари билан топтаб кетишини бирдан хоҳлаб қолдим.

— Наринж, Наринж, Наринж!— байтални қишлоғимиз берган ва «олтинтус» маъносини англаувчи ном билан чақириб, бақириб юбордим. Томошабинларнинг ҳаммаси нафасларини ичларига ютиб, навбатдаги номерни кутишаётганди, мен эсам орага чўккан жимликни бузиб, бақирардим:— Наринж, Наринж, Наринж!— Овозимни барча эшитди-ю, бақираётган кимлигини кўриш учун кўзлари олазарак бўлиб қолди. Шунда ўрнимдан турдим-да, байтални яна чақирдим:— Наринж!

— Утирсанг-чи, ноқулай!...— хотиним пиджагимнинг баридан тортди.

— Бўлди, бас!— дедим бўғилганча.— Менга шунини ўзим кифоя!

Кейин ўтирганларнинг бошларини оралаб ўтиб, залдан чиқиб кетдим. Саҳна орқасида якка ўзим эдим, томошабинларнинг парда остидан келаётган кулгисию тимиктирувчи, иссиқ тўлқиндек нафаси эндиликда цирк саҳнасида Наринжнинг ўрнини эгаллаган ва у ердан чиқиб кетишни ҳечам хоҳламаётган бегемотдек оғир, кўнгилисиз ҳамда хатарли эди. Терга ғарқ ботгандим, хижолатда эдим, атрофимда аллақандай ниқоблар сочилиб ётар, юз шамли лампалар теваракни хира ёритарди. Кейин ҳаммаси бу ерда ичидан бузилиб, чириётганга ўхшарди. Эшикларни бирма-бир ланг очиб бо-ра туриб, бирдан байтални кўриб қолдим.

— Наринж?.. Йўқ, сен Наринжмассан...

У мен томонга ҳатто кўз қирини ҳам ташламади. Унинг орқасидаги чизикча бронза рангли бўёқ билан чизилган, оёғи оқ бўёқ билан сал бўялганди, қирқилган ёли яшилга ўхшаб кўринарди.

— Сен Наринжмисан?— деб сўраганча, унинг тумшугига шоколад тиқинтирдим.

У шоколадни емади, ҳатто ҳидлаб кўрмади. Шу дақиқада, назаримда, у конфетни фақат устигина юпқа қатламли шоколаду ичи эса аллақандай тотли ҳамирсимон нарсадан иборатлиги учун емайдигандек туюлди. Қўлимни тортиб олиб, конфетни яширдим. Эҳтимол, буваларимнинг буваси ўз князини ҳайдалган ерда мана шундай сийлагандир, яъни олдига шоҳона таом — қатиқланган ёвғону пиширилган печакгул

ёйинки бир чақага арзимайдиган яна бошқа бирор нарса қўйган бўлса ажабмас. Шундай деб ўйладим-у, бу бўрдоқи байталга нисбатан адоватим тобора ортиб бораётганини, унинг силлиқ, ҳар куни қашланадиган сағрисига қараган сарим нафратланаётганимни, айни пайтда, миямга бошқа — ахта от деб аталувчи, тукли арилар чақиб, болалар уриб, катталар хўрлайдиган, уюрдаги айғирлар назарга илмайдиган ва олдига бир қучоқ қуруқ похол ташлаб қўйиладиган от қаттиқ ўрнашиб қолганини пайқадим.

— Пачава от,— унинг шишиб кетган қаттиқ қорнига қараб тепдим.— Пачава от! На қулунладинг, на юк ортмоқладинг, на юк остида эзилиб инқилладинг. Пачава от!

Бегемотни аллақачон цирк саҳнасидан олиб чиқиб кетишган, унинг ўрнида эса энди масхарабоз ўмбалоқ ошиб, турли-туман кулгили қилиқлар қилаётганди: бошидан шляпасини олмоқчи бўлиб, соқолини юлиб олар, соқолини иягига бошқатдан ўрнаштираман деб, орқасига уларди.

— Бўлди,— дедим хотиним ёнига тап этиб ўтирар эканман.— Бир умрга ошимни заҳарлашди,— дедим.— Жонимга тегди!

## ОТИМ, ОТГИНАМ МЕНИНГ

Уша кезларда муҳаббат савдоси бошимга тушган бўлиб, кичик амакимнинг ҳолатини дунёда яккаю ёлғиз ўзимгина тушунаман, деган хаёлда эдим. У армияда, Тбилисида беш йил хизмат қилиб, қишлоққа қайтиб келгандан бери, аллақачон уч ой ўтиб кетсаям, беиш юрарди, қўлига чалғи олишни истамасди. У идорадаги зинапоя панжарасига ўтириб олиб чекар, қўлини чўнтагига тикқанча эшиклар қаршисида тўхтаб, дарахтдан узилиб тушган олмани этигининг учи билан четга ирғитиб юборар, кейин эгилиб, ўт билан этигини тозалаб қўярди. У дам-бадам гимнастёркасининг ёқасини алмаштирар, камарини тўғрилар ва — икки қўли чўнтакда — қишлоққа йўл оларди.

Колхоз раиси Абгарнинг назарида Кичик амаким ўзининг намунали мерган нишоню бир қанча мукофотлари билан гердаяётгандек туюлди, шекилли, у ҳам кўйлагига Қизил Байроқ орденини тақиб, Кичик амакимнинг олдидан бир неча бор у ёқдан-бу ёққа ўтди, кейин унинг рўпарасида тўхтаб, кўксини олдинга чи-



қариб, оёғининг учида турди. Думалоқ муҳрини осмонга ирғитиб, илиб олди. Кичик амаким эса — у Абгардан анчагина новча бўлиб, андак бодомқовоқ эди — қаҳрабосимон кўзлари билан унга қаради-да, елкаларини қисиб қўйди.

— Мен майиб қўл одамман,— Абгар шундай деб, ингичка бармоқлари билан оппоқ қуруқ суяк қўлини ушлаб қўйди.

— Нима бўпти?— деди Кичик амаким.

— Агар керак бўлиб қолса,— деди Абгар четга қараб, айна пайтда, гапини маъқулловчини қидириб,— иккинчисиниям қуруқ суяк қиламан.

— Қуруқ суяк қилсанг қилавер,— деди вазминлик билан амаким.

— Қиламанам!— бақиргудек бўлиб деди Абгар.— Шаҳарликларнинг ҳаммасига қасддан қиламан буни.— Кейин шартта орқасига ўгирилар экан, амакимни узиб олди:— Ҳм, шаҳарлик!

Бу гап атрофда турганларнинг ҳаммасига мойдек ёқиб тушди. Негаки, қишлоқдагиларнинг биронтасида ҳам бунақанги ялтираб турувчи этйгу пишиқ ҳарбий мовутдан тикилган кийим-бош йўқ эди-да. Устига устак, уларнинг ҳаммаларининг елкасида хаскашу чалғию паншаха бор эди, ҳаммалари омбордан қачон буғдой берилишини орзиқиб кутишар, яна гўшту асалу ёғдан умид қилишар, айна пайтда, мана ҳозир, раис мана бу мужмалдан — тбилисиликдан юз ўгириб, ўзлари учун, ўроқчилар учун ҳамма нарсадан истаганча олишларига хат ёзиб беради, деб ўйлашарди, биз заҳматкаш одамлармиз: бир кун ғалла ўрмасак шаҳар очидан ўлади,— мана биз қандай мўътабар, қандай зарур одамлармиз, мана бу текинтомоқ эса ўзини нақ салкам генералдек тутиб, ажралиб юришини қаранга, деб ўйлашарди.

— Биз ҳам армия нималигини биламиз,— Абгар тепадан, иккинчи қаватдан илжайди, кейин идорада жиринглаётган телефонини кўтариб, очиқ деразадан мақтанди:— Рус аёллариниям керагича кўрганмиз. Ҳа!.. Але!.. Қара-я, нақ Колумб Американи очгандек, Абгарни ҳайратда қолдиргани келибди-я... Лаббай!

Эркаклар кулиб юборишди, чунки уларнинг барчаси ўз вақтида армияда хизмат қилган, барчаси ҳам қайтиб келгач, оғиз кўпиртириб мақтанишган, дарвоқе ҳали-ҳалигачаям бошларидан ўтган турли-туман во-

қасалару каттадан-кичикка маълум, айтилавериб сийқаси чиқиб кетган ишқ-муҳаббат можаросини тўлиботошиб эслаб юришарди. Қишлоқ аёллари эса, бу гапларни эшитишганда афтларини бужмайтириб, кулганча тупуришарди, чунки, йўлдан оздирувчию кўнгилга хуш ёқар турли-туман ҳодисаларни эркаклар армияда бошларидан кечиршига уларнинг ишончи комил эди-да.

Кичик амаким папиросини тутатиб, тўнғиллади:

— Бор-э!..

— Нима-нима?..

— Бор, йўқолсанг-чи.

Рансга қаттиқ-қуруқ гапиршиш колхозда одат тусига кириб қолганди, бироқ ҳозир Абгар бунақанги иш ўзи билан биринчи маротаба юз бераётгандек қиёфага кирди. У телефон олдида пича турди-да, бўшанқираб минғирлади:

— Билганингни қил, ўз билганингнича яшайвер.

Лусик тепада, айвонда эшик ёндорига суяниб, узоқларга кўз тикиб турарди. У ўзи билан Кичик амакимни турмуш қуради, деб ўйларди, чунки қишлоқда армия хизматидан қайтиб келган яккаю ягона йигит — амаким, бўйи етган бирдан-бир қиз эса — унинг ўзи эди. Лусик Кичик амакимни севиб қолишини истарди, негаки ҳамма китобларда ёзилишича, то тўйгача йигит билан қиз бир-бирларига ошиқ-маъшуқ бўлишарди-да. У бемаъно боқувчи сувдек мовий кўзларини ишқ оташню кўз ёшларига тўлдирини хоҳларди, бироқ севиш унга nasib қилмади. Э-э, йўл бўлсин эди унга! Бу қиз кечикиб бўй етганди, елкалари биққийдию, ҳамма ўйлагандек, сал тентакнамо эди: тўсатдан у эшакка ирғиб миниб олиб, тентаклардек ўзидан ўзи қотиб-қотиб кула бошларди. Мактабда ўтказиладиган кечаларда йўл-йўлакай ўқувчи қизларни қувиб ўтарди-да, саҳнага чиқиб, бошини силкитиб-силкитиб қўйиб, тарракдек қотарди:

— Ованес Туманян. «Маро». Парча...

Ҳамма унга қарсак чалар ва бир овоздан: боплаб декламация қилади, ҳеч тутилмайди, ўзи яхши, ишчан қиз, дерди-ю, лекин ҳеч ким уни хотин қилишни ёки укасига олиб беришни, ёйинки келин қилиб уйига туширишни хаёлига келтирмасди.

Ҳозир ана шу Лусик кесакига бошини қўйганча, севиб қолган каби Кичик амакимга тикилиб турарди,

бирок ҳеч кутилмаганда, худди биров унга далда бергандек, бехосдан жудаям жарангдор овозда тилга кирди:

...Ез бўйи қувнадим,

куйладим қўшиқ.

Жуда соз бўлибди, энди-чи, жўшиб

Маза қилиб ўйин тушмоқ қолибди.

Кўтарилган кулгидан кар бўлиш ҳеч гапмасди. Кейин ҳамма оғзига талқон солгандек жимиб, давомини кута бошлаган ҳам эдики, бирдан Кичик амакимнинг паст овозда тўнғиллагани эшитилди:

— Эси паст...— У яна нимадир деди, лекин ҳеч ким англолмай қолди.

— Немисчасига сўкинди,— Берлинини ишғол қилган Амо шундай деди-да, атрофдагиларга мамнунлик билан қараб қўйди.

Лусик бўлса Кичик амакимнинг немис тилисига мутлақо эътибор бермай, қўлларини олдинга чўзиб, яна декламация қила бошлади:

— «Инсоний туйғу эмас бизга бегона».

Яғриндор Кичик амаким қўлларини чўнтагига тик қанча, паст кўчадан мактабга тушиб борди. Мактабда эса география дарси бўлаётганди. Утилган темадан жавоб беришга қийналаётган Римма жойига бориб ўтиришдан бўйини товлар ва навбатдаги жумлани шивирлаб айтишим биланоқ, афтини буриштириб такрорларди. Уқитувчи — қариндошимиз бўлган ёш йигит эса — газета ўқир ва кулиб юборишдан ўзини зўр-базўр тутиб, лабларини қимтиганича, кулимсираб ўтирарди. Унга қараб туриб, газетада эс-ҳушни оладиган аллақандай кулгили воқеа устинма-устин ёзилган, деб ўйлаш мумкин эди, ҳолбуки ёш ўқитувчимизнинг бутун хурсандчилиги боиси бундан икки кун бурун менга айтган гапда эди:

— Ке, отанга ўзим шипшита ҳолай,— деганди у,— уйлантириб қўйсин сени, ким билсин, эҳтимол ўзинг айтишга уялаётгандирсан.

Ҳаммаям ҳолатимдан ўзининг бохабарлигини бирон-бир йўл билан менга билдиришни хоҳларди. Ҳарбий хизматга чақирилиш ёшидаги йигитлар бир куни мендан жиддий сўрашди:

— Қўғирчоқ ўйнайсизларми ё бошқа гап ҳам борми?

Тескари бурилиб кета бошлагандим, улар қувиб етиб олишди.

Итвачча, сўрагандан кейин жавоб қайтаргин-да.

Кейин улар қишлоқда қиз қолмаганмиш, қабалида аллақандай гап қилишди. Уларнинг орасида Сено дегани бор эди, у гимнаст, яна илон, бақрайган илон кўзли ҳақиқий илон эди, ўша дастрўмолчаси билан бурнимдан ушлаб олди — ҳамиша ундан қўрқардим, шунга қарамай барибир уни тушириб қолдим. Лекин бунинг учун улар мени дўппослаб ўтиришмади: туртиб, бир-бирларига худди коптокдек итқита бошлашди. Йиқилиб тушай дегандим биттаси қўлимдан ушлаб қолди-да, кейин нимагадир қўйиб юбормади... бошқалари камарини ечиб, шимини туширишди-да, тупуришди. Кейин атрофини ларзага келтириб хахолаб кулиб юборишди: «Хи-хи-хи-и-и-хи...» Шундан сўнг мен ерга ётиб олиб, энтика-энтика, ҳўнграб йиғлашга тушдим, улар бўлса гап қоғишарди:

— Уят-эй, хуштор йиғит-у, йиғлагани ортиқча, тур ўрнингдан, иштонингни кийиб ол, яхшиямас бу ишинг.

...Оҳ, қанийди энди бўрнинг лаънати ҳидию эски, титилиб кетган хаританинг ҳиди, ўқитувчининг газета ортидан табассумию Римманинг аламиндан чўччайган лаблари... Қўлини мушт қилиб олиб: «...Урал тизма тоғлари орқали... Урал дарёси бўйлаб... пастга... Каспий денгизга... тўғри, тўғри... Кума — Маничи... ўнг...» — деб айтиб турган мана бу партадаги болакай ҳам бўлмаса...

Кичик амаким қўлларини чўнтагига тикқанича, яғриндор ҳолда турник ёнида турарди. Римма жойига бориб ўтиришдан бўйин товлаганича, амал-тақал қилиб дарсни айтиб берар, мен навбатдаги жумлани унга шипшитар, ўқитувчи эса ўзини газета ўқиётганга соларди.

Кейин бирдан Кичик амаким турникда бошини пастга қилганча, гавдасини тикка кўтариб, қилт этмай турганини кўриб қолдик.

— Диққат қилинг,— ўқитувчи шундай деб, қўлидаги кўрсаткич таёқча билан столни тақиллатиб қўйди.

Кичик амаким ерга сакраб тушди, кейин яна турникнинг якка чўпини ушлаб олиб, уёқдан-буёққа силкина бошлади: у чўпни қўйиб юборарди-да, ушлаб оларди, қўйиб юборарди-да, яна ушлаб оларди.

— Диққат қилинг, ўртоғингизнинг жавобини эшитамиз!

Бир пайт бошқа манзарани кўрдик — Сено турникда бошини пастга қилиб, қотиб қолди. Кейин ўмбалоқ ошди-да, худди Кичик амакимдек яккачўпни қўйиб юбориб, яна ушлаб, уёқдан-буёққа силкинишга тушди, пировардида яна бир марта ўмбалоқ ошиб, Кичик амакимнинг ёнгинасига сакраб тушди.

Кичик амаким камарини ечиб, Сенога тутқизди, кейин нақ тик ёгочдек бўлиб, турникка осилиб олди, шу кўйи бир дақиқача қимирламай турди-да, ҳолатини мутлақо ўзгартирмай бирдан яккачўп баландлигига кўтарилди, кейин оёғини тепага қилиб тикка турди, ундан сўнг битта кўлини оҳиста бўшатиб, яккачўпдан узоқлаштирди ва иккинчи кўлида турганча, то... Ҳа, то танафрусга кўнғироқ чалингунча турди.

Сено ҳам камарини қандайдир бир ўқувчига бериб, турникка осилди ва... Кичик амаким бажарган машқларни, худди унингдек бўлмаса-да, ҳар қалай такрорлади — оёғини тепага қилиб тикка турди, битта кўлини яккачўпдан бўшатди, пировардида эса бутунлай калласида туриб олди. Боз устига қизлардан кимгадир — Риммага кўзини қисиб қўйди.

— Бундай қилиш ярамайди, бошинг қаттиқ оғриб қолади, — деди унга Кичик амаким.

— Калланинг ўзи йўқ-да, унда, — деган мактаб директори Рубеннинг овози эшитилди ва биз — ўқувчилар турникдан четлашиб, олисда турганча, бўлаётган ҳаггомани кузата бошладик.

Кичик амаким кўйлагини ечиб, кетма-кетига ўн марта айланди-да, яна кўйлагини кийиб олди. Худди шу машқни Сено қийқириб, кўйлагини пуфакдек шишириб, чўнтаklarидан қаламтарошу киноактриса Макарованинг суратини, портсигару тамакисни тушириб, роса олифтагарчилик билан бажарди.

Макарованинг фотосурати мактаб директори Рубеннинг кўлига ўтди, ана шунда бизларнинг ҳаммамиз: у афтиниям буруштирамай, ҳозир Сенонинг қулоғидан чўзади, деб ўйладик. Кечагина мана шу Сено унинг ўқувчиси эди. Дарвоқе, бундан ташқари, бизнинг фаҳмимизча, қишлоқда ҳамманинг қулоғидан чўзгилашга директорнинг ҳаққи бор эди. Бироқ биз ўйлаганимиздек бўлиб чиқмади, директор Кичик амакимга юзланганча деди:

— Армияда яна нималарни ўргандинг?

— Хушёрликни, — камарини тортганча деди Кичик амаким.

— Яна?

— Ҳушёрликни.

— Буни айтдинг, яна?

— Яна?

Ушанда биз буларнинг ҳаммасини жиддий суҳбат тарзида қабул қилгандик, бироқ энди тушуниб етдимки, ўшанда Кичик амаким мана шу мактаб директорининг — ўзи учун қишлоқда шаҳарликларга хос ҳаётни вужудга келтирган: ҳам ойлик, ҳам қандайдир йўллар билан тўғрилаб пенсия олувчи, қишлоқда яшовчи сифатида, мол-холу қўй боқувчи, бироқ ўқитувчи сифатида буларнинг биронтасига солиқ тўламовчи мана шу муттаҳамнинг афт-башарасидан арава юргизишни жудаям хоҳлаган экан, мактаб директорининг хотини ҳам мактабдан ойлик, унга қўшимча, юраги заифлиги боисидан, пенсия оларди, гапнинг қисқаси бу одам ўзи учун беғалва, осойишта, ҳеч нарса соя ташламайдиган қулинг ўргилсин ҳаётни вужудга келтирганди, фақат ҳар замондагина, шундаям ҳушига келиб қолса, болхонасида турганча кўчадан ўтаётган деҳқонлардан ҳол-аҳвол сўраб, бир пулга қиммат маслаҳатларни бериб турарди: «Нимага сенинг ҳаммаёғинг ҳўл?» — «Сойдан кечиб ўтгандим». — «Сойдан кўприк орқали ўтиш керак».

— Яна? — қайта сўради Кичик амаким. — Яна, керак бўлиб қолса, душманни яхшилаб савалашни ўргандим.

— Қани, айт-чи, — тўсатдан сўраб қолди директор Рубен, — тбилислик қизинг мана шунга ўхшайдими? — Директор қўлидаги Макарованинг фотосуратини айлантирди.

— Бир кўрай-чи, — деди амаким унга яқинлашар экан.

— Мен бу ҳақда гапираётганим йўқ, — деди директор. — Тбилисига яна қайтиб боришни хоҳлайсанми, деб сўраяпман. Шаҳар яхши-да, тўғримасми? Руставели кўчаси, қадимий муниципалитет биноси, фуникулёр — тоғ тепасига олиб чиқадиган темир йўл, мороженое, ҳайвонот боғи, йўлақлар... Дарвоқе яна Кура...

Кичик амаким директорининг елкаси оша Макарованинг фотосуратига қараб, оҳанг билан деди:

— Шунақа, ҳа-да, айнан ўзи-да, копияси, фақат кўзи сал кичикроқ, ўзи супрақулоқроқ, даҳани ҳам сал каттароқ, буриш давангроқ — хўппа семиз мартишка,

бақ-бақасиям иккита — нақ чўчқанинг ўзгинаси. Кейин юрагиям заиф, чамаси, пенсияям олади.

— Жуда соз-да,— деди директор.— Пенсия олиб яшайверасизлар-да, нон борми — бор, чой борми — бор, яна нима керак? Оқ нон.

Амаким пинагини бузмай гапини давом эттирди:

— Йўғ-э, нимага энди? Тбилисига қараганда бу ер яхшироқ. Бу ерга кўнгилдагидек жойлашиб олсанг тамом, Тбилисининг ҳолига вой. Шундай жойлашиб керакки, ҳамма нарса бўлсин — уй ҳам, граммофон ҳам, яна патефон... тухум, қанд. Ароқ, қўйлар, пенсия, ойлик. Пишлоқ, мой, болаларни тарбиялаш.

— Сен нима деб ўйлагандинг,— деди директор.— Карам, картошка, ловия, сут, тузланган сабзавотлар, қўявер, ҳасаддан ҳамманинг қорни ёрилиб ўлсин, йи-гирмата қўйи бўлишни хоҳламайдиган киши бормикин? Бўлса менга кўрсатиб қўйинглар-чи?

— Болаларни тарбиялаш,— Кичик амаким бирдан қулочини ёзиб, Сенонинг бўйнига тушириб қолди, кейин директорнинг қулогига энгашиб, анчагина балайд овозда сўкинди:— Ўша сен берган тарбиянгни...

Бефаросат Сено улар ёнида қаққайганча, мактабни алақачон битиргани-ю, директор билан ёнма-ён турганидан ҳамда яшириб чекаётганга ўхшаб кулимсираб, ҳамманинг кўз ўнгида тутун қайтараётганидан, айниқса, унга тегишли фотосуратни шундай жиддий одамлар қўлларига олганларидан ва гап ана шу фотосурат устида кетаётганига ўхшаганидан ўзини қўярга жой тополмаётганди. У калтак еб, нарироққа қочаётганида, бирдан энди кичкина бола эмаслигини эслади-ю, газабона: «Нимага урасан?»— деганича қайтиб, уларнинг ўртасига туриб олди.

Кичик амаким, бояги-бояги директорга тикилар экан, Сенони яна тушириб қолди, бу гал янада қаттиқроқ урди.

— Нимага уряпсан?!— Сено олдинроққа ўтиб, нақ Кичик амакимнинг қаршисида гўдайдн.

Бу пайтда Кичик амаким директорга шундай деяётганди:

— Комиссия бўлиш яхши, лекин бир пайтнинг ўзида ҳам директор, ҳам комиссия бўлиш, ҳа, энди, мумкин эмас-ку...— Шундай деб... бир қўли директорнинг елкасида бўлган амаким, иккинчи қўли билан Сенони итариб юборди-да, пошнаси билан яна тепиниб қўйди.

Айни пайтда, директорнинг елкасидан қаттиқ қисди шекилли, у қийшанглаб ўзини бир қадам орқага ташлади.

Сено ҳиқиллаб йиғлаганича, Кичик амакимни уриш учун тош қидиришга тушди, у тошни қидира-қидира амакимдан узоқлашаётганди, ниҳоят мўлжалидаги тошни топиб, ердан кўчира бошлади, бироқ у дарров кўча қолмади. Шундан кейин Сено тош ёнига ўтириб олиб, сўкишга тушди.

— Сўкинма,— Кичик амаким шундай дейиши биланоқ Сено чакагини ўчирди. Ана шунда ҳаммамиз Кичик амакимнинг қўли қаттиқлигини тушундик.

Сено қизариб кетган кўзларини Кичик амакимга бақрайтириб қараб турди-да, кейин бирдан ҳаммамизни ҳайратга солган аҳмоқона саволини берди:

— Нима, калтак ейман-да, яна сўкишгаям ҳаққим йўқми?

— Сўкишинг мумкин, лекин билиб қўй — чинакамига ўлгудек савалайман.

— Қочиб кетсам, тутиб бўпсан.

— Бу бошқа гап,— амаким кулимсираб қўйди.

— Нима, қочиб кетишнинг уддасидан чиқолмайди, деб ўйлайсанми?

— Уддасидан чиқасан.— Кичик амаким оғирлигини у оёғидан бу оёғига ташлаган эди, Сено илон чаққандек ўрнидан ирғиб туриб, сўкинганча, жонини ҳовучлаб қочишга тушди. Нарироққа бориб тўхтаб, орқасига ўгирилиб яна сўкинди, кейин сичқоннинг инини ижарага олиб югуриб кетди.

У шу кўйи — орқасига ўгирилиб, сўкиб, қочиб борар экан, ўқувчиларнинг ҳаммаси уни мазах қилиб кулишарди. Директор ҳам кулди, кейин уни чақирди:

— Ҳой, йигит, Макаровангни олиб кет, эшитяпсанми?..

Сено тепаликка чиқиб олгач, ўша ердан туриб Макароваю мактабу унинг директори — ҳаммасини бирга қўшиб, оғзига келганини қайтармай роса сўкинди.

Чинакамига бўралаб сўкди бефаросат. Бунинг учун ғурурланса арзирди, чунки унинг ҳали бир оёғи мактабда эди, биз унга деярли тенгқур-у, бироқ Макарова кимлигини билмасдик, Сено эса шундай аёлдан тониш даражасигача етганди — бу ишида мағрурланиши учун нимадир бор эди-да. Мен ҳасаддан ёрилиб ўлай деяётганимда, жойида депсинаётган Кичик амаким бирдан Сенога қараб югуриб-елиб кетди.



— Нима ёмонлик қилдим, нима қилдим, нима қилдим?— худди уй қуёнидек ғужанак бўлиб олган Сено муштини ўқталиб, шундай дер экан, қуруқ гапу дўқ-пўписа билан қутулиб кетолмаслигини ногаҳон фаҳм-лаб қолди-да, жуфтакни ростлади.

— Рафиқ!.. Рафиқ!..

Кичик амаким картошка экилган даладан югуриб бораётганда, Сено қишлоқдаги қандайдир четан девордан ошиб ўтганди. Кичик амаким четан девордан сакраб ўтаётганида эса, Сено аллақачон жарликнинг нариги томонида эди. Ҳийлагинна вақтдан сўнг — амаким жарликнинг нариги томонига ўтган, Сено эса тепалик устида турган бир пайтда четан девор ағдарилиб тушди.

— Рафиқ, чин сўзим, ҳозироқ райцентрга телефон қилиб, милиция чақираман!

Кимдир танаффус тугаганини билдириб, қўнғироқ чалди. Кимё дарсини минг машаққат билан ўтказдик. Ушбу бир соат давомида нодонлигию ношудлиги даражаси янада ошган кимё ўқитувчимиз ҳам дарсни ўтказиш учун зўр-базўр чидади. Қанийди энди, эри — директор, унинг дарс ўтмай ойлик олаверишини эп-лаштириб берса. У биздан нафратланарди, биз ҳам ундан нафратланардик, чунки бу хўппа семизнинг ҳар бир дарси истиқболимиздаги жуда муҳим ниманидир бузишини тушунардик-да. Дарс деярли яримлаб қолган ва ногаҳоний чўккан бир дақиқалик жимликда кўчадан хотинларнинг қий-чуви, итларнинг вовуллаши эшитилди. Урнимиздан сапчиб туриб, синфдан ёпирилиб чиқдик-да, биз ҳам картошка даласи томон олиб кетдик. Ағдарилиб ётган четан девордан сакраб ўтиб, жарликка тушдик, тепаликка чиққаннимизда эса, қўшни жарликда Сенони ўраб олиб, унинг атрофида куйб-пишиб парвона бўлаётган аёлларни, аста қадам ташлаганча ўрмонга кириб кетаётган Кичик амакимни кўрдик. Унинг кенг елкаси буталар орасидан гоҳ кўринар, гоҳ дарахтлар орқасида ғойиб бўлар, хуллас, у аёлларнинг қий-чувиға парво қилмай кетаётганди.

«Мана бу тбилисиликни қаранглар-а, Тбилисига бориб, одам ўлдиришни ўрганиб келибди-я» — дея аёллар бирлари олиб, бирлари қўйишарди. Гап билан узиб олиб тўғриям қилишаётганди улар — Кичик амаким қишлоқдаги аёлларнинг ҳаммасига парвойи фалак эди. Ҳолбуки, қишлоқда аёллар бор эди. Улар ўчоққа ўт қалашар, хамир қоришар, супуриб-сидиришар, бола

туғишар, кир-чир ювишар, овқат пиширишарди. Қа-  
ра-я, Тбилисимиш! Тбилисингга ёпишиб ол.

Хаёлан Сенони таъзирини бераётган мен эдим, меккаяётган тбилислик ҳам мен эдим, қишлоққа тасодифан келиб қолгандим-у, соч-соқоли ўсиб кетган отам, қўпол Катта амаким, ўзини шу кичкина қишлоқда бутун дунё вакилидек тасаввур этувчи колхоз райси ва катта дунё қийинчиликларини билганлиги туфайли ўз ҳаётини ундан олисроқда қуришни афзал кўрган, бироқ катта дунё роҳат-фароғатларини унутмаган ҳолда, уларни қишлоқда ўзи учунгина иложи борица бунёд этган мактаб директорининг менга ҳеч қандай алоқаси йўқ эди. Ўша кунларда пьеса ёзиб, унда уларнинг орденларни балконларининг ҳаворанг панжараларидан кўра катта дунёга янада кўпроқ даражада ҳурмат билдирган эдим. Раис пьесамни «пейса» деб атади. Мактаб директори ҳам шундай деди, шекилли.

Кичик амаким кўринмай кетган ўрмонда яна битта жарлигу битта тепаликдан сўнг тиканли сим бошларди. У ерда қачонлардир Кавказ ноибни ов қилганди. Рус подшоҳининг Кавказдаги ноибни Воронцов-Дашков ов қилиш учун нақ Тбилисининг ўзидан шу ерга келган, дейишади. Дастлаб кимдир шундай деган-у, энди ҳамма унинг гапини такрорларди, чунки жарангдор исмлардан, олтинлар тўкилган заллардан маҳрум бўлиб қолишга хоҳиш йўқ-да ахир. Ҳа, шундай. Бир пайти келиб, дам олиш ва ов қилиш учун бу ерга мен келман. Ушанда нақ Воронцов-Дашков сўраганидек, бирор ўткинчидан бепарволик билан, мактаб директори қандай яшайпти, деб сўрайман, раисга ҳам эринчоқлик билан, ичим зиқ бўлиб савол ташлайман: «Қандай янгиликлар бор?» Отамдан кўнгил сўраган бўлиб: «Нимадан ёрдамлашай?»— дейман. Кейин ўзимнинг шаҳарлик ов итимни чақириб, унга: «Безовталанма, Рекс»,— деб қўяман.

— Рафи-иқ!.. Ра-фиқ!..

Қуёш чарақлаган сентябрь кунини эди. Эҳ, қанийди энди атрофда ҳеч ким бўлмаса! Ҳеч ким бўлмаганда — ерга чўзилардим улардим. Осмоннинг қаеридандир қуёш тинимсиз қиздирар ва ушбу қуёш остидаги ҳамма нарса чуқур маъною қайғудан тўлиб-тошгандек туюларди. Хўш, ғалла учун ўлиб-тирилиб инлашни ким тонган ўзи? Хўш, нима учун инсон асабийлашмаслигининг уддасидан чиқолмайди? Сукутдаги ўрмонга ўхшаши

**Дозим** бўлган дунёнинг бирданига итхонага айланиши қандай юз беради? Тбилисига борнинг келяптими — марҳамат, катта йўл сенга. Бордию сенга актриса ёқмаётган бўлса, бош устига, армондан чиққунингча сўк.

— Нимага дунё бунақа?— дедим Кичик амакимга.

— Дарслар тугадими?— деб сўради у. Кичик амаким ерда ётар, қишлоқдаги товушлар бу ерга эшитилмас ва бизнинг шу ердалигимиз қадим-қадимдан, бизнинг ота-боболаримиз замонасидан давом этиб келаётгандек туюларди.

Енига чўзилдим, худди амакимнинг ўзидек ётиб олдим, бўйим чамаси унинг бўйи билан баробар, кенг сякаларим ҳам уникига ўхшаши керак эди. Кейин амакимнинг жарангдор овозига ўхшаш овозда дедим:

— Дарсларниям...

Бурунгиамнинг таггинасида тупроқнинг хуш ҳиди анқир, атроф жимжит эди, сукунатда, эҳтимол, хаёлим-дадир, телеграф устунлари эшитилар-эшитилмас гувилларди. Ростини айтсам, ер нам эди, баданимдан совуқ ўтаётганди. Бунақанги ётишни хоҳламас, шу билан бирга, бундан бир дақиқагина илгари сўкинмаган бўлишимни ва эндиликда тепамдан қараб турган Кичик амакимнинг жиддий нигоҳини тўймасликни истардим.

— Бир неча кун бурун пьесамни Ереванга, «Авангард» газетасига юбордим,— дедим.

Орқа миямни пармалаб тешиб юборгудек бўлаётган кўзлар мулојимлашди, ерда яна бўй-басти барабар, ягриндор ва келишган икки ажойиб эркак ётар, бағирларини ерга бериб, унинг ҳидини мириқиб симирардилар.

— Газетада босамиз, деб жавоб қилишди,— дедим.

— Шунақа деб жавоб беришдими?

— Ҳа, газетада босиб чиқаришади, деб ўйлайман,— дедим.

— Сен шунақа деб ўйлайсанми?

— Ҳа.

— Ёшинг ўндами?

— Ун тўртга тўлиб, ўн бешга кетдим.

— Бориб, дарсларнингни тайёрла.

— Тайёрламасдан шундоғам биламан.

— Тунов кунн иштонингни ечган кимиди?

— Оладиган насибасини бугун олиб бўлди у.

— Хурсанд бўляпсанми?— амаким кулиб қўйди.

— Қаринэ чиройлими ё Макаровами, ёки Риммами?

— Иккинчи маротаба чўнтагимга қўлингни тиқа кўрма,— амаким юзини ерга босди.

— Умуман бировларнинг чўнтагини ковлайдиган одатим йўқ.

— Унда Каринэни қаердан билдинг?

— Осмондан. Умуман олганда, миқ этмаслигим ҳам мумкин, гапириб зарил келгани йўқ менга.

— Бошқаларнинг гап-сўзларига қулоқ солсанг бўлаверди, а?

— Умуман, менга ҳеч нарса керакмас.

— Умуман, сен акилдоқ кучукчасан.

— Кейин мен бировга ёмонлик қилмайман.

— Пьеса ёзибди. Газетада босамиз, деб жавоб беришибди. Пулини ҳам аллақачон жўнатишган бўлишса керак. Югур пулингни олгани. Юз минг сўм юборишгандир. Драматург. Кировакандан ўзингга уй сотиб оласан.

Ундан узоқлашар эканман: «Кировакандан эмас, Тбилисидан»,— деб тўнғилладим-у, шу заҳотиёқ аъзо-йи баданим музлаб кетди — амакимнинг бақирғи шу даражада қаттиқ ва кескин эди-да:

— Нима, нима? Нима дединг? Яна бир қайтар-чи!

— ... Ҳеч нарса қилаётгани йўқ,— дедим Катта амакимга,— ўрмонда парвойифалак бўлиб ётибди. Уйга кетайлик, десам, миқ этмади.

— Сенони нимага дўппослади у?

— Сено Макаровани сўкканди, Рафиқ уни тутволиб урди.

— Макароваси ким бўлди яна?

— Артистка.

— И-и, ҳали қишлоғимизга театр келдимиз?

— Сенода Макарованинг фотосурати бор экан, у турникда айланаётганда чўнтагидан сурат тушиб кетди, директор унга: «Ўзингнинг Макаровангни олиб кет»,— деди, Сено бўлса айтдики... Сено сўкинди, кейин Рафиқ уни урди.

— Демак, театр келгани йўқ, шундайми?

— Ҳа.

— Уни қаттиқ урдими?

— Уша пайтда биз дарсда эдик.

— Сенга газетадан хат келди. Мақташибди сени.

Йўқ, мени мақташмаганди. Драматургия жанри — оғир жанрлигини, ҳозир мен фақатгина яхши ўқишим кераклигини кўрга ҳассадек қилиб, очиқ-ойдин ёзиб юборишганди. Тамом-вассалом. Бироқ исмим, худди

газетадагидек, машинкада ёзилган, унинг ёнгинасида эса «драматургия» ва «жанр» сўзлари бор эди, буларнинг ҳаммаси менга тегишли эди. Катта амаким буни нақ мақтов деб тушунганди, мен ҳам худди шундай қабул қилдим буни. Кўнглим ийиб кетди. Катта амакимга:

— Узининг Тбилисисига кетса-кетаверсин-да, нима қиласан унинг йўлини тўсиб?— дедим.

Катта амаким колхоз араваси учун рама тайёрлаётганди. Болта ўтмасмиди ё ёғоч қаттиқмиди, ёки меҳнат кунига тўланадиган ҳақ озмиди,— ҳар қалай амаким истар-истамас ишлаётганди. Кейинчалик, арава битгандан сўнг, аравакашлар уни сўкиб қулоғини қиздиришарди. Ўзи ҳам тез-тез аравакашлик қилиб турарди, ана шунақа кезларда оғзидан боди кириб, шоди чиқиб, ўзини ўзи койир, эйтиборсизлик билан иш қилишини лаънатлаб, чўрт-пўрт деб сўкинаверарди. Агар астойдил ишласа кўзингни ўйнатгудек арава ясар, бироқ бунга ўн кун овора бўларди.

— Ишни пьесадан бошлабсан,— деди Катта амаким.— Жуда соз-да. Арава ясаш кимнинг қўлидан келмайди, дейсан. Ҳаммаям уддасидан чиқади бунинг. Сен ўзингни бил, ўзгани қўй, дарсларингни тайёрлашни бил. Чол-кампирларни боқиб сенинг гарданингда эмас. Отанг ҳам бундан фориг. Чол-кампир Рафиқни беш йил кутишди. Унинг кўнгли бўлса Тбилисига боришни тилаяпти.

Аллақачон қоронғи тушганди. Кечки овқатга ўтирдик. Дунё ишлари-ю, об-ҳаво тўғрисида, кўргану эшитганларимиз борасида ширингина суҳбатлашаётган бир пайтимизда қишлоқ Советининг раиси билан партия ташкилотининг секретари Рафиқни қўлга олгани келганига одамнинг ҳечам ишонгиси келмасди. Эгниларидаги қишлоққа хос кийим, боз устига, ўзимизга ўхшаш одамлар орасида яшашганидан, уларнинг уйимизга келишлари боиси кулги қистатарди. Шу кун пичан ўримида қўлини кесиб олган қишлоқ Советининг раиси яраси аҳён-аҳёнда зирқираб оғриётганини, ишқилиб, қон заҳарланмасайди, деб қўрқаётганини гапирарди. Партия ташкилоти секретарининг жудаям уйқуси келаётганди, у кўзлари сузилиб, юмилиб кетар экан, мудраганича, эртага иши бошидан ошиб-тошиб ётганию уларнинг уддасидан чиқиши амримаҳоллигини айтарди. Кичик амаким эса бу пайтда молхона ёнида ўтирганди.

— Уёқда нима қиляпти у?— сўради отам.

Шусиз ҳам ўзи онамнинг жиғи-бийрони чиқиб тургани, бақириб берди:

— Бутун уруғ-аймоғингиз билан қирилиб кетинг — мана у нима қиляпти!

— Буни ўзимиз ҳам биламиз, мен, Рафиқ нима қиляпти, деб сўраяпман.

Онам Кичик амакимнинг овозига масхараомуз тақлид қилиб жавоб қайтарди:

— «Ҳеч норса қила-ётганим йў-қ... ў-тириб йиғ-ло-ялмон... ёхши кўро-мон... Тбилисига кетишни хоҳлоймон...» Қўндоқда теккан бу сенларга!— деб яна бақириб қолди онам.— Ҳаммаларинг бир гўрсанлар! Ҳаммаларинг! Қим сенларнинг оёғингга тушов бўляпти — борларинг, югурларинг! Менга деса ҳозироқ Махачқалъаларингга югуриб, битта-яримтасининг бош-кўзини айлантирларинг!

Севги-муҳаббат шаҳарга тегишли, шаҳарга хос матоҳ эди. Онамнинг ўзи деярли шаҳарлик эди — у вояга етган қишлоқ шаҳарга жудаям яқин бўлиб, севги-муҳаббат ҳам уники эди. Онам ва севги — булар бир-бирига жуда мос эди. Мана бу дўрдоқ лаб такасалтанглар, мана бу ака-укалар эса нимагадир бирлари Тбилисида, иккинчилари Польшада, учинчилари — отам уруш кезлари Махачқалъада ошиқи-беқарор бўлганди.

— Аканг чақиряпти сени.

Кичик амакимнинг букчайган елкаси ой нурига чўмиб, бир текисда чиқиб-тушар, бугдоймағиз юзи қорамтир бронзадек товланарди. Яккаю ёлғиз чигиртка ўзининг совуқ тирқишида туриб олиб, муздек ер қўшиғини айтарди. Муҳаббат савдоси бошига тушган география ўқитувчимиз паст овозда хиргойи қилар, баъзан унинг йўғон товуши орасида бошқа — аёл кишининг самимий майин товуши эшитиларди, агар диққат билан қулоқ солинса уларнинг сўқмоқда қадам ташланларини фарқлаш, борди-ю, синчиклаб қаралса, уларнинг дарахтлар ортидаги шарпасини пайқаш мумкин эди.

— Эшаклар билан ўқитувчиларга солиқ солинмайди,— дедим.

Кичик амаким менга астагина ўгирилиб қаради. Ҳамиша шунақа эди: унга ёқиш учун бирор иш қилсам ё гап гапирсам албатта бемаънилик бўлиб чиқарди. Бидирлаганимча, тўрсиллатиб дедим:

— Аканг чақиряпти.

Ой ёғдусида акасининг — отамнинг гавдаси чайқалиб кўринди.

— Рафиқ? Рафаилмисан, Рафаил...

Ака-ука бир-бирларини қучоқлаб, бошларига бошларини қўйиб, у ёқдан-буёққа аста тебрана бошлашди.

— Рафиқ. Рафаил, эҳ сен... — Отам юзини қўшиқ эшитилаётган ўрмонга ўгирди. — Ҳой, йигит, кел, эртагаёқ сени уйлантириб қўяйлик, бизни ўз ҳоли-жонимизга қўясан шунда...

— Уғлингни уйлантиравер!

Жимлик чўкди, кейин ўрмондан аёл кулгиси эшитилди, отам нимадир демоқчи бўлди-ю, бироқ индамади — довдираганича ўрмон томонга тикилди, Рафиқ эса хўрсинди, шунда менинг кўнглим яна бирдан меҳр-муҳаббатга тўлиб, дилтанг бўла бошладим. Йиглагим келиб кетди.

Ака-ука бир-бирлари билан қучоқлашганча, бир нуқтага тикилишар ва уларнинг бу ҳолати эски бир фотосуратни эслатарди. Шу лаҳзада отам учун йўқ эдим, бегона эдим — у ўзининг қадимий оиласига қайтганди. Онам, Катта амакимнинг хотини, нима ис-таётганларини ўзлари билмайдиган йигирма-ўттиз серғаш ва ғалати феъл-атворли барча болалару неваралар ҳам ҳозир мавжуд эмасди унинг учун. Ҳозир ўзларининг ҳазил-ҳузулларию, меҳр-муҳаббатлари, катталарга ҳурмату кичикларга ғамхўрликлари туфайли аҳил, иноқ оила бор эди. Албатта, бу мулозаматлар қадим-қадимда бўлганди. Кейинчалик ғамхўрлик ҳаммасидан устун чиқиб, ўртада ундан бошқа ҳеч вақо қолмаганди.

— Қанақа айтиларди ану... «Осмон юзин тўсади бўрон...»

Осмон юзин тўсади бўрон,  
Кўкка пуркаб қорли қуюнлар.  
Дам ўкирар мисоли ҳайвон,  
Дам гўдакдай таратар унлар...  
Эй, сен, ғариб дамларга ҳамдам,  
Ёшлигимнинг содиқ бекаси...  
Ол қадаҳин, пчайлик ғамдан...

... — Улар шеър ўқишаётган бўлса сенга нима? — дедим онамга. — Уқиб, яхши қилишяпти. Агар билганингда, сен ҳам ўқиган бўлардинг.

— Сени катта қиламан деб, шеър ёдлашга вақт тополмаганман.

— Катта қилмагин эди.

— Яна битта доно топилди.

Кейин тупроқ супада ўтирган ака-укадан бири йўталди, шамоллагандек қаттиқ йўталди, шунда улар ёнига бориб халақит бериши учун онамга яхшигина баҳона топилди. Ака-ука уйга киришди. Кичик амаким нимагадир бегонасираб, эшик олдида тўхтаб қолди. Отам эса қандайдир суратни керосин лампа ёруғига тутиб кўра бошлаганди, онам унинг қўлидан тортиб олди.

Суратдаги қиз ҳар биримизга эътиборсизлик, айни пайтда, диққат-эътибор билан қараётгандек эди. Қизнинг кўзлари унга меҳр-муҳаббатимиз уйғонишига ундар, бироқ жон олгич шу кўзларнинг ўзи ушбу кулбадагиларнинг биронтасини ёқтирмасди. Мана шу Қаринэ расмга тушаётганда, турган гапки, бизнинг хунукдан-хунук қилиб бўялган деворларимизни, отамнинг катта-катта қўлларини билган. Мана шу Қаринэ, олисда туриб, бизни кўрмай кўнглидан шу фикрларни ўтказаётгандек эди: «Мен ўзимга яраша яхшиман-а, лекин, мана, сизлар — сизлар сал менинг тенгиммассизлар-да». Бироқ, бундан биз ранжимадик, унинг учун барча сигиру гиламларимизни сотиб, ўрнига ўрин ҳеч нарса сўрамасликка тайёр эдик. Унинг ёқимли иси ҳали ҳам амакимнинг димоғидан кетмас, ҳали ҳам унинг кокиллари амакимнинг иягига хуш ёқарди.

— Борамиз-да, унаштириб, ўзимиз билан бирга олиб келамиз,— деди отам керосин лампанинг қизғиш нури ёритиб турган хонамизда турганча.

— Сигирларни соғиши учун олиб келасизларми?— деди онам остонадан орқасига ўгирилиб.

Йўқ, ўзи қанақа дунё бу, а? Онам шаҳар тўғрисидаги ўз хаёллари билан аллақачон бир умрга хайрлашган ва модомики шундай экан, асл, ҳақиқий деҳқон аёлдек яшашни хоҳлайди. Аммо-лекин шаҳарнинг эзгу хотиралари кумушранг сочли мана бу қизга нисбатан унда ачиниш туйғуларини уйғотаётганди. Кичик амаким севиб қолган қиз ҳозирги кўринишида онамнинг қизлик пайтини, ўзида мужассамлаштирган бўлиб, онам ҳозир уни қандай алдаб-сулдаб, кўндириб, ўзидан бир қадам ҳам ажралмайдиган болалари орқасидан елиб-югуриб юриши учун мана шу хилват қишлоққа аўрлаб олиб келишларини, ўзининг Махачқалъасини



бошқа севмаслиги ва әсламаслиги учун зўрлаб олиб келишларини тасаввур этаётганди.

— Олиб келингләр — отхонанинг гўнгини тозаласин. Бир қўлига паншаха, бир қўлига зил-замбил пақир тутқазиб, яна боланиям ортмоқлатиб қўясизлар, олиб келаверингләр!..

— Чакагинг очилди-я...

— Униям чакаги очилмаслиги учун оғзига уриб...

— Бас қил!

— Йўқ, сениям бир тукинг шулардан каммас, деб айтсамам, буларга бир қарагин-а, — деди онам менга. — Вой, худойим-эй, қанақа одам экан ўзи булар, минг қидирсанг ҳам буларга ўхшаган бошқа нусхани тополмайсан, фаҳм-фаросатдан зиғирчаям йўғ-а — сенам шуларга ўхшаб бефаҳмсан. Менга қара, — у Кичик амакимга ўгирилди, — бу форманг тўзиб кетгандан кейин нимани киясан? Ҳаммасини айтиб туриш керак буларга, ўзларининг ақллари етмайди, каллалари ишламайди. Нимани хоҳлайман? Эртага эрталабга буюм халтангни тайёрла — Тбилисига жўнаймиз. Агар эртага бормасанг — Тбилисидан ҳам, қизингдан ҳам умидингни узавер.

— Тўғри гапиряпти. Биз қариялардан хабар оламиз, — деди отам.

Чойнак учун бошқа хонага йўл олган онам, ўзига ўзи иш орттирганини бирданига тушуниб қолди, эргинаси бўлса — қачон қаранг-қараманг, юк отининг ўзгинаси. Хотинининг хатосини тузатиш ўрнига, бошини силкиб унинг гапларини маъқуллаб, розилик билдиргани-билдирган. Тентак, ўзини ўзи бўйинтуруққа тутиб беряпти-я. Онам орқасига қайтди-да, эшик бўсағасида турганча, вайсашга тушди:

— Нима дединг? Энди бир ками, қарияларга қараш қолувдими?! Паншаха, кир ювиш, сен, болалар, сигир, чўчқа, энди устамасига яна қарияларми?! Виждонинг борми ўзи, ҳеч ачинасанми менга?! — Бир лаҳзада онам қартайиб, кўз ости қовоқлари халқобланди.

— Чўчқаю товуқлар, куйдириб-пиширишу кир ювиш, колхоз ишию паншаха, энди яна қарияларинг борми?! Уларнинг ўзлари келишсин бу ёққа! Эй, ҳаммаларинг ҳам қирилиб кетларинг!

Шу куздами ё бошқасидами, ҳар қалай ишқ оташига мубтало бўлиб, Кичик амакимнинг ҳолатини ёруғ дунёда якка-ёлғиз ўзимгина тушунаман, деб юрган кез-

ларимда у уурдан тўрт яшар айғирни танлаб олди. Бу айғир, ўзининг тўрт ёшли элик уч биродарига ўхшаб, водий бўйлаб елиб-югурар, сув ичар, ўтлар, ҳуркиб қочиб кетарди — қисқаси, бошқа айғирлардан ҳеч фарқ қилмасди. Аммо-лекин айғирни тутаётган, айниқса ушлаган пайтда маълум бўлдики, у лаҳча чўе экан. Уни ерга ағдариб, қорни остига қамчи билан шунақанги уришдики, бурнидан қон кетди, тоза эзгилашди, аъзойи баданини бурда-бурда қилиб ташлагандек бўлишди — хуллас, унинг оловлигидан ном-нишон қолдиришмади. Айғир шунақанги юрак олдириб қўйдики, пировардида Кичик амаким унинг ўрнидан туришини сўраб, ялиниб-ёлворишга тушди, биз унинг қайтиб оёққа туришидан аллақачон умидимизни узгандик. Кичик амаким чўққайиб ўтириб олиб, айғирнинг тумшугидан ўнишга тушди. У эса чўзилиб ётганча, бундан кейин ҳам ҳеч кимга бўй бермаслик учун куч йиғаётганди. Кейин амаким айғирни судраб уйга олиб кетди. Йўл-йўлакай унга содиқ биродар бўлишга ваъда бериб, қанд узатар, аммо бу тентак айғир Кичик амакимни тоғ томонга судрар ва дам-бадам орқасига қараб қўярди. Кичик амаким эса бунга парво қилмай, болалар уни қийнашига йўл қўймаслигини, ўзи тез-тез чўмилтириб, қашлаб, қўлда овқат бериб боқинини, мабодо тақаси тушиб кетса янги тақа қоқтирмагунча ҳеч қаёққа миниб бермаслигини, худди эшакка юк юклагандек унга бугдой ортишлари учун бировларга бермаслигини гапириб борарди. Амаким яна нимадир деган эди, тентак айғир бирдан олдинги оёқларини кўтариб типпак турди-да, уюр томонга ташланди. Лекин бундай қилиши керак эмасди, керак эмасди бундай қилиши... Ҳали унинг суяклари қотмаган, мўрт эди, бундай қилиши керак эмасди... У ағдарилиб тушди. Болдир суяги майда-майда бўлиб кетди.

— Ахмоқ, каллаварам!

Айғир кишнади, бирдан қаттиқ кишнаб юборди, ҳалиям жони танасига сиғмаётганди, ўрнидан туришни истарди у, ўрнидан турди ҳам, бироқ оёғи синиб, осилиб қолди, айғир ўзини ўт устига ташлади. Уюр қаердадир тоғ йўлида елиб-югурар ва айғирни ўзига етиб олиши учун чақирарди, у бўлса бир ерда ётганча гир айланаётганди. Ўзиниям, ерниям қийнаётганди. Кўпиклаб кетганди у.

— Учига чиққан ахмоқ...

Кичик амаким айғирнинг ёнига чўккалаб, у билан

бирга гир айлана бошлади. Кейин ҳамма нарса кўз олдидан жимирлашиб ўта бошлаганини, олис уфқлар айланиб, туман ичра бир-бирига қараб сузаётганини сезиб қолди. Шундан сўнг сигарет тутатиб, бу ердан кетди. У Катта амакимга ниманидир айтмоқчи бўлиб, икки кунгача юрди. Шу икки кун ичида унинг овози хириллаб қолди. Катта амаким ўзининг олдида чекмаслигини ундан кўзлари билан талаб қилар, у эса акаси борида чекмаслиги лозимлигини бутунлай унутганди. Калласи бошқа фикрлар билан банд эди унинг. Кичик амаким қўли билан кўз олдидан тутунни ҳайдар экан, тутулиб, димоғида ўзига ўзи дерди:

— Бутунлай терлаб кетди, кўпикланиб кетди, кўкиштоб-оқ эди... йўқ, қорайиб кетганди, тердан деярли қорайиб кетганди...

Арава учун тахта йўнаётган Катта амаким қўлидаги болтасини бир четга қўйиб, қўпол ботинкали оёқларини базўр судраб босиб, унинг ёнига келди-да, сигаретини тортиб олди. Кейин уни оёғи остига ташлаб, эзғилар экан:

— Айғир учун беш юз сўм тўлагандим,— деди,— беш юз сўм нима деган гап? Топиб олганимдаям хурсанд бўлмасдим унга. Айтайлик, сен айғир миниб келаётгандинг. У оёғини синдириб қўйди. Тамом-вассалом.

Худди шу вақт ферма мудирин Левон адирдан бақриб қолди:

— Анови бўталоққа айтиб қўйинглар, бўрилар билан қарғалар тўпланяпти, терини ишдан чиқариши мумкин!.. Ҳаром қотса териси расво бўлади... Эшитдингларми гапимни?..

— Эшитдингми?— деди Катта амаким Кичик амакимга.

Левон бўлса, биз яхшироқ эшитишимиз учун яна бир карра қичқирди:

— Ҳаром ўлса териси расво бўлади!

— Нима қилсамикин энди?— Кичик амаким Катта амакимдан сўради.

Каттаси жавоб беришга ҳали улгурмаган ҳам эдики, яна Левоннинг овози эшитилди. Левон, ростга кўчганда, кўнглида борини аллақачон тўкиб солган ва орқасига ўгирилиб, ўз одамларидан ким биландир гаплашаётганди, аммо-лекин Кичик амакимнинг феъл-атвори унга ҳаддан ташқари эриш туюлаётганди шеклилли, ҳали ҳам шу ҳақда ўйларди. Ҳазаблангани

боисидан овозини чиқариб ўйлар, шамол эса унинг биз тўғримиздаги фикрларини учуриб келтирарди:

— Иштонсиз итваччалар, яланғочваччалар, орқаларингни очиб юраверларинг, Манташнинг қашшоқ неваралари! Шоирваччалар! Жиннилар! Ахмоқлар!..

— Эшитдингми?— сўради Катта амаким Кичик амакимдан.

— Эшитдим. Нима қилишим керак?

— Бориб, терисини шилиб ол.

— Қандай?— ўзини йўқотиб деди Кичик амаким.

— Нима қандай?

— Ҳали ўлгани йўқ-ку.

— Ҳа-я...— Катта амаким фаҳмлаб қолди.— Ўзинг билан болтани ола кет.

— Нима қиламан болтани?

— Вуй-й...— ажабланди Катта амаким. У камгап одам эди.

— Кўтариб олиб, «вуй-й» деб қичқирим учун керакми болта?

— Вуй-й...— янада баттарроқ ажабланди Катта амаким.

— Болтани ола кет, деяпсан...— Катта амаким жавоб қайтармай, Кичик амакимга фақат тикилиб тураверди, шунинг учун Кичик амаким гапида давом этди:— Терисини шилиб ол, деяпсан, мен эсам — ҳали у ўлмаган-ку, деяпман, болтани ола кет, деяпсан...

Ана шунда Катта амаким ўзини тутолмай, ҳаддан ташқари кўп гапириб юборди:

— Бўлар-бўлмасни гапиришга тилимни қичитаверма.

— Менга қара, ўзинг, болтани ола кет, деяпсан. Хўп, ана олдим — энди нима қилай?— Кичик амаким мана шу икки кун ичида, тўғрироғи, ундан анча илгарироқ ҳам кулгини жуда соғиниб қолғанди, шунинг учун акасининг сусткашлигига камгаплиги, жаҳли гоҳ кнстаб, гоҳ юмшашни унга кулгилни кўринаётганди.— Мана, олдим, нима қилай энди?

— Ҳа-а-а...— Катта амаким ниҳоят фаҳмлади.— Уни болта билан ўлдириб, терисини шиласан-да, олиб келасан.

Кичик амаким қалин лабларини осилтирганча, унга тикилди, кейин меровсираганча қўлини силкиб, ямланди:

— Ростданми... ҳазиллашаётганинг йўқми?..

Катта амаким унинг чўнтагидан папиросини пачка-

си билан олди, қўлида эзгилади, гугуртини ўзининг чўнтагига солиб қўйди, кейин гарчи Кичик амакимнинг камари роса сиқиб боғланган бўлсаям, унга болтани тиқиб, елқасидан итарганча, деди:

— Боравер энди.

Кичик амаким тепаликка чиқиб, адирга кўтарилди. Ҳам қулоғи битиб — шамол қўшиғини эшитмай, ҳам паришонлик билан — атрофдаги ям-яшил барра ўтларни кўрмай, ҳам карахт бўлганча — тиниқ тоғ ҳавосини ҳис қилмай тўппа-тўғри оти томон юрди. Кўз олдини қоронғилик босган ҳолда айғирнинг бошига болта билан туширди. Кейин оддан уфураётган иссиқдан куйиб, қўллари, оёқлари билан, болта билан чуқур қазиди, отни кўмди ва катта иягини олдинга чиқариб, қишлоққа тушиб борди.

— Терини олиб келмабсан, яна болтаям ишдан чиққан,— деди Катта амаким.— Терига келсак, хўп, тушунарли, сени мажбур қилмайман, лекин болтани темирчига олиб борасан.

— Фақат мен эмас!— Кичик амаким эгилиб, ердан синган папиросларни териб олди.

Катта амаким унга яқинлашиб, папирос қутчасини яна оёғи билан босди, кўкрак чўнтагидан эски пул ҳисобида беш сўм чиқариб, қўлига тутқазди-да, болтани унинг кўксига босиб, қўлини боплаб устига қўйдириб қўйди.

— Темирчи ҳозир уйида, уни оласан-да, биргалашиб темирчилик дўконига борасан. Пўлат расво бўлмаслиги учун ўзинг қараб тур.

Шундан сўнг Кичик амаким темирчининг уйига қараб кетди. У армиядан қишлоққа бир йил бурун хушсурат, хушбичим, кўз қарашлари сал ғамгинроқ йигит тарзида қайтиб келганди. Қишлоққа келишни истамаган ўзининг маҳбубасини у ёқда, Тбилисида қолдирганди-да. «У қишлоқ учун яратилмаган»,— дерди Кичик амаким. Унинг ўзи Тбилисига боришни хоҳлар, бироқ Катта амаким: «Ола кет ўзинг билан...» деб қўярди. Бу билан у: «Ола кет ўзинг билан қарияларни — онам билан отамни»,— демоқчи бўларди. Чол-кампир эса ҳеч қанақанги Тбилиси тўғрисида эшитишни хоҳлашмасди. Кичик амаким ноилож акасига ялинишга тушарди: «Сиз билан бирга қола қолишсин, қолишса нима қилади?...»—«Сен кичик ўғилсан»,— дерди унга жавобан Катта амаким ва укасига қайлиқ қидириб қоларди. У қўлидаги бармоқларини бирма-бир букиб,

қизларнинг номини айтиб санаб берарди. Кичик амаким бўлса фақат бош чайқарди, холос. Ана шундан сўнг Катта амаким Кичик амакимга ялиниб-ёлворар ва ана шу дақиқаларда у чинданам аянчли аҳволга тушарди:

— Утинаман, қайси бир қизни хоҳласанг, биронтаси ҳам йўқ демасдан сенга жон-жон деб тегади, ахир менга раҳминг келсин, қийнамасанг-чи мени...

Бироқ Кичик амаким бошини чайқаб, ўрнидан туриб кетарди:

— Кетаман бу ердан.

Катта амаким жимжилоғини ушлаб кўрсатиб, илтифотсизлик билан «Каринэ» дер, Кичик амаким эса кўзларини юмиб оларди. Кейин Катта амаким унга қараб бўқирарди: «Итвачча!»

Униси бўлса кўзларини қисиб, уёқдан-буёққа теб-рагганча, миқ этмай тураверарди. Ана шунда Катта амакимнинг жини кўзиб, уни уриш учун яқинлашарди-ю, бироқ қўлини кўтармай, яна бақирарди:

— Итвачча!— Кейин бу сўз маъноси укасининг онгига етиб боргунча сабр қиларди-да, қўшиб қўярди:— Гўдак...— У яна шунга мос келадиган сўзларни қидира бошлар, бироқ уларни тополмагач, анчадан кейин:— Латта...— дерди.

То Кичик амакимнинг қалин лаблари қийшая бошлаб, сўкиш сўзлари кўз ёшлари билан навбатма-навбат алмашиб, пайдар-пай отилиб чиқмагунча Катта амаким гапини шу тарзда давом эттираверарди.

— Туф-э, яна йиғлагани ортиқча...— Катта амаким уйга кириб кетиб, хотини билан уришаётганини тўсатдан пайқаб қоларди, аёл киши билан жанжаллашиш эса — эркак шаънига мутлақо номуносиб иш. Шундан сўнг у хотинининг бақирёқ-чақирёқидану уч ойлик чақалоқнинг бўғилиб йиғлашидан қочиб, уйдан яна ташқарига чиқарди-ю, укасини кўрарди. Худди шу лаҳзада Катта амаким Кичик амакимни жудаям яхши кўриб кетарди, чунки у аёл киши эмасди-да, хотинлардек тили ҳам бурро эмасди унинг. Катта амаким остонада турганча, Кичик амакимга осойишталик билан дерди:— Варданнинг қизи Лусик ўтган ёзда саккиз юз ўттиз меҳнат куни ишлаб қўйди. Мен эсам эркак бошим билан бор йўғи беш юз етмиш беш меҳнат куни ишладим. Декламация қилишни ҳам билади. Ованес Туманяндан ўқийди, билмаган нарсаси йўқ: «Маро» поэмаси, «Қиш кечасида»...— У бармоқларини букиб, Варданнинг

қизи Лусик яна нималарни декламация қилишини санаб кетар, навбат жимжилоғига етганда эса истеҳзо билан кулиб қўярди: Каринэ.

Назаримда Катта амаким қўпол, таълим кўрмаган бир одам эди. Кўпинча у сургундалигида қанақа бўлганикин, деб ўйлаб қоламан. Бир куни тунда у тақир дала бўйлаб бораётганида — ўшанда қор бўрони бўлиб, Катта амаким битта кўйлақда экан, — чўчқахона учраб қолибди. Шунда у чўчқаларни ўрнидан турғизиб юбориб, уларнинг иссиққина тўшамасига ётиб олган. У Кичик амакимдан папиросини тортиб олаётганида, унинг асл жойи — ўша чўчқахона, деб хаёлимдан ўтказдим.

— Дунё нимага бунақа, — Кичик амакимнинг елкасига ниқтаганча нолидим.

... Кичик амаким темирчи билан бориб, пўлат бузилмаслигига кўз-қулоқ бўлганча, болта дамани уриб тўғрилатди: темирчининг дўконидан эса йўлни тўғри адрга қараб солди. Шамол қўшиғи, сабза ўтлар, соф тоғ ҳавосини у сезмасди. Кейин нақ ваҳший сиртлондек, у отни кавлаб чиқариб, терисини шилиб олди. Уралган терини қўлтигига қисиб, шахдам-шахдам қадам ташлаб, шиддат билан қишлоққа қараб кетди. У йўлда борар экан, армияда ўрганган русча сўзларидан бирини такрорлагани такрорлаган эди: «Хватит? Хватит? Хватит?»

Унинг орқа томонида, нақ уфқнинг ёнгинасида уюр олов учқунларидек ҳар томонга сочилиб, кўзни қамаштириб юбораётганди.

## МЕСРОП

Отбоқар арманилар тарихини яхши биларди. Шу билан бирга ўзининг арманилигини тушуниб етган яқкаю ягона киши ҳам у эди. Бошқалар эса ўзларининг фақат чўпонлару сут соғувчилар, бузоқ боқувчилару жун қирқувчилар эканликларини, қишли-қировли кунлар бошланиши билан тоғдан илиқ-иссиқ водийга тушишларини кунлар илий бошлаши билан яна тоққа равона бўлишларинингина билишарди, холос. Бироқ отбоқарга шунинг ўзи камдек, тоғдан кўринувчи уфқлар чеклангандек туюлар ва у ўзи яхши билган Арманистон тарихини ҳикоя қилишга тушарди. Чамаси, у озроқ лофқофи билан гапирарди, негаки ҳар гал бошқача ҳикоя қиларди: арманилар тарихи гоҳ бундан ўн минг йиллар

аввалги даврга бориб тақалар, гоҳ салкам нақ кечагина, айтайлик, 1890 йилдан ёнги 1907 йилдан бошлангандек бўлиб чиқарди. У шундай дерди: «Уруғимиз бошлиғи Зармайр Трояда юнонларга қарши урушган. Уруғимиз бошлиғи Зармайрни нақ Ахилнинг ўзи ўлдирган. «Илиада»да шундай дейилган». Кейин нимагадир бирдан жаҳли чиқиб, бақришга тушарди: «Беҳуда гап ҳаммаси! Арманиларни тарихчи Лео ўйлаб топган! Леогача ҳеч қанақанги армани бўлмаган! «Ит ва мушук!» Муаллифи — Ованес Туманян. Мушук — телпакчи. Беҳуда гап! Мушук ҳеч қачон телпакчи бўлмаган! Итга телпакнинг ҳожати йўқ! Ованес Туманян стол ёнига ўтиргану ҳаммасини тўқиб чиқарган, бошқа столда эса Лео ўтириб, арманилар тарихини ёзган. Уруғ бошлиғи Зармайр... Буни қаранг-а, кўнгли нимани хоҳламаган... бўлмаган гап!..»

Ҳамқишлоқлари — чўпонлар, жун қирқувчилар, сут соғувчилар унга эътироз билдиришмасди, уларнинг ишлари қўйларнинг юнгини қирқишу сигирларни соғиш эди-да, мана бу нарсалар — Лео, Ованес Туманян, Зармайр, бизнинг эрамиз, эрамиздан олдин, 1907 йил — буларнинг бари эса отбоқарнинг уйидаги ашқол-дашқолларга ўхшаш гап эди — хоҳлаганича жойлаштираварди уларни. Аслида отбоқар уларга, пешонасига отбоқарлик эмас, бошқача бир йўсиндаги одам бўлиши битилганини айтишни хоҳларди.

— Лашкарбоши Тигран, — қўлларини кўтариб дерди у, — шаҳаншоҳ, айтмоқчиманки, подшоҳлар устидан турган подшоҳ, — у ҳафсаласи пир бўлиб қўлини пахтага туширарди-да, чийилдоқ овозда давом этарди, — қўшин тўплади. Тўплайверди, тўплайверди — минг кишини тўплади. Юз минг аскар йиғди. Ярим миллион, бир миллион кишилик қўшин тўплади-да, ҳаммасини кўкка совурди. Энг яхшиларнинг яхшиси, подшоҳларнинг подшоҳи... Бўлмаса-чи, бўлмаса-чи... Хон, рожа, маҳорожа, шоҳ, ҳарам, ҳарамда минглаб яланғоч аёллару қариб, қилвираб қолган битта подшоҳ, яъни ҳукмдоримиз Тигран. Подшоҳлар устидан подшоҳ...

...Бўри Ваан. Келишди — енгди, келишди — енгди, келишди — енгди, ҳаммани енгди. У душманни қирарди-ю, бошқалар ўлдирилганларни санарди, бу қирарди-ю, улар ҳисоб-китобини қилишарди. Санашди, санашди, миллионта санашди, миллионгача санашди-да, бундоқ қарашса, бу бутун бошли Эрон. Ана шунақа!

Кейин бирдан у ҳозиргина айтганларининг теска-



рисини исботлашга тушиб кетарди, худди шу фактларнинг ўзини келтирарди-ю, лекин энди улар бошқача жарангларди:

— Келишди — алдади, келишди — қўйинларини пуч ёнгоққа тўлдирди, яна келишганди — яна алдади, боплаб лақиллатиб жўнатиб юборди, кейин бошқа келишмади — омон-омонлик бўлди. Кейин турклар келишди. Азроилдек бағримизни хувиллатиб кетишди. Бунақанги ғамни бошидан кечириб, тирик қолганлар фахрланиши керак. Фахрланса арзийди. Биз ажойиб миллагмизда ўзи, а? Тўрт минг, йўқ, беш, қаёқда беш, ўн, ўн минг йилдан бери дунёда яшаб келяпмиз, яшаш ҳалиям жонимизга тегмаганини қаранг-а?

Ҳеч ким унинг гапидан ҳайратланмас, ҳеч ким унга эътироз ҳам билдирмасди — шунчаки ўз ишларини давом эттираверардилар, сизирларни соғинашар, қўйларнинг юнгини олишар, ёмғирда қолиб ивишар, кийимларини офтобда қуритишар, қўшни озарбайжонлар билан озарбайжонча гаплашишар, сўзларни аниқ талаффуз қилолмаганлар устидан кулишарди, қилган меҳнат кунларига ҳақ олишарди, мукофот олишарди, — яшашарди. Буларнинг ҳаммасини тахминан шундай тасаввур қилиш мумкин эди: тоғлар, сабза ўтлар, подалар, от уюрлари, булутлар, кейин Месроп Казарян исмли эллик ёшдаги бир киши, ўзи билан ўзи гаплашиб, подалару уюру булутлар орасида, бу бепоён ер куррасининг фақат бир парчасигина — Лора қисмигина кўриниб турадиган тоғлар ўртасида санқиб юрарди.

У озарбайжонча гапирмас ва: «Афсуски, туркча гаплашишни билмайман-да» дейишдан нарига ўтмасди. Ана шундан сўнг қўшни подачилар у билан арман тилида сўзлаша бошлашарди. Лекин Месропнинг асли нияти бу эмасди. Хафа қилиш учун уларни турк деб атарди, улар эса хафа бўлиш у ёқда турсин, ҳатто парво ҳам қилишмасди бунга, чунки турк эмасдилар-да. Озарбайжон ҳам эмасдилар. Шунчаки, бизнинг подачиларимизга, сут соғувчиларимизга, жун қирқувчиларимизга ўхшашарди, холос, қўйларни ўтлатишар, юнгини олишар, вақти келганда ёмғирда қолиб ивиб, кийимларини офтобда қуритишарди ва ҳоказо. Фақат бир нарсадагина отбоқар қолиб эди деса бўларди. Озарбайжон чўпонлар олис-олис этаклардаги ўз ерларидан бизнинг тоғларимиздаги манзилгоҳларга келишганди, манзилгоҳларга энг яқин қишлоқ эса бизнинг қишлоқ эди, шу боисдан ҳам тоғлар ҳамини биз-

га ўз мулкимиздек туюларди. Тоғлар деярли йил-ўн икки ой — кузу қишу баҳорда бизники эди, ёзда эса улар пастдан ёнимизга чиқишганда, худди бизнинг уйимизга келишгандек бўларди. Шунда беихтиёр, чашма ёнидаги сувлоқни бир замонлар Артёмнинг ўғли Артин қурганди, — деб ўйлардинг, — энди эса уларнинг чанг босган гала-гала подаси у ерда тўпланиб олди, юз йил муқаддам Қазар ўғли Авет қўйлар туз ялаши учун тоғ ёнбағрига ялпоқ тошлардан жойлаштирганди, уларнинг қўйлари эса ўша тошларни ўраб олиб, бизнинг қўйлари-римизни сиқиб чиқаришди. Урмонда, жарликларда, дарахт таналарида ўйиб ёзилган ёзувлар бор: подачиларимиз ўз исмларини уларга нақшлаб, ҳатто об-ҳаво қандай бўлганини ҳам кўрсатишган: «Бўри болалаётган ёнгарчилик кунда ёзилди». Шунақа ёзувли дарахт кўз ўнгингда ўз ҳолича яшаб турганди, баногоҳ, қарабсанки, уларнинг чўпони уни шартта кесиб, ҳўки-зига судратиб кетяпти.

— Турклар келишди, — дерди отбоқар. — Қаердан пайдо бўла қолишди улар? Асар ҳам қолмаган эди-ку ахир булардан. — Бир оз сукут сақлаб турарди-да, яна давом этарди: — Ҳа, йигирманчи йилда қайтадан вужудга келтиришганди уларни. Сергей Миронович Киров, — маънодор қилиб дерди отбоқар. — Уттиз йил ичида, хўш, бинойидек одам бўлиб қолишди. Социализмнинг қудрати ҳам мана шунда... Ахир улардан ному нишон ҳам қолмаганди-да, мана, қайтадан вужудга келтиришди. Вужудга келтириб, Артин чашмасига олиб боришди, фойдаланишлар, дейишди. Жонинг жаннатда бўлгур, Артин, агар сен бўлмаганингда, уларнинг қўйлари қаёқдан сув ичишарди?.. Таклиф қиламан, Москвага шикоятнома ёзамиз, ўтлоқларимизни қайтариб беришсин.

Гоҳида биз билан қўшниларимиз ўртасида жанжал чиқиб турарди. Бизнинг пода бехосдан уларнинг дала-сини пайҳон қиларди-ю, олишув авжига чиқарди: — кимнингдир пешонаси ёрилар, кимнингдир қўли чиқиб, шалвираб қолар, кўйлақлар тириллаб йиртилар, озарбайжонлар арманчасига бўралаб сўкишар, бизникилар уларга туркча сўкиниш билан жавоб қайтаришар, кучуклар югуриб келар — ҳаммаси аралаш-қуралаш бўлиб кетарди... Кейин биргаликда овқатланишарди. Улар лавашларини ўртага қўйишарди, бизникилар виво келтиришарди, бир-бирларининг соғлиги учун ичишарди, қадаҳлар кўтаришарди, бутунлай эс-ҳушлари

ўзларига келиб, мулойим тортишмаганми, ҳаммалари қам нима учун мана бу ёнларида ўтирган кишининг боши борлангану бошқасининг кўйлаги йиртилганидан, учинчи бир одамнинг кўли бўйнига осиб қўйилганидан ажабланишарди. Бўлиб ўтган муштлашув тилга ҳам олинмасди, қарабсизки, худди улар бир умр дастурхон ёнида шундай ўтиришган ва кўйлак овқат маҳалида йиртилгандек бўлиб чиқарди.

Отбоқар эса бизнинг чўпонларимизни мазах қиларди:

— Хўш, форсча гаплашини эсан чиқмаган эканми? Ё бу гап ҳиндча сўзлашдингларми?

Чўпонлар чурқ этишмасди.

— Хўш, — отбоқар дарғазаб бўлиб авжига чиқарди, — Москва, Кремль, СССР Олий Совети Президиуми Раисига ёзамизми?

Бу гапдан чўпонлар жонланиб қолишарди:

— Москва, Кремль, Президиум Раисига, ундан кейин-чи? — дейишарди.

— Яйловларимиздан туркларни чиқариб юборишни сўраймиз.

Чўпонлар сукут сақлашади.

— Хўш?

— Ноқулай, — дейишади чўпонлар. — Биргаликда туз-намак бўлиб яшаймиз.

Кейин кимдир бепарволик билан дейди:

— Кўйсанг-чи, Месроп, шундоғам яшайверамиз, бекордан-бекорга одамларни хафа қилишининг нима кераги бор, нима, жой камлик қиляптими.

— Ҳой, арман! — жаҳл билан дерди Месроп. — Тезроқ тadbир кўришинг керак, туёғинг кўпаяпти, уқор катталашяпти, қорамоллар сони тобора ортяпти. Жой кам!

— Тўғри. Лекин, нима, уларнинг подаси кўпаймаптими?

— Кўпайяпти, шовқин-сурон ҳам кўпайяпти.

— Йилқингни уларнинг ерига ўтказма — шовқин-сурон кўпаймайди.

— Сен ўзингнинг қўйларингни ўтказма!

— Нима бўпти — ўтказмайманам!

— Ўтказма!

Бироқ бу амримаҳол иш эди. Яйловлар ўртасида аниқ чегара йўқ эди: фақат ястланиб ётган яйлов ер бор эди, пода ана шу яйловга ёйилиб кетарди-ю, уларни қайтаришга одамнинг кўнгли бўлмасди. Кунлар-

нинг бирида уларнинг қоровули епоқ дастрўмолни кўрсатиб, қўйларни алдаб чақириб, отаримизни ўзига эргаштириб олиб кетди,— қўйлар тузга ҳамнша ўч эмасми, дастрўмолни туз деб ўйлаб шартта буғдойзорга қараб йўртиб қолишган, қоровул бўлса подани қўтонга ҳайдаб киритиб, қамаб қўйган. Кейин одамларимизга шунчадан-шунча экин майдони босиб эзиб ташлангани учун жарима тўлашингиз лозим, деган мазмунда шо-шилиш мақтуб келди. Ҳақиқий акт тузилганди. Улар оёқ тираб, жарима тўланишини талаб қилишаётган бир пайтда Месроп мазгилгоҳимизда милтиқни ёғ билан мойлаб, қўлида айлантириб кўриб, тепкисини шиқ эттириб қўйди-да, пўнғиллади.

— Бўлмаса-чи, жарима тўлаш керак уларга! Акт тузишни ўрганишибди, саводлари чиқиб қолибди.— У ётган итни мўлжалга олди:— Чамбар!

Ит қулоқларини диккайтирди. Месроп отди — ит гиншиганича, четга ирғиди, кейин тинчигач, жароҳатланган қулоғини панжаси билан ишқалай бошлади.

— Буни қаранг-а, жарима хоҳлаб қолишибди...

— Бўпти энди Месроп, ўзингни боссанг-чи.

— Нима ўзингни боссанг-чи, нима Месроп?

— Тоғ-ку бу ер ахир, Месроп, тоғда яшаймиз, ҳамма нарса юз бериши мумкин, олдинга биз жарима тўлаймиз, кейин ўзимиз ҳам улардан жарима ундира-миз, уришамиз, ярашамиз, нимага сен, Месроп, ҳамма нарсани кўнглингга олаверасан? Одам деган бунақа бўлмайди, қўй-э!

Уни тўхтатиб қолишди, лекин ушлаб туришолмади, уларнинг қўлидан юлқиниб чиқиб кетди.

— Ҳаммангни қириб ташлайман, қўйворларинг...— Ҳатто милтиғи билан пўписа ҳам қилди у. Кейин кетди, кетаверди:— Арманиларни еттинчи йилда ёинки йигирма еттинчи йилда тарихчи Лео ўйлаб топган! Арманлар йўқ! Тўғрироғи, арманлар бору фақат уларнинг уятаям, виждониям йўқ.

У ҳақ эди — арманлар йўқ эди. Месропнинг кетидан тупуриб, у ёқда уни тутиб олиб, яхшилаб таъзири-ни беришса дуруст бўларди, деган шунчаки чўпонлар бор эди. Кейин у кетди. Қирга кўтарилди, тепаликдан ошиб, сойликдан ўтди-да, уларнинг чодирлари ёнида тўхтаб қолди.

Ҳаво очиқ кун эди. Пастликда, этак томонда уларнинг қизил черепица томли молхоналари жойлашганди. Чодирларидан осмонга кўк тутун ўрларди. Тоғ

тизмаларидан ўроқчининг чалғиси ёйдек бориб-келаётгани яққол кўриниб турар, ўрилган ўтларнинг қаттиқ шитирлаши эшитилар, ўт-ўланларнинг қалинлигидан уларга урилган пўлат жаранги сушлашиб, бўғиқ эшитиларди. Молхона орқасидаги майдонда эса икки буқа сузишаётганди. Шохлари ўткир, қичкинагина жайдаридан буқа гавдаси нақ тоғдай келадиган, бироқ ўтмас ва калта шохли зотдор буқани сиқиб қўйганди. Иш кўзини билладиган Месроп зотдор буқанинг сузишмаслиги кераклигини — зоти айнирди-да,— бориб, паншахами ё бошқа бирор нарса билан уларни ҳайдаб юбориши зарурлигини фаҳмлади. Яқин атрофда бирон-бир кимса йўқлиги-ю, бунақанги бебошликка ҳеч ким эътибор бермаётганидан Месроп ҳатто ажабланди ҳам. Кейин яқинроқ бориб, одамлар ўт ўришаётганини, сигир соғишаётганини, қўйларнинг юнгини олиш билан бандлигини — ишлашаётганини кўрди.

Йўқ, ҳаммаси бошқача юз бериши лозим эди: Месроп милтигини ўқлаб, мойлаб, тепаликдан тушиб келиши, анови ерда эса уни йигирматача озарбайжон — улар ҳам қуролларини шай тутган ҳолда кутиб олиши, кейин Месроп ҳеч тап тортмай улар устига бостириб бориши лозим эди.

Месроп орқасига қайтиб, яна қир устида пайдо бўлди.

— Кел, ёнимизга кел,— деб қичқирди биз томондагилар. Кейин у тепаликда ўтирганча, ҳамқишлоқлари кула бошлаганини, қийқириб кулиб юборишганини эшитди. Тоғларда шунақа — шитр этган товуш бир чақиримдан эшитилади. Бунинг устига ҳаво жудаям очиқ эди. Одамлар Месроп папиросини охиригача чекиб улоқтирганини, орқасига ўгирилиб, яна қўшнилар томон юрганини, оғзидан чиққан тутун бошининг икки ёнидан ҳалқа-ҳалқа бўлиб ўтаётганини кўриб туришди.

Месроп овозининг бориша озарбайжонча сўкиниб, яна пастликка тушди-да, чодирларга яқинлаша бошлади: жудаям яқин борганда қўшнилариимиз бақирганча бораётган Месропга рўпара чиқиши-ю, уни ўз молхоналари ёнида қуролсизлантиришди. Кейин яна ўз ишларига қайтишди — ўришни, соғишни, юнг қирқишни давом эттираверишди. Месроп — ўзи чўпдай озғин, соқоли олинмаган, ёнида сочма ўқ билан ўқланган — (сочма ўқ? Эҳтимол у туз билан ўқлангандир?) ов милтиги бор қария оғилхона эшиги олдида жудаям кулгили аҳволда ётиб қолди.

Кейин унинг юзига сув сепиб, бошини боғлаб, чодирга олиб киришди-да, чўзилиб ётганча оёқ-қўли чигилини ёзишга қўйиб беришди, пировардида эса — бирга ўтиришиб, овқатланишди, хуллас, иззат-ҳурматини жойига қўйиб кузатишди. Месроп пастлидан ювош тортиб, писиб, милтигини яшириб, тарвуз қўлтиғлаганча чиқиб келди.

Шундан сўнг у ҳаммага афгонлар ҳузурда меҳмонда бўлганини гапириб юрди. Афгонлар яхши одамлар экан, ўзлари сахий, сўзга ҳам чечан, қандини уришсин улар, дерди у.

— Қадимий халқ-ку улар, — дерди у, — биз босиб юрган мана бу ер асли уларники. Мен бир нарсага ҳайронман, — дерди яна у, — бизларни улар ўз тоғларига қандай қилиб қўйишганикин. Ахир дурустроқ қўшинни қидириб топишса бўларди-ку. Биз бўлсак — ахир бизнинг ер юзида юришимиз мумкин эмас, юришимиз!.. Ҳа, жудаям ажабланиман... Бўри Ваан, бостириб келишди — ғалаба қозонди, бостириб келишди — ғалаба қозонди, яна келишганди — яна ғалаба қозонди, бўлмасачи... э-э, бўлмасачи... Назар Ботир, бир зумда юзтагани ер тишлатган, э-ҳе-е...

Ана шунда тарих факультетида ўқийдиган бир мишиқи гўдак, яъни мен, майин бир жилмайиш билан унинг хатосини тўғриладим:

— Назар Ботир бошқа, Бўри Ваан бошқа, бир-биридан мутлақо бошқа одамлар улар. Бўри Ваан — тарихий шахс, Назар Ботир эса — адабий образ.

— Бўлмасам-чи, сенинг муаллимнинг билагон одам, ҳаммасини қулоғингга қўйган, — Месроп ана шу мишиқига, бинобарин, менга хўмрайиб қараганча тўнғиллади.

— Албатта, муаллим отбоқар эмас, ўз соҳасининг лири. Кейин сен ҳаммага ёлгон гапириб, лақиллатмоқчисан. Назарингда, афгонлар деб атаганингда уларга яхшилик қилаётгандексан. Улар барибир озарбайжонлар, ҳеч қанақанги афгонлар эмас, тушунарлими? Кейин умуман, афгонларми, озарбайжонларми — нима аҳамияти бор? Сен шунчаки ўзингни ўзинг кўнглингни ҳушлаб юрибсан... Бундан кўра отларингни боққанинг тузукиди..

— Улар қанақалигнию билмайман-а, — деди Месроп кўзини қисиб, ҳарсиллаб нафас олганча, — ахир мен кичкина бир одамман-да, шунча нарсани билганимга раҳмат дегин ҳалиям, отларни боқиб юриб, ўқи-

ганман... Улар тўғрисида-ку айтолмайман-а, аммо-лекин сен — айнан чала турксан...

Унинг бу гапидан ранжимадим, чунки турк деб сўқди нима-ю, чала турк деб — мен учун бу ҳақорат эмасди. Менинг кўз ўнгимда ўзини профессорлик даражасига лойиқ деб ҳисобловчи, аини пайтда, ўзининг отбоқарлигидан аламзада одам турарди. Унга дедим:

— Тигран билан Артавазд арманилар подшоҳи бўлган. Пап, Аршак, Маштоцлар ҳам армани бўлишган. Вардан, Васак — арманилар эди. Довуд Сосун, Назар Ботир... Дастлабки арманилардан то Леогача — беш минг йил ўтган. Биз бўлсак яшаяпмиз. Ёмон яшаётганимиз йўқ. Ёиров от боқади, бошқаси маъруза қилади, яна бири эса, ўқитувчи ё отбоқар бўлиш учун ўқийди. Ҳамма ҳам бошқа бировнинг вазифасини уддалай олиши мумкин, ҳамма гап машқ қилишда. Нима, гапим нотўғрими? Уч марта отиб кўриб — тўрттинчисида кўппакнинг қулоғидан дарча очиб қўйишимни хоҳлайсанми? Менимча, шундай. Кўзёши қиладиган ҳеч жойи йўқ бунинг.

— Баракалла, яхши гапиряпсан, — деди Месроп ёнига тупурганча. — Йилда ўн бир ой шаҳарда ярақлаган ботинкада юрасизлар, бир ой — августда — қишлоққа келасизлар, ўшандаям Месропга келиб яна: «Бунақа эмас, кўппакнинг қулоғидан дарча очиб қўяман», — дейсизлар. Сени қара-ю... Ҳа, ҳа, ҳа, шундай! Худди шундай! — У ҳар бир сўзидан сўнг қўндоқ билан ерга ураётганди, пировардида милтиқни четга улоқтириб юборди.

— Сен ишингга борасанми ё йўқми, ахир борасанми ё йўқми?... — қизарганча гапга аралашди ферма мудирини. — Отларни қара, қаерга чиқиб олибди, сен эса бу ерда гап сотишдан бўшамайсан, — ферма мудирини Месропни узоқларга, олисда кўзга элас-элас ташланаётган йилқи уюри томонга итаргандек ҳаракат қилиб қўйди.

— Левон, — деди Месроп, кейин унинг бурун парраклари оқариб кетди.

— Бор, олдин отларни даладан ҳайдаб юбор, кейин гаплашамиз.

— Левон! — зорлангандек минғирлади Месроп.

Левон овозини баландлатди:

— Ҳой одамлар, кўряпсизларми, яна итвачча Левон айбдор! Итвачча Левон бирон-бир ёмон гап гапиряптими? Шунақами? Ишлагин, деб илтимос қиляпман, — нима, шуниям гапирмаслигим керакми? Сенга

штраф солмаётгани учун, албатта, Левон айбдор, бу ерда у гап чувияпти-ю, отлар колхоз даласини пайҳон қиляпти, бунга ким айбдор, турган гапки, Левон айбдор.

— Левон,— шивирлаганча деди Месроп.

— Левон, Левон, нима Левон!— вағиллай бошлади Левон.— Отларни боққинг келмаяптими, бор, бориб профессорлик қил, ҳеч ким сенинг қўлингдан ушлаб тургани йўқ, ўрнингга бошқа одам топиб оламиз! Ўзим! Ўзим қарайман отларга! Ҳой, яхшилар, бу нима хоҳлайди ўзи мenden?! Ҳа, ҳа, ҳа, қанчадан-қанча ишни бажаряпманми, буниям қилавераман!

Муштлашув бошланадиганга ўхшаб қолди. Левон, Месроп уриб қолишидан олдин, одамлар ўзининг бегуноҳлигига ишонишларини хоҳларди. Месроп эса қийналиб тин олиб, хўмрайганча унга қараб турар экан, ниманидир чайнаётганга ўхшарди. Мен уларнинг ўртасида турардим, биқинимда Месропнинг мушт қилинган қийшиқ бармоқлари қудратини ҳис қилар, бошим эса аллақачон унинг яримта-юримта тирноқли панжаси зарбидан ғувиллай бошлаган эди.

Левоннинг эса вайсашдан чақаги тинмасди — Месроп ёмон ишлайди, ўз ишини ташлаб, профессорлик қиламан деб ҳовлиқиб юрибди, йилқи уюри далани оёқ ости қиляпти, бу бўлса бу ерда — «Москва — Кремль» дегани деган... Месропнинг лаблари сассиз пирпираб, бурун парраклари уча бошлаганидан хавотирга тушиб қолган Левон ҳуда-беҳуда қўлини олдинга чўзар, чамаси, чумчуқ юраклигидан, биринчи бўлиб уришни мўлжалларди.

— Уят!— деб бақириб юбордим.— Ҳамма сизлардан куляпти!..

— Ким куляпти?!— Ферма мудирини айёр одам эди, у Месропга орқа ўгириб олиш учун баҳонадан дарҳол фойдаланди-қўйди.— Ким куляпти?! Кўрсатинглар менга ўша кулаётгани!..— Йўқ, у муштлашишдан қочаётгани йўқ эди. Фақат орага битта шумтака тушиб, халақит берди-қўйди!

Бу Левон дегани жудаям доғули одам эди, қандайдир бир иш юзасидан шошаётгандек, четга қараб кетди. У йўлида давом этаркан, орқасига ўгирилиб қарамай, худди ҳеч қандай жанжал бўлмагандек, бўлган бўлса ҳам, арзимаган гапдек, жағи тинмай борарди:

— Отларни экинзордан ҳайдаш керак, Месроп. Ўзи-



мизга ўзимиз душманмасмиз-ку — экин сен билан бизники, шундай бўлгач, унга сен билан биз қайғурмасак ким қайғуради. Яхшимас, ёш боламассизлар, бировнинг кўрсатмасини кутмай, ўз ақлингиз билан иш қилишингиз керак...— У гапирганча тобора узоқлашар ва овози ҳам пастлашиб борарди. У тин олмай, сўзларни қаторлаштириб бораётганди. Пировардида, овози бутунлай ўчиши ўрнига, бирдан қаттиқ ва аниқ жаранглади:— Айкануш, ҳой, Айкануш,— деди у.— Боладан қайчини бериб юбор...

Демак, бу гап Месропга тааллуқли эмас.

Яна нимадир ўринли эмасди.

... Подшоҳнинг кенжатоий отини қичаб ҳайдаб, аллақандай — дарахтлари қора, суви қора, қуёши қора подшоҳликка бориб қолди. Зулмат подшоҳлигига бориб қолди, демак, у ердаги ҳамма нарса аниқ ва очиқ-ойдин эди.

Месроп:

— Левон,— деб шивирлади-ю, ўз овозини ўзи эшитмади.

Бу ерда бошқа бир нарса — олис далаю уни пайҳон қилаётган йилқи уюри аниқ эди. Месропнинг қуруқ ёғоч гавдаси йўналаётган йилқи уюри бирдан-бир реал нарса эди. Кейин Месропнинг гавдаси нақ қайрилиб, синиб тушгандек бўлди — у эгилиб, ердан милтигини олди, кейин икки қўллаб унинг стволидан ушлади-да, турган жойида гир айланиб, қулочкашлаганча, бор кучи билан уни ерга урди: милтиқ ерга тушди, унинг ўзи ҳам йиқилди. Бир пайтнинг ўзида милтиқ парчаланиб ўқ узилди ва бу икки овоз бир-бирига қўшилиб кетди, битта ит,— иссиқ молқўрадаги қирқта итдан борйўғи биттасигина эришчоқлик билан ҳуриб қўйди. Месропнинг назарида эса бомба портлагандек, у бомба ташлаган-у, уни ирғитаётганда бутун дунё унга қараб тургандек, бутун жаҳон қўрқиб кетгандек, дунёнинг ҳаммаёғидаги итлар бу портлашни эшитиб, ваҳимага тушиб, ув тортиб юборишгандек туюлди. Назарида у ўзини баҳайбат одамдек ҳис қиларди. У йиқилиб тушиб, энди узала тушиб ётибди. У бу ерда ночор ҳолда ётибди, фожеа юз берди. У абжир, ботир, тагида шамолдек учқур от қўлида ўткир шамшир, фақат душман кўзга кўринмасди. Ер бўлса уни кўтаролмаяпти — куч-қуввати шунақанги кўп унинг. Шундай бир қоя тош топилсаки, уни ютиб юбориб, одамлар кўзидан яширса, ўзига занжирбанд қилиб, то...

Буни қаранг-а, кўнгли нималарни тусамайди унинг... Эллик ёшдаги шунчаки бир киши — бўйи бир метру етмиш сантиметрли, бошига қулоқчин кийиб олган, қилтириқ бўйини ажин босиб, юз суяклари бўртиб чиққан, соқоли олинмаган отбоқар башарасини ўтга буркаб ётганча ўтларни юлқир, этигининг учи билан ер тепинарди,— олисдан уни узала тушиб ётган итгами, тошгами ўхшатиш мумкин эди.

— Ҳафтафаҳм,— ҳам афсусланган, ҳам нафратлангандек деди ферма мудирин Левон.— Милтиққа тўлаш учун шунча пулни энди очик мазордан топасан... Аҳмоқ...

Қўйлар қўйхонада, сигирлар оғилхонада, отлар оқур ёнида бемалол пичан еяётган, кунни билан ҳориб-чарчаган одамлар чодирлари олдида ўтириб, шошилмай, бамайлихотир чекиб, суҳбатлашаётган оқшом чоғида Левон ўзини қўярга жой тополмай қолди: у қўлини белига қўяр, яна шу заҳотиёқ уларни қорнига олиб борар, бақбақаси эса тинимсиз қимирларди, у ҳозироқ бақириб юборадиганга ўхшарди, бироқ бақирмади-ю, бақбақаси янада қаттиқроқ қимирлай бошлади, Левон дам-бадам Месропга қарар ва шу заҳотиёқ яна кўзини олиб қочарди. Кейин у ўзини тутиб олди, хотини кечки овқатга чақирганда ҳам милтиқ тўғрисида мутлақо оғиз очмади.

— Қоронғи тун, битта-яримта қўноққа келиб қолиши мумкин.— деди у кета туриб.

Қоронғи чўкиб, зулмат янада қуюқлашган, ёқимли муздек ҳаво ҳукмрон кезде дарадан кўтарилган туман кийим-бошингга, сочингга, қўй юнгларига, қўлингдаги паширосга сингиб кетади, кўзлари ўтдек ёнаётган айиқ туманаро аста қадам ташлаб, дарадаги ўрмондан кела бошлайди. Итларнинг юнглари диккайиб, қўйлар худди биров уларни элакда элаётгандек, бесарамжонлик билан бир-бирларига туртилшига тушади, айғир қулоғини динг қилиб, бўйинини олдинга шунақанги чўзадик, у нақ ҳозир узилиб кетадигандек туюлади, бурун катаклари ҳам катталашиб, шунақанги пишқирадики, катда ёнма-ён ухлаб ётган болакайлар бир-бирларининг пишжларига тиқилишади: чодир юпқалигидан ташқаридаги ҳамма нарса яққол эшитилиб туради-да, ахир.

— Кетдими?

— Улиғи чиқсин.

Милтиқ тўғрисида Месропнинг ўзи гап очди.

— Айта, Левон...— У ичида нималарнидир узоқ мулоҳаза қилиб кўргач, бехосдан — худди зарда билан чақиргандек бирдан ва қаттиқ овозда деди:— Айта, гапни ўзинг очиб қўйиб, энди жўнавордингми?

Бу пайтда Левон чодирда овқатланиб, хотинию невараларига тўнғиллаётганди, шу боисдан унга дарҳол жавоб қайтармади.

— Айта, Левон...

— Битта овқат пиширишнинг билмайсан, пишираётганинда хаёлинг қаёқда бўлади ўзи, қилган овқатингдан кўра... Ҳой, ким у чақираётган? Нима гап? Месроп?

— Айта, гапни очиб қўйиб, жўнавордингми энди?

— Нима, ёнингда ўтиришимни буюрасанми?

— Биронта қуроқ берсанг бўлармиди.

— Сенга милтиқ беришганди, қани ўша?— Левон шундай деди-ю, то Месроп жавоб бергунча, қошиқни оғзидан олмай кутиб турди. Ташқаридан анчагача миқ этган овоз эшитилмади. Левоннинг юзи пир-пир учиб, қони қайнаб кетди, овозини баландлатди:— Ҳўш?!

Месроп илтимосини такрорлашга журъат этолмади, Левон эса сўкинганча, яна овқатланишга тушди. Алюминий қошиқ тарелкага тарақлаб теккан, четга сурилган тарелканинг бошқасига бориб урилгани эшитилди.

— Пул топиб, ақл топмаган аҳмоқ!.. Қари тўнка!

Чодирлардан тушиб турган хира, журъатсиз ёғдура Месроп бир кўриниб, яна ғойиб бўлди. Ярим соатдан сўнг эса у қўлида милтиқ парчаларини ушлаганича, қоронғиликдан чиқиб келди. Кейин ана шу парчаларни бир-бирига ингичка мис сим билан боғлаб, тўғри-лаб, пишиллаганча узоқ ўтирди.

Хуллас, дилнишिकाста одам эди у.

1908 йилда бир озарбайжону бир арманн— Байраму Аветик — тоғда гижиллашиб қолиб, бир-бирларига ханжар билан ташланишди. Кейин ханжарлар четда қолиб, тўқмоқлар ишга тушди, пировардида озарбайжон қўлида ханжар билан югуриб келиб, ўзини Аветикнинг устига отди, Аветик эса ердан милтиғини олди-ю, унинг қорнидан дарча очиб қўйди. Улдирилган озарбайжоннинг қариндошлари Аветикка икки марта— бир гал 1909 йилда, кейинги сафар эса 1916 йилда ўқ узишди, бироқ бахт Аветикка кулиб боқди. Аслида-ку, Аветик ҳам, Байрам ҳам иш бунақанги чаппасига ай-

лаиб кетишини билишмаганди. Улар баҳслашиб қолганлари учун албатта, кейин афсусланган бўлишарди. Бироқ, ўшанда улар оғир аҳволда қолишганди, чунки бир-бирлари тўғрисидаги ҳамма нарсадан воқиф эдилар-да; бир пайтнинг ўзида улар бир-бирларининг афтиларига тўреиллатиб, бирининг хотини хизматкори билан дон олишиб юришини, иккинчисининг шарти кетиб парти қолган отаси саккизта хотинига муомала қилиши учун қўшнилари ёрдамга келишини айтишди... Йўқ, уларнинг — Аветик билан Байрамнинг ишлари чатоқ, жудаям чатоқ эди ўшанда. Худди ўша лаҳзада, худди жўрттага қилингандек, тўқмоқ ҳам, ханжар ҳам, милтиқ ҳам ёнларида эди, шундай бўлгач, қандай қилиб ўзларини тутиб тура олардилар?

Қулоғи устидан визиллаганча ўқ учиб ўтган, бироқ ўқ қаёқдан узилганини билиш учун юрак ютиб, лоақал бошини ўгириб қарамаган Аветик уйқусизлик касалига мубтало бўлди. Уқ узганлар эса ундан ўч олиш учун яна ўн йил, 1919 йилгача тиш-тирноқлари билан уриндилар.

Тегирмондан келаверишда улар ажабтовур бир кулги билан Аветикнинг йўлини тўсишди. Юк ортилган отни бутага боғлашди, бола — Месроп билан отасини эса сўқмоқ йўлдан олиб кетишди. Кун иссиқ эди. Ҳавода асал ҳиди сезилар-сезилмас анқирди. Теварак-атрофда эса асаларйилар визиллар ва уларнинг гувиллаши тобора ортаётгандек, асалари қутилари нақ ёнгинада — ҳозир кўриниб қоладигандек, кейин асаларичининг ити вовуллайдю, асаларичининг ўзи очик-кўнгиллик ва хўшмуомалалик билан: «Ҳой, сизлар кимсизлар, буларни қаёққа олиб кетяпсизлар?» — деб сўрайдигандек туюларди. Вироқ қишлоқ икки қиру икки жарлик нарёғида эди, ҳаммаёқда асаларилар гувилларди-ю, яқин-атрофда асалари қутилари йўқ эди.

Уларнинг ортида от кишнади.

— Қаёққа олиб кетяпсизлар? — отаси тўхтаб, туркчалаганча сўради.

— Аветик — сенмисан?

Аветик уларга назар ташлади, назар ташлади-ю, кенг елкалари худди таянчини йўқотгандек бирдан кичрайди, кичрайиши билан бўйни ҳам ғалати равишда чўзилиб кетди.

Бошига тепасида қизил хоҳи бўлган папаха, оёғига кўн этик кийган киши кулиб қўйди. Ана шундан сўнг болакай худди жодулангандек ундан кўзини уз-

май, айни пайтда, у буни сезиб қолишидан қўрқиб, юриб кетаверди.

Аветик ёнига ўгирилиб, худди шунчаки гапиргандек:

— Отга ачинаман,— деб қўйди.

Шу дақиқадан бошлаб, Аветик ўзига ўзи ачинишга тушди. У ўзини бошини ишдан кўтармайдиган ва ҳеч ким билан иши йўқ кишидек, бироқ унинг йўлини босқинчилар тўсаётгандек тасаввур этди, бола олдида қўрқоқ бўлиб кўринмаслик учун, этик кийгандан сўради, сўрагандаям туркчалаб сўради:

— Бошингдаги папахангни Тифлис бозоридан сотиб олган чиқарсан?

Озарбайжон афтини буриштириб сўқинди, шунда Месроп отасининг тиржайганини кўриб қолди. Кейин бола отасининг яна тиржайганини кўриб, унинг туркчалаганини эшитди:

— Қудамиз Аршакнинг этигиям худди шунақа.

Озарбайжон милтиғини елкасига осиб, чоҳасининг кенг энгларини қайирди-да, юриб кетаётган жойида қаддини ростлаб, кафти қирраси билан Аветикнинг бўйнига қиялатиб туширди. Отаси мункиб кетди, кейин ўзини тутиб олгандек бўлди, бироқ яна мункайганча, худди товуқ тутаётгандек букчайиб, олдинга эгилиб йўлга тушди, юриб борди, борди-да, бошини осилтирганча, чўккалаб қолди. Месроп ўзича турк деб ҳисоблаган бошлиқдан кўзини узмай, овоз чиқармай йнглади. Улар отасининг тепасида туриб олишди, кейин анови — папахали киши этигининг учи билан отасининг туришига ёрдамлашди: «Тур ўрнингдан, азизим, тур, бориш керак».

— Месроп,— чақирди отаси.— Ҳеч нарсани кўрмаяпман, Месроп.

Папахали кулимсираётган мана шу дақиқада Месропга, улар қилғилиқларини қилиб бўлиб энди кетишадигандек кўринди-ю, у ўзини тутолмай ҳўнграб йнглаб юборди.

— Ҳеч бўлмаса болани, болани ҳеч бўлмаса...— отаси худди чала уйқуда ётгандек, манқаланиб гапирди,— уятмасми...

Улар болага ҳеч нарса бўлмаслигини, уни ўз қўллари билан қишлоққа олиб бориб қўйишларини тушунтиришди. Ана шундан сўнг Аветик улар олдида энди мутлақо ҳимоясизлигини тушуниб, бола тўғрисида, фақат бола тўғрисида жаврайверди. Қишлоқ аҳли во-

қеада хабар топмаслиги учун болани улар ўзлари билан олиб кетишларига Аветикнинг ишончи комил эди, бироқ ҳозир у уларнинг саъй-ҳаракатларию феъл-атворларини на бирон-бир айбга, на таънаю гина-кудурат қилишга, на қаршилиқ кўрсатишу кўзёши тўкишга, на йиғи-сигига мажбур этувчи бирон-бир нарсага йўя олди. Шундан сўнг у сўкина бошлади, ўн йил муқаддам лаҳадга тиқилган кишини сўкди, унинг ўлигию таригиниям, ўлигиниям, гўриниям лаънатлади, зулукдэк ёпишиб олганидан сўнг ундан қутулиш қийин бўлганлигини, қаёқдана у Аветикнинг миясига ўрнашиб қолганини, бутун ҳаётини расво қилганини титраб-қақшаб гапирди. Ниҳоят, сўқмоқ йўл этагидаги супурги босиб кетган хароба молхона кўринди. Шунда Аветик бирдан жим бўлиб қолди, қадамини секинлатди. Энди уни туртиб-суртиб олиб бора бошладилар. Кейин Аветик тез, шунақанги тез кета бошладики, ановилар унинг орқасидан аранг улгуриб боришарди. У молхона ёнига етганда тўхтади. Месропнинг отаси энди ҳеч кимга қарамасди. Унинг бўйни ҳам унақанги узун ва инсичка эмасди. Ҳеч қаёққа қарамасди у. Кўзларининг ранги ўзгарган, лаблари қаттиқ қимтилганди унинг.

Озарбайжонлардан бири — тиканакдек соқолнинг ярми оқ киши Месропни четга олиб бориб, уни отаси билан анови икковидан тўсиб қўйди-да, бошидан силаб туриб, ёши нечадалигини, улғайганда ким бўлмоқчилигини, турмушлари яхши-ёмонлигини суриштирди, инженер бўлиб етишишини маслаҳат берди... Болакай мана шу киши силаб-сийпалашини хоҳлаб, унинг камари тўқасига боши билан суйкалди. Унинг кийимидан ўзига қадрдон ҳид — юнг ва сут ҳиди келарди. Болакай шу кишининг орқа томонида аллақандай ёмон иш юз бераётганини фаҳмлар, бироқ ўзларини ҳимоя қилишини ундан сўрашга ҳануз журъат этолмасди. Йиғлашга ҳам ҳануз жазм қилолмаётганди. Кейин бир оний қисирлаш эшитилди-ю, болакай анови икки кишига улоқтирилган отасининг пўстинини ҳамда осмондаги — қичитқи ўт устидан сакраб ўтаётган отасини кўриб қолди. Шундан сўнг говлаб кетган супурги ўтлар ҳали у ер, ҳали бу ерда қимирлаб, силкинар экан, худди битта ўқ икки марта портлагандек, кетма-кет икки ўқ овози янгради. Кейин баланд ўтлар иккига ажралиб, бирлашди-да, яна бир оз силкиниб тургач,

қимирламай қолди. Қўн этикли киши ўша ўтлари шошилмай мўлжалга олиб, тагин битта ўқ узди.

Шундан сўнг улар отасининг пўстинини олишиб, сўқмоқ йўлдан орқаларига қайтишди. Чўпон болакайнинг бошини силади. Этикли киши ранги бўзариб, чўпонга нимадир деган эди, унинг бола гарданидаги қўли оғирлашгандек туюлди.

— Йўқ,— деди чўпон бош чайқаб.— Йўқ, йўқ, йўқ.

Этикли киши болага тикилди. Бунн бола вужуди билан ҳис қилди, бироқ унга қарашга ботина олмай, яккаш чўпоннинг оёғига суйкалаверди.

Бутага боғлаб қўйилган от кутаётганди. Бола барбир ўзини тутиб туролмади, йиғлаб юборди.

— Ҳой, болакай, йиғлама, бўлмаса қаҳрим келадн,— этикли киши шундай дейиши биланоқ кўрқувдан боланинг юраги орқасига тортиб кетди.

Чўпон юк боғланган арқонни маҳкамлаб, отни йўлга олиб чиқди, болани елкасидан итарди:

— Бор, кетавер. Йўқ, тўхта,— у от оёғи ўраланиб қолмаслиги учун сувлиқни эгарга боғлаб қўйди.— Боравер энди.

Қишлоқ халқи бу мудҳиш хабарни боладан эшитди, хабар билан биргаликда боланинг бошидан кечирган кўрқувни, отасига бўлган ачинишини ҳам қабул қилди. Юз берган воқеанинг бирдан-бир гувоҳи бола эди. Шунинг учун қайта-қайта ҳикоя қилиб беришга уни дастлаб катталар мажбур этишди, катталар ҳаммасини билиб олишгач, бола бу ҳақда тенгқурларига гапириб берди. Ҳикоя қила-қила вояга етди. Анови уч киши жуда ёмон иш қилишганди. Ҳамманинг эътиборини болага қаратиб қўйишганди улар, натижада Месропнинг ўзига назар ташлашига вақти етишмади, ҳа, ҳақиқатан ҳам етишмади. Аҳён-аҳёнда унинг кўзи ўнгидан кифтлари кичрайиб, бўйи узайиб — чўзилиб кетган ориқ-тириқ отаси гира-шира гавдаланарди-ю, бироқ у ўзида бу қиёфага нисбатан ачинниш туйғусини ҳис қилмасди. Ҳис этмасди-ю, лекин тинимсиз, тўхтамасдан ҳикоя қилаверарди. «Кейин... пўстинини счиб ташлади... улоқтириб юборди... ўзи қочиб кетди... ўзи қочиб кетди... кейин...»

1932 йилда у йигирма уч ёшда эди. Идрокли йиғитга ўхшарди. Бир неча йил муқаддам, университетга талабаларни олишаётганда уни ҳам рўйхатга киритишганди. Бироқ Месроп ўқишга лаёқатсиз бўлиб чиқди, чунки дарс тинглашга қобилияти йўқ эди унинг, наза-

рида шундоғам ўзи кўп нарсани биладигандек, аллақачонлар арманилар тарихини аъло даражада билиб олгандек туюларди: турклар — босқинчи, арманилар — меҳнаткаш халқ. Иккинчи йили уни студентликдан ўчиришди. У бўлса ўзини қаҳрамон билиб, гердайнб кетди.

1932 йилда, Месроп йигирма уч ёшдалигида, колхозимиз тоғларнинг илиқ-иссиқ этақларидаги озарбайжон колхозлари билан битим тузди — улар бизнинг ёзги яйловларимизга чиқишлари, бунинг эвазига эса қишда биз молларимизни улар томонга олиб тушишимиз лозим эди. 1932 йил ёзида, қишлоқларимиз ўртасидаги алоқа қайта ўрнатилгач, озарбайжонлар биринчи бўлиб, ўз подаларини ўтлоқларимизга ҳайдаб келишди. Қишлоқ Советининг ўша пайтдаги раиси мацолик Левон йўлнинг икки ёқасига устунлар ўрнатиб, уларга: «АЗИС ДОСТЛАР, ХОШ ГЯЛМИШСИНИЗ!» — деб ёзилган алвон матоларни таранг қилиб тортишни буюрди. Кейин транспарантлар ёнига болалардан қўйиб қўйди. Меҳмонларни музика садоси остида кутиб олишга жон-жаҳди билан тиришган Левон духовой чолғу асбобларини чалишни билган мактаб ўқувчиларини қўшни қишлоқлардан бошлаб келди, жўр бўлиб туриши учун ўзининг қайнатаси, қишлоғимизнинг чўлоқ доолчиси — доиракашини ҳам уларга қўшди, қарабсизки, бинойидек оркестр тузилди-қўйди, фақат қўйларнинг ҳуркиб кетгани ишни бузди. Карнай овози эшитилиши биланоқ қўйлар тўдаланиб, гир айланишга тушди, қўйиб берса айланаверадиган... Ана шунда Левоннинг ўзи пода ўртасида пайдо бўлиб қолди, отда эмас, албатта, аксинча, анча-мунча, ҳатто, жудаям ноқулай аҳволда пайдо бўлди. Қўйлар уни ўзлари билан эллик метрча жойга судраб кетишди, кейин, ғужланиб олган пода тинчланиб, атрофга ёйила бошлагачгина, Левон ерга ағдарилиб тушди.

Карнайчилардан биронтасининг айби билан, эҳтимол, битта-яримтаси нотўғри чалганлиги туфайли шундай ҳол юз берди, деб ўйлаган, бироқ ўша «битта-яримтаси» айнан кимлигини аниқлай олмаган Левон тилга олишга арзимайдиган, ҳатто, ўғли яхши карнайчи бўлолмагани муқаррарлиги учун бир пулга қиммат одамнинг ўғлига овозини ўчиришни амр қилди. Кейин у бошқа карнайчилару доирачига ҳам жим бўлишларини буюрган эдики, қўйлар ювош тортиб, транспарантлар остидан жимгина ўтиб, йўл бўйлаб чопиб ке-



тишди, Левон эса ҳар икки дақиқада овозининг бори-ча шиёр ташлай бошлади:

— Яшасин бутун дунёда арман-озарбайжон дўстлиги, ура! Яшасин қудратли Ишчи-Деҳқон Қизил Армияси, ура!

— Ура-а-а! Ур-р-ра-а-а!..— деб бақирешарди пионерлар ўпкалари оғизларига тиқилиб.

Ҳа, Левон моҳир ташкилотчи эди. Айниқса, дастлабки йилларда роса ўзини кўрсатиб, иш бошқарганди. Ҳолбуки, у бор-йўғи Месропнинг тенгқури эди.

— Месроп,— деди Левон,— отга мингин-да, азиз меҳмонларимизни яйловгача кузатиб қўйгин.

Месроп унга жавоб қайтармади.

— Бунинг учун сенга уч меҳнат куни ёзишади, айтиб қўяман,— деди мацолик Левон.

Месроп миқ этмади.

— Узим борардим-ку, лекин афсус, отхонанинг очилишига қатнашишим керак, шунинг учун, худди ўзимдек кўриб, ўрнимга сени юборяпман, Месроп...

Бироқ Месроп унинг ёнида йўқ эди, ҳатто яқин-атрофда ҳам унинг қораси кўринмасди. Мана шу галаговурларга бой, қизгин кунларда Левон ўзига ким керак бўлса ўша доимо ёнида ҳозир у нозир туришига, унинг муҳим ва ўринли буйруқларини оғзидан чиқарчиқмас кимдир қулоғига илиб олиб, бажаришига ўрганиб қолган эди.

— Месроп, нимага ўзбошимчалик қиляпсан?— деди Левон.— Месроп деяпман...— Левоннинг қони қайнаб кетди.— Туфу, ўша сени!..— гапига ҳеч ким қулоқ солмаганини фаҳмлаб қолган Левон сўкинганча, тўппа-тўғри Месропнинг уйига от солдириб борди.— Месроп қани?

Месропнинг онаси ўғли эрта тонгдан бери уйда йўқлигини айтди.

— Милтиғингиз қаерда, кўрсат.

Месропнинг онаси уйга кириб кетди-да, ҳаялламай қайтиб чиқиб, милтиқ осиб қўйилган жойида йўқлигини айтди.

— Туфу, ўша сени!..— Левон отининг бошини орқага буриб, қисқа йўл билан — тошлар устидан учиб, даладан елиб, ўрмонга кириб борди. Беш минут ўтар-ўтмас тоғ тагига етди. Унгаги билан буталарни ёриб ўтиб, тепаликка кўтарилиб бораётган от ярим йўлга етмасда-

ноқ Левон ерга тушиб олди-да, армуғонининг олдинги оёқларига тушов солиб, энкайганича югуриб кетди.

Қоя орқасида ўтирган Месроп милтиғини тиззасига қўйиб, папирос ўраётганди.

— Вой сен-эй!— деди Левон.— Уялмайдиам, яна ўтириб олиб папирос чекишини бунинг.

— Нима гап, Левон?— деди Месроп унинг оёғидан бошигача назар ташлар экан.

Левон чатаноғини кериб турарди, у оёғини шунақанги кенг кериб турардики, галифе шими ўзидан ўзи йиртилиб кетаётганди, Месропнинг эса ер остидан қарашини совуқ, қора қошлари остидаги кўз оқлари жудаям кўм-кўк бўлиб, папирос ўраётган бармоқлари мутлақ оёсийишта эди. Левон бенхтиёр кулиб деди:

— Бунчаям жиддий бўлмасанг, Месроп.

Месроп тили билан қоғозни хўллади, бироқ папирос четлари бир-бирига ёпишмади.

— Кет, Левон,— деди Месроп.

— Бордию кетмасам-чи, нима қиласан?— Левон кулимсиради, қўрқанидан ичидан қиринди ўтиб кулимсираётганини унинг ўзигина биларди.

Месроп милтиғига қўлни чўзди.

— Нима бало бўлди сенга, виждонингни бутувлай еб қўйдингми?— деди Левон сакраб ўзини четга олар экан.

— Бўкирма, бор, кет бу ердан.

Левоннинг ўзи ҳам аллақачон жуфтак ростлашга шайланиб қолганди, аммо-лекин мана бу аҳмоқнинг кўнглидагини ким билиб ўтирибди дейсиз, бирдан орқадан «пақ» этиб отиб қолса нима бўлади. Дарвоқе, Левоннинг Месроп олдида ваҳимага тушишига бирон-бир жиддийроқ асос ҳам йўқ эди. У фақат, Месропнинг қўлида милтиқ борлиги-ю, яна унинг тепкиси тушириб қўйилганлигидан чўчиётганди, холос.

...Бу воқеа юз берганда улар ўн олти ё ўн етти ёшда эдилар, ҳали бутунлай лайча эдилар, қулунча эдилар, ўшанда улар икковлон тоғ йўлида Никал қўрснинг хотинини тўхтатиб, уни ўзлари билан бир оз қолишини сўрашганди. Никалнинг хотини аввал биттасига, кейин иккинчисига қаради-да, қаҳрдан ранги қув ўчиб, улардан узоқлашиб, ўз йўлига кетди. Булар бўлса унинг орқасидан югуриб, худди икки дона картошка ёхуд икки дона олма, ёинки бир бурда нон сўраётгандек, бўйинларини олдинга чўзиб, ундан илтимос қилишни давом эттираверишди. Кейин, пировардида, Никалнинг

хотини қопини ерга қўйди, қўйди-ю, Месропни ушлаб олиб, кўзини кўкартириб безаб қўйди, чап бериб қочган Левоннинг орқасидан тош отди. Бироқ шундан сўнг ҳам улар унинг кетидан судралиб бораверишди, бўйинларини чўзиб, айтаётган ишларига кўнишини сўраб, эвазига унинг қопини уйигача кўтариб боришга, пичани ўриб беришга, хонаки эркак чўчқасини яйловда боқиб юришга ваъда беришди. Левон мактабда яхши ўқишга ваъда берди, Никалнинг ити бутун қишлоқда энг яхши ит эканлигини айтди.

—...Хўш, бундан нима чиқади, Месроп?— деди Левон уялиб қолган оёқларини жойдан қўзғатар экан.

— Улар меннинг отамни ўлдиришган, Левон.

— Ахир бу қачонлар бўлганиди... энди эса биз янги ҳаёт...

— Кет, Левон.

Левон Месропни ўзининг беш бармоғидек биларди, Месроп эса, ҳар қалай, ҳеч кимга маълум бўлмаган ва ўйигагина хос нимагадир эгалик қилишини истарди, шу боисидан у ҳозир илжаймай, ўз овозига ўхшамаган оҳангда гапирарди. Тутунни ҳам оғзидан қишлоқдошларига ўхшаб чиқармаётганди у. Ўз обрўйини кўтарадиган дақиқа етиб келди — шу пайтгача ўтган ҳар бир кун унинг номини ҳаётда ишەқмас, тамакига ҳам онасининг пулига муҳтож, вайсақи, ялқов деб тамғалаб келди. Шу пайтгача унинг топган иши — фақат гапириш эди, лекин ҳар бир киши, хоҳласа, унинг оғзига ура оларди, одам ўрнида кўрмасди-да уни.

Месроп ўридан туриб, уфқни бутунлай тўсиб қўйди.

— Кетсанг-чи ахир, кетасанми ё йўқми?!— у сўкинганча, Левонни қўндоқ билан туртди.— Келиб-келиб, меъни назорат қилишинг етмай турувди энди ўзи, сени қара-ю!... Отга миниб олиб буюраверар экансан-да...— У яна сўкинди.

Аллақачон йўлга тушган Левон ҳақорат учун хафа бўлмаганди (ҳар ҳолда Месроп отасидан жудо бўлган), иззат-нафси ҳам қиттак оғринмаганди — Месропнинг қўлида милтиқ, унда эса қамчи бор эди-да. Лекин Левоннинг ҳозир кетишига нимадир тўсиқлик қилаётганди — шу аҳволда қуруқ қўл билан кетиш унинг учун уят эди. Шу даражада уят эдики, у ҳатто отидан ҳам хижолат тортаётганди. Хуллас, миёнадаги аниқ ва ноаниқ фикрлардан тараддулланаётган Левон тўхтади. Кейин бирдан орқасига бурилиб, ўқдек учиб бориб, Месропнинг олдидаги тошга сакради. Бу ўз-ўзидан юз берди. Гарчи

кейинчалик Левон бу ҳақда, пухта ўйлаб бир қарорга келдим-у, орқамга ўгирилиб, югуриб борганча, тошга чиқиб олдим, деб айтган бўлса-да, бу нотўғри эди. Ҳамма одамларга ўхшаб, Левонга ҳам унинг бутун ҳаракати — илгаридан ўйланган ишни амалга оширилгандек туюлганди.

Левон тош устида турар, назарида эса ҳалиям чопиб кетаётгаздек эди. Шундан кейин ҳаммаси кўз очиб юмгунча, яна ўз-ўзидан рўй берди. Икки дақиқа ўтар-ўтмас Месропнинг қўллари қайрилиб, орқасига боғланди, Левоннинг кўйлаги йиртилиб, елкалари тимдаланиб кетди. Буларнинг бари шу даражада тез юз бердики, Левоннинг кўйлаги лоақал қонга беланиб улгурмади. Левоннинг шишиб кетган қовоғи кўкариб, кўзини қисиб қўйган, оёқлари ҳаминшагидай тўғри турмай, қайиншиб кетаётганди. Қўлидаги милтиқ стволи эса ҳадеб Месропнинг елкасига тегиб, уни тирнади. Левон галифесини чап қўли билан чангаллаганча борар экан, кўз очиб юмгунча Месропнинг қўлларини орқасига қайириб, яна иккинчи қўли билан шимидан камарини ечиб, уларни чандирлаб боғлаб ташлаганидан ўзига ўзи ажабланирди. У ўзига ўзи ажабланиб-ю, бу ажабланиш секин-асота ортаверди, ортаверди, ортаверди, орадан йиллар ўтгач эса бўлган воқеа унутулиб, фақат биргина унинг мана шу ажабланишигина қолди. Дарвоқе, бир неча йилдан сўнг ўша иши назарида, фавқулодда муҳим ва аҳамиятли туюлиб, унинг ўзини ўзига муҳим ва аҳамиятли одамдек кўрсатиб юборди ва у ўтмиш учун қўрқиб кетиб, тиззасини ишқаганча, ўз ҳаётини хавф остида қолдириш қанчалик бемаънилик бўлганини ўйлади. «Ёшроқ йигитчалардан юбориш керак эди, уни тутиб олиб, дўппослашарди...»

...Қўллари боғланган, ўнг қўли кафти санчиб оғриб, ёниб кетаётган, милтиқ стволи елкасига, яна фақат биргина жойга тегиб тирнаётган Месропнинг назарида, у ўч олиш фикрини узоқ йиллар давомида хўп ўйлаб пиширгандек ва ҳозир, уни амалга ошириш вақти етганда ўз туйғусини ўта пасткашлик билан қабиҳ йўсинда таҳқирлашаётгандек кўриниб кетди. Месроп ўзига-ўзи ачиниб, йиғлар экан, кўз ёшларининг ёноқларидан думалаши ўзига ёқиб тушаётганди. Бир овсар иккинчи бир овсарни нимададир айблар ва униси қўйилаётган айбни хурсандчилик билан қабул қиларди, чунки у эътибордан қолган одам бўлиб, эл-юрт кўзи олдида ўзини нима биландир кўрсатишни хоҳларди. Тасодиф тайин-таъси-

ри йўқ икки кишини — бирини қўлга тушган, иккинчисини қўлга тушурувчи сифатида тўқнаштириб қўйган ва энди улар: мана, биримиз қўлга тушган, иккинчимиз қўлга тушурувчи, деб ўйлашаётганди. Кечагина Никалнинг хотинига «сажда» қилиб, орқасидан югуриб юришганди, бугун эса улар гоё тарқатувчилар — шуни ўйлашнинг ўзиёқ ёқимли эди.

Месропнинг кафти, худди танасидаги ҳамма қон мана шу биргина бадбахт кафтга йиғилиб қолган-у, ҳозироқ тери орасидан тирқираб отилиб қетадиганга ўхшаб, зирқираб оғрирди. Кафт териси ҳам нақ ўргимчак инидек юпқа эди. Месроп тўхтади. Левон уни милтиқ билан туртди. Месроп милтиқ учи орқасига — жафокашнинг орқасига қаттиқроқ ботиши учун уни йтариб юборди. Кейин бошини Левонга ўгириб:

— Улар менинг отамни ўлдиришган, Левон,— деди.

Левон масалага бунчалик тор қарашни истамади, шекилли, уни туртганча, деди:

— Юр, юр, итвачча, учига чиққан миллатчи!

Месроп ўзи ҳам отаси билангина кифояланишни хоҳламаётганини сезиб қолиб:

— Улар Ани<sup>1</sup>ни хароб қилишган,— деди.

Теварак-атрофда пурвиқор тоғлар қад кериб турар, дарада пода ўтларди. Улар Левон отини қолдириб кетган тепаликка чиқиш учун булоқли жар қиясига тушишди. Пастда лолақизғалдоқ қоплаган водий ястаниб ётар, тепада, даралар устида, баланд-паст тоғларда қирғий чарх уриб учарди. Шу тобда улар ўзларига ўзлари қандайдир янги бир одамдек, хўш, айтайлик, трактор дастлаб пайдо бўлган кезларидагига ўхшаб кўрина бошладилар.

— Айтяпман-ку, миллатчи деб, миллатчилар қанақа бўларди, сен билан менга ўхшаган бир одам-да улар ҳам, шохи, думи йўқ-ку уларнинг. Миллатчи.

Озарбайжон подачилари қўйларини ўрмончадан ҳайдаб чиқишаётганди. Левон подачилар ўзларини пайқашларини кутиб турди, кейин қўли боғлиқ шеригидан бир қадам олдинга ўтиб: «Яшасин бутун дунёда уйғонаётган Шарқ!»— деб ҳайқирди. Месроп бўлса қошларини чимириб, иягини жаҳл билан кўтариб, ўз душманлари олдидан кесиб ўтиш учун юриб кетди. Месроп уларнинг

---

<sup>1</sup> Ани — Арманистоннинг X—XIII асрлардаги пойтахти.

ёнидан гердайиб, писанд қилмай ўтмоқчи эди, бироқ мўлжали пучга чиқди.

Подачилар икковини ҳам ўраб олиб, бир-бирларидан қаттиқроқ гапириб, бидирлашга тушишди, Месропнинг қўлини кўздан кечириб, кафтининг ҳамма бўғини жойидан қўзғалганини айтишди. Шундан сўнг қимирламаслиги ва ишга халақит бермаслиги учун Месропни қуруқ ерга ағанатишиб, уч киши устига ўтириб олгач, қув кўзли бир бақувват кампир унинг кафтини қўлига олди.

— О-ҳо, озмунча иш эмас экан-ку, бу... — кампир шундай деб, Месропнинг бош бармоғини силаб турайда, бирдан бор кучи билан тортди. Пировардида, Месропнинг бош бармоғи икки жойидан чиққанига бутунлай ишонгач, тагин бошини чайқади: — Э-э, нима бало, ёш боламисанлар, нима иш қилиб қўйдиларинг ўзи?..

Кампир охирида чидаб туролмай, Левонни эркамчасига сўқди. Ниҳоят, жимжилоқ жойига тушган-тушмаганини текшириб кўриб, ўрнидан турар экан, яна Левонга ёпишди:

— Тўнка!

Оғриғига жимгина чидаган Месропнинг юзини ювган кўз ёшлари қуриб қолди. У ўзида на мана бу кампирга, на — энди бир четда туриб папирос тутатаётган — устига миниб олган кишиларга нисбатан нохуш туйғуни сезаётганди.

Қалтакланган икки ит, майиб бўлган икки саркарда — Месроп ва Левон орқаларидан битта от билан битта милтиқни судраб, суҳбатлашганча ўрмонга киришди, ўрмондан чиқиб, қишлоққа кўтарилишди. Улар хаёлларига нима келса шу ҳақда суҳбатлашиб боришарди: отлар, тақалар, мола, гўнг, Симоннинг уч йилдан бери на ўлиб ўладиган, на ишга ярайдиган — ҳанграшдан бошқа нарсани билмайдиган эшаги... Падарига лаънат бунақанги эшакни...

Улар йигирма етти — йигирма саккиз ёшдаликларида Левон аллақачон халқлар дўстлиги ғоясини ўзига байроқ қилиб олган, Месроп бўлса «Арманилар... Наирри... Ани...» — деб вайсагани-вайсаган эди. Месроп санаю номларни ёдлаб олиб, уларни чайнагандан чайнаб, Арманистон тарихига мурожаат қилар, Левон эса буларнинг барига ола қараб, ўзига ўзи, ҳушёр бўлиш керак, деб уқтирарди. Ҳатто бу хусусида Месропни огоҳлантирган, айти пайтда, ўзининг ҳар томонлама ҳушёрлигини ичда таъкидлаб қўйганди. У ўз ҳушёрлигидан, Месроп ўзининг Леосидан воз кечмади. Улар

бир-бирларидай жудаям хурсанд эдилар, чунки уларнинг ҳар бири иккинчиси ҳаётда мавжудлигини исботлаб турарди. Кейин, қишлоқда ваҳима кўтарилмаслиги учун, Левон давлат хавфсизлиги ходимларини тунда Месропнинг уйига бошлаб келди. Амалга оширилиши лозим бўлган иш, унинг таклифига биноан махфийлаштирилганди: Левон билан бирга келган уч киши эшик орқасига беркиниши, у эса, тақиллатиши лозим эди. Месропнинг итини чалғитиш учун Левон ўз қўли билан бир парча наMATни ёгда қизартириб келганди. Бечора кўппак бутун туни билан мойли наMATни ғажиб чиқди, эртаси куни — Месропни аллақачон олиб кетишган ва у энди вовиллаши мумкин бўлганда ҳам ундан ажролмади. Хуллас, фақат итни алдашгина муваффақиятли чиқди. Чунки Месроп ухламасдан уларни кутиб, Леонни ўқиётганди.

— Бу — менман, Месроп. Бўйинтуруқни қаёққа қўйгансан, ҳеч қидириб тополмаяпман.

— Бўйинтуруқ менинг бўйнимда, Левон,— деди Месроп армани эркакларига хос баралла овозда.— Сенга, Левон, менинг бўйним керак, бўйним эса ўзимда, киравер.— Шундай деб, деразани очди-да, милтигининг учини чиқарди:— Йигитлар, орангизда турк йўқми?

Улар ораларида турклар йўқлигини, ҳаммалари армани эканликларини айтишди.

— Модомики, ҳаммангиз армани экансизлар,— Месроп милтигини ичкарига тортиб олди,— марҳамат, кираверинглар, азизларим. Ароқ ичасизларми, йигитлар ё виноми?

Ароқ ёки виноми бошларига урадиларми, улар бошқа нарсани қидиришаётганди. Лекин улар исташган нарсаларини тополмадилар, чунки унинг ўзи йўқ эди-да. Фақат биргина Лео, меҳнат куни дафтарчаси бўлиб, кўзларини бир маромда пирпиратганча, стол ёнида ўтирган Месроп бор эди.

— Йигитчалар, ўзи нимани қидиряпсизлар, ҳамма нарса кўз ўнгизда турибди-ку. Сизлардан яширадиган нарсам йўқ, орамизда турклар йўқ экан, яна нима ҳақда гап...

— Қиличинг-чи, уни қаёққа беркитгансан, гапир,— деб қолди бирдан Левон кулимсираганча, у билан келганларга эса жон битди.

Милтиқ-чи? Милтиқ ҳам гап бўлибдими, милтиқ қўлчиликда бор, уни кўтариб қуёи ёки каклик овлагани боришарди. Қиличга келсак — қилич жиддий ишга ўх-

шаб кўринарди, чунки у тилга олиниши биланоқ ҳаммаларининг хотираларида ноаниқ тасаввурлар пайдо бўлганди — қилич казакларнинг қизилларга қарши қуроли, шу билан бирга инқилобнинг барча душманларига даҳшат солган Чапаевимизнинг қуроли эди. Ҳа, қилич уларнинг ҳаммасига ҳам жиддий қуролдек кўринди (бунинг устига, деворга илиб қўйилган чўпон буркаси ҳам Чапаевни эслатиб юборганди).

— Қилич, дейсанми? Ростданам қани у?

Уйни ағдар-тўнтар қилиб юборишди. Месропнинг ўзи ҳам уларга қўшилишиб ахтаришди. Девору тўсинлар ичига қурол яшириб қўйилмаганмикин, деб уларни тақиллатиб уриб кўришди. Тўсинларнинг ичи кавак эмасди, уларни ҳатто ёриб кўрилганда ҳам ичидан қилич чиқмасди. Улар аллақачон жиққа терга тушиб кетишганди-ю, бироқ қилич топилмаётганди. Пировардида улар, довдираганча, хона ўртасида туриб қолишди. Ана шунда Левон Месропни четга тортиб, қулоғига ниманидир шивирлай бошлади. Энди Левон конспирация, ваҳима кўтарилиши, бутун дунё революцияси каби нарсалар устида ўйламасди, у нима учундир тўмшайиб, қаранг-қараманг оддий деҳқоннинг ўзгинаси бўлиб қолганди. У уялаётганди, худди уйига қадрли меҳмон келганда дастурхон ёзолмай изза бўлган мезбондек уялаётганди. Месроп унга қулоқ солиб, дам-бадам: «Ҳа, шундай, яхши, ҳа, ҳа, шундай... аҳа...» дерди. Хонадаги уч киши ҳам унинг Левонга: «Ҳа, шундай, яхши, ҳа»,— деганини эшитишди. Левон бўлса Месропга шундай деяётганди: «Уят, ахир улар областдан келишган. Икки қўлларини бурунларига тиқиб, қуруқ қайтиш энди уларга ноқулай, лейтенатни ҳам, мана безовта қилдик, ҳов анови, ёшроғи — лейтенант».— «Ҳа, шундай, шундай»,— дерди бунга жавобан Месроп.

...Қилич ертўладаги карамлар орасида, худди қилич эмасдек, зарарсиз ҳолда ерда ётарди. Занглаб кетганди. Бир пайтлар у билан карам бошларини чопишганди-да, иш тугагач, уни улоқтириб, эсдан чиқариб юборишганди. Месроп хотинига ўдағайлай кетди:

— Қўлингни нимага қиличга теккизасан, бефаросат, қурол-яроғга ҳурмат деган нарсани билмайсан.

Месроп шу заҳотиёқ қилични артиб, тозалаб, қинини топди-да, ўз айбига ҳеч деганда битта асослироқ далил бўлиши учун, уни карам-кескичдан ҳақиқий қуролга айлантирди. Месроп бу иши билан узоқ вақтларгача Левон:



— Бутун онгли ҳаётим давомида катта фаолият кўрсатдим. Ҳа-а-а... Э-э, бу бошимиздан нималарни кечирмадик: саботажни ҳам, босқинчилик қилганларни ҳам, миллатчиликни ҳам кўрдик! Эҳ, болалар-эй, бу ҳаётга осонликча эришганмиз, деб ўйлайсизларми?— деб гапириб юришига имкон берди.

Хаскаш, укроп, ўрим, каноп, тезак каби одатий сўзлар ўрнига ҳали муомилага кириб улгурмаган, тахи бузилмаган, охори тўкилмаган, янги — «фаолият», «онгли ҳаётим давомида» ва ҳоказо сўзларни талаффуз этиш ёқимли эди. Фақат, Левон сўзларни кўпинча адаштириб юрар ва «миллатчилик» дейиш ўрнига «месропчилик» деб айтишни хоҳларди.

Месроп ҳам уни қуруқ қўймади: қишлоққа қайтиб келгач, бир неча кунгача жим юрди-да, кейин шунақанги гап олиб қочдики, шунақанги омади юришдики бу соҳада, асти қўяверинг. «Эшитдингларми, Левонни фош этишибди...»— дерди у. Бу билан: «Эшитдингларми, Берияни фош этишибди»,— демоқчи бўларди. Ёки: «Эшитдингларми, Левонни қамашибди...» ёҳуд: «Левонни ҳукм қилишибди...» ва ҳоказо, ва ҳоказоларни айтарди. Ҳамманинг жонига ўлгудек теккач, унинг бу хилдаги ҳазилларига ҳеч ким кулмай қўйди. Охири ҳар икковини ҳам фермага ишга юбориб, шундай дейишди: «Тилларингга шунча эрк берганларинг етар, энди бориб ишга киришинглар».

Фермадаги ишларни мустасно қилганда, икковиям умрларидан мамнун эдилар. Бирининг ўзининг қамоққа олинишини гап-сўз қилиб, нақ нишон ёки орден таққандек кўтариб юрса, иккинчиси социализмнинг барча муваффақиятларини худди ўзининг шахсий муваффақиятидек ҳисобларди.

Месропнинг тасаввурида ўзи ҳақ бўлиб чиққандек туюларди: «Қасални яширсанг, иситмаси ошкор қилади. Москва, Кремль, ССР Иттифоқи Олий Совети Президиуми Рансига, ёзамизми?..»

Левон ҳам, давлат хавфсизлиги органлари ҳам, айбсиз ҳукм қилинганлар ишини текшириш бўйича комиссия сўқмоқ йўлда унинг бошини силаган анови чўпон ҳам, Месроп озарбайжонлар тепасига милтиқ кўтариб борганда адабини берган ўроқчи ҳам, ҳеч ким уни эътиборсиз қолдирмаганди, ҳамма гап мана шунда эди. Аслида унга ҳеч қандай эътибор бериш керак эмасди, бунинг ўрнига уни ё кўнглини кўтаришарди, ё жазолашарди.

Хаттоки, айиқ ҳам ҳазар қилмай, одамлар гапи билан айтганда, у билан мулоқатда бўлганди. Айиқ ўзининг оғирлиги ўн пуд келишини унутиб, мана шу ориқтирриқ, нимжон чолнинг ҳолини танг қилганди. Қария Ереван нималигини биларди, унинг кўчаларида юрган, универмагга кириб чиққанди, французча газетанинг номи қандай кўринишини хотирларди, «атом бомбаси», «жаҳон уруши», «Африка», «Нейрон» деган сўзларни айттарди, мана шунинг учун айиқ унинг кўзига болалар ўйинчоғига ўхшаб кўринганди. Айиқ нима учундир унга кулгили ва ноаниқ, эртақдагидек кўкка бўялган баҳайбат махлуқ бўлиб туюлганди.

Далада айиқ пайдо бўлганини унга Левон етказди.

— Милтиғнингни ўқлаб ол,— деди унга Левон.— Питра унга чивин чаққанчалик таъсир қилмайди.

— Ўқ терисини ишдан чиқаради,— деди бунга жавобан Месроп.

— Ўзинг биласан,— деди Левон.

Куз яқинлашиб қолганди. Ўрмон салқинлиги тобора совуқ билан алмашиб, офтоб хушёқарди. Тўққизил япроқлар аллақачон бутун ер юзини қоплаб, қални япроқ қатлами тагида қолган чашмалар чулдирамай қўйганди, йўсинлардаги сув томчилари битта-битта томчиларди. Пўпанак босган қоялар ярим ваҳший аждодларимизга ўхшаб дарғазаб кўринарди. Ёнма-ён ўсган икки қорақайиннинг шоҳлари бир-бирига урилиб, силкиниб, кишининг ғашига тегар, қизқуш— жиғали ботқоқ қуши дарахтлар тепасида гир айланиб, гоҳ учиб кетар, гоҳ яна қайтиб келарди. Месроп қизқушни етти марта нишонга олди, лекин нимагадир отмади. Варанглатиб отса ҳам, барибир ўрмон бу овозни ютиб юборарди,— ўрмон ўрмонлигини қиларди-да, Месроп бегона уйда эди. У маймунжондан оғзига ташлар экан, ўзига ўзи ўрмонга келиб, маймунжон еяётгани, кейин хотиржам, мутлақо котиржамлигини гапирарди. «Айиқниқига меҳмонга келиб, маймунжон еяпман»,— деган фикр ялт этиб хаёлидан ўтиши биланоқ, кимдир унга, йўқ, асти бундай эмас, деб шивирлади. Месроп шу яқин атрофда танасига ўзининг Андраник, Гикор, Амаякнинг... исмлари ўйиб ёзилган дарахт бўлиши керак, деб кўнглидан ўтказди. «Чўчқалар боқишди 25/V 22 й.» У ўрмон этаги ўша кундагидек чарсиллаб ёнаётган гулхан атрофидаги қичқирриқларни шовқин-суронларига, аҳмоқона кулгиларни қўпол ҳазилларига тўлишини хоҳлади шу топда. Хўрсинди: «Эҳ, қанийди энди пул бўлганда!» Аслида Месроп

ҳозир бирон-бир кишининг овозини эшитишни хоҳлаб қолганди. Кейин унинг орқаси жимирлашиб, сочлари типпа-тик бўлиб кетди — шапкаси ўзидан-ўзи тепага кўтарилди.

— Сисий иқтисод,— деди Месроп қаттиқ овозда.— Шимолий қутб, Жанубий қутб,— шунда тирсаги билан қўндоқнинг қаттиқлигини сезган Месроп тирноқчаям қўрқмаслигини, ҳатто кулимсираётганини — маймунжон яхши эканлигини кўнглидан ўтказди...

Ўрмон жимжит бўлиб қолганди. Қорақайинлар қилт этмас, ағдарилган дарахтга қўниб олган қушқизгина бошини ён-верига бурарди. Нафасини ичига ютиб, сал нарироқда кимдир турганди, бироқ унинг кимлигини билиш учун ўгирилиб қарашга Месропнинг юраги дов бермади. Қулоғи шанғиллаб, мияси гувиллаб, чаккасидан тер томчиси думалаб тушди. Айиқ. У ағдарилган дарахт ёнида турарди. Месроп уни кўраётганди-ю, қорақайиндан фарқлай олмаётганди. Ҳамма қорақайин айиқ эди, бутун ўрмон айиқ эди. Месропнинг мускуллари таранглашиб, яна ўз ҳолига қайтди. Терн қотди. Назарида қорақайин ёнида ўзининг кекса буваси тургандек кўриниб кетди, демак, ундан яхшилаб кечирим сўралса, ҳаммаси нутилилади-кетди...

— Алдаётганим йўқ, мана хочим,— деб, ўринда ётганйча менга ҳикоя қиларди Месроп.— Эсимда, қуролимни ташлаб, унга: «Сочма ўқ билан ўқланган, қўрқмасанг ҳам бўлаверади,— деб кулдим.— Мен,— дедим,— ҳозир кетаман, икки-уч дона маймунжонингдан едим, ҳозир кетаман...» Сен айиқни кўрганмисан?

— Йўқ.

— Худди итга ўхшайди, Грант. Қуйиб қўйгандек итнинг ўзгинаси. Бир пайт оғзини очиб ириллаганча, менга қараб бостириб кела бошлади. Тили қип-қизил, ингичка, ит зотидан-да. Кейин ангиллайдиам. Қорнидаги юнги қизғиш, товланиб туради.

Ана шундан сўнггина айиқнинг қутурганини, айиқ уни эмас, у айиқни енгиши кераклигини пайқаганди у.

— Нимага бунчалик аччиқланди? Ҳа, шунақа ҳайвон-да ўзи, лоақал ўйлаб кўрмасдан устимга бостириб кела бошлади. «Бир кам, сен етмай турувдинг», деб ўйладим. Ушанда қўлимда милтиқ яна қандай пайдо бўлиб қолганини ўзимам билмайман, қулочкашлаб туриб, бошига кучим борича қўндоқ билан тушурдим. Милтиқ парчаланиб кетди, айиқ бўлса чўққайиб ўтириб

қолди-ю, увуллашга тушди. Милтиқ учини оғзига тиқмоқчи бўлгандим, уни туртиб юбориб, яна устимга бос-тириб келаверди. Бир пайт қарасам — мени саронжомлаб, бурда-бурда қилиб ташлайдиган. Оғриқни сезмайман — фақат қизиб кетяпман, қулоғимга қарсиллаш эшитилади, димоғимга сассиқ ҳид урилади. Яна шу нарса эсимда, унинг эркакларгагина мансуб зормандасидан чангаллаб олмоқчи бўлгандим, қарасам, у йўқ-да. Охирги умидим шунда эди, қўлларим билан тимирскилайман, унинг эса худди шу зормандаси йўқ экан. Одамлар шу йўл билан айиқ чангалидан қутулиб кетган қанчадан-қанча воқеалар бўлган ахир. Ана ўша зормандасидан ушлаб олиб қўйиб юбормасанг, тамом, у ўлади. Ҳа-а-а... Келиб-келиб, менга ўша зормандасиз айиқ учради. Нимаям дердинг, бунақанги одамлар тўғрисида, омади юришмаган, дейишади, Ҳа, менинг омадим йўқ, ишим ўнгидан келиши пешонамга битмаган.

— Кейин нима бўлди?

— Эсимда йўқ, Грант, эшитишимча, кучуқлар қутқарганмиш мени.

— Ҳа, майли, лекин бу айиқ қандай қилиб, анов, ўзинг айтаётганингдек зормандасиз экан?

— Урғочиси экан, шекилли-да. Йўқ, нималар деяпман ўзи-а, бир ўйлаб кўргин. Дунёда айиқлару овчилар тиқилиб ётибди. Овчига айиқ учраса — отиш керак, шунда айиқ ё муккасидан кетиб йиқилади, ё яраланиб, сенга даҳшат билан ташланади. Ҳаммаям айиқни битта отишда ўлдириши мумкин, менга-чи, у милтиғим сочма ўқ билан ўқланганда учрайди, бунинг устига яна урғочиси бўлиб чиқади. Бутун умрим шундай ўтди.

Месроп бир ойча район касалхонасида ётди, яна шунча вақт ўз оёғи билан юрувчи касал ҳисобланди. Шу ўтган вақт ичида у нималарнидир ўйлаб, аллақандай хулосага келган ва энди ўзига суҳбатдош қидиришга тушиб қолганди. Бироқ қишлоқдагилар унинг овчилик саргузаштларидан мириқиб кулишарди-ю, сафсатавозликка тушиши биланоқ, қўлларини силтаб, жўнаб қолишарди.

У ётган жойида бармоғини китоб саҳифасига қўйиб, шифтга тикилар ва ўша ерга ёзиб қўйилганларни ўқиётгандек туюларди:

— Еруғ дунёда эллик йил яшаб, мабодо бирор нарсага тушунган бўлсам — унгаям ов пайтидагина тушундим. Айиқ нимаси билан кучли? Айиқ — бу ўрмон. Айиқ — ўрмоннинг бир қисми. Ўрмон ҳам айиқнинг бир

қисми. Қаерда ўрмон тугайди-ю, қаерда айиқ бошланади, билиб бўлмайди. Қочиб қолмоқчийдим, буталар халақит беришди, қушқиз айиқ келаётганидан хабардор эди — роса бир соат бошимни қотирди. Фаҳмлаяпсанми?

— Дуруст,— дедим,— бундан нима келиб чиқади: ким кучли бўлса — ўша душман, шунақами?

— Сал хато кетяпсан.— Месроп кимнидир суҳбатга тортганидан, тўғрироғи, унинг назарида, ўзи осон ва эпчиллик билан бошқара оладиган мавзуга алдаб бошлаб келганидан мамнун эди.

У бошини чайқаб ва худди шу дақиқаларда суҳбатдошини ҳам, бошқаларни ҳам пайқамай, ўз мулкига бостириб кирмоқчи бўлганларга кўрсатгич бармоғи билан киришни ман этиб, сўнгги — аҳамиятсиз, аммо зарурий аниқликларни киритди:

— Сен сал бошқачароқ гапираяпсан, ҳақиқат эса мана бундай: ким айиқ бўлса — ўша кучли. Яъни, шахсий ўрмонга эга бўлиш керак. Левоннинг, масалан, ўрмони бор — шунинг учун у кучли. Ўрмон фақат мендагина йўқ, ҳеч қачон бўлмаган ҳам.

— Сен отларни яхшилаб парваришла, зиён кўрмасликка ҳаракат қил, шунда яхшигина даромад қила бошлайсан, ана ўшанда кўрамиз, сенга ўрмонингни ҳожати қоладими, йўқми,— дедим.— Ҳозир эса вайсашдан нарига ўтмаяпсан,— дедим яна. Кейин қўшиб қўйдим.— Биласанми, элликка кирганлар ақлли бўлиши лозим, мана сен ҳам донолик қиляпсан.

— Йўқ,— деди у бошини чайқаб,— йўқ. Ҳаммасига тушунишинг учун сен ҳали кўп яшашинг керак. Инсон яшаши учун эса нима биландир тиркчилик қилиши лозим. Буғдой биланми? Донни сепасан, уни йиғиштириб оласан, хўш, нима бўлибди? Айиқ дуб ёнғоғини териб ейди. Ит ҳам суяк топса — ғажийди. Хўш, нима бўлти? Месроп отларни кўриқлайди. Айиқ дуб ёнғоғини, Месроп буғдойни ейди. Айиқ ейди, Месроп ҳам ейди. Хўш, қалай, ёқадими?

У чек-чегараси йўқ ва турли-туман ўрмон, ёввойи ҳайвонлари — айиқлару олабўжилар, қиргийю буғулар ёнига, йўсинлар босиб кетган ва аждодларимизни эслатувчи қоялар томонга олиб борувчи сўқмоққа қадам қўйди. У ерда айиқ ёрилган тўнкада ўз куйини чалар, яшин ўт ёқар ва чиққан оловларни жала ўчирарди. Бўри изини сой яширар, бўри сас чиқармай буғуга яқинлашар, шунда бунақанги хонлиқни кўрган қайиннинг

қуриган шохи синиб тушар ва қўрқиб кетган бўри ўзини бирор томонга урарди. Кейин ўрмонга қалин қор тушарди-да, ўрмон мудраганча, каккунинг илк сайраши билан бошланиши ва айиқнинг жўш-хурушга келиб Маймунжон йиғишию беҳаловат, эҳтиёткор қуённинг уйқуга кетиши билан тугаши лозим бўлган келгуси йил учун эртақ тўқирди.

Унинг озарбайжонлар ёнига сўнги сафари ҳам маълум сабабга кўра бошқа йўсинда эмасди.

У қуролини олиб, мойлаб, артиб, ўқлади-да, йўлга тушди.

— Эртами-индин бу дунёдан кўз юмаман. Аветикка нима деб жавоб бераман ўшанда?

Левон дарада чўпонлар билан биргаликда қўйларни юваётганди. Месроп тўғрисида гап топиб келишлари биланоқ у юқорига — чодирлар томонга югурди. Йўл-йўлакай:

— Ушланглар уни, қўл-оёғини боғланглар бу жиннининг!.. Қўл-оёғини боғланглар бу жиннининг! — деб бақриб борди.

Яйловда фақат аёлларгина бор эди. Шунинг учун ҳеч ким Месропнинг орқасидан югуриб, унинг қўл-оёғини боғлашга уринмади. Месроп тепаликдан ошиб, озарбайжонлар манзилига тушиб борди. Уни ҳеч ким кутмаётганди. У ердаги диққат-эътиборни тортадиган бирдан-бир нарса уларнинг зотдор буқаси жайдари буқа билан сузишаётгани эди. Жайдари буқанинг учи ўткир шохларини чўпонлар қирқиб ташлашган бўлиб, энди у анови буқани бурда-бурда қилиб юборолмас, унис эса, ҳаддан ташқари бесўнақайлигига қарамай, бунисини ҳеч нарса қилолмасди, чунки буниси асабий, олов ва эпчил эди. Эндиликда улар кучлари тенг ҳолда олишаётганди, аммо шунга қарамай Месроп уларга яқинлашиб, ҳайдаб юборди. Буқаларни ҳайдаб юборгач, ўтирди, чекди, кейин ўрнидан туриб, келган томонига қараб аста-секин юриб кетди.

Озарбайжон чўпонлари эса унинг орқасидан қулганча қолишди.

— Келиб, тарвузимиздан еб кетиш отбоқарга ёқиб қолганга ўхшайди.

Месроп ҳозир ҳам тирик, бир номаъқулчилик орқасидан бошқасини қилади, қўлида болта кўтариб, ойлаб ўрмондан чиқмайди — булоқларни тозалайди, аргувон пўстлогидан ҳалқачалар ясаб, булоқлар ёнида қолди-

ради, тошларга, булоқлар тепасига, йўсинларга сўзларни ўйиб ёзади: «Месроп К. XX а.»— Месроп Казарян, XX аср эмиш. Сени бу аргувон ҳалқачаларинг кимга керак, улар неча кунгача чидаш беради, йўсинлардаги ёзувларинг неча йилгача сақланиб туради-ю, ажабо, улар кимга керак, деб сўрагинг келади.

Левон ҳам яшаяпти. Қишлоққа келган мухбирларга: «Ингирманчи-ўттизинчи йилларда жуда катта фаолият кўрсатганман. Жуда катта. Эсимга тушиб қолса, бир кишининг қўлидан шунча иш келарканми, деб ўзим ҳайрон қоламан»,— дейди. Месроп тўғрисида эса шундай дейди: «Емон одам эмас, фақат ҳеч қачон ўзининг фойдасини билмайди — уни буқа сузади, от тепади. Тентак тушунмайдик, отнинг шохи йўқ, демак, унинг олдидан келиш керак. Буқа тепишнинг уддасидан чиқмайди, демак, унинг орқасидан келиш лозим. Ҳаёт қонуни шунақа, унга бўйсуниб керак».

## КЕЛИН ТУШИРИШ...



Одамлар Цмакут устидан учиб ўтиб, Москвадан Еревангача бир юз йигирма — бир юз йигирма беш минутда етиб боришади, лекин Цмакутдан Ереванга боргунча эса роппа-роса бир кечаю бир кундуз юриш керак.

— Бизнинг қишлоқ, ошнам, жудаям олис-олисларда...

— Шундай бир оҳангда гапиряпсанки, худди у Арманстонда эмасдек...

— Арманстондаяммас, бу ер юзидаяммас...

У ёқда йил бўйи — худонинг берган куни қирғий қишлоғу товуқлар тепасида ўша-ўша гир айланишини қўймайди, далалару беданаларни савалаш учун тепаликлар орқасидан тўсатдан дўл ёпирилиб келади, шамол арихоналар қопқогини учуриб, ёмғир уларни сувга тўлдиради, уловни олиб келишга юборилган бола сариқ сувли сел гулдираши тутиб кетган жарликдан шалаббоси чиққан от ёнига ўтолмай, довдираганча, туриб қолади; жарлик бўйидаги қоратошнинг дарз кетганига мана юз йилдан ошяпти, лекин у қулаб тушмаяпти, ҳеч балоям урмаяпти унга, бир одам эса ўзига уйни мана шу қоятош ёнигами ё этакдаги Симонинг уйига яқинроққами қуришни билолмай боши қотяпти. Уёққаям, буёққаям қуролмаётган экан, эҳтимол, шунинг ўзи арзимаган ашқол-дашқолини кўтариб, Ереванга жўнаб қолиши учун баҳона бўлар? Симоннинг ишлари хўп юришганди, ўғли Ереванда яшайди, борди-ю, шаҳар иссиқлик қилиб



қолса — Цмакут тайёр дача, келиб, кўнгли тилаганча яшайверади. Агун умри бўйи, шаҳарга, шаҳарга, шаҳарга деявериб, безор қилиб юборганди, ниҳоят ниятига етди. Мана энди унинг йигирма беш ёшли ўгли бирон-бир ерда эмас, нақ Ереваннинг ўзида (Агун Манацага ўхшаган бирор жойни хоҳлаган, ундан каттароқ шаҳарни орзу ҳам қилмаганди-да).

— Серо!

Парандземдан унинг ўттизта тухум қарзи қолди. Ўтган сафар шаҳарга борганда ўгли: «Битта тухум ўн тийин туради, бозор — бурнимнинг таккинасида, бошқа олиб келма»,— деганди. Тушунмайди, бутунлай амаки-сига тортди у, ҳеч нарсага тушунмайди, пулнинг ҳисоб-китобини билмайди, шундай бўлгач, ҳеч қачон яхшиям яшамайди, даста-даста пул топиб, яна дасталаб шамолга совуради. Ишқилиб, пешонасига оёқ-қўлли, саранжом-саришта хотин битган бўлсин-да, йўқса, ёмон қоқилади.

— Серо, ўн тийиндан беш юзта тухум қанча бўлади?

— Ўзинг билан мени бирга олиб кетмаяпсанми, айтмайман.

— Арифметикангни ўрганиб олдингми? Нима ўқи-япсан ўзи?

— Ўзинг билан олиб кетмаяпсанми, айтмайман.

— Парандземга ўттизта тухум бериш керак, деб биронта қоғозга ёзиб қўй.

— Ўзинг билан олиб кетмаяпсанми, ёзмайман.

— Тезроқ бўл!.. От ўтлаяптими ё арқонига ўралашиб қолдими, бориб хабар ол, тезроқ, сенга айтяпман!

Ўгли математикадан ёмон ўқирди. Бунинг устига, имтиҳонлар яқинлашиб қолганди, ўтин ёра туриб оёғини чопиб олди. Жароҳати унча оғир эмасди, аммо-лекин имтиҳон яқинлашиб қолганди-да, зорланиб йиғлаб юборди: «Оғрияпти». «Агуник,— деди Сирануш,— сен жабр кўрган аёлсан, баҳо қўйиб бераман, лекин билиб қўй, математикасиз ўғлингнинг келажаги бўлмайди.» Бунга жавобан у: «Агар у ванкерликларга тортган бўлса — одам бўлади, борди-ю, Сиранушжон, цмакутликларга тортган бўлса — унга ҳеч нарса, ҳатто математика ҳам ёрдам беролмайди»,— дегани эсида. Қизиқ, ўғлингнинг мақолаларини Сирануш ўқиётганмикин? Вазген ўқийди-ю, ёқтирмайди: «Агар мен ҳам ёзишни бошласам, бундан яхшироқ ёзаман»,— дейди. Нимага ёзмайсан, бўлмасам? Уйингда сиеҳ бор, ручкаям бор, ёз, ёзавер, ким сенга халақит беради...

— Серо!

— Нима дейсан?

— Қадрли профессор Серо, Парадземга ўттизта тухум, деб ёзиб қўйдингми?

— Ўзинг билан олиб кетмаяпсанми, мен сенга профессор эмасман.

— Нима тўғрисида гапираётгандим ўзи? (Юзта тухум, яна элликта — ҳаммаси қанча бўларди, юз элликтами?)

— Нима тўғрисида?

— Сен, Серо, подачисан, деяпман. Аканг саккизинчи синфда математикадан йиқилганда, Симон шундай деганди: «Подачиларга яхшигина меҳнат куни ёзишадн, бунинг устига пули ҳам чакки эмас, ке, уни чўпонликка юбора қоламиз. Подачи бўла қолсин... Уруш бўлаётгани йўқ, кейин ҳеч нарсага истак-хоҳиши йўқ ўзининг, яхши яшашга орзумандлиги ҳам кўринмайди, қоринни тўйдириш учун эса картошка ҳамиша топилади». Дарров ўрнингдан тур!.. Қоғоз тугади, эски, кераксиз китобни топиб кел.

Болакай китоб жавони олдида туриб олиб, уёқни қаради, буёқни қаради, кўзларини пирпиратди, охири табуретка олиб келгани кетди.

— У ёқда кераксиз китоб йўқ бўлса, бошқа жойни қара.

— Ўзинг билан олиб кетмасанг, тухумларингни па-чоқлаб ташлайман.

— Ростданми?

— Биттаям қолдирмайман.

— Яна қанақа каромат кўрсатишинг мумкин, қани ҳаммасини айтиб бер-чи!

— Ереванга бирга олиб кетмасанг...

Арташ бутун рўзгорни талон-тарожу нест-нобуд қилиб, ўғлига гилам билан ўрин-кўрпадан бошқа ҳеч нарса бермаганди. Бўлмаса, ёстиқ нима деган матоҳ? Ғознинг парини юлиб, ёстиқ жилдига тикиб қўя қолишганди.

— Хўп, яхши, Серо, сени ўзим билан олиб кетай, кейин нима бўлади? Сигир келса — бузоғи йўқ. Отанг даладан келса — уйда на овқат, на чой бор, уй қоп-қоронғи... Отанг оч, ўлгудек оч, яна чанқаган... Чўчқалар ўрмонда қолиб кетишган. Қалхат товуқни олиб қочган. Муроднинг Жағдор номли сигири ўтиб кета туриб, нокимиз шохини синдирган, товуқлар туқдан тухумларни ҳеч ким йиғиштириб олмагани учун, улар

мушукка ем бўлган... Еревандан қайтиб келганимизда, қарабсанки, уй эмас, молхонанинг устидан чиқиб ўтирибмиз-да,— яхшими шу?..

— Менга нима?

— Бу уйда нимаки бор, ҳаммаси сеники. Уй ҳам сеники. Мен билан отанг бўлсак — сенинг қулниг ёки хизматкорингмиз, хоҳлаганингча атайвер.

— Менга керакмас буларнинг ҳаммаси.

— Аканг ҳам шунақа дерди бир пайтлар. Энди бундоқ бир қарагин-чи, укаси Серо унга қанчадан-қанча турли-туман нарсаларни жўнатяпти, биласанми... тузукроқ ўра... олий ўқув юртига кирадиган пайти келганда акаси Серони институтга эмас, университетга жойлаштириш учун жўнатяпти. Ана шундай, биттадан ўраб, бу ёққа қўй. (Қизик, келинчак ўзини қанақа тутаркин, ахир илондек вишиллаб: «Эрим онадан туғилмаган, осмондан шундоққина тушган», дейдиганлари ҳам учраб туради-ку. Сен уларга ҳамма нарсани олиб бераверасан, олиб бераверасан, уйларида эса барибир ҳечвақо йўқ — ҳа, шалтоқ хотинларнинг шунақасиям бўлади. Эҳ, қани энди келини олтинранг сочли, баланд бўйли, соч ўрими йўғон ва узун бўлса-ю, уларга паҳлавон невараларни туғиб берса...) Эртага етadиган овқат бор, ўзинг иситиб егин, индинга Нозик келиб бирон нарса пишириб берар, қараб тур, яна ёғни кўп солмасин. Индинга, отанг ишдан келганда унга: «Отажон, ҳар куни давлат хизматидасан, бошқалар аллақачон пичанини ўриб олди, бизларники эса ҳалиям тоғда ётибди, чирияпти, эртами-индин қор тушса қийналиб қолмаймизми?» — дейсан... Бор, приёмник яхши ашула айтяпти, овозини чиқар. Умрим бўйи, ҳеч бўлмаса битта ўғлим хушовоз туғилиб, ашула айтсайди, деб орзу қилгандим, сизлар эса, ҳаммангиз бир қолипда овозсиз туғилдинглар.

— Акам қўшиқни яхши айтмайдими ҳали?

— Акам?.. Акагинангга жоним қоқиндик. Аканг ҳамма ишни ўрнига қўяди — ашула айтишним, кулишним, ҳамма ўртоқлариям яхши унинг... Вой, белим-эй... Улғайганигда, ветеринария институтига келиб, мол докторлигига ўқийсан, тўғрими, Серожон? Урашдан тўхтамагин-да, гапга қулоқ солгин, мол доктори бўлиб, қишлоққа қайтиб келасан. Шаҳарда ўзининг уйинг бўлади, акангниям қишлоқда уйи бор-ку, мен, яъни сизларнинг онангиз эса, ана ўшанда ўтириб, роҳатланиб дам оламан... Отангиз сизлар учун кувн-

лар ўрнатади. Борди-ю, ўшангача онангиз ўлиб-нетиб қолса, мозоримга келиб: «Бизни қандай кўришни истаган бўлсанг, шундай бўлиб етишдик»,— деб айтишни унутманглар. Эшитяпман? Парандземнинг ўттизта тухумини ёзиб қўйдингми ё йўқми? Уф, гўрида қурт-қумурсқаларга ем бўлгур буванг Ишхон: дунё ишлари шунақа,— деганди,— Агуник, сен Симонни одам қил, молхонани уйга айлантир, Арменақдан Арменақни ярат... сен ҳамма ишни қил, қилавер, қилавер, бутун соғлигингдан ажрал, ўйин-кулги нималигини билма. Бошқалар бир қасрдан иккинчисига кўчиб ўтавераркан, менинг пешонамга эса Цмакутда туғилиш ва шу қишлоқлик отанг — Симон ёзилган экан. Инсон — ми-соли гул, ҳар баҳорда гулдек очилиши керак, ҳа... Мен ўлгандан сўнг мозоримга келгин-да, Серожон, бош томонимда туриб: «Қулоқ сол, онажон, Арменақнинг ишлари жойида, менинг ишларим ҳам яхши, ўзинг хоҳлаган йўлдан кетдик»,— деб айтгин.

— Ҳасратга тушиб кетдинг-ку, ҳозир ҳамма тухумни пачоқ-пачоқ қилиб...

— Йиғлама, сен мана буларнинг, Симоннинг наслидан эмассан-ку.

— Ўзинг нимага йиғлаяпсан?

— Мени қўявер, мен йиғласам арзийди. Чип-чиройли амакинг Адам, «бор, сен бу уйга муносибмассан»,— деб январда мени кўчага ҳайдаб чиқарганди; бувинг Арус ҳар куни таъналари билан мени еб адо қилган, сиқиб қонимни ичганди, нариги дунёда юзи қора бўлгур буванг Абел даладан қайтганда: «Ҳалиям шу ердამисан?»— деб кириб келарди. Эрталаб ўрнимдан турмасдан яна зуғумини бошларди: «Ҳалиям шу ердამисан, сурбет, гап таъсир қилмайди-я!» Чип-чиройли отанг эса оғзини очганча тураверарди, меровларнинг мерови. Ушанда мени Агун эмас, арнаут<sup>1</sup> деб чақирарди, ҳолбуки уларнинг аслида йўқ нонларидан чўқилагандек еярдим. Амакингнинг ўғли Грачик ўшанда муштумдек бола эди, унга ўргатиб қўйишгандан, орқамдан: «Арнаут»— деб бақириб, тош отарди. Шунақа гаплар, Серожон. Аммам Манишак... отамнинг синглиси Манишак-чи... Тур, ҳозироқ тур ўрнингдан, ялпайиб ўтириб олганини бунинг! Худди ҳамма ишнинг жонини киргизиб қўйгандек, ялпайиб ўтириб олибди-я! У ёқда от, худо билади, арқонига нима бало бўлиб ўралашиб

<sup>1</sup> Арнаут — очофат, мечкай.

қолганикин, қани, дарров оёғингни қўлингга олиб югур-чи, гўрида тўнғиз қўпгур буванг Абел ҳам шунақа ишёқмасди! Тез бор, деяпман!

— Ушанақа деб, жуда яхши қилишган экан.

— Қанақа деб?

— «Арнаут» деб.

— Хўп ўғлим бор-да, баракалла-ей. Узимнинг қувончим, юпанчим!

— Нимага ўзинг мени урдинг?

— Отдан хабар олгани тезроқ югур, бўлмаса ўрнимдан туриб, ўласи қилиб савалайман!..

— Агуник...

— Буни қара-я, энди арнаут деб эмас, отимни атаб — Агуник деб чақирисяпти.

— Агуник...

— Сени чақиряпти...

— Бувинг бу, майли, оғзига сиққанича бақираверсин.

— Билганингни қил.

— Агуник, Агуник!

— Гапирсанг-чи, нима дейсан ахир?

— Серо, Серо!

— Нима дейсан?

— Серо!

— Э-э, нима дейсан, нима?

— Онанг нима қилияпти?

— Ереванга кетяпти, дегин, йўлга ҳозирлик кўряпти, жудаям банд, дегин.

— Ереванга кетяпти, йўлга ҳозирлик...

— Жудаям банд, вақти йўқ унинг, дегин.

— Ереванга кетяптими?

— Ҳа-да.

— Бирпасгина қорасини кўрсатсин.

— Вақти йўқ, банд деб айт. Энди уларга керак бўлиб қолибман-да. Қара-я, энди отимни атаб чақирисяпти! Югур, отдан хабар ол! Приёмникни ўчир.

Шаҳарда нималарни ўйлаб топишмайди-я — радио эртадан кечгача гаприб, ашула айтади, дазмол кун бўйи ўзини-ўзи қиздириб ётади, ҳамма хоналарда чироқ ёниқ, электр печь ёқиб қўйилган, лекин счётчик айланмайди. Ниманидир ўйлаб топишади-ю, буларнинг ҳаммаси текинга тушади. Ержога яхши нав ароқдан бир стакан қуйиб беришга тўғри келади — худди шаҳардагидек бизникига ҳам счётчик ўрнатиб берсин. Журналистлар союзи — жуда, ҳатто жудаям яхши

жой, квартирани дарровгина бера қолади. Ҳа-я, журналистлар Союзи бутун Арманистонга битта, мол докторларню инженерларнинг эса сон-саногии йўқ, кўнглинг тилаганича топилади улар. Ёзувчиликни танлаган ўғлим барака топсин. «Сиз, албатта, бюрократ эмассиз, фақат сюнтадагина шундай, ҳаётда эса бундай бўлиши мумкин эмаслигини тушунасиз, чунки, сюнта ўз йўлига, ҳаёт ўз йўлига»,— хўш, бунинг нима ўзига хослиги бор экан, ким шунақа деб ёзолмас экан, деганди Вазген, сабаби — ҳеч нарсага тушунмагандида ўзи. «Сюнта ва бюрократ...» Ўғли мактабда ўқиётгандаёқ қийин сўзларни яхшилаб ўзлаштириб олганди. Агунининг ўзи ундан «жамоатчи» деган сўзни ўрганиб, уни ишлайверадиган, ишлайверадиган, ким дуч келса ўшанга белини букадиган, бироқ ҳақини — эртага, келгуси кузда, бир йилдан сўнг деб, ҳеч қачон олмай-диган Симонга қарши қўллаганди. Дунёдаги ҳамма Симондан қарздор. Йўқ, Арменак ёзувчилик йўлидан эмас, ҳамма ҳурмат қилиши учун партия йўлидан кетиши керак эди. Агар Арзуманян уни Ишхоннинг невараси эканлигини билганда, албатта ёрдам берган, қўллаб-қўлтиқлаган бўларди. Ишхоннинг невараси — Агунининг ўғли. Ҳа, ўртоқ Арзуманян, худди ўша Агунинининг, мактабда ўқиш насиб этмаган ва у тўғрисида синглинг Мариям: «Ишхон, яхши қиз у, ўгай онасига айт, бунчалик қийнайвермасин»,— деган етимчанинги ўғли. Ҳа, шундан кейин наридан-бери, кўз очиб-юмгунча, Цмакутга эрга бериб юборишган етимчанинги ўғли...

Ҳаёт бизга бир марта берилади. Бу ям-яшил ер юзасида, бу қуёш остида ҳар қандай гул ҳам бир марта очилиб-гуллайди. Кейин тамом-вассалом. Ундан уёғига зулмату қоронғилик. Худо инсонни лаънатлаганда шундай деган экан: «Кўргину етолмагин». Ота уйию эрнинг молхонаси — худонинг лаънатлагани маънашу, устига-устига сен сен чўчқабоқар бўлсанг борми... о-о-о, ўша заҳотиёқ чақмоқ уриб ўлдириб қўя қолсин мени!

...У саватга олма жойлар экан, ичида ўғлига насидат қиларди — камроқ чек, ёзаётганинда олмадан е, кечалари ишлама, тўйиб ухла, ўзингни толиқтирма. Агар одам бахтиёр яшаса — узоқ умр кўради. Сават оғир эди, димоғига кепакнинг таниш ҳиди урилгандек туюлди. Хирмон, лиқ тўла қоплар кўзига кўринди-ю, эски алами қўзиб, бир лаҳзагина бош кўтарди-да, нақ

илондек вишиллаб, юрагини музлатиб юборди. Ушанда у қаттиқ шикастланганди. «Кел, сенга ёрдамлашайлик, нима дединг...» деганди унга кулиб, кўзини қисганча Арташ Қалта... Агун маран<sup>1</sup> эшигини орқасидан ёпар экан, ҳар бир одам ўз умрини яшайди, деб кўнглидан ўтказди. Уғлининг шоду хуррамлиги — фақат унинг ўзингагина тегишли, қорин оғриғию, Симон билан уришиш, баҳорда картошка, ёзда сигирлар ташвишини, кузда эса қиш ташвишини тортиш — Агунга тан. Уғли бўлса қучоқ-қучоқ пул топиб, яна қучоқ-қучоқ совураверади. Агар келин одамбашара чиқса-ку, Арменак бизга ҳам бола бўлади, бордию дардисари учраса, унда ўғил туғмадим деб ҳисоблайвер, Агуник.

Қайнанаси сой томондан чиқиб, бедана юриш қилиб, чий орқасидан кела бошлади. У сал-пал инқиллаб-синқиллаб юрса ҳам ҳеч қаёққа туртинмай қадам ташларди. Унинг ёши гўё саксонда эмас — олтмишдагидек эди. Ун беш йил бурун кампир йиқилиб, белини майиб қилганди. Ушанда у ғиштни қиздириб, белига қўйган ва шол рўмол билан боғлаб олганди. Ҳа, бу ўша эскидан қолган инқиллашу, эски ғишт. Шунақа. Яхши одамлар дарров ўлади-кетади, ёмонлар-чи, инқиллаганча юраверади. Уларнинг уйига Агуник келин бўлиб тушгандаям, қайнанаси худди шунақа эди, мана энди улар деярли бараварлашиб қолишди — орадан қанчадан-қанча йиллар ўтиб кетди, қайнанаси эса қалиям ўша-ўша, ўзгармаган. Кўзи ёмон унинг — башарти қишлоқдан биров овга бора туриб, йўлда унга дуч келса, тамом — секингина, индамай-синдамай орқасига қайтиб қўя қолади ёки, айтайлик, бригада торга, пичан ўрмига кетяпти, бирдан, худди осмондан тушгандек, у пайдо бўлади-ю, одамлар ярим йўлдан изларига қайтиб, тўғри идорага боришади: «Бугунги меҳнат кунини Абелнинг кампирига берасизлар». Уни кўрганда марҳум Асатур амакининг қанақанги жиғибийрони чиқарди-я: «Яна шипдай бўлиб олдимдан чиқдингми, лаънати жодугар!..»

— Марҳамат қилсинлар,— Агун кулимсираб қўйди,— бошимда ўйнатган калтагинг ўшанда мени ўлдирмаганди, кўзинг ҳам тегмайди менга. Кел, киравер.

Агун қўлини белига қўйиб, кампирни кутиб турар экан, бирдан лоп этиб эсига уни назар-писанд қилмаслиги кераклиги тушди. У кампир уйга кираётиб, қовур-

<sup>1</sup> Маран — мева ва винолар сақланадиган махсус ертўла.

мани кўриши учун челак юзидаги латтани олиб қўйди, хона ўртасига етганда эса мол-мулк тақсимланган қишли-қировли кунларда бу уй қай аҳволда бўлганлигини кўз олдига келтирди: қинғир-қийшиқ, заҳ леворлардан сув сизиб турар, печка ўзини ўзи иситарди,— уй музхона эди, ҳўл йўргакдаги боласи типирчиларди. Ушанда жонҳолатда «Ишхон» деб бақриб юборганди — уф, нималар бўлмаганди-я, печканинг тутуни тортмай, уйга чиқиб кетганди, Муроднинг хотини Србуи эски-туски эркаклар кўйлаklarини кўтариб келган, парвойи фалак Симон бўлса қишлоқда клуб қуради, қўли қурадию оғзи ҳазил-ҳузил гаплардан бўшамасди — яна ҳазил-мазах ҳам қилишади, яна аския айтишиб, кулишадиям! Симон ҳазиллашаётганидан, ўринли аския қилаётганидан ўзидан мамнун эди ўшанда. Гўдак тинимсиз, қақшаб йиғларди, ниҳоят Агун тушуниб қолди: Србуи олиб келган кўйлақларда бит бор экан,— ҳаммаёғи чақиб ташланган бола иситмада ёнаётганди. Шунда у болани битли латта-путталардан юлқиб кўтариб олиб, кўчага отилди-да, идорага югурганча бориб, телефонга бақирди: «Ишхон!»— кейин, кўз ёши хиппа бўғганию, томоғида катта, нақ муштумдек келадиган бўқоқ ўсиб чиққанидан бир оғиз сўз ҳам айтолмади. Симон бўлса болтасини кўтарганча, унинг гапини эшитган, кейин тутила-тутила, клубнинг тоmidан тушмай: «Ахир уят-ку... Менга қара, уят, нима тўғрисида гапиряпсан?»— деганди. Уша куни Симон чинқириб йиғлаётган болани кўтариб, кечаси билан печка ёнида депсиниб чиққанди, эрталаб эса... Вой, Самвелнинг бўйларига қоқиндиқ бўлай, эрталаб кун сал ёришиши билан юзлари қизариб, терга ботиб, бутунлай очилиб кетган ҳолда... ўн олти ёшли, ўн олти ёшда эди Самвел, йигирма метр бўзни қўлтиқлаганча кириб келди... Жоним тасаддуқ Самвелга. Вой, Самвел, Самвел-ей, яхши одамлар кўп яшамайди-да...

Кампир теvarак-атрофига кўз югуртирди — молхона жойи ўзгармаган, омборхона ҳам жойида, асалари қутилари — тўрттаси жуфт-жуфт, биттаси алоҳида ҳолда нарироқда турар, саржин яхшилаб тахлаб қўйилган, зинапоя панжараси бир текисда ҳаворангга бўялган эди. «Қўллариңдан онаңг ўргулсин»,— деб қўйди кампир.

Бироқ бу пайтда Агун Самвелу унинг укаларига — шўрпешона Вардкес ва пяниста, бебош ҳамда ношуд Восканга ачинганидан ўпкаси тўлганди. Шу боисдан ҳам кампирга жавоб қайтаришни, унга бу уй-жойда



Симоннинг ҳеч қанақанги улуши йўқлигини, буларнинг ҳаммаси унинг асабларию умри эвазига келганини айтишни истамади, йўқ, у ҳозир фақат йиғлашни хоҳларди, йиғлашни, кулишни ва шундай дейишни хоҳларди: «Вой, ойи-ей, бундан кўра яхшиси, акангинг қирқига қандай борганингни эсла, ўшанда кийиб боришга ҳеч вақонг бўлмаганидан Асатурнинг қизи Манишакнинг кўйлагини кийгандинг, у бермаганда қўлидан юлқиб, тортиб олгандинг-а ўша кўйлакни, ойи? Мана, қанақа сенинг ўғилларинг, эринг ҳам шунақайди сенинг».

Челак қовурдоққа лиқ тўла, сават-сават олма билан нок, тухумлар битта-биттадан қоғозга ўраб қўйилган,— қизиқ, уларнинг тагида яна нималар бор экан,— Агуник?— беш бўлак пишлоқ, нимага ўзи билан шунча нарсани олиб кетяпти, бунақанги кўп ёғнинг нима кераги бор экан?— Агуник!— шунча емишни қаёққа олиб кетяпти у, қирқ кило-я — ахир бутун бошли битта сигирнинг бир йиллик маҳсулоти-ку, бу,— Агуник?

— А-уник! Нима, нима дейсан, ойижон,— хўрсиниб, айна пайтда, уни кечириб деди Агун.— Лаббай, онажон,— кейин, ёш болага тушунтиргандек, унга тушунтириб берди:

— Бу ёғ ейиши учун, у ўғилларингга ўхшаб ўтин ёрмайди, калласини ишлатади, боши ишлаши керак, бошига қувват бўлиши керак, у кўп таом ейиши керак. Ёзади у, ёзади,— Агун овозини баландлатиб шундай деди-да, айнан бунга ўғли қандай қилишини кўрсатди.— Мана бунда бўлса, кўриб турибсан, қовурма, ишга кеч қолаётганда икки бўлагини оғзига соладию кета-веради. Булар тухум, арзумаган матоҳ, беш юз дона, кунига ўнтадан кетса — бир ойга етади, кейин яна битта-яримтасидан жўнатармиз... Ҳа, онажон, келин — баланд бўйли, малла соч, миқтидан келган, ўзи инженер, мени яхши кўради — ўтқазгани жой тополмайди, топган гапи: «Ё сен шаҳарга кўчиб кел, ё мен қишлоққа бориб яшайман...»— дейди.

Баҳор эди. Агун булоқдан келаётганди. Кўҳна моностирь булоғидан муздек ва тоза сув билқиллаб чиқар, боғларда гилослар пишган, текис, тўғри кўчада эса Арзуманянинг укаси велосипедда учаётганди... Қош қорайиб қолган, унинг ўзи эса ўша кезларда бақувват, юзлари қип-қизил, дуркун қиз эди. Арзуманяларнинг уйи ёнидан у ўз уйлари томонга бурила туриб, ғира-шира қоронғиликда остоналарида турган икки эркакни кўрди: улардан бири малла соч, дўнг пешона, бўйиң

узун, иккинчиси — сочи қора, хумкалла бўлиб, нотаниш эди. Малла сочлисидан холасининг ўғли Нерсес эди. Кўнгли хумкалла бу ерда бекорга турмаганини сезди. Уша хумкалла — Симон эди. У кўча эшиги ёнида бошини осилтирганча, оёғининг учи билан новдани у ёқдан-бу ёққа суриб ўйнади. Агун бувисининг ёнига югуриб борди: «Йўқ, буви, йўқ, хоҳламайман!» Симон эса унга қараганча шунақанги аянчли жилмаярдик... «Ёқадими сенга, Агуник, розимисан унга?» — деб сўради стол ёнига бир зумгагина келиб ўтирган Ишхон. «Ишхон-жон, нима қиласан ундан сўраб,— деди шунда ўгай онаси.— Ундан сўрасанг — бутун умр булоқдан сув ташийдию кирларни чайди, эрнинг нима кераги бор ушга». Нерсес унинг орқасидан чиқиб, маңқаланиб тўнғиллади: «Ишчан йигит, дурадгор, ўзи ювош, хўш, бир сўз билан айтганда, ҳунарманд йигит, яна нима керак... Цмакутдаги холангникига меҳмонга бориб турасан, мен ҳам ёнингда бўламан, у эса меҳнатсевар, ювош йигит...» Яғриндор Симон қўлини даҳанга тираганча хонада ўтирарди. Ишхон балконга чиқиб кетди: «Яхши йигит, Агуник, рози бўлавер» — Ишхоннинг орқасидан югургилаб чиққан ўгай онаси эса жон-жаҳди билан шивирлади: «Ундан сўрамай қўя қол, Ишхон-жон, анови йигитнинг олдида айтишни хоҳламадим, ахир Агун қип-қизил аҳмоқ-ку, унинг кўнглига қарасанг — у ҳеч қачон эрга тегмайди...» Худди шу пайт қоронғи боғдан чиқиб келган Воскан бўкириб қолди: «Кимнинг сингилиси аҳмоқ экан, дарпаслик аблаҳ (ўгай онаси Дарпасдан эди-да), энди ўн бешга кирди-ку у, кимни эрга беряпислар?!» Воскан маст эди, зинапояга йиқилиб тушди-да, ўша заҳотиёқ уйқуга кетди. Кейин Агун шундай қарорга келди: «Нерсесу мана бу йигит билан бирга кетади, мана бу дарпаслик аблаҳнинг ҳам, Ишхоннинг ҳам афтини бошқа ҳеч қачон кўрмаслик учун кетади. Ўгай онаси сепидан палакни, яна Ишхоннинг уйига Шнохдан, Шнохга эса Арчендан келган онасининг гиламини сездирмасдан олиб, беркитиб қўйди. Ҳа, ажалгинанг келгур, дарпаслик аблаҳ, унинг бор-йўқ сепи мана шу гилам билан холаси Наргис товусу буғу тасвирини солиб тўқиган палак эди-я. Кейин Цмакутда жанжални худди мана шундан бошлашди. «Князь Ишхоннинг уйида ҳеч вақо қолмаган чиқар ҳали, унинг уйини шип-шийдон қилиб, ҳаммасини бу ёққа олиб келгандирсан, ахчи?» — деди Абел бува. «Князь Ишхоннинг уйида мен хизматқоридим, қул

эдим, у ерда ўз туққан онам йўқ эди, апи<sup>1</sup>»,— деди бунига жавобан Агун. «О-ҳо-о,— деди Адам.— Тилингниям ўзинг билан олиб келган экансан-да эсингдан чиқармай, сени қанақалигингни ким билиб ўтирибди, осмондан тушгандек бирдан пайдо бўлиб қолдинг бу ерда, мен эсам, узун тилини уйда қолдириб келгандир, деб ўйлагандим». Симон бир четда турар ва: бу сенларнинг эмас, менинг хотиним, ғашига тегаверманглар, деб айтишга нйманарди. Катта келин Манэ эса зимдан ҳаммани Агунга қарши гижгижлар, унинг ўзи билан қамти келганда эса тил учида ачиниб, тасалли берарди. Тўрт ой ўтгач, уни туғмасга чиқаришди. Ушанда Агун: «Ахир, энди ўн олтига чиқдим-ку, шунинг учун ҳам», дейиши биланоқ, маран эшиги ёнида турган қайнояси, «тилигни тий!» деганча, осма қулфни ерга улоқтирди: «Тилигни тий!» У кўзидаги ғилт-ғилт ёш билан қулфни ердан олиб, қайнасанга узатар экан: «Уйингиз нақ қасрнинг ўзгинаси, йигирмата хонаси бор, фақат худо сизни боладан қисиб қўйган-да»,— деди. Ана шунда, ҳозир белига ғишт қиздириб босиб, инқиллаётган мана шу қайнасан унинг сочидан чангаллаб олиб, темир қулф билан ўласи қилиб — орқасига, биқинига, орқасига, биқинига кучи борича урганди... Абел бува, кампир, Адам, Манэ, Симон, Арпик, Аракс, Акоп, Грачик, Аветик, Амалия, Вазген ва унинг ўзи — Агун, овитлик қариндошларини таниш-билишлари, хачерлик қариндош-уруғу таниш-билишлар, яна савдо-сотиқ билан Қасакдан келган ва уларникига йўқлаб кирган озарбайжонлар — ҳаммалари тўрт девор ичида еб-ичишар, кир-чир ювишар, ювинишар, кийиниб-ечинишар, ухлашар, яна ўринларидан туришарди. Бешта сизир, йигирматача қўй, тўртта гилам, иккита ўрин-тўшак, бир нечта асалари қутиси, асални аралаштирувчи машина, тикув машиниси ва энг муҳими, кечқурунлари биргалашиб ўтириб чой ичиладиган самовар бор эди. Чойни майдалаб ичиб, қишлоқнинг у бошидан кириб, бу бошидан чиқиб, хўп ғийбат қилишарди. Нима бўлсаям, уларнинг ҳаммалари бирлашиб мана шундай яшашарди, ванкерлик аллақандай қизалоқ деб, нима-нидир ўзгартиришу тақсимлаш ҳайф эди: «Агар ванкерлик хоним мол-дунёни бўлишиб олишга муносиб бўлганда, ўша ўзининг бой ўлкасидан битта чит кўйлакда келмасди».

<sup>1</sup> А п и — бува.

Улар Симонни бугдой учун Қасахга жўнатишганда Нерсес Манацга отланди. «Қаёқдан олиб келган бўлсанг, ўша ёққа олиб кет уни»,— дейишди Нерсесга, Йўқ. Ишхоннинг арнаутини билганлари учун бундай дейишмади, дейишга журъат эта олишмади, фақат унинг ўзлари билан мана шундай ўтиришию картошкани нон билан ейиши, бошқалар — яхшию ёмон яшовчилар устидан кулиши, қариб-чириб ўлишию мана шу Цмакутга дафн қилиниши, Манац шаҳрида эса ҳаёт булоқдай қайнашини ўйлашнинг ўзиданоқ юраклари тарс ёрилаётганди уларнинг. Йўқ! Улар Симонга ювошгина, мўмин-маъқулгина, дўмбоққина, биққигина махлуқни олиб бериш учун Хачер билан Овитга танда қўйишганда, Симон ранг-рўйи қорайиб, терга пишиб, Ванкерда пайдо бўлди: «Сенга келдим». Агун унга биқинини кўрсатди: «Кўриб қўй».— «Нимаям қила олардим?»— деди Симон. Дзорагес станциясида эса у Симонга: «Шу ерда ўзимизга уй қурамыз,— деди.— Сен станцияда ишлайсан, менам ўша ерда фаррошлик қиламан». Энди-энди Симон: «Ўшанда тўғри айтган экансан, Агуник!»— деб қўяди. Дзорагес станциясида Агун каттагина бир магазиннинг хилма-хил ашёли пештахтасига тикилиб қолди, кейин Симонга ўгирилиб қаради-да, яна пештахтадан кўз узмай тураверди. Симоннинг ҳам кўнгли мумдай эриб турганди: «Трусик керакми сенга, ахчи?»— деди. Агун бошини силкиб, бошқа томонга ўгирилиб олди, кўзига ёш келганди унинг. «Нимага керак у сенга, ўзингники бориди-ку, қани у?»— деди Симон. Унинг трусигини Симоннинг сингилларидан биттаси — Аракс кийиб олганди. Буни эшитган Симон кўзини қисганча, сотувчидан сўради: «Қанча туради бу?» Сотувчи унинг баҳосини айтганда Симоннинг қорачадан келган пешонасини маржон-маржон тер босди, чунки қўлида бор-йўғи икки-учта арзимаган чақани қисимлаб турганди-да. Агун четга бурилиб, Симонга ачиниб йиглаб юборди. Агар улар ўртасида муҳаббатга ўхшаш бирор нарса бўлган бўлса, у ҳам Дзорагес станциясидаги кенг ва ёруғ магазинда юз берганди.

Уларни дастлаб отасининг синглиси — аммаси Манишак кўрди: «Хуш келибсизлар, шаҳарлик хоним, яна қайтиб келиш учун кетган экансан-да?» Аммаси боғида, Амбонинг ўғриллик билан топган пулига қурган уйи ёнида турарди,— у Манишак аммасига нима деб жавоб қайтаришини билолмай қолди. «Қаерда эшигимиз бор,

қаерда тирқишимиз бор,— ҳаммасини беш қўлдек биледи у, эшикдан қайдасанг, тирқишдан кириб келаверади»,— деди қайнатаси Абел уни кўриб, тескари ўгириллар экан. Ана шунда Агун қайтиб келиб чакки иш қилганини тушунди. Афсусланди, эҳ, қайтиб келганига қанчалар афсусланганди-я ўшанда, ахир улар ожизлар устидан масхаралаб кулиб, кўнгиллари хоҳлаганча таҳқирлашга уста эдилар-да, фақат ўзларидан зўрлар олдидагина тилларини қисиб қолишарди. «Айт, хотин сеники, уларники эмас,— Агун тирсаги билан Симонни туртди,— айт уларга, айтсанг-чи...» Улар Симонни Дсехга — ўша ерлик дурадгорга шогирдликка жўнатиб юборишди, кейинчалик мана шу йилни ҳадеб эслатиб: «Сени одам қилгунча эсимиз кетганди», дейдиган бўлишди. Симон қайтиб келгач, дудуқланганча отасига: «Апи... апи, мабодо биз алоҳида яшасак, апи, нима дейсан, уддасидан чиқармикинмиз?»— деганди. «О-ҳо, гаплар бошқача-ю, энди... Шуни хоҳласанг, нима ям дердим, нимага уддасидан чиқмас экансанлар.» Кейин Симонни хирмонжойда молхоналар қуришга юборишди, мана бу — ҳозир белига гишт боғлаб олиб инграётган кампир эса, Агунни оғилхонага чақирди-да, устидан эшикни зичлаб ёпиб қўйди... Белингга мана шундай гишт боғлаб, икки юз йил яшашингдан бўлак ҳеч нарсани тиламайман, сенга, онагинам. Шогер... Шогернинг ўзи Дарпасдан эди, афтидан у Агуннинг дарпаслик аблаҳдан тортган жабр-зулмларини фаҳмлаганди,— хуллас, у сувга кета туриб, Агуннинг йиғлаётганини эшитиб қолди, келиб уни оғилхонадан чиқариб уйига бошлаб кетди. Ана шунда Агуник Цмакутда ҳам яшаш мумкинлигини англади. Қоронғи тушини билан уни қидириб қолишди, Шогернинг уйига келишди ва... қайнанаси билан Манэ уни турта-турта, дакки бера-бера уйга олиб кетишди. Уша йили ёзда унинг бўйида бўлди, ҳадеб овқат ейишга, қорни тўйиб овқат ейишга кўнгли суст кетарди, бироқ нон билан пишлоқ яшириб, қулфлаб қўйилган, калит эса кампирнинг ямоқ-ясқоқлари орасида ётар, Агуникнинг эса ҳар битта қадамини кузатиб, Манэ, Аракас, Арпик, Сиран, Акоп, Грачик, Амалия... ундан кўз узишмасди. Бир куни кампир Овитга меҳмондорчиликка кетди, Абел, Адам, Симон — далада эди, Манэ қизлар билан биргаликда қуймоқ пиширишга киришди, ҳа, ўшанда кампирнинг ёғини хўп боплашганди-да, хумчанинг ярми бўшаб қолганди,— яна ўшанда Агун биринчи маротаба қорни тўйиб овқат-

лангани эсида. Яна бир марта аммаси Манишакдан яширинча унинг келини билан кўнгли тилагунча овқатланганди. Ҳа, аммасининг олдида томоғидан овқат ҳечам ўтмасди. Манишак столга таом ғолиб келиб қўяди-да, кўзини ана шу таомдан узмай, лўқ қилиб ўтира-всрарди. Хуллас, кампир меҳмондорчиликдан қайтди-ю, калитларига ёпишди: у марандан худди ҳеч нарсага тегилмагандек бир қиёфада қайтиб чиқди, кейин бирдан Агушнинг сочига чанг солди. У пайтда Агушнинг сочи узун, қалин эди. Уйдагиларнинг ичида раҳмдилроғи бўлган Сиран: «Нимага унга ёпишасиз? Ҳаммамиз биргалашиб едик»,— деганди, ўн икки ёшли Арпик эса ерга катаклар чизиб, ўша катаклар устидан сакраётганди ўшанда. Аракс унаштирилганди. Бичиш-тиқишга ўқиётган Сиран отасию акаларининг арзандаси эди... Кампир Манэга ўғирилди. Қозонни юваётган Манэ кампирнинг ўзига қараб келаётганини кўриб пишиллади:— Бошингга ҳозир қозон билан тушириб қоламан, мен сенга ванкерлик етимчамасман, тушундингми?!— Кампир орқасига тисарилиб, эс-ҳушини йўқотгандек бир лақиқагина жойида туриб қолди, кейин, яна Агунга ташланди:— Арнаут, қурт, арнаут, қурт!— Қорнига ур, итваччаларинг ўлсин, ур қорнига, керакмас сизлардан менга бо-о-ла, ур қорнига-а!..— Учир овозингни аблаҳ! Шундан сўнг Агун ерга думалаб, еган уларнинг ҳамма қўймоқларию картошкаларию нонларини, уларга қўшиб болани ҳам қайт қилиб ташлаш учун зўр бериб тупроқни оғзига тиқиштирган, кампир эса яна унга ташлаганди... Кейин Агун гарамнинг бир чеккасига бориб ўтирди; ложувард осмонда булутлар сузиб юрар, булутлар остида қирғий чарх урар, Шогер дон элар, йўллари сўқмоқларни турли-туман овозлар босиб кетганди, фақатгина бу дунёда у ортиқча эди, лекин қандай ўлиш кераклигини билмасди. Қандайдир антиқа, ғамгин қаёт унинг кўз ўнгида гавдаланди; мана, у ўғлини олма дарахти остига ўтқазиб, ўзи ҳам унинг ёнига ўтирди. Дарахтдаги пишган олмалар кўриниб турибди, у эса минғирлаб, тез-тез шивирлаб, ўғлига ўзининг етимликда ўтган болалигию амалга ошмаган орзулари тўғрисида, туғилганига уч кун бўлганда отаси Ишхон унинг жонидан азиз онажонисини ургани-ю, онажониси кўп ўтмай ўлиб қолганлигини, кейин меҳрибон бувиси уни қандай катта қилганию дарпаслик ўғай онаси бошида ёнгоқ чақиб, жонидан тўйғазганини... ҳикоя қилиб берапти...

Подадан қўйлар қайтиб, қўтонларга кирган, қизлар қўйларни, Манэ сигирни соғгани йўл олганди. Аюп билан Грачик ўз сигирларини ушлаб олиш учун йўл устида туришарди. Дон элашни тугатган Шогер ғаллани икки қопга жойлаб, уйи томон судраб кета бошлади. Кейин... Грачиклар уйи ёнидан ўтаётганда тўхтаб, кампирни чақирди:— Арус буви!.. Бу ёққа кел, сенга айтадиган гапим бор...— Яхши одамлар эрта ўлиб кетишади, эҳтимол ўлим туфайли улар қадр-қиммат топишар? Кампир олдинга қараб юрди, Шогер ҳам аста-секин унга яқинлашиб келди, улар бир-бирлари билан бир дақиқагина бетма-бет туришди, кейин кампир бирдан дод солиб қолди. Шогер уни яна урди-да, қўлларини биқинига тираб деди:— Эндигина ўн олтига қадам қўйган, сенинг қизларингдан ҳам кичкина, оғир-ку унга ахир, виждон борми ўзи сенда?— У кампир ўрнидан тургунча кутиб турди-да, яна урди:— Қараб тур, қариб қўйилмаган кампир, қишлоқ советига судраб бориб, кунингни кўрсатаман сенга. Овозингни бошқа эшитмай, билиб қўй!— Шундай деди-да, орқасига ўгирилиб, ғалла тўла қопларини уйига судраб кетаверди.

Эртаси куни Шогер Агунни колхоз даласига бошлаб борди — у ерда ҳаёт қайнарди. Сарик тупроқли дала шитирлар, одамлар унинг у бошидан-бу бошига юришарди. Агунга оғир иш қилгани қўйишмас, Кочарнинг овози далалар узра янграб турар, қуёш сахийлик билан нур сочар, яшаш мароқли эди.— Ҳой, ванкерлик...— деб қичқиришди қаердандир юқори томондан.— Чеҳрангни бир кўрайлик, толиқиб кетдик-ку, сувдан олиб кел тезроқ...— Эҳ, анови ҳаёт қаёқда қолди!— Ҳой, ванкерлик,— Кочар уни чақирди,— мабодо Абелларга бола керак бўлмаса, уни ўзим бола қилиб оламан, ўзинг ҳам у билан бирга уйимга келасанми?...— Яхшилар эрта ўлиб кетишади, ҳозир қаердасан, Кочар, ҳалок бўлдингми ё асирга тушдингми, эҳтимол бирон-бир ерда яшаётгандирсан — ҳали ҳам сенинг овозинг Цмакутнинг сариқ далалари узра янграб турибди. Улим ҳаётни қадрли қилиб қўяди, мана шунинг учун ҳам, онажон, сенинг ўлишингни хоҳламайман, ким билсин, ўлиб-нетиб қолсанг, яхши аёл эди, афсус, ўлди-да, кетди, деб ўйлашим мумкин. Ҳа, майли, буям бир гапий-да. Ундан сўнг яна нималар бўлганди? Ҳа, улар — ўн уч киши бир чор девор ичида қишлай бошлашди, уйга яна станокни ҳам судраб олиб

киришди — тик-тик-тик-тик — Араксининг сепига гилам тўқиймиз, дейишди. Улар бир-бирларини ана шунақа яхши кўришарди, шундай экан — алоҳида яшаш тўғрисида қанақа гап бўлиши мумкин! — агар уйдагиларнинг биронтаси бошқа биров устидан кулиш учун оғиз очгудек бўлса, қолган ўн иккитаси шу заҳотиёқ унга ёрдамга келарди, икки ёшли Вазген ҳам шу ерда оёқлар орасида ўралашиб юрарди: эндигина тили чиқиб, айтган биринчи сўзи «апи» бўлганди унинг (бу оилада ҳурматни жойига қўйишни яхши билишарди-да, болага «ойн», «ойнжон» деб ўргатиш ўрнига, дастлаб унда бобосига ҳурмат уйғотишганди), шундай қилиб гўдакнинг биринчи сўзи «апи», иккинчиси — «арнаут» бўлганди. Улар Агун станокни қандай ишлатишни билмай, уқувсизлик билан уринаётганига қараб туришди-да, бараварига хахолаб кулиб юборишди. Кейин кампир: — На сут соғишни биласан, на гилам тўқишни. Ўзи нимани биласан, фақат кавшашними? — деб сўради. Ростига кўчганда, чинданам у ҳеч нарсани билмасди, дарпасллик абла: ўгай онаси унга ҳеч нарсани ўргатмаганди, у ўргатмагандан кейин етим бечора яна қаердан ўрганиши мумкин эди. Кейин, февраль ойида, кампир Агуннинг қўлидан ушлаб, кўчага олиб чиқиб, ҳайдаб юборди, итни ҳам унга олқишлади. Уриш-жанжални кўриб турган аммаси Манишак остонасидан кўзғолмай:

— Йўл бўлсин, ҳой қиз? — деди.

— Ўзимни сувга ғарқ қилгани кетяпман.

— Сув музлаб қолган, баҳоргача сабр қила тур.

Ушанда Манишак келини — Нерсесининг хотини билан чойшаб тикаётганди. Улар Агуннинг қўлидан ушлаб, уйга олиб кириб, ўзларининг ёнларига ўтқазди. Саккизинчи кун тўлғоқ бошланди, кампир келиб: «Нимага уни уйингга киргиздинг?.. Унинг қўз олдимизда туғишини, ўзимизни ноқулай сезишимизни хоҳлайсанми... У сенинг аканнинг қизи, бизга ким, бизга ким бўлибди у?.. Уйингга киргизибсанми, энди ўзинг қарайвер унга», — деганча, Манишак амма билан қирпичоқ бўлиб уришиб кетди. Тўлғоқ бошланди, энди Агуннинг пешонасига кўнгли чўктирилган, таҳқирланган, уйдан қувилганидан ташқари қўлда бола билан қолиши ёзилганди. Агун бола тирик туғилмаслигини истади, туғилгандаям, айтишларига қараганда, устига ёстиқ бостириб қўйса ё кўкрак тутмаса, ёки кўкрак тутсаю ўзи уйқуга кетса — бола димиқиб қоларкан.



Туғилмасин, туғилмасин, ана ўшанда Агун ўзига-ўзи хўжайин бўлади — Тифлисга кетади, ўзига яраша иш топиб, кунини бир амаллаб ўтказади.

Доимий ҳамроҳи — пойтешасини қўлида кўтарганча Симон уйга етиб келди.

— Симон,— деб бақирди унга Нерсес уй зинапоясидан,— ўғлинг Арменак туғилди! Армо, Арменак,— деди у ҳамишангидек манқаланиб.

Симон қўлидаги шапкасини гижимлаб, дераза ёнида турарди. Нерсес кўн пальтосини елкасига ташлаганча, унинг ёнидан ўтиб кета туриб:

— Онангнинг олдига кетяпман,— деди,— очик-ойдин гаплашмаса бўлмайди...

Симон қўлидаги шапкасини гижимлашдан тўхтамаган ҳолда, бош-яланглигича, унга эргашди... Дераза ойналари яхлаган, ташқарида Цмакутнинг аччиқ совуғи ҳукмрон эди. Онаси қўйилган Ванкер қабристонини ҳам шунақанги совуқ бўлса керак, Воскан эса ҳозир ичиб олиб, биронта кўча-кўйда ухлаб ётгандир.. Манишак амма сигир соғгани оғилхонага кетди, айтишларига қараганда, сигири анча асов ҳайвон эмиш, кишининг у ер-бу ерини босиб майиб қилиши мумкинмиш. Бу ҳаёт мунчалар ҳам машаққатли экан-а? Қишлоқлик доя кампир чақалоқнинг ҳаёти яхши бўлишини каромат қилди, Агун эса йиғлаганча, унга шундай деди:— Кало бувижон, бунақанги тақдир бизнинг пешонамизга сигмайди.— Бунақа дема, қизим, нималар бўлишини билмайсан-ку, ахир.— Нерсес совуқдан тараshadeк қотган лойларни қаттиқ-қаттиқ босиб, тунда қайтиб келди:— Сенга қаср қурдик, Армо...— қайнона-қайнотаси Агун билан Симонга молхонани беришга рози бўлишганди. Агун яна йиғлаб юборди. Ишхоннинг уйидаги пол қизилга, шип ҳаворангга, болхона айвончасининг панжаралари кўкка бўялган, боғдаги дарахтлар оҳак билан оқланганди, яхшийди, ёп-ёруғ эди... Шогернинг уйида буғу тасвири бор гилам осиглиқ, яна олтитаси устма-уст тахлаб қўйилибди, битта илвиллаб қолган гилам катга солинган... Шогернинг печкаси оловнинг зўрлигидан гувиллайди, стол устида эса тузланган карам, картошка бор... Дзорегес станциясида-чи? Ҳаммаёқ чарақлаган, ясан-тусан қилиб олан аёллар кўчаларда сайр қилишади, эркакларнинг бўлса кўзлари жудаям мулойимлик билан боқади... Шуларни ўйлаб, у яна йиғлаганди, аммаси жеркиб берди:— Боланики кам эди, энди буниси увилляпти... Ҳозироқ

унингни ўчир!— Шундан сўнг Агун товушини чиқармай, ичида йиғлаганди.

Юқори қисми Агун билан боласига тегишли молхонанинг эшиги ёнига қўтослар боғлаб қўйилганди. Симон ишга кетиб, кечқурун қайтар, оқшомни отасиникида ўтказиб, тунда кириб келар, молхонада ухлаб, эртасига эрталаб яна ишга кетарди. Шогер, гоҳида бир товоқ овқатми ёки бир бурда нонми — кўтариб кириб келарди. Аммасиям сувга боргудек бўлса, бирров уларнинг олдига бош суқиб ўтарди. Қайнанаси эса молхона ёнидан ўта туриб: булар ҳалиям тирикмикин?— деб ичи қоралик билан қулоқ соларди. Сув иситишга идиш, боланинг тагини алмаштиришга ҳеч вақо йўқ эди, беланчакни Симон ясаб берди, бироқ уни оситишга жой топилмади. Тажанглигу очликдан Агуннинг юраги тарс ёрилиб кетай дерди. Чақалоқ йиғлоқ, касалманд, унинг ўзи эса алла айтиб бола овутитишни билмасди, алла айтишни ўрганмаганди-да. У болани бағрига босганча, молхонанинг у бурчагидан бу бурчагига зир югурарди. Кунларнинг бирида олов ўчиб қолди. Агун чўғ олиб келиш учун Муродларникига югурди, қайтиб келиб қай кўз билан кўрсинки... молхона эшиги ланг очик, сигир тўрга ўтиб олган, беланчак ағдарилиб, булганиб кетган, бола бўғилиб йиғлар, кампир эса ҳеч нима юз бермагандек, сигирига бамайлихотир пичан олиб кетаётганди... Отаси Ишхон, отаси Ишхон Манацдан меҳрибонлик билан ваъда берди:— Агар яхши йиғит бўлиб ўсса — унга қўл соати совга қиламан.— Апрельда ҳамма қорлар эриб, томлардан оқиб тушди. Манншак амма чойшаб тўқишни тугаллаб, гиламга ўтирди. Ана шунда у Агун билан боласига уйдан жой берди. Амма келни билан гилам тўқиши, Агун эса сув ташиши, уйни супуриб-сидиритиши, молхонани тозалаши, уёқ-буёққа қарашни ва тўқишни ўрганиши керак эди. Ишхон, имонини ютган Ишхон ўзининг Манацда турганча меҳрибонлик кўрсатиб уларни мақтарди:— Баракалла, бир-бирларингга ҳаммиша мана шундай кўмаклашинглар, оқибатли бўлинглар, киши қариндош-уруғи билан тирик.— Май ойида Абелнинг бешта сигиридан бири ҳаром ўлди — бу Симоннинг улушиди, дейишди улар. Симон миқ этмай, бунга рози бўлиб қўя қолди. Майнинг охирларида бола беланчакдан йиқилиб, афт-башараси ёрилди. Агун болани кўтарганча, Парандземнинг уйига югурди, у бўлса: «Шунгаям ота гўри, қозихонами, бола деган ўзи

йиглаб-йиглаб, яна овуниб қолади»,— деди. У ердан Муродларникига чопиб борди, карта ўйнаб ўтиришган экан: «Қон кетяпти, дейсанми? Кетади, кетади-да, яна ўзи тўхтайдди». Агун Шогерникига учиб борди: «Эсизгина, болашинг афти расво бўлибди-да», Шундан сўнг у мана шундай катта дунёда ўзини қўярга жой тополмай қолганди.

Июнь ойида улар ҳали ҳам молхонада яшашаётганди. Саҳоватли қуёш нур сочар, улар бўлса молхонада, шалтоғу бургалар орасида ўтиришарди. Июннинг охирида Симон биринчи маротаба унга қўл кўтарди. Уша пайтларда клуб учун рамкалар ясаётган Симон, кутилмаганда Арзуманяннинг портретини кўтариб келди-да, деворга осиб қўйди.— Қасрингни... қасрингни безатяпсанми?— деди Агун. Шунда Симон унга ўгирилди-ю, тарсаки тортиб юборди. У боласини кўтарганча, яна эри билан рўпарама-рўпара бўлди:— Улдир, мениям, боланиям ўлдир, жонимдан тўйдим, энди бошқа яшолмайман бунақа!— Симон ишига кетиш учун бурилган эди, Агун унинг йўлини тўсди:— Уй қурамыз!— Қайси шимилдириқларингга қурасан?— Ҳеч қанақанги шимилдириққа қурмаймиз— ўзимиз, ўз қўлларимиз билан қурамыз!— Бор, ўзинг қуравер,— Симон уни итариб юбориб, ташқарига чиқиб кетган эди, Агун югурганча бориб, яна унинг йўлига кўндаланг бўлди:— Ўзимизга уй қурамыз!— Симон уни туртиб юбориб, ўз йўлига кетаверди. Агун эса уни яна қувиб етди-да, тиз чўкди:— Уй қурайлик...— Қурмаймиз.— Бўлмаса, Манацга кўчиб борамиз.— Зарур келибди-да!— Уй қурамыз бўлмаса!— деб бақирди Агун.

Симон пойтешасини ўқталган эди, Агун овозининг борича қичқириб дунёни бошига кўтарди:— Жонимдан тўйдим, жонимдан тўйдим! Девона отам бутун уруғаймоғингни гўрга тиқади, сениям, сениям гўрда чирилади!— Унинг ўзи Симонни уришга чоғланди-ю, бирдан, яна озгина, сал-пал чидамаса ақлдан озиши ҳеч ганмаслигини сезиб қолди.

Колхоз йиғилиши Симонга ёрдам беришга қарор қилди. Ноябрнинг охирида деворлари қуримаган, зах уйга кўчиб киришди. Қум қуйи, сув юқори сойликдан олиб келинарди, тош кони Атоенц Степаннинг уйи ёнида, оҳак— Танзут ёқасида, тахта-ёғоч ўрмонда эди. Ёш, соғлом ва бақувват Агун мана шу йўлларнинг ҳаммасига югуриб-еларди, тўғридан-тўғри учарди. Нок остидаги беланчакда гўдак ётар, мушлик кекса тош

терувчи қуриб битказилмаган девордан Агунга завқ билан тикиларди. Симон ҳам оёғи олти, қўли етти бўлиб, ҳали колхоз ишига, ҳали уй қурилишига чопарди. Нимасини айтасан, ҳаёт ажойиб эди, аммо одамлар — одамлар барибир яхши эмасдилар: тахтанинг ярмини устахонадан ўмариб кетишди, кейин эски дуб танаси устида ими-жимиди жанжал бошланди. Симон уни тўсинликка ташлашни хоҳларди, аммо дубни устахонага Адам олиб келганди; Симон пояни арралаб, йўнди, бироқ ёғочни Адам ҳўкизларга судратиб, устахонага келтирганди, демак, ёғоч Адамники эди. Мушег Симонга ўз тўсинларини берди, бироқ улар камлик қилди. Симон устахонадаги тўсинлардан биттасини олган эди, Адам ҳўкизлари билан етиб келиб, йўлида учраган картошка борми, пиёз, ловия борми — ҳамма-ҳаммасини эзиб, пайҳон қилиб, тўсинини ўзига уй қуришга мўлжаллаётган томонга судраб кетди. Эри ноиложликдан ҳўл, қуримаган ёғочни тўсинликка ишлатди — ана у, ҳалиям кўриниб турибди қинғир-қийшиқ бўлиб. Кейин Атоенц Степан келиб, дўқ урди: «Уйим ёнидан чуқур кавлашга ҳаққинг йўқ, тош кони меники...» У ҳақмиди, поҳақмиди; аммо Симоннинг жаҳли чиқиб кетди. Степан Симонни итариб юборганди, Симон белкуракни кўтарганча у билан ўғли Ашотга ташланди, икковиниям уриб, беланги қилди-да, аччиғланган ҳолда карьерни кавлай берди. Тўрт эркак унинг қўлларини орқасига қайириб, уйга олиб келишди, ўшандан кейин у бир ойгача бош оғриғидан жинни бўлишига сал қолди. Кейинчалик қишлоқ совети тош конидан фойдаланишга Симонга рухсат берди, у эса худди ёш боладек аразлаб, тошни у ердан олмасдан, олис Каркапдан таший бошлади. Ҳа, шунақа ишлар бўлганди. Пионерлар карнай чалиб, мактабга йиғилишарди. Озодаойим — бақалоқ Майанинг боғча болалари чуғурлашганча, ўйнагани дафахтлар остига йўл олишарди. Қизлар ой ёғдусида қўшиқ айтиб, колхоз даласига кириб боришарди. Нерсес отда даладан-далага, қишлоқдан Манагга еларди, ана ўшанда Симонни яхши кўришини ногаҳон пайқаб қолган Агун ўзию эрига қайғуриб йиғлаб юборди. Шунда арақхўр Воскан ҳам, кўз бўёвчию мансабталаб Нерсес, ўғри ва талончи Ишхон ҳам, бузуқи ва тежамкор Манишак аммаю меҳрибон ва дардсиз Шогер ҳам, тикув машинаси бўлган инжиқ Сиран ҳам — буларнинг ҳаммаси, ҳатто ота-онаси бор, келгусида илм ола оладиган ва истиқболи порлоқ гўдак Армик ҳам унинг кўзига ёмон кўриниб кетди.

Уй ўртасида катта тош бор эди. Симон уни кўта-  
раман деб, чурраси тушди. Кампир унинг қорнига яху<sup>1</sup>  
қўйди, кейин Адам кириб келди.— Тўсин туфайли,  
бекордан-бекорга мендан хафа бўлгансан шекилли,  
Симон... мана, тошни олиб чиқиб ташлаш учун мен  
келдим...— Керак эмас, Адам,— деди Симон унга жаво-  
бан,— ҳозир унчаям зарур эмас бу, ўзингнинг тик-  
линч ишларинг бордир, бориб, ўшаларни қил, тош ҳа-  
лақит бермайди, ҳозирча ёта турсин.— Шунда Агуи  
Симонни янада яхши кўриб кетди. У кампирнинг яху-  
сини олиб ташлаб, ўзи яху тайёрлади, жудаям қойил-  
мақом қилиб тайёрламаган бўлса-да,— унинг деярли  
нафи тегмаганди,— энг муҳими, уни ўз қўллари би-  
лан тайёрлаганди. Уша кезларда Симон сингил-елпи  
ишлар билан шуғулланди — эшик ва деразаларни  
қурди, каравот ясади. Ота-онаси берган каравотни эса  
ташлаб юборишди. Чўчқахонага жой танлаб, тозалани,  
итга уйча ясади, новвосу бир арава пичан эвазига Му-  
шегга ўн бешта, Арташга еттита асалари қутиси қилиб  
берди, битта чўчқа боласига Гикорнинг эшигини ту-  
затди. Бу хонадондаги барча буюм — узун дастали те-  
мир тутқичгача (темирчи унинг бадалига болтага сон,  
куракка даста, устамасига яна у-бу талаб қилганди),  
бу уйдаги ҳар бир нарса — энг кейин олиб келинган  
кучук боласигача (Сако гўё уни текинга берган ва  
худди шундай текинга рамка ясаб бериши учун Си-  
монга отасининг портретини келтирганди), бу уйдаки  
нимаки бор, ҳаммаси — оёқ лойи қириладиган эшик  
остидаги занглаган темиргача, ҳаммаси: болта, бочка  
чамбараклари, олма кўчатлари, асаларилар, укроп  
уруғи, карам кўчатигача — бу уйдаги ҳамма нарса  
меҳнат билан пайдо бўлган, бола тугилгандек, дард  
билан, қон билан, машаққат билан вужудга келганди;  
ҳеч нарсага осонлик билан эришилмас, ҳеч нарса  
тухум қўйгандек осон кўчмасди, фақат ёғоч қошиқ-  
ларгина кутилмаган совға тариқасида келиб қолганди:  
бир куни кечқурун эшикдан чўчқабоқар Никал бува  
кириб келди: «Уйингизни муборакбод қилгани келяп-  
ман, яхши уй қуриб олибсизлар, буюрсин... Овқат ейиш-  
га керак бўлар деб, мана бу қошиқларни сизлар учун  
ясадим... Қўяверинглар, товоқлар ҳам қилиб бераман,  
нима менга, қийинми...» Гўрнинг нурга тўлсин, Никал  
бува.

<sup>1</sup> Я ху — кишининг бирор ери шикастланган, лат еган, синган  
пайтида қўлланиладиган туркона дори.

Янги уйдаги печка теварак-атрофга иссиқ таратарди, лампаям керосинга тўлайди, шишада ҳам керосин бор эди. Бордию ташқаридан қаралгудек бўлса, уларнинг деразалари терлаб турганини кўриш мумкин эди. Кампир, Агун ўғлимнинг бош-кўзини айлантириб олган, ҳозир у хотинчаси билан бирга ўтириб, ўзларининг наслдан-наслга ўтиб келган ҳазил-ҳузуллари-ю, қизиқ-қизиқ гапларини айтиб, ўйнаб-қулишяпти, деб ўйларди. Йўқ, бунга асло йўл қўйиб бўлмайди! Афсуски, кампирнинг назаридагина шундай эди. Аслида Симон Агунни урарди. Бу уйдаги ҳар бир нарса унинг калтакланиши эвазига вужудга келарди. Ҳозир энди урмайди, қариб қолди. Э-э, ўша бойлигигаям тупурдим, ҳаётда энг зарури сиҳат-саломатлигу хурсандчилик экан, негаки инсон гул эмас, дунёга у бир марта келди ва мана шу буюк абадиятликда бошқа такрорланмайди, қайтадан туғилмайди. Аммо-лекин кампир ўғлини келини билан тинч-тотув яшаяпти, деб ўйларди. Овитлик поп унга шундай деди:

— Уят, кампир, ёшларнинг тинч уйини бузиб нима қиласан? Қўябер, ўз ҳолларича яшайверишсин.— Шундан сўнг кампир этагини йиғиштириб, дсехлик, у ердан кироваканлик попнинг олдига елиб-югурди. Мана шу қилмишларинг ўзининг бошингга балодек ёпирилсин, онагинам. Кампир поплардан эзибички қилдириб келарди. Во-ей, ўшанда роса тинкамни қурутгандинг-да, ойи! Агун Симоннинг кўрпасидан мумланган қоғозли тумор топиб олди. Мутака<sup>1</sup>дан, ундан сўнг ёстиқдан ҳам худди шунақа туморлар чиқди. Ҳали-ҳалигача тўшакдан чиқиб туради бунақанги ирим-сиримлар. Агун отасини кўргани борганда, ванкерлик поп унга шундай деганди:

— Эрингнинг муносабати сенга яхшimas, қизим, уйингизда дуоибад бор, лекин эринг яхши йиғит, бирга бўлсанглар — офатдан қутуласизлар.

Агун уйига қайтгач, эшитганларининг ҳаммасини Шогерга гапириб берганда, у ниманидир эслаб, бирдан ранг-рўйи оқариб кетган ва:

— Ахчи, менга белкурақни бер-чи...— деганди.

Улар остона тагини кавлаб,— ҳу ўзгинангни бошингга кўрингур, одатгинанг қуриб кетгур,— кампирнинг қилдириб келган иссиқ-совуғини топиб олишди. Бу олдингилардан бошқача — унга Агуннинг сочи ўраб

---

<sup>1</sup> М у т а к а — лўлаболиш.

қўмилган иссиқ-совуқ эди. Агун сочини Сиран қирққанини эслади, демак кампир унга Сиранни гиж-гижлаган экан-да. Ушанда боши оғриши ҳалиям қолмаган Симон гувала тушиб ётарди, ўша куни бўри қўтонга кириб олиб, ҳамма қўйларни гажиб ўлдирганди. Молхонада бир ўзи қолган ғунажин шамоллаб, ҳаром ўлди. Кейин кампир сойликдан ўтиб, уларнинг олдига келди-да, ғунажинга ачиниб йиғлаб, ўғлига гирди-капалак бўла бошлади. Агун тишини-тишига қўйди-ю, охирида барибир чидолмади, унинг дуоибад ёзилган қоғозини бурнига тиқиштирди — ол дуоингни, пишириб е ўзинг. Бу гапни эшитган Симон ўрнидан сапчиб туриб, Агунни урди. У бўлса кўз ёшини оқизганча, нидамай-синдамай нарсаларини йиғиштириб, аммасникига кетди. Боласини аммасининг келини келиб олиб кетгач, Симон онасини ҳайдаб юбориб, совуқ печкали уйда якка ўзи қолди; унинг пешонасига дам-бадам латта босиб турадиган ҳеч ким йўқ эди. Аллазамонда битта олма кўтариб кириб келган синглиси Сиран печкани ёқмоқчи бўлганда Симон унга қараб қанддонни отди, устидан кўрпаниям улоқтириб юборди-да, шу ҳолича — очиқ-сочиқ ётаверди. Эшик ланг очиқ эди, Симоннинг даббаси шишиб кетганди... Нерсес бўлса бу пайтда қўлини хотинининг боши тагига, оёғини беланчакка қўйганча уйқуни урарди; Нерсеснинг эғнидаги кўйлаги жудаям оппоқ, печкада ўт ловуллаб ёнганидан уй ҳаммомдек эди. Уларнинг эса молхоналари эшиги очиқ, ичкарида ғунажин ҳаром ўлган, товуқларни, эҳтимол, аллақачон тулки олиб қочганди. Уйга қабристон орқали бориларди... У бир мартагина: «Нерсес!..» — деб бақирди-ю, унини ўчирди. Узига-ўзи: «Агар уларнинг аянчли гўристонларидан қўрқадиган бўлсам, мен ванкерлик эмасман», — деганча печкадан чўғ олиб, йўлда гаплашиб кетиш ва қабристонни ўйламаслик учун боласини кўтариб йўлга тушди. Келганда уй эшиги ёпилмаган, идиш синиб, ер билан битта бўлиб ётар, усти очиқ Симон эса музлаб, кўкариб кетганди.

— Симоним, Симонгинам, сен билан ўзи нима қил-япмиз, асти?.. Ахир мен етимман-ку, ахир менга раҳм қилишинг керак-ку... — Бироқ ҳозир гаплашадиган пайт эмасди, ҳатто печкани ёқишга ҳам вақт йўқ эди, у ечиниб қипяланғоч бўлди-да, ўз танаси билан эрини иситиш учун унинг ёнига ётди. Яхшилаб кийиниш учун ҳам вақт йўқ эди: у кўйлагини наридан-бери

кийиб, ўрнидан ирғиб турди. Биронта уйда милтиллаган чироқ кўринмасди. Агун олов олиб келгани аммасиникига югурди. Қабристон ёнидан ўтаётганда бир гала ит вовуллашмай тўсатдан олдидан югуриб чиқди. Врачлар нима дейишса дейишаверсин — бу уларнинг иши, аммо-лекин унинг жигари оғриши худди мана шу тундан бошланди. Аммасининг эшиги ичидан беркитилганди, тақиллатишга тўғри келди.— Ахчи... ахчи...— деди аммаса,— уйда чилласи чиқмаган бола бор, келиним билан ўғлим ухляпти, сен эсанг эшикни очиб қолдириб, индамай жўнаворсанг, бу қандоқ бўлди-а!— Агун чинқириб юборди.— Менга олов керак, Симон ўляпти, оловга келдим!— Уф, жонгаям тегиб кетди, тинкамни қуритворди,— кўзини очмай, уйқу аралаш тўнғиллади Нерсес.— Ажрашсанг — ажраш, бизам эркинроқ нафас олайлик, ажрашмасанг — ҳеч бўлмаса одамларнинг уйқусини бузма...— Агун эшикни тарақлатиб ёпди-да:— Одам ўлса ўлиб кетаверсин, сенларга нима!— деди.

Манишак аммасининг кўнгли бўлмай, унинг изидан югуриб, ўзи билан олов, асалга аралаштирилган сариёғ олиб келди. Сут ҳам керак эди, Агун қабристон орқали тағин йўлга тушди. Совуқ аъзойи баданидан ўтиб, у гоҳ совуқ қотиб, гоҳ қизиб кетаётганди — жигари ўша тунда ишдан чиқди. Симоннинг шамоллагани тезда ўтиб кетди, бироқ бошининг оғриши кўзида ўз асоратини қолдирди. У бошини чангаллаганча, ўринда уёқдан-буёққа ағдарилгани-ағдарилган эди: «Вой бошим, вой бошгинам!»

Боши оғрийдиган бўлиб қолган Агун ҳам унга қўшилиб йиғларди. Уй зах, печкани тинимсиз ёқиш керак эди. Агун болтани қўлига олиб, қулочини ёзганда, боши гувиллаб, кўз олди тиниб кетди. Бу худди ўша вақтда — Муроднинг қизи Србуи йўрғак учун эски-туски эркаклар кўйлақларини кўтариб келганда юз берди. Симон унда клуб қурилишида ишлар, ҳазил-ҳузил қилиб, аския айтишарди, боланинг эса ҳаммаёғи битли латтадан қавариб чиққанди. Шунда Агун нафаси бўғзига тиқилган ҳолда телефонга бақирганди: «Ишхон, онамни ўлдиргандинг, энди мени жонимдан тўйдирмоқчимисан? Судга бераман сени!..» Шу воқеадан сўнг, эртасига Самвел йигирма метр бўз кўтариб келганди. Эркаклар томда туришганча, Агуннинг ҳар бир сўзига қулоқ солишар, Симон эса дудуқлана-дудуқлана:— Уят, ахчи, уят...— дерди.— Арташ Қалта бўлса



тилини такиллатганча деганди:— Аёл эмас, тайёр колхоз раисининг ўзигинаси бу.— Агун унинг бу гапига уруш пайтидагина жавоб қайтарди: «Яхши лавозимларни сизлар бизга раво кўрмайсизлар, тўғрими?— Арташ Қалта бунга жавобан бир ойдан сўнг — Агун оғир чипта қопни кўтариб, зўриқиб қолганда берди. Ушанда Арташ Қалта кулганча: «Ке, қарашворайлик...»— деганди. Агун бўлса, унинг ёнига бориб, сочидан ушлаб, уни ерга энгаштирганди. Шушан тойни унинг елкасига қўйди. Агун учта тойга чидаш бериб, тўртинчисида ўтириб қолганди ўшанда.

Арташ Қалта пенсия олиш ёйинки уни кўпайтириш илинжидами, ҳар қалай Ереванга борганда Арменакка учрашиб, тилёғламалик билан шундай дебди: «Министрликда сенинг таниш-билишинг бўлмаслиги мумкин эмас». Арменак эса унга рад жавобини берибди: «Танишим йўқ, гапнинг очиги — оворагарчиликка хоҳишим йўқ».

Мана шунақа. Бевафо дунё бу,— одамлар келаверадди, кетаверадди, биз — чидамли авлод эса яшашда давом этаверамиз.

Агун худди қимматбаҳо радиоприёмникнинг чангини артаётгандек, худди стол устига ёзилган шойи дастурхонни тузатаётгандек, ёлғондакасим хўрсиниб, қайнанасига деди:

— Қариб қолибсан, ойи, эрсиз қийин албатта,— шундай деб гилам осиб қўйилган деворга, гиламдаги буғуга қаради.

— Нимасини айтасан, апи кетаётганда ўзи билан олиб кетиши керак эди мениям, нимагаям қолдириб кетдикин битта ўзимни.

— Нимага бундай деяпсан, ойи,— деди Агун баданига титроқ югуриб.— Нон бор, пишлоқ бор, тишларинг бутун, учала ўғлинг хизматингга тайёр, шундай экан, нимага энди у сени ўзи билан олиб кетиши керак экан?

— Ҳе-е,— деди кампир,— ҳар кимнинг дарди ўзига маълум.

Улар яна ўйлашни билишади, мулоҳаза ҳам қилишади, қаранг-а, қанақанги чиройли гапларни айтиш-япти.— Ҳечқиси йўқ, ойижон,— деди Агун,— дунёда ғам-қайғу ҳар хил, унинг қанақалигини билиш керак. Бечора Шушан, Сона, Асмик, Гикорнинг Маргоси, Нерсеснинг Маргоси, Вард, Мариям, Гоар, бечора вақвақ

ро, Сатолар нима қилиши керак, йигирма беш ёши- тул қолган бўлса уларга нима дейиш керак?

— Улган ўлиб кетаверади, бу ёқда қолганга қийин. Андрэ тириклигида-ю, Шушан таъналари билан уни еб адо қилганди. Мана энди, у ўлгач, Шушан бахтсиз тулга айланмадимми?

— Тўғри, ойижон, тўғри. Нияти бузуқ қайнанаси туфайли таъналари билан эрини адои тамом қилганди. Худонинг хоҳиши экан, мана қайнанасиям ўлди-кетди, Андрэ тирик бўлганда, эҳтимол энди улар тотув яша- шармиди.

— Ҳеч қайси она ўз фарзандига ёмонликни раво кўрмайди.

— Ёмонликни раво кўрмайди, ойижон, фақат яхши- лик қилишни хоҳлайди, мана шунинг оқибатида ҳам ёш келин-куёвнинг уйи бузилиб кетяпти-да.

Кампирга буғу тасвирли гилам маъқул тушди: «Фа- қат твिति узунроқ»,— деб кўнглидан ўтказди-да, ги- ламни силаб кўра туриб:

— Ким ёмонликни раво кўрган бўлса, ўзи гирифтор бўлсин ўшанга,— деди.

— Гирифтор бўлсин, гирифтор бўлсин, мен ҳам шундай дейман-ку, ойижон.

Кампир шунақанги чиройли стуллари, ажойиб стол ясаган қўл эгасини дуо қилди, дастурхонни ушлаб кўрди, дастурхон ҳам ёқди унга, дастурхон ўғли билан келинига муносиб эди.

— Сигир соғиш осон иш эмас, лекин ўрганиш мум- кин, гиламни эса — бошқалар қандай тўқиётганига бир-икки назар солиб турсанг, ўзинг ҳам тўқийвера- сан,— деди кампир,— аммо-лекин фақат тилга тушов солиш қийин. Қўлингда челак кўтариб, булоққа чопиб бориб-келиб юрган кезларингда чиройлидинг, бинойи- дек эдинг,— деди кампир,— сенга қараган кишининг баҳри-дили очиларди, лекин тилингнинг заҳарлигидан Симонимнинг турмуши турмуш бўлмади, ўзингга ти- линг туфайли қанчадан-қанча кўргуликларни кўрдинг, бизнинг бутун наслимиз эса қишлоққа кулги бўлди.

— Мана шу гиламни, ойижон,— қошларини ўйнатиб деди Агун,— мана шу гиламни Арменакка олиб бор- моқчиман. Нима дейсиз? Ҳа, мана шу, буғу тасвирли- гини.

— Йўқ,— деди кампир.— Ҳозирча тура турсин. Агар келининг яхши чиқса ана ўшанда берасан, борди-ю,

қанақадир бир таги паст бўлса, ўғлимнинг топганини исроф қилишинга арзимаЙди.

— Ишхон таги паст, Абел таг-тахтли кишининг фарзанди эди. Ишхон ҳам, Абел ҳам ўлди. Ҳаммамизнинг борадиган жойимиз ўша мозор, ҳаммамиз ўламиз, олдин кексалар, кейин ёш-яланглар. Ишхонниям, Абелниям кўмишди. Ишхонни дафн этишга, онагинам, Кировакандан ўнта машинада, Тифлистан бешта, Еревандан ўнта машинада одам келди. Қабрига бир машина гул қўйишди, кейин ҳарбий оркестр куй чалиб турди. Ҳатто Сочидан ҳам одамлар келишганди. Қайнатам Абелнинг мазорбошисига эса нечта одам борди? Адам, Симон, Акоп, Аракс, Сиран, Арпик. Кейин ўзинг қора кийиниб, қайсинглинг билан дастрўмол тутиб пиқиллаганча бординг.— Агун гапларининг ҳаммасини кампир мағиз-мағизигача тушуниши ва ўтган йилларнинг ўша шармандалигу азобларини қайта бошидан кечириши учун кутиб турди-да, кейин, эртак айтаётгандек, оҳиста гапира бошлади:— Қайнатам ёруғ дунёдан кўз юмганига ўн йил бўлди, ўн йилдан бери қабрида қабр тошисиз ётибди. Бошқалар кечагина ўлган марҳумга бугун ёдгорлик ўрнатишади, менинг шўрлик қайнатамнинг гўри эса, худди на ўғиллари, на хотини, на меросхўри йўқдек, худди бир мусофир ўлгану, уни кўмиб, иш битди энди, дейилгандек, ғарибона ётибди. Мусофир. Бегона. Бироқ унинг тайёр ошга баковул ўғиллари бор, улар уйларида стол ёнига ўтириб олишади-да, қани нон, қани пишлоқ, дейишади, чойдан қуй, чойнакда чой борми, яна бир пиёла қуй, дейишдан нарига ўтишмайди. Кейин Саакнинг Тигранини, Атонинг Степанини, Бежанинг Анушаванини, Асорнинг Тигосини ғийбат қилишга тушишади. Жудаям яхши қилишади, онагинам, ўзларининг вақтларини хушлай-вершсин улар.

Шунинг учун ҳам улар бақувват, шунинг учун ҳам уларга ҳеч бало урмаЙди. Мен эсам кечаю кундуз ўзимниям, уларниям ғажийман, шунинг учун кўрившим шунақа — қирқ ёшда саксонга киргандекман. Мабодо эсинг оғиб қолмаган бўлса, харсанг тош хотиранг-дадир, уни тарошлашга ўғлингни мен мажбур қилгандим,— деди Агун.— У мени урди, мен эсам гапимда туриб олдим:— Отанг тошсиз ётибди, уят-ку, отадан уч ўғилсиз, учовингиз ҳам, худога шукур, урушдан соғсаламат қайтиб келдингиз. Учта нап-катта эркакнинг отаси шу пайтгача тошсиз, худди ҳеч кими йўқдек ётса

яхшими, дедим, ўглинг Симон бўлса менга ҳамла қилиб, мушт ўқталиб келди. Иккинчи ўглинг остонасидан: «Яхшилаб ур, чакагини ўчирсин»,— деб бақирди. Кейин сен ҳам, онагинам,— алам билан деди Агун,— сен ҳам остонангда турганингча: «Жонидан тўйдирди, охири боламни жонидан тўйдириб юборди», деб ҳукм чиқара қолдинг. Кейин,— Агуннинг юзлари қаримсиб, қандайдир бўзарган тус олди,— кейин тошни тарошлашди, тарошлашга тарошлашди-ю, барибир бундан ҳеч қанақанги маъни чиқмади,— орадан етти йил ўтибдики, тош ҳали-ҳали Дсех сойида ётибди. Э-э,— деди Агун нафратланиб,— ҳамишагидек жанжал-сурон билан уни ўзим судраб боришимни кутяпсизлар, шекилли. Э, йўқ, энди бунақанги ишларни хоҳламайман. Афт-ангоримни кўр, қирққа эмас — саксонга киргандекман. Сени кўрган одам саксон эмас — қирқ ёш беради. Йиғлаяпсанми? Сал-пал йиғласанг ҳечқиси йўқ. Мен ҳам сен туфайли ўз вақтида тўйиб-тўйиб йиғлаганман...— Шундан сўнг Агун кампирнинг кўз ёшларини кўрмаслик ва унга ачинмаслик учун (чунки бу авлод ачинишга эмас, куйдиришга лойиқ) уни уйда қолдириб, ўзи ташқарига чиқиб кетди.

Нимага чиқди ташқарига? Дарвоқе, ахир Ереванга бормоқчийди-ку, тайёргарлик кўриши керак. Сени қара-ю, айтмоқчи бола қани? Болани отга қараб келгани ўзи юборганди, шу пайтгача тирранча қаёқда лақиллаб юрганикин?..

Куз қуёши ерни қиздирар, кўриниб турган ўрмон баргларини жимгина тўқар, олмалар тўлишиб, барглар остидан тўвланиб кўринарди. Нашвати нок асалга айланган, гармдори шодалари қизарганди, инн ёнида кулча бўлиб ётган ит мудрарди. Бола боғда эди, у шафтолини силкитиб, нарироққа қочарди-да, баргларнинг ўйнаб тушишини томоша қиларди, кейин эгилиб, уларни териб олар ва яна дарахтни силкитиб, четга қочарди. Агун Ванкердан келтирган шафтоли кўчати бу ерда ҳосилга кирмаган, бироқ чиройлилигидан Симон: «Қўявер, тураверсин»,— деганди. Улкан нашвати нок шохларининг ярми кўм-кўк эди; унга ҳосили декабрда пишадиган нав пайванд қилинган бўлиб, барги январгача кўм-кўк тураверарди. Ва ҳоказо, ва ҳоказо, ва ҳоказо. Агун: «Серо, у ерда нима қиляпсан? Бор, дарсингни тайёрла»,— демоқчи бўлди-ю, айтолмади. Нафаси қисилаётганини сезиб қолди. Ғўлага ўтириб, йиғлаб юборди. Йиғлаганча, кичкинамни Ереванга юбор-

майман деб ўйлади: майли, шу ерда шофёрми, тракторчими ёки мол докторими бўлиб ишласин, уйга кеч келсаям майли, келини уйда бўлади, ўзи эса ҳали келинига, ҳали ўғлига қараб завқланади. Уша кунларда қирғий ҳануз булутлар остида чарх урар, унинг овози Цмакут узра, ўрмону боғлар узра, шўрлик Шогер қабри узра ёйиларди...

Агун кулимсираб, кўз ёшлари аралаш қайнанасига деди:

— Қулоқ сол... қулоқ сол, эсингдами, гўё мен бузуқман-у, бошқалар билан дон олишиб юрибди, деб гап тарқатганинг...

— Бўпти энди,— деди кампир келишувчанлик билан.— Утган ишга салават. Емон бўлган бўлсам, сенга сабоқ бўлсин бу — келининга яхшироқ муомала қиласан.

— Жиззакиман, яхшиси учраса хўп-хўп — тил топишиб кетаман, ёмони учраса, ўзинг биласан, жиззакиман. Ўзимниям, бошқаларниям ғажимим учун худо мени шунақа қилиб яратган. Фақат...— йиғлаганча деди Агун,— фақат ўзимни-ўзим қийнаганим қолади, барибир, бошқаларга балоям урмайди.

— Ке, бир ёз уйингни мен қўриқлаб ўтирай, сен шаҳарга бориб даволаниб кел.

— Соғлиқ ҳам одамга бир марта берилар экан. Врачларнинг чангалига тушишни душманимгаям тиламайман.

— Зарик ахир тузалиб кетди-ку.

— Зарик Ашотнинг, мен эсам сенинг ўғлинг Симоннинг хотиниман. Мана, ўзинг ҳам ўн беш йилдан бери белинга ғишт боғлаб юрибсан-ку.

— Симон врачмас.

— Симон темирчи, биқиниму бошимга уравериб, текислаб қўйган уларни.

— Тилинг туфайли шунақа қилган.

— Хаҳ, тилгинам қирқилиб тушсин-да сизларнинг жонингизга шунақанги тегиб кетган бўлса!

— Аёл киши аёл бўлиши керак. Темирчининг қизи Цовинарни узатишаётганда Симонгинам пичан ғарамининг ёнига ўтириб олиб йиғлаб: «Нани<sup>1</sup>, Цовинар чиройли-а, тўғрими?»— деганди. Биз сенинг ўрнингга Овитдан келин туширмоқчи бўлганимизда, ўшанда Муроднинг келинининг аллақачон ўн ёшли боласи бор эди,

<sup>1</sup> Н а н и — она, онажон.

ўшанда Симон Адамга йиғлаб: «Йўқ, Агунжонни яхши кўраман»,— деганди. Кўзгинам ситилиб оқса бўлмайди-ми, ахир шу уйда йигирма беш йилдан бери яшайсан, бирон марта боламга ширин гапирганингни кўрмаман-а. Аёл киши аёллигини қилиши керак, сен эсанг ҳеч қачон Симонга хотинлик қилмагансан. Цовинар эрга тегиб кетди, Муроднинг келини Муроднинг уйида қариди— сен ўғлимга муҳаббатли бўлишинг керагиди.

— Сизларнинг ҳамма ишларингиз жойида, фақат муҳаббат етишмай турипти, сизларга.

Кампир ўрнидан турди:

— Сенга халақит бермай, бора қолай энди.

— Мабодо айтадиган яна гапинг бўлса — гапиравер. Менга халақит берадиган ҳали ёруғ дунёга келганча йўқ.

— Қўполеан,— минғирлади кампир,— ўзинг туппа-тузуксан-у, шу, фақат ўта қўполсан.

— Қўпол бўлмаганимда, ҳанузгача молхонангизда қўтослар билан қучоқлашиб ўтирган бўлардим. Заҳда ўтирмай, ҳозироқ тур ўрнингдан!— Агун боласига қараб бақирди.— Бошимга битган яна битта бало бу!

— Ўзинг ҳам хоннинг саройида яшамагансан-ку, нимамки бор, ўшани бердим сенга. Молхонам бор экан — молхонани бердим. Сенга нимадир демоқчийдим-а,— кампир гангиганча боғда тўхтаб қолди.— Нимага келганимни эсимдан чиқариб қўйдим.

— Бўлмасам-чи, сигир бориди — сигирни ҳам бергансан.

— Бердим, ҳаром ўлиб қолди, ҳаммасигаям қийинчилик билан етишганимиздан кейин нимаям қила олардинг.

— Олдин ҳаром ўлди — кейин бердинг. Буям ҳеч гапмас, сигир менинг қўлимдалигидаям ҳаром ўлиши мумкиниди. Поплар билан ҳийла-найрангларинг, дуоибадларинг-чи, иссиқ-совуқ қилдириб келиб, остонамнинг тагига кўмнш учун ахир сен Кировакангача бординг-ку. Хоҳлайсанми, дуоибадларингни кўрсатаман?

— Агар уялмасанг — кўрсатавер.

— Мен эмас, сен уялишинг керак.

— Мен бир-бирларингга меҳрибон бўлиб яшашларингни хоҳлагандим.

— Бизнинг уруғимизда бунақанги матоҳ анқонинг уруғи.

— Шунақа шекилли, Агунжон, шунақа шекилли.

— Бизнинг уруғимиздаги одамлар ишлашнинггина би-

лишади, бир-бирларига меҳрибонлик кўрсатишга вақт кетказиб ўтиришмайди. Сенинг ўғлинг ҳам меҳр-муҳаббатга унчалик лойиқ эмас.

— Ўзингга муносибини топиб, ўғлимни тинч қўйсанг бўлмасмиди унда, фақат мана шунигина хоҳлагандим.

— Етимчайдим-ку, қаёққаям борардим? Онам бор бўлса эканки, сизлардан қочиб, унинг бағрига борсам.

— Онанг бўлмаса, отанг борида, акаларинг борида, буванг билан бувинг борида. Отанг бутун шаҳарни талаб еган.

— Мен учун таламаган, топганини ўзи еган.

— Тўппа-тўғри. Шунинг учунам уруш-жанжал қилмасдан, Симон билан тинчгина яшашинг керагиди, деяпман.

— Нима қилибман, тинч яшамай нима қилибман? Нима, Симонингни ғажиб еб қўйдимми?

— Ит ғажиб ейди, ўзингни ўзинг шумшук кўрсатма.

— Худди ўша ит менман, ёмонларга итдан ҳам баттарман, яхшиларга эса, тўғри, итман. Ҳаммаям мендан ўзига тегишлисини олади. Қўлимдан келганини қиламан, йўқ нарсани ундириб беролмайман, буни кутманглар ҳам.

— Тўғри. Мен ҳам шундай деяпман-ку.

— Нимаси тўғри?

— Ўғлим сендан меҳр-муҳаббат кўрмаганлиги.

— Сизларнинг бунақанги меҳр-муҳаббатингизга туншунмайман.

— Ҳар бир хотин эрига муҳаббатли, меҳрибон бўлиши керак. Абел пичан ўримиданми, молхонаданми ённики қишда ўрмонданми қайтиб келганида, уни тоғорага ўтқаздириб иссиқ ё илиқ сув билан — қанақаси топилса ўшанақаси билан ювинтирардим. Симон сендан меҳр-муҳаббат кўрмади.

— Менинг муҳаббатим — бу болаларим.

— Мениям муҳаббатим — болаларим бўлганди. Болаларимга ҳамиша яхшилик тилаганман.

— Ўлсам ўламанки, ёмон одам тўғрисида, ҳатто у ўз туққан болам бўлсаям, ҳеч қачон «яхши» демайман.

— Манжалақи, — кампирнинг қайнаналиги тутиб, мулойимлик билан, суюб минғирлади, — тилингни тий. Уялгин шунақа дегани.

Оёқ остида яхшигина хипчин ётганди, — бунақанги одамларга гап билан ҳеч қачон таъсир ўтказиш мумкин эмас, аммо, борди-ю, у ҳозир гапларига ёрдамчи қилиб калтакни ишга солса айбдор бўлиб қолар, кейин ўзи-

нинг бошида калтак синарди. Агун ўрнидан туриб, атрофига назар солди-да, ўзига-ўзи, мана бу уй, мана бу боғ, молхона, ит, иккита сигир, иккита ғунажини ҳали рўйхатдан ўтказилмаган бузоқ — буларнинг бари меники, яна йигирмата қўй, ўн еттига чўчқа бор, асалнинг ҳам ҳаммаси йиғиштириб олгани, аллақачон сопол хумчаларга солиб қўйилган, ўғлим Арменак Еревандек жойда яшайпти, деди. Яна нима керак унга! Уғли Арменак райком секретарларини газеталарда танқид қилиб чиқади, эри Симоннинг эса қўлидан кун бўйи болта билан арра тушмайди, қишда пол, шип қилади, ёзда далада ишлайди, ёмғир ёганда уйда... Ҳовлидаги ўттизта товуқ курк... Агун буларнинг ҳаммасини ўзига-ўзи гапирди-да, кейин унга яна ўзи бор-йўғи қирқ учга киргани-ю, тинч-осойишта кечирадиган қирқ йиллик умр ҳали олдинда турганлигини қўшиб қўйди: ҳали қараб туринг, унинг уйига шаҳардан ювиниб-таранган, калта кўйлак кийган неваралари келишади — улар Агунининг уйига ҳар ёз меҳмондорчиликка келишади, шаҳарликларга хос усулда капалаклар тутишади, қуёш чарақлаган Цмакутда бир-бирларига Ереванга хос акцентда гапиршади: «Сен, Самвелсан!» Шаҳарликларнинг шаҳарлиги бўлган келини эса кун тигидан кўзини қисиб, анҳор томонга қараганча: «Самвелик! Уйга кел, овқатингни е!» — дейди. Тўхта-тўхта, қанақанги меҳрмуҳаббат тўғрисида гапиряпти бу кампир?

— Уғлингни бирор-марта кир кўйлақда юрганини кўрганмисан?

— Йўқ, — деди кампир.

— Уғлингнинг ўрин-кўрпаси ифлос бўлиб, ёйилиб ётганини-чи?

— Йўқ, кўрмаганман.

— Оч қолиб, олдинга борган пайти бўлганмиди?

— Йўқ.

— Мен янги кийим-кечак кийиб, у эски-тускида юрганини кўрганмидинг, шунақасини кўрганмидинг?

— Кўрмаганман.

— Ҳар гал, тикандек соқолини мажбур қилдириб оқдиргушимча жоним ҳиқилдоғимга келади. Қўлимдан келганининг ҳаммасини қилдим. Қўлимдан келмайдиганини ўйлаб-бичиб топганим йўқ. Мен, Арташ билан айшини суриб, яна эрининг бетига бақрайиб қарайдиган, сигирни сотиб, ўзига соат, қўйни сотиб пулига туфли оладиган, яна баланд пошнализидан оладиган Егорнинг Сирушимасман, — деди Агун. — Ўзи бу ерга нимага



келдинг, гапингни гапир!

Адамнинг уйи ёнида болта овози эшитилди.

— Болагинам уйғонибди,— деди кампир,— Адам уйғонибди.— Кейин у титраётган лаблари билан шивирлаб дуоми, лаънатми ўқиди-да, овозини чиқариб давом этди:— Адам, Симон, Акоп, Аракс, Сиран, Арпик,— Арпик энди йўқ, бир замонлар меники эди у, уйдан кетди-ю, меники бўлмай қолди. Қизгинам бахтсиз чиқди.

Филонинг хотини Арус челақ кўтариб сувга ўта бошлади. Семиргандан семириб кетяпти Арус. Кулгани кулган. Агун Ванкерга қочиб кетган ва мана булар енг шимариб, Симонга қиз қидиришга тушишганда овитлик мана шу Арус дидларига ёқиб қолганди. Ухшатмагунча учратмайди деганлари рост, жудаям хил тушарди буларга у: биргалашиб ўтириб чой ичиб, бутун умрини молхонада ўтказганини ўзи билмай қоларди Арус (бунақанги бахтни анови қўполлар юз йилгачаям қўлдан чиқаришмайди). Уй қураман деб, белини қайиштиришини ҳам, оҳақ чангидан кўр бўлишининг ҳам ҳожати йўқ эди унга. Шу ерга тушса, у жойини топган бўларди, энди эса бечора Фило колхоздан нимани ўмара олса, ўшани уйига ташигани-ташиган. Шундоқ бўлсаям, ҳанузгача улар Аруснинг сепидан қолган эски-тускиларга ўралиб ётишади. Яна бемаза картошкага ўхшаш кулги билан кулишганига ўласанми; куясанми. Ўзи нима гап, нимага бунақанги кулишади десанг,— сим каравот сотиб олишган-у, тинчгина ётиб ухлаша олмайди, ҳамма гап шунда. Арус зил-замбил, Фило қушдек енгил эмасми, думалайди-да, Аруснинг устига ағдарилиб тушаверади. Чамаси, уларнинг тушунчаларида мана шу — севги. Йўқ, бизда бунақанги гап йўқ, бизнинг қўйларимизнинг юнги олинмаган, картошкамиз кавланмаган, чўчқаларимиз ўрмонда йўқолиб қолган — қўл қовуштириб ўтира олмаймиз, кулиша олмаймиз.

— Арус!— чақирди Агун.

Арус челақларини кўтарганча тўхтади.

— Ереванга кетяпман, челагинг тўлгунча бу ёққа киргин, бир нарса кўрсатаман.

— Боришга узоқлик қилади,— кулганча деди Арус.

— Нима, бу ерга келишинг шунчалик қийинми?— ажабланди Агун.

— Бўлмасам-чи, ҳали сен осон деб ўйлайсанми?— яна кулди Арус.

— Унда, мен бу ердан ҳар куни қанақа қилиб тушиб-чиқаман?

— Бу сен — Агунсан,— хандон отди Арус.

Адамнинг уйи ёнидан эшитилаётган болта овози ти-  
ниб қолди; ёзнинг жазирама иссиғида қулоқчин кийиб,  
доимий ҳамроҳи — арава олдида турган Адам кўзлари-  
ни пирпиратганча, сўзларни тизиб, жумла тузаётганди.  
У бир Агунга, бир онасига қараб, узоқ вақтгача айт-  
моқчи бўлган сўзини ахтарди ва ниҳоят:

— Суҳбатлашяпсизларми?— деди.

— Ҳа,— деди Агун.— Сенга нима даҳли бор?

Адам кўзларини пирпиратди, пирпиратди-да:

— Бу ким, бизнинг кампирми?— деб сўради.

— Ҳа, кампир,— деди Агун,— сизнинг азиз онажо-  
вингиз.

— Ҳм,— Адам кулимсради.

— Нимайди?— сўради Агун.

Адам тўғрисида уларнинг ўзлари шундай ҳикоя қи-  
лишарди: Адам тўрт йиллик мактабнинг сўнгги син-  
фида ўқирди. Ованес Туманяниннинг «Парвона» поэма-  
сини ёддан айтиб бериши керак бўлганда: «Э, гапирини  
қийин!»— деб йиғлаб юборган, ҳолбуки уни яхшилаб  
ёдлаб олганди. Мана шу Адам ҳозир онаси билан ке-  
линига қараб турди, турди-да, бирваракайига гапни қа-  
лаштириб юборди.

— Нима бало, даҳанаки жангда кампирнинг нафа-  
сини нчига тушириб юборибсан шекилли?

Бу Адам деганлари йиғинларда оғзига талқон сол-  
гандек жим ўтирарди. Агунга эса, қаранг-а, тили бир  
қулоч, яна мазах қилиб кулишниям билади. У беш  
йиллик жудоликдан сўнг Германиядан қайтиб келган-  
да, Агун хурсандчиликдан ўйинга тушиб, бағрига бо-  
сиб қучоқлаб ўпиш учун югуриб пешвоз чиққанди.  
Адам эса уни ўзидан узоқлаштириб: «Мана сенга йўл,  
қаш, нафасингни ростламай Ванкергача югуриб бора  
оласанми? Дарвоқе, ўша ерда бутунлай қолиб...»— де-  
ганди. Бизнинг қувончимизни улар ҳамшиша йиғига ай-  
лантиришган.

— Ереванга кетяпман,— деди Агун.— Сизлар билан  
бўлар-бўлмас гапларни гаплашиб ўтиришга вақтим йўқ.

— Йўлингиз...— Адам уҳ тортиб турди, турди-да,  
машаққат билан сўзининг давомини топди,— берсин.  
Менга битта...— Адам сўз қидириб, ўйланиб қолди, ки-  
чик сойлик томондан Аруснинг боши ялтираб кўринди,  
кампир дуо ўқибми, қарғабми, ҳар қалай, нимадир деб  
ғулдиради; Арус сойдан чиқиб ҳам бўлдики, Адам  
ҳалигача гапини тугата олмасди.

— Сенга битта жулоқчин олиб келиш керакми,— деди Агун.

— Ҳа,— кулди Адам.— Қараб кўр, мабодо...— у яна худди тўсиққа учрагандек, гапидан тўхтаб қолди.

— Қараб кўраман. Агар топа олсам олиб келаман. Августдаям, январдаям кия олишинг учун ҳам юпқа, ҳам иссиқ бўладиганидан олиб келаман.

Адам яна бир марта болтасини тарақлатиб урди-да, бошидаги шапкасини тўғрилаб қўйди, кейин бирваракайига, бутун бошли жумлани айтиб юборди:

— Яна тасмачанинг яхшисидан олиб кел, пишигидан бўлсин, эсингдан чиқарма.

Кампир энди гулдирамай гапираётганди ва бу на қарғиш, на дуо эди,— у Агунга гапираётганди.

— Симон ҳеч қачон йиртиқ пайпоқ, кир кўйлак кийиб юрмаган, Симон ҳеч қачон оч ҳам қолмаган, сен ҳам бузуқи бўлмагансан, ўғлимнинг топганини нест-нобуд қилмагансан, аммо барибир сендан норозиман. Шунинг учун норозиманки...

Аруснинг девор орқасидан чайқалиб кўринаётган бошига қараб турган Агун бирдан Адам унинг — Агуннинг тилига тасма олиб келишни гапираётганини тушуниб қолди, тушуниб қолди-ю, худди илон чаққандек ўрнидан сапчиб туриб, кампирга деди:

— Хайрли ишга кетяпман, кўнглимни хуфтон қилма. Серо, итни ушлаб тур, Арус келяпти.

— Мен сенга душманмасман,— деди кампир.— Бир бош саримсоққа келгандим, энди эсладим, билмадим, бизники тугабдими ё болалар бирон жойга беркитиб қўйишибдими, ишқилиб, тополмадим.— Кейин кампир Агуннинг орқасидан маранга кирар экан, у ердаги нарсаларнинг мўллигию саранжом-саришталигидан кўнгли тўлиб, худди ҳикоя қилаётгандек, гапга тушди:— Ўғил хотинининг, қиз эрининг ёнига кетади, ҳаммаси тарқайди, яна сенинг кунингга, яхшими, ёмонми — барибир ўша эринг ярайди, чунки у сенинг, фақат сенинг эринг. Кейин, ундан қирқ ёшда ё саксон ёшда айриласанми, барибир,— бу сенинг энг катта йўқотишинг бўлади. Болалар отасидан, келин қайнотасидан, неваралар бобосидан айрилади, лекин сен ўзингдан айриласан, негаки бўйинтуруқдаги битта ҳўкиз кимгаям асқотарди... Бутун умр эринг билан битта бўйинтуруқни тортасан, шунинг учун эр-хотин — қўш ҳўкиз деб бекорга айтишмаган. Битта бўйинтуруқдаги ҳўкизлар эса бир-бирига кўникиб қолади, бир-бирининг тилини тушунади, бир-

бирини аяйди. Қизлик пайтимда, Эсимда, буқамиз касал бўлиб қолиб, отам Хндзорнинг буқаси билан ҳўкизимизни қўшга қўшган, бироқ бунинг учун, кейинчалик аччиқ-аччиқ йиғлаганди, чунки ер ҳайдайдиган пайт келганда улар икковлашиб қўшни ҳеч тортгиси келмасди, ҳали униси, ҳали буниси тўхтайверарди. Шунда отам ҳўкиз билан буқа бир-бирини ёқтирмапти,— деганди. Муқаддас китобда шундай дейилган: агар душманинг бўлса — у билан келиш, йўқса у сени қозининг, қози эса жаллоднинг қўлига топширади. Мен эсам сенга душман эмасман, сенга онаман, онангинг ўрнига онаман.

— Бўлди, бас, майли, худо мени онасиз яратган. Ҳўкизлар бир-бирини яхши кўради, итлар фақат ўз эгасини ғажимайди. Агун эса Симонга кун бермайди, ҳамманглар шуни эшитдингларми, бўпти. Серо... Йўлга отланяпман, кўзинг ёмонлигини ўзинг ҳам биласан... Серо, қишлоққа чопиб бориб, отангга, кечикяпмиз, де, тезроқ!.. Сенинг муқаддас китобинг ҳам менга кор қилмаган, билиб қўй.

Бола сойликка етиб борган ҳам эдики, Агун унинг орқасидан яна бақирди:

— Беш минутдан кейин шу ерда бўл!— Кейин кампирга орқасини ўгириб, завқланганча қўшнисига деди:— Арус, жонгинам, сен билан маслаҳатлашмоқчийдим.

Кампир сочилиб ётган тарашаларни йўл-йўлакай йиғиштириб, кувиларни санаб, уларнинг сони кўплигидан қувониб, ўз уйи томон йўл олди. Ҳа, йиғласанг ҳам, йиғламасанг ҳам барибир. Кампир Адам томонга ўгирилмоқчи эди, бироқ ҳозир кўнгли чоли Абелни тилаётганини пайқаб қолди. Лаънати кўз ёшлари ҳам қуйилиб келмаётганди... Қайнаб-қайнаб, дув-дув тўкиладиган кўз ёшлари қуриб қолган шу аснода анози қувончли ғамгинликларини ғамгин қувончлари қаёққа ёйиб бўлди, а?

— Арусжон, Ереванга кетяпман. Кампирни гап билан шунақанги бопладимки, беш йилгачам эсидан чиқармайди энди буни... Сенда маслаҳатли ишим бор.

Қачон қаранг-қараманг, Аруснинг этаги осилиб ётар, эри Фило колхоздан юнг ўғирлар, Арус эса уларни, ҳатто ювмай, тўғридан-тўғри тўшакка тикарди; Арус тиззаларини керганча печка ёнида ўтирар, унинг гиламинини эса Овитда бегона одамлар пулга тўқишарди — ҳа, шунақа экан, Агун Арусдан яна қанақасига масла

ҳат сўраши мумкин? Арус плитага овқатни қўйиб чиқиб, булоқ бошида ярим кун сафсата сотади, овқат куйиб, қозон чўғга айланади, ёстиқ жилдлари қурумдан қорайиб кетади, Арус эса булоқ бошида ивирсиб, миш-мишларга қулоқ солаверади, миш-мишларни тарқатаверади.

— Арусжон, катта ўғлимни уйлантиргани кетяпман,— гап бошлади Агун.— Келин бола инженер, юз эллик сўм олади, ўғлим ҳам юз эллик олади,— бунга гонорарлари кирмайди. Гонорар дегани, Арусжон, бу босилиб чиққан мақолаларига тўланадиган пул. Бечораҳол бўлиб яшаётгани йўқ, лекин бизнинг ҳам юзимиз улар олдида шувит бўлиб қолмаслиги керак ахир, шунинг учун ҳар турли қовурма-повирма, олма, беш юзта тухум, хуллас, арзимаган, кундалик тирикчиликка ярайдиган майда-чуйдаларни олиб кетяпман унга. Сен ўзинг ҳам ўғилларингга шунақа қилгандинг-ку, мен ҳам шунинг хайрли ташвишидаман. Мана бу тўшаклар ўн икки, нари борса ўн беш килограмм чиқар. Сен қилган тўшаклар, эҳтимол, бундан оғирроқ бўлгандир, дарвоқе, эринг Фило ҳам оғир, менинг Симонимга ўшаб чўпдай эмас у. Тўғрисини гапирсам, Арусжон, хафа бўлма,— деди Агун бошини эгганча.— Ахир сенинг тўшакка солган юнларнинг ювилмаган, тозаланмаганди-да, мен эсам уларни яхшилаб ювганман. Мана шу қўлларим билан ювганман. Ўша оғир меҳнатдан кейин икки ой ўтгач, яримта бўлиб қолдим, лекин сенга битта нарсани аниқ айтаман, бу ерда ўн икки кило тоза юнг бор, унинг ичидан биттаям хас тополмайсан. Хўш, шунақа қилиб, булар янги тўшаклар. Энди, Арусжон, ўрин-кўрпаларни кўр. Чойшабларни, Армен кўриққа, у ердан Москвага борганда унга пул жўнатгандим,— чойшабларни Армен Москвадан олиб келган. Мана бу чойшаб эса, Арусжон, уларнинг дидига жудаям мос,— бу ҳам Москвадан. Бизнинг дидимиз билан уларнинг диди бир хил эмас, осмон билан ерча фарқ қилади,— бизлар қишлоқда яшаймиз, нимани кўрибмиз-у, нимани билибмиз. Адёллар учун юнгни, ҳали Симон мени ураётган кезларидаёқ, Қасакдан алмаштириб келгандим, зотдор совлиқнинг юнгини жайдари қўйникига алмаштиргандим, адёлга яхши кетади у. Мана шу адёллар учун Симон хўп урган мени. Мана бу уларга жилд, э-э, Арусжон, буларнинг тарихи узун. Бир замонлар отам бориди, уни Ишхон дейишарди. Муроднинг Србуиси эркакларнинг эски-туски кўйлақларини кўтариб

келиб, ўшалар туфайли болам касалга учраган пайтида, бир минг тўққиз юз ўттиз олтинчи йилнинг февраль ойида Ишхон Манадан йигирма метр тоза, қишдаги ойдек оппоқ мата юборганди. Вой, Самвелнинг куйибпишгани ўшанда, унга жоним садқа бўлсинди-я... Қирғишбарот уруш йилларини, очликни, совуқни ямоқ-яскоқларга ўралиб ўтказдик. Э-эй, бу бош нималарни кўрмади... Лекин мана — ўша матони сақлаб қолиб, жилд қилдим.

— Алдаяпсан, Агун, ёлгон гапиряпсан.

— Тепамда худо турибди.

— Қўйсанг-чи, бор, шунақаям бўлган бўлсин, нима-си яхши бунинг, нимага мақтанаяпсан, тушунмайман.

— Шунақаман-да.

— Шунинг учун ҳам қирқингда етмиш яшарлардек кўринасан.

— Рост, Арусжон, — Агун жонланди. — Кўриб турган мана шу палагинг сепимдан, уни онам бувамниқидан олиб келган. Бувамнинг уйига эса у онамнинг бувисиниқидан, Арчешдан келтирилган. Иккита ёстиқ қилдим, биттаси ўрдак момигидан, иккинчисини эса, аттанг, унга пар қилолмадим: агар эсингдан чиқмаган бўлса, гозларим Филонинг ловиясига тушиб кетганда, Филонинг хотини Арус уларга итнини қўйиб юборган, кейин ит гозларимни биттама-битта бўғиб ўлдирганди. Ҳечқиси йўқ, Арусжон, патлигиям бўлаверади. Мана бу гиламни ўғлим олгиси келмаяпти, лекин барибир, унга атаб тўқиганман, шунинг учун ҳам олиб кетаяпман. Ўғлимнинг буни хоҳламаётгани боиси, у ёқда — шаҳарда бутун деворни энлайдиган гиламга буюртма берибди. Кучим етса — ўша гиламига пул, уддасидан чиқолмасам, — омон бўлгин, Арусжон, мана шу гиламни бераман — билганини қилсин, хоҳласа полга, оёғининг тагига ёзиб қўйсин.

— Келининг инженер бўлса, ўғлинг даста-даста пул топса, хўш, улар учун шунча нарсани нимага йиғдинг-ку, нимага олиб кетаяпсан?

— Ўғлим қучоқ-қучоқ пул топадиям, сарфлайдиям, ўртоқлари билан бир ўтиришда тўрт юз сўмни йўқ қилиши ҳеч гапмас унинг. Тўрт юз сўм — ҳазил гапми бу. Бутун бошли битта сигирнинг пули-я. Мен эсам, Арусжон, шунча нарсани шунинг учун йиғдимки, биринчидан, булар арзимаган нарсалар, иккинчидан, ўзимнинг ота-оналик бурчимни ўтаяпман.

— Ахчи... ахчи, тойган-тутганини шамолга совуриш учун ҳам бечора эрингни — мутлақо дармони қуриган-ку унинг,— еб адои тамом қилар экансан-да?

— Ановилар мени уйдан қувиб чиқаришганда, эсингдами, сени Симонга унаштиришмоқчи бўлишганди, афсуски, бу амалга ошмай қолди-да, йўқса, ҳозир ўтириб олиб, бир-бирларингга тикилардинглар, бир-бирларингга тикилиб, кулишардинглар, ана ўшанда қандай яхши бўларди-я.

— Симонинг менинг Филоимнинг тирноғигаям арзимайди.

— Бўлмасам-чи! Сенинг Филоинг ҳар йили уйингга тонналаб юнг ташийди. Ўғирликни ўринлатади, бирор нарсаям дея олмайсан.

— Мендан ёмон яшаётганинг йўқ-ку, Агун.

— Энди, Арусжон, бу бошқа гап. Кел, яхшиси, бу ҳақда оғиз очмай қўя қолайлик. Ахир мен, ўзинг биласан-ку, бирор киши тўғрисида ниманки ўйласам, ҳаммасини ўзининг бетига айтмагунимча, касал бўлиб қоламан. Эринг уйни мол-дунёга тўлдириб ётибди, менинг эрим эса унақа эмас, лекин шунга қарамай сендан ёмон яшаётганим йўқ, ҳатто сал-пал яхшироқ яшайман, уйда Агун хўжайин бўлгани учун шунақа. Қандайдир тенглик ҳам бўлиши керак-ку, ахир.

— Нима бўлган тақдирдаям, Агун, эрингга ачинса арзийди, эртадан кечгача белини букиб...

— Бу гапинггаям жавоб беришим мумкин, Арусжон: бунинг учун у идрокли бўлиши керак, идроки йўқ экан — белини букаверсин.

— Ҳаёт кечирिश қийин гап эмас, Агун. Лекин сенинг ўзинг ҳаммасини қийинлаштирасан. Ўзингниям қийнайсан, бошқаларниям. Уруш пайтида эсингдами, қуруқ картошка ердик, лекин кулган пайтларимиз кўп бўларди. Арто Қалта билан бўлган воқеа эсингдами, ўшандаям ўзинг айбдор эдинг-ку, ахир...

— Ҳамма нарсани ўзига шипириб оладиганларга ҳаёт кечирिश осон. Арто Қалта пенсия масаласида Арменакка мурожаат қилган экан, Арменак — кўра-миз, депти.

— Шаҳарда шундай одамимиз бор экан, албатта унинг олдига борамиз-да, бўлмаса яна кимгаям мурожаат этамиз.

— Арменак, қуйиб қўйгандек отасининг ўзгинаси, ҳатто шимини кийишни ҳам унутиб, ўзининг цмакут-ликларига ёрдам беришга ошиқади у.

— Ҳузига яқин одамлар-ку, нимага ёрдамлашмаслиги керак, ахир?

— Эримнинг ярми менга тан эди, ярми бошқаларга, умуман айтганда, колхозга. Ҳғлим, рости, унга тортди. Агар унда менинг бир томчи қоним бўлсаям, у ҳеч қачон анови молхонани унутмаслиги лозим. Челагинг тўлиб, плитадаги овқатингни ҳам жизғанаги чиқиб кетгандир, бора қол энди, Арусжон, сени ишдан қолдирмай.

— Ҳеч нарса қолмадими, ҳаммасини кўрсатдингми?

— Камбағалчиликда топган-тутганим шу бўлди, камми?

— Яхши сеп тайёрлабсан. Қадимда яна сигир ҳам қўшиб беришган, дарвоқе, ҳозир уларга сигирни нимагаям кераги бор?

— Сигирнинг ўрнига, Арусжон, мен бир нарсани ўйлаб қўйдим, билмадим, сен нима деркинсан бунга. Сигирнинг ўрнига уларга беш юз сўм бермоқчиман. Гапнинг рости, ресторану киноларга сарф қилмасликлари учун уни қўлларига бермайман, ўзим бориб, кийим шкафи сотиб олиб, уйларига қўйиб келаман.

— Ростданми?— минғирлади Арус.— Ҳали уйи борми унинг?

— Журналистларга уйни тез беришади. Ишлаши учун алоҳида, ухлаши учун алоҳида хонаси бор, ахир уларнинг иши ақлий иш-да.

— Ҳа-а,— яна минғирлади Арус.

— Ҳғлим, кийим шкафи олиб беришимни хоҳламаяпти, ахир у ҳам отасига ўхшаб ҳеч балога тушунмайди-да. Кийимларини осиб қўйиши учун унга шкаф зарур, идиш-товоқлар учун ҳам алоҳида жавон лозим, пианино ҳам керак, лекин у буни тушунмайди, бу нарсаларни муҳайё қилиш учун эса нақдина зарур. Ресторанга бориш керакми— у буни тушунади. Бўлажак келиним ҳам тушунади. Уларни биронта, масалан, менга ўхшаган одам тергаб туриши лозим. Пианинога, Арусжон, пулим етмаса керак, деб қўрқаман, кейин пианиноларнинг фарқига ҳам бормаيمان, лекин таомхонаси учун мебель олиб бераман. Айтишларича, бунақа мебелни Москвадан келтиришармиш. Нархиям, Арусжон, янги пулга беш минг сўм. Бунданам қимматроғи бор экан-у, лекин қимматига кучим етмайди-да.

— Яхши,— бошини силкитди Арус.— Жуда ҳам яхши,— маъқулади унинг гапини Арус.— Чинданам ажойиб. Лекин буларнинг ҳаммасини калламга сиғди-



ра олмаяпман,— ажабланиб, давом этди у. Кейин бирдан:— Ахчи, сен ақлдан озибсан,— деди саросималаниб.— Ахчи, сен жиннисан,— қўлини оғзига тутиб, овозини чиқарганча ўйлай бошлади Арус.— Тентаксан, ахчи. Келининг ҳам, ўглинг ҳам қўшмозор бўлишин, бутун уйни уларнинг оёқлари остига ташлаяпсан-ку.— Арус эшик томонга йўналди.— Ҳа, шунча иш қилибсан, индамай қилавер, мени нимага чақирасан?— эшик ёнига борган Арус орқасига ўгирилди.— Келининг — шаҳарлик, эҳтимол, роҳат-фароғатда, тўқчиликда ўсгандир, сен эсанг жонингни жабборга бериб бир неча чақа топгин-да, энди ҳаммасини икки қўллаб қаёқдаги бегона қизга олиб бориб бергин. Тўғри айтишади-да, чоракор чораклаб олар, бой акам — ботмонлаб, деб... Ўзингга ачинмасанг ҳам, бебахт эрингга ачин, шарманда...

«Энди эса, Арусжон, бор, бутун қишлоққа ёй — Симоннинг хотини Агун эрининг уйига битта палак билан келганди, мана энди у ўрлига пианино олиб беряпти, деб айт».

— Холодильник ҳам олиб бераман,— деди Агун.

— Нима?

— Холодильник, деяпман. Янги пул билан уч юз сўм тураркан, овқатларни ўшанга қўйиб қўясан, айнамайди, бузилмайди — тураверади, хоҳлаган таомингни қўяверасан унга. Ёзда уларга мацун, ёғ, товуқ жўна-таман, еганча ейишади-да, қолганини холодильникда асрашади. Отам Ишхон ўлганида, менинг номимга бонкада юз минг сўм қолдирганди, укам Валод бўлса уни аста-секин ўзига ўзлаштириб олди. Айтмоқчиманки, ота-она худди менинг отам Ишхонга ўхшаган бўлиши керак. Шунақа!

— Мол-мулк сеники, ихтиёр ҳам ўзингда. Лекин мендан фикримни сўрамоқчи бўлсанг — эрингга ачинаман, фақат. Эрингдан, рўзгорингдан юлқиб, бегона бир қизга беряпсан.

Ўглининг уйида Агунни ҳурматлашлари учун у келинига шунақа қилиши керак. У ёқда унга — бувижон, ойижон дейишлари учун, келини уни ойи, у эса: «Ҳа, қизгинам»,— дейиши учун ҳам шундай қилиши керак. Келинга тоши оғир олтин узук олиш керак бўлади ҳали.

— Арус,— гўлдиради Агун,— Арус, мен бахтлиманми ё бахтсизманми?

— Қаёқдаги гапларни вайсайди-я.

— Бунинг ахамияти йўқ, Арус. Мол-дунёга келсак, мана сенга бир мисол: бўри Мушегнинг ўттиз бешта қўйини бир кечада ёриб кетди, унинг ўттиз бешта қўйи бор эди, энди у бўм-бўш мол қўраси билан ўтирибди, пул ҳам — бугун бор, эртага йўқ. Ўғлим Армен Тбилиси — Ереван поездининг ресторанига кечқурун кириб ўтириб, эрталаб соатини қолдиради, — битта у эмас, бошқалар ҳам шунақа қилишади, — яна мамнунлик билан чиқиб кетишади у ердан. Мен бахтлиманми ё йўқми?

— Арменак сенинг ўғлинг, лекин аслида томоғингда шишинг бор, сен яхшиси шу ҳақда ўйлаганинг дуруст. Бўлғуси келининг шу пайтгачаям яхши яшаган, Арменакка хотин бўлганидан кейин эса, билиб қўй, унга фақат хотин бўлибгина қўя қолмай, Арменакни ҳам бутунлай ўзиники қилиб олади, сенга ҳеч вақони қолдирмайди. Кунингга яна фақат ўзининг Симонинггина ярайди. Бу менинг фикрим, шахсан мен шундай деб ўйлайман. Мен ўз ўғилларимга сиҳат-саломатлик тилаб, яна ҳар бирининг ўрин-кўрпасига бир жуфтдан жилду чойшаб бердим. Менинг эрим — Филойим бор, бугун иккаламиз иккита товуқ едик. Ўғилларимга берган ўрин-кўрпамгаям баъзан ачинаман. Ҳаёт эса, қанчалар беқиёс, қаёққа қарама — ҳамма яхши яшайпти. Фақат кулишга хоҳиш бўлса бас. Энди, сен бахтлиман йўқми, буни ўзинг яхшироқ биласан, ўзимга келсак — Агун эмас, Аруслигимдан мамнунман.

— Мен бахтлиман, Арус, ўгай онам дарпаслик аблаҳ, отам эса Ишхон эди, йигирма метр бўзу яна кунларнинг бирида болага бир ҳовуч конфет юборган Ишхон эди, қайнанам Абелнинг хотини Арус, эрим эса — Симон бўлганди.

— Бўпти, хайрли ишга кетяпсан, дилингни сиёҳ қилишининг ҳожати йўқ. Ўзи мени нимага чақирдинг — менга кўз ёши қилиш учунми?.. Агар гапимга қулоқ солсанг, ахчи, касалингни даволаш учун мана шу пулларининг ярми етади.

— Бошида ўзи бебахт туғилган эканман, майли, бу ёғнага шундай бўлаверсин. Соғлиқ шоду хуррамликка ярашади, шоду хуррамликдан эса, мен туғилишим биланоқ бебахра қолганман.

Арус кўнглига келган гапни айтиб юбормаслик учун тилини тишлади, лекин Агуннинг аммаси Манишак қайнагани Арус кампирдан ҳам баттар, устамасига, худонинг ўзи кечирсин-у, бузуқи бўлгач, — у бир пайтнинг

Ўзида ҳам Амбони, ҳам Атоенц Степанни шилганди, яқинда эса, уйдан Метаксэнинг кумуш камарини топишди, демак, Авагани ҳам шилган — бирваракайига учтаси билан дон олишган бўлса, қандай қилиб индамай тура оларди. Кейин, дарвоқе, Манишакнинг хатти-ҳаракати келинига зиғирча таъсир қилдимиди?— Йўқ.

— Шоду хуррамлик кишининг ўзига боғлиқ. Агунжон, кишининг бахтиёрлиги — бошқалар эмас, ўзи туфайли бўлади, бахтсизлигига ҳам бошқаларни айблашнинг ҳожати йўқ.

— Меннинг болам молхонада туғилган.

— Мен-чи? Меннинг ўзим болаларимни қаерда туғибман?

— Мен бу ерга шаҳардан, сен Овитдан келгансан. Ота қасри-ю, эрнинг молхонаси.

— Бўпти, оқ йўл сенга, овқатим аллақачон куйиб кетгандир.

— Раҳмат сенга, Арусжон.

— Сен шаҳардан, мен Овитдан келганман — Овитда одамлар яшашмайди. Шунақа демоқчимисан?

— Нимасини айтасан? Одамлар Эссентукига, Одессага боришяпти, чет элларга бориб келишяпти, сен эса Овитнингни биласан фақат.

— Худди Эссентукидаю чет элларда иштонсиз тентаклар йўқдек гапирасан-а.

— Ахчи, уйингга борсанг бўлармиди, кеч қолиб кетдинг.

— Одамлар, амманг Манишакни уйда бир марта нон еб, умр бўйи ўша нонни эслаб юришган. Жудаям шўр бўлганди нони. Тилинг, Агун,— сенинг душманинг.

— Ҳақ гап, лекин менинг ноним шўр эмас.

— Ўғлинг билан келининг уйига янги мебелу холодильникни жойлаштиради, гиламинг полга тўшалиб, оёқ ости бўлиб ётади, бола унга чизиб, ёзади, борганинда эса, сенга қарайди-да, «сен кимсан?»— деб сўрайди.

— Умримнинг эгови бўлган тилим ҳам қуриб кетсин.

— Қўй, кўнглингни ғашлайверма, омон бўлсак кўрармиз ҳали.

— Йўқ, Арусжон, сен ҳақсан, кичкинам ҳалитдан: «Сенга «арнаут» деб бақириб, яхши қилишган»,— деяпти.

Келини ўғли билан уришиб, аразлайди-да, сочини силаб силлиқлаганча хонасидан чиқиб келар экан: «Ойи, энди бу уйни елкамнинг чуқури кўрсин, айтиб

қўй янови беномусга...»— дейди. Шунда Агун китоб жавони ёнида турганча, хонадаги ўғлига бақиради: «Ҳой, Симондан тарқаган Валоднинг жулдирвоқиси, ҳозироқ уйдан ҳайдаб чиқараман сени!..».

Ованес Туманян замонасида илмдилар кам бўлган, бир неча кишигина ёзган, шунинг учун шуҳрат қозониш қийин эмасди. Ованес Туманян, Ованес Туманян. Ованес Туманян ўнта илмидан биттаси эди, мана энди унга ҳайкал қўйилган, уй-музейи ҳам бор... Ованес Туманян, қанийди энди бу дунёга ҳозир журналист сифатида келиб, шу халқ ичида яшасанг-у, биз ҳам сенинг қанақанги Ованес Туманян эканлигингни билиб олсак. Ҳозир ҳамма ўқийдиган, ёзадиган бўлиб кетган, Вазгенга эса ҳатто, тасаввур қилоласанми, Арменакнинг мақолалари ёқмайди. «Бундан яхшироқ ёза оламан»,— дейди-я у. Сенга ҳайкал ўрнатишларию беланчагингни сақлаб қўйиб, кейинчалик «ана бу беланчада мурғак Ованесни тебратишган», дейишлари учун, қани, ўзинг айт-чи, Ованес Туманян, минглаб шунақанги «қаламқаш»лар ничидан ажралиб чиқа олармидинг? Менинг оналик қалби мени сезиб турибди, Арменакка ҳам ҳайкал қўйишади. Унинг ёзувчилик истеъдоди мен туфайли Ванкерга борлиқ, ахир мен асли ванкерликман-ку, отам Ишхон шунақанги келиштириб сўзлардики, асти қўявер. Цмакутлик ота томони эса — бутун уруғи билан дудуқланиб гапирадиганлар, биттаси Симоннинг акаси Адамми, ўзига шапка кераклигини изҳор этгунча уч кун ўтади, лекин у барибир учта сўзни бир-бирига қовуштириб, айтолмайди. Дарвоқе, Арташес Арзуманян ҳам Ванкердан. «Тилим — душманим». Шу тилим туфайлигина ўрлим ажралиб турибди-ку ҳаммадан, ахир. Нимамам борида менинг? Битта тилим, битта бояқиш эриму битта палагим бор эди. Боравер, боравер, Арусжон, Ишхоннинг қизи Агун ўғли Арменакка тўй учун янги пул билан ўттиз уч минг сўм ҳадя қиляпти, оналик фотиҳасини беряпти, деб бутун Цмакутга, Цмакут орқали Овитга, Манац шаҳрига, Ванкер қишлоғига ёй.

Ҳайкални Ванкерга қўйиш керак. Аммо-лекин яна битта ҳайкални эски молхона ўрнига ўрнатиш зарури «Агун шу ерда Ованес Туманян ва Арташес Арзуманянга тенг одамни минг машаққатлар билан ўстирган». «Мадам Софи эса яна узоқ вақтларгача ҳуснини йўқотмай, кўзларни куйдирувчи жозибадорлигича қолди ва ўз умрида кўплаб эркакларни алмаштирди, хуллас, у қаримадиям, ўлмадиям — чунки, ўлганларнинг қабри

бор, уники эса йўқ. Эҳтимол у эриб, ҳаммаёққа сизиб киргандир, дунё ҳам маълум даражада софилашгандир». Оҳ, тилиннга жоним тасаддуқ — «дунё ҳам маълум даражада софилашгандир». «Маълум даражада». «Эриб». «Сизиб кирган»...

— Серол..

Қизиқ, Ованес Туманян каттами ё Арташес Арзуманянми? Арташес Арзуманян уруш бўлмаслиги учун Америкага махсус учиб борган. Айтишларича, уруш ана бошланади, мана бошланади бўлиб қолган пайт экан ўшанда,— Арташес унга йўл қўймабди. Уша кунлари радио, газеталардан фақат «Арзуманян, Арзуманян», деган номпигина эшитиб, ўқиш мумкин эди. Эсида, ўша кезлари у ўғли Арменакка: «Нега райком секретари бўлишни хоҳламайсан?»— деганди. Уғлининг кайфи бор эди: «Алмаштирмайман, асло алмаштирмайман»,— деганга ўхшаш нимадир деб минғиллаганди. Арменияда минглаб ёзувчию журналист бор, ёзиш кимнинг эсига тасодифан тушиб қолса — ўша ёзаверади. Ана, Муроднинг Гикориям шеър ёзаяпти. Бир пайтлар Адам ҳам урушда кўрган-кечирганларини қоғозга туширишни кўнглига тукканди. Ушанда Манэ билан қўшни аёллар гилам устида уймаланишар, пиширилган картошка столда совур, Адам эса перосини сиёҳга ботириб, хаёлга толганди. Шунда Агун кулиб юборганди: жим, ўйла-япти. Кейин Адам дафтардан бир варақни йиртиб ташлаб, ручкасини сиёҳга ботириб, тагин хаёлга чўмди.

Кейин Арменак кула бошлаганди: «Амаким китоб ёзаяптилар, роса катта пул оладилар». Шунда кўнгли оғриган Адам совиган картошкани, сиёҳу қоғозини стол устида қолдириб, араванинг ён томонини йўниб, текислагани йўл олганди. Уша-ўша, у, ўғли Вазген, уларга қўшилиб Манэ бир овоздан, Арменак ҳам жуда қойилмақом қилиб ёзмайди, деб бақирадиган бўлишди. Арменак, қишлоқдагилар ўзига сал олисроқдан, ҳайиқириброқ қарашлари, ўзи эса улардан баъзи бирларининг олдига бориб, қўл олиб кўришиши учун қишлоққа худди Арташес Арзуманянга ўхшаб ҳар замонда, яна қора костюмда келиши лозим. Бола пақирга жонинг ачишади — хона тутунга тўлиб кетган, у бўлса ёзгани-ёзган, эрталаб ўрнидан уйқуга тўймаган, нохуш, нимадандир норози кайфиятда туриб, кечаси ёзганларини ўқийди-да, кейин уларни майда-майда қилиб йиртиб ташлайди. Сен эсанг мана бу ерда — Аруснинг олдида, у бир кечада минг сўмлаб топади, деб керилавер.

Ҳечқисн йўқ, ўғлим, машаққат чекиш инсонга хос, сенинг қонингда эса қийинчиликларга кўникиш бор, чидайсан унга. Одам кейинчалик қийналмаслиги учун дастлаб азоб-уқубатларга бардош беради, ахир шундоқ ҳар нарсага қодир Арзуманян хотинини дафн этилишига етиб келолмади-ку Америкадан. Фақат ўғриларгина қийналишмайди. Ҳайвонлар ҳам қийналишмайди. Йўқ, улар қийналишмайди. Чунки бири ўғрилик билан, иккинчиси худо берган ва онасидан ўтган инстинкт туфайли яшайди. Энг муҳими,— ҳам яхши яшаш, ҳам номинг пок бўлишидир. Тўғри, пул билан ном чиқариш мумкин, ҳатто пул ёрдамида пок ном қозониш ҳам мумкин, лекин барибир вақти келиб одамлар,— кўриб қўйинглар, ҳув анови номини пул билан оқлаб юрувди дейишади. Отанг умри бўйи тахта-ёғочдан бош кўтармади, сенинг чекингга қоғоз тушди, акам Валод бўлса, на бош оғриғи нималигини, на бошқа бирон-бир касални билмай қирқиди қирқилди. Пок ном қозониш, албатта, яхши иш, лекин дунёда, ахир, қанчадан-қанча енгилелни, қийинчилиги йўқ ишлар ҳам тўлиб ётибди-ку... Сен, ўғлим, раҳбар ходим бўлишинг керак эди. Ҳаёт бизга бир марта берилар экан, демак, унинг энг қайнаган жойида бўлиш лозим. Умуман-ку, ҳақ гапга кўчганда, ўлганимдан кейин, менга деса дунёни сув олиб кетмайдим. Ванкерлик князь Никол одамларни сиқиб, қонини ичиб маст бўлар, менинг бувам Баго эса очликдан гадираклаб юрарди. Князь Николни ҳамма лаънатларди, поп-бувамни эса дуо қилишарди. Унисиям тупроққа айланди, бунисиям. Биттаси гўрга тўқ, иккинчиси оч ҳолда кирди. Ҳайкаллар ҳам, «одамлар хотирасида қолади» деганлари ҳам — ҳаммаси беҳуда. Ҳаёт бизга бир дафъа берилади, ўлганингда қутига солишадиди-да, устини беркитишади — тамом-вассалом. Кейин сен ўзинг ниманики кўрган бўлсанг, фақат ўшанигина ўзинг билан бирга гўрингга олиб кетасан. Ўлганингдан сўнг одамлар сен тўғрингга нима дейишса дейишаверсин — нима аҳамияти бор бунинг? Отам Ишхон ўғрилик қиларди, укаси Вагаршак эса бунақанги ишга уқувсиз эди, шунинг учун ҳам у: «Бундай яшаш, Ишхон, уят, яхшиямас»,— дерди.

«Иш топ ўзингга, ўзингга лойиқроқ, тузукроқ иш топ...— она афтини буриштириб, Цмакутдан Еревандаги ўғлига буюрарди.— Чаплаштириб ёзиб, қоғоз бўяшни ҳаммаям билаверади, ана, Муроднинг Гикориями шеър ёзаяпти, сен ўзингга иш қидириб топ...»

«Мақоламни босишса — сенга узук олиб бераман». Борди-ю, босишмасачи? Бу, ерга уруғ қадасак, эҳтимол ҳосил олармиз, эҳтимол уни дўл уриб кетар ё қуёш қовжиратиб юборар, яна ёмғирдан чириб кетишим мумкин, дегандек гап. Ўзингда йўқ, оламда йўқ. Жўжа кузда саналади. Оёқ кийими сув бошида ечилади. Узоқдаги қуйруқдан яқиндаги ўпка яхши. «Мақоламни босишса — узук олиб бераман».

«— Ўзингга иш топ, бефаҳм, ақлий меҳнат кўп сарфланмайдиган иш топ, деяпман...» — Агун ит учун ёвғонни аталар экан, жирканиб, нафратланганча деди. «Ойи, уч сўм бериб тур, эртага гонорар оламан, беш сўм қилиб қайтараман», «Ойи, нимагадир гонорарим келмаяпти, яна уч сўм бериб тур, шунда сендан олти сўм қарздор бўламан», «Нонга кетяпман, ойи, ўттиз тийин бергин...»

Сени Зоветга юборишаётганда, нимага қайсарлик қилиб, ўша ёққа боравермадинг? Наҳотки, энди шунгаям жанжал-сурон билан эришишим керагиди? «Пьеса ёз-яп-ман». Ёз, ёзавер, ёзиб бўлганингдан кейин уни саҳнага қўйишади, қишлоқдаги ҳамма овсарларнинг оғзи очилиб қолади, одамлар кулишга тушишади. Симонни-ку, боши осмонга етади бундан... «Нон-га кетяп-ман...»

Агуннинг бошига оғриқ кирди. У чаккаларни икки қўллаб қисганча, калласини қаёққа тикишни мўлжаллаб, гир атрофига кўз югуртирди. Оғриқ билинар-билимас, аста-секин бошланиб, юшоқ ва заиф мияни шафқатсизлик билан тилимлашга тушди. Назарида бош косаси ҳозироқ ёрилиб, мия қопқоғи жойидан овозсиз кўчади-ю, қизиб кетган мияси худди сут кўпигисмон кўпириб, юқорига отиладигандек туюларди... Бошини маҳкам қисганча, елкаси билан ошхона эшигини итарган Агун, нақ ёнгинасида момақалдироқ гулдирашига ўхшаб эшитилган аллақандай қарс-қурсдан чўчиб тушди, қулоғи бутунлай битиб қолди. «Мақтаб учун теннис столи ясяпман». Энди теннис ўйнашларинг қолувди, шуниси етмай турувди ўзи. Вой бошим; вой бошгинам, ойижон.— Агун ғира-шира қоронғиликда катга ёйиб қўйилган йўл-йўл чойшабнинг дўплайган жойига тикилиб қараб, лўлаболишни кўрди, айни пайтда унинг қаттиқлигини, ундаги мумланган бир парча тумор қоғознинг қаттиқлигини қайта сезгандек бўлди.— Ирим-сиримларнинг ўзингнинг бошгинангни есин-да, Арус буви!— Урин катта уйга солиб қўйилган-

ди.— Уф, қанийди энди, қисқичга ўхшаш бирор нарса топилса-ю, бошини бор кучи билан қисиб, ушлаб турса.— Агун балконга чиқиши билан, қуёш бир лаҳзагина чарақлаб, кўзини олди, кейин яна ғойиб бўлди. У бошини қўллари билан сиққанча қимирламай турар экан, назарида бошида иссиқ кулни элашаётгандек эди.— Вой, ойижон, вой, бошгинам... Утиб кетади, ҳозир ўтиб кетади. Мана эшик, уни тиззаси билан итариб очса бас — у ёқда ўрин билан ёстиқ бор.— Уғли билан келинига атаган нарсалари тўп бўлиб, йўлни тўсиб турарди. Қандоқ кирдим энди уйга?— Қадам қўйса, қоқилиб, бирор нарсага бошини уриб олади ҳозир. Чайқалганча эшик ёнида турган Агун унинг ғижирлаб очилиб кетишидан чўчиётганди. Ишқилиб яқин-атрофдан ит осмонни бошига кўтариб, бирдан вовиллаб, хўроз қичқириб юбормасин-да.— Вой, ойижон, ҳеч ким ёрдам берай демайди-я, менга!..

У қулоғини беркитиши керак эди, лекин унутиб қўйганди буни. У бутунлай қуёш нурига чўмиб, ҳаворанг панжара ёнида турганча чайқалар экан, катта хонадаги ўрин-кўрпага етиб олишни бутун вужуди билан истар, бироқ бунинг учун яна бир қадамгина қўйиши кераклигини мутлақо хаёлига келтирмасди. У, худди рақсга тушаётган пайтдагидек кўтарилган қўлларига мос равишда тебраниб, ғўлдиради:

— Буларнинг ҳаммасини менга нима кераги бор, нима кераги бор... Ахир менга нимага кераги бор, буларнинг ҳаммасини нимага... Серо! Бундан кўра ўлганим минг марта яхши, нима кераги бор менга бунақанги ҳаёт кечиршни,— мастдек бошини кўксига осилтириб, шивирлаганча нолиди у.

Уйга кирган Агун тахлаб қўйилган кўрпалар устига йиқилиб тушди-да, ўзига-ўзи: «Йўқ, бу яхшимас, бу маданиятсизлик бўлади,— деганича, ёстиқ кўтариб, катга борди, бошини юмшоқ ёстиқ остига тикар экан, ҳаммага, ҳаммага деди:— Қандай хоҳласанг шундоқ яшайверинглар, нима қилсаларинг қилаверинглар, фақат соғ-саломат бўлсаларинг бўлди... Эй, бош оғриғи, сен нима хоҳлайсан мендан...»

Агун боши қандай оғриётганига эътибор берар экан, энди бу оғриқ ҳатто ўзига ёқаётганини пайқайди.

— Қоранг ўчгур,— у бахтсизликни бошидан кечирган кишидек пичирлади ва кутилмаганда бирдан қоқилиб, илиқ сувга шўнғиб кетгандек бўлди.

У гўё тўртта сигирнинг эгаси-ю, тоғда юрган эмиш.



Атроф ям-яшил, тепада қуёш нур сочиб турармиш. Тўрттала сигир ҳам гўё соғилишини кутаётган, тўртта бузоқ эса битта қозикқа боғлаб қўйилган эмиш.

— Туш кўряпман,— деб гўлдиради-да, яна тушининг давомини кўраверди: у бир пайтлар роса кўп учганини, энди нимагадир қариб қолганини ўғлига ҳикоя қилаётган эмиш. Теварак-атроф кўм-кўк, борлиқ қуёш ёғдусига чўмган эмиш, шунда бирдан ўгли: «Агар хоҳласанг, ҳозир ҳам уча оласан»,— дебди. Кейин бирдан ўзи осмонга кўтарилиб учиб кетибди. «Келавер, келавер, менга қараб учиб келавер»,— ўгли ярқираб кўришиб, қувонч билан уни чақирибди. «Э-э, бунинг учун энди кучим қолмаган, кучим етмайди, бунинг устига сигирларни соғишим керак ҳали»,— ғамгинлик билан, ёлғондакам жавоб қайтарибди у, лекин бирдан — бу нимаси?— ўзиям учяпти-ку. Шундан кейин улар икковлашиб ёзги яйлову, қишлоғу пичанзорлар устидан уча бошлашди. «Қап-катта хотинсан-у, болаларча туш кўрасан-а,— Агун ўзига ўзи таъна қилиб гўнғиллар экан, Симоннинг кечикаётганини эслаб қолди, кейин бироқ бир ерга қачонки вақтида етиб боролмаган бўлса, ҳамияям Симоннинг айби билан кечикканини ўйлади,— бунақаанги одамлар учун соат деган нарса йўқ,— ғазабланганча кўнглидан ўтказди у ва яна шу заҳотиёқ ўзига-ўзи, аччиқланиш керакмас, деб қўйди.— Ухла, ухла, агар ҳозир ярим соатча кўзинг илинсаям бу сенга бир ойга етади».

...Симон шаҳарда эди, пишлоқ сотгани кетганди, сигирлари эса туғай-туғай деб турганди. Ҳамма нарсадан хабардору тажрибали деҳқон бўлмиш Адам сигирни кўздан кечириб: «Ҳали йигирма кун бор»,— деди. Агун Адамнинг гапига ишонмади-ю, барибир ухлагани ётди. Кейин ярим кечада, ширин уйқуда ётганида Ишхоннинг овозидан уйғониб кетди: «Агуник, Агуник». Урдан туриб, оғилхонага бориб қараса, Арменак сигирнинг олдига чўққайиб ўтирганча, ҳаяжондан пишиллаяпти — бузоқ тескари келаётганди. Улар то бузоқ ўнгланиб келгунча, уни икки-уч марта орқасига итариб киргизишди. «Сен бу ерда қаердан пайдо бўлиб қолдинг, Арменак?» деб сўради у. «Тушимда менга қараб бақираётган Ишхон бувамни кўрдим. У: «Сигиринглар туғаяпти!— деб бақирарди.— Ун тўртга кирибсан-у, бамайлихотир ухлашингни қара, у ёқда бўлса сигир ўлай деяпти». Армен онасиниям Ишхоннинг овози уйғотганига ишонмади. Кейинчалик ановилар, уларга

қўшилилиб Симон ҳам анчагача: «Ишхон, пешона-сида юлдузи бор бузоқча туғилмоқчи, ўрнингдан тур, Агунник, Симон шаҳарда пишлоқ сотяпти, бузоқчани ўзинг туғдир, деди»,— деб уни калака қилиб кулиб юрганди.

Агун ёстиқни жойига қўйиб, кўзгуга қараб, сочини текислар экан, боши оғригунча нима иш қилаётганлигини эслашга уринди. У уйга кираверишдаги зинапояга чиқа туриб, мағлубиятга учраган-у, энди тақдирга тан бергандек хўрсинди.

— Фақат Симонгагина қонун тополмаганди бечора отагинам... Теннис учун стол буюртма қилишган унга, махсус, ҳукумат буюртмаси.

Симон юзга киради. Симон юз йил умр кўради. бизга-ю, бизнинг уруғ-аймоққа эллик ёш ҳам бўлаверади. Қузғун беш юз йил яшайди. Қалхат... калхатмиди, қирғиймиди?.. Қузғун беш юз йил, қирғий қирғ йил яшайди. «Ҳе, беш юз йил ўлакса еб яшаш зарил келибдими!»— деган қирғий.

Ит ҳовлида жон-жаҳди билан ҳуриб, пастдаги кимгадир вовуллади. Яқин-атрофда мол ҳам, одам ҳам йўқ эди, Адам уйига кириб кетганди—кимга вовуллаётган экан у? Э-э, итга тайёрлаётган овқати ҳали ўчоқда-ку, бутунлай унутибди-я. Яхшиямас, яхшиямас, биридамас бирида бу бош оғриғи уни кўтариб уради — ўлдиради, даволаниши зарур.

— Сенга нима керак ўзи, кўппак, ақлингдан нимага озаё деяпсан?

Пастда Адамнинг уйи, жарлик, тош тизмаси, эман дарахти бўлиб, ундан у ёғи ўрмон эди. Ўрмон этагидаги қора сигир аниқ-таниқ кўриниб турарди. Кўппакни ечиб юборсанг — кўз очиб юмгунча сигирнинг ёнига етиб боради. Агун итга овқат берганда ҳам, у занжирни узгудек бўлиб, ўрмонга интилаверди. Бу уйнинг итлари ҳар қанақанги жонзотга душман эди. Ановиниси, бундан олдингиси — юраги ёрилиб ўлгани итмасди, мотор эди, шунақанги ҳурирдикки, бир ерда тек туролмай ўзини шунақанги уёқдан-буёққа урардикки, аста қўяверинг. Ундан ҳам олдингисининг оти Чамбар эди—ёлғиз ўзи бўрилар тўдасига ташланиб, уларни тум-тарақай қилиб юборарди, кейин унинг ўзини бўрилар бурда-бурда қилиб кетишди. Итлари кўпи билан уч-тўрт йилгагина чидаш беришарди. Шу ўтган вақт ичида улар аллақачон еттита итни алмаштиришга улгуришди (ҳолбуки, мисол учун, Адамнинг ҳозирги ити — бор-

йўғи иккинчиси, қайнарасининг Босари эса илгари қандай бўлса, ҳалиям ўша-ўша — ювош, беозор, ялқов, у ит эмас — эшакнинг ўзгинаси).

Ит қулоғини динг қилиб, кутиб турди — тош тизмаси орқасидан Симон кўринди. Имирсилаб — унга қараб турган кишининг юраги тарс ёрилгудек бўларди, — имирсилаб, бўшашганча қадам ташлаб, сўқмоқ йўлдан келаётганди у. Шошиб, қаёққаям бораман, мана уйим, ҳозир унга етиб оламан, шошишнинг ҳеч ҳожати йўқ, деб ўйлайди-да, Симонгинам. Уруш инвалиди Воскан ким биландир икки шиша ароққа бас бойлашиб, икки пудли тош туз парчасини Манадан то Ванкергача кўтариб борганди, энди, мана бу кишининг юришига бир қараб қўйинг.

Шундан кейин Агун қўлини чеккасига қўйиб, худди қайнарасининг гапириш оҳангига ўхшатиб, ғамхўрлик билан деди:

— Секин, секинроқ юр, оёғинг чарчайди, шошиб қаёққаям борасан.

Хумкалла Серо тош тизма орқасидан чиқиб келди, кейин бирдан жойида тўхтаб, ерга ўтириб олди. Ёнигарчиликдан олдину ичкиликдан сўнг оёқ оғриғидан Арменакнинг юзи буришади, буям, албатта, болапақирга уч-тўрт йил резина сандал кийдириб қўйган мана шу хушсурат отаси туфайли. Агун ўшанда айтганди-я унга: «Симон, бу резинанг болани ишдан чиқаради»,— деб. Симон-чи? Унга қараб туриб: «Нима, дарров тўзитиб бўлибдими?»— деганди.

— Бирор нарса дедингми?— сўради Симон.

— Бирпас яна дамнингни ол, кейин айтарман,— Агун хотиржам гап бошлади-ю, бироқ ўзини тутолмай, шанғиллай кетди:— Жудаям эрта қайтибсан, уйга кириб яна бирпас ёт, офтобдаям ўтир, ана ундан кейин, нима қилиш кераклигини ўйлаб кўрармиз!

Симон жойидан қўзғалмади.

— Ереванга кетяпман,— тушунтирди Агун.— Кечик-ятман. От керак менга. От жарликка борлаб қўйилган. Олиб келиш керак уни.

Симон нима қилиши кераклигини англаб, орқасига ўгирилди-да, сўқмоқ йўлдан қоқилиб-суқилиб, келган изига қайтиб кета бошлади. Турган-битгани шу бўлганидан кейин яна нимаям дейсан унга! Ўзим дарров бориб, отни олиб кела қолай, деган нарсани билмайди, кимдир унга гапириб, йўл кўрсатиши керак.

— Дарров ўрнингдан тур, зах ерда ўтирмай! Кимга гапирялман!

Бола эринчоқлик билан қўзғалиб, ўрнидан тура бошлади, бироқ Агун овқатни иситиш учун ошхонага кириб чиқиб, катта уйга ўтаётганда не кўз билан кўрсинки, у ҳали ҳам жойида ўтирибди.

— Захда ўтирма, дедим!

— Зах эмас.

— Мен биламан, зах.

— Сен генералсан, ҳаммасини биласан.

— Нима бало, оёғинг оғриб қолдими, Серожон?

— Ишинг бўлмасин.

— Менинг ишим бўлмаса, ўтиравер, менга деса, ўлиб кет.

Турган гапки, бунинг ҳам оёғи ревматизм, бир кунмас-бир кун бу ҳам тўсатдан зорланишга тушиб қолади. Қанақа ўзи бу бахти қаролик, нима қилиб худонинг қахрига учраган экан бу уй. Газетада номимизни ёзиб чиқаришганидан менга нима фойда? Номимизу биз ҳақимизда айтилган ҳар қандай яхши гаплар... Агар энди менинг қувонишимга, хурсандчилик қилишимга куч-қувватим қолмаган бўлса, буларнинг барини менга нима ҳожати бор?!

— Ҳозироқ тур ўрнингдан! Ҳозироқ! Шундай бўлсин.

«Ёрдамчиларим» ҳали келишмаган экан, нималар кераклигини ўйлаб олай. Демак, бундай. Мен Ереванга кетялман. Мана бу — мен, булар эса юким. Хўш, мана бу тўйга атаганим: иккита ёстиқ, иккита адёл, иккита тўшак, чойшабнинг пулини алоҳида қўйиш керак, бу палак билан гилам, ҳа, палак билан гилам, хўш, буларни икки бўлак деймиз (станцияда тумонат одам, ҳаммавақт кўз-қулоқ бўлиб туриш керак), бу олма, буниси тухум — тўрт бўлак бўлди, пишлоқ, ёғ — олтига, аҳа... Қовурма — етти, асал — саккиз, қўлда кўтариладиган ҳар хил майда-чуйдалар — жами тўққизта. Демак, бундай, — мен Ереванга кетялман, тўққиз бўлак юким бор. Пишлоқ билан ёғни битта хуржунга соламиз, — шунда битта бўлак камаяди, уларнинг устига қўлдаги ҳар хил мацун-пацунларни жойлаштираман, — яна битта бўлак чиқиб кетиб, еттита қолади, асални эса ёғнинг ёнига тиқиштирамиз, жуда соз, олти бўлак қолди, олмага тегмаймиз, тухумгаям. Олти бўлак. Ҳаммаси — шу! Мабодо биронта иш чиқиб, халақит бериб қолишмаса — Ереванга қўлимда олти бўлак юк

билан бораман. Поездларда ўғрилиқ анчагина камайган, эртага Ереванга етиб бораман. Тамом!

Бирор нарса эсдан чиқмадимми? Арташ Қалта Қироваканга кўчаётганда эшигининг тагида бешта юк машинаси гувиллаб турганди. Адам ўшанда: «Колхозимизда шунча бойлик бор экан-ку, мен билмаган эканман»,— деганди. Мураббони, тузланган нарсалару картошкани қишга яқинроқ жўнатаман. Авелук! Авелукни эсимдан чиқариб қолдириб кетмасаммиди ҳали. Айтишларига қараганда, Арзуманян авелукни жуда қадрлармиш. Бўлдими? Ҳеч нарса эсдан чиқмадимми, ортиқча ҳеч нарса олинмадимми? Йўқ, афтидан ҳеч нарса эсдан чиқмади, ортиқчасига келсак, бу — энг охириги майда тухум, боиси ҳеч ақлга сиғмайдиган жойдан олинган у. Демак, ҳаммаси жойида. Йўқ, яна ниманидир олишни керак эди, муҳим нарсайди, нимаиди ўзи у?

— Сержон?.. Ўзим билан нимани олиб кетишим керагида, нималигини эсимдан чиқариб қўйдим.

— Нимаиди?

— Ҳеч эслолмаяпман, хотирам сийқаланиб қолибди.

— Ўзинг билан мени олиб кет — нималигини айтаман.

Агун енгини қайириб, кўз қири билан ўғлига қаради-да, кулишга тушди.

— Ўзинг билан олиб кетмайсан-у, яна куляпсанми?

— Сизлар бўлмасангиз нима қилардим, вой худойим-эй!

Бу гапдан умидланган болакай ўз мавқеини мустаҳкамлаб олмоқчи бўлди.

— Сенга халақит бермайман, ёнингда жимгина бораман.

— Ростданми?

— Эҳтимол, сенга керак ҳам бўлиб қоларман.

— Масалан, нимага?

— Масалан, мен юкларга қараб тураман, сен эсанг станцияга бориб, сув ичиб келасан.

— Тўғри.

— Ўзинг билан бирга қайтиб келаман. Ереванда қолмайман.

— Биламан сизларни, олдинига шунақа дейсизларда, кейин гапларингдан қайтасизлар.

— Утган сафар қайтиб келмадимми ахир?

— Қим йиғлаганди ўшанда, менми?

— У ёққа етиб бормасимиздан ўзинг уйга кетамизга тушдинг, нима қилишим керагида мен?

— Уйда ишимиз бошдан ошиб-тошиб ётарди, уларни ким қилиши керак?

— Келганимизда — чўчқалар жойида, товуқлар қўноғида эди, ит ҳам оч қолмаганди-ку.

— Отанг билан бирга қолганингда, итни икковинг ёгга бўктирганинглар эсингдами?

— Менинг нима алоқам бор бунга. Ушанда Нозик вусидан чиқариб қўйиб, овқатга икки марта туз солиб юборганди.

— Профессор Серо, «сизиб кирмоқ» дегани нима дегани, а, профессор Серо?

— Айтиб берсам, ўзинг билан Ереванга олиб кетсанми?

— Агар айтсанг — олиб кетаман.

— Узи нима тўғрисида айтилган бу — «сизиб кирмоқ»?

— Э-э-э, қўй-эй, кам ўқийсан-да, ҳеч балониям билмайсан. Аканг сендек пайтида «Август Бебель» деб гапирарди. Кейин сендек пайтида, ҳеч чўчимай, армиядан қайтиб келган амакиси Аюп билан Максим Горький 1936 йилда ўлган, деб баҳс бойлашганди. Баҳсини ютганди ҳам — ҳақ бўлиб чиққанди-да. Мен лампани ўчирардим, у бўлса яна ёқиб, китобини ўқирди.

— «Сизиб кирмоқ»ми, нимаси қийин экан бунинг?

— Хўш, шундай қилиб, нимани билдиради — «сизиб кирмоқ» дегани?

— Сизмоқ, сизиб кирмоқ — бу «сузма» сўзидан, сузма сизади. Сизиб кирмоқ дегани, демак, — ичидан сизмоқ дегани. Билдинг.

— Профессор, нақ профессорнинг ўзгинасисан.

— Нима, нотўғри гапирдимми? Айт, нотўғримми?

— Хўш, унда қандай қилиб, мадам Софи эриб, ҳаммаёққа сизиб кирган ва бундан дунё маълум даражада «софилашган»?

— Мадам Софи ким ўзи?

— Мадам Софи — аёл.

— Билмайман бунақа хотинни, балки ўша ерда нотўғри ёзилгандир.

— Қанақасига нотўғри ёзилган, профессор Серо? Қанақасига бу нотўғри?

— Шунақасига. Арифметикада шартларида хато қилинган нотўғри масалалар бўлади-ку.

— Мана буни аканг ёзган.

— Қанақа қилиб ўқидинг сен? Ҳали ҳарф танийсанми?

— Ҳарф! Аканг нимаики ёзган бўлса, ҳаммасини мен унга айтиб берганман! Акангнинг гапича, мен айтиб бериб, у ёзиб олганларнинг ҳаммасини бир овоздан мақташаркан, агар у ўзидан чатиб-қўшгудек бўлса — бунақанги мақташмас экан,— аканг шунақа дейди. Йўқ, ҳарф танимайман. Сентябрь, октябрь, ноябрда мактабга қатнадим, декабрда эса ўгай онам уйдан чиқармай қўйди. «Ўқишга қобилиятсиз», деди мени. Ўзи жудаям қобилиятли-да, ҳали-ҳалигачаям, Ишхоннинг ўрнига «Ихшъян», «Ихшъянжон» деб гапиради...

Бола бу исми хаёлан такрорлаб, пичирлаб айтиб кўрди. Кейин қандайдир бир жанговар руҳда онасининг фикрига қўшилишмади:

— Тўғри-да, ўзиям қийин ном экан!

— Чунки, Серожон, сен ҳам Адамларнинг авлодидансан. «Ши-и-и-и... ши-ши-ши...» «Шапками?»—«Ҳа».

— Бўпти, кел, ёддан шеър айтишамиз, ким олдин тутилиб қолар экан, кўрамиз.

— Ҳафсалам йўқ шеър айтишишга.

— Билмайсан-да, шунинг учун ҳафсаланг йўқ.

— Ҳали мен шеърни билмайманми?! Ўзим шоирман-ку! Бутун қишлоқ аҳлига ақлимам етади, уларга гап ҳам топиб бераман, ахир мен асли ванкерликман-а, эсингдан чиқарма буни.

— Унда ким ўзарга шеър ўқиймиз, ким тез айтаркин.

— Бировларнинг шеъриними? Нима, мен бошқаларнинг айтганини такрорлайдиган тўтиқушманми? Ўртоқ Серо, мен тўтиқушмасман.

— Вуй-й,— бола худди ановиларга, Адамга ўхшаб, чўзилиб деди.— Бундан чиқди, уззукун ўқиб ёд олганимиз учун бизлар тўтиқуш эканмиз-да?

— Тўтиқушу устамасига яна алланималар. Тушундингми?

— Унда... Унда нимага дарс тайёрламаганимда мени урасан?

— Сен одам бўлишингни, қўлингга қалам, паншака эмас, қалам олишингни хоҳлаганимдан ураман.

— Борди-ю, паншаха олсам-чи, унда одам бўлмай қоламанми?

— Бўласан, хотиржам бўл, бўласан. Уша паншахани қўлингга ушлашингни кўнглим шундоғам сезиб турибди. Лекин сенга: мана бу ўт-ўланларни бу ёққа қўй, ҳўкизларга пичан ташла, сигирлардан вақтида хабар ол, энди эса молхонадан гўнгни чиқариб ташлагани

бор,— деб айтиб турадиган бирон-бир кимсани ёнингга қўшиб қўйишга тўғри келади.— Шундай деганча, у қўлини даҳанига тираб, бола, яъни ўзининг суюкли профессори Серо нима дейишини кутиб турди. Бола онаси қилган «каромат»нинг ҳаммасини кўз олдига келтириб, ўйлаб кўрган эди, ёқмади.

— Гўнг тозаламайман.

— Тозалайсан.

— Йўқ!

— Ўзинг ақлли боласан-ку, гўнгни тозалайсан, бунинг учун меҳнат кунига ҳақ оласан, мақташса — бир кило картошка беришади. Уни отангга олиб келиб берсанг, хурсанд бўлади отагинанг... Картошкани паққос туширасизлар-да, кейин ўйинга тушиб кетасизлар. Қалай?

Елкалари кичкина, бўйни ингичка, хумкалла бола ирғиб онасининг ёнига борди-да, дамини чиқармай, титраганча, бир оз турди, кейин нақ акиллагандек бакиришга тушди:

— Тозаламайман! Сенга айтдим-ку, гўнг тозаламайман деб! Айтдим-ку, Ереванга боришни хоҳлайман деб!

Агун овозини чиқармай кулганча, ўғлини бағрига тортиб, унинг хумкалласини силаётганга ҳам, тиззасида салмоқлаб кўраётганга ҳам ўхшаб деди:

— Гўнг тозаламасанг, хўш, унда нима иш қиласан?

Бола қўполлик билан онасининг қучоғидан суғурлиб чиқиб, гўдайиб туриб олди-да, кўз ёшлари қуриган, кўзлари ёнаётган ҳолда деди:

— Менга сенинг ёлғондакисим яхши кўришининг кераги йўқ, Ереванга кетишни хоҳлайман.

— Кетаверинглар, мана, катта йўл, сенларни ким ушлаб турибди, бор, кетаверинглар. Мени битта ўзимни шу ерга қолдириб, кетаверинглар.

— Сен ҳам кетавер, сениям бу ерда ҳеч ким ушлаб тургани йўқ.

— Ереванда биттаям оми одам қолмабди — мени кўзлари тўрт бўлиб кутишяпти.

— Нимага битта ўзинг қоларкансан? Ҳамма ёнинг-да, ҳамма шу ерда-ку.

— Баракалла! Яхшиликка ҳамиша шунақа жавоб қайтаргин!

— Тушунмадим, нима деяпсан ўзи?

— Сизлар ўзингларга ёқмайдиган бунақанги гапларни тушунмайсизлар.



— Қўйсанг-чи, нима тўғрисида гапиряпсан? Тушун-маяпман, ахир.

— Хўп, бўпти, гўнг тозалашдан бўйин товладинг — буни билиб олдим, ана, Ереванга ҳам кетдинг, дейлик. Хўш, у ерда нима иш қиласан? Онанг суюниши учун маънилироқ жавоб бер. Онагинанг бир оғиз ширин сўзгаям қопдек семириб кетади.

— Уша ердаги мактабга бораман.

— Хўш, қаерда яшайсан?

— Арменнинг уйида.

— Кеннойинг эса сени уйдан қувиб чиқаради.

— Вуй-й!

— Нима бўпти? Бундан бир соатча олдин жоним узилишига сал қолди, бир кунмас-бир кун шундай ётаман-у, ўрнимдан қайта турмайман. Ана ўшанда нима қиласан? Яна кеннойинг сени уйдан қувиб чиқарган бўлса! Нима қиласан?

— Катта бўлиб олай — ўшанда айтаман.

— Онам мени катта бўлишимни кутиб тургани йўқ, уч ойлигимда қазо қилган у. Дарпаслик ўғай онам мени сув ташувчига айлантирганди, ўзига хизматкор қилиб олганди, чархни қандай ишлатишни эса ўргатгани йўқ, ахир уқувсиз эдим-да.

Бола йиғлаб юборди, Агуннинг ҳам томоғида нимадир гашини келтириб, шишиб чиқди. Бироқ у ўзини мажбурлаб кулимсираганча, деди:

— Амакинг Адам — уйлантираман десанг, йўқ демайдиган ёшга бориб қолганди ўшанда, — битта шеърни ёддан айтиб беролмай, имтиҳонда йиғлаган, гапирриш қийин бўлган унга, билдингми. Энди гал сенга келибди-да? Нима бўпти, ҳар қалай ўшаларнинг наслидансан-да сен ҳам.

Болакай ўйланқираб, шубҳаланиб, айни пайтла сўнгги умид билан сўради:

— Дадам-чи?

— Даданг сен билан биргаликда бир юз етмиш йил яшайди. Дадагинанг, Арменни колхозга ишга юборамиз, чўпонларга яхши меҳнат куни тўлашади, деганди. Армен ҳозир шаҳарда, демак, чўпонликка энди сени жўнатади у. Ҳар бир одам ким бўлишни истаса — ўшанга эришади. Йўллар кўп, лекин кўнгил улардан фақат биттасинигина тилайди. Хўш, сен ким бўлмоқчисан?

— Ҳозир билмайман. Ҳозир, шу дақиқада билмайман...

— Армен сендек пайтида пьеса ёзган,— бирдан бақира бошлади Агуи.— Драматург бўламан!— деганди ўшанда. Бўлдими? Бўлди!

— Бирор нарсани ёддан айтиб бер, айтоласанми?

— Ҳали шунақами? Демак, ёддан айтиб беришимни хоҳларкансан-да?

— Битта — сен, битта — мен, битта — сен, битта мен. Ким ўзарга айтамиз.

— Жуда соз. Авелукни ўзим билан олиб кетишим кераклигини эслатиб қўясан. Хўш, қулоғим сенда, ўртоқ Серо.

— Менга ўртоқ Серо дема.

— Демайман.

— Ованес Туманян. «Ёвузликнинг тугаши». Агар янглишиб кетсам, орага гап қўшма, ўзим эсимга тушираман.

— «Ёвузликнинг тугаши»ни, Ованес Туманян ёзганми ё Газарос Аганянми?

— Гап қўшма. Ованес Туманян. «Ёвузликнинг тугаши».

Мангуликдек мағрур тоғ —

Остида кўм-кўк ўтлоқ

Узра ўсар сервиқор,

Сершоҳ, кекса бир чинор.

Какку қуриб ошиён,

Очмиш бунда полапон.

Қувнаб-қувнаб бу чоқда,

Алла айтар бутоқда:

Какку, какку, каккужон,

Униб ўсасиз қачон?!

Темир қанот бўлингиз,

Пўлат қанот бўлингиз.

Какку, какку, каккужон.

Униб ўсасиз қачон?!»

— «Остида кўм-кўк ўтлоқ узра ўсар сервиқор, сершоҳ, кекса бир чинор»... Яхши!..

— Сенга, гап қўшма, дедим.

Мангуликдек мағрур тоғ —

Остида кўм-кўк ўтлоқ

Узра ўсар сервиқор,

Сершоҳ, кекса бир чинор.

Какку қуриб ошиён,

Очмиш бунда полапон.  
Қувнаб-қувнаб бу чоқда,  
Алла айтар бутоқда:  
«Какку, какку, каккужон,  
Униб ўсасиз қачон?!  
Темир қанот бўлингиз,  
Пўлат қанот бўлингиз,  
Какку, како, каккужон,  
Униб ўсасиз қачон?!  
Ой-й, вайрон қилманг,  
Ҳой-й, ҳайрон қилманг!

— Вой, тулки нима бўлди, ахир унда тулки тўғри-сидаям айтилган-ку... Ҳадеб гап қўшавериб, мана, янглиштириб юбординг мени!

Агун яна овозини чиқармай кулган эди, бола адоват билан деди:

— Нима, сенинг ўзинг мендан яхшироқ ўқийсанми?

— Мен умуман ўқишни билмайман. Менинг ишим — кўппакка ёвғон тайёрлаш, мана, тайёрлаяпман ҳам.

— Бўлмаса, нега куляпсан?

— Нега куляпман? Кулгим келгани учун куляпман-да.

Ушанда қизлари мактабни битираётган йили эди, ҳеч нарсадан ҳеч нарса йўқ, ўзининг тарих ўқитувчиси — кироваканлик йигит билан Овитдан қочиб кетди. Улар номигагина хафа бўлишди бундан, — лекин куда-андачилик қилиб, никоҳ узугини алмаштиришганда ҳар қалай яхши бўлармиди. Йўқ, ҳаммаси жойида эди. Йигитнинг Криваканда уйи бўлиб, ўзи ҳам юлдузни бенарвон урадиганлар хилидан экан: хотинини мактабга пионервожатий қилиб ишга киритиб қўйди, яна уни пединститутнинг сиртқи бўлимига жойлаштирди. Фақат битта ёмон томони шу эдики, қариндош-уруғ деган нарсани тан олмасди улар. Ҳа энди, қайси қиз ота-онасининг бошига ёстиқ бўлган эканки, у бўлади, ўзларидан тиниб-тинчишса шунисигаям хурсандмиз — ташвиш камроқ бўлади. Уша кезларда, ўзларига нажот деб билиб, Арменакнинг келишини кўзлари тўрт бўлиб кутишаётганда Сибирдан хат келиб қолди. Кейин, ўлик чиққандек, уйни даҳшатли сукунат босганди. Газеталар эса бирин-кетин Арменакнинг номию очеркларини олиб келарди, кузакда, газеталар Арменни мақтаб ёзишди — энди Армен уларга тегишли эмасди. Одамлар Арменакни Ереван — Тбилиси поезди ресторанида кўри-

шар, бу ерда, уйда эса сукунат ҳукмрон эди. Тузланган егуликлар ғамлашни ҳам, овқат пиширишнинг ҳам ҳожати йўқ эди, Адамнинг неваралари олмани паққос туширишди, асал қўйилиб, шакар боғлади, уни эритишди, кейин у яна қотиб қолди, то Симон сотишгами ё ошна-оғайнисига совғагами, ҳар қалай ёғ билан Кироваканга олиб кетгунга қадар бу ҳол бир неча марта қайтарилди.— Туғаман, Симон,— деди у. Кейин Агун қанд билан ёғ харид қилгани магазинга чиққанда Варданнинг ўғли Арто унинг бошидан оёғигача кузатиб:— Бу ерда кимдир тарвуз уруғини ютиб юборибди,— деди-да, читларга, ўйинчоқларга, кейин Агунга ва яна читларга қаради. Магазинда турганлар кулиб юборишиб, Агунга назарларини тикишди.— Симон, барибир туғаман, нима дейишса дейишаверишсин, туғаман.— Туғавер,— Симон ҳақоратомуз гапириб, розилик билдирди.

— Шунинг учун куляпманки, итга овқат тайёрлашим керакми, мен уни тайёрлаяпман, лекин сен ёдлайдиган шеърингни ёд олмаяпсан.

— Бўпти-э, итингга овқат тайёрласанг, тайёрлай-вер, менинг устимдан кулиб нима қиласан.

— Ҳали шунақами?

— Бўлмаса, ўзинг ёддан ўқий оласанми?

— Мен саводсиз хотинман.

— Саводсизмисан, унда бошқалар устидан кулма.

— Уф, ҳаммаларингни ер ютсин, дўзахга гирифтор бўлларинг, ахир ҳозир бу ерда ким саводсиз?!— Шундай деб у қулоғи остига тушиб турган соч толаларини худди қизлардек тўғрилаб қўйди:— Ованес Туманян. «Тмуқ қалъасининг қўлга киритилиши».

— Вах-вах-вах!

— Қулоқ солсанг-чи!

Одамлар-у, одамлар,  
Эшитмадим деманглар,

— Биз бунақани ўтмаганмиз.

— Менам ўтмаганман.

Ўтмиш кунларга доир,  
Эртак сўйлайди шоир.

— Учунчи синфда ахир шуни ўтадимми?

— Мени эса ҳеч қанақанги синфлик маълумотим йўқ.

Меҳмонмиз ерда ҳар чоқ,  
Фақат, бир меҳмон.  
Кетмоқ бор, йўқдир бироқ  
Қайтмоққа имкон.  
Ўлим доим илҳақдир.  
Шу инсон ҳоли.  
Кутар ўзгача тақдир  
Лекин аъмоли.

- Аъмол? Нима дегани бу?  
— Аъмол — иш дегани.

Подшоҳ Нодир беадад  
Қўшин айлар бут.  
Тмук сари олар ҳад  
Мисоли булут...

«Қалай, Татул баҳодир,  
Қўрқма, ўлимдан.  
Чиққил, не берса тақдир  
Олгил қўлидан!»

«Князь дер: Эй, манглайи шўр,  
Бу — қандай гурур?  
Булут қанча урсин зўр,  
Тоғ мангу масрур!

Татул черик чорлади,  
Бонг урди жаранг.  
Шамшир совуқ порлади,  
Бошланди зўр жанг.

Эрон-у, Турон ҳозир,  
Ерни қуршар дуд.  
Татул зарбидан тўзир  
Фаним худ булут.

— Лашкарбоши отанг етиб келди. У билан биргаликда юз йил яшайсизлар.

— Давоми қанақа? Жудаям узун шеър, ҳаммасини айтиб ўтиришга вақт етишмайди. Ишқилиб авелукни эсдан чиқармасам бўлгани...

Алмашар кеча-кундуз,  
Йилни қувиб йил ўтар.

Дераза ёнида бир қиз  
Бўшлиқларга кўз тутар.

Йиғидан кўтармас бош,  
Измин ғам олмиш қўлга.  
Юзларидан оққан ёш  
Бир кун айланди қўлга.

Энди боқолмас йўлга...<sup>1</sup>  
Қалъа ҳам кўмилди бот.  
Одамлар аччиқ қўлга  
«Парвона» деб қўйди от\*

Агун чордоққа чиқа туриб, этак томонга қаради. Симон, худди ака-укаларидек, оёқларини майиштириб ташлаб, отни нок дарахти ёнида етаклаб келаётганди. Эридан аччиқланишга энди Агуннинг мадори қолмаганди. Назарида, дунё ғам-ғуссага тўлгандек туюлди. Чириган, барглари тўкилиб кетган, фақат пайванд шохигина кўм-кўклигича турган нок ҳам, гавдаси қандайдир кичик тортган Симон ҳам, сағри ялтирамай, туссиз кўринувчи отлари ҳам, аллақачонлар қоқ иккига ажралиб кетиши керак бўлган, лекин нимагадир ҳанузгача ажрамаётган қоятош ҳам,— буларнинг ҳаммаси беҳад ҳазин, қайғули кўринди унга.

«Қу-қу-қу-у...»

Яқиндагина, вой, худойим-ей, қанча вақт ўта қолибди шунга, яқиндагина бола эдик, кейин бўй етдик, қайлиққа айландик — қўмсайвериб, қўмсайвериб кутдик — нимани кутдик? Қандайдир эзгуликни кутдик ва бунақанги интизорликдан юрагимиз тарс ёрилар даражага келди — нимага? Хўроз дераза тагида туриб қичқирса: меҳмон келади, дейишарди. Бора-бора кўнглимиз совиди, юрагимиз қаттиқ ва хавотир билан урмай қўйди. Уф, меҳмон келиши керак эди, уни кутардик, орзиқиб кутардик уни, ниҳоят у келди ҳам — эшакка минганча, анор кўтариб, яғир оёқли савдогар келди. Кейин уруш бошланди, плуг орқасидан юриб, кўз ёши тўкар, хирмонда ғалла янчар, ҳўкизларни тақалар, қўшиқ айтиб йиғлардигу яна қўмсаб кутардик — нимани қўмсаб кутардик? Пировардида юраклар сўйилган товукдек типирчилаб, типирчилаб, тинчиб қолди. Эҳ, ям-яшил қабристондаги мрамар тошлар остида пинакка кетганларга қандай яхши-я.

\* Ованес Туманян, «Парвона».

Топтоқ майсалар узра  
Ялтирар муздек жилга...

— У ёғи-чи? Давомини унутибман. Ҳар қалай яна  
бир эслаб кўрай-чи:

Ёйилади ҳар ёққа,  
Жон бағишлар ўтлоққа...

— Мана шу шеър учун беш олгандим-да, лекин да-  
вомини эссолмаяпман — нимадан бу?

Бола алланарса деган эди, Агун унга жавоб қайтар-  
май, авелукни кўлида кўтарганча, винапояга ўтириб  
олди-да, бошини чайқай-чайқай:

— Бормайман, йўқ, бормайман,— деди.

Дунёдаги ҳамма нарса — ҳамма нарса бошдан-оёқ  
яна ҳазин тус олганди. Кимда-ким абадий жудодилка  
учраб, йўқотган кишисини қўмсаса-ю, бироқ ўз ёнига  
уни чорлай олмаса, уни ҳам ҳеч ким ёнига чорламаса,  
шу билан бирга у нафратдан ижирғанмай, нафрат ҳам  
туғдира олмай юрса — ана шунақаларга хўп яхши-да.

Йўл узун, манзил бироқ,  
Йўловчи ҳорғин, чанқоқ,  
Тўйиб сув ичгани чоқ,  
Тарк этди жисмин чарчоқ...\*

Қўшиқ айтиши учун битта ўғиллари хушовоз туғи-  
лишини иташганди,— бу ҳам рўёбга чиқмади. Кўп нар-  
сани тилашмаганди шекилли.

— Отамнинг сизилиб кетиши — бу, унинг ичидан қи-  
ринди ўтишини билдирмайдами, ахир?

— Нима, нима?

— Сизилиб кетиш, деяпман, бу...

Симон тўнкага ўтириб, этигини еча бошлади.

— Нима?— Симон болага ўгирилиб қаради.

— Сизилиш — ичидан сизилиш эмасми?

— Бўлиши мумкин.

— Симон!

— Нима дейсан, ахчи?

— Симон, шоирлар нега барвақт ўлиб кетишади, а?

— Эрта ўлиб кетишади, дейсанми?

— Ҳа-да, айтишларича, уларнинг юрагида нимадир  
ёрилиб кетармиш.

\* О. Туманян, «Чашма».

— То ўлгунларига қадар яшаган умрлари ҳам етарли уларга.

— Хўп гапирасан-да, оғзингни бир чеккасидан чиқариб.

— Нима дейишим керак яна сенга — барвақт ўлиб кетиб, яхши қилишади, дейишим керакми?

— Доносан, жудаям доносан!

— Нима хоҳлайсан ўзи мендан, ахчи?

— Нимага кеч қолдинг?

— Яёв келдим.

— Овитдан-а? Яёв-а?

Симон унга қараб қўйди-ю, индамади.

— Бундан баттар бўл... Сенга, отни миниб кет, деганимда нега қулоқ солмагандинг? Қўнгиллари машинада, шофёрнинг ёнида кетишни тилаганди-да!

Симон иккинчи пой этигини ечиб, қўнж устига қўйган оёқлари панжасини қимирлата бошлади.

— Кечикаётганимни билардинг-ку, нега тезроқ боришим керак, деб ўйламадинг? Холамнинг дафн маросимига сен туфайли кечга қолиб, боролмаганимиз ёсингдами? Эсингдами шу?

— У ёқдан келаётганимдаям машина бўлади, деб ўйловдим-да.

— Ҳа-а, сен ўйловдинг, шунинг учун...

— У ёққа машина топилганига, қайтишимга ҳам топилади, деб ўйлагандим, сен эсанг машина бўлмаслигини билар экансан, нимага шуни менга илгарироқ айтмадинг?

— Ахир айтдим-ку сенга — отда кетгин деб.

— Отда кетишимни айтганингни-ку биламан, лекин нимага машина бўлмаслигини айтмадинг?

— Уйингни бундоқ тузукроқ жойга қурганинга ҳам майлийди.. нима, бу ерда, қоятош остида ўтириб олиб, Овитдан машина бўладими, йўқми, деб фол очишим керакмиди?

— Бўлиш-бўлмаслигини менам қаёқдан биламан бўлмасам?

— Миянгни ишлатгин-да.

— Йўқ-да. Худди шу мия деган нарса йўқ-да.

— Шунинг учунам шу аҳволга тушиб ўтирибсан.

— Яна бошланди! — бақириб юборди бола.

— Сен ҳали гўдаксан, ҳеч балога тушунмайсан, ўчир овозингни.

Кичик ўғлининг ҳовлисида кўринган кампир, гоҳ



шангиллаб, гоҳ нафаси ичига тушиб, гўлдирай бошлади:

— Жонидан тўйдирди, ахири жонидан тўйдирди болагинамни... Бошга битган қанақа бало экан бу... Бир кунмас бир кун бошига етади унинг... Ахчи, нима қасдинг бор ўзи унда, ўз ҳолига қўйсанг-чи уни?..

— Қўлларингни силкитаверма у ёқда туриб олиб, барибир қўрқита олмайсан... аскиябозлар, бир-бирларингдан баттарсанлар ҳаммаларинг.

— Ереванга боргим келяпти, ўзинг билан олиб кет меням.

— Мана сенга!— Агун бош бармоғини икки бармоғи орасидан чиқариб, худди эркаклардек қўполлик билан боланинг бурни тагига тикди, бу қилиғи ҳаммасидан ҳам ўтиб тушганди — Симоннинг чакка томирлари гупиллаб уриб, боши лўқиллаб оғрий бошлади. Симон ўрнидан туриб, этигини тарақлатиб ерга урди, болтани боғга ирғитиб юборди, кейин тупурганча уйга кириб кетди.

Агун қандайдир ёмон иш қилиб қўйганини фаҳмлагандек, атиги бир лаҳзагина — бир лаҳзагина гангиб қолди, бироқ бўш келмасликка аҳд қилди.

— Бунақанги ишларни сизларга чиқарган,— деди у тарақлаб ёпилган эшик томонга қараганча.— Ҳаммасини синдиришлар, бузиншлар, уйда коса-товоқ синмаганига ҳам анча пайт бўлганди...— Бўпти, бунга ўзимни хуноб қилиб, вақтимни кетказишимнинг ҳожати йўқ, ҳали авелукни жойлаштиришим керак, кейин отни эгарласам ҳам бўлаверади — Симон бир уятга қолсин. Катак-катак шол рўмол эсимдан чиқмасин-да, ишқилиб. Қўлимда иккита беш сўмлик, битта ўн сўмлигу бир сўмлик бўлса, етади.— Серо,— хаёлчанлик билан сўради у,— иккита беш сўмлик, битта ўн сўмлигу яна битта бир сўмлик — ҳаммаси қанча бўлади?

Бироқ унинг ёнида Серо йўқ эди. У молхонага кириб олиб йиғлаётганди. Серо онаси ёнига келганда тўсинга ёпишиб олди, Агун уни ўзига тортиб, бағрига босмоқчи бўлган эди, узала тушиб ётганича, оёқлари билан ерни ура бошлади. Агун:

— Оталарингни ёнини олаверларинг шунақанги золимлардан,— деди-ю, кўзи жиққа ёшга тўлиб, жингибийрони чиқиб, ўзининг тугунлари ёнига қайтиб кетди.

— Хўш, демак, бундоқ, бир сўмлик — шофёрга, поезд билети уч сўм етмиш тийин — уч сўм кам бунга, беш

сўм — кўп, йўқ, ҳаммасини олдиндан пишитиб олиш керак шошиб қолмаслик учун, хуллас, беш сўмликни бузмайман, шофёрдан ярим сўм қайтариб олишим керак ахир,— машина билети эллик тийин туради-ку, энди шофёрнинг қайтимини уч сўмга қўшсак — мана, поезд билетининг пули чиқди-қўйди. Йўқ, янглишяпман шекилли.— Серо... поезд билети эски пулга ўттиз етти ярим сўмиди. Эски ўн сўмлик эндиликда бир сўм. Ҳозир билет қанча туради?— Отам Ишхон билан ўгай онам уришиб-сўкишиб, яна бирга ўтириб овқатланаверишарди. Булар бўлса тегманозик, керагидан ортиқроқ гапирворсанг ҳам томоқларидан овқат ўтмай қолади. Э-э, нимани билишарди булар, на уришиб-жанжаллашини, на одамларга ўхшаб нон ейишни — ҳеч вақони билишмайди.— Серо, сенга гапиряпман, эшитяпсанми? Шу қилганингга қараб тур, Ереванга борганимдан кейин бутунлай қайтиб келмайман бу ерга.

— Келмасанг келма.

— Келмайман, Арменникида қоламан.

— Қолавер.

— Бир пайтлар Арменак ҳам шунақа деганди, энди эса, сават-саватлаб, қоп-қоплаб озиқ-овқат бориб тургандан кейин, буларнинг бари ёғдек ёқаяпти унга шекилли, хурсанд. Ҳа майли, ҳозир жанжаллашганининг вақти эмас, ўрнингдан тур, турақол энди.

— Буйруқ берганинг ортиқча яна!

— Гатадан берсам, ярашасанми мен билан?

— Гатанг бошингда қолсин, ўзинг еявер уни.

— Ўрнингдан тур, деяпман сенга!

Ит яна вовуллади, шу заҳотиёқ унга Адамнинг ити жўр бўлди, кампир тагин кичик ўғлининг ҳовлисини бошига кўтариб, жаврашга тушди.

Агун кампир томонга қараб, кўнглидан, унга жавоб бермай қаҳрамонлик қиляпман, деб ўтказди. Нимага жавоб бермаётганлиги сабабига келсак, Агуннинг ўз уй-жойи бор, кечиктириб бўлмайдиган юмушлари кўп, шунинг учун жавоб қайтариб ўтиришга унинг ҳозир ҳечам вақти йўқ.

— Мана шунақа,— ширинсуханлик билан деди Агун, ўғлининг елкасини силаб,— буving чаппасига ўзгарди-қолди. Армен беланчагидан ағдарилиб тушиб, афтини қоп-қора қонга бўяганда, шундоққина унинг ёнгинасида турсаям, ўзини карликка солиб, унинг бўғилиб йиғлаётганини эшитмаганди, энди ям карлиги бежиз эмас — қаерда кимга нима деяётган бўлсам, ўша

ёққа қулоғини динг қилиб, ҳаммасини эшитиб туради. Поездга билет эски пул билан ўттиз етти ярим сўм бўларди, ҳисоблаб кўр-чи, янги пулда қанча экан. Аканг ҳам арифметикадан оқсагани оқсаган эди. Отангга кириб айт, овқат тайёр бўлибди, дегин.

Агун тайёрлаган овқатлар анчадан бери Симонга ёқмай қолган. Картошка солиб шўрва пиширса,— намаги кўп, дастурхонга тухум келтириб қўйса — қотириб юборибсан, дейди, дамлаган ошига — пешонасини тириштиради, чўчқанинг калласини кўрганда — яхшилаб кўйдирмабсан, дейди, тухум қўймақни яхши кўрардинг-а, деса, асал олиб кел, асалга қўшиб ёмоқчиман, дейди, бугун картошкани сувга солиб пишира қолгандим,— деса, эзилиб кетганини қара бунинг... бошқалар пўчоғини артиб, туз солиб пиширади, дейди. Бошқалар, дегани ким ўзи? Қилган мацунингни қара, бошқалар сутга қаймоқ қўшиб қатиқ ивйтишади. Ким ўзи, ким бу — бошқалар?! Сувли стаканни ликопчага қўйиб бер, дастурхонга овқат олиб келганингда тарелка тагига кичикроқ дастурхонча сол, нонни пичоқ билан кес. оғзим қуруқшаб кетяпти, олмами, нокми борми, одамлар гўштни гўшт қиймалагичдан ўтказиб, котлет пиширишади... Ким, ахир ким шунақа қилар экан?! Ким бўларди — тасқара Сона-да. Агун май ойида тоққа кетиб, бўрилар билан, дўлу ёмғир билан олишиб юрганида — июнда ўша тасқара Симонга эга чиқиб қолди. Июнь, июль, август, сентябрь. Бир ойни эмас, бутун ёз фаслини асал ойи қилиб ўтказишди улар. Тухумни қайнатавериб, қотириб юборибсан, паловинг ўхшамабди, мацунинг нимага қаймоқсиз ивитилган,— уф, асалинг билан, қуймоғинг билан ҳаммаларинг қўшмозор бўлларинг, энди менга деса қуймоғингни асал билан еяверларинг!

«Марҳамат қилсинлар, меҳнатлари кўп сингган... котлетлар дастурхонда сизга мунтазир...»

Кеча кечқурун юклар билан уймалашиб, овқатланишга қўли тегмаганди. Агун бирпас ўйланиб турди-да, қинғир-қийшиқ бўлиб пишган гатани иккига бўлди, ярмини Симоннинг, иккинчи бўлагини Серонинг тарелкаси ёнига қўйди. Агуннинг уларга бунчалик меҳрибончилик қилаётганининг боиси — у кетаётганди, устига-устак кечикаётганди,— яна у ҳақ эди, шунинг учун ҳам улардан илтимос қилмай, буюраётганди:

— Тезроқ бўлинглар, кетишим керак.

— Раҳминг келсин, Агуник, менга ачинмайсанми ахир?

— Ифлос пайпоқ билан молхонадан тўппа-тўғри уйга кириб, гиламни босганда менга ачиниш хаёлинга келмайди. Уйни ким тозаласа — ачиниш тўғрисида ўша ўйлайверсин-да.

Симон гиламга, ўзининг оёқларига кўз ташлади — яна Агун ҳақ бўлиб чиққанди: Симон муҳим ва чиннакам ҳақиқат ўзи, арзимас, бироқ кўриниб турган ҳақиқат Агун томондалигидан ўзини кўярга жой тополмай қолди. Ҳамиша, ҳамиша шунақа бўларди.

— Кечирим сўрайман, — деди Симон, — кечир.

— Серо!

— Ереванга бораман сен билан.

— Ҳеч қанақанги Ереванга бормайсан, овқатингни тезроқ ич. Нон тўғраб ич.

— Нон тўғраб ичгим келмаяпти.

Агуннинг ўзи нонни тўғраб, унинг идишига солиб берди:

— Олдин овқатни ич! Кейин гатани ейсан. Эржон, кассада қанча олдинг, қанча пул қолди яна у ёқда?

— Кассада пул йўқ экан, борини ҳаммасини олдим.

— Қанча?

— Етти юз.

— Яъни, етти мингми?

— Етти минг.

— Қанча олиш керагиди?

— Ўн минг, дегандинг.

— Нима, кассада бошқа бир тийин ҳам йўқ эканми?

— Борини ҳаммасини менга беришди.

— Бутун бошли банкда пул йўқ эканми?

— Бутун бошли банкда пул йўқми — деганинг нимаси?

— Бу шуки, оқиб турган сувнинг олдига сен борсанг, уям қуриб қолади, деганим бўлади.

Симон бир неча лаҳза бақрайганча ўтирди, кейин ўғлига юзланди:

— Овқатингни тезроқ е.

Серо овқатини ея бошлади, бироқ Симоннинг ўзи ея олмади, егиси келмаётганди унинг, томоғидан луқма ўтмай қўйганди. Нафас олиши қийинлашиб, бўғилиб кетаётганди у... Арменак Серодай пайти эди, ота-ўғил жиддий гаплашишди. Ушанда Симон ўт ўраётган, Арме-

нак эса сув ташиб, пичанларни йиғиштириб, хуллас, қўлидан келганча отасига ёрдамлашаётганди.. Бирдан Симоннинг оғзидан бехос бир гап чиқиб кетди, боиси жони ҳалқумига келганди унинг: «Армен,— деганди у,— энди катта бола бўлиб қолдинг, жудаям ночор аҳволдалигимни ўзинг кўриб, билиб турибсан, онангнинг жавобини бериб юбормоқчиман, шунга нима дейсан?» Армен, тўғри қиласан, деди. Кейин, йўқ, нотўғри, деди. Бир оздан сўнг сув олиб келди-да, яна, тўғри қиласан, деди. Кейин: «Бизсиз у қандай яшайди, унга ачинмайсанми?»— деб сўради. Ўша куни улар уйга жуда кеч, қоронғи тушганда кириб келишди, аксига олиб — Агун мулойим тортиб, юмшаб, яна дастурхонга жўжадан тортиб, ловияю, асалу чойгача қўйиб, уларни кутиб ўтирган экан. Ҳамма аёллар ҳам шунақа, ҳамма оналар ҳам шунақа... Агун уларни катта тоғорага тушириб, икковиниям ювинтириб, ўринга ётқизди, устларини яхшилаб ёпиб қўйди, лампа-чироқни пасайтирди, ўзи бўлса ухламай яна алламаҳалгача кир ювди. Эртаси куни Симон Арменак уйқудан кўз очолмай гингшиётганига қарамай, уни ўзи билан тагин далага олиб кетди. Ахир уни онаси билан ёлғиз қолдира олмасди-да, гапдан гап чиқиб, бола кечаги гапларни оғзидан гуллаб қўйиши мумкин эди.

— Банкда қанча пул бўлса — ҳаммасини олдим,— деди Симон.— Овқатни тинчроқ едир.

— Яна,— деди унга жавобан Агун,— яна товуқ ҳам ерсан. Ўзим билан қанча олиб кетишим керагиди, қанча стишмайди унга?

— Уч юз.

— Уч мингми?

— Уч мишг.

— Сакога берган қарзингни сўраб ололмайсанми?

— Сако ҳозир тоғда, кейин у мenden бор-йўғи олтиш сўм қарздор.

— Олти юзми?

— Олти юз.

«Еттию уч»,— Агун ичида ҳисоблаб кўрди.

— Сако тоғда бўлса, Лусик уйда-ку. Олти юз бўлмаса, уч юз топилар, қолганини кейин бераверар.

— У уч юз сўм топиб бергандаям, барибир етти юз ўттиз сўм бўлади, арзимаган пул учун одамларни бесарамажон қилишнинг ҳожати йўқ.

«Еттию уч»,— яна ҳисоблаб кўрди Агун.

— Қанақасига етти юз ўттиз бўлар экан, нима, мен сенингча саводсизманми, нима қиласан мени геллаб?

— Қим сени геллаяпти?

— Еттига учни қўшса — ўн чиқади-ку.

— Сако биздан олтмиш сўм қарздор, олтмишнинг ярми ўттиз бўлади, мен банкдан етти юз сўм олиб келдим, етти юзга ўттизни қўшса — етти юз ўттиз чиқади.

— Серо, ҳозир сенга қоғоз-қалам келтираман, ўзинг бир ҳисоблаб бер-чи менга.

Симон қошиғини ҳавода муаллақ тутганча қотиб қолди.

— Ҳозир товуқни тортаман,— деди Агун.— Ҳисоб-китобга бутунлай йўқлигимни биласан-ку, ўзинг.

— Эскию янги пулни чалкаштиряпсан,— деди Симон.

— Нима бўлсаям, қарзни сўрашга яхшигина баҳона топилганди-да.

— Ҳозир қўлларида пуллари йўқ уларнинг, қўйни сотишгандан кейин қарзларини узишади биздан.

— Қўйларимизнинг юнги олинмай қолиб кетди.

— Бугун оламан.

— Бор, ана,— деди яна Агун,— у қўйларини Қироваканга олиб бориб сотди ҳам дейлик, ўша пулларнинг ҳаммасини уйга қайтариб олиб келади, деб ўйлайсанми? Ўзинг олиб келармидинг?

— Қизиқ, нимага олиб келмас экан?

— Чунки, азизим Симон, бу пулларга у ўзига озроқ фаҳм-фаросат, чит, яна ботинка сотиб олади.

— Бу гапинг билан ҳам ҳақсан,— деди Симон.

— Ундан кейин, биз яна қарзимизни ундира олмай қолаверамиз. Хўш, ўшанда нима қиламиз?

— Билмадим. Ҳозир уларнинг қўлида пул йўқ.

— Уф! Олдига борсанг оқаётган сув ҳам қурийди сенга.

Бола бошини кўтарди,— отаси қошиқни кўтарганча қотиб қолганди — ҳозир у тарелкасини жаҳл билан суриб, эшикни тарақлатиб ёпиб чиқиб кетади, онаси эса «сенларнинг қўлларингдан келадиган шу», дейди. Бола тарелкасини ерга кўтариб уришга тайёр ҳолда онасига кескин бурилди-да, эшик томонга имо қилди: «Тезроқ чиқиб кет!»

— Бўпти, бошқа гапирмайман энди,— деди Агун ювош тортиб.— Пок, ҳақгўй отангларни ҳамиша шунақа ҳимоя қилаверларинг.— У қўлини кўксига қўйиб, гужанак бўлиб олган эди, кичик тортиб, зиғирдай бў-

либ қолди, кўнгли вайрон, итоатгўй, ювош қулга айланди. Гата ёпди, товуқни тозалаб пиширди, сутни граммлаб тежаб, қўй пишлогини тайёрлади, мана булар ширин нон есин деб, ростми-ёлғонми гапириб, таллашиб-тортишиб, ҳар қалай магазиндан олий нав олиб келди, хўш, ким шунинг учун унга раҳмат деди, ким ундан: «Агун, ўзинг ҳам бирор нарса едингми?»— деб ҳол сўради? Олти юз, уч юз, тўрт юз, ўн, беш, йигирма, йигирма беш сўм — эрининг ҳамма пулларини қарздорлардан у йиғиштириб юрса, лекин биров раҳмат дедими бунга? Аксинча. «Эрингга кун бермай қўйдинг, жонидан тўйдириб юбординг уни»,— дейишади. Жонидан тўйдириб юбординг? Келиб, менинг ўрнимда бир кун яшаб кўринг, ўшанда кўрамиз қанақанги оҳанг чиқариб қолишингизни. Ўзи етимча, ҳеч кими йўқ, саводсиз, ишбилмас-у, яна ҳали сигирга, ҳали чўчқага қараса, кир ювиб овқат пиширса, итининг қоринни тўйдирса, буям етмагандек, шунча иш орасида тўртта гилам тўқиган бўлса— «Агун, йўлини қийшиқ олибсан». У йиғлаб юборди-да, ўзининг кўз ёшлари билан ановиларнинг иштаҳасини бўғмаслик учун,— ахир улар жудаям сезгир-ку,— орқасига ўгирилиб, яна ғужанак бўлиб, кўзга деярли ташланмайдиган ҳолга келиб, хонадан чиқиб кетди. Лекин ўзининг меҳнатсевар ишбилармонлари тўйиб овқатланиб, мамнун бўлишлари учун дастурхонга товуқ келтириб қўйди. Кейин, худди дастурхон тузаш-у, бўшаган идиш-товоқларни йиғиштириб олишга ўрганган хизматкордек, қулдек яна ташқарига чиқиб кетди.

— У сенинг онанг бўлади,— деди Симон ўғлига.— иккинчи у билан бунақанги гаплашма.

— Сенга эса хотин у, бирпас уришмасдан туролмайсизлар.

— У тўғри гапирганди.

— Тўғри, тўғри, фақат уришишни биласизлар.

— Овқатингни е. Кейин унинг айтганини қил, у ҳамша тўғри гапиради.

— Овитга отда кетганингда-ку, олам гулистониди, бунақанги жиғибийрон бўлмасди у.

— Келаётганимдаям машина учрайди, дарров қайта қоламан, деб ўйлагандим.

— Оёғини емайман.

— Оқ гўштини ейсанми?

— Керак эмас, тишимга кириб қолади.

— Чайнамасдан ют.

— Хо-хо-хо-хо...— ким эди ану — тўйиб тут еб олиб, яна устидан бодринг еганда қорни шишиб кетган.

— Врaцoнц Aвaк.

— Ританинг бувасими?

— Ҳа... Ританинг буваси.

— Қанча тут еганди ўшанди?

— Бир пуд. Бир пуд кетадиган челақдаги тугни еганди.

— Кейин нима бўлганди?

— Овқат маҳалида гапирилмайди бунақанги нарсалар.

— Мени Ереванга жўнатиб юборсанг-чи.

— Январда, каникулга чиққанигда олиб бораман.

— Бутунлай кетгим келяпти.

— Еттинчи синфни битказ — ўшандан кейин.

— Унда шундоғам ўзим кетавераман. Мен ҳозир кетишни хоҳлаялман.

— Шунақа дегин, ўзим кетавераман, дегин? Демак, бизни ёлғиз ўзимизни ташлаб кетаркансан-да? Сенсиз бу ерда қандай яшаймиз?

— Билмадим, бунинг менга алоқаси йўқ.

— Қимга алоқаси бор?

— Армен-чи, уни нимага жўнатгандинглар бўлма-сам?

— Уқишини тугатганидан кейин қайтиб келади, деб ўйлагандик, у қайтиб келмади.

— Биз Армен билан биргаликда шаҳарда, сизлар эса — бу ерда яшайверасизлар. Мен сизларнинг олдингизга келиб тураман. Ҳар замонда, албатта.

— Бўпти. Олдин еттинчини битир-чи, кейин кўрамиз у ёғини.

Ҳориб-чарчаб, қулоғи том битиб, Симон даладан қайтиб келганида уйда чироқ ёниб турар, боғдаги ариқда сув жилдираб оқар, печкадаги чўғлар милтираб кўринарди-ю, бироқ уй кимсасиздек жимжит эди... «Тагин қизи билан уришганга ўхшайди». Симон йўталиб қўйиб, уйга кирди; қизи ҳамишангидек ўзи жудаям яхши кўрадиган — талабларга биноан берилувчи концертни эшитмаётганди, ҳамишангидек китоб мутолаасига берилганча, стол ёнида ҳам ўтирмаганди. Агуннинг бир ўзи қизининг сепи солинган сандиқ олдида мукка тушганча йиғлаб ўтирарди.— Нима гап, яна уришдиларингми?— Қизимиз Қироваканга қочиб кетибди, Симон.— Имтиҳони-чи?— Беш олибди-да, ўқитувчиси билан қочиб



кетибди.— Симон катга ўтириб, кута бошлади. Бироқ ҳеч қандай воқеа — жанжал-сурон юз бермади. Хонада чироқ ёниб, деворда гилам осиглиқ турар, ҳовлидаги човгунда чой биқирлаб қайнар, қизининг дераза тагчасига тахлаб қўйилган бир даста китоби кўзга ташланар, сандиқ ёнида ўтирган Агун эса пиқиллаганча, бурнини тортарди.— Йигит қанақа?— сўради Симон.— Сал-пал эсли-хушли йигитларданми ё қаланғи-қасанғиларданми?— Тарих ўқитувчиси экан,— ҳўнграб йиғлаб юборди Агун.— Бўпти, йиғлаганингдан фойда йўқ энди.— Кеча уришганимизда, «уйга бошқа қайтиб келмайман», деганди, ўшанда, хаҳ тилгинам қарғаларга ем бўлмай-дими, таггинаси билан узилиб тушмайдими, а, «Менам шуни хоҳлайман», деворгандим,— деди Агун қизининг портрети қаршисида чайқалганча. Симон «уф» тортиб катга чўзилар экан, мутакка тирсагини тираб, бўғиқ ва хаста овозда деди:— Арменак келсин, бирор чорасини топармиз,— кейин шу ҳолича — ечинмаган кўйи катда ухлаб қолди, эрталаб уйғонганда эса, қизининг ўрни уни ғам-ғуссага солиб, ҳали ҳам бўм-бўш турарди. Армен ўша ёзи таътилга келмай, Сибирдан ўзининг ҳазил-хузил гапларини ёзиб юбориб турди: «Гонорар тўланмаса энди бир қатор ҳам ёзолмаяпман, шунинг учун сизларга ҳам ҳар замонда хат ёзаяпман». Газеталарда, ўртамиёна бўлса-да, мақолалари бирин-кетин босила бошлади, ўша йили кузда уни шу мақолалари учун мақташди. Ноябрь ойида беш кунга бориб келаман, деб хат ёзиб юборганди, бироқ ундаям келмади — ноябрда у Болгариядами, Чехословакиядами туриб, мақолаларини телефонда айтиб, ёздираётгани ҳақида хабар етиб келди. Ушанда Агун ўттиз етти, Симон қирқ саккиз ёшда эди. Симон ўн саккизга,— балки йигирмагадир,— кирган, Адам эса аллақачон уйланган кезде укаси Акоп туғилганди. Дарвоқе, нимаси уят бунинг? Аскиябозлар бир оз аския қилишар, лекин эс-хушли одамлар нақ бойўғлига ўхшаб якка-ёлғиз яшаш қийинлигини тушунишади-ку. Кейин, умуман, бола қаёқдаги аскиябозлару донолар учун эмас, ўзимизга керак-ку. Фақат Арменнинг олдида бир оз ноқулайда,— уни Тибилиси — Ереван поездида, кўпгина йигит-қизлар қуршовида, яна йигитлар ана шу қизларни бўйинларидан қучоқлашаётганда кўришган экан,— аммо лекин, агар Арменнинг зиғирча фаҳм-фаросати бўлса, ота-онасининг аҳволига тушунади.— Туғавер,— деди Симон,— сен энди ўттиз еттига, мен қирқ саккизга кирдим.— Симо-о-н,— деб қичқирди Фило,— ширинко-

мага қарздорсан, ширинко-ма-га!..— Үроқчилар, яна бит-та журналист туғилибди, ўйнаб берасан, деб Симонни қол-жонига қўймай, оёқ тираб туриб олишди. Сийрак соч, чаккалари ундек оқариб кетган Симон қўлини кўтариб, турган жойида бир-икки айланди-да, хижолат аралаш жилмайди:— Айта, ноқулай бўляпти, қўйинглар.— Кейин улар Симонни дала этагига судраб бориб:— Пастдан юқорига қараб ўриб чиқ,— дейишди, ўзлари эса унинг орқа томонида қатор тизилиб олишди. Шундан сўнг, янги туғилган журналистнинг саломатлиги учун мацундан ичиб, асалдан ейишди, Симоннинг ўзини сувга жўнатишди. Бироқ Варданнинг ғилай Артоси, елкангга миндирасан, деб тирғалишга тушди, шунда Мушег Артонинг қўлидан шартта ушлаб, унинг ўзининг елкасига Симонни ўтқаздириб қўйди. Бутун кун шунақанги ҳазилу кулги билан ўтди, кечқурун уйга қайтишаётганда эса Симон ўртоқларига юрагини очди:— Униси майли, биздан воз кечиб кетди, лекин буниси албатта бизники бўлади.— Шаҳарнинг умри узун бўлсин-у,— деди кулмсираганча Мушег,— ҳали ўзинг сезмай қоласан уннг акаси кетидан шаҳарга талпинганини.— Ушанда ойдинсиз тун бўлиб, ўрмон зим-зиё эди,— туртиниб-суртиниб, дарахтларга урилиб, қоқилиб, сўкинишиб боришарди. Ўрмондан чиқиб, қишлоққа қадам қўйишганда, Варданнинг ғилай Артавазди сўқмоқдан бир қадам чеккага чиқди-да, ш-шлаганча, буйруқ берди: «Дивизия, тўхта!— Кейин ҳаммани олдинга ўтказиб юбориб, гамгинлигу қувноқлик билан деди:— Онангни... кўрлар, чўлоқлар, каллар, ичларингда ҳаммаларингдан ёшроғи, афтидан, ўзимман, лекин менга бир назар ташлаларинг, шаҳар аёлларидан биронтасиям бунақанги бадбашарага суқланиб қарамасов». Йўл айрилишига келишганда Симон ҳамроҳларини бир стакандан ароқ ичиб кетишлари учун уйига таклиф қилди. Улар Никал буванинг жарликдаги уйи ёнидан ўтишаётганда, Симон гап қистирди:— Сизларга тўғриси айтяпман, қишлоқни назарда тутиб, яна бола орттирдик.— Ҳеч ким ўз бола-сига ёмонлик тиламайди,— деди унга жавобан Мушег. Симон ҳам бўш келмади:— Нима, киши ўзига ёмонлик тилайдими?— Худди бу дунёдаги ҳамма нарса сизнинг хоҳишингиз билан амалга ошадигандек, нақ болаларга ўхшаб, бўлар-бўлмасни вайсайверар экансизлар-да, ҳаёт ўз оқимида оқаверади,— Симон овоз келган томонга аланглаб қараб, сойни кечиб ўтиш учун саёзроқ жой қидираётган Аршак бувани кўрди. Жойинг жаннатда

бўлсин, Аршак. — Агуникжон, тузукмисан, — овозини пастлатиб, ҳол-аҳвол сўради Симон уйга киргач. — Узинг билан кимларни бошлаб келдинг? — Деди бунга жавобан хотини. — Узимизнинг йигитлар, уларни бир стакандан ароқ ичиб кетишга таклиф қилдим. — Қанақа йигитлар? — Бирга ўт ўришаётган ўзимизнинг йигитлар. — Тентаксан, жудаям тентаксан! — деди Агун жилмайганча, бироқ Симон ўшанда унинг нега бундай деяётганига тушунмади. — Ҳозир улар кетишади, — у шундай деб, бир литрли шишани кўтарганча кичик уйга кириб борди — соқоллари ўсиб кетган, юзларини ажин босган, ялтироқ бош, тепакал, ғилай, чўлтоқ-мўлтоқ, ш-шлаб гапирувчи, тишсиз ёки бир-иккитагина тиши қолган «йигитлар» ўтирган жойларида бир-бирларига суянганча, электр чироқ ёғдусида худди ўликдек ухлашарди, ана шундагина Симон Агуннинг гапига тушуниб етганди.

— Ахчи, шунча юкни қанақа қилиб кўтариб борасан?

— Нима дедилар?

— Шунча нарсани қанақа қилиб олиб кетасан, деяпман.

— Хавотир олмай қўя қол, менинг жоним темирдан.

Симон отни отхона эшиги ёнида эгарлаб, етаклаб келди-да, устунга боғлади:

— Юкларни ортаверамизми?

— Наҳотки ҳалиям уйқуга тўймаган бўлсанг.

— Юк жудаям оғир. Адам!..

— Керакмас!

— Нима керакмас?

— Чақирма уни, иккаламиз уддалаймиз.

— Ҳой, Симон, нима дейсан?

— Арава ясаялсанми?

— Ҳа, энди, қимирлаб турибмиз.

— Бу ёққа кел.

Кичик ўғлининг эшиги тагида турган кампир суюниб қетди.

— Баракалла. Бир-бирларингга ёрдамлашиб, бир-бирларингнинг қўллаб-қувватлаб, маслаҳатлашиб иш қилиб, тинч-тоғувликда яшанглар, — минғирлади кампир.

— Агуник! — Симон катта уйга кириб борганда, Агун кийинаётганди.

— Шу юбкангни кийиб кетасанми?

— Шуни кийиб кетаман.

— Сенга торлик қилмасмизин?

— Сен ўзингнинг ишингнинг бил. Битта отни эгарлаш

учун акангни чақир, укангни чақир, Муродларни ҳам чақириб қўй, эҳтимол, бутун қишлоқ билан биргаликда битта отни эгарлашни уддасидан чиқарсизлар.

— Вайсаганинг вайсаган, оғиз очгани қўймайсан-а.

— Чунки, аканг Адамдан бир оғиз сўзни суғуриб олиш учун йил-ўн икки ою, яна каттароқ омбир керак бўлади. Нима дейсан?

— Хат ёзиб қўя қолайлик, ўзи келиб олиб кетсин юкларини.

— Отанга раҳмат!

— Бўлмаса, мен борай, бир ўзинг қийналиб қоласан.

— Борасан-да, ўша ёқда бир ой ётиб оласан. Келганингдан кейин эса, мана бунақа савол-жавоб бўлади:— Хўш, келин қалай?— Дуруст, келин, ҳа, ўзига яраша бир келин-да.— Армен нима қиляпти?— Нима биландир банд.— Кўйлакликка, шимликка материал сотиб олишинг керак эди, қани у?— Сотиб олишга ҳали вақт бор, улгурамиз.— Бўпти, Симон, агар боргинг келаётган бўлса боравер.

— Ахир, биладан-ку, касалланиб қайтиб келасан.

— Менинг касалим кўз очиб-юмгунча ўтиб кетади, сизлар бу — йиллаб ихраб-сихраб юрадиган.

— Мана, олиб қўй. Қаёққа беркитасан буни?

— Қанча бу?

Симон қўлидаги пулни шошилмай санай бошлади, ярмига етганда янглишиб кетиб, қайтадан санашга тушди.

— Аканг келяпти, бўла қол,— пишиллади Агун.

— Етти юз сўм.

— Етти мингми?

— Ҳа, қаёққа яширмоқчисан уни?

— Қаёққа яширишим билан ишинг бўлмасин,— яна пишиллаб деди Агун.

Уруш пайтида улар — Арус, гўзал Сато, Агуннинг ўзи, яна Егорнинг Сируши йигитларни кузатиб қўйгани Тифлисга боришганди. Поезд Манацга яқинлашганда, бирдан чироқ ўчиб, аёл кишининг дод солиб, чинқиргани оламни тутди: ўғирлаб кетишди, ўғирлаб кетишди болаларимни оч қолдириб, одамхўрлар!— Қимдир ўзини девор тагига олган ҳам эдики, худди биров Агунга, бу сенинг аканг Валод, деб шивирлагандек туюлди. Гугурт чертиб, девор тагига биқинган кишининг юзига тутди:— Валод?— Агуник?— Валод шундай деди-ю, чўпни пуфлаб ўчирди.— Бу ерда нима қилиб юрибсан?— Ўзинг ни-

ма қилиб юрибсан, нимани ўмариб кетяпсан, қани кўрсат-чи?— Агун олдинга сурилиб, қўлини қопга узатди:— Ҳозир милицияга тутиб бераман, бадбахт, безори...— Қоронғида яна кимларнингдир қўллари қопни ўзи томон торта бошлади, бу қўллар сон-саноқсиз эди.— Ишхонга айтиб бераман, Валод, виждонсиз... ахир аёл кишига ачинмайсанми,— деди Агун. Валод ишшайди:— Биродарлар, бу менинг синглим... Агуник, Манада тушмайсанми? Ишхон сенга совун олиб қўйибди,— деди. Кейин, поезд тўхтамасдан туриб, Валод шериклари билан ё сакраб тушиб қолган, ё бошқа вагонга ўтиб кетганди, анови аёл эса Агундан миннатдор бўлган, шувақанги миннатдор бўлгандики...

— Иккита беш сўмлик, битта уч сўмлигу яна бир сўмлик — ҳаммаси қанча бўлади?

— Ўн, ўн тўрт сўм.

— Билетнинг пулини ажратиб бер. Қанча бу — уч сўму бир сўм — тўрт сўмми? Билет ҳали тўрт сўмми?

— Ортиқчасини қайтариб беришади сенга. Лекин юкларинг кўп, уларгаям ҳақ олишмасайди, деб қўрқялман.

— Поездда қаттиқ текширишадими?

— Мен қаердан билай,— Симоннинг жаҳли чиқди.— Мен қаёқдаю, станция қаёқда, қаттиқ текширишадими, йўқми, қаёқдан билай, у ёққа кунда бориб юрибманми?

— Бўпти, бўпти, ҳадеб пашшадан фил ясайверма, — шивирлаганча деди Агун. Демак, бу пул билетга. Акангни чақиришга хўп пайтини топдинг-да. Чўнтакларинггни қараб кўр, майда йўқмикин.

— Қаёқдан бўлади менда майда пул?

— Ким билиб ўтирибди сени, ҳар қалай савдо-сотиққа аралашиб юрадиган одамсан. Бориб, акангни кутиб олгин-да, ўғлингни бу ёққа жўнат. Серо!..

Симон яна норозилик билдирди:

— Ахчи, кел, бу юкларни ё ўзим олиб борай, ё ўғлингни ўзи келиб олиб кетсин, энди кичкина боламас-ку у, ўттизга кирди.

— Ахир унинг иши қанақалигини биласанми, ақлий иш-а, яна сенга нима деб тушунтириш керак, Симон.

Серо қўлидаги тангаларига авторучка сотиб олиб, аллақачон уни йўқотишга ҳам улгурган экан.

— Ҳечқиси йўқ, сен уйга яхшилаб қараб ўтир, шаҳардан ўзим сенга ажойиб ручка келтираман, акангдан совға бўлади у сенга.— Мана бу лаънати тугма томоғидан гиппа бўғди-қўйди — қизидан минг марталаб илти-

мос қилганди-я ахир ёқасини кенгроқ ол, деб. Юнгли жакетиям қўлтиғининг тагини қисяпти, тор келиб қолибди шекилли, эҳтимол, кофтасининг енги қайрилиб қолиб, шунинг учун қисаётгандир. Тавба, бу шаҳарликлар қанақа кийинишади ўзи, кийим-бошларининг ҳаммасиям худди баданларига ёпишиб тургандек, на осилиб-солиниб ётади, на ғашларига тегади. Яна қизиги, кийимлари кўринишидан тор-у, лекин аслида кенг-мўлгина туради. Хуллас, шаҳарликлар кийинишни жойига қўйишади. Балки, бўқоғи шишиб кетганига ёқаси бўғаётгандир? Уғли билан келини Ереванда уйли-жойли бўлиб олишсин, бирон-бир йили қишда уларникига йигирма кунга боради-да, касалхонага ётиб даволанади. Келини унга овқат олиб бориб туради, ўзи эса шол рўмол тўқийди, палатасидаги аёллар билан гаплашиб, юрагини ёзади. Бўпти, бўлганча бўлар, мана бу нима — ароқми? Ароқ билан яримта товуқ олсам етар. Қизил мевасидан тайёрланган ароқни оламан. Поезддаги текширувчилару проводник ароқ нокдан тайёрланганми ё қизилдан — барибир фарқига бормаиди, номи ароқ бўлса бас уларга, демак, қизил мевасидан тортилган ароқни оламан, шу билан юклар масаласи ҳал. Оёқ кийими-чи? Чиройли пойафзал киймаган оёқ оёқми. Лекин асфальт йўқ жойда пойафзал ҳам пойафзал эмас. Хуллас, шаҳарликлар туфлисида юришга ўргана олмади-ўргана олмади-да. Ҳечқиси йўқ, бунинг ҳам бир эви топилар. Қишлоқда, ҳозир Цмакутда ким ҳаммадан чиройли деб тортишиб, охири, келинлару бўйи етган қизлар ичида энг сулуви Симоннинг хотини Агун, яна Левоннинг қизи Елена, деган қарорга келишганига қанча вақт ўта қолибди дарров? Ушанда яна фикрлашиб, агар Агун икки боланинг онаси-ю, молхонада яшаганлигини, устига-устак қайнанаси ҳаммага машҳур Аруслигини, яна Еленанинг ҳали қиз болалигини ҳисобга олинса, ундан ўз-ўзидан гўзалларнинг гўзали — Агун, Левоннинг Еленаси эса кейинчалик ҳам гўзаллигича қолади-ми йўқми, бу — унинг бир пақирга арзимас кишига турмушга чиққандан сўнг маълум бўлади, деган фикрга келишганди.

Агун бурнига теккан қоракуяни артар экан, Ванкер қишлоғини эслади, монастырь ҳовлисидаги булоқни, боғлар аро ўтган сўқмоқ йўлни, ўзи челақ кўтариб олган оқшомни эслади. Ушанда Арзуманяннинг укаси велосипедда учар, уларнинг эшиклари ёнида эса икки киши — малла Нерсес билан қорамағиз Симон турарди.

Арзуманяннинг укаси уруш пайтида райком секретари эди, бир куни у машинада Цмакутга келди-да, идорада Арташ Калта билан ўтириб олиб, қишлоқ аёлларини битта-битта чақира бошлади — тили ботирларни ҳовури-ни пасайтириб қўйди, камтар ва меҳнаткаш аёлларни мақтаб, янада яхшироқ ишлашга ундади. Арташ Шогерга: «Агун кирмай қўя қолсин»,— деганди ўшанда. Агун эса бунинг тескарисини қилди: қизини Шогерга тутқазиб, тўғри идорага кириб борди, шунда Арташ Калтанинг: «Ўртоқ Арзуманян, бу тили заҳар аёлларимиздан, эҳтиётини қилиб гаплашасиз-да»,— деяётгани қулоғига чалинди. Арзуманяннинг укаси эса унга тикилиб қараган, кейин бирдан ўрнидан ирғиб туриб:— Вай, Агуникжон, ўзингмисан?!— деганди. Шунда Арташ уятдан ўзини қўярга жой тополмай қолганди...

— Мен тайёрман.

— Юзингдаги қоракуяни Ереванга борганингдан кейин ювиб ташлайсанми?— деди Симон Адам билан юкларни ортар экан.

Агун уйга кириб, юзидан қоракуяни артди-да, эрига шундай жавоб тайёрлаб чиқди:

— Агар менам сизларга ўхшаб қораялоқ бўлганим-да, қоракуя ҳам билинмасди.

Симон юкни кўтараётганда шапкаси учиб кетди. Пешонаси қизариб, ўзи уч букилиб олди. Адам эса юкни қизариб-бўзармай, осонгина кўтариб борарди. Кейин Симон пешайвои зинапоясига урилиб кетиб, чўккалаб қолди-да, инграб юборди. Юкни, турган гапки, улар баб-баравар кўтаришмаётганди — оғир юкдан Симоннинг нафаси қайтиб кетаётган, Адам эса енгил-елпи нарсаларга ўзини ураётганди. Улар ҳамиша шунақа — отга юкни етти марта қайта-қайта ортишмаса кўнгиллари ўрнига тушмайди. Бир замонлар Адам буғдой олиб келгани Касахга борганида, мувозанатни сақлаш учун, отнинг юки енгилроқ томонига тош ортиб олганди...

— «Ўзингни тут, тинчлан,— минғирлади Агун.— Утакетган тентакмас-ку булар аслида, қаерга нимани жойлаштиришга ақллари етар».

Адам отни айланиб ўтиб, кўтариб келган юкни эгарга қўйди-да, Симон ҳам юкни ортишини кута бошлади, Симон эса хуржунни эгарга қўёлмай, қийналиб кетаётганди.

— Бўлдими?— сўради Адам жойидан қўзғалмаган ҳолда.

Симон бор кучини йиғиб, ниҳоят, хуржунни жойлаш-тирди, кейин айбдорларча кулимсиради.

— Бу хуржунларни нима солиб тўлдиргансан, Агун-ник?

— Бир пулга қиммат нарсаларни тиқиштирганман уларга, Гамерга етиб борганимиздан кейин ҳаммасини улоқтириб юборамиз.

Юқорига итариб, тортиб, тиргович қўйиб, ўрни келганда осилиб, ҳар қалай юкни бир амаллаб маҳкамлаб қўйишгач, Симон дам олиш учун тўнкага қараб юрди. У бир неча марта ўтиришни мўлжаллади-ю, бироқ тўнка ҳар гал оёғи тагидан ғойиб бўлиб қолаверди. Адам юкни ҳар икки томонидан пайпаслаб кўрди, кейин орқага ўтиб, унга тикилар экан:

— Худога шукр, укам, яхшилаб жойладик,— деди.— Ростанам, ахчи, нималарни ортгансан ўзи бунчалик?

— Сизнингча, отга юк тўғри ортилганми?— пинагини бузмай сўради Агун.

Адам ўрнидан туриб, кир ёйиладиган арқонни олиб келиб, тугун тушиб қолган жойларини тўғрилар экан:

— Бу ерда...— деди,— бизнинг фикримиз... бир чақага ҳам арзимайди...— У арқонни юк устига ирғитиб, паст томондан торта бошлади.— Аммо-лекин, Ванкерда нима деб ўйлашаркин бу ҳақда?— шундай деб, у арқонни янада қаттиқроқ тортди.

— Ванкерда, бу от шу ҳолида Гамергача етиб боролмайди, деб ўйлашади.

— Тошлардан қистириб қўясан тагига,— деди Адам бунга жавобан.

— Худди қайнағамга ўхшаб-да.

Улар шу йўсинда бир-бирлари билан тортишар, Симон эса кўзлари қандайдир сўник, бемаъно боқадгани ҳолда тўнкасида қимирламай ўтирарди. Серо шапкани ердан олиб, отасига кийдириб қўйди. Симон лоқайдлик билан шапкасини тўғрилаган эди, баайни Асоренц Мацакнинг ўзи бўлди-қўйди, чунки шапкаси энига кенгайиб, соябони қулоғига тушиб кетганди-да.

— Ахчи,— деди Симон,— яна сенга бир карра айта-япман, шунча юкни ўзинг эпложмайсан.

— Серо, отни ташқарига олиб чиқ. Гап тамом-вассалом! Сизлар эса қилган ишларингизга қаранглару завқлана беринглар, қаранглару ажабланаверинглар.

Хўш, ҳамма иш битди шекилли. Бугун кечқурун товуқнинг ярмини, яна нон билан пишлоқ ейишади. Эртага ҳалиги шўрвадан қолганини ичишади. Эртага эрталаб,



товуқ тухум туғгандан кейин, ҳар икковлари ҳам иккитадан тухум ютишади. Индинга тушликка Адамнинг қелини Нозик овқат пишириб беради, унинг эртасига эса ўзи уйда бўлади, уй ишлари билан ўзи шуғулланаверади. Тамом-вассалом! Эшиклар ёпилган, ит боғланган, приёмник ўчирилган, Ержога бир стакан қизил ароғидан беришга тўғри келади — счётчикни худди шаҳардагидек айланмайдиган қилиб берсин.

Серо аллақачон тош тизмаларга яқинлашган, от устидаги юк эса қийшайиб кетмаганди. Симон тўсиқ орқасидан чиқиб, жарлик тепасидаги тор сўқмоқ йўл бўйлаб борарди. Бироқ у худди ҳозир сирпаниб кетадигандек, худди уни нимадир жарлик ичига тортаётгандек қадам ташларди. Адам ўзининг ҳеч қачон битмайдиган араваси ёнида яна ғамирлашга тушгайди.

— Шунақа қилиб, сен менга нима олиб келишинг керагиди?

— Дунёдаги энг иссиқ шапкани.

— Баракалла,— Адам кулиб юборди.

— Кетдингми? Йўлингни берсин!— деди кампир.

— Ҳамиша саломат бўл... (ким қаёққа кетяпти, ким билан кетяпти, нима олиб кетяпти, деб кўзингни бақрайтириб қараб туришинг учун ҳам, албатта соғ бўл).

Улар Филонинг, Мушегнинг уйини босиб ўтиб, Сонанинг уйига етишди. Тавия-тасқара бўлиб юрадиган Сона ақлдан озиб, Кировакан касалхонасида ўлди. Унинг ўғиллари неча-неча йиллардан бери Грознийда яшашади. Яхшигина турмуш кечирishaди улар, лекин Сона бирон мартаям бориб кўролгани йўқ ўша Грознийсини. «Мен ҳақ, сен эса итдек айбдорлигинг учун ҳам қарғишим бошингга етди».

Сўқмоқ йўл билан тўсиқ ҳосил қилган ҳалқа жойнинг — иккита олча дарахтию олмазор нариёғида Атонинг ўғли Степаннинг уйи ҳамда тош кони бор эди. Тош кони-ю, ундаги ҳамма тошлар Степанга қарашли деб ҳисоблаганинг билан, барибир унинг ўғли Арести бутун умрини каталак ҳужрачада ўтказиб юборди.

Ундан кейингиси директор Рубеннинг уйи эди. Унинг уйи икки қаватли, метиндек мустаҳкам қилиб қурилган, зинапоя панжаралари ҳаворангга бўялганди, бироқ Рубен олий маълумотлилиги тўғрисида гувоҳномаси йўқлигидан қўрқуву ваҳима ичиде Армениянинг қачон фельетон қилишини кутарди; вақти-вақти билан у Симонга бирон-бир скамейка-партани тузаттирар ённки теннис столи ясаптириб, бунинг учун пул ёздириб берарди.

Кочарнинг ўғли Грант Кироваканда машина сотиб олди; у Агуннинг акаси Валодни яхши танирди, Валод ҳам уни яхши биларди,— улар бир-бирларининг кўнгиллариغا ўтиришганди. Борди-ю, мана шу Кочарнинг ўғли Грант қишлоққа келиб қолса Агун билан Симондан алоҳида ҳурмат билан ҳол-аҳвол сўрарди, бу, албатта, Армену Валод туфайли эди.

Бир замонлар бува Амбо битмас-туганмас гайрат билан уй қуришга киришганди, бироқ кейинчалик унинг бутун жўшқинлигию шиддаткорлиги — бутун пули Агуннинг аммаси Манишакнинг қўлига ўтиб кетганди. Уй эса аслида, пастда катта подвал қават, унинг устига уч хонали уй, яна ёз учун ойнабандлик хонаси бор ҳолда қурилиши лозим эди. Мана энди битта хонани амал-тақал қилиб битказиб, ичига кириб олган Амбо, ҳў ўша йигирма саккизинчи йилдан бери шу кўйи яшаб келяпти, битмаган иморати эса, оғзини очиб аграйиб юрувчи эгасига ўхшаб, ҳали-ҳали вайрона бўлиб ётибди.

— Болангни йўқлагани кетяпсанми?— сўради уч-бурчаксимон кўзлари ёшланиб турувчи бува Амбо.

— Ҳа, буважон. Сенинг ўзинг шаҳарга қачон кўчиб ўтасан? Ҳамма ўғилларингни жўнатиб юбориб, бир ўзинг бу ерда сўппайиб ўтирибсан, зерикиб кетмаяпсанми?

— Уша шаҳарида пишириб қўйибдими менга? Хизматчилар ишга боришади, бу тушунарли, ҳа, қарияларга нима бор у ерда? Қўй бўлмаса, чўчқа бўлмаса, от бўлмаса — нима билан шуғулланаман у ерда?

— Қариялар у ерда қоровуллик қилишар экан.

— Узимнинг кулбамни қоровуллаганим маъқул менга.

— Билмадим, буважон, билмадим, — деди бунга жавобан Агун,— пешонамизга ёлғиз яшаш, болаларимизни шаҳарга учирма қилиб, бу ерда якка-ёлғиз қолиш битилгани аниқ кўриниб турибди.

— Оқ йўл. Уғлингга тайинлаб қўй, миллатимизнинг, авлодимизнинг шон-шарафини юксак тутсин!

«Битта гапирмаган сен қолувдинг».

Смбатнинг хотинчаси эшик орқасидан бошини чиқариб қаради-ю, яна шу заҳотиёқ уйга кириб кетди. Гоар бир йилда битта гилам тўқийди. Бир пайтлар Агун Гоарнинг ёнига бориб ҳам ёрдамлашишни, ҳам гилам тўқишни ўрганишни хоҳлаганди, у: «Қовоқбошлар билан овора бўлишни ёқтирмайман» деб қайириб ташлаганди.

уйи. Агун Гоарнинг жиғига тегиш учун, жажурлик кампир билан қаттиқ-қаттиқ овозда гаплаша бошлади:

— Деворга осииш учун битта катта гилам, катта солишга битта,— чойшабдан ташқари бу,— ўрин тағига тўшаш учун иккита гилам олиб кетяпман, бошқасига кучим етмади. Агар кимда-ким мендан ортиқроқ қилолса, мақтанаверсин, ҳа. Ўғлимга яна холодильник, уйига мебель олиб бераман.

— Қабристон ёнидаги жарликка етганда, кичик Симон унга пешвоз чиқиб келди. Меҳнаткаш одам у, бу хусусда уни айблай олмайсан, лекин ўзиниям, соғлиғиниям қадрига етади. Ўрим-йиғиму ер ҳайдаш пайтида ҳассага таяниб олади — оёғи оғриб қолади ўшанда. Уста сифатида у Симоннинг пайтавасига ҳам ярамайди, лекин пулли буюртмалар фақат унга буюради. У эса худди бўридек, бир ҳафта ичида ҳаммасини ағдар-тўнтар қилади-да, яна қўлига ҳасса тутиб олади — оёқ оғриғи тутиб қолади. Бу, турган гапки, эри — Симоннинг асабига тегарди, лекин Агун унга, бадтар бўл дерди, чунки ўз ҳунарини бировга ўргатиб, бунинг устига яна бунақанги кичкина, саноқли хонадони бор қишлоқда шогирд орттириб фойда топадими киши, кейин, бировга ҳунарингни ўргатдингми, охир-оқибатидан таъбинг хира бўлмасин. Мана шуларни бир пайтлар Агун Симонга айтганда навбатдаги калтак бошида синганди.

— Ереванга кетяпсанми?

— Ҳа.

— Омадингни берсин.

— Ўзларига ҳам шуни тилайман,

— Ҳа, энди биз,— фақир киши панада дегандек...

Фақир киши панада эмиш... Бўйни йўғонлигидан тирсиллаб, чертса қон томай деб турибди-ку, яна унинг уйида уриш-жанжал ҳам йўқ — тиқ этган товуш эшитилмайди, ҳолбуки ҳар қанақанги қирилиб уришиш ҳам, ур калтак-сур калтак ҳам шуникида бўлиши керак эди, негаки уруш пайтида бошқа биронта аёл эмас, худди шунинг хотинчаси Арташ Қалта билан айланишиб қолганди.

Эндиликда Манишак амманинг уйи Агунга ҳам қадрдондек, ҳам аянчли хонадондек кўринарди. Нерсес урушдан қайтиб келмади, уни болалари эса, гарчи меҳнатсевар бўлиб ўсишган бўлсаям, оталаридек уддабуррою ёғли мансабларга чанг солишнинг уддасидан чиқадиганлардан эмасдилар. Арменак уларнинг бирон-бир

ерга омборчими ё ҳисобчими бўлиб жойлашиб олишларига ёрдамлашса дуруст экан.

Мелкуменц Иваннинг бидгани — фақат қиз туғдириб, шўх ва гўзал қизларни Цмакутга, Овитга, Кировваканга тарқатиш. Агар Седа сал илмлироқ бўлганда, Агун ҳозироқ унинг қўлидан шартта ўшларди-да, ўзига келин қилиб, Ереванга олиб кетарди — бир томондан оқкўнгил қиз, яна ҳамқишлоғи, бунинг устига шаҳар гўзалларидан қолишадиган жойи йўқ. Ана шунда у Армен Цмакутнию ўзини туққан онасини унутишга йўл қўймаган бўларди. Бир томондан қизгаям раҳминг келади. Худо билсин, у ўша Овиту Кироввакандаги Симойга ўхшаш қайси бир ҳафтафаҳмга насиб қилар экан.

— Ҳой, қизгинам!

Дон элаётган Седа табассум қилиб, кокиллари тилладек ярқираб, кўтарилаётган чанг-тўзон орасидан қараган эди, Агуннинг юраги жизиллаб кетди ва у шу ҳолича — бўлиқ, бақувват қўлларида элак тутган, тиззасигача буғдойга ботиб, очиқ юз билан боқаётган кўйи унинг хотирасига ўрнашиб қолди.

— Яна унинг қанақалигини ким билиб ўтирибди, — гулдиради Агун.

Седа элагини кўтариб, қуёшга тутган эди, Агуннинг кўнгли хижил тортиб, ўзи ғамга ботди.

— Яхши жойлардан ато қилсин, — деди кейин у.

Шогер худди шунақа офтобда туриб, дон элаётган, қирғий ложувард осмону булутлар аро чарх уриб учган пайт қачониди; ўшанда Шогер қўлидаги элагини тўсатдан четга қўйиб, Агуннинг қайнонасига яқинлашиб, уни шунақанги туртиб юборган эдики, у муккасидан кетиб, ерга ағдарилиб тушганди.

— Сенга муносиб кўёв на Цмакутда, на Овитда яшайди, сен тўғридан-тўғри мўлжалга Ереванни олавер, — деди Агун.

Қиз билинар-билиномас жилмаяр экан, елкалари титраб кетди. Агун эса, нафаси тиқилиб, гўзаллар бахтсиз бўлиши-ю, ҳақиқий ва буюк севги қаёқдаги тавияларга насиб этишини ўйлади. Арзуманянинг укаси ҳам, худо билсин, кимни хотинликка олган экан, мана энди нардоз-андоз қилиб олган ереванлик қайси бир таннос ҳам Арменнинг бош-кўзини айлантириб ўтирибди.

— Бўлмаса, университетга ўқишга кир, Армен ёрдам беради, мен унга айтиб қўяман.

Қизнинг мовий кўзлари Агуннинг қалбини ҳам меҳр, ҳам хавотир билан тўлқинлантириб юборди.

— Ҳой, ахчи! Ҳой, ахчи, кечга қоляпсан!— Симоннинг бақиргани эшитилди.

— Сенга яхши умр йўлдоши тилайман, қизим,— Агун шундай деб, унга сўнгги марта назар ташлаган эди, унинг тиззасигача буғдойга ботиб турган оёқлари яланглигини ва шамол учираётган чит кўйлаги этагини кўриб қолди. Университетда ақлга, фаҳм-фаросатга ўқитишмайди,— хаёлидан ўтказди Агун,— фақатгина гувоҳнома беришади, чунки инсон, ақл, фаҳм-фаросат ўзига табиатан қанча инъом этилган бўлса, ундан ортигини ўргана олмайди, шунинг учун ҳам олий маълумотлиги тўғрисида ҳужжатни пеш қилувчи эшаклар-у, бунақанги ҳужжатга эга бўлмаган донолар бор.

Симон Агунни мактаб ҳовлисида, турник ёнида кутаётганди: от қозиққа боғлаб қўйилган, Серо эса, шимини йиртгудек бўлиб, турникка осилишга уринаётганди. Шапкаси қийшайиб кетган, хумкалла ва қоп-қора Симон ўзига яқинлашиб келаётган Агунга бепарво қараб турарди.

— Ҳозир эргинам турникка осилиб, бир айланиб тушади,— захархандалик билан илжайди Агун.— Нима бўпти бу унга. Бир пайтлар ўйнаш ҳам тутганди у, шапкасини ҳам тўғри кийганди.

— Ахчи, тезроқ юрсанг-чи,— ачкиқланганча деди Симон.

— Турникда бир айланиб тушсанг-чи!— қичқирди унга жавобан Агун.— Сенга нима деган нарса бу? Қяни, ҳа, бир, икки!

— Ҳа, тилгинанг қуриб кетсин, жонимдан тўйдириб юборди,— деб тўнғиллаганча, Симон турникдан узоқлашди, кейин нима қиларини билмай, турникка зарда аралаш ўқрайиб қараб, жаҳл билан тупурди.— На уятни, на номусни биледи бу хотин, худди кимсасиз далада юргандек аюҳаннос солади-я.

Бироқ бу пайтда Агун кўздан ғойиб бўлганди.

— Серо, онанг яна қаёққа йўқолди?

— Қўрганим йўқ уни.

Симон Агун қарзини сўрагани Саконинг уйига кириб кетганини тўсатдан фаҳмлаб қолди. Бу яна бир шармандагарчилик эди, чунки кечагина Симоннинг ўзи уларга пул керак бўлиб қолганлигини шама қилган, бироқ улар пуллари йўқлигидан бериша олмаганди. Улар энди Симон тўғрисида нима ўйлашади, уларнинг кўзига энди қандай кўринади у?

— Қаёқданам бошимга шунақа бало битган экан...— Симон безовталаниб, у ёқдан-бу ёққа юра бошлади.

Бир оздан сўнг Саконинг хотини Лусик билан Агун муюлишда кўриниб, магазинга қараб кетишди. Симон, Агун ҳозир инсофга кириб, орқасига ўгирилиб қарайди деб ўйлади, бироқ у ўгирилиб қарашни хаёлига ҳам келтирмай, гаплашганча, Лусик билан ёнма-ён кетаверди.

— Агуник,— чақирди Симон. У орқасига ўгирилиб қарамади, фақат, эшитдим, дегандек, қўли билан ишора қилиб, бошини силкитиб, Лусикнинг башарасига қараб-қараб қўйиб, йўлида давом этаверди.— От бир жойда узоқ туриб қолди, ахчи...

Агун магазиндан тез қайтиб келди. У Симонга яқинлашганда, айб иш қилиб қўйган боладек кулимсираб, индамай туриб қолди.

— Ахчи, наҳотки қарзни ундирган бўлсанг?— ажабланди Симон.

— Нимага менга, улар олтмиш сўм қарздор, деб айтгандинг?

— Уша ортиқча беш сўмни Мушегга беришим керак — январь ойида ундан қарз олганман.

— Ҳой, савдогар эргинам, сен нимага қарзга ботсан?

— Арменакнинг мақоласини радиодан беришганда йигитлар қўярда-қўймай коньяк олдиришганди.

— Шимингни тугмасини тақиб ол, шапкангни тўғри хий. Серожон, қаердасан?.. Сени уйимизга икки кунга министр қилиб тайинлайман. Сенга шаҳардан авторучка олиб келаман, январда эса бир ҳафтагача ереванлик бўлиб яшайсан... Энди, уйга жўна!..

— Сизлар билан Гамергача борсам майлими?

— Бора қолсин, Агуник?

— Нима-а?

— Сизлар билан Гамергача бирга бораман, деяман...

— Қани, оёғингни қўлга олиб, уйга югур-чи! Товуқлар ҳаммаёққа ёйилиб кетган, ит қаровсиз қолган, қўйлар даладан ҳозир қайтадиган, чўчқалар келадиган пайт бўлса-ю, бу кишимнинг яна: «Гамер-га-ча...» дейишига бало борми...

— Нима, мен сизларнинг чўчқабоқарларингизманми? Уэлари Ереванга кетишади-да, менга товуқлару итни қолдиришади,— Серо йиғлаганча, уй томон бурилди.

Симон унинг орқасидан ачиниб қараб қолганда, Агун отни тортиб кета бошлаганди.

— Кечга қоляпмиз, тезроқ қимирла!— Агун аччиқланганча деди эрига.

Симон бўхчани кўтариб олди-да, қисқа сўқмоқ йўл билан чорраҳага чиқиб, Агунни кутиб турди. Кейин жилловни эгар қошига боғлаб, отни ҳайдар экан, хотинига ўгирилди:

— Болага қўполлик қилиб, ўзингдан ихлосини қайтаряпсан.

— Онанг сенга жудаям ширин сўз эди — мана оқибати. Мен эсам ҳатто Арменакни урардим... тезроқ юрсанг-чи орқада қолмай.

— Ахчи, шунча юк билан манзилингга қандай етиб борасан?— бўхчани елкасига қўйган Симон, яна оёқларини букиб, сўқмоқдан тийганганча кета бошлади: уни кўрган одам мана-мана, ҳозир йнқилиб тушади, деб ўйларди.

— Менга қара, оёғингни қанақа қилиб ташлаяпсан ўзи, ҳеч тушуна олмаяпман.

— Нима, сенга халақит беряпманми?

— Олдингинг тугмасини тақиб ол. Кичик Симонни кўрдингми? Ҳўкиздай бақувват у.

Кўприкнинг нариги томонида, нақ йўл устида бир қиз ўтирар, унинг ёнида — ерда эса қаңдайдир эркак чўзилиб ётарди. Симон кўприкдан тарақа-туруқ қилиб, унинг орқасидан келаётган Агун эса овоз чиқармай ўтди — Врaционцинг янги туширган келини аллақандай бир эркак ёнида ўтирганди; эркак бошини ўгириб, елкаси оша уларга қаради, кейин тирсагига таяниб, гавдасини кўтарди — бу Сурен, Аршак Врaционцинг ўғли эди.

— Уришяпсизларми ё энди ярашяпсизларми, айта?— гап қотди Симон.

— Уришмоқчийдик, бўлмади, Симон амаки, ҳеч уддасидан чиқолмаяпмиз уришишнинг.

Симон кулимсиради-ю, қизариб кетди.

— Ҳа энди, шириндир-да?

— Ширинликка ҳозирча ширин-а, фақат билмадим, лаззати тугагач нима бўлар экан.

— Шошма, шошилишингнинг ҳожати йўқ,— елкасидаги юкни тўғрилаганча деди Симон.

— Бутун оилангиз билан қаерга кетяпсизлар?

— Э-э, Арменагимиз сенинг бошигга тушган ташвишдан фориг эди, уни қувонтириб, бошини иккита, оёғини тўртта қилиб қўйгани кетяпмиз.

Сурен билан Симон кулиб юборишди, назарида, келин бу гапдан хафа бўлгандек туюлган Агун эса:

— Қизим, буларнинг гапига ишонма,— деб қичқирди,— қулоқ солма буларнинг гапига, эрингнинг насл-насаби тоза, пешонанг ёрлақаган экан, қизим,— Агун шундай деди-ю, уларга сездирмай Симоннинг биқинига туртиб, шивирлади:— Ота сифатида сен ўз мартабангни сақлай олмайсан, тушундингми?

Шундан сўнг эр-хотин ўзаро гаплашишганча, йўлларида давом этишди.

— Сен қанақа мартаба тўғрисида гапиряпсан?

— Обруйинг йўқ, сенинг.

— Нимага йўқ?

— Тезроқ юр. Сенинг гапинг унинг учун қонун бўлиши керак эди. У министр бўлиб кетган тақдирда ҳам барибир, сенинг гапинг унга қонун бўлиши шарт. У-чи? Нима қилди у? Агар сенинг ўрнингда бўлганда, гаплашиш учун, йўлидан қолиб, ёнингда тўхтармиди?

— Еши ўттизга борган, ҳамма нарсани ўзи тушуниши керак.

— Ким тушунмаса, унга тушунтириб қўйишади.

— Нима, энди Армен ҳам тушунмайдиганга чиқиб қолдимми?

— Баъзи бир масалаларда ота-онанинг айтгани айтган, дегани деган бўлиши керак.

— Сен келин хусусида гапиряпсанми?— Симон тўхтаб қолди.

— Ҳеч бўлмаганда, келин хусусида.

— Ахчи, ахчи, ўғлинг биздан кўпроқ нарсани кўрганку,— деди асабийлаша бошлаган Симон,— нима, ўзининг кўзи йўқми?

— Кўзи борликка бор-а, лекин, мана, Иваннинг қизи Седани кўргани йўқ-да.

— Темирчининг қизини айтяпсанми?.. Аҳмоқона гапларни бас қил!

Темирчининг қизи офтобда турганча, олтиндек сапсариг бугдой элаётганди. У бугдой ўртасида яланг оёқ туриб олган, ғалвир тутган қўллари эса баланд кўтарилганди, бугдой уюми унинг тиззасидан келар, бугдой қипиғи ҳавода учиб, чий тўсиғигача етиб бораётганди.

— Мактабда қанақа ўқиганди у, яхшими?— саволга тутди Симон.

— Мактабни бу йил битиради, ўнинчи синфда у.

— Ростданам, сен ҳаққа ўхшайсан, Агуник.

— Мен ҳамиша ҳақман, фақат ҳар қанақанги ҳақи-



қатни тушуниш учун гапга тушунадиган бамаъни одам керақ. Қишлоқ қизининг шаҳарликка айланиши унча қийин эмас, у ўзининг қишлоғини ҳеч қачон унутмайди. Шаҳарлик, шаҳарлик қиз эса, ҳеч қачон қишлоққа кўника олмайди... Келинни қишлоқдан олганимизда, Армениянинг битта оёғи Цмакутда бўларди, ахир ҳамма нарсани пулга сотиб олиш мумкинмас-ку, қишлоқ ноз-неъматлари эса ҳаммиша зарур. Шаҳарда ёзувчилару министрлар ғиж-ғиж, Цмакутда эса — ҳам министр, ҳам ёзувчи, ҳам редактор, ҳам композитор — ҳаммасиё битта Армениянинг ўзи татирди. Номинг шуҳрат қозондими, тасомом, у ўзига яраша катта-катта харажатларни талаб қилади, борди-ю, катта харажатлар қисқартирилади, шуҳрат ҳам ўз-ўзидан пасаяди. Армения сени яхши кўради, қачон қараса «отажоним» дегани деган, сенинг эса зиғирчаям мустақил фикр-мулоҳазанг йўқ. Бўлмасам, уни аллақачонлар қишлоғимиздан битта-яримтасига уйланишга кўндирган бўлардинг. Ана шунинг учун ҳам, ота сифатида, бу уйда на ҳурматинг бор, на гапинг ўтади. Менга қара, қанақа қилиб юряпсан ўзи бу, тушуна олмаяпман...

— Қанақа юраётган эканман?...

— Оёғингни кериб, лапанглаб юряпсан.

Симон қаддини ростлади. Орқасидаги юкини тўғрилади, кейин аччиқланганча деди:

— Айбсиз парвардигор, қайтиб келиб, ётиб қоласану, бошимизга ташвиш орттирасан.

— Овитдан чинданам яёв келдингми?

— Йўқ, махсус самолётда учиб келдим.

— Ўзинг айбдорсан, доно...

— Ўғлингга, уни мактабдан, ўқувчилар сафидан ўчиришганда, дарслик китобларини бутхоначага яшириб бир ҳафтагача дарсга бормай, қаёқларда санқиб юрганини эслатиб, ўзинг ҳам ўшанда энди подачи бўлай-бўлай деб тургандинг, дейсан, кейин ўшанда отанг касаллигига қарамай, Овитга йўл олганди, кейин ўша Овит йўлида, яна Хачатряннинг уйида етти қават терисидан... дейсан-да, агар сен ҳақиқий, яхши ўғил бўлсанг, биз тўғримизда ўйлаб кўр, ҳол-аҳволимиздан хабар олиб тур, деб таъкидлайсан.

— О-ҳо... о-ҳо... шунча нарсани фаҳмлаган экансан, нимага унда Армения мол докторлигига ўқишга борсин деганимда оғзингга талқон солиб олгандек, миқ этмадинг? Яхши кўриниш учун уларнинг ноғорасига ўйнардинг, кўнгилларига қарардинг. Мана энди, кўриб туриб-

сан натижаси нима бўлганини — ўғлинг ёзади, ёзади, ёзади-да, эрталаб туриб, кечаси билан ёзиб чиққанини йиртиб ташлайди, катта ёзувчи бўлишни хоҳлайди, лекин минг афсуски, бунинг иложи йўқлигини тушунмайди. Ёзувчи деганнинг тухуми ачиб ётибди-ку ҳозир, ким унга йўл берарди.

— Радио у тўғрисида эшиттириш берганида айтилган гапларга кўра, ўғлинг ҳалиям катта ёзувчи, Агуник.

— Ёш болага ўхшаб вайсайсанки бирам. Уйи бўлмаса, пули бўлмаса, отаси бундоқ бошқаларнинг отасига ўхшаб унга қарашмаса, онаси саводсизу, ўзи заиф бола бўлса, яна сен — «катта ёзувчи», деганингга ўлайми. Ҳой, эр, юришинг ўзгариб қолганми, қанақа юриш ўзи бу, ҳеч тушунолмаёпман.

— Қариб қолдим, Агуник. Қариб қолдим.

— Ёшлигингда хўп ўйнатиб-кулдиргандинг-да мени, энди «қариб қолдим»миш. Агар ишбилармон одам бўлганингда, биласанми, сен ҳозир нима қилардинг? Нима қилишим керагиди, — деб сўраб кўргин... Сиз учовингиз урушдалигингизда, сенинг азиз онажонинг худди шу ерга етиб келди дегунча, оёқ кийимини ечиб, ялангоёқ бўлиб оларди-да, кетаверарди. Хўш, ҳозир нима қилишинг кераклигини билишни хоҳлайсанми? Унда, менга яна аюҳаннос солиб бақаришинг учун эшитиб ол. Икки-учта қўйни сўйиб, яхшилаб тузлаб, Овитдаги магазиндан қирқ шиша пивою бир неча шиша коньяк келтириб қўярдинг уйга, эшитяпсанми гапимни? Яхшилаб эшит, кейин Овитдан Ереванга қўнғироқ қилиб, ўғлингга: «Ўша, анови муҳаррирларингни ҳаммасини йиғиб, уйга олиб кел, уларга, отам меҳмонга чақиряпти, деб айт», дердинг. Икки бош қўй — нима деган нарса, қаёқларда қолиб кетмайди у. «Қишлоқчасига меҳмон қилиш учун отам сизларни уйга таклиф қиляпти», — десин ўғлинг. Ана шундан сўнг қарабсан-ки, олам гулистонда, — ўғлингнинг ишлари бошқачасига юришиб кетарди, «ойи-и, нонга ўттиз тийин бер», — деб сўраб ҳам ўтирмасди. Яхшилаб танангга ўйлаб кўр бунди. Хўш, нима дейсан бунга?.. — Шундай деб, у орқасига ўгирилиб қараган эди, Симоннинг аянчли кулимсираётганини кўрди ва... ўзи қандай айтган бўлса, эри шундай қилишини фаҳмлади. — Ҳой, эр, юкингни ё мен кўтариб олай, ё уни отга ортайлик... Др-рр!.. — Ҳа, эри унинг айтганидек қилади: қўй сўйиб, бастурма тайёрлашади. Симон Овитга боради, қайтаётганида эса машина тополмай, шишали яшиқлари ёнида гўдайганча, бир-икки кун қолиб кетади, ке-

йин ҳаммасини ўзи ортмоқлаб, (чунки, от бошқа бировга бериб юборилган бўлади-да), қовурғасини синдириб, жиққа терга ботиб, етти букилиб ўша яшикларни ўзи кўтариб келади; меҳмонлар эса олдиларига нима қўйилса ҳаммасини еб-ичиб, кекириб, ҳамма нарсани улоқтириб, синдириб, мастлик билан ҳиргойи қилишга тушишади, кейин жўнаб кетишади-да, Арменакнинг ўжарлигию тил топишиши қийинлигидан яна бояги-бояги унинг ёзган нарсаларини босиб чиқаришмайди.— Йўқ, ҳеч қанақанги қўй сўйилмайди! Арташес Арзуманян нимагаки етишган бўлса, ҳаммасига ўзининг ақли билан эришди. Ванкер қишлоғидан чиқиб, Москвага етиб борди, бутун дунёга таниқли одамга айланди. Вой худойим-эй, қиз билан ўғилнинг ўртасида ҳеч қанақанги фарқ йўқ-а: қизлар бўй етиб, ўн саккиз ёшга тўлдими — турмушга чиқади, ўша кундан бошлаб оилалари аёлга айланади, ўғилнинг ўн саккизга кирди — энди буёғини ўзига қўйиб бер, ҳаётдан ўз ўрнини топиб олсин. Тамом-вассалом. У топган шон-шухрат меники эмас, эришган муваффақиятлари ҳам — унинг ўзиники.

Бутхонача ёнига етишганда Агун овозини пасайтириб, шивирлашга тушди: у пичирлаганча дуо ўқияптими ёнки ўз тасаввуридаги ўғилнинг муҳаррирларини қўйияптими, тушуниб бўлмасди. Агун дуо ўқиганда ўғли билан қизи унинг устидан кулишарди, чунки у уйда баҳслашиб, бақириб, оғзига келган сўз билан худони ёмонлаб, уни ноҳақликда айблашни яхши кўрарди-да.

— Ибодат қилгинг келиб қолдими? — кулимсиради Симон.

Агун ўрнидан туриб, бутхонача эшиги ёнига бориб, бир нечта хачкар<sup>1</sup>ни наридан-бери ўпиб, чўқилганча, яна изига қайтди.

— Ердам беришга ҳамма қодир эмас, лекин ҳалақат бериш ҳамманинг қўлидан келади. Ванкерлик сурб-Саргис<sup>2</sup> турганда, билмадим, бунақанги ўйинчоққа эътибор беришининг ҳожати йўқ шекилли, яна ким билсин, балки, ҳожати бордир. Онанг ҳув анови — боя кўрсатган жойимдан, худди уйқусида юраётгандек, ялангоёқлигича бориб, анови бута ёнига етганда тиз чўкарди, кейин гир айланганча, — ерни ялаб, чиннидай қилиб қўярди: уч марта айланиб чиққач — «бу Адамим учун», яна

<sup>1</sup> Х а ч к а р — хоч тасвири ўйиб туширилган — ўймакорлик билан ишланган қабр тоши.

<sup>2</sup> С у р б - С а р г и с — авлиё Саргис. Бу ерда авлиё Саргис черкови назарда тутиляпти.

уч марта айлангач — «бу Симоним учун», деб қўярди, охирги уч айданишни эса Ақопа атарди. У бу ерда шунақа тоат-ибодат қиларди-ю, молхонадаги моллар оч қолиб, сўвсиз қолиб, гўнгига беланганча тураверарди. Ана шунақа. Кунларнинг бирида у шу ерда тоат-ибодатини қилаётганда, сигири туғиб, бузоқчани босиб ўлдириб қўйганди.

— Наҳотки сен тоат-ибодат қилмаган бўлсанг? — кўнгли оғриб деди Симон.

— Агар ўшанда онанг Аруснинг гапига кирсам, сувчечакдан жиззай қабоб бўлиб ётган болаларни ёлғиз ўзини уйга ташлаб, худога топиниш учун Цмакутнинг мана шу харобасига келишим керак эди. Арменнинг кўзлари юмилиб қолганда, — бола бечора йигирма кунгача кўзини очолмаганди, — мени бир қоп доним бориди, Цмакутингининг лаънати тегирмони эса ишламаётганди — сой муз қотганди. Гамерга югуриб-елиб бориб, ўша заҳотиёқ изимга қайтдим. Дарпасликнинг тегирмонига кетаётганимда, Симонжон, болаларга қараб туриши учун Парандземни чақиргандим, у картошка пиширмоқчи бўлибди-да, кейин бутунлай эсидан чиқариб юборибди уни. Сув қайнайвериб-қайнайвериб, қуриб кетибди, картошка жизғанакка айланибди, бу ёқда печка тортмай қўйиб, уй тутунга тўлибди. Шундан кейин болалар Парандземга, уйимиздан чиқиб кет, дейишган экан, у аразлаб кетиб қолибди. Куйган картошка қидига чўчқа уйга бостириб кирибди, — уй тутунга тўла, асабийлашган, жаҳллари чиқиб кетган болалар кўзларини очолмай ўринларида ётавернишган, — сувни тўкиб, печкани тўлдириб юборибди, шунда Армен бир амаллаб ўрнидан туриб, чўчқани ҳайдаб чиқарган. Чўчқа эса, оч эмасми, қайтадан уйга бостириб кираверган. Армен жойига ётди дегунча, у уйга кириб олаверган. Болакай кўзлари юмуқ ҳолда кун бўйи чўчқа билан олишган. Уйга келсам, дегин, Симонжон, Арменим ақлдан озгудай бўлиб, қўлида болта кўтарганча остонада ўтирибди, болта билан тушуриб қолиш учун чўчқани кутаётган экан, ўшанда етти ёшли бола эди у...

Агун йиғламоқчи бўлди-ю, бироқ бунинг ўрнига кўз ёшини артиб, нафратланганча деди:

— Эркакмисан ўзи, қадамингни илдамроқ боссангчи!.. Қанақасига Цмакутнинг бу товуқхонасида мен ибодат қила оламан. Кейин, гарчи онангиз тоат-ибодат қилиб, ҳаммангиз омон-эсон, соғ-саломат қайтиб келган бўлсангиз ҳам, эндиликда қишлоқда — «Агуннинг эри»,

«Манэнинг эри», «эринг бор — суянчигинг бор», деб гапиришади.

— Илтимос қиламан, ўтиниб илтимос қиламан,— ёлборди Симон,— Исо ҳақи бас қил.

— «Эр»миш! Ҳеч ким билмайдик; бу эр эмас, турган-битгани бошга битган бало эқанлигини.

— Раҳмат-ей, раҳмат сенга-ей,— Симон орқада қолиб, нафратланганча тупурди.

Агун унга парво қилмай, қадамини тезлатиб, гапида давом этарди:

— Битта шимини эплаб кийиб юра олмайди, шими тушиб кетмаслиги учун алоҳида битта одам керак унга, яна «эринг бор», «эр-хотин қўш ҳўкнз», «бир-бирини аяйди», деганларига ўласанми, куясанми. Бўлмасам-чи, сен мени аяйсан, менга ачинасан, мана, Ванкердаги сурб-Саргисга қурбонлик аталганига ўн беш йил бўляпти, билмадим, сен ваъдангни бажариш учун ўрнингдан қўзғолгунингча, ишқилиб, ўлиб-нетиб қолмасам гўргайди... Яна, эрингни санаторийга жўнатмиш... Соғайиб келиб, бошимда ёнғоқ чақиши учун санаторийга жўнатаманми? Ҳа, нимага энди уни санаторийга юбориш керак, деб сўрайдиган мард йўқ. Ахир, орадан бир ҳафта ўтмасданоқ, у танноз Сона билан базми жамшид қуриши учун юбориш керак-да уни.

— Бу ёғига ўзинг боравер, мен қайтиб кетаман,— Симон шундай деганча яна тупуриб, орқасига ўгирилди.

— Кетавер. Тухумни чала пишириб берадиганлар олдига бор, боравер, котлетга тўясан.

— Агуник, агар етиб олсам, суякларингни мажақлаб ташлайман.

— Қани-қани, қанақалигингни бир кўреатиб қўй-чи.

— Тфу!— Симон этигини дўқиллатганча, қишлоқ томон юриб кетди, ана шунда у яна Мацак Асоренцининг айнан ўзи бўлди-қўйди, чунки шапкасининг соябони қулоғига осилиб тушганди-да.

«Қоранг...»— Агун қарғамоқчи бўлди-ю, бироқ қарғиш сўзлари ҳадеганда эсига келавермади, шунда у, кўнгилни бекорга ғашлашнинг ҳожати йўқ, йўл унмайди, деб ўзига-ўзи тасалли берди. Кейин кулиб қўйиб, юки худди эркакларга эмас, аёлларга хос бир тарзда, бутун қондасини келтириб чирмаб боғлаб қўйилган от кетидан кетди.

Агун тепалик устига чиққачгина орқасига ўгирилиб, қаради — Симон тошда ўтирарди; устидаги кийими кулранг, эски, бошидаги шапкаси Мацак кийиб юради-

ганга ўхшатиб қийшайтириб қўйилганидан, гўё у ерда Симон эмас, баайнан Асоренц Мацак ўтиргандек эди. Бунақанги қилиб киймаслиги — бошида тўғри туриши учун унга соябонсиз шапка сотиб олишга тўғри келади. Ана ўшандагина Агун камроқ рижинади.

— Ҳўш, бормайсанми энди?— сўради Агун қаққа-ҳа отганча.

Симон унга қараб қўйди-да, ёнига ўгирилди. Бироқ шяпкасининг соябони тепалик томонга бурилганидан, у ҳали ҳам Агундан кўз узмаётгандек туюларди.

— Шунча ўтирганинг етар, тура қол энди ўрнингдан,— деди Агун.— Сенга шаҳардан авторучка олиб келамаң.

— Утниниб илтимос қиламан, йўқол! Кўзимга қорангни бошқа кўрсатма!

— Унда сигирларингизни ким соғади?

Симон унга кўз қирини ташлаб, янада ёнига ўгирилиб олди.

— Етади, шунча ўтирганинг, бу ёққа кел. Бу ёққа кел, тухум билан асал бераман. Ароқ ҳам қуйиб бераман,— деди Агун, кейин шивирлаганча қўшиб қўйди: ичиб олиб қутуриб кетишинг учун, албатта.

— Йўқол!— деб бақирган Симон, ҳатто ўрнидан сапчиб туриб кетгандек туюлди, бироқ у жойида ўтирар, нима иш қилаётганини эса билиб бўлмасди, чунки Симоннинг кийими билан тош бир хил рангда бўлиб, уларни ажратиш қийин эди.

— «Гха-гха-гха», одамга ўхшаб бир оғиз гапиришини билмайди.— Агун отни ҳайдар экан, йигирма беш-ўттиз сўмни яшириб қўйиб, қайтаётганда Симонга янги пиджак билан шим олиб келишга тўғри келади, деб кўнглидан ўтказди. Қимматиям бўлмасин, арзониям, қишлоқ жойга мос бўлса бас. Қишлоқдаги ҳамма эркаклар костюм-шим кийишади, Симон эса, мана беш йилдирки, тўзиб кетган қўсқасига ўралиб юрибди. Инсоф деган нарсаям керак. Агар санатория тўғрисида шунчаки эмас, жиддий гапириляётган бўлса, унда юз сўм атрофидаги костюм-шим олишга тўғри келади. Сурбет ўғри Валод кийим жавонига саккиз хил костюмни қаторлаштириб илиб қўйиб, мақтангани мақтанган:— Маңа буниси ёзги, буниси қишки, буниси эса кузда кийиладигани, қалай, сенга маъқулми, синглим?— Симоннинг эса бор-йўғи бир жуфтгина туфлиси 1936 йилдан бери қуруқшаб ётибди. Агун уларни мойлаб қўяди, мойлаб қўйивсради — Симон уларни ҳали бирон марта ҳам оё-

ғига илмаган.— Бу бахти қаро одамдан мен ўзим нима хоҳлайман,— ўпкаси тўлиб, энтикканча пичирлади Агун. — Қўлидан нимаики келса, ҳаммасини қиляпти... Яна нима қилиб берсин, бечора...

Тарвақайлаб ўсиб кетган граб<sup>1</sup> ёнига етганда, Агун яна орқасига ўгирилиб қаради — Симон сой бўйлаб бўшашиб, қоқилиб, худди ҳозир муккасидан кетадигандек бир алпозда қадам ташлаганича келарди.— Умрларининг охирида Муроднинг ўғилларига ўхшаб майишиб юришлари учун, улар устидан ҳамиша мазах қилиб нулиб келишган экан. Менинг толенмга шу битибди-да.

Агун Амбонинг тегирмони ёнидан ўгирилиб қараганда, Симон шошилганча гоҳ тепага кўтарилиб, гоҳ пастга тушиб, тез-тез юриб келаётганди — Симоннинг тез юриб келаётгани аниқ эди, бу хусусда бир нарса деб бўлмасди, лекин у, мана ярим соатки, Агунни қувиб етолмаётганди. Агун отни тўхтатиб, эрига юзланди:

— Бўпти, ўзингни уринтирмасдан секинроқ келавер. Ереван биздан қочиб кетмайди... Шундай жиддий қиёфада, шундай шошилишч юриб келяптики, уни кўрган одам ўт тушибдими, деб ўйлайди... Қани, тезроқ, қани бир чоп-чи! — чийиллади Агун.

Симон ўзини бирдан тўхтата олмай, яна бир неча қадам югуриб бориб, қадамни секинлатди, кейин тўхтади. Тўхтагач, худди тагидан аллақачон қирқилган-у, фақат қулашидан олдин бир-икки лаҳзагина ўзини тик тутиб турган дарахтдек қимирламай қотиб қолди. Мияси қизиб, фикрлари айқаш-уйқаш бўлиб, юраги чидаб бўлмас даражада ачишиб, оғзигача тахир бўлиб кетди. Симон хотинини, Агунга қўшиб, уни туққани ҳам бирга сўкиш учун оғиз очди, бироқ удалай олмади.— Аҳмоқ, қовоқ калла,— пичирлади Симон,— ҳақиқатан ҳам қовоқ калласан.— Агун, уни бутун авлоди билан одамларга ўхшаб битта сўзниям бундоқ дурустроқ айттолмайди, деб тўғри гапиради. Ҳақиқатан ҳам шундай.

— Отни Гамерда қолдираман... агар қишлоқдагилардан биронтаси кўриниб қолса ўшанга бериб кетаман, борди-ю, учрамаса, Гамерда қолдираман, Гамерда қолдираман... эшитяпсанми! — овозини баландлатганча деди Агун.— Чарчадинг, ўтириб, озроқ дамнингни ол, нафасингни ростла, кейин шошилмай, секин-аста бораверсан... эшитяпсанми гапимни,— очиқ куз кунинда ванкерлик Агуннинг овози жаранглаб аниқ эшитил-

<sup>1</sup> Г р а б — қорақайин дарахтининг бир тури.

ди.— Юкни болаб ортиб бердиларинг, шунисигаям шукр! Мөн кетдим!— Шундай деб, у отга қамчи урди-да, кўздан ғойиб бўлди.

Орадан бир неча дақиқа ўтгачгина, Симон мириқиб сўқиниб, хотинининг ҳам, уни туққану туғдирганнинг ҳам гўрига яхшилаб гишт қалади, Агуннинг қоқ тара-шалиги-ю, ўзининг аҳмоқона кўнгилчанлигини, бунга кўшиб ўгли Арменакни ҳам ва умуман, умуман, дунё-да неки бор, ҳаммасини сўқди.

Магазинда қанд сотилганда Агун болалари билан тоғда эди. Симон новвойхонадан олтита нон олди, кейин ёзги яйловга жўнай-жўнай деб турган аравадан бериб юбориш учун, қандга навбатга турди. Магазиндаги йигитлар ўшанда Асоренц Мацакнинг Кировакан-даги ҳазилини кула-кула ҳикоя қилишаётганди: Асо-ренц Мацак Кироваканда сотувчи қиздан:— Бу, аёл-лар шими неча пул турар экан?— деб сўрабди. Сотув-чи, ўн беш сўм, деб жавоб қайтарса, Мацак унга: «Ия, қуруқ ўзи сотиладими, ичидагиси қани?»— дебди...

Қандни уч килограмдан беришаётганди, Симон кўпроқ берасан, деб Артога тиқилинч қилиб қолди; Арто бундоқ қарасаки, олдида Симон турибди.— Бу бизнинг устамиз,— деди у навбатда турганларга,— агар унга кўпроқ берилса розимисизлар?

Навбатдагилар: агар у шунга лойиқ иш қилган бўлса, беравер, дейишди. Хуллас, Симон беш кило қанду нонларни аравакашдан Агунга бериб юборганди; кейин кеча ўтказилди, кино кўрсатилди; кутубхоначи — бақалоқ Оля билет сотганди ўшанда. У, кейинчалик ойликдан кино ҳақини ушлаб қолиш учун, кимда-ким кинога билетсиз кирса, ўшани қўлидаги дафтарга ёзиб бораётганди. Олянинг ёнидан ўта туриб, Симон ўзини туютолмай, одатдаги ҳазилларидан бирини қилди:

— Ахчи, бу нимаси, ҳалиям иккиқатмисан, эгизак туғишни кўзляяпсан чоғи?

Атрофдагилар хахолаб кулиб юборишди. Буям ет-магандек, кинога ким кирса, унга луқма ташлай бош-лади: «Оля ахчи, ҳалиям оғироёқмисан, қачон кўзинг ёрийди?», «Неча ойлик бўлди, ахчи?»

Аслида Оля ҳеч қанақанги иккиқат эмасди, шунча-ки қорнию орқаси ҳаддан ташқари катта эди. Ҳозир у оиласи билан Кироваканга кўчиб кетган, айтишлари-га қараганда, янаям семириб кетганмиш. Хуллас, пи-ровардида, Оля ўзини туютолмай йиғлаб юборди. Ҳам-



ма билан биргаликда кино кўриш учун Симоннинг ёнига ўтирганда эса, Симон унинг елкасидан қучоқлаб, ҳазиллашганини, ҳазилга йиғлаш керакмаслигини айтди. Бу, ўз навбатида, яна кулгига баҳона бўлди, атрофда ғовур-ғувур кўтарилди: «Симон Оляни қучоқлади, Симон Оля билан келишиб олди!..»

Кино тугади. Ойдинсиз, худди кўрпа-тўшакдагидек илиқ тун эди. Одамлар уй-уйларига тарқалишар экан, қоронғиликдан аёл кишининг овози эшитилди:

— Юқори томондан ким бор? Симон, уйингга кетмайсанми?

Симон аёл томонга юрди, унга жудаям яқинлашиб борди — Сона экан.

— Симонмисан? Утакамни ёрай дединг-ку.

Биргаллашиб юриб кетишди, ён-верларида биронта шарпа эшитилмасди.

— Ахчи, бундан чиқди, бир ўзинг экансан-да?

— Нима бўлибди?

— Болаларинг қаёқда?

— Каттаси қўзичоқларни боқиб юрибди,— деди Сона,— ўртанчаси ҳали билим юртидан келганча йўқ, кичкинтойимни эса Цатерга,— акамникига ўйнаб келишга юборганман.

— Ҳа, бундан кўра, бўш қолдим, деб айтиб қўя қолмайсанми,— кулиб юборди Симон.

Бироқ Сона кулмади, қоронғиликда Симоннинг пинжиги тикилиб, паст, бўғиқ овозда:

— Мен сенга кутубхоначи Оля эмасман, тушундингми?— деди.

Қабристон ёнидаги дарага етишганда эса:

— Қўрқиб кетяпман,— деб, Симонни қўлтиқлаб олди ва... юмшоқ кўкраги биланми ё бошқа нарса биланми Симонга тегиб кетиб, унинг танини бир лаҳзагина қиздириб юборди.

— Ёнингда кетяпман-ку, нимадан қўрқасан?

— Секинроқ гапир,— Сона шивирлаганча шундай дегач, Симон бир оғиз сўз ҳам айтолмай қолди.

Қисқаси, ўша кунн Симон уйига бормади. У тонг саҳарлаб ўрнидан турди-ю, шоша-пиша кийиниб, бу ердан тезроқ даф бўлишни кўзлаб қолди. Тонг ғира-ширасида қорайиб кўринаётган Сона қипяланғоч ҳолда кўрпа устида ётарди. «Суюқоёқ-ку бу...»— деб хаёлидан ўтказган Симон яна қайта ечинишга чоғланди, бироқ тонг бўзариб қолганди. Симон уйига қараб кетди, эшиги тагидан бурилиб, оёғи билан ариқни ўлчаб

чиқди, белкуракни олиб келиб, картошкани суғоришни — бундан Агун роса хурсанд бўлади-да, — суғоришни хаёл ҳам қилди, бироқ... ариқ четига ёнбошлаганча пинакка кетди... Уйғонганда эса кимдир ёнгинасида босиқлик билан кулаётганини эшитди. У кўзини очди-ю, қуёш ёғдусидан яна бир лаҳзагина чирт юмиб олди; ёнгинасида ўтирган Сона унинг бўйинини ўт билан қитиқлаётганди. Устидаги кийими қуёш нуридан қизиб кетган Симон бир ирғиб ўрнидан туриб ўтирган эди, боши сал-пал айлангандек бўлди. Сона унинг ёнгинасида овоз чиқармай кулар, ҳар кулганида эса кўкраги бир кўтарилиб тушарди. «Ҳа, суюқоёқлиги аниқ унинг». Симон уни ерга ётқизди ва... қуёш нурларини боши айланиши қуршовида қолди.

— Ҳа, бўла қолинглар, виждон деган нарса ҳам керак! Қани, ишга!— жудаям яқингинадан Смбатнинг овози эшитилди, ўшанда Смбат раис эди.— Пешин бўлиб қолибди-ю, сизлар ҳали ҳам уйдан чиқай демайсизлар-а...

— Кетяпман, кетяпман,— унга жавобан Парандземнинг овози эшитилди,— чиқиб келаётгандим, ўзим шундоғам чиқиб келаётгандим...

Смбат Мураденц тепалигида турганча теварак-атрофга кўз югуртираётганди, шу боисдан улар ловиязорда яна узоқ вақтгача қолиб кетишди, чунки Мураденц тепалиги қаршиларида эди-да, сал қимирлагудек бўлсалар ҳам Смбат уларни нақ кафтида кўраётгандек кўриб қолиши ҳеч гапмасди. Ловия эгатлари мириқиб сув ичар, картошка қуёш ҳароратида гуллар, барглар остидан олмачалар мўраларди; қалдирғоч Симоннинг уйи карнизига ин қурар, чийиллаб, париллаб учиб, ер бағирлаб парвоз қилиб, гоҳида уларга тегиб кетгудек бўлар, кейин бирдан учишини ўзгартириб, тепага кўтарилиб кетарди; ўрмон бостириб келаётган булутлардан аста-секин қораяр, кейин улардан бора-бора қутулиб, ярақлаб, худди кулаётган гўдакдек дилларни яйратар, ложувард осмонда эса қирғий чарх уриб учарди; буларнинг ҳаммасига қараб туриб, мана шу ям-яшил дунёда узоқ-узоқ йиллар яшаш, ҳатто ўлиш ва яна шу ям-яшил сукунат қўйнига кўмилиш мароқли эди.

— Бўпти энди, кун қиздириб юборди, жудаям бўғилиб кетдим...

— Парандземнинг орқасидан барибир етиб боролмайсан.

— Тупурдим ўшанга.

Сона товуқни товуқхонадан қувиб чиқариб, тухум кўтариб келди, ўчоққа ўт ёқди, хурмачадан ёғ ола туриб, июль ойи бўлишига қарамай, ҳалигача ўтган йилги ёғни сақлаб келаётгани учун Агунни мақтаб қўйди. Юмшоққина тухум қуймоқ пишириб, нонни иситди: Кейин ертўладан бир шиша асални тасодифан топиб олиб, ундан қуймоқ устига солди. Ана шундан сўнггина ўзи Симоннинг қаршисига ўтириб, озгина кўз ёши қилди:

— Хотинингдан қўрқаман.

— Унга қараганда сенинг биқининг тўлароқ, нимасидан қўрқасан.

— Сен унинг эрисан... мен ким бўлибман, бировнинг ҳовлисига адашиб-улоқиб кириб қолган итга ўхшайман, айбдорман...

— Унда бунақанги бемазагарчиликни қилмагин-да, айбдор ҳам бўлмасдинг.

— Хотининг ҳар кеча бу ишни қилса майли экан-да, шу инсофданми?

Кейин у, ҳали уруш бошланмасдан илгарироқ пол учун тахталар қирқиб, рандалаб, тахт қилиб қўйилгани-ю, шу пайтгача улар омборхона томида ётиб, ўзи зах ерда ўтирганни, қўлидан келадиган одамга эса бу арзимаган ишлигини — агар эрталаб, яна кечқурунлари бир-икки соатдан ишланса, икки ҳафтада боплаб ташлаш мумкинлигини айтди. Унинг гаплари Симоннинг кўнглига оғир ботди. Бу нимаси ўзи, дунёдаги ҳамма нарса ҳисоб-китобга асосланганми? Ҳозир яна ёз, айни иш қизган, устига-устак тунлар қисқа бўлса-ю, сен тагин кечаси билан пойтеша чопиб, тарақа-туруқ қилиб чиқсанг?! Бу тарақа-туруқ овози тоғдаги Агунга етиб борсами, худо берди деявер, у ўша заҳотиёқ хомчўт қилиб, тийинини тийингача чақиб қўяди, ана ундан кейин сен унга: йўқ, ундоқ эмас, бундоқ, хўш, Арто саккиз юз сўм эмас, олти юз сўм, Мушег эса бир минг бир юз сўм бериши лозим, деб соатлаб тушунтиришинг зарур. Яхшики, Агун ҳисоб-китобга нўноқ, йўқса Симон дсеклик Матевосдан бир замонлар олган қарзини қаёқдан узарди; иши ўнгиб, Артодан пулни ундирди-ю, дсеклик кўз таниш бир одамдан бериб юбориб бопладди-да.

— Йўқ, Сона, бундан бирор иш чиқмайди.

— Бўлмаса, кичик Симонни айтаман.

— Менга нима, айтавер.

Симон кечкурун қишлоққа келаётганида Сона тарақа-туруқ қилганча, омборхона тоmidан тахталарни пастга тушираётганди. Симон унинг уйи ёнидан ўтаётганда эса шанғиллаб, кўчани бошига кўтарди:

— Ҳой, уста, ишни энди эртадан бошлайверасанми?

Худди шу пайтда чалғичилар даладан қайтишаётган, шундоққина ёнгиналаридаги полнзда Ато бутун оиласи билан ишлаётганди. «Учига чиққан суюқоёқ шекилли»,— деб кўнглидан ўтказган Симон нияти бузилиб, тагдор қилиб жавоб қайтарди:

— Ҳа, бошлайман! Агар хоҳласанг, бугун кечасиданоқ бошлаб юбораман.

— Ҳозир ёз, кечаси ишламасанг, қачон ишлайсан.

Симон бу суюқоёқни яхшилаб тавбасига таянтиришни кўнглига тугди-да, чалғичилар ўтиб кетишини кутиб, йўл четига ўтирди. Сона эса қўлини белига тираганича, писмиқлик билан секингина кулиб қўйди. Ниҳоят, кўчада одамлар оёғи узлиб, Симон Сона томон юрган ҳам эдики, у қўлини пастга туширди, бутунлай яқинлашганда эса кўнгли оғритилган қиздек маъсумлик билан унга қаради. Кейин лом-мим демай, остонага бориб туриб олди, Симон эшик ёнига етганда уйга кириб кетди. Лаҳза ўтмай, ўша ёқдан унинг шайтон йиғиси эшитилди: «Хотинингнинг жонини киритиш учун сен урушдан тирик қайтиб, менинг эрим ҳалок бўлганига айбдор эканман-да?»

Гапнинг қисқаси, Симон ўша куни унинг уйида қолди: тахталарни ичкарига олиб кириб, «эшак» ясади, уларнинг ярмини бошдан-оёқ рандалаб, йўниб қўйгачгина ярим кечада уйига равона бўлди. Эрталаб ўрнидан турганда дастурхонда пиширилган товук турарди, уни паққос тушириб, ишига кетаверди. Кечга яқин ёға бошлаган ёмғир тинмади. Бўкиб кетган, оёғи зирқираб оғриётган Симон уйга келаётганда Сона йўлини тўсиб, хонасига олиб кирди, ички кийимини алмаштиришга мос келадиган каттароқ кийим топилмагач, уни қипяланғоч қилиб ечинтириб, ўринга ётқизиб қўйди. Хуллас, Сона Симонни ётқизиб қўйиб, бутун энгилбошини ювди, қуритди, дазмол урди. Ёмғир уч кун тинимсиз ёғгани асаларилару ҳосил учун зарар бўлса-да, ҳар қалай, бир томондан яхши эди: Симон энди телиб олган биттагина иши билан банд эди. Шитоб билан ёғаётган ёмғир дарахтларни савалар, тўлиб-тошиб, ҳайқириб жарликдан сув оқар, бутун дунё эса қандайдир кимсасиз ва ёқимли бўлиб қолгандек туюларди.

Симон пешайвонда тахталарни рандалар, кесар, қайта-қайта ўлчарди. Паолаккина курсичага ўтириб олган Сона кулар, лекин ҳаво бузуқлигидан кўнгли ғашланиб, кўпроқ, уруш туфайли ўзи шаръий эрсиз қолганлигини ўйлаб, кўзёши тўкарди. Ўша кунлари тушликка у икки марта — биринчи гал Сонанинг кенжатоийи Цатердан олиб келган — акаси Сонага бозорлик қилиб бериб юборган гўшти, иккинчи гал, лойда тийганиб кетиб, тошга урилгач сўйилган қизил новвос гўштини пиширди. Емғир тинган куни унинг билим юртидаги ўртанча ўғли эшикдан кириб келди, жуда уятли иш бўлди ўшанда, ўн олти, ҳойнаҳой ўн етти ёшдаги йигитча, чамаси, ҳамма гапга тушунгандек эди. Шу сабабли у икки кун ўтар-ўтмас шаҳардаги ўртоқлариникига боришини баҳона қилиб, жўнаб қолди шекилли. Аслида, у Кировакандаги қайлигининг ёнига кетганди. Қизнинг ота-онаси эса пайсалга солиб ўтирмай, уни шартта фарзандларига уйлантириб, битта хонани бўшатиб беришди, яна куётўрани кўз очиб юмгунча ишга ҳам жойлаштириб қўйишди. Отасини кўрмаган Сонанинг кенжатоийи эса, — отаси армияга чақирилганда у чақалоқ эди, — Симонга мушук боладек сўйкалиб, эрталабдан кечгача соядек эргашиб юрарди. Симон билан Сона, боланинг меҳри дурадгорга тушиб қолди, деб ўзаро гаплашишар, лекин аслида бола ота меҳрини қўмсаётганди, ҳануз ҳанузгача у Грозний шаҳридан келган кезларида очиқ-кўнгиллик билан Симондан: «Соғлигинг қалай, дада? Уйимизга пол қоқиб берганинг эсингдами... Ўшанда боёқиш онам ҳали тирик эди... У эсингдами, дада?» — деб сўраб қўярди. Ўшанда, Симон ҳали полни қоқиб бўлмаган ҳам эдики, тоғдан хабар топиб келишди: нима дейсанки, Симоннинг беқарор кўппагини ёқтирмаган подачилар ферманинг ўттизта бўрибосарини унга олқишлагани баҳона бўлибди-ю, Агун шаттакилик қилиб подачилар билан қирилиб уришиб, уларни беадаб сўзлар билан ҳақоратлабди. Шунингдек, Симон бундан сўнг ўз уйига қадам босмаса ўзига яхши бўлишидек нохуш гапни ҳам етказишди унга. Умуман олганда, ака-ука Егор билан Амаяк урушдан қайтиб келгач, хотинларини ҳайдаб, бошқасига уйланиб жудаям тўғри иш қилишган, худога шукр, отасиз етимларни улғайтириш унча қийин эмас, мана, масалан Егорнинг олдинги хотини Сирушдан туғилган ўғли Грачикни олайлик, Кироваканда туф тошларни тарошлайди, иши тугагач, оғнига оппоқ кўйлак, оёғига акси кўринадиган қора

ботинка кийиб олади, Умуман, инсоннинг бахти тинч-  
тотув яшашда, ўзаро ҳурмату бир-бирига бўлган меҳр-  
муҳаббатда, лекин афсуски, бунинг тирноқчасиям улар-  
нинг оиласида, қоя остидаги қавакдек уйларида йўқ —  
падарига лаънат бунақанги ҳаётни.

...Симон билан Ёргга ишлайдиган йигитлар нима-  
нингдир ҳидини сезишгандек эди. Бир куни далада  
Егор кулиб, гап қотди:

— Менга қара, Симон, анчагина ранг-рўйинг кириб  
қолди, бу дейман, биронта санаторий-панаторийга бо-  
риб келмадингми?

Симоннинг юрагига ғулғула тушди, лекин кулгига  
олиб, гапга яраша жавоб қайтарди:

— Нима, мени лалайиб юраверадн, деб ўйловдинг-  
ми?

Аёллар гап нимадалигини дарҳол фаҳмлашди. Уша  
куниёқ булоқ бошидан келаётган минғир-минғир Шу-  
шан эркакларни кўрди-ю, йўлидан тўхтаб:

— Кимнинг юрагига ўт тушди?— деб қичқирди.

— Кимнинг бўларди, ошиқларнинг юрагига ўт туш-  
ди-да,— деди ўта тортинчоқ Маро унга жавобан.

Шунда қўлига кружка кўтариб олган минғир-мин-  
ғиру ва шаллақи Шушан Симоннинг ёнига келиб, қо-  
тиб-қотиб кулганча, унга сув узатди.

— Нимага ўзингдан-ўзинг ҳиринглайверасан!— дея  
жеркиди, хотиннинг бу қилигидан жони чиқиб кетган  
Симон, Шушан эса ўзини тўхтата олмай кулгандан  
кулаверди ўшанда.

Кейин аёллар қўшиқ айтиш васвасасига учрашди.  
тоғдан келишаётгандаям қўшиқ айтишарди:

Шундай кеча, ойднн бир кеча

Севги ширин, эркалaш ширин...

Дам олгани ўтиришгандаям оғизларидан қўшиқ  
тушмасди:

Шундай кеча, ойднн бир кеча

Севги ширин, эркалaш ширин...

Улар бамайлихотир ўринларидан туриб, яна қўшиқ  
бошланарди:

Шундай кеча, ойднн бир кеча...

Бунинг учун уларни айбсйтиш ноўрин эди, чунин  
ҳаммалари ҳам тул эдилар. Шушаннинг эри **Андрo**

Прагада ҳалок бўлганди. Ҳарбий хизматга чақириш пунктидан қочган Маронинг эри Ашотни эса 1942 йилда тутиб олиб, Манац жарлигида отиб ташлашганди. Лекин урушда дом-дараксиз кетган эркакларнинг кўпчилигини аёллар ўзларича шундай тасаввур қилишарди: эҳтимол, ҳозир улар олис бир мамлакат бўлган Америкада бўйинларига галстук тақиб олиб, Цмакут қишлоғида қолдирган хотин-халажларини қўмсашаётгандир... Ҳа, улар шунақа деб хаёл қилишарди. Лекин Симон дом-дараксиз кетган ўз қишлоқдошлари — бу эркакларнинг қаердадир, эҳтимол, Керчь ёнидадир, жон-жаҳдлари билан урушиб, ҳалок бўлганликларини аниқ биларди...

Қартошкани йиғиштираётган пайтларида, Агун Сонани дўппослашни мўлжаллаб қўйганди, минғир-миғир Шушан белкурагини кўтарганча унга ёрдамга ошиқди:

— Ҳой, ахчи... бизларнинг эрларимиз Гитлерга қарши жангга боришганда, фақатгина бизни ўйлашгани йўқ, кейин, сизларнинг эрларингиз соғ-саломат қайтиб келишган бўлишса, фақат сизлар учунгина келишгани йўқ, шунин биласанми ё йўқми?!— Унинг гапини минг мақомга солиб кўр, барибир у ҳақ эди ўшанда.

Агун қишлоқ советига шикоят ёзди-ю, оғзига талқон солгандек жимиб қолди; бир тупконнинг тагидаги лантани уйлари кўзига нобопдек кўришиб, унга тиш-тирноғи билан ёпишиб олди. Агун, кейинчалик янгидан қаҳр-ғазаб ва серғашлик билан эрнини узиб-узиб олиш учун шундай қилганди:

— Ҳой, бутун қишлоқнинг эри!.. Қишлоқдаги ҳамма хотинларнинг эри!.. Бунини қара-я, ҳамма эркакларни ўлдирибди, ҳамма ҳалок бўлибди-ю, хотинларга қушомад қилиш, кўнгилларини овлаш учун фақатгина Симон қаҳрамонларча ҳалок бўлмай, қишлоққа қайтиб келибди-я!..

Ана шундан сўнг бундай воқеа юз берганди.

— Ҳой, ҳамма хотинларнинг эри,— деди бир куни Агун,— суйганингни кунин битибди, бориб энди тобутга солиб олиб кел.

Худога шукр, худога шукр, Сонани Кировакандан тобутда олиб келишди, умуман-ку, Агуннинг кўнгли чўкмаслиги, бирон-бир жанжал чиқармаслиги учун жанозага бормагани яхшидир-я. Аммо-лекин тобутни барибир Симоннинг ўзи ясашига тўғри келди — кичик Симон бунақанги пайтда ер ютгандек ғойиб бўларди-

қўярди, чунки ясалган тобутга пул олиб бўлмайти-да ахир.

Йигирма отга юк бўладиган арпани Қасахдан олиб келиш учун колхозчилар йўлга отланишаётганди. Симон бир оғиз сўз айтмай, уларга қўшилиб, уч кун йўқ бўлиб кетди. Отларнинг суратигина от эди, ҳали тоғдан қор кетмаган, дарадан ўтган йўл оёққа чиппа-чиппа ёпишадиган лой, тентак шамол ўкиришини қўймас, йигирмата отни эса, Симон билан биргаликда, бор-йўғи беш кишигина бошқариб келаётганди. Хуллас, етиб келишгунча, жонлари ҳиқилдоқларига келди. Ярим кечада отларни отхонага боғлаб, арпа тўла қопларни боестирмага ташиб, уй-уйларига тарқалишди. Қизғиш тўлин ой ёритиб турган қишлоқ уйқуда эди. Гарчи баҳор нафаси уфуриб, совуқ унчалик сезилмаётган, оёқ остидаги музлаган лойлар қисир-қисир қилмаётган, бойчечаклар уч чиқариб қолган, қаердадир яқин-атрофда ит ҳураётган бўлса-да, қабристон мудҳиш бир қиёфада кўринарди. Симон қабристонга етмасдан анча берида тўхтади — худди мана шу қабристонга чақмоқ уриб ўлдирган Еғиш, Ованес бува, амакиси Овсеп, тоғаси Есай, яна Асатур, Ақоплар дафн этилганди.

— Ҳаммамизнинг келадиған жойимиз шу ер,— деганча Симон йўлида давом этди.— Ёзиларга нисбатан сизларга яхши, ноўрин гап айтган бўлсам, узр сўрайман...

Бу қабристонга яна Сато, Шогер, Манишак амма, Азат, Аршак, Несо, Несонинг Аршаги кўмилганди. Ҳаммасининг гўри устига исм-фамилиялари ёзилган қабр тоши қўйилганди, умрида на деҳқон, на тузукроқ овчи бўлган Аршакнинг қабр тошига эса, гўё мана шундай деҳқону овчи яшаб ўтганди, дейилмоқчидек, омоч билан милтиқ нақшлаб солинганди. Қишлоқдан урушга кетиб, қайтиб келмаган қирқ саккиз навқирон йигит эса қаердадир олис-олисларда қабрсиз ётарди. Улим ён-верингдагиларни биттама-битта териб кетаверар экан-у, сен эсанг абадийдек кўринганинг учун ундан кўрқмас экансан. Фақат, афсус, меҳнаткаш кишилар камайиб кетяпти, иш эса кўпайса кўпайяптики, камаётгани йўқ.

Симон Сонанинг уйига етганда сўқмоқ йўлдан бурилди ва... Сона пол тахталарини томидан пастга ташлаган омборхона ёнида довдирағанча тўхтаб қолди. Ана шунда қипяланғоч ҳолда кўрпа устида ухлаётган, тонг ғира-ширасида қорайиб кўринаётган Сона унинг



кўз ўнгида яна бир карра гавдаланди. Нима учун дунё бунақанги бемаъно, тушунарсиз ва қабиҳ экан-а!..

Симон Сонанинг уйи ёнида миҳлаб қўйилгандек турарди. Ҳозир якка-ёлғиз қолган Симоннинг баданидан совуқ ўтаётганди, уни бу дунёда ўзига жазб этадиган бирон-бир жой йўқ эди, чунки кўнгли фақат Сонанигина тилаётганди, Сона эса аллақачон ўлган ва қора ерга кирганди, қоятош остидаги уйи эса Симонга нисбатан нохуш, бир душманона кайфиятда эди.

... — Сона,— Симон буни зорланганча ичиди айтди, чунки овози борича бақирса, қўшнилар уйғонган, итлар вовиллаган, Агун ҳам етиб келиб, ўзининг бутун қаҳру ғазабини сочган бўларди.

Гамерга етиб олган Агун Симонни кутарди; у тошда ўтирганча, юкларни тушириб олишга кучи етмаётганидан отга ачиниб йиғлаётганди. Агун арқонларни бир неча жойдан бўшатганди, бироқ у чигаллашиб қолгач, нима қиларини билмай, от ёнига ўтириб, энди кўзёши қилаётганди.

... — Ахир сенга айтдим-ку бунақанги юк сенга оғирлик қилади деб!..

— Худди ўзинг тоғни урса талқон қиладиган паҳлавондек гапиришингни қара. Агар Ереванга сен боргудек бўлсанг ётиб қолишинг ҳеч гапмас,— йиғлаганча деди Агун.

— Агар ётиб қолсам — менга қарайдиган одам бор, худо кўрсатмасин, сен касал бўлиб қолсанг ҳаммамизнинг энка-тинкамизни қуритасан. Кейин, Агуник... Уғлингга айт, ЗАГСдан ўтишга шошилмасин, бир оз сабр қилиб турсин. Гапимни эшитяпсанми?

Овит томондан такси юк машинаси кўринди, кейин у бурилишдан ўтиб, кўздан ғойиб бўлди, мотор овози ўчди.

— Нима кераги бор бизга шунча ташвишни... Унинг минглаб топаётган пулидан тийинини кўрмасак, мақталса — бизнинг эмас, унинг номи мақталапти, келин ҳам яхшими, ёмонми,— қандайлигидан қатъий назар, барибир бизга бегоналигича қолади. Шаҳарга бериб қўйдикми уни, тамом, бизнинг ишимиз битди энди. Қизинг нима иш қилганди? Уғлинг биланам худди шундай бўлади.

— Сафсатангни бас қил. Жонимгаям тегиб кетди.

— Мана кўрасан, айтганим келади.

— Нима, бу билан пешонангга шунақа омадсизлик ёзилган, демоқчимисан?

— Ҳеч ким бу дунёда умр бўйи лаззатланиб яшмайди. Айниқса бу менинг чекимга тушган... Шофёрга айтиб қўйдим, ёнида сенга жой олиб қўядиган бўлди. Юкларни машинанинг устига ортамиз, ўзинг шофёрнинг ёнида кетасан, тинчроқ бўлади.

— Албатта, албатта... Донолигингни қара-я... Юкни машинанинг тепасига ортиб, ўзим кабинада кетаман, овитлик овсарлар эса юмшоққина жой топилганидан хурсанд бўлиб, юкларим устига ётиб олишади, шунақами?

Устига брезент тортилган машина одамга лиқ тўла эди. Симонга ёрдамлашиш учун пастга тушган шофёр Агунга юзланди;

— Тикин<sup>1</sup> Агун, сен менинг ёнимда кета қол.

Агун юкларни эҳтиёткорлик билан жойлаштиришларини кузатар экан, айни пайтда, менга қилинаётган бу иззат Арменнинг номига бўлган ҳурматдан ёинки Валод туфайли, йўқса кимам бунақанги толеи паст дурадгорни назар-писанд қиларди, деб кўнглидан ўтказди.

— Илтифотинг учун раҳмат, ўғлим, бензиннинг ҳидига тоқатим йўқ, шу, машинанинг усти маъқулроқ менга.

— Унга ҳамма гапни айтгин, тушундингми?— деди Симон.

— Нима?

— Сенга нимаики деган бўлсам, ҳаммасини унга етказ.

— Нима деяпсан, нимани айт деяпсан?

Мотор ишга тушиши билан машина пастликка қараб юриб кетди, кейин гуриллаб-гуриллаб, орқасига тисарилиб, аста-секин тепаликка кўтарилди бошлади — от ёнида қўлини кўтарганча турган Симон эса худди машинага қараётгандек ёхуд хотинига нималарнидир гапирётгандек кўринарди.

---

<sup>1</sup> Тикин — турмуш қурган жувонларга нисбатан нилатиладиган ҳурмат ифодаси.

## УФҚДАГИ ЯЙЛОВЛАР



Тоғ чўққисида опшоқ муз парчаси оқариб кўриниб, бир тутам булут сукут сақлаганча, унинг устидан сузиб бораётганди. Шўх бўзтўрғай булут остида қаноғларини дириллатиб, завқ-шавқ билан сайрар, ўзга юртларнинг соф, илиқ шабадаси эса булуту подалар, лочину тоғлар, ёзги яйлову ўрмонлар узра баркашдек қуёшни олиб ўтарди.

Бу ердаги ўт бағоят ширадорлиги сабабли дала қоровули ҳадемай югуриб келиб, барра ўтларни еяверасанларми, деб ўдағайлашидан чўчиган сигирлар очкўзлик билан ўтлашарди. Уларнинг қорни аллақачон мешдай бўлиб кетган, лекин нимагадир дала қоровули кўринмасди. Чўққидаги муздан бошланган жилға сигирларни оралаб ўтганди. Унинг шилдираши остида ўтлаётган сигирлар елинларини тобора сутга тўлдираётганлар, ичларида, ёнгинамизда жилға бор, деб кўйишарди.

Ўт-ўланларнинг ёқимли ҳидига бурканган сойликда эса фақат биттагина урғочи қўтос ўтларди. Сойликдан шабада эмас, ундаги биронта ҳид ҳам ташқарига ёйилмасди. Бироқ урғочи қўтос худди сузишишга шайдем таҳдидли бир қиёфада ўтларди, чунки пода ҳозироқ бостириб келиб, сойликдаги ўтларни пайҳон қилиб, расвосини чиқариб юбориши мумкин эди-да. Бирдан ўт таъмини йўқотди, қуруқ похолга ўхшаб қолди. Шундоқ ёнгинасида эса жилға оқаётганди. Бироқ, афсуслик,

шу пайт унинг бели жунжикиб кетди. Булут қуёшни тўсди шекилли. Урғочи қўтос жунжикиб, сояни устидан улоқтириб юбормоқчи бўлди, лекин териси, худди ўзиники эмасдек, қотиб қолганди. У бошини ёнига қайириб, бундан буёғига нима бўлишини кутиб турди: томирларида оқаётган қон сустлашиб, қуюқлашди, кейин бутунлай тўхтаб қолди, қулоғи ҳеч нарсани илғамай қўйди. Борлиқ сукунат қўйнига чўкиб, қоронғилашиб кетди. Булут ҳозироқ парчаланиб кетиши лозим эди. Лекин... Шабадаю, тўрғайю, жилғаю...— ҳамма ҳаммаси қаергадир яшириниб, ғойиб бўлганди... кейин тўсатдан яна унинг қон томирлари кенгайиб, гупуллаб ура бошлади.

Урғочи қўтос сойликдан аранг чиқиб олди — туманро юрган сигирлардан тортиб, уларнинг нарёидаги индамас булутгача кўзига иссиқ кўринди, аммо подада қўтос йўқ эди. Унинг қони қизиб, сезилар-сезилмас оғриғу илиқликдан болдирлари жимирлаб, бўйнидан думининг учигача ёқимли туйғу тўлқини дириллатиб ўтди. У сигирлар ёнидаги ҳўкиз билан сузишишга чоғланиб, қадам босди-ю, у ёққа боргиси келмаётганини, бояги аччиғидан мутлақо тушганини ногаҳон пайқаб қолди.

Ут-ўланларнинг жимжит салтанатида оромбахш бир хушбўй анқиб, бу кўм-кўк ўтли мамлакат бўйлаб таралаётган, айни пайтда, ажиб бир лаззатни қўмсатаётганди.

Урғочи қўтос маъраб юборди.

Сигирлар ён-верларига қарашди — қоровул кўринмасди, урғочи қўтос ўзидан ўзи маъраётганди. Шундан сўнг ҳўкизлари ёнларидалигидан, елинлари сутга тўлаётганию тепаларидаги қуёш уларни ўз нурлари билан силаб-сийпаётганидан ғоятда мамнун сигирлар ширин-шарбат сув яқинидаги ширага тўла, эгасиз, мўлкўл ўтлоқзорда яна ўтлай бердилар.

Икки оёғи орасида елини сал-пал эзилаётган урғочи қўтос ёзги яйловга қараб кетди. У соғдириш учун кампирнинг олдига бораётганди. Ногаҳон кўзига ёзги яйлов бир силкиниб, сойликда ғойиб бўлгандек кўринди, у икки-уч тутам ўт узиб, кавшанганча, саросималикда тўхтаб қолди. Ахир у кампирнинг олдига, яйловга кетяпти-ку. Нимага энди пода ҳалиям ўтлашдан бош кўтармаяпти? Сабаби битта: пода — сигирлар подаси, унинг ўзи эса — яккаю ягона урғочи қўтос, ҳамма гал шунда.

У чодир эшигига бориб маъради, кейин кампирнинг чиқишини кутиб турди.

— Ия, келиб қолдингми?— деди кампир.

— Нимага бунақанги пайтда келдинг?— Ҳали кун ёруғ-ку, сен бўлсанг аллақачон қайтиб келибсан?

— Пода ҳали далада, уларгаям қарамасдан кела-верибсан-да?

— Ҳа, майли, келишга келибсан, ке, энди соғиб қўя қолай.

— Елининг ҳали ярим ҳам бўлмабди-ку, нимадан қуруқ қолиб кела қолдинг?

Кампир елинини оғритиб соға бошлади. Урғочи қўтос бўйнини қийшайтириб, ҳидлаб кўрди — кампирнинг ҳиди, овози ҳам кампирники, лекин бу гал у жудаям ёмон соғаётганди. Унинг соғдиргиси келмай қолди. Узоқ-узоқларда, ундан ҳам олисларда ғира-шира кўринаётган қўтослар подаси бор эди, улардан бири эса ўрмонлару йўллар узра унга ўз соғинчини йўллаётганди.

— Ҳой... Сатик... бунақада мени топтаб ташлайсан-ку, ундан кейин ким соғади сени, қани айт-чи?

— Йўқ, сут олиб келмабсан бу гал, бориниям соғдирмадинг...

— Вой, вой, вой, бувингни босиб ташладинг-ку... Узингнинг бувингман-ку, ахир...

— Минас... молимиз ўзгариб қолибдими бугун, ўзини бошқача тутяпти...

— Ҳа-а-а, қочадиган пайтинг келиб қолдимми?

— Бўғоз бўлмоқчи. Июль, август, сентябрь, октябрь, ноябрь, декабрь, январь, февраль, март... март... апрель, май... яхши пайтда туғасан. Бузоқчанг мазали ўтлардан ейди, кун ҳам илиб қолган бўлади, май ойи бўлади...

Урғочи қўтос адирга чиқиб, кўм-кўк ўтлоқзорлар узра кўзни куйдираётган олис водийларга тикилди.

Ўт-ўланлар халақит бермаслиги ва қирғий албатта кўриши учун тулки дара ўртасида, кафтдек текис жойда ўлаётганди. У шабада кўнгли тусаганча юнглирини ҳилпирашиб ўйнаши учун қонун-қоидасини жойига қўйиб жон бераётганди.

Қуёш қиздираётган олисдаги водийларда терга ботган, жонлари танларига сиғмаётган қўтослар подаси елиб-югурар, улар орасидаги бақувват биттаси эса қони кўпириб, бошини баланд кўтариб, урғочи қўтосни ўз ёнига чорларди. Шундан сўнг урғочи қўтос маъраган-

**ча, шаталоқ отиб, адирлардан югуриб кетди...**

Нима қиялпти, нима қиялпти, нима бало қиялпти бу ҳайвон ўзи! — тулки унга ташланди. — Мана шу лаънати инини бунақанги говак тупроқли ердан кавла-масликни минг марта ўйлаганди-я!.. Тфу!.. — Тулки урғочи қўтоснинг нақ тумшуги тагидан лип этиб ўтиб кетди; ўзи оёқ остида топталиб кетишига бир баҳя қолган бўлсаям, ҳар қалай уни сал-пал қўрқитиб, йўлидан анча-мунча чалғитди-ку; четга чиқиб олган тулки қўнқайиб ўтирганча, ўзидан узоқлашиб кетаётган урғочи қўтоснинг орқасидан қараб қолди.

Урғочи қўтос тиканакли маймунжонзорни кўкси билан ёриб ўтиб, мулойим ёруғлик тушиб турган ўрмонга кирди: баланд-баланд дарахтларнинг танаси деярли шох-бутоқсиз, аммо илдизлари айқаш-уйқаш бўлиб кетганди. Урғочи қўтос ўрмоннинг бир текисда нафас олаётганини эшитди. Кейин ер чириган баргларга бурканди, айиқтовон кўплаб учрай бошлади, ундан сўнг бир тусли малиназор йилтираб кўринди. Малиназор урғочи қўтосни кўмиб юборди; дарахтларнинг ярмигача малина ҳидига бурканганди. Бир-бирига чирмашиб кетган шох-шабадалар унинг шоҳига илашар, бўтун теварак-атроф шитир-шитир қиларди. Малиназор тугагач, ўрмонга шунақанги сукунат чўмдики, урғочи қўтоснинг нақ қулоғи битаёзди.

Ердан кўзиқорин ҳиди анқир, ўтган йилги — чириган барглар билан қопланган ернинг ўзи ҳам чириб битгандек, урғочи қўтос билан биргаликда сойлик томон сурилиб, тушиб кетаётгандек туюларди.

Машҳур лофчи овчи Адам орадан йигирма кун ўтгач, сойликдаги ерни кавлаб ташланганини, илгари бу ерда бўлмаган тўнкани кўрди-ю, ичкарироққа киришга юраги бетламай, эсон-омонлигида тезроқ жуфтак ростлаш пайига тушди — у малиназорга кирмади, малинадан татиб кўрмадиям, аммо қишлоққа қайтгач, бармоқлари билан тамакни эзғилаганча, мақтана бошляди:

— Бир пайт айиқ билан тўқнаш келиб қолдим денг... у мени кўра солиб, ўзини сойликка урди... йўл-йўлакай дарахтларни ағдариб кетаверди... бутун малиназорнинг дабдаласини чиқариб юборди. Ортга қайтман, дедим ўзимга ўзим, қайтмасам бўлмайди, ов қийиш мумкин эмас...

Урғочи қўтос сутдек оппоқ нурга чулғанган ўрмон этагида, арпапоя рўпарасида турарди. Арпапоя бошоқларини тик тутғанча, ниманидир кутгандек қилт этмас, ҳеч нарса қуёшни тўсиб, уларга соя ташламасди,— дала тепасидаги қуёш беармон нур сочар ва ҳар бир бошоқ ундан ўз улушини олиб, секингина дончаларига ўтказаётганди; кейин арпапоя тебраниб, бу бошидан у бошигача шитирлаб кетди.

Дала бошида ўз исига бурканиб, интизор ҳолда турган — биттаю битта оқ гули билан гунчаси ва ўнлаб меваси бўлган наъматак остида сертук ёввойи асаларилар оиласи жон-жаҳди билан визилларди.

Дала кетидаги — барги кам, меваси сап-сарик асалдек товланиб турган нок дарахти танасида ялт-юлт ўйнаётган қуёш нурларига чўмганди. У танасига яшай етказган жароҳатдан етмиш йилдан бери оҳиста инграб келарди — бутун ёшлиги ана шу жароҳатни тузатиш учун сарф бўлди, бироқ, жароҳати ҳали тузукроқ битмаган ҳам эдики, Каранц Мацакнинг қилмиши уни ўртаб юборди: Каранц болтани унинг баданига зарб билан санчди-да, оғзини очиб, бурнини тортиб, қараб турди, кейин худди қуриб қолган ёғочни ёраётгандек, унинг поясидан ўттизта қошиғу учта чўмич ясаб олди. Нок дарахтининг энди бошқа дармони қолмаганди; у дала четида ҳорғинлик билан турганча кунни қачон битишини кутаётганди.

Баҳорги кўлмак сув қуриб, ер қурғоқчиликдан тар-тарс ёрилиб кетганди: урғочи қўтос оёқ босиши билан у палахса-палахса бўлиб кўча бошлади. Теварак-атрофга олма гули исини таратаётган бир боғлам пичан хуш ҳидлару қуёш остида қорайиб ётарди. Ёшгина ёнғоқ дарахтини обдан қоқиб, ҳосилини битта қўймай териб кетишганди. Ёнғоқ остидаги тошда ётган калта илон эса қуёшда исиниб, заҳарини қиёмига етказаетганди.

Кейин жазирама иссиқдан ҳансираб ётган Каранц тепалиги қад кериб кўринди — иссиқ ҳаво тўлқини урғочи қўтоснинг бошига урилиб, унинг бурун катакларини қуритиб юборди. У тепаликдан тушишдан аввал, ҳарсиллаб нафас олганча бир зум тўхтади, атрофига аланглаб қаради.

Тепалик остидаги қишлоқ худди кимсасиз жойга ўлшарди — боғ-роғлар қилт этмас, йўллар биёбондагидек сарғайиб, уйларнинг томлари зич ҳаводан гоҳ қизариб, гоҳ қорайиб кўринарди.

Тўсиқ остидан ўтган ариқ Каранцнинг карам экилган даласига қараб кетганди. Ялпоқ юзли кунгабоқарлар урғочи қўтосга қараб турар, япроқларини чаппасига айлантириб олган Адамнинг тераги эса оқариб кўринарди: у икки ёшли олма дарахтидан, картошка даласидан, гуллаган бодрингу гармдорилардан, карамдан — атрофида нимаики бор бўлса, ҳаммасидан оз-оздан сув ўғирлаб ичганди, лекин ҳозир терак чанқаб кетган, ташналик ўртаб юбораётгандек, ҳатто ўртаб, сабр-тоқатини тугатган-у, энди у ёмғир ёғишини интизорлик билан кутаётгандек бир қиёфада турарди. Бўрибосар қизил ит ҳарсиллаб нафас олганча тилини осилтириб, олма тагида ётарди. Асалари қутилари қатор қўйилган жойда қўлидаги мумни эзғилаётган ялтироқ бош, соқол-мўйлови оппоқ Саркис бува асалариларнинг визиллаб учши орасидан қадам товушини ажратиб, ўгирилиб қаради ва кунгабоқарлар ёнига ўзи ўрнатиб қўйган қўриқчини кўрди: Саркис буванинг эски камзули кийдирилиб, шапкаси чаккасига қўндирилган қўриқчи боғдаги гилосни чуғурчуқлардан сақлаши лозим эди.

Сўқмоқ йўл нарёгидаги уйни ўртадаги каттагина ҳовли молхонадан ажратиб турар, ҳовлига тўшалган чойшаблардаги дон эса олтиндек ярқираб кўзга ташланарди. Дон ёнида арслонга ўхшаб кетувчи кўппак мудраётганди. У ўзига-ўзи тинимсиз шундай дерди: «Мен — Басарман, донни кўриқлаяпман, аммо қушлар ҳозир уйқуда». Кейин у яна ўзига-ўзи деди: «Отлиқ келяпти, ким бўлиши мумкин у? Йўқ, отлиқ эмас, ҳўкиз келяпти, қизик, шундай иссиқда у қаёққа йўл олдийкин?» Ернинг билинар-билинемас силкиниши тўхтади, кўппак қандайдир баҳайбат махлуқ етиб келиб, ўзига тикилиб турганини мудроқ аралаш сездди. Кўзини очди — ия, бу урғочи қўтос-ку. Басар унинг ёнига югуриб бориб, тумшуғига тумшуғини теккизди — улар енгил-елпи ўпишишгач, кўппак подани кутиб олиш учун шу заҳотиёқ кўчага югурди. Бироқ офтоб қиздираётган жимжит кўча бўм-бўш эди. Кўппак бир оз ўйлашиб турди-да, бурилишгача, кейин четан девор бўйлаб юриб, нақ Каранц тепалигигача борди — офтоб қиздираётган кўча бўм-бўш эди. Ҳеч нарсага тушуна олмаган кўппак ғамга ботиб, орқасига қайтди, дон билан урғочи қўтос орасига ётиб олди.

Басарга бақрайиб қараган урғочи қўтос астагина маъради-ю, унга кўнглидагини айтмай, молхонага



қараб кетди, бөриб эшикни шохи билан итариб очиб, ичкарига кирди. Қоронғи молхона ютиб юборгудек эди. Кимдир яшириниб тургандек, кимдир пистирма қўйгандек, ундан оҳиста инграш эшитилиб турарди. Эҳтимол тўрида сергаклик билан ўлжасини пойлаб ётган ўргимчак ёки тўсинлар инграётгандир. Урғочи қўтос жойига бориб, кутиб турди. Охуридаги тош туз терлаб, аста-секин эриб кетаётган, охур тахталари қоронғиликда эскириб, чириётган, томнинг оғирлигидан болут тўсинлар қулаб тушай, қулаб тушай деяётган, хуллас, ҳаммаёқдан ўлим аста-секинлик билан ўрдинча бостириб келаётганди. У орқасига тисарилди — йўқ, уни на арқон, на бошқа бирор нарса тутиб турарди, — дарвоқе, бу ерга унинг ўзи кирди, ташқарида эса ёз ҳукмронлик қиляпти, сени қара-ю.

У молхонадан шаталоқ отиб югуриб чиқиб, ҳовлидан югуриб ўтар экан, маъраб юборди: мана, карам эгатлари, мана, чий девор, ҳув анови уларнинг кўппаги Басар, унинг ёнидаги эса дон, яна нима керак унга ўзи? Жазирамадан қизиб кетган олислардаги водийларда қўтослар подаси суви илиқ ҳовуз томон кетяпти, улардан биттаси эса жудаям куч-қувватга тўлган, ўзи-ям чиройли. Урғочи қўтос ҳовлидан чиқиб кетди. Кўрамиз, бу урғочи қўтос қаёққа бораркин, деб ўзига-ўзи гапирган кўппак унинг орқасидан эргашди.

Чий девор охиридаги уй олдида ловия қип-қизил бўлиб гуллаганди. Ўтган-кетгани тишламаса, таламаса, ённки ҳеч бўлмаганда бир вовуллаб қўймаса кўнгли ўрнига тушмайдиган, гавдаси узун қанжиқ ит ловиязорда гивирлаётганди. Шунинг учун Басар урғочи қўтосни қувиб ўтди-да, ловиязор олдида туриб олиб, бошию думини тепага кўтариб, атайин овози борича ҳуриб, қанжиққа вовиллай бошлади. Қанжиқ ловиязордан қорасини ўчирди, шундан сўнггина Басар ғолибона бир қиёфада ҳамроҳи билан четан девор охиригача борди; ёнма-ён юриб, булоқ ёнидан, ташландиқ боғу кичкина: бутхона ёнидан олиб ўтиб, уни қишлоқ четигача кузатиб қўйди. Қишлоқ ортидан ўтган сойликда болакайлар чўмилишаётганди. Нуник билан Гаянэ қиз бола эди, улар трусикларини ечишмаганди, Овик, Тигран, Манук ўғил бола эди — ўғил болалар эса қип-яланғоч бўлиб чўмилиши мумкин. Сои суви ҳам, болалар овози ҳам тиниқ эди, баркашдек тиниқ қуёш илк марта ерни болаларча ўйинқароқлик билан қиздираётганди. Ана шу қуёш ёритиб турган сарғиш тупроқли

Йўлдан у ёқдан-бу ёққа чайқалганча урғочи қўтос, унинг кетидан эса қизил тусли бўрибосар бораётганди; урғочи қўтос қум уюмини ҳидлаганди, кўппак ҳам ҳидлаб кўрди. Урғочи қўтос жилғани кечиб ўтди, кўппак эса сакраб ўтиш учун зир югуриб, камбар жойни излашга тушди. Урғочи қўтос илонизи сўқмоқ йўлдан тепаликка кўтарилганда, кўппак камбар жойни топди — сойдан сакраб ўтиб, бир оз югуриб бориб, тепаликдан ошди, бироқ бу пайтда урғочи қўтос жарликка тушиб олганди.

Улар Қизил дўнглигига чиқишганда пастдан эсан шамол қуёш тафтидан қуриб-қовжираб, жизганак бўлган дала гуллари кукунини учуриб келди. Урғочи қўтос ўгирилиб қаради; кўппак: «Ҳой, Басар, урғочи қўтос қаёққа йўқолди?»— деб одамлар сўрашганда, уларни шу ерга бошлаб келиб, бундан буёғига қаёққа нетганини билмайман, деб айтиш учун, бу жойни худди яхшилаб эслаб қолмоқчидек, дўнгликда чўққайиб ўтириб олганди. Басар урғочи қўтос то сўқмоқ йўл бурилишига етиб, кўздан ғойиб бўлгунча қараб турди, кейин унинг тобора узоқлашиб кетаётганидан, яна нампир, мана учинчи йилки, уни ўзи билан ёзги яйловга олиб бормаётганидан бир оз маъюсланди ва... бирдан ўрнидан ирғиб туриб, уйга қараб чопиб кетди — Басар йўқлигида эс-ҳушларини йиғиб олган қушлар донни чўқиб ташлашяпти, ахир.

Урғочи қўтос сўқмоқ йўл билан биргаликда бурлиб, сойликка тушиб борди. Қаердадир шу яқин атрофда булоқ бўлиши керак эди; урғочи қўтос уни қидириб топишни ўйлаётган ҳам эдики, бирдан бурун парракларига янгигина ҳайдалган қоратупроқли ернинг ачимсиқ ҳиди урилди. Жизганаги чиққан поёнсиз ер ўртасидан ҳайдалган бир парча жой ёнидаги нок дарахти ёстида буқалар дам олиб ётар, уларнинг иккитаси эса қўтос эди. Мана, уларнинг биттаси, худди шу атрофда ўз наслидан бўлган урғочи юрганлигини сезиб, бошини кўтарди. Қўтос уни сизди, энди у ичию таши — бутун аъзойи бадани билан қулоққа айланиб, ўзига яқинлашиб бораётган урғочисининг босган ҳар бир қадамини эшитяпти.

Урғочи қўтос қоратупроқли ер ҳидини димоғида туйганча, бир уринишдаёқ сойликдан чиқиб олди — тўрт томонда қуп-қуруқ дала бўзрайганча ястаниб ётарди. Нафасни қайтарувчи иссиқ ҳаво ёпирилиб, унинг бурун катакларисидаги ҳайдалган ернинг ачимсиқ,

салқин ҳовурини қуришиб юборди. Дала мутлақо жонсизга ўхшарди. Ургочи қўтос бўриқ овозда мўраб, жавоб кута бошлади, бироқ унинг чақирғини кимсасиз бўшлиқ ютиб юборди. У оёқларини ерга маҳкам тираб, дунёдаги турфа овозлар ичидан машаққатли ер ҳайдашнинг ўзига хос овозини ажратиб ола бошлади: ана, ўт-ўланларнинг ер остига кириб кетган илдиэлари қисирлаб синяпти, жўяклар қорайиб қоляпти, олдинда қўшчи чайқалиб боряпти, қўтослар эса оёқларини букканча плугни тортиб кетишяпти...

Ургочи қўтос пишқириб, ўзини мутлақо унутиб, ер юзидаги барча ҳиду овозларни топтаб, олдинга ташланди.

У янглишганди. Ҳеч қанақанги ер ҳайдалмаётганди. Қайтамга тошлоқ жой бошланди ва бу жой мутлақо сесканмаган ҳолда унинг оғир қадамига бардош берди. Ургочи қўтос жойида тўхтаган эди, тошлоқ унга парво қилмай, қимир этмай тураверди. У тисарилганди, тошлоқ ҳам у билан биргаликда орқага сурилди, кейин тўсатдан ер қаърига кириб кетди. Даланинг қаеридадир ҳайдалаётган ердан келаётган силкиниш эса астасекин сўнаётганди, демак, эгат четига чиққан қўтос ҳозир унга кўзларини лўқ қилиб тикилиб турибди. Ургочи қўтос унинг овозини эшитгандек бўлди. Яна эшитиш учун тўхтаб, қулоқ солди, бироқ ҳеч қанақанги овоз эшитилмади, ҳаммаёқ сув қуйгандек жимжит эди. Ургочи қўтос юриб кетди. Оёқ остидаги ер энди қумоқ-қумоқ тупроқли бўлиб, ҳар қадам қўйилганда тарамтарам бўлиб ажралиб, унинг қора, сиппа-силлиқ туёқларидан анови қўтосга хабар етказаётган, айна пайтда, ургочи қўтосга унинг мардонаворлигидан мужда келтираётганди.

У яна янглишганди. Ҳайдалаётган ер йўқ эди, аксинча, ернинг устки қатлами юпқалашиб бориб, яна тошлоқ ўзини кўрсатди, кейин ургочи қўтоснинг йўлини қоп-қора жағидан ўта тундлик билан кўз узмай қараб турган қоятош тўсди. Ургочи қўтос маъраб юборди — жимжит чўл-биёбон бир лаҳзагина унга қулоқ солиб, титраб кетди; акс-садо берди, фордан эса қушлару тулкининг димоқни ёрадиган қўланса ҳиди анқиди. Ургочи қўтос қўланса ҳиддан жирканиб пишқирганча, орқасига ўгирилиб, туманли олис-олисларга тикилди — ким билсин, худо унинг учун ўша томонда биронта қўтосни омон қолдирганмикин ё йўқми. Ургочи қўтосга оёғи остидаги ер ўпирилиб кетаётгандек туюлди-ю, бирдан кўзи-

га қон тўлиб, қутуруб, шохи билан олдинга ҳамла қилиб, ҳар шаталоқ отганда ерни ўймалаб йўлга тушди, кейин тўсатдан яна бошига қон урилиб, оёғи остидан ер тагин узоқлашгандек бўлди — тикка жарлик дарада пистирма қўйиб, нафасини ичига ютганча уни кутаётгандек туюлиб кетди. У бу гал ҳам хато қилганди: оҳ, осмондаги мовий худо уни кўряпти, ҳаммасини кўриб турибди, — у бор кучи билан маъраб юборди. Унинг зорли илтижоси дала бўйлаб ёйилиб, қуёш ҳароратидан кўриб, ер юзидаги оҳиста шитирлашлару қўмсаш билан қоришиб кетиб, сукунатга айланди. Бу ерлардаги бинафшалар ёздаёқ сув томчиларию тукли арилар қанотидан озиқланган, гулсафсарлар ўз уруғларини аллақачон ерга тўккан, асалга бой гул эса шудрингдан ўз улушини ичиб, ўзига тегишли ҳароратини олиб, уруғини қаттиқ бошчаси ичига яширишга аллақачон улгурганди — ана энди у бемалол ўлаверса бўлади.

Урғочи қўтос ҳайдалган ерга қадам босиб, дўнгликлар билан гоҳ кўтарилиб, гоҳ пастга тушиб, суст юриб кетди.

Шапкасини кўзигача бостириб, нок остида мудраётган қўшчининг қулоғига қўтоснинг сув ичаётгани, кейин у бошини ариқдан кўтариб, силкитиб қўйиб, иезига қайтаётгани чалинди, кейин унинг кўзига кўкраклари қаттиқ, қорни катта — яланғоч аёл кўрина бошлади; қўшчи унинг жарангдор кулгисини эшитиб, ўзича кулимсираб, «яна бу нимаси» деб ўйлаётганди, аёл бирдан чўпон болага айланди — у илиқ-милиқ кўлмак сувдан бошини кўтарган бир кўзли қўтосни кўриб қолиб, унга отиш учун ерга эгилиб, қўлига кесак ола бошлади. Кейин қўшчи иссиқ пасайиб, нимадир ер юзи бутунлай салқин бўлиши учун қанотларини чўзаётганини туйди. Бир пайт, нимадир ўзига юқоридан қараб турганини ҳис этган қўшчининг орқаси жимирлаб кетди: нимадир унинг ёнгинасида писиб турганди. «Бу яна нимаси», — қўшчи ичида шундай деди-ю, мудрашда давом этмай, бу гал ўрнидан туриб ўтирди, хира кўзларини теварак-атрофга югуртирди. Илгари ҳайдалган ер узоқларга чўзилган, қуёш тиккага келган, яқинлашаётган ҳўкизларнинг тапир-тупири эшитилаётганди. Қўшчи этигини кийиб, керишиб, ўрнидан турди, маза қилиб узоқ эснади, кейин яланғоч аёл ёнида йўқлигидан аччиқланиб, ҳўкизларни секинлик билан ҳайдаётгани учун чўпон болани эндигина уришмоқчи бўлган

ҳам эдики, бирдан ҳайдалган ер ўртасида бамайлихотир турган урғочи қўтосни кўриб қолди.

— Ия, ахир сени гўштга топшириб юборгандик-ку, қаёқдан келиб қолдинг яна?

Урғочи қўтос мўраганча, янгигина олинган эгат бўйлаб юриб кетди.

— Йўқ,— деди қўшчи,— сени эмас, бошқасини гўштга топширган эканмиз. Аҳволингга тушундим — қўтос қидириб юрибсан. Бечора ҳайвон,— унга ачинганча давом этди қўшчи,— қўтосни яқингинада гўштга топшириб юборгандик-а.

Бир кўзли қўтос кўлмак сувдан чиқиши биланоқ ўз зотининг ҳидини олди, айни пайтда, ана шу зотининг қайғули чақирғини эшитди. Унинг бир бўйинтуруқдаги шеригини кушхонага ҳайдаб кетиб, ўзини роса қутурган ҳўкиз билан қўшга қўшиб қўйишди — яна занжирни уларнинг бўйнига шунақанги ҳисоб-китоб билан солишдики, қўтос бўйнини қайириб қараганда бу бадфёъл ҳўкизга тумшуғи етмас ва аксинча, ҳўкиз бунақанги бақувват, ялқов, насл олиш учун алоҳида парваришни талаб этувчи қўтосни бемалол юлқиб турткилай оларди. Бўйнини бутунлай эгиб қараб, ниҳоят ўз жинсини кўрган қўтос соғинч билан маъраб, урғочи қўтос томон келаверди. Улар бир-бирларига яқинлашиб боравердилар, жуда яқинлашганларида эса — қўтос унинг бўйинтуруқдаги ўз шериги эмаслигини пайқади. У тумшуғини урғочи қўтоснинг устига қўйди ва худога арз қилиб, бўйинтуруқдаги ўзининг олдинги шеригини тирилтириб беришини сўради, бироқ унинг ҳайқириғи бўғзидан чиқмади, чунки худди шу лаҳзада аллақандай ҳам таниш, ҳам нотаниш — у буни фаҳмлаб улгурмади — бир пайтлардаги эркаклиги уйғониб, баданини жимирлатиб, яна шу заҳотиёқ босилиб қолганди. Йўқ, унинг эркаклиги эмас, қолган-қутган ҳиссиётигина сал қўзғалиб, унинг бир неча пудли танасини безовта қилганди, холос. У тумшуғини урғочи қўтос устига қўйганча, бор кучи билан мўраб олис-олисларгаю худога илтижо қилди — у сўқир кўзи томонидан фақат қоронгиликни, соғ кўзи билан эса қўшга қараб кетаётган ҳўкизларнигина кўраётганди.

Урғочи қўтос яна озроқ сабр қилиб турди. Бироқ қўтос мўрашдан нарига ўтмади. Урғочи қўтос ўзининг иссиқ биқинлари билан унга суркалди, суйкалаверди; қўтоснинг баҳайбат гавдасию бурун парракларию қорни — бутун борлигида аъзойи баданига титроқ югур-

гаи ургочи кўтос уни одамлар мўздан панароқ ерга ундаб, маъради. Бироқ кўтос фақат бўйинтуруқ учун яратилгандек, ўша-ўша вазминлик билан қимир этмай тураверди.

Ургочи кўтос қўшчидан, унга кейинчалик боши катта кўтосча ҳадя этиш учун кўтосни бир кеча-кундузга сўраётганди, бироқ у ўз кўтосини қулоғидан ушлаб, қўшга қўшиш учун судраб кетди, кўтос эса эркаклигига бормай, ўз бошини бўйинтуруққа бамайлихотир тутиб берди.

Ургочи кўтос қўшчи билан эгатнинг бу бошига келди, кейин қўшга яқинлашиб, кўтосга суйкалиб, уни бўйинтуруқдан чиқишини сўради, бироқ у думини силки-тиб қўйганча, хотиржам ва бепарволик билан плугни тортиб кетаверди. Шундан сўнг ургочи кўтос ҳамжинсини шохи билан секингина туртганди, у қўш остидан кўз ташлади: бир кўзи кўр, бўйни қотиб, дағаллашиб кетган кўтос жудаям ачинарли аҳволда эди. Ургочи кўтос плуг билан биргаликда яна эгатнинг у бошидан-бу бошига бориб келди,— йўқ, бу кўтос эмас, ўз ёнидагига ўхшаш бир ҳўкиз эди. Ургочи кўтос тўхтаб, уларнинг изидан қараб қолди — плуг ундан узоқлашгандан-узоқлашиб кетаверди.

Ургочи кўтос сўқмоқ йўлдан бориб буталарга етганда тўхтади, орқасига ўгирилди — ҳўкизлар эгат бўйлаб шўшилмай борар, улар ортидан ҳайдалган юмшоқ ер чизиқчадек чўзилиб қолар ва буларнинг бари аллақачон ҳалок бўлган-у, фақат дафн этилмаганга ўхшарди. Ургочи кўтос буталарни босиб-янчиб, тезроқ бу ердан даф бўлишга ошиққанди, унинг оёғи остидаги ер яна тошлоқ билан алмашинди. У сўқмоқ йўлни бир лаҳзагина йўқотиб, кейин топиб олди. Булоққа қараб кетган сўқмоқ бир пайтлар солинганидан тез-тез кўздан йўқолиб, тагин пайдо бўларди. Бир пайт қоятош унинг олдида қад кериб кўринди; сўқмоқ йўл қоятошни айланиб ўтиб, жарликка тикка тушиб кетган ва булоқ бошида тугаганди. Ундан у ёғи сой эди. Сойда эса хонбалиқларнинг христиан жамоаси ўз ҳолича яшарди: битта синган қамиш, иккита узун зарпечак, сув остидаги зумраддек қум, тушиб турган иккита ёғду-ю, сув юзида фингиллаётган уч-тўртта чивин, яна она-балиқ, ота-балиқ, қиз, ўғил-балиқчалар,— ўнлаб балиқчалар бор эди сойда. Лекин... лекин...

Ургочи кўтос булоқни топа олмади, булоқ йўқ эди. Қаердадир, шундоққина биқинидан унинг ҳиди, шил-

дираши эшитилиб турарди-ю, бироқ ўзи йўқ эди. У бир оз айланиб булоқни топгандек бўлди, ammo шу зақотиёқ яна йўқотиб қўйди — булоқ урғочи қўтосдан нарига қочиб кетаётганди. Кейин кутилмаганда оёғи остида чўян жаранги эшитилди. Турган гапки, булоқ суви чўян остидан оқаётганди. Урғочи қўтос сув ичиш учун чўккалаган эди, чўян унинг тумшугини итариб юборди. У ўрнидан туриб, атрофга кўз югуртирди, — ҳеч қаерда бошқа булоқ кўринмасди, у яна олдинги оёқларига чўккан эди, зил-замбил бўлиб, миқ этмай ётган чўян яна унинг тумшугини итариб юборди. Урғочи қўтос у билан сузишишга аҳд қилди, — шохи чўянга бориб урилди. Бироқ чўян миқ этмади — у минг йил бўлсаям қимир этмай шу ҳолда ётавериши мумкин эди-да. Чўян четларини ялаб сув ҳидини туйган урғочи қўтос ғазабдан кўзи қонга тўлди, ammo ҳид ҳидлиги-ча қолаверди, — уни сувга айланишига чўян йўл қўймаётганди. Урғочи қўтос чўянга тиралиб, унинг шохлари орасига ўз шохини тиқишга урниб, бошини силкитди, бироқ силлиқ чўяннинг бирор жойидан илиб ололмади. Шундан сўнг уни бор кучи билан сузди, лекин барибир сувга етолмади, тўғрирори сув ҳам бор, ҳам йўқ эди: урғочи қўтос чўянга шохлари билан тиралиб уни ўрнидан қўзғатиш учун роса уринди, — ҳеч иш чиқара олмади, охирида шохи сирғалиб кетиб, чўянни ўраб турган цемент плитасига ўзини урди-ю, шикаст еди.

Ҳолдан тойган урғочи қўтос қуёш ботаётганда катта йўлни кесиб ўтиб бирдан кўздан ғойиб бўлди — дарада кўринмай кетди, анчадан кейин эса тепалик қиррасида кўкимтир тусда пайдо бўлди. Шу пайт тугаётган куннинг бор хуш ислари барча буталардан бир йўла ҳавога кўтарилди, лекин қўтос ҳидини биронта шамоя ҳам урғочи қўтосга олиб келмади. Ғамгин оқшом ўрнини тунга бўшатиб берган, тоғ чўққиларидаги қуёш шуъласи ўчган кезде урғочи қўтос тепалик қиррасида турганча маъраб, нимагадир хитоб қилди-да, зулмат қўйнига чўмган водийга тушиб борди.

Жимжитликни сув овозигина бузиб турарди. Урғочи қўтос бир неча қадам юрмасданоқ сувнинг илиқ ва сассиқлигини пайқади. Сал нарироқда эса бошини тик тутганча от турарди, у то яқинлашиб келаётган махлуқ урғочи қўтослигини аниқ билмагунча, шу ҳолида тураверди. Бироқ урғочи қўтос ёнидан ўтаётганда ҳам у қимир этмади, ўтламади, — тун қоронғисида у ғамгин

кўринарди. Жўяклар оралаб оқаётган сув кўлмакчалар ҳосил қилиб, гоҳ ярқираб кўриниб кетар, гоҳ тинимсиз учаётган кўршапалаклар соясида кўздан йўқоларди. Урғочи қўтос янглишиб, билмасдан полизга кириб кетдими ёинки худди шу ерда четан тўсиқ бузилиб, иккига ажралиб кетганмиди, ҳар қалай унинг оёғи остида қандайдир янтоқ қарсиллаб синди.

— Келаётган қанақа махлуқсан?

У иккиланиб, тўхтаб қолди.

— Отмасмисан?

Урғочи қўтос бошини эгиб, ёриқдан полизга ўтмоқчи бўлганди, бир-бирига чирмаштириб қўйилган қуруқ шохлар қарсиллаб синди.

— Нимага овозингни чиқармайсан, қанақа махлуқсан ўзи?

Ачиган тарвуз ҳиди келди, кейин ўқ овози эшитилди.

Бу воқеа шабнамли куз кунларининг бирида, кечаси содир бўлганди. Карам экилган далага адашиб кириб қолган урғочи қўтос совуқдан қават-қават ўралиб олган, серсув, ширин, яна ёқимли карам бошларини хўп иштаҳа билан еяётганда бирдан ёнида кимнингдир сояси пайдо бўлди-ю, орқасига чивиқ билан тушириб қолди. Кейин у то кўкси билан четан тўсиқни ёриб, қўшни ҳовлига чиқиб кетгунига қадар, бояғи одам уни очиқ дарвозага йўлатмай, қорнига боплаб тушириш учун анча вақтгача қувлаб юрганди...

Сўқмоқ йўлга кутилмаганда жон битиб, урғочи қўтосни икки айланишдаёқ жарликка, у ердан тўппа-тўғри булоқ бўйига олиб бориб қўйди, кейин бузилиб кетган оғилхона томонга бурилиб, ўрмон ичига кириб кетди. Бойқуш ўрмонданми ёинки оғилхонаданми, ишқилиб авалига худди чақалоқ йиғисидек, кейин нақ шайтон кулгисига ўшаш — қўрқувга солиб, баданни жунжитириб юборадиган овоз чиқарди. Оппоқ кийимга буркалиб олган аёл қорақайин орқасидан ярим-ёрти кўриниб, урғочи қўтосни кутиб турганди. Аллақаердан яна гўдак йиғиси эшитилди, қорақайин ортидаги ёруғлик ўчди, ана шунда урғочи қўтос ўша томондаги чириган тўнкани кўрди. Кейин тўнка яна аёл кишига айланиб, сукут сақлаганча, кўзлари билан уни ялтироқ қуртлардан холи ўрмон ёқасигача кузатиб қўйди.

Елини уёқдан-буёққа чайқалаётган, ўмровли, кичкинагина бошли узун оёқ она бўри бутадан сассиз ажралди-да, икки сакрагандаёқ тоғ ўртасидаги тор йўлга етиб, нақ муҳрлаб қўйилгандек, тошга ёпишиб



олди. Ер босилаётган қадамга мос равишда силкинаётганди, кейин қадам сустлашди, эҳтиёткорлик билан қўйила бошлади, ундан сўнг бутунлай тўхтаб қолди. Бўри кўзини юмди, ўзини жонсиз кўрсатишу мутлақо сездирмаслик учун кўзини чирт юмиб олди.

Туёқлар тараддулланиб, бир ерда депсина бошлади. Кейин урғочи қўтос олдинга қараб кетаверди. Бироқ, тор йўлдаги пистирмадан ҳадиксираб, яна тўхтади; тор йўл-ку тор йўл, лекин сўқмоқ йўл нимагадир ҳудди ўша ердан ўрқачдек кўриниб турарди. Урғочи қўтос қадам қўйганди — ўрқач нафас олди, тўхтаб, қараб турганди, яна нафас олди, тор йўлни эса бўри ҳиди тутиб кетганди. У жирканиб пишқирди-да, туёғини ишдан чиқариб — оёғи остидаги майда тошчаларни топталаб, сўқмоқ йўл четидаги катта текис тош устига сакраб чиқиб олди; кейин ётсираганча атрофига тикилиб қарай бошлади — бўрини тумшуғидангина таниб турганди, чунки харсангтош устидаги тош тош эмас, бўри эқанлигини она бўридан бўлак ҳеч ким ҳали билмасди-да. Урғочи қўтос ана шу тошга тикилди, кейин сўқмоқ йўлни назардан ўтказиб, яна тошга тикилди. Уни ён-верларигача синчиклаб кўриб чиққач, пастга тўшиб, бўри устига қараб юрди. Бадани жимирлай бошлаган она бўри эса оҳиста ўрнидан қўзғалиб, сўқмоқ йўл ўртасида турганча, тўрттала оёғини кериб, бир силкиниб олди, тишларини иржайтирди — у ўзини ҳимоя қилишга чоғланганди.

Урғочи қўтос уни туёқлари билан топталаб, мажақ-мажақлаб ташлаш учун устига бостириб бора бошлади, бўри эса кутиб туришга аҳд қилди — ким билсин, балки, урғочи қўтос фикридан қайтиб қолар. Бироқ у бўрини топташ учун босиб келаверди, шундан сўнггина она бўри оёқларини керганча, орқасига тисарилди. Урғочи қўтос оёғи остидаги майда тошларни жонжаҳди билан босиб, ғанимини туёқлари билан янчиб ташлаш учунгина бораётганди, — она бўри думини қисганча, сўқмоқ йўлдан яна озроқ орқасига сурилди. Урғочи қўтоснинг бўйни лаҳм гўшт эди, томоғининг турган-битгани гўшт эди, елинининг турган-битгани... Урғочи қўтос йўлидан тўхтаб, бўрининг жўнаб қолишини талаб қилди — униси эса яна озроқ орқасига чекинди. Урғочи қўтос пишқирганча нафасини ростлаган эди, бундан чўчиган бўри яна сал-пал орқага тисланди. Урғочи қўтос қутуриб, овозининг борича маърағанди, бўри ҳудди пуфлаб учириб юборилгандек жойидан

ғойиб бўлди. Афсуски, уни инда тўртта бўривачча кутаётгани — улар она бўрини жонини суғуриб олгудек эмишади, эркак бўривачча эса ҳар гал иккита эмчагига ёпишиб, уларни қутурганча чайнаб ташлайди. Уларнинг отаси кўйга кетди-ю, дабдаласи чиққан қолда қайтиб келди, болалари олдида бир неча фурсат бўлди, кейин, кўздан олисроқ бирон-бир хилват жойда ўлиш учун ғам-ғуссага ботганча индан узаб кетди.

Кетаётган урғочи қўтоснинг орқаси қимирлаб, тотли ва турган-битгани лаҳм гўштли елини оёқлари орасида чайқалиб борарди, — юмшоқ елинининг ярмини, ҳеч бўлмаганда озроғини, ҳеч деганда бир тишламини узиб олганда нима қиларди, — бўрининг кўз олди қоронғилашиб, дунё парчаланиб кетди.

Дунё унинг кўзига жудаям узоқ вақтгача, — эҳтимол, бор-йўғи бир лаҳзадир, — қандайдир хира, файзсиз кўринди-ю, кейин яна шитир-шитир овозларга тўлиб, чароғонлашди. Инда уни тўртта бўриваччаси кутиб ётибди, боши катта боласи барваракайига иккита эмчагини эмади, шундаям барибир бу унга кам, анови урғочи қўтос бўлса уни тепиб ўтди. Яшаш бир пайтнинг ўзида ҳам мароқли, ҳам кўнгилсиз. Унинг қон томирларию суякларидан елинига сут тўпланаётган, айни пайтда сафроси ўйнаб, кўнглини оздириб юбораётганиди. Нима бўлсаям, урғочи қўтоснинг устига ўзини ётиб, бўйнидан гарчча тишлаб олиши керак эди. Майли, ёрдамчилари сал каттароқ бўлсин, ўғли бир ёшга тўлсин, ўшанда... Вой худойим-ей, бизни машаққатли қаёт учун яратишга яратибсан, бу сенинг ишинг, фақат сал-пал ёрдамлаш, ҳеч бўлмаса, шундай бир иш қилгинки, сутга сафро аралашмасин, йўқса бўриваччалар серғаш ва заиф ўсади.

— Басар, нимани кўриб қолдинг у ёқда? — сўради подачи итидан.

Ўрмондан ялангликка чиқиб олган урғочи қўтос хурсандлик билан маъраб юборди. Бошини кўтариб қараган сигирлар уни танишмади. Ғунажин тутақтириб юборган буқа, шу заҳотиёқ, ашаддий душманим келди, деган ўйга борди. Урғочи қўтос эса унга парво қилмай, кўзлари билан пода ичидан қўтосни қидира бошлади.

— Қимнинг урғочи қўтосисан, шу келишингда қадан келяпсан? — сўради подачи. — Э-э, қўтосни қўмсаб қолдингми, қаёқдан топдик энди сенга уни?

— Сен... цмакутлик урғочи қўтосмисан? Марго бу-

вининг урғочи қўтосисан-а. Ахчи, бу тоғлару даралардан — ахир ўғрилар, бўрилар тўлиб ётибди бу ерларда, — қандай ўтиб, бу ерларга етиб кела олдинг, ахчи? Марго буви бундан чиқди ҳали тирик экан-да. Унинг ўғли урушдан қайтиб келмади, у ҳалок бўлганини, Болтиқ денгизи қаърида қолганини бувиға етказишим керак эди, лекин бунақанги мусибатни қайси тил билан айта оласан...

Бутун фикр-зикри сигирлар орасидан ўзи қидираётган қўтосда бўлган урғочи қўтос, ниҳоят, буқа ўзи билан сузишгани келаётганини аранг фаҳмлаб етди. У бўйинини пастга эгиб, буқага хезланди, кейин ялангликнинг илиқ ҳавосини тўйиб симирди-да, олдинга сакради, бироқ унинг қаршисида энди буқа йўқ эди, — у орқасига ўгирилиб кетаётганди: подачи кула-кула уни подага ҳайдаб юборганди:

— Ахир бу урғочи-ку, урғочи билан сузишиб бўларканми, урғочи билан сузишиш мумкин эмас...

— Ахчи, ахчи, сени ҳимоя қилялман ахир, тушуниш керак буни, ҳа... Жудаям биққидек сиппа-силлиқ, бақувват экансан... Урғочи қўтоснинг мацунини нчмаганимгаям ўн йил бўлди-ёв, таъмини ҳам унутиб қўйдим унинг... Нима сени бунақанги талаб, елинингни яра қилиб юборди? Итми? Бўрими? Тўхта, тўхта... жароҳатинг оғир-ку, оғримаяптими?..

Урғочи қўтос пода томонга югуриб кетди — албагта у ерда қўтос бўлиши керак. У подани бошдан-оёқ айлаиб чиқди, сигирларнинг ҳаммасини бирма-бир ҳидлаб кўрди, лекин уларнинг бари сигир эди, улар ўтлаб, елиларини сутга тўлдираётгандилар — подадан сут аниқётганди — еяётган ўтлари ширадорлигидан, сувлари яқинлигидан, яйловлари қулайлигидан сигирлар хотиржам ва дадил эдилар, ўз буқалари ёнларида эканлигига уларнинг ишончлари бутунлай комил эди. Бир хил кўришнидаги бу сигирларга тепадан қараган урғочи қўтос аламдан маъраб юборди — ўзгаларнинг бундай ёрқин бахти орасида ҳозир у фақат бир нарсани — йўқ бўлиб кетишни, нафас олмасликни, ўлишни истаётганди.

Қачонлардир шундай замон бўлганди: худо-қуёш кузатувида қўтослар подаси суви илиқ қўлга қараб боришарди. Оналарининг ёнида болалардек атай-чечай қилиб гандираклаганча, бўйинлари ингичка, бошлари катта, катта бошларида сал бўртган — худди ҳамирдек юмшоқ шохчалари бор қўтосчалар кетишаётганди. Ғунажинлар бўлажак оналикнинг ёқимлию хавотирли ҳис-

сиёти билан тўлиб-тошганди, қўтослар эса дам-бадам орқаларига ўгирилиб важоҳат билан маъраб қўйишарди: ҳеч ким орқада қолмаяптими, ҳамма келяптими? Кўп онлали каттадан-катта пода ўт-ўланлари жизғанак яланглик бўйлаб борарди, аммо... уларнинг ҳаммаси қани энди?

— Кўнглингагини топишинг учун сени қайси томонга юборсамикин? Кел, сени яхшиси...

Подачи урғочи қўтосга қамчи туширганди, у Кечут томонга қочди, лекин Кечутга бориш мумкин эмасди. Кечут аллақачон ишчилар посёлкасига айланганди; у ерда тахталарни парда яхшилаб буглаб, эгиб, бурама миҳларни битта қолдирмай бураб, Эронга экспорт стулларни жўнатишарди.

Урғочи қўтос ўгирилиб қаради — подачи: уёққа, ҳув уёққа боравер... — дегандек қўлини чўзиб кўрсатди. Кейин у худди тош олмоқчи бўлгандек, ерга энгашган эди, урғочи қўтос бошини силкитганча йўлга тушди.

Урмон четидаги қайинзор орқасидан яшил ранга бўялган бутхоначанинг қора эшиги кўзга ташланарди. Бутхонача ёнидаги тош бирдан қимирлади-ю, яна қотиб қолди. Кейин яна қимирлаганди, орқасини ўгириб турган аёл кишига айланди. Кампир хачкардаги шамни ёқиб, ўчиб қолмаслиги учун уни шамолдан пана қилганча орқасига ўгирилди ва шу заҳотиёқ, кўзига кўри-наётган ажал эмас, урғочи қўтослигига ишонмай чўқиниб олди. Худога шукур, туш эмас экан: одам тушида қўтосни кўрса — оғир касалликка чалинади. У урғочи қўтосдан кўзини узмай, қўлидаги ҳассасини пайпаслаб кўрди, кейин — Исо пайғамбарнинг ўзи ёрлақасин, — сўқмоқ йўлга қадам қўйди.

Улар бир-бирларига обдан тикилишгач, урғочи қўтос ўз йўлида давом этди, кампирнинг юраги эса бир ҳаққариб тушди — бу синглиси Маргаритнинг урғочи қўтоси эди-да. Маргарит қачонлардан бери ўғли Степанга, опамникига кузда олиб бориб қўйиб, баҳорда олиб кел, деб айтади; агар у келса невараси опа-сингилци Эчмиадзинга бошлаб борган ва улар католикос<sup>1</sup>нинг ўнг қўлини ўпиб, ҳадя этилган ҳаётдан мамнунликларини изҳор қилган бўлишарди.

— Йўл бўлсин сенга? Синглим сени сотиб юбордимми ё ўзинг бирор нарсани кўнглинга тугдингми? Уч кечаю

<sup>1</sup> Католикос — VI асрда арман-григориан ва грузиц провозлав черковидаги патриархлар унвони.

уч кундуз карнай-сурнайу доира чалиб, қизлигимда тоғлар орқали мени шу ерга олиб келишганди. Ушанда синглим йиғлайвериб хун бўлиб кетганди. Акам қошинни чимирганча отда ўтирарди. Акажоним, жондан азиз ўн уч ёшли синглим, ғамгин отагинам...

Кампир гапирарди-ю, лекин урғочи қўтосга етиб юролмаётганди.

— Ҳой, йигит!

Кампир қандайдир бир болани ёрдамга келишини кутиб туриб қолди, бироқ ўти ўриб олинган, кўз қамаштирадиган даражадаги оппоқ далада унинг ўзидан бошқа тирик жон йўқ эди; ким келяптики, деб қарайвериб, унинг кўзларига оғриқ кирди, урғочи қўтос эса офтобнинг ёрқин нурларида эриб кетгандек кўздан ғойиб бўлди. Шундан сўнг кампир, телефон билан муомала қила оладиган биронта одамни топиш учун қишлоққа қараб юрди — у Кечутга, у ердан Ереванга, Еревандан Гугаркка, ана ундан кейин, у ердан Цмакутга, синглиси Маргаритнинг яшил либосга бурканган цмакутлик тоғларига қўнғироқ қилдириб, синглисига, хўш, нима дейсанки, урғочи қўтос Сатик ҳозиргина Дзорагюхдан ўтиб кетди, уни опанг кўрди-ю, лекин йўлидан олиб қодолмади, «урғочи қўтосингни сотиб юбордингми ё у қочиб кетдими?» — деб сўрашни кўнглига тукканди.

Сўқмоқ йўл бўйида ўтирган бир йигит билан уч қиз урғочи қўтосга парво қилишмади. Кейин подаю яланглик кўриниши ўрнига шуълалар ялт-ялт қилиб ўйнаётган тиниқ кўл кўзга ташланди. Қумда ётган йигит-қизлар ўзларининг икки ҳафталик суҳбат ва мунозараларидан сўнг шундай хулосага келишганди: агар мен ёсам, расм солсам, югурсам, севсам, сакрасам, кийинсам — демак, ўз-ўзлигимни тасдиқлашга интиламан, бундан чиқадикки, мен мукамал эмасман. Борди-ю, ёсамсам, расм солмасам, югурмасам, севмасам, сакрамсам, кийинмасам ва мана шундай яланғоч ҳолда қирғоқда ётаверсам, — демак, унда, ўз-ўзлигимни тасдиқлашга эҳтиёж сезмайман, демак, ўзимдаги хислатларни кўпайтиришни ёки яхшилашни истамайман, ва бинобарин, ўзимга бино қўйган одам эмасман, бундан чиқдикки, ўзим маъқул деб ҳисобламаган хислатларим йўқ бўлиб кетади, қайсики мавжудлиги... — Яланғоч, офтобдан қорайган, ўзларидан мамнун ҳолда жимиб қолган йигит-қизлар қуму қўлларига қўйиб ётган бошларини кўтариб, урғочи қўтосни кўришди. Вагнер мусиқаси, тасвирий санъат тўғрисидаги фалсафий муноқаша ва урғочи қў-

тос бир-бирига мос тушадими?.. Улар эс-хушларини йи-  
габ олиб, нимани — самолёт соясиними ё иблисними  
кўрганларини эсламоқчи бўлганларида ургочи қўтос  
аллақачон бу ердан қорасини ўчирган, фақат қаризга  
илиб қўйилган радиокарнайгина ялтираб кўринаётган-  
ди; у ялтираб кўринарди-ю, лекин миқ этмасди — туш-  
ликка чақирмасди.

Яна, бу йигит-қизларга ўзлари қандай пайдо бўл-  
ганлари, мана бу кўл сувини қаердан олиши, мана бу  
нақадек майин қум қаёқдан келтирилганлигию ошқона-  
даги электр печни таъминлайдиган электр қуввати қан-  
дай қосил қилиниб, печга етказиб берилиши, энг муҳи-  
ми, ўзгарувчан, ҳали тўла шаклланиб улгурмаган мия-  
лари нима билан озиқланиши муаммо эди. Улар риюли  
бир майл билан фожиа нима эканлигини Эсхил били-  
шига қўшилишди, айни пайтда, бир-бирларига кўз қис-  
шиб, лекин бир оғиз сўз ҳам айтмай, энг фожиали аср—  
бу, йигирманчи аср, ва модомики, фожиани англаб ту-  
риб, уни бошдан кечирмаслик энг муҳими экан, демак,  
йигирманчи асрнинг ўта фожиаси — бизнинг ўзимиз,  
деган қарорга келишди. Бироқ уларнинг сезгилари мана  
шу кўл тўғри жойлашгани ва қум ўринли тўшалганини,  
қаерлардадир — олис-олисларда машиналар бугдой  
ўриб, йкралар тайёрланаётгани ва меҳрибон доктор-она-  
лар болакайларнинг момик қўлчаларига игна санчаётган-  
ини, элчилар кўкрак чўнтақларига янгигина дастрўмол  
солаётгани-ю, газопровод чўлу даралар бўйлаб газ олиб  
ўтаётганини — буларнинг ҳаммаси эса, ҳали ер юзида  
инсоният вужудга келмаган ва лавалардан тошлар ҳо-  
сил бўлган буюк хаосга солиштириб, давр мазмунини  
англаб олишлари, ер куррасининг қуёш системасидаги  
ўринини белгилашлари учун эканлигини айтиб турарди.  
Ҳа, шундай эди, бироқ шу билан бирга, уларнинг қо-  
риқларию умуртқалари кунларнинг имиллаб ўтишидан  
қуриб, кичрайиб бораётганди.

Бирдан ҳаво етишмай қолди — қияликдаги ҳамма  
қаво бирданига йўқолиб кетгандек туюлди. Ургочи қў-  
тос йўлидан тўхтагани, гуллару асаларилар, баргла-  
ру ўт-ўланлар янгитдан вужудга келтирган ҳаво тўлқин-  
ни димоғига ялпиз билан зира ҳидини олиб келди —  
шундан сўнг у яна юриб кетди.

Бироқ унинг йўлини аллақандай тушунарсиз нарса  
тўсди, тўсгандаям, аввалига бир меъёрда эшитилаётган

<sup>1</sup> Хаос — қадимги грек афсоналарида айтилишича, дунё ву-  
жудга келгунча туман ва қоронғилик билан тўлган тубсиз чуқурлик.

овоз, кейин тўқ-тўқ қилишу димлик, буг, иссиқлик билан; нафасни бўғувчи карбид иси билан, жаранглашу, гижирлашу гарчиллаш билан, оловли тилларию қудратли, аммо бежон куч билан тўсди. У ям-яшил тоғлардаги ўрмонлару тошлққ ён-бағирлардаги бутазорларнинг барча хушбўйини, гуллар косасидаги, яна барглару ҳамма қаваклардаги бор-йўқ тоза ҳавони сиририб, унинг ўрнига ўрин аччиқ, куйинди исини чиқараётганди. У темирга темирни кийгизиб, асфальтга иссиқ асфальтни тўкиб, гилни чўянга айлантириб, ниҳоят, бир кунлик масофа доирасида бургутнинг учини баландлигидаги — ўрмонзорли тоғлардан тортиб то серқоя ён-бағирларгача бўлган жойлардаги хушбўй исларни ютоқиб ютиб, теварак-атрофни ҳавосиз бўшлиққа айлантираётганди. Ҳамма-ҳамма нарсани — кўҳна ям-яшил водийни, яккаю ягона болут дарахтини, кичкина қамишзору тўртта кўкнори поясини, наъматак бутасию сертук ёввойи асаларилар оиласини, оппоқ арпазору қўтосларни, подачининг қизил тусли бўрибосарию қўтосчани, яна бошқа қўтосларнинг изларини ҳам у ўз бетони остига яшириб юбораётганди. Аммо-лекин бунинг охири вой бўлиши мумкин, модомики қўтос ер остида қолибдими, охири вой бўлиши ҳеч гапмас, қидимги хурофотчилар: агар қизил сигир ер тагидан мўраса, албатта ер қимирлайди,— деб бекорга айтишмаган.

Кўрқуву шубҳага тушиб, энди нима қилишини билмай боши қотган урғочи қўтос тубсиз жарлик узра туртиб чиққан қоятошда турарди.

Ичиб олиб, жамоат уйлари деразалари тагида ашула айтгани учун милицияга тушган рассом Рубен Костанян жингалак сочлари олиниб, ўзи йўлларни асфальтлаш ташкилоти ихтиёрига тўрт кунга юборилганди: ташкилотда эса унинг қўлига белкурак билан каток тутқизиб қўйишди; ҳозир у белкурак билан асфальтни ёйиб, катокда текислаб, шиббалаётганди. Рубен жарлик узра туртиб чиққан қоя тош устидаги урғочи қўтосни асфальтдан кўтарилаётган бадбўй тутун орасидан ногаҳон кўриб қолди. Кўрди-ю... Жойида депсинганча, катокни улоқтириб, белкуракни бўлак-бўлак қилиб ташлаб, башарасини қоп-қора, янги асфальтга босганча юзтубан ётиб олди.

— Ярамаслар! — яп-янги асфальтнинг тимдалаганча бўкирди у. — Муттаҳамлар... нимага энди урғочи қўтос, қушлар, шамол, бута, нимага ҳаммаси эркину ўз хохи-

шича яшайди, нимага энди мен шундай бўлолмайман? Исканжа, ишлар, квадратлар, ажратувчи, кесувчи, қирқувчи, бичувчи...— Қатрон, самимийлик ва бур орасида қолган Рубен бошини кўтариб қараганда, назарида, урғочи қўтос шаҳар узра парвоз қилиб, нақ кўмкўк уфқ сари учиб кетаётгандек туюлди.

Мункиллаб қолган собиқ қўтос боқувчи Тигран бува бошини кўксига осилтириб, олтинчи қаватдаги уйи балконида ўтирганча, тасбеҳ доналарини битта-битта санаётганди, бирдан санашни унутиб, ўлим оғушидаги бир ҳазин товушда худою шаҳар диққинафаслигини аралаш-қуралаш қилиб ғўнғиллади:

— Анови кетаётган қўтосми ё менга шунақа туюлдимиди?..— Ҳамма нарсаниям пироварди бор... Кейин Левон отни елдириб келганди... Бу урғочи қўтосми ё менга шунақа кўриндимиди?.. Яхшилик — ёмонлик — худо... Яхшилик — ёмонлик — худо...

Урғочи қўтос сўқмоқ йўлдан четга чиқиб, бу ерларни айлланиб ўтишга аҳд қилди. Кўп ўтмай қуёш тоғ ортига бота бошлади, шаҳар эса чўзилгандан чўзилган бўлиб, чек-чегараси кўринмасди. Урғочи қўтос олтин баркашдек қуёш ортидан ғам-андуҳ билан маъради — нимага энди у ўз фарзандини бунақанги ғаразли дунёга ташлаб кетяпти. Шундан сўнг урғочи қўтоснинг танҳо ўзи тоғ қиррасида туриб қолди. Пастдаги тубсиз жарликни зулмат чулғаб, ундан эшитилаётган бўғиқ гувиллаш босилиб, аста-секин йўқ бўлиб кетаётганди. Кейин пастликда бирданига миллиардлаб чироқлар порлади; ёғдудан ҳосил қилинган том шаҳар узра осилиб тургандек, бу том устидан юриб, олислардаги қоятошли тоғларга етиб бориш мумкиндек кўриниб кетди. Аммо тубсиз жарлик урғочи қўтосни чалғитганди — у жарлик четига яқинлашиб келиб, орқасига чекинди, бир оздан сўнг яна унга яқинлашди-да, тағин орқасига гисарилди. Кейин кутилмаганда нимадир унга тегиб кетгандек, қадрдон нимадир уни меҳрибонлик билан жағрига босиб, бошидан оёғигача чулғаб олгандек туюлди: бу соғин қўтос бўлиш истагиданми ёхуд кўппак жасар офтобда ёйиб қўйилган дон ёнидан туриб, унга юшвоз келаётганиданми, урғочи қўтос ажратолмай қолди; эҳтимол, бу худди шу лаҳзада, олис-олисларда — уманли кўринаётган жойларда қўтос паст овозда, аммо ин юракдан маъраб юбораётганидандир... уйга олиб боувчи сўқмоқ йўл хаёлидан бутунлай кўтарилган, камир кўйлагининг ҳиди ҳам мутлақо унутилганди шу топ-



да. Қўтос эса, гарчи уни ўз ёнига чорласа-да, қорасини кўрсатмасди,— урғочи қўтос ўйлаган нарсаларининг ҳаммаси сароблигидан кўзлари ёшланди.

Шаҳар тинч уйқуда эди. Тонгга яқин ҳаво совиди. Урғочи қўтос эса бу пайтда шаҳарнинг нариги чеккаси-га бориб қолганди. Қаердадир ит вовулларди-ю, бироқ ўзи кўзга кўринмасди. Хўроз қу-қулади. Уйқу босиб, ўз қадами товушини аранг эшитаётган урғочи қўтос димоғига қўйларнинг намиққан ҳиди урилди, бироқ бундай бўлиши мумкин эмасди, бу хомхаёл эди, чунки тоғлар жудаям ўзоқларда қолиб кетганди-да, йўқ, кейин яна қўйнинг «ба»лаши эшитилди, кампир эса, баракалла, бугун елинингни сутга тўлдириб келибсан, деб урғочи қўтосини мақтаб қўйди. Урғочи қўтос тийганиб кетди-ю, уйқуси ўчиб, яна оёққа туриб олди — ер қўйларнинг сон-саноқсиз тапир-тупуридан силкинаётганди. У подачининг ҳуштагини эшитди, бояги қўйнинг ўзгинаси уч марта маъради, шундан сўнг жар ёқасига серка келиб, теварак-атрофни кузатди, кейин аксирганча, пастликка — урғочи қўтосу шаҳар сари юриб кетди. Бир оздан сўнг жарлик тепасида кўринган қўй подаси лаҳзагина тарадудланиб туриб қолди ва... Уйламай-нетмай, шаҳарга оқиб тушиб кела бошлади.

— Вах-вах-вах, ановини қаранглар,— подачилар кулиб юборишди.— Шаҳарликлар ҳам урғочи қўтос боқадиган бўлиб қолишибди-я.

Бу подачилар ҳам, қўй подасиям, подадаги биттаю битта бўрибосар ҳам урғочи қўтосга қадрдон эди. Урғочи қўтос улар билан биргаликда шаҳарда юришга кўрқмасди. Бироқ у подачиларни қийин аҳволда қолдирганди — ногаҳон уларнинг қулоқларига кимдир шундай деб шивирлагандек эди: бу урғочи қўтос ҳеч кимга қарашли эмас, у эгасиз мол, бир кило гўшт эса уч сўм, агар уч сўмни уч юз килога кўпайтирилса — тўққиз юз сўм бўлади, нимага бунақанги гўшт сотяписизлар, деб битта-яримтаси тихирлик қилса, қўлига секингина юз қистирилади, шундаям саккиз юз сўм қолади, уни иккига бўлса... Ўғирлик қилиш жудаям осон, фақат бунинг учун қамалиб чиқиш уят, лекин ўғирлик қилмаслик ҳам қийин, чунки шундоққина қўлинг етадиган нарсани ўғирламаганингни ҳадеб эслайвериб, ўзингдан-ўзинг фижи-ниб кетаверасан. Ахир дунёда, бир ёпишиб олса қўйиб юбормайдиган тентаклар ҳам йўқ эмас-ку,— бунақангилардан яхшилиқча қочиб қутула олмайсан. Гўё ҳеч нарсадан хабарлари йўқдек, аввалига: «Ниманинг гўшти

бу?» деб суриштиришади. «Қўтос гўшти»,— дейсан уларга, улар эса яна: «Хўш, нима гўшти экан бу?»— деб сўрашади-да, қўлларингга қарамай, кўзларингга қадалиб тикилиб олишади. Деразалар қоп-қоронғи, биронта милт этган чироқ кўринмасди,— шаҳар подачиларнинг шубҳаларию келаётган қўй подасини зимдан кузатиб турганди. Йўқ, бошқалардан уялгандан кўра ўзингдан уялганинг афзал, кейин судда худди уялаётгандек бир қиёфада тутасан ўзингни... Иккинчи қават деразасидан чекилган папирос қолдиғини иргитишиб:

— Қўйми, нима булар?— деб сўрашди.

— Қўй. Тонгингиз хайрли бўлсин.

— Ия, ана қўтос ҳам бор экан,— дейишди яна.

— Қўтос эмас, эшак бу.

Кўча чироқлари йилтираб кўринди. Кейин поданинг ҳорғинлик билан ташлаётган қадам товуши кўчани тўлдирди. Худди дарада тез-тез юз бериб тургани каби, бояги шамоллаб қолган қўйни бутунлай йўтал тутди. Аммо-лекин худди шу ерда тўсатдан молқўра, гулхан, мудраётган кўппаклар пайдо бўлиб қолса хўп ғалати иш бўларди-да. Лекин, афсуски, бу кўчанинг охири яйлов билан тугамайди... Урғочи қўтос қон ҳидини туйди, кўзига жонсиз каллалардаги жонсиз кўзлар кўрииб кетди. Унинг асаблари бўғимма-бўғим аста-секин бўшашиб кета бошлади, бундан ҳеч қандай оғриқ сезилмай, аксинча, урғочи қўтос ўзини гўё илиқ сувга ботаётгандек сездим — у ҳеч қандай қаршилик кўрсатмай чўкиб кетишга тайёр эди. Ростданми ёнгики у даҳшатли туш кўрдими, ҳар қалай қўшнингми, азроннингми, ниманингдир қаноти пода устига соя ташлаб, липиллаганча ўтди-ю, шу дақиқадан бошлаб урғочи қўтоснинг қулоғи том битди.

Пода сесканганча дарвоза олдида турар, бўрибосар кўппак эса ангиллаб, орқасига тисариларди, кейин у ўз овозини биров эшитмаслиги учун қайтадан ютиб юбормоқчидек оғзини каппа-каппа очди-да, урғочи қўтос оёқларига суркалиб, бутунлай жимиб қолди. Қимдир сездирмай, асабларни оҳиста юмшатиб, қўрқувини қувиб, қаршилик кўрсатишни сусайтираётганди — пода мудроқ босиб, ювош тортиб қолди. Бир пайт дарвоза табақалари орқасига очилиб, урғочи қўтос ўзига қилт этмай тикилиб турган бир жуфт кўзни кўрди, кейин бу кўзлар ундан узоқлашиб, бир ўчиб-ёниб, кўкариб, яна унга тикилиб олди. Пода, худди учиб кетаётгандек, осойишталик билан, овоз чиқармай дарвозага интилди. Кўз-

га кўринмаётган кимдир урғочи қўтосни меҳрибонлик билан ухлатаётган, аммо бутун кучи билан уни дарвоза томонга итараётганди.

.. Кейин кимдир ўзига бақираётганини эшитди — бақираётган подачи эди, у урғочи қўтосни орқасига қайтишга мажбур қилди, яна бақириб унга қамчи туширди — уни уйқудан уйғотди.

— Йўқол бу ердан! Ҳали сенинг ҳам вақти-соатинг келади, ҳозирча бу ердан қорангни йўқот, эгангни қидриб топ...

— Сенга кет, деяпман! — подачи унга яна қамчи туширди.

Леккин нимадир уни кетишга қўймай, дарвоза ичига тортар, назарида орқа оёқлари нақ пахта билан боғлаб қўйилгандек ва ҳозир, ҳозир у йиқилиб тушадигандек тўюларди, бироқ подачи уни қаттиқ урди — белию оёғига оғриқ кирган урғочи қўтос оғриқни думининг учу билан ҳайдаб юборишга уринди, бироқ уддасидан чиқолмади, — у чидаб бўлмас оғриққа айланди, шундан сўнг урғочи қўтос ҳеч қаёққа қарамай, бу ердан узоқлашиб кетди.

.. Юнглари осилиб-солиниб ётган шаҳар ити урғочи қўтос билан танишиб олишга уриниб, уни анча-мунча жойгача кузатиб борди, кейин ҳатто, биз эҳтимол қариндош қам чиқиб қолармиз, деб ўйлаб, аждодларини эслаб кўриш учун тўхтаб қолди, бироқ унинг гангиб қолган бошида ҳаммаси аралаш-қуралаш бўлиб кетди-ю, у бунақанги машаққатли ниятидан воз кечиб, урғочи қўтосни ўз ҳолига қўйганча, кушхона томон югурди.

Худди шу пайтда ёш туристлар лагеридаги Ерванд Хачатрян муздек сувда ювиниб, ўзига-ўзи мана бундай деб маъқуллаётганди: мен, — дерди у, — арманиларга ўхшаб гайратлиман, европаликлар каби илмлиман, рус тили эса деярли инглиз тилидек халқаро тил, анови қирқ поляк қизи эса, бир-бирларидан қизганиб, ҳаммалариям мени яхши кўриб қолишган, чунки қорамағиздан келганман, кўкрагим юнгдор, ҳар қандай шароитда ҳам ўзимни тута биламан.

— Нонуштага ўн беш минут берилади, — деди у ўша қизларнинг биронтасига ҳам қарамай.

— Уста, ўйлайманки, ўн беш минутда машина йўлга тайёр бўлади, — деди кейин автобус ҳайдовчисига қарамаган ҳолда.

— Арманистон — ривожланган шаҳарлар, қадимий меъморилик обидалари, юришга қулай йўллар мамла-

кати. Армани халқи меҳнатсевар, шу билан бирга меҳмондўст халқ. Агар турклар 1915—1916 йилларда бизнинг ярмимизни қириб ташламаганда, ҳозир халқимиз бутун дунё халқлари олдига дастурхон ёза олган бўларди. Тоғларимиз ёввойи, қўпол, лекин биронта дарамизда ҳам қўллариди қурол билан ёпирилиб чиқиб, туристларни қўрқитадиган, уларнинг номусига тегадиган қароқчилар йўқ. Мана шунинг учун ҳам бу кичкинагина мамлакат зидма-зидликлар ўлкаси деб аталади. Бир томондан дағал табиатли, иккинчи томондан эса хушмуомала халқ юрти бу!..

Машина анча жойгача би-билаб келди-да, қаттиқ тормоз бериб тўхтади. Э-э!.. Кулгили қандайдир бир бесўнақай ҳайвон бутун кўчани эгаллаб, машинага йўл бериши кераклигини хаёлига ҳам келтирмай, имирсиллаганча кетаётганди. Ҳайдовчи машинадан тушиб, жониворни йўл четига ҳайдаб чиқариб, жойига келиб ўтиргунча бояги баҳайбат махлуқ яна машина олдига тушиб олди. Ерванд Хачатрян подачини уялтириш учун бошини ташқарига чиқарди, аммо олдинда пода эмас, бор-йўғи биттагина урғочи қўтос кетаётганди. Машина дириллаганча урғочи қўтоснинг орқасидан бостириб бориб, уни жиндак ҳуркитди-ю, барибир йўлдан қочишга мажбур қилолмай, унга сал-пал урилганча тўхташга мажбур бўлди, поляк қизлари эса:

— Бу арманилар жўшқин, ғайратли одамлар-да, — деб қўйишди.

Ерванд Хачатрян автобусдан тушиб, елини яра бўлиб кетган урғочи қўтосга яқинлашди ва то автобус ўтиб кетгунча унинг қулоғидан ушлаб турди, кейин тореадорга хос жиддийлик билан машинага чиқиб, у ердаги илиқ тиззалар, яшил ранг кўзойнақлар, сийнабандсиз қаттиқ кўкракларнинг дириллаши оғушида, жинсларнинг махфий тил топишиши ва халқаро хушмуомалалик вазиятида гап бошлади, — у тор шимида таранг турган кетини гимнастларга хос бир ҳаракат билан ўриндиққа қўяр экан, деди:

— Бу махлуқ, чамаси, қўтос деб аталади. Кавказ тоғларида ҳали ҳам чорвачилик билан шуғулланувчи икки-учта халқ яшайди. Польшадаги арманилар жамоасининг пайдо бўлиши узоқ ўрта асрларга бориб тақалади. Сизнинг халқингиз жамоа ичида ўз-ўзини бошқаришдан тортиб, ҳамма нарсагача яратиб бериб, бобокалонларимизни яхши кутиб олганди. Грюнвальд остонасидаги жангларда бутун бошли армани полки қатнашгани маъ-

лум. Кинорежиссёр Ежи Кавалерович — армани. Модомики, ҳар бир поляк қиз-жувони истеъдодли актриса экан, Польшадаги ҳар бир армани Ежи Кавалерович бўлиб етишиши мумкин. Диққат қилинг, Ахавнаванк монастрига кўтарилиш бошланди. Ушбу монастирь қурилишининг бошланиш санаси саккиз юз йигирма бешинчи йил деб кўрсатилган. Уни қурган меъморнинг исму-шарифи номаълум, шартли равишда уни Трдат деб атаймиз. Хўш, бу исм бизга қаердан маълум. Трдат... А-ани вай-ро-на-сидан... — Шундай деб, кўкрангли кўзойнак таққан, бўйнидаги галстуги бир оз бўшатилган Ерванд Хачатрян дирижёрга хос бир тарзда олдинга эгилди ва шу ҳолида қизларнинг хотирасидаю уларнинг фотоаппаратлари объективида қолди.

Кейин уларнинг кўзойнак тақиб олган бошлари маъраш эшитилган томонга бараварига бурилди. Урғочи қўтоснинг меъморчилик обидасига ҳеч қандай алоқаси йўқ бўлиб, фақат кулги уйғотаётганди, лекин Ерванд Хачатрян ўзини тингловчиларининг нуқтаи назаридан четда қолишига йўл қўя олмасди:

— Озроқ лирик чекиниш қиламиз,— деб эълон қилди у, натижада диққат-эътибор бир пайтнинг ўзида ҳам унга, ҳам урғочи қўтосга тортилди. У урғочи қўтосга яқинлашиб, кўзини қисганча, унинг қулоғидан ушлади,— чўнтагидаги қўлини мушт қилиб,— фотоаппаратини шай қилиб турган қизларга юзланди:

— Африкадан эсдалик учун суратга олиб қўйинглар!

Елкасида ёнғоқдек ғурра кўринаётган, яқингинада итми, бўрими — нимадир елинига тишини ботириб олган урғочи қўтос бўғоз бўлиш илинжида учинчи куни тентираб юриши эди, эмчаклари ораси жудаям керилиб, ўзи эса зўр бериб мўраётганидан, чамаси, елини оғриётганди: буларнинг ҳаммасини назарда тутиб, Ерванд Хачатрян худди тентаклардек ишшайганча, бурини тортиб, кўзларини қисиб, кафти билан уни ҳам силлаётганга, ҳам ураётганга ўхшаш бир алпозда, биров ошитмайдиган қилиб, шивирлаганча сўради:

— Қаёққа кетяпсан, Сатик?.. Аҳволинг қалай, азивим?.. Бувим соғ-саломатми?.. Ҳозир сени нима қилишим керак энди?

Машина би-билаб, Ерванд Хачатрянни чақирғач, у лабини қимтиганча, тош устидан сакраб тушди-да, — чўнтагига тиқилган иккала қўлини мушт қилиб,— машинага қараб кетди. Рус тилининг инглиз тилидан фарқи

Йўқ — у ҳам халқаро тил, ҳаётдан ҳамма нарсани ола билиш керак, унга бера билиш ҳам керак, лекин, урдасидан чиқолсанг — бермаганинг маъқул.

Утган йили ҳам урғочи қўтоснинг ҳомила орттириши қийин бўлганди. Ушанда у қўтосни уйга қайтиб кетаётганда учратганди — унинг ёнида озроқ бўлди-ю, бироқ қочмади. Бир ойдан сўнг қони яна қайнаб, ўзининг эски изи бўйлаб йўлга тушган ва яккаю ягона болут дарахти бор водийни ҳеч бир қийинчиликсиз топиб, у ерда икки кунни ўтказганди. Уша йилги боласи августнинг охириларида туғилган, бироқ шамоллаб қолиб, инқиллайвериб, йўталавериб, охири ўлиб кетганди.

Урғочи қўтос ҳурпайиб олган типратикон мулоийм тортиб, игналарини туширгунча кутиб турди: типратикон кичкинагина бошини чиқариб, ялтираётган мунчоқдек кўзлари билан унга қаради, кейин юмалоқланиб олиб, сўқмоқ йўлдан физиллаганча кетди. Иссиқдан барглари сўлиб, қовжираётган буталар томондан иккита эчкининг маърагани эшитилди, оёғи остида илон вишиллади. Дала четига худди отни боғлагандек боғлаб қўйилган сигир мўради. Тавба, сигирни боғлаб боқишни ким кўрган ўзи. Далада эса, бир-бирига яқин икки жойда бошоқлар силкинаётганди, демак, қўзичоқлар экинзорга кириб кетишибди-да.

Дала қоровули кўринмас, фақат узоқдаги қияликдан ёзги яйлов чодирлари оқариб кўринарди. Урғочи қўтос дала ёқалаб озроқ юриб борди-да, бирон-бир пана жойдай уни кузатиб турган дала қоровулининг кўзини шамғалат қилиб, тўсатдан ўзини экинзорга уриб, кучи борича чошиб кетди. Бошоқлар шитирлаб, шу яқин-атрофда қўтос борлигини ҳис этаётган урғочи қўтосга ором бераётганди. Бу деярли эришилган нақд бахт эди, бироқ дала ўртасига етганда у бўлиниб қолди — катта йўл чеккасида ялтираганча машина турар, унинг ёнгинасидаги ўтда эса бақалоқ, тепакал, оқкўнгил, бироқ бичилган эркак Эдвард Айрапетян ўтириб олиб, ўзининг икки аёл ҳамроҳига ширин-шакар сўзларни тинимсиз айтаётганди, лекин бу сўзларнинг ҳеч қанақанги таъсир кучи йўқ эди, чунки қуруқ гап эди-да улар. Эдвард тепакални дастрўмолига артар экан, катта йўлга чиқиб олган урғочи қўтосга кўзи тушиб, хурсанд бўлиб кетди.

— Торо!.. Бунчаям яхшисан!— деди, лекин у ёлғон гапирди, чунки урғочи қўтос чиройли эмасди. Шундан сўнг Эдвард Айрапетян аёлларга ҳўкизларнинг испанча олишуви ҳақида тўлиб-тошиб ҳикоя қилишга тушиб

кетди, унинг бу гаплари ҳам чиройли эди-ю, аммо ёлгон, тайин-таъсирсиз эди, негаки катта йўл устида ҳўкиз эмас, қўтос, қўтос ҳам эмас, бўғоз бўлишга орзуманд урғочи қўтос турганди. Кейин Эдвард аёллар тиззасидаги думалоқ чуқурчаларни мақтади, бироқ бу тиззалар унинг ўзи учун ўлик эди, бўлмаса у бунақанги хатосиз ва ҳар икковини ҳам бараварига мақтай олмасди. Шундан сўнг у, пантеизм бизда расмий равишда рағбатлантирилмаса-да, ўзи пантеизмга ишонишини ва табиатга сажда қилишгина бу фожиавий сайёрани сақлаб қолиш учун бирдан-бир йўл деб ҳисоблашини айтиб берди, бироқ афсуски, буларнинг бари яна қуруқ гап эди, негаки у тушликка ейилган ширинлик — хашилни қанчалик яхши кўрса, урғочи қўтосни ҳам, чақмоқни ҳам, галла ўринини ҳам шунчалик яхши кўрарди, бунинг устига яна уларни машинада ўтирган пайтидагина яхши кўрарди. У ҳамроҳларига мана шу ҳўкизнинг шохлари қичишаётгани-ю, бу эса унинг худди ўзига ўхшаб шохи қичишаётган бирон-бир ҳўкиз билан сузишиш ва натижада ўз авлодини чиройли ҳамда янада яхшироқ бўлиши туфайли эканлигини жон куйдириб тушунтира бошлади.

Чодирлар ёнига кўтарилиш машаққатли бўлди, урғочи қўтос у ерга етиб боргунча бир кун кетди, бироқ қияликка тикилган чодирлар ёзги яйлов чодирлари эмас экан — геологлар машиналарини ўша жойга ўрнатиб олиб, ерни бурғалаётган, илма-тешик қилишаётганди. Улар машиналарини тўхтатиб, урғочи қўтосга ўгирилиб қарашди:

— Марҳамат қилсинлар!

Урғочи қўтос йўлида давом этмоқчи бўлди-ю, бироқ энди ҳеч қаёққа боролмаслигини тушуниб қолди, — у теваарак-атрофига олазараклик билан кўз югуртириб, маъраб, ўтларни ямлаб узиб, тунаш учун ўзига мана шу геологлардан жой сўрашга аҳд қилди. Чодирлар ўртасидан шамол эсмаётганди, — урғочи қўтос ўша ерга кириб чўзилди, кейин оёқларини тагига босиб, тумшугини ерга тираб, мудрашга тушди. Аввалига у, бурғилар тинимсиз ишлаётганидан, ўзини худди ҳавода тебранаётгандек сеза бошлади, кейин бутунлай ухлаб қолди.

Тушида у ўзининг ўтган йилги касалманд боласини ялаб-юлқади; боласи эшитилар-эшитилмас овоз чиқариб ингради, кейин кампир билан подачи Минас она қўтосни алдашди — улар боласининг пахмоқ юнгли терисини шўр сув билан намлаб, сигирнинг бузоқчаси устига ёпиб қўйишди. Тушида у касалманд боласининг кум-

калласини ялади, йиғлади, киши билмас бу ғамгинлик эса, худди тушдек ёқимли эди. Кейин боласининг пажмоқ териси сирғалиб тушиб кетиб, сигир сути анқиётган бузоқча титраб кўринди — урғочи қўтос уни туртиб, маъраб юборди.

Урғочи қўтос уйғониб, уйқули кўзлари билан атрофни кузатди — бурғилар тиқир-тиқир қилиб ҳали ҳам ерни тебратаётганди. У ўрнидан турмоқчи бўлди-ю, лекин эриниб, оёқларини тагига тиқиб олди, бошини ёнига қийшайтирганча, яна мудрашга тушди. Елини салпал эзилаётганди... ҳозир кампир келиб, уни соғади. Кампир уни эркалаб, ашула айтиб соға бошлади, бироқ елини бўшамади. У елинини бўшаштирган эди, барибир эмчакларининг оғриши босилмади.

Урғочи қўтос ярим кечада уйғониб, қаерда ётганини эслашга уринди, теварак-атрофга қулоқ солди — юлдузлар ёғдуси остида одамлару машиналар хотиржам ухлашар, дунёнинг нариги чеккасида ит увиллар, олис-олисларда подачиларнинг гулханлари милтиллаб кўринар, куни билан ишлаган кишилар чодирларида бир текисда нафас олишар, юлдузлар эса узоқ-узоқларга совуқ нурларини сочарди. У ўрнидан туриб, тоза ҳаволи тунда керишди-да, ўтлай бошлади. Тонг отиб, заҳартанг қилган одамлар ташқарига чиқишгандагина бошини ердан кўтариб, бир марта маъраб қўйди — саломат бўлинглар. Улар эса кулиб, кўнгилчанлик билан дейишди:

— Ҳе! Шайтонвачча, қўрқитиб юбординг-ку одамни. Чодир ичидан эса хирилдоқ овоз эшитилди:

— Нима гап?

— Кечаги урғочи қўтос сизларга хайрли тонг тилапти...

— Эгасини қидираётгандир, соғиб ол...

— Ухлагани қўйсаларинг-чи! Кўнгилхушлик қиладиган хўп вақтини...

Бирдан орага жимлик чўкди. Кейин кимдир яна ачиқ-тизиқ гап айтди, бошқалар эса унга жавобан бараварига хахолаб кулиб юборишди.

Эрталаб геологлар урғочи қўтосга шундай дейишди:

— Бизни мацун билан сийламоқчи бўлдингми? Баракалла, жуда тўғри ўйлабсан буни...

Урғочи қўтоснинг борадиган жойи йўқ эди. Тўғри, дунё кенг, ҳар гап у янада кенгайиб кўринарди, ундаги сўқмоқ йўллар ҳисобига етиш мумкин эмасди, лекин ҳозир дунё маза-матрасиз бир нарсага айланганди, чунки унинг юзидан барча ғам-қайғу аста-секин ариб, мўл-



кўл ўт-ўланларгина қолганди. Урғочи қўтос шу яқин-атрофда пода борлигини фаҳмлади, аммо бу пайтда унинг безовталиги босилиб, алафда кўнгли тинчиб қолаёзганди. Сўқмоқдан кигиз, ит, пишлоқ, аччиқ тош, резина этии ҳиди анқир, урғочи қўтос вужуди эса ҳозир тоғ ортидаги ёзги яйловга тикилган чодирлар атрофида қўтос юрганлигини идрок этиб, унинг баданига титроқ киритолмасди. У булоқдан анқиётган пода ҳидига ҳам эътибор бермай, сувдан қўтосчасига мириқиб йўди, тўйиб ичганидан ҳатто ҳарсиллай бошлади. Кейин иккита челак кўтариб сувга келаётган курд аёлига йўл бермаган қоп-қора, баҳайбат, бақувват урғочи қўтос вовиллаётган итлар ўртасида туриб олганча, бундан буёғига нима бўлишини кута бошлади. Бир курд келиб, бақириб, чақириб, итларни ҳайдаб юборди, қўлидаги таёғини қаёққадир улоқтириб, унинг қулоғини қашиди. Аслида ҳам, худди шундай бўлиши керак эди. Кейин катта-катта қўлларини кўксига чамбарак қилганча курднинг онаси келди, урғочи қўтоснинг ҳаммаёғини қараб чиқди, чўккалаб ўтириб, елинини кўздан кечирди, эмчагини санаб кўрди — бир, икки, уч, тўрт, — кейин ҳаммаси бут, деганча ўрнидан туриб, урғочи қўтоснинг олд томонига ўтди у хурсандчиликдан ял-ял ёнаётганди.

— Шко, — деди у урғочи қўтосдан кўз узмаган ҳолда ўғлига, — Шко, онанг сени эркак қилиб тукқанди-му, нимага энди онанга битта урғочи қўтос сотиб олиб беролмайсан, а, Шко?

Курд урғочи қўтоснинг қулоғидан ушлаганча, чодир томон судраб кетди.

— Туз олиб кел, — деди у кейин онасига, — буни эмас, тозасини. — Арқонниям ола кел.

— Менга урғочи қўтос сотиб олиб бер. Ҳали онанг, Шко, юз йил яшайди, болаларингни катта қилади, қўйларингни соғади, қачон кўнглинг тусаса, Шко, сенга урғочи қўтос мацунини тайёрлаб туради...

Курд урғочи қўтоснинг орқасини силади, қулоғини қашиди, кейин, кўз очиб юмгунча, қулоғининг учини кесиб, кул сепди, кул сепди-да, яна артиб қўйди. Шундай қилиб, бу курд қулоғи кесилган эллик қўй, битта урғочи қўтос, тўртта сигир, учта эчки, қулунли битта байтал ва иккита ит эгаси бўлиб олди, — паспорти керак бўлса, ана, кўришаверсин, байтал қулунлаган пайтидан бери униқ.

— Соғиб ол, — деди курд онасига, — елини тўла, соғиб ол. Туз егинг келяптими, — деди у урғочи қўтосга, — қулоғинг жудаям оғрияптими, мана, туз, еявер.

Қўллари ни кўксига чамбарак қилганча турган курднинг онаси гоҳ йиғлар, гоҳ куларди, кейин у кўз ёши аралаш:

— Шко, — деди ўглига, — агар уни қўйиб юборсанг, бўрига ем бўладими, а, Шко? Ачинасан-да унга, а, Шко?

— Ем бўлади, нимага ем бўлмас экан, албатта бўри ейди уни, — деди курд урғочи қўтоснинг қулоғини қашиганча. — Урғочи қўтосимиз ўн бир ёшли.

Курднинг қизи келди-да, кумуш тақинчоқларини жиринглатганча чапак чалиб, урғочи қўтоснинг олдида туриб олди.

— Урғочи қўтосим жудаям ёқимтой-а, қаранг, ия, бунинг боласи қани?

Курднинг онаси мис идишни ювиб келиб, бир оғиз сўз ҳам айтмай, хурсандчиликдан йиғлаганча урғочи қўтоснинг ёнгинасига ўтирди-да, ҳам йиғи, ҳам қўшиқ билан уни соға бошлади. Урғочи қўтос бўйинини қийшайтириб уни ҳидлаб кўрди — қўй ҳиди келди, — у оёқларини кериб, эмчакларини бўшаштирди. Шабада қаергадир шошилиб эсарди-ю, лекин ачимтир қўй ҳидини ўзи билан олиб кетмас, қуёш гарчи тепасидан қиздирса-да, иссиқ унчалик билинмасди; яйлов узра оппоқ булутча сузиб юрар, булутча остида эса кичкинагина тўрғай ўз куйига ўзи маст бўлиб қуёшу шабадаю кун иссиқ эмаслиги тўғрисида шўх-шўх сайрарди, лекин ҳаммасиданам, кампирнинг урғочи қўтосни соғаётгани қанчалар кўнсилли, қанчалар соз эди.

Кейин бирдан эмчаклари қаттиқлашиб, юмилиб қолди.

— Вуй, бу яна нимаси, — кампир чўчиб тушди. — Нақ иблиснинг ўзига йўлиққандек бўлдим-а.

Карахтликдан қутулган урғочи қўтос пастдаги кичикроқ яланглик уйғониб, нафас ола бошлаганини бирдан кўриб қолганди. Бутун теварак-атрофни қоронғилик чулғади, қуйидаги кичикроқ яланглик эса ёқимли кўриниб, товланиб кетди — ўша ердаги қўтослар подасидан биттаси қорайиб ажралиб чиқиб, унинг кўз ўнгидеда баҳайбат буқа-қўтосга айланди, кейин у бошини баланд кўтариб, паст овозда, аммо чин юракдан мўради.

Урғочи қўтос бир дақиқача қотиб қолди, кўзлари ёшланди ва... қўтоснинг чақирғига кеч, жудаям кеч жавоб қайтарди. Кейин, қулоғи битиб, кўзига ҳеч нарса кўринмай, нақ ақлдан озгудек бўлган урғочи қўтос, бошини ердан баланд кўтариб, ердан учиб кетмоқчидек кўринаётган

қўтос томонга ташланди. Лекин нимадир уни тортиб, бўйинини синдиргудек; деярли синдириб юборгудек бўлди. Ия, арқон-ку бу. Урғочи қўтос ўзини курд арқондан бўшатишини кутиб турди, бироқ курд арқонни қозыққа шоша-пиша ўрай бошлаган эди, у борган сари тортилиб, калталашиб бораверди. Урғочи қўтос бирдан ирғишлаб қочиб кетмоқчи бўлганди, маҳкам боғлаб қўйилган арқон шохларининг таг-тагигача зириллатиб юборди, айна пайтда, қозық билан курд жойларидан учиб кетишди — урғочи қўтос уларни судраб кета бошлади; у сакраб-сакраб борар экан, анчагача оёқлари остида ит ўралашиб юрди, арқон туёқлари орасига кириб қолиб, қозық қорнига қаттиқ урилди; арқон туёғи орасига янада қаттиқроқ ботганда, ит ангиллаганча қаддадир ярим йўлда қолиб кетганди, кейин у қоқилиб, бирдан тиззалади-ю, лекин оғриғу иссиққа қарамай шу захотиёқ ўрнидан ирғиб туриб кетди. Урғочи қўтос ўрнидан туриб, ёшли кўзлари билан олдинга тикилиб, мўраб юборди. Бошини ёнига қийшайтирганча қимир этмай турган қўтос ҳам паст овозда мўраб, жавоб қайтарди.

Урғочи қўтос ҳар қадам қўйганда бир тўхтаб, тепадан хотиржамлик билан тушиб, шошилмасдан қўтосга яқинлашди. Улар бир-бирларига тикилиб қарашди ва шундан бошқа ҳеч нарса қилишмади — қолганининг ҳаммасини далаю қўтослар худоси ниҳоясига етказди. У улар орасидаги масофани йўқ қилиб, урғочи қўтоснинг бўйинини қўтоснинг қалқуми тагига қўйди, қонларини аралаштириб юборди, ҳар икковини оҳиста инграшу қўмсаш, беҳушлиғу уятсизлик ҳамда қонларнинг қизиб кўпириши пардасига ўраб-чирмаб ташлади. Улар бир жону бир танга айланишганда урғочи қўтос урғочи қўтос бўлмай, лаққачўғга айланганди. Кўпираётган қони босилиб, ўз ҳолига қайтгач, у қўтосдан ажралди-ю, яна оддий, қора урғочи қўтосга, бўлажак онага айланди. Тоғу тошларга хос овозлар қайтадан эшитила бошлади, бўтун теварак-атроф ёришиб кетди, тоғу қўтослар қораси бир силкиниб олиб, ўз ҳолига қайтди. Дунё урғочи қўтос кўзига яна ёруғ кўрина бошлади.

Курд унга хўжайин чиқмоқчи бўлди, оёқлари остида ўралашган ит нима хоҳлаганини эса у ҳалигача тушуна олмайди, қозық ҳам нақ атайлаб, ғазаб билан отиб юборишгандек қорнига шунақанги урилдики, асти қўяверинг, курднинг арқони бўлса ҳалиям оғриқ беряпти... Сув ичиб олган урғочи қўтос бошини баланд

кўтариб, туману кунлар орасидан кампирни кўрди. У шу заҳотиёқ шиддат билан йўлга тушмоқчи бўлганди, тўқлари орасига кириб қолган арқон халақит берди. Тўхтади. Кўз қири билан энди ер юзиде кераксиз ва нимага яшаётгани тушунарсиз бўлган, аммо нимагадир унинг орқасидан эргашиб келаётган кўтосни кўрди: унинг бунақанги эргашиб келишидан маъни йўқ эди, чунки у урғочи кўтос тоғларининг жонзоти эмасди-да... Арқон ниҳоятда жонига тегиб кетган урғочи кўтос маъюсланиб ўрнидан турган ҳам эдики, кўтос унинг орқасига суйкалди. Шунда у шиддат билан ёнига ўгирилиб, кўтосни сузиб юборди, чунки бу кўтос аҳмоқ бир жонивор эди-да; яна сўқмоқ йўлда туриб олганча, тентакка ўкшаб, кўзларини ола-кула қилиб қараётганди.

Арқон яна туёғи орасига кириб, кўзига зўр келган урғочи кўтос кўпроқ қаери оғриётганини билиш учун тўхтади: қорнида пушт билинар-билимас уйғонаётган, туёғи зирқираб оғриб, кўзига зўр келаётганди, умуртқасидаги оғриқ эса алмисоқдан қолган, лекин қозиқ урилган жойи бир жизиллатиб оғриб келар, бир босиларди, қулоғининг учи, сўна ўтирган шекилли, қичишаётганди. Ана шу оғриқ ичида у ўзига таниш қадам товушини ажратиб олди-да, келаётган тентакни сузиб ўлдиришга тайёр ҳолда пишқирганча, ёнига ўгирилди, ана шундагина кўтос ўзини йўқотиб, аланглаб қараб, йўлида таққа тўхтаб қолди ва ўзини ёлғондакам бепарволикка солиб, ўт чимдишга тушди...

Геологлар тўрт томондан ўраб, қўлларидаги болталарини силкитишиб, урғочи кўтос йўлини тўсишди-да, кулганча унинг устига ёпирилишди, кейин нимагадир унитиз чўкишга мажбур қилишди; ҳолдан мутлақо тойган урғочи кўтос ниҳоят таслим бўлган ҳам эдики, улар орқаларига тисарилишди:

— Ҳа, майли, йўлингдан қолма энди.

Она кўтос эҳтиётлик билан, асаблари таранг тортилиб, қадам ташлади, сирғалиб кетди, ўрнидан турди, бироқ кўзлари ситилиб оқиб тушгани йўқ, туёғигаям ҳеч нарса қилмади, — у бир оз кутиб турди, кейин яна юриб кўрди: бўйнидаги арқон йўқ бўлиб қолганди — у бошини бир силкитиб, шохларини арқон тўғрисидаги хотиралардан қутқарди-да, бошқа ҳеч қаерда тўхтамай, тез-тез юриб кетди...

Бешинчи куни кечқурун — моллар сут тўла елинларини соғдириш учун келаётган оқшом чоғида урғочи кў-

тос ҳориб-чарчаб ёзги яйловга кириб келди. Хўкиз ер ҳайдашдан, меҳнаткаш ўроқчи пичан ўримидан қай аҳволда қайтса, плуг темирчи устахонасига қай аҳволда жўнатилса, ёз оқшоми қишлоққа қай аҳволда судралиб келса у ҳам шу алпозда яйловга кириб келганди. У одоб сақлаб, қимир этмай эгаларини кутиб турган биққи си-гирлар орасидан ўтиб бориб, наमत чодир қаршисида тўхтади-да, ҳорғинлик билан мўради: «Мў-ў-ў!...»

— Ҳозир, қорагинам,— деди кампир.— Келдингми?

## МУНДАРИЖА

Саман отлар уюри . . . . .	3
Келин тушириш . . . . .	224
Ўфдаги яйловлар . . . . .	331

*На узбекском языке*

МАТЕВОСЯН ГРАНТ ИГНАТОВИЧ

ХЛЕБ И СЛОВО

Повести

*Перевод с издания издательства «Молодая гвардия», 1974 г.*

Редактор Ш. Обидов  
Рассом В. Немировский  
Расмлар редактори А. Кива  
Техн. редактор Э. Саидов  
Корректор Э. Ганиев

ИБ №3272

Босмахонага берилди 12.02.85 Босишга рухсат этилди 10.07.85. Формати 84X108<sup>1</sup>/<sub>32</sub>, Босмахона қоғози № 2. Адабий гарнитур. Юқори босма. Шартли босма л. 19,32. Шартли л. кр — оттиск 19,74. Нашр л. 20,47. Тиражи 30 000. Заказ 1774. Баҳоси 1 с. 30 т.

Гафур Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти. 700129, Тошкент, Навоий кўчаси, 30.

Нашриётлар, полиграфия ва китоб савдоси ишлари бўйича ЎзССР Давлат комитети Тошкент «Матбуот» полиграфия ишлаб чиқариш бирлашмасининг Бош қорхонаси. Тошкент — 700129. Навоий, 30.

**Матевосян, Грант.**

Нон ва сўз. (Қиссалар) /Русчадан А. Шомирзаев тарж./.— Т. Адабиёт ва санъат нашриёти. 1985.—368 б.

Таниқли арман адиби Грант Матевосяннинг ушбу китобига «Саман отлар юри», «Келин тушириш», «уфқдаги ялловлар», каби қиссалар киритилган. Бу асарларда арман деҳқонларининг қизини ҳаёти, меҳнати, улар онгиди юз бераётган ўзгаришлар, қишлоқдан шаҳарга бориб ўрнашиб қолган ёшларининг турмуш тарзлари ўз ифодасини топган.

**Матевосян, Грант. Хлеб и слово. Повести.**

**С(Арм)**